



# Саҳиҳи Муслим

Таржимон Анвар Аҳмад

Интернета тайёрлади  
Абу Муслим

## Имом Муслим ҳақларида

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим

Имом, ҳофиз, муҳаддис Абу Ҳусайн Муслим ибн Ҳажжож ибн Муслим ибн Вард ал-Қушайрий ан-Нисобурий ҳижрий 204 ҳижрий (милодий 819) йили, баъзи манбаларга кўра эса, 206-821 йилларда Нисобурнинг Қушайр қишлоғида туғилганлар. Дастлабки таълимни оталари, ўша даврнинг йирик уламози Ҳажжождан олганлар. 218 ҳижрий санада шайхлари Яҳё ибн Яҳё ат-Тамимийдан ҳадис эшитишни бошладилар.

12 ёшда Қуръони каримни ҳифз қилганлар. 220 ҳижрий санада ҳаж фазрини адо этганлар.

Сифатлари – мукамал қоматли, соч-соқоли оқ, баззоз бўлганлар.

Аввалги асрларда ҳадис талабида сафар қилиш аҳли ҳадиснинг шиори эди. Чунки суннат ва асарларни билувчилар Ислом ўлкаларига тарқалиб кетишган эди.

Имом Муслимнинг биринчи сафарлари 220 ҳижрий санада бошланган эди. Маккада шайхлари Абдуллоҳ ибн Маслама ал-Қаънабийдан ҳадис эшитдилар. Шунингдек, қайтаётганларида Кўфада Аҳмад ибн Юнус ва бир нечта жамоадан ҳадис эшитиб қайтдилар.

Иккинчи сафарлари 230 ҳижрий санадан олдинроқ бўлди. Бунда ҳам кўплаб ўлкаларни ҳадис талабида кезиб чиқдилар.

### Кириб ўтган шаҳарлари номи

1. Хуросон ва унинг атрофидаги шаҳарлар.

2. Рай шаҳри.

3. Ироқ, Кўфа, Басра, Бағдод. Бу шаҳарларга бир неча марта кирдилар.

4. Ҳижоз, Макка ва Мадина шаҳарлари.

5. Шом. Имом Хатиб, Ибн Асокир, Самъоний ва бошқалар Шомга кирганларини исботлашади. Аммо Имом Заҳабий: «Шом атрофига кирганлар, лекин Дамашққа кирмаганлар», деб айтдилар.

6. Миср.

Имом Муслимнинг ҳадис илмида етук эканликларига кибор уламолардан бир нечталари гувоҳлик беришган. Улардан Аҳмад ибн Салама Нисобурий, Абу Зуръа, Абу Ҳотамлар гувоҳ бўлишган.

Имом Муслим ҳадис илмининг қуйидаги шўъбаларида кучли эканликлари намоён бўлган:

1) Ҳадис илми;

Бу илм ҳадиснинг матни, санади, нассларининг ёд олингани, ҳадисдаги ихтилоф ва зиёдасини, ҳадиснинг саҳиҳ ва заифини ҳамда марфуъ, мавқуфи ва мақтуъларини билишдир.

Имом Муслимнинг шоҳ асарлари «Саҳиҳи Муслим»дир. У зотнинг узоқ йиллар давомидаги машаққатли меҳнатлари ва бутун ақл-заковатларининг самараси бўлган ушбу асар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларига бағишланган энг эътиборли ва муҳим манбалардан биридир. Саҳиҳ деб эътироф қилинган олтита саҳиҳ китобининг иккинчисидир. Илм аҳллари орасида бу асар «Жомеъ» ёки «Муснад» номлари билан ҳам юритилади.

«Саҳиҳи Бухорий» ва «Саҳиҳи Муслим» Ислом оламида ҳақли равишда Қуръони каримдан кейинги асосий манбалар ҳисобланади. Имом Муслимнинг саҳиҳ китоблари Бухорийнинг саҳиҳ китобларидан кейинги ўринда туришига бутун уммат иттифоқ қилишган.

Бу ҳақда у зот ўзлари: «Бу муснадга бир нарса киритсам, фақат ҳужжат билан киритдим. Бирор нарса туширсам ҳам, фақат ҳужжат билан туширдим. Саҳиҳ китобим ўзим эшитган уч юз минг ҳадислардан танлаб олинган», деб айтдилар.

Унинг таснифи учун ўн беш йил вақт кетди. Мана шу йил мобайнида ҳадисларни тўплаб йиғганлари учун ҳам Аллоҳ бу китобнинг мартабасини кўтарди.

2) Илму рижолил ҳадис;

Муҳаддислар санадларни ажратишда эътимод қиладиган энг асосий нарса шудир. Бунда исмлар, кунялар, лақаблар, насаблар ўрганилади.

3) Илмул жарҳ ват-таъдил;

Бунда ҳадис ривоят қилувчиларнинг кучли ёки заиф эканликлари танқид қилинади.

4) Илму илалил ҳадис;

Бир ҳадис илмининг энг махфий ҳамда дақиқ бўлагидир.

Имом Муслим шу фанларда кўплаб асарлар битганлар.

Имом Муслим сафарлари давомида кўплаб шайхлардан ҳадис эшитганлар. Ҳофиз Заҳабий Имом Муслим саҳиҳларида ривоят қилган шайхларини санаб 220 тага етказдилар. Улардан машҳурлари:

1. Абдуллоҳ ибн Маслама ал-Қаънабий;

2. Аҳмад ибн Ҳанбал;

3. Исҳоқ ибн Роҳавайҳ;

4. Яҳё ибн Муъийн;

5. Исҳоқ ибн Мансур ал-Кувсаж;

6. Абу Бакр ибн Абу Шайба;

7. Абдуллоҳ ибн Абдураҳмон Дорамий;

8. Абу Курайб Муҳаммад ибн Аъло;
9. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Нумайр;
10. Абд ибн Ҳумайд;

Имом Бухорий, Зуҳалий ва Ибн Мадийнийлар ҳам у зотнинг устозларидан эди. Муслим ибн ал-Ҳажжожнинг Имом Бухорийга нисбатан муҳаббатлари чексиз бўлиб, у зотга ғоятда иззат-икром ва эҳтиром кўрсатадилар. Бир куни Имом Бухорийнинг ҳузурларига келиб, у зотни юз-кўзларидан ўпиб: «Эй устозларнинг устода, муҳаддисларнинг саййиди, иллатли (ноқис) ҳадисларнинг табиби! Менга оёқларингизни ўпишга рухсат қилинг», деб мурожаат қиладилар. Имом ал-Бухорий Нишопурда турган вақтларида у зотдан бир қадам ҳам ажралмасдан, эртаю кеч у зотнинг ёнларида бўлдилар.

Имом Бухорий Муслимнинг устозларидан бири бўлишларига қарамасдан, у кишидан бирорта ҳадис ривоят қилиб саҳиҳларига киритмаганлар.

### **Имом Муслимнинг шогирдлари**

1. Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб ал-Фарро;
2. Абу Ҳотам Муҳаммад ибн Идрис;
3. Абу Бакр Муҳаммад ибн Назр ибн Салама;
4. Али ибн Ҳусайн ибн Жунайд ар-Розий;
5. Солиҳ ибн Муҳаммад Жазора
6. Абу Исо ат-Термизий;
7. Иброҳим ибн Абу Толиб;
8. Аҳмад ибн Салама Нисобурий;
9. Абу Бакр ибн Ҳузайма;
10. Маккий ибн Абдон;
11. Абдурахмон ибн Абу Ҳотам Розий;
12. Абу Ҳомид Аҳмад ибн Муҳаммад Шарқий;
13. Абу Авона ал-Исфароний;
14. Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Суфён.

### **Имом Муслимнинг бизга етиб келган асарлари**

1. Саҳиҳи Муслим;

2. Куня вал-асмо;
3. Ал-Мунфаридот вал ваҳдон;
4. Табақот;
5. Рижолу Урва ибн Зубайр;
6. Тамйиз.

### **Имом Муслимнинг бизга етиб келмаган асарлари**

1. Ал-Муснад ал-Кабир ʔалар рижал;
2. Ал-Жомиʔ ал-Кабир ʔалал абваб;
3. Ал-Илал;
4. Ал-Афрод;
5. Ал-Ақрон;
6. Суолотуҳу Аҳмад ибн Ҳанбал;
7. Ҳадису Амр ибн Шуъайб;
8. Интифоʔ биаҳабис сибоʔ;
9. Машойиху Молик;
10. Машойиху ас-Саврий;
11. Машойиху Шўъба;
12. Ман лайса лаҳу илла ровин воҳид;
13. Китобул Мухзарамийн;
14. Авлодус саҳоба;
15. Зикру аҳволул муҳаддисийн;
16. Афроди Шомиййин.

### **Саҳиҳ Муслимга ёзилган шарҳлар**

1. Тафсир ғарийб ас-саҳиҳайн. Муаллифи Ҳумайдий (вафотлари 488 ҳижрий йил).
2. Ал-муфҳим фи шарҳи ғарийб Муслим. Муаллифи Имом Абдулғофир ибн Исмоил ал-Форсий (вафотлари 529 ҳижрий йил).
3. Ал ийжоз в-ал-баён ли-шарҳи хутбат китоб Муслим маʔ китаб-ил-ийман. Қуртуба қозиси Ибн ал-Ҳож (вафотлари 529 ҳижрий, 1134 милодий) томонидан ёзилган.
4. Шарҳ ал-имом Абу-л-Қосим Исмоил ибн Муҳаммад ал-Исфаҳоний ал-Ҳофиз (вафотлари 535 ҳижрий йил).
5. Ал-Муълим фи фаваид Муслим. Муаллифи Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн Абу Томийм ал-Мозорий (вафотлари 536 ҳижрий 1141 милодий йил).

6. Икмол ал-Муълим би-Фавоид Муслим. У Ал-Козий Ййод ал-Яҳсабийники (вафотлари 544 ҳижрий 1149 милодий йил).

7. Имод уд-Дин Абдурахмон ибн Абулали ал-Мисрий (вафотлари 624 ҳижрий йил) томонидан ёзилган шарҳ.

8. Сиянат Саҳийҳ Муслим Минал Ихвал ва-л-Фалат ва Ҳимоятихи Минал Искот ва-с-Сакт номли шарҳ Усмон ибн Абдурахмон аш-Шаҳрузурий ибн ас-Салоҳ (вафотлари 643 ҳижрий, 1243 милодий йил) томонидан таълиф этилган.

9. Ал-Муфсиҳ ал-Мувҳим ва-л-Муфзиҳ ал-Мулҳим Ли-маоний Саҳийҳ Муслим. Унинг муаллифи Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Яҳья ал-Ансорий (вафотлари 646 ҳижрий 124 милодий йил).

10. Шамсуддин Абу-л Музаффар Юсуф ибн Қаз ўғли Сабат ибн ал-Жавзий (вафотлари 654 ҳижрий йил) томонидан ёзилган шарҳ.

11. Ал-муфҳим Лима Ашкала мим Талҳийс китоб Муслим. Мухтасар ҳолда ёзилган бу шарҳ Абу-л-Аббос Аҳмад ибн Умар ибн Иброҳим ал-Қуртубий (вафотлари 656 ҳижрий 1258 милодий қаламига мансубдир).

12. Минҳож ал-Муҳаддисийн ва Сабийл Талбият ал-Муҳаққиқийн (ёки ал-Минҳож фи шарҳи саҳийҳ Муслим ибн ал-Ҳажжож деб ҳам юритилади). Унинг муаллифи Ан-Нававий (вафотлари 676 ҳижрий, 1277 милодий йил).

Ўлимларининг сабабини зикр қилиб айтишадик, бир куни у зот бир мажлисда ўтирсалар, билмайдиган ҳадислари ҳақида сўраб қолинди. Лекин у ҳадис ҳақида билмасдилар. Сўнгра манзилларига қайтиб чироқларини ёқиб мутолаага шўнғидилар. Аҳлларига: «Менинг ҳузуримга ҳеч ким кирмасин», дедилар. Бир саватда хурмо ҳадя қилинган эди, ўша хурмодан тановул қилиб ҳадис қидира бошладилар. Шу алфозда саватдаги хурмодан еб, ҳис қилмаган ҳолда қидираётган ҳадисни топиб олдилар. Кейин шу сабабли бирдан ҳолатлари оғирлашиб касал бўлиб вафот этдилар.

Имом Муслим 261 ҳижрий сана ражаб ойининг душанба кечаси Нисобур шаҳрида 50 ёшдан бироз ўтиб дорулбақога рихлат қилдилар.

Аллоҳ раҳм қилиб, у зотдан рози бўлсин!

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

الْمُقَدِّمَةُ

الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ وَالْعَاقِبَةُ لِلْمُتَّقِينَ وَصَلَّى اللَّهُ عَلَى مُحَمَّدٍ خَاتَمِ النَّبِيِّينَ وَعَلَى جَمِيعِ الْأَنْبِيَاءِ وَالْمُرْسَلِينَ أَمَّا بَعْدُ فَإِنَّكَ يَرْحَمُكَ اللَّهُ بِتَوْفِيقِ خَالِقِكَ ذَكَرْتَ أَنَّكَ هَمَمْتَ بِالْفَحْصِ عَنْ تَعْرِفِ جُمْلَةِ الْأَخْبَارِ الْمَأْثُورَةِ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي سُنَنِ الدِّينِ وَأَحْكَامِهِ وَمَا كَانَ مِنْهَا فِي الثَّوَابِ وَالْعِقَابِ وَالتَّرْغِيبِ وَالتَّرْهِيْبِ وَعَبَّرَ ذَلِكَ مِنْ صُنُوفِ الْأَشْيَاءِ بِالْأَسَانِيدِ الَّتِي بِهَا نُقِلَتْ وَتَدَاوَلَهَا أَهْلُ الْعِلْمِ فِيمَا بَيْنَهُمْ فَأَرَدْتُ أَرْشِدَكَ اللَّهُ أَنْ تُوقِفَ عَلَى جُمْلَتِهَا مُؤَلَّفَةً مُحْصَاةً وَسَأَلْتَنِي أَنْ أُلْحَصَهَا لَكَ فِي التَّأْلِيفِ بِإِلَاحٍ

تَكَرَّرَ يَكْثُرُ فَإِنَّ ذَلِكَ زَعَمْتَ مِمَّا يَشْعَلُكَ عَمَّا لَهُ فَصَدَّتْ مِنَ التَّفَهُّمِ فِيهَا وَالِاسْتِنْبَاطِ مِنْهَا وَلِلَّذِي سَأَلْتَ أَكْرَمَكَ اللَّهُ حِينَ رَجَعْتَ إِلَى تَدْبِيرِهِ وَمَا تَوَلَّى بِهِ الْحَالُ إِنْ شَاءَ اللَّهُ عَاقِبَةُ مَحْمُودَةٌ وَمَنْفَعَةٌ مَوْجُودَةٌ وَظَنَنْتُ حِينَ سَأَلْتَنِي تَحْشُمَ ذَلِكَ أَنْ لَوْ عَزِمَ لِي عَلَيْهِ وَقَضِيَ لِي تَمَامُهُ كَانَ أَوْلَى مَنْ يُصِيْبُهُ نَفْعُ ذَلِكَ إِيَّايَ خَاصَّةً قَبْلَ غَيْرِي مِنَ النَّاسِ لِأَسْبَابٍ كَثِيرَةٍ يَطُولُ بِذِكْرِهَا الْوَصْفُ إِلَّا أَنْ حُمَلَةَ ذَلِكَ أَنَّ ضَيْطَ الْقَلِيلِ مِنْ هَذَا الشَّأْنِ وَإِثْقَانَهُ أَيْسَرُ عَلَى الْمَرْءِ مِنْ مُعَالَجَةِ الْكَثِيرِ مِنْهُ وَلَا سِيَّمَا عِنْدَ مَنْ لَا تَمَيِّزَ عِنْدَهُ مِنَ الْعَوَامِّ إِلَّا بَأَنْ يُوقِفَهُ عَلَى التَّمَيِّيزِ غَيْرُهُ فَإِذَا كَانَ الْأَمْرُ فِي هَذَا كَمَا وَصَفْنَا فَالْقَصْدُ مِنْهُ إِلَى الصَّحِيحِ الْقَلِيلِ أَوْلَى بِهِمْ مِنْ اِرْتِدَادِ السَّقِيمِ وَإِنَّمَا يَرْجَى بَعْضُ الْمَنْفَعَةِ فِي الْإِسْتِكْثَارِ مِنْ هَذَا الشَّأْنِ وَجَمَعَ الْمُكْرَرَاتِ مِنْهُ لِخَاصَّةٍ مِنَ النَّاسِ مِمَّنْ رُزِقَ فِيهِ بَعْضُ التَّيَقُّظِ وَالْمَعْرِفَةِ بِأَسْبَابِهِ وَعَلِلَهُ فَذَلِكَ إِنْ شَاءَ اللَّهُ يَهْجُمُ بِمَا أُوتِيَ مِنْ ذَلِكَ عَلَى الْفَائِدَةِ فِي الْإِسْتِكْثَارِ مِنْ جَمْعِهِ فَأَمَّا عَوَامُّ النَّاسِ الَّذِينَ هُمْ بِخِلَافِ مَعَانِي الْخَاصِّ مِنْ أَهْلِ التَّيَقُّظِ وَالْمَعْرِفَةِ فَلَا مَعْنَى لَهُمْ فِي طَلَبِ الْكَثِيرِ وَقَدْ عَجَزُوا عَنْ مَعْرِفَةِ الْقَلِيلِ

ثُمَّ إِنَّا إِنْ شَاءَ اللَّهُ مُتَبَدُّونَ فِي تَخْرِيجِ مَا سَأَلْتَ وَتَأْلِيْفِهِ عَلَى شَرِيْطَةِ سَوْفَ أَذْكُرْهَا لَكَ وَهُوَ إِنَّا نَعْمُدُ إِلَى حُمَلَةِ مَا أُسْنَدَ مِنَ الْأَخْبَارِ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَتَقَسِّمُهَا عَلَى ثَلَاثَةِ أَقْسَامٍ وَثَلَاثَ طَبَقَاتٍ مِنَ النَّاسِ عَلَى غَيْرِ تَكَرَّرٍ إِلَّا أَنْ يَأْتِيَ مَوْضِعٌ لَا يُسْتَعْنَى فِيهِ عَنْ تَرْدَادِ حَدِيثٍ فِيهِ زِيَادَةٌ مَعْنَى أَوْ إِسْنَادٌ يَقَعُ إِلَى جَنْبِ إِسْنَادٍ لَعَلَّةُ تَكُونُ هُنَاكَ لِأَنَّ الْمَعْنَى الرَّائِدَ فِي الْحَدِيثِ الْمُحْتَاجِ إِلَيْهِ يَقُومُ مَقَامَ حَدِيثٍ تَامٍّ فَلَا بُدَّ مِنْ إِعَادَةِ الْحَدِيثِ الَّذِي فِيهِ مَا وَصَفْنَا مِنَ الزِّيَادَةِ أَوْ أَنْ يُفْصَلَ ذَلِكَ الْمَعْنَى مِنْ حُمَلَةِ الْحَدِيثِ عَلَى اخْتِصَارِهِ إِذَا أُمِّكِنَ وَلَكِنْ تَفْصِيلُهُ رَبَّمَا عَسَرَ مِنْ حُمَلَتِهِ فإِعَادَتُهُ بِهِيْتَهُ إِذَا ضَاقَ ذَلِكَ أَسْلَمَ فَأَمَّا مَا وَجَدْنَا بُدًّا مِنْ إِعَادَتِهِ بِحُمَلَتِهِ مِنْ غَيْرِ حَاجَةٍ مِّنَّا إِلَيْهِ فَلَا تَتَوَلَّى فِعْلُهُ إِنْ شَاءَ اللَّهُ تَعَالَى

فَأَمَّا الْقِسْمُ الْأَوَّلُ فَإِنَّا تَتَوَخَّى أَنْ نُقَدِّمَ الْأَخْبَارَ الَّتِي هِيَ أَسْلَمُ مِنَ الْعُيُوبِ مِنْ غَيْرِهَا وَأَنْفَى مِنْ أَنْ يَكُونَ نَاقِلُهَا أَهْلُ اسْتِقَامَةٍ فِي الْحَدِيثِ وَإِثْقَانٍ لِمَا نَقَلُوا لَمْ يُوْجَدْ فِي رَوَايَتِهِمْ اخْتِلَافٌ شَدِيدٌ وَلَا تَخْلِيْطٌ فَاحِشٌ كَمَا قَدْ عَثَرَ فِيهِ عَلَى كَثِيرٍ مِنَ الْمُحَدِّثِينَ وَبَانَ ذَلِكَ فِي حَدِيثِهِمْ فَإِذَا نَحْنُ تَقَصَّيْنَا أَخْبَارَ هَذَا الصَّنْفِ مِنَ النَّاسِ أَتَبَعْنَاهَا أَخْبَارًا يَقَعُ فِي أَسَانِيدِهَا بَعْضٌ مِمَّنْ لَيْسَ بِالْمَوْصُوفِ بِالْحِفْظِ وَالِإِثْقَانِ كَالصَّنْفِ الْمَقْدَمِ قَبْلَهُمْ عَلَى أَنَّهُمْ وَإِنْ كَانُوا فِيْمَا وَصَفْنَا دُونَهُمْ فَإِنَّ اسْمَ السُّتْرِ وَالصَّدَقِ وَتَعَاطِي الْعِلْمِ يَشْمَلُهُمْ كَعَطَاءِ بْنِ السَّائِبِ وَيَزِيدِ بْنِ أَبِي زِيَادٍ وَلَيْثِ بْنِ أَبِي سُلَيْمٍ وَأَضْرَابِهِمْ مِنْ حُمَالِ الْأَثَارِ وَنُقَالَ الْأَخْبَارُ فَهُمْ وَإِنْ كَانُوا بِمَا وَصَفْنَا مِنَ الْعِلْمِ وَالسُّتْرِ عِنْدَ أَهْلِ الْعِلْمِ مَعْرُوفِينَ فَغَيْرُهُمْ مِنْ أَقْرَانِهِمْ مِمَّنْ عِنْدَهُمْ مَا ذَكَرْنَا مِنَ الْإِثْقَانِ وَالِاسْتِقَامَةِ فِي الرِّوَايَةِ يُفَضِّلُونَهُمْ فِي الْحَالِ وَالْمَرْتَبَةِ لِأَنَّ هَذَا عِنْدَ أَهْلِ الْعِلْمِ دَرَجَةٌ رَفِيْعَةٌ وَخَصْلَةٌ سَنِيَّةٌ أَلَا تَرَى أَنَّكَ إِذَا وَارَتْ هَؤُلَاءِ الثَّلَاثَةَ الَّذِينَ سَمَّيْنَاهُمْ عَطَاءَ وَيَزِيدَ وَلَيْثًا بِمَنْصُورِ بْنِ الْمُعْتَمِرِ وَسُلَيْمَانَ الْأَعْمَشِ وَإِسْمَاعِيلَ بْنِ أَبِي خَالِدٍ فِي إِثْقَانِ الْحَدِيثِ وَالِاسْتِقَامَةِ فِيهِ وَجَدْتَهُمْ مُبَايِنِينَ لَهُمْ لَا يُدَاوِنُونَهُمْ لَا شَكَّ عِنْدَ أَهْلِ الْعِلْمِ بِالْحَدِيثِ فِي ذَلِكَ لِلَّذِي اسْتِفَاضَ عِنْدَهُمْ مِنْ صِحَّةِ حِفْظِ مَنْصُورٍ وَالْأَعْمَشِ وَإِسْمَاعِيلَ وَإِثْقَانِهِمْ لِحَدِيثِهِمْ وَأَنَّهُمْ لَمْ يَعْرِفُوا مِثْلَ ذَلِكَ مِنْ عَطَاءَ وَيَزِيدَ وَلَيْثٍ وَفِي مِثْلِ مَجْرَى هَؤُلَاءِ إِذَا وَارَتْ بَيْنَ الْأَقْرَانِ كَابْنِ عَوْنٍ وَأَيُّوبَ السَّخْتِيَّانِيَّ مَعَ عَوْفِ بْنِ أَبِي جَمِيلَةَ وَأَشْعَثَ الْحُمْرَانِيَّ وَهُمَا صَاحِبَا الْحَسَنِ وَابْنِ سِيرِينَ كَمَا أَنَّ ابْنَ عَوْنٍ وَأَيُّوبَ صَاحِبَاهُمَا إِلَّا أَنَّ الْبُؤْنَ بَيْنَهُمَا وَبَيْنَ هَذَيْنِ بَعِيدٌ فِي كَمَالِ الْفَضْلِ وَصِحَّةِ النَّقْلِ وَإِنْ كَانَ عَوْفٌ وَأَشْعَثُ غَيْرَ مَدْفُوعَيْنِ عَنْ صِدْقٍ وَأَمَانَةٍ عِنْدَ أَهْلِ الْعِلْمِ وَلَكِنَّ الْحَالُ مَا وَصَفْنَا مِنَ الْمَنْزِلَةِ عِنْدَ أَهْلِ الْعِلْمِ وَإِنَّمَا مِثْلُنَا هَؤُلَاءِ فِي التَّسْمِيَةِ لِيَكُونَ تَمَثُّلُهُمْ سِمَةً يَصْدُرُ عَنْ فَهْمِهَا مِنْ غَيْبِ عَلَيْهِ طَرِيقِ أَهْلِ الْعِلْمِ فِي تَرْتِيبِ أَهْلِهِ فِيهِ فَلَا يُقْصَرُ بِالرَّجُلِ الْعَالِي الْقَدْرِ عَنْ دَرَجَتِهِ وَلَا يُرْفَعُ مُتَضَعُ الْقَدْرِ فِي الْعِلْمِ فَوْقَ مَنْزِلَتِهِ وَيُعْطَى كُلُّ ذِي حَقٍّ فِيهِ حَقُّهُ وَيُنزَلُ مَنْزِلَتُهُ وَقَدْ ذَكَرَ عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا أَنَّهَا قَالَتْ أَمَرْنَا رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْ نُنَزِّلَ النَّاسَ مَنَازِلَهُمْ مَعَ مَا نَطَقَ بِهِ الْقُرْآنُ مِنْ قَوْلِ اللَّهِ تَعَالَى ( وَفَوْقَ كُلِّ ذِي عِلْمٍ عَلِيمٌ ) فَعَلَى نَحْوِ مَا ذَكَرْنَا مِنَ الْوُجُوْهِ نُؤَلِّفُ مَا سَأَلْتَ مِنَ الْأَخْبَارِ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَأَمَّا مَا كَانَ مِنْهَا عَنْ قَوْمٍ هُمْ عِنْدَ أَهْلِ الْحَدِيثِ مُتَهَمُونَ أَوْ عِنْدَ الْأَكْثَرِ مِنْهُمْ فَلَسْنَا تَشْتَغَلُ بِتَخْرِيجِ حَدِيثِهِمْ كَعَبْدِ اللَّهِ بْنِ

مَسْرُورٍ أَبِي جَعْفَرٍ الْمَدَائِنِيِّ وَعَمْرٍو بْنِ خَالِدٍ وَعَبْدِ الْقُدُّوسِ الشَّامِيِّ وَمُحَمَّدِ بْنِ سَعِيدِ الْمَصْلُوبِ وَعِيَاثِ بْنِ إِبْرَاهِيمَ وَسُلَيْمَانَ بْنِ عَمْرٍو أَبِي دَاوُدَ التَّحِيْمِيِّ وَأَشْبَاهِهِمْ مِمَّنْ أَثْبَهَ بِيَوْضَعِ الْأَحَادِيثِ وَتَوَلَّى الْأَخْبَارِ

وَكَذَلِكَ مِنَ الْعَالِبِ عَلَى حَدِيثِهِ الْمُنْكَرُ أَوْ الْعَلَطُ أَمْسَكْنَا أَيْضًا عَنْ حَدِيثِهِمْ وَعَلَامَةُ الْمُنْكَرِ فِي حَدِيثِ الْمُحَدِّثِ إِذَا مَا عُرِضَتْ رَوَايَتُهُ لِلْحَدِيثِ عَلَى رِوَايَةِ غَيْرِهِ مِنْ أَهْلِ الْحِفْظِ وَالرِّضَا خَالَفَتْ رَوَايَتَهُ رَوَايَتَهُمْ أَوْ لَمْ تَكُنْ تُوَافِقُهَا فَإِذَا كَانَ الْأَعْلَبُ مِنْ حَدِيثِهِ كَذَلِكَ كَانَ مَهْجُورَ الْحَدِيثِ غَيْرَ مَقْبُولِهِ وَلَا مُسْتَعْمَلِهِ فَمِنْ هَذَا الضَّرْبِ مِنَ الْمُحَدِّثِينَ عَبْدُ اللَّهِ بْنُ مُحَرَّرٍ وَيَحْيَى بْنُ أَبِي أُنَيْسَةَ وَالْجَرَّاحُ بْنُ الْمُنْهَالِ أَبُو الْعُطُوفِ وَعَبَادُ بْنُ كَثِيرٍ وَحُسَيْنُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ ضَمِيرَةَ وَعَمْرُ بْنُ صُهَبَانَ وَمَنْ نَحَا نَحْوَهُمْ فِي رِوَايَةِ الْمُنْكَرِ مِنَ الْحَدِيثِ فَلَسْنَا نُعْرِجُ عَلَى حَدِيثِهِمْ وَلَا نَتَشَاغَلُ بِهِ لِأَنَّ حُكْمَ أَهْلِ الْعِلْمِ وَالَّذِي نَعْرِفُ مِنْ مَذْهَبِهِمْ فِي قَبُولِ مَا يَتَفَرَّدُ بِهِ الْمُحَدِّثُ مِنَ الْحَدِيثِ أَنْ يَكُونَ قَدْ شَارَكَ الثَّقَاتِ مِنْ أَهْلِ الْعِلْمِ وَالْحِفْظِ فِي بَعْضِ مَا رَوَوْا وَأَمَّا فِي ذَلِكَ عَلَى الْمُوَافَقَةِ لَهُمْ فَإِذَا وَجِدَ كَذَلِكَ ثُمَّ زَادَ بَعْدَ ذَلِكَ شَيْئًا لَيْسَ عِنْدَ أَصْحَابِهِ قُبُلْتُ زِيَادَتُهُ فَأَمَّا مَنْ تَرَاهُ يَعْمُدُ لِمِثْلِ الزُّهْرِيِّ فِي جَلَالَتِهِ وَكَثْرَةِ أَصْحَابِهِ الْحِفَظِ الْمُتَّقِينَ لِحَدِيثِهِ وَحَدِيثِ غَيْرِهِ أَوْ لِمِثْلِ هِشَامِ بْنِ عُرْوَةَ وَحَدِيثُهُمَا عِنْدَ أَهْلِ الْعِلْمِ مَبْسُوطٌ مُشْتَرَكٌ قَدْ نَقَلَ أَصْحَابُهُمَا عَنْهُمَا حَدِيثَهُمَا عَلَى الْإِتِّفَاقِ مِنْهُمْ فِي أَكْثَرِهِ فَيُرَوِي عَنْهُمَا أَوْ عَنْ أَحَدِهِمَا الْعَدَدَ مِنَ الْحَدِيثِ مِمَّا لَا يَعْرِفُهُ أَحَدٌ مِنْ أَصْحَابِهِمَا وَلَيْسَ مِمَّنْ قَدْ شَارَكَهُمْ فِي الصَّحِيحِ مِمَّا عِنْدَهُمْ فَغَيْرُ جَائِزٍ قَبُولُ حَدِيثِ هَذَا الضَّرْبِ مِنَ النَّاسِ وَاللَّهُ أَعْلَمُ

قَدْ شَرَحْنَا مِنْ مَذْهَبِ الْحَدِيثِ وَأَهْلِهِ بَعْضَ مَا يَتَوَجَّهُ بِهِ مِنْ أَرَادَ سَبِيلَ الْقَوْمِ وَوَفَّقَ لَهَا وَسَنَزِيدُ إِنْ شَاءَ اللَّهُ تَعَالَى شَرْحًا وَإِيضًا فِي مَوَاضِعٍ مِنَ الْكِتَابِ عِنْدَ ذِكْرِ الْأَخْبَارِ الْمُعَلَّلَةِ إِذَا أَثْبَتْنَا عَلَيْهَا فِي الْأَمَاكِنِ الَّتِي يَلِيْقُ بِهَا الشَّرْحُ وَالْإِيضَاحُ إِنْ شَاءَ اللَّهُ تَعَالَى وَبَعْدَ يَرْحَمُكَ اللَّهُ فَلَوْلَا الَّذِي رَأَيْنَا مِنْ سُوءِ صَنِيعِ كَثِيرٍ مِمَّنْ نَصَبَ نَفْسَهُ مُحَدِّثًا فِيمَا يَلْزِمُهُمْ مِنْ طَرَحِ الْأَحَادِيثِ الضَّعِيفَةِ وَالرَّوَايَاتِ الْمُنْكَرَةِ وَتَرْكِهِمُ الْإِقْتِصَارَ عَلَى الْأَحَادِيثِ الصَّحِيحَةِ الْمَشْهُورَةِ مِمَّا نَقَلَهُ الثَّقَاتُ الْمَعْرُوفُونَ بِالصِّدْقِ وَالْأَمَانَةِ بَعْدَ مَعْرِفَتِهِمْ وَإِقْرَارِهِمْ بِأَلْسِنَتِهِمْ أَنْ كَثِيرًا مِمَّا يَقْدِفُونَ بِهِ إِلَى الْأَغْيَاءِ مِنَ النَّاسِ هُوَ مُسْتَنْكَرٌ وَمَنْقُولٌ عَنْ قَوْمٍ غَيْرِ مَرْضِيَيْنَ مِمَّنْ دَمَّ الرِّوَايَةَ عَنْهُمْ أئِمَّةُ أَهْلِ الْحَدِيثِ مِثْلُ مَالِكِ بْنِ أَنَسٍ وَشُعْبَةَ بْنِ الْحَجَّاجِ وَسُفْيَانَ بْنِ عُيَيْنَةَ وَيَحْيَى بْنَ سَعِيدِ الْقَطَّانِ وَعَبْدَ الرَّحْمَنِ ابْنَ مَهْدِيٍّ وَغَيْرِهِمْ مِنَ الْأئِمَّةِ لِمَا سَهَّلَ عَلَيْنَا الْإِنْتِصَابَ لِمَا سَأَلْتِ مِنَ التَّمْيِيزِ وَالتَّحْصِيلِ وَلَكِنْ مِنْ أَجْلِ مَا أَعْلَمْنَاكَ مِنْ نَشْرِ الْقَوْمِ الْأَخْبَارِ الْمُنْكَرَةِ بِالْأَسَانِيدِ الضَّعَافِ الْمَحْهُولَةِ وَقَدْفِهِمْ بِهَا إِلَى الْعَوَامِّ الَّذِينَ لَا يَعْرِفُونَ عُيُوبَهَا خَفَّ عَلَى قُلُوبِنَا إِجَابَتُكَ إِلَى مَا سَأَلْتِ

## Муқаддима

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм

Бутун оламлар Рабби Аллоҳга ҳамд бўлсин. Ишларнинг оқибати тақводорлар учундир. Пайғамбарлар хотимаси Муҳаммад алайҳиссаломга ва жамики набий ва Расулларга салавоту дурудлар бўлсин. Амма баъду...

Аллоҳ сенга раҳм айласин! Яратганнинг тавфиқи билан зикр қилинишича, диннинг амаллари ва аҳкомлари ҳақида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилинган маъсур хабарларни билиш йўлида тадқиқот олиб боришга қасд қилибсан. Билгинки, бу хабарларда савоб, иқоб, тарғиб қилиш, қўрқитиш ва бундан бошқа ҳар турлик санадлар бор.

Аллоҳ сени тўғри йўлга бошласин! Сен мендан ҳамма нарсани қамраб олган аввалда такрори бўлмаган бир китоб таълиф этишимни сўрадинг.



Чунки сен аввалги катта-катта китоблар динни англашда, уларни жузъий ҳукмларни олишда маълум машаққатлар туғдиради, деган гумонда экансан.

Аллоҳ сени ҳурмат қилсин! Сўраган нарсангни мулоҳаза қилиб кўрсам, иншоаллоҳ, унинг оқибати мақталган ва манфаатли нарса экан. Айниқса бу ишни тугатар эканман, бошқа инсонлардан кўра ўзим кўп наф олганимни билдим.

Бунинг эса сабаблари кўп, уларни зикр қилсам, гап чўзилиб кетади. Сабабларидан бири шуки, кишига озгина нарсани чиройли суратда кўпини муолажа қилишдан осонроқ туюлади. Хусусан, бу нарсанинг моҳиятини фарқлай олмайдиганлар учун шундай кўринади. Демак, васф қилганимиздек, озгина саҳиҳ (ишонарли) нарсага етишиш заиф нарсага эришгандан аълодир.

Аммо бу соҳадаги нарсаларни кўпайтиришдан баъзи манфаатлар умид қилинади. Бунда кўпроқ маърифатли ва унинг сабабларию, иллатларини биладиган кишилар учундир. Аммо маърифатли, қалби уйғоқ, айтганларимизнинг сабаблари ва иллатларини яхши биладиган кишилар манфаати назарда тутилади. Лекин уларнинг акси ўлароқ, авом кишиларнинг улар учун кўп нарсани талаб қилишларида ҳеч маъно йўқ. Чунки улар ҳатто озроқ нарсани ўрганишга ҳам ожизлик қилишади.

Иншоаллоҳ, сўраган нарсангни, яъни ушбу китобда таълиф этилган ҳадисларни таҳриж қилишни бошлайман. Аввало Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан нақл қилинган хабарларга суяниб, уларни такрорсиз уч қисмга, зикри келган одамларни эса уч табақага бўлдик. Лекин шундай ўринлар ҳам борки, бир ҳадиснинг бошқасидан зиёдаси борлиги ёки санадида (ҳадисни ривоят қилганлар)да иллат мавжудлиги учун уни такроран келтиришга тўғри келади. Чунки ҳадис ривоят қилишда баъзан маънони кенгроқ беришга тўғри келиб қолади. Бу эса том маънодаги ҳадис ўрнига ўтади. Демак, маънода зиёдаси бўлган ҳадисни қайтадан, яъни қисқа ҳолда келтиришимиз ёки ҳадисни ўша мухтасар ҳолида зикр этиб, маъносини имкон борича муфассалроқ баён этишимиз зарур бўлади. Лекин батафсил келтириш қийин бўлиб қолса, машаққат туғдирса аслича зикр этиш безарардир. Батафсил келтиришга ҳожат туғилмаган ҳолларда шундоғича беришни маъқул топдик.

Биринчи навбатда айблардан ҳоли, сараланган, ҳадисларни нақл қилишда истиқоматли, ривоятида қаттиқ ихтилофи ва ўта чигаллиги бўлмаган кишиларнинг хабарини олишга қасд қилдик. Чунки, кўплаб муҳаддисларнинг ривоятлари ана шундай иллатлардан ҳолидир. Бундай кишиларнинг хабарларини келтиргач, улар орқасидан санадида унчалик нозиклик ва ҳозиқлик бўлмаган ривоятларни зикр этишга ҳам тўғри келади. Бундайлар сафига ростгўйлик, илм ва софдилликда тан олинган Ато ибн Соиб, Язид ибн Абу Зиёд ва Лайс ибн Абу Сулайм каби асарларни етказувчи

ва хабарларни нақл қилувчи кишиларни киритиш мумкин. Уларнинг илм ва софликда фазилатли, аҳли илм ўртасида таниқли эканликларини тан олсакда, бошқа баъзи муҳаддислар ривоятдаги истиқомат ва моҳирликлари туфайли уларнинг мақом ва мартабаларини афзалроқ деб билинади. Чунки истиқомат ва моҳирлик илм аҳли ҳузурида баланд даража ва юқори хислатдир. Агар юқорида зикр этилган уч киши, яъни Ато, Язид ва Лайсларни бошқа уч муҳаддис Мансур ибн Муътамир, Сулаймон ал-Аъмаш ва Исмоил ибн Абу Холидларга солиштирадиган бўлсак, ҳадиснинг истиқомати ва аниқлигида катта фарқ борлиги, бу борада уларга тенглаша олмасликлари аён бўлади. Шак-шубҳа йўқки, ҳадис илм аҳли наздида Мансур, Аъмаш ва Исмоиллар ривоят қилган ҳадисларида аниқлик бор, лекин Ато, Язид ва Лайслар ривоятида бу даражада аниқлик учратилмайди.

Агар замондош уламолардан Ибн Авн ва Аюб Сихтиёнийни яна икки муҳаддис Авф ибн Жамила ва Ашъас ал-Хумронийларга солиштирадиган бўлсак, кейинги икки олим аввалги иккови каби мавқедадир. Аммо аввалги икки киши билан кейинги икковлон ўртасида фазилатда ҳамда ҳадисларни нақл қилишдаги саҳиҳлик (ишонарлилик)да фарқ бордир. Авф ва Ашъас илм аҳлига хос ростгўйлик ва омонатдорликдан четлатилган эмас. Лекин, биз илм аҳлини наздидаги ҳолатларни зикр этдик. Уларнинг исм-шарифларини келтиришдан мақсадимиз - илм аҳли тутган йўлни баён этиш, холос. Қадр – қиммати олий кишилар даражасидан пастлатилмайди, илмда қадри паст кишилар олий мартабаларга кўтарилмайди. Оиша (р.а.) Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан бундай ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга одамларни ўз ўрнига қўйишни амр қилдилар». Қуръони каримда марҳамат этилади: «Ҳар бир илм соҳибининг устида (ундан устунроқ) билимдон бордир». (Юсуф сураси, 76 – оят мазмуни). Биз ана шу фикрларни зикр этиш билан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам нақл этилган хабарлар борасида сўраганларингга жавоб беришга ҳаракат қилдик.

Китобда ҳадис аҳли наздида заифликда айбланган кишиларнинг ривоятини келтириш билан машғул бўлиб ўтирмадик.

Булар - Абдуллоҳ ибн Мисвор, Амр ибн Холид, Абдулқуддус Шомий, Муҳаммад Саид ал-Маслуб, Фиёс ибн Иброҳим, Сулаймон ибн Амрлардир. Улар ва уларга ўхшаган айрим кишилар ҳадислар тўқиш ва хабарларни урчитиб кўпайтиришда айбланишган.

Агар ривоят қилган ҳадисининг кўп қисми ана шундай бўлса, унинг ҳадиси мақбул эмас ва амалдан қолгандир. Мана шундай муҳаддислар қаторига Абдуллоҳ ибн Муҳаррар, Яҳё ибн Абу Унайса, Жарроҳ ибн Минҳол, Аббод ибн Касир, Ҳусайн ибн Абдуллоҳ, Умар ибн Суҳбонлар киришади.

Ана шулар каби ривоятлари инкор қилинганларнинг ҳадислари устида тўхталмаймиз ва машғул бўлмаймиз. Чунки муҳаддис ривоят қилган ҳадисининг илм аҳли қабул қиладиган ҳукмига кўра, ўша муҳаддис илм аҳли орасидаги ишончли кишиларга қўшилиб юриши, улар ривоят қилган ҳадисларининг баъзиларини ёд олиши ва ўз ривоятининг улар билан мувофиқ бўлишга диққат-эътиборини қаратиши лозим эди. Энди шу шартлар топилсаю, сўнгра бирор нарсани зиёда қилган бўлса зиёда қилинган нарса асҳобларида бўлмаса ҳам қабул қилинаверади.

Ўзига ва улуғлигига, ҳадис ёд олган асҳоблари кўплигига шубҳа бўлмаган ўзи ва бошқалар ривоят қилган ҳадисларни аниқлашга қодир Имом Зухрий ёки Ҳишом ибн Урва кабилар ривоят қилган ҳадислар илм аҳли наздида тўлиқ ва шерикли саналади. Икковлари ривоят қилган ҳадисларнинг аксарини бошқалар ҳам нақл қилишган. Лекин иккови ёки бирларидан бир неча киши шундай ривоят қилганки, бирор киши уларни ўша икковларидан деб билмайди. Демак, булар саҳиҳ ҳадисда шерик эмасдирлар. Бу каби кишиларнинг ривоят қилган ҳадисини қабул этиш жоиз эмасдир. Валлоҳу аълам.

Китобда ҳадис мазҳаби, унинг аҳлининг, тўғри йўлни истаб, унга эргашмоқни истаганларга берган кўрсатмаларини шарҳлаб ўтдик. Шарҳ ва изоҳ зарур бўлиб қолган ўринларда, иллатли хабарлар зикри келганда биз батафсил тўхталамиз.

Аллоҳ раҳм қилсин! Таассуфки, ўзини муҳаддис деб атаб, заиф ҳадисларни ва мункар ривоятларни ўзига эп кўрган ҳамда ишончли, таниқли, ростгўй, омонатдор ва тиллари билан иқрор кишилар нақл қилган машҳур саҳиҳ ҳадисларини тарк қилган кимсалар ҳам бор. Мана шундай ҳадисларнинг аксарияти жоҳил одамларга етиб борган. Бу ҳадислар инкор этилган, рози бўлинмаган, ривояти ёмон кўрилган кимсалар томонидан нақл этилгандир.

Молик ибн Анас, Шўъба ибн Ҳажжож, Суфён ибн Уяйна, Яҳё ибн Саид ал-Қаттон, Абдурахмон ибн Маҳдий ва бошқа имомлар ҳақида сўрайдиган бўлсанг, улар нақл этган нарсалар аниқ экани ҳақида жавоб бериш енгилдир. Лекин ноаниқ, заиф санадли ва мункар хабарларни тарқатиб, ҳадиснинг айбини билмайдиган авом оммага етказувчилар ҳақида сўраган саволингга жавоб беришга қалбларимиз тўсқинлик қилмоқда.

وَأَعْلَمُ وَفَقَكَ اللَّهُ تَعَالَى أَنَّ الْوَاجِبَ عَلَى كُلِّ أَحَدٍ عَرَفَ التَّمْيِيزَ بَيْنَ صَحِيحِ الرَّوَايَاتِ وَسَقِيمِهَا وَثِقَاتِ النَّاقِلِينَ لَهَا مِنَ الْمُتَهَمِينَ أَنْ لَا يَرَوِي مِنْهَا إِلَّا مَا عَرَفَ صِحَّةَ مَخْرَجِهِ وَالسُّتَارَةَ فِي نَاقِلِيهِ وَأَنْ يَتَّقِيَ مِنْهَا مَا كَانَ مِنْهَا عَنْ أَهْلِ الثُّهْمِ وَالْمُعَانِدِينَ مِنَ أَهْلِ الْبِدْعِ وَالِدَّلِيلِ عَلَى أَنَّ الَّذِي قُلْنَا مِنْ هَذَا هُوَ الْإِلَازِمُ دُونَ مَا خَالَفَهُ قَوْلُ اللَّهِ جَلَّ ذِكْرُهُ ( يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِنْ جَاءَكُمْ فَاسِقٌ بِنَبِيٍّ فَتَبَيَّنُوا أَنْ تُصِيبُوا قَوْمًا بِجَهَالَةٍ فَتُصْبِحُوا عَلَىٰ مَا فَعَلْتُمْ نَادِمِينَ ) وَقَالَ جَلَّ تَنَاوُهُ ( مِمَّنْ تَرْضَوْنَ مِنَ الشُّهَدَاءِ ) وَقَالَ عَزَّ وَجَلَّ (

وَأَشْهَدُوا ذَوِي عَدْلٍ مِنْكُمْ ) فَدَلَّ بِمَا ذَكَرْنَا مِنْ هَذِهِ الْآيَةِ أَنَّ خَيْرَ الْفَاسِقِ سَاقِطٌ غَيْرٌ مَقْبُولٌ وَأَنَّ شَهَادَةَ غَيْرِ الْعَدْلِ مَرْدُودَةٌ وَالْخَيْرُ وَإِنْ فَارَقَ مَعْنَاهُ مَعْنَى الشَّهَادَةِ فِي بَعْضِ الْوُجُوهِ فَقَدْ يَجْتَمِعَانِ فِي أَعْظَمِ مَعَانِيهِمَا إِذْ كَانَ خَيْرُ الْفَاسِقِ غَيْرٌ مَقْبُولٌ عِنْدَ أَهْلِ الْعِلْمِ كَمَا أَنَّ شَهَادَتَهُ مَرْدُودَةٌ عِنْدَ جَمِيعِهِمْ وَدَلَّتِ السُّنَّةُ عَلَى نَفْيِ رِوَايَةِ الْمُنْكَرِ مِنَ الْأَخْبَارِ كَنَحْوِ دَلَالَةِ الْقُرْآنِ عَلَى نَفْيِ خَيْرِ الْفَاسِقِ.

### 1-боб

#### Ишончли кишилардан ривоят қилишнинг вожиблиги ва ёлфончиларни тарк қилиш ҳамда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга нисбатан ёлфон ишлатишдан огоҳлантириш ҳақида

Билгин, Аллоҳ сени муваффақ қилсинки, ҳадиснинг тўғри ва нотўғриси ажратган ҳар бир киши фақат ишончли, софдил кишилар нақл этган ҳадисларнигина ривоят қилиб, бидъатчи ва ўзбилармонларнинг ривоят қилган ҳадисидан четланмоғи лозим. Бу сўзимизнинг далили хилоф бўлмаган ҳолда Аллоҳнинг қуйидаги оятларида аксини топган: «Эй мўминлар! Агар сизларга бир фосиқ кимса бирон хабар келтирса, сизлар (ҳақиқий аҳволни) билмаган ҳолингизда бирон қавмга мусибат етказиб қўйиб, қилган ишларингизга афсус-надомат чекиб қолмасликларингиз учун (у фосиқ кимса олиб келган хабарни) аниқлаб-текшириб кўринглар» (Ҳужурот сураси, 6-оят); «Ва сизлар рози бўладиган (адолатли) гувоҳлардан (гувоҳ қилинганлар)» (Бақара сураси, 282-оят); «Ўзларингиздан (яъни, мусулмонлардан) бўлган икки адолат соҳибини гувоҳ қилинганлар» (Талоқ сураси, 2-оят). Бу оятлардан билдикки, фосиқ кишининг хабари нуқсонли ва қабул этилмайди. Албатта адолатсиз кишининг шаҳодати рад қилинган. Агар хабар билан шаҳодатнинг маънолари баъзи кўринишларда фарқли бўлса ҳам, кўп ўринларда жамланади. Илм аҳли наздида фосиқнинг хабари мақбул эмас. Шу сингари фосиқнинг шаҳодати ҳам барчаларининг наздларида мақбул эмас. Қуръон фосиқнинг хабарини инкор қилганидек, суннат ҳам мункар хабарли ривоятларни қуйидаги машҳур ҳадисда айтилганидек рад этади:

1 - وَهُوَ الْأَثَرُ الْمَشْهُورُ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَنْ حَدَّثَ عَنِّي بِحَدِيثٍ يُرَى أَنَّهُ كَذَبٌ فَهُوَ أَحَدُ الْكَاذِبِينَ حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ حَدَّثَنَا وَكَيْعٌ عَنْ شُعْبَةَ عَنِ الْحَكَمِ عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ أَبِي لَيْلَى عَنْ سَمُرَةَ بْنِ جُنْدَبٍ ح وَحَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ أَيْضًا حَدَّثَنَا وَكَيْعٌ عَنْ شُعْبَةَ وَسُفْيَانَ عَنْ حَبِيبٍ عَنْ مَيْمُونِ بْنِ أَبِي شَيْبَةَ عَنِ الْمُعْبِرَةِ بْنِ شُعْبَةَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ذَلِكَ

1/1. Муғйра ибн Шўъба розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким менинг номимдан ёлфон деб гумон қилинган ҳадисни айтса, бас, у ёлфончиларнинг биридир», дедилар.

## 2-боб

**Расулulloҳ соллалллоҳу алайҳи васалламга нисбатан ёлғон ишлатиш  
одобсизлик экани ҳақида**

2 - وَحَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ حَدَّثَنَا عُنْدَ عَنْ شُعْبَةَ ح وَحَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى وَابْنُ بَشَّارٍ قَالَا حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ جَعْفَرٍ حَدَّثَنَا شُعْبَةُ عَنْ مَنْصُورٍ عَنْ رَبِيعِ بْنِ جَرَّاشٍ أَنَّهُ سَمِعَ عَلِيًّا رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ يَخْطُبُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَا تَكْذُبُوا عَلَيَّ فَإِنَّهُ مَنْ يَكْذِبْ عَلَيَّ يَلْجِ النَّارَ

2/1. Рибъий ибн Хирош розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Бу зот Али розийаллоҳу анҳунинг қуйидагича хутбаларини эшитганлар. Расулulloҳ соллалллоҳу алайҳи васаллам: «Менга нисбатан ёлғон гапирманглар. Чунки ким менга нисбатан ёлғон гапирса, дўзахга киради», дедилар.

3 - وَحَدَّثَنِي زُهَيْرُ بْنُ حَرْبٍ حَدَّثَنَا إِسْمَاعِيلُ يَعْنِي ابْنَ عُثْبَةَ عَنْ عَبْدِ الْعَزِيزِ بْنِ صُهَيْبٍ عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ قَالَ إِنَّهُ لَيَمْنَعُنِي أَنْ أُحَدِّثَكُمْ حَدِيثًا كَثِيرًا أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ مَنْ تَعَمَّدَ عَلَيَّ كَذِبًا فَلْيَتَّبِعُوا مَقْعَدَهُ مِنَ النَّارِ

3/2. Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Бу зот: «Расулulloҳ соллалллоҳу алайҳи васалламнинг: «Ким менга нисбатан атайлаб ёлғонни қасд қилса, жойини дўзахдан тайёрлаб қўйсин», деган сўзлари мени кўп ҳадис айтишдан тўсиб туради», дедилар.

4 - وَحَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ عَبْدِ الْعُبَيْرِ حَدَّثَنَا أَبُو عَوَانَةَ عَنْ أَبِي حَصِينٍ عَنْ أَبِي صَالِحٍ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَنْ كَذَبَ عَلَيَّ مُتَعَمِّدًا فَلْيَتَّبِعُوا مَقْعَدَهُ مِنَ النَّارِ

4/3. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллалллоҳу алайҳи васаллам: «Ким менинг номимдан қасддан ёлғон гапирса, жойини дўзахдан тайёрлаб қўяверсин», дедилар.

5 - وَحَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ نُمَيْرٍ حَدَّثَنَا أَبِي حَدَّثَنَا سَعِيدُ بْنُ عُبَيْدٍ حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ رَبِيعَةَ قَالَ أَتَيْتُ الْمَسْجِدَ وَالْمُغِيرَةَ أَمِيرَ الْكُوفَةِ قَالَ فَقَالَ الْمُغِيرَةُ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ إِنَّ كَذِبًا عَلَيَّ لَيْسَ كَكَذِبِ عَلَيَّ أَحَدٍ فَمَنْ كَذَبَ عَلَيَّ مُتَعَمِّدًا فَلْيَتَّبِعُوا مَقْعَدَهُ مِنَ النَّارِ

وَحَدَّثَنِي عَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ السَّعْدِيُّ حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ مُسْهِرٍ أَخْبَرَنَا مُحَمَّدُ بْنُ قَيْسٍ الْأَسَدِيُّ عَنْ عَلِيِّ بْنِ رَبِيعَةَ الْأَسَدِيِّ عَنِ الْمُغِيرَةَ بْنِ شُعْبَةَ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِمِثْلِهِ وَلَمْ يَذْكُرْ إِنَّ كَذِبًا عَلَيَّ لَيْسَ كَكَذِبِ عَلَيَّ أَحَدٍ

5/4. Али ибн Рабийъа розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Масжидга бордим. Муғйра Кўфанинг амири эдилар. Муғйра: «Расулulloҳ соллалллоҳу алайҳи васалламнинг: «Менга нисбатан ёлғон гапириш бошқа бирон кишига нисбатан ёлғон гапириш каби эмас. Бас, ким

менга нисбатан ёлғон гапирса, жойини дўзахдан танлаб қўяверсин», деб айтганларини эшитдим», дедилар».

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган. Лекин «Менга нисбатан ёлғон гапириш бошқа бирон кишига нисбатан ёлғон гапириш каби эмас» жумласи зикр қилинмаган.

### 3-боб

#### Ҳар бир эшитган нарсасини гапиришдан қайтариш тўғрисида

6 - وَحَدَّثَنَا عُبَيْدُ اللَّهِ بْنُ مُعَاذِ الْعَبْرِيِّ حَدَّثَنَا أَبِي ح وَحَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ مَهْدِيٍّ قَالَا حَدَّثَنَا شُعْبَةُ عَنْ خُبَيْبِ بْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ عَنْ حَفْصِ بْنِ عَاصِمٍ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَفَى بِالْمَرْءِ كَذِبًا أَنْ يُحَدِّثَ بِكُلِّ مَا سَمِعَ وَحَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ حَفْصٍ حَدَّثَنَا شُعْبَةُ عَنْ خُبَيْبِ بْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ عَنْ حَفْصِ بْنِ عَاصِمٍ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِمِثْلِ ذَلِكَ

6/1. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кишининг ҳар бир эшитган нарсасини гапирмоғи ёлғончи эканлигига кифоя қилади», дедилар.

Бу ерда мана шу ҳадис такрор келган.

7 - وَحَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ يَحْيَى أَخْبَرَنَا هُشَيْمٌ عَنْ سُلَيْمَانَ التَّمِيمِيِّ عَنِ أَبِي عُثْمَانَ التَّهْدِيٍّ قَالَ قَالَ عُمَرُ بْنُ الْخَطَّابِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ بِحَسْبِ الْمَرْءِ مِنَ الْكُذْبِ أَنْ يُحَدِّثَ بِكُلِّ مَا سَمِعَ

7/2. Умар ибн Хаттоб розийаллоҳу анҳу: «Кишининг ҳар бир эшитган нарсасини гапириши ёлғончи эканлигига етарлидир», дедилар.

8 - وَحَدَّثَنِي أَبُو الطَّاهِرِ أَحْمَدُ بْنُ عَمْرٍو بْنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو بْنِ سَرْحٍ قَالَ أَخْبَرَنَا ابْنُ وَهْبٍ قَالَ قَالَ لِي مَالِكٌ أَعْلَمُ أَنَّهُ لَيْسَ يَسْلَمُ رَجُلٌ حَدَّثَ بِكُلِّ مَا سَمِعَ وَلَا يَكُونُ إِمَامًا أَبَدًا وَهُوَ يُحَدِّثُ بِكُلِّ مَا سَمِعَ حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى قَالَ حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّحْمَنِ قَالَ حَدَّثَنَا سُفْيَانُ عَنْ أَبِي إِسْحَاقَ عَنْ أَبِي الْأَحْوَصِ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ قَالَ بِحَسْبِ الْمَرْءِ مِنَ الْكُذْبِ أَنْ يُحَدِّثَ بِكُلِّ مَا سَمِعَ

8/3. Ибн Ваҳб айтдилар: «Молик менга: «Билки, ҳар бир эшитган нарсасини гапираверадиган киши (хатодан) омонда бўлмайди. Ва ҳар бир эшитган нарсасини гапираверадиган киши ҳеч қачон имом ҳам бўлмайди», деди».

(Изоҳ: бу ҳадисда намоздаги имом назарда тутилмаган. Ҳадиснинг маъноси шундай: «Ҳар бир эшитган ҳадисини ривоят қилаверадиган киши

сўзи эътиборга олинадиган, эргашиладиган кишилардан бўла олмайди». Валлоҳу аълам.)

Бу ерда 7-рақамли ҳадис такрор келган.

9 - وَحَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى قَالَ سَمِعْتُ عَبْدَ الرَّحْمَنِ بْنَ مَهْدِيٍّ يَقُولُ لَا يَكُونُ الرَّجُلُ إِمَامًا يُقْتَدَى بِهِ حَتَّى يُمَسِكَ عَنْهُ

بَعْضُ مَا سَمِعَ

9/4. Абдурахмон ибн Маҳдий: «Киши эшитган нарсаларининг баъзисини (гапиришдан) ўзида тийиб турмагунича иқтидо қилинадиган имом бўла олмайди», деб айтдилар.

(Изоҳ: бу ҳадисда ҳам сўзи эътиборга олинадиган пешво назарда тутилган.)

10 - حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ يَحْيَى أَخْبَرَنَا عُمَرُ بْنُ عَلِيٍّ بْنِ مُقَدِّمٍ عَنْ سُفْيَانَ بْنِ حُسَيْنٍ قَالَ سَأَلَنِي إِبْرَاهِيمُ بْنُ مُعَاوِيَةَ فَقَالَ إِنِّي أَرَاكَ

قَدْ كَلَّفْتَ بَعْلِمِ الْقُرْآنِ فَاقْرَأْ عَلَيَّ سُورَةَ وَفَسِّرْ حَتَّى أَنْظُرَ فِيمَا عَلِمْتَ قَالَ فَفَعَلْتُ فَقَالَ لِي احْفَظْ عَلَيَّ مَا أَقُولُ لَكَ إِنَّاكَ وَالشَّيْءُ فِي الْحَدِيثِ فَإِنَّهُ قَلَّمَا حَمَلَهَا أَحَدٌ إِلَّا ذَلَّ فِي نَفْسِهِ وَكُذِّبَ فِي حَدِيثِهِ

10/5. Суфён ибн Ҳусайндан ривоят қилинади. «Иёс ибн Муовия мендан: «Сенинг Қуръон илмига муҳаббат қўйганингни кўряпман, менга бир сурани ўқиб, тафсир қилиб бер, уни қай даражада билишингни кўрайин», деб сўраганида, мен уни(нг айтганини) қилдим. Шунда у: «Сенга айтадиган гапларимни ёдингда сақлаб қол. Ҳадис хусусида ҳақоратланишдан эҳтиёт бўл (яъни, тўқима ҳадис айтиб, одамларнинг лаънатига гирифтор бўлма... – тарж.). Чунки баъзида киши (тўқима) ҳадисни айтиб, ўзи хор бўлади. Ҳадиси ёлфонга чиқарилади», деди».

11 - وَحَدَّثَنِي أَبُو الطَّاهِرِ وَحَرَمَلَةُ بْنُ يَحْيَى قَالَا أَخْبَرَنَا ابْنُ وَهْبٍ قَالَ أَخْبَرَنِي يُونُسُ عَنْ ابْنِ شَهَابٍ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ

بْنِ عُتْبَةَ أَنَّ عَبْدَ اللَّهِ بْنَ مَسْعُودٍ قَالَ مَا أَنْتَ بِمُحَدِّثٍ قَوْمًا حَدِيثًا لَا تَبْلُغُهُ عُقُولُهُمْ إِلَّا كَانَ لِبَعْضِهِمْ فِتْنَةٌ

11/6. Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Утбадан ривоят қилинади. Абдуллоҳ ибн Масъуд розийаллоҳу анҳу: «Сен қавмга ақллари етмайдиган бирор ҳадисни айтмагин. Агар айтадиган бўлсанг, уларнинг баъзиларига фитна бўлади», дедилар.

#### 4-боб

**Ишончсиз кишилардан ривоят қилишдан қайтариш ва улардан ҳадис олишда эҳтиёт бўлиш ҳақида**

12 - وَحَدَّثَنِي مُحَمَّدُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ نُمَيْرٍ وَرُهِيرُ بْنُ حَرْبٍ قَالَا حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ يَزِيدَ قَالَ حَدَّثَنِي سَعِيدُ بْنُ أَبِي أَيُّوبَ قَالَ حَدَّثَنِي أَبُو هَانِيءٍ عَنْ أَبِي عُثْمَانَ مُسْلِمِ بْنِ يَسَارٍ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ قَالَ سَيَكُونُ فِي آخِرِ أُمَّتِي أَنَاسٌ يُحَدِّثُونَكُمْ مَا لَمْ تَسْمَعُوا أَنْتُمْ وَلَا آبَاؤُكُمْ فَيَأْتِيَكُمْ وَإِيَاهُمْ

12/1. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Умматимнинг охирида шундай кишилар пайдо бўладики, улар на сизлар ва на оталарингиз эшитмаган ҳадисларни айтишади. Сизлар бундай қилишдан сақланиб, ўзингизни улардан йироқ тутинг», дедилар.

13 - وَحَدَّثَنِي حَرَمَلَةُ بْنُ يَحْيَى بْنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ حَرَمَلَةَ بْنِ عِمْرَانَ التَّجِيبِيُّ قَالَ حَدَّثَنَا ابْنُ وَهْبٍ قَالَ حَدَّثَنِي أَبُو شُرَيْحٍ أَنَّهُ سَمِعَ شَرَّاحِيلَ بْنَ يَزِيدَ يَقُولُ أَخْبَرَنِي مُسْلِمُ بْنُ يَسَارٍ أَنَّهُ سَمِعَ أَبَا هُرَيْرَةَ يَقُولًا قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَكُونُ فِي آخِرِ الزَّمَانِ دَجَالُونَ كَذَابُونَ يَأْتُونَكُمْ مِنَ الْأَحَادِيثِ بِمَا لَمْ تَسْمَعُوا أَنْتُمْ وَلَا آبَاؤُكُمْ فَيَأْتِيكُمْ وَإِيَاهُمْ لَا يُضِلُّونَكُمْ وَلَا يَفْتِنُونَكُمْ

13/2. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Охир замонда ёлғончи дажжоллар пайдо бўлишади. Улар на сизлар ва на оталарингиз эшитмаган ҳадисларни олиб келишади. Бас, улардан четланиб, ўзингизни улардан йироқ тутинг. Сизларни адаштириб, фитналантириб қўймасин», дедилар.

14 - وَحَدَّثَنِي أَبُو سَعِيدٍ الْأَشْجِيُّ حَدَّثَنَا وَكَيْعٌ حَدَّثَنَا الْأَعْمَشُ عَنْ الْمُسَيْبِ بْنِ رَافِعٍ عَنْ عَامِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ قَالَ قَالَ عَبْدُ اللَّهِ إِنَّ الشَّيْطَانَ لِيَتَمَثَّلُ فِي صُورَةِ الرَّجُلِ فَيَأْتِي الْقَوْمَ فَيُحَدِّثُهُمْ بِالْحَدِيثِ مِنَ الْكُذْبِ فَيَتَفَرَّقُونَ فَيَقُولُ الرَّجُلُ مِنْهُمْ سَمِعْتُ رَجُلًا أَعْرَفُ وَجْهَهُ وَلَا أَدْرِي مَا اسْمُهُ يُحَدِّثُ

14/3. Омир ибн Абададан ривоят қилинади. Абдуллоҳ розийаллоҳу анҳу: «Албатта шайтон бир киши суратида гавдаланади. Бас, у бир қавмга келиб, уларга ёлғон ҳадисларни айтади, шунда улар тафриқа қилишади. Улардан бир киши: «Бир одамдан эшитдим, унинг юзини танийман-у, аммо исмини билмайман, ўша ҳадис айтди», дейди», дедилар.

15 - حَدَّثَنِي مُحَمَّدُ بْنُ رَافِعٍ حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّزَّاقِ أَخْبَرَنَا مَعْمَرٌ عَنْ ابْنِ طَاوُسٍ عَنْ أَبِيهِ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو بْنِ الْعَاصِ قَالَ إِنَّ فِي الْبَحْرِ شَيَاطِينَ مَسْجُونَةً أَوْتَقَهَا سُلَيْمَانُ يُوشِكُ أَنْ تَخْرُجَ فَتَقْرَأَ عَلَى النَّاسِ قُرْآنًا

15/4. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осс розийаллоҳу анҳу: «Албатта денгизга қамаб қўйилган шайтонлар бор. Уларни Сулаймон алайҳиссалом маҳкамлаб боғлаб қўйганлар. Уларнинг чиқиб, кишиларга Қуръон ўқиб бериши тез кунда содир бўлади», дедилар.



(Изоҳ: Аслида ўқиган нарсаси Қуръондан бўлмайди, лекин одамларни адаштириш учун Қуръондан, деб ўқийди).

16- وَحَدَّثَنِي مُحَمَّدُ بْنُ عَبْدِ وَاسِعٍ بْنِ عَمْرِو الْأَشْعِنِيِّ جَمِيعًا عَنْ ابْنِ عُيَيْنَةَ قَالَ سَعِيدٌ أَخْبَرَنَا سُفْيَانُ عَنْ هِشَامِ بْنِ حُجَيْرٍ عَنْ طَاوُسٍ قَالَ جَاءَ هَذَا إِلَى ابْنِ عَبَّاسٍ يَعْنِي بُشَيْرَ بْنَ كَعْبٍ فَجَعَلَ يُحَدِّثُهُ فَقَالَ لَهُ ابْنُ عَبَّاسٍ عُدَّ لِحَدِيثِ كَذَا وَكَذَا فَعَادَ لَهُ ثُمَّ حَدَّثَهُ فَقَالَ لَهُ عُدَّ لِحَدِيثِ كَذَا وَكَذَا فَعَادَ لَهُ فَقَالَ لَهُ مَا أَدْرِي أَعْرَفْتَ حَدِيثِي كُلَّهُ وَأَنْكَرْتَ هَذَا أَمْ أَنْكَرْتَ حَدِيثِي كُلَّهُ وَعَرَفْتَ هَذَا فَقَالَ لَهُ ابْنُ عَبَّاسٍ إِنَّا كُنَّا نَحَدِّثُ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذْ لَمْ يَكُنْ يُكْذِبُ عَلَيْهِ فَلَمَّا رَكِبَ النَّاسُ الصَّعْبَ وَالذَّلُولَ تَرَكَنَا الْحَدِيثَ عَنْهُ

16/5. Товусдан ривоят қилинади. Бушайр ибн Каъб Ибн Аббос розийаллоҳу анҳу ҳузурларига келиб, ҳадис айта бошладилар. Шунда Ибн Аббос у кишига: «Фалон ҳадисга қайт», дедилар. У киши унга қайтдилар. Сўнгра ҳадис айтдилар. Ва яна фалон ва фалон ҳадисга қайт, дедилар. Бас, у киши ўша ҳадисга қайтиб: «Айтган ҳадисларимнинг ҳаммасини тан олиб, буни инкор қилдингми ёки айтган ҳадисларимнинг барчасини инкор қилиб, буни тан олдингми, билолмай қолдим», деганларида, Ибн Аббос розийаллоҳу анҳу: «Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ҳадис ривоят қилар эдик, чунки унга ёлғон киритилмас эди. Қачонки, одамлар тўғри ва нотўғри йўлларга юраверадиган бўлиб кетишганидан (яъни, яхши ва ёмон йўлнинг фарқи қолмаганидан) кейин у зотдан ҳадис айтишни тарк қилдик», дедилар.

17 - وَحَدَّثَنِي مُحَمَّدُ بْنُ رَافِعٍ حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّزَّاقِ أَخْبَرَنَا مَعْمَرٌ عَنْ ابْنِ طَاوُسٍ عَنْ أَبِيهِ عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ قَالَ إِنَّمَا كُنَّا نَحْفَظُ الْحَدِيثَ وَالْحَدِيثُ يُحْفَظُ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَأَمَّا إِذْ رَكِبْتُمْ كُلَّ صَعْبٍ وَذَلُولٍ فَهَيَّهَاتَ

17/6. Товуснинг ўғиллари ундан қилган ривоятда Ибн Аббос розийаллоҳу анҳу: «Биз ҳадис ёдлар эдик. Ҳадис фақат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ёдланар эди. Аммо сизлар тўғри ва нотўғри йўлларга юраверадиган бўлиб кетганингиздан кейин (ҳадисингизга ишониш) жуда қийин», дедилар.

18 - وَحَدَّثَنِي أَبُو أَيُّوبَ سُلَيْمَانُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ الْغِيلَانِيُّ حَدَّثَنَا أَبُو عَامِرٍ يَعْنِي الْعَقَدِيَّ حَدَّثَنَا رَبَاحٌ عَنْ فَيْسِ بْنِ سَعْدٍ عَنْ مُجَاهِدٍ قَالَ جَاءَ بُشَيْرُ الْعَدَوِيِّ إِلَى ابْنِ عَبَّاسٍ فَجَعَلَ يُحَدِّثُ وَيَقُولُ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَجَعَلَ ابْنُ عَبَّاسٍ لَا يَأْذُنُ لِحَدِيثِهِ وَلَا يَنْظُرُ إِلَيْهِ فَقَالَ يَا ابْنَ عَبَّاسٍ مَا لِي لَا أَرَاكَ تَسْمَعُ لِحَدِيثِي أُحَدِّثُكَ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَلَا تَسْمَعُ فَقَالَ ابْنُ عَبَّاسٍ إِنَّمَا كُنَّا مَرَّةً إِذَا سَمِعْنَا رَجُلًا يَقُولُ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ابْتَدَرْتُهُ أَبْصَارُنَا وَأَصْعَيْنَا إِلَيْهِ بَادَانَا فَلَمَّا رَكِبَ النَّاسُ الصَّعْبَ وَالذَّلُولَ لَمْ نَأْخُذْ مِنَ النَّاسِ إِلَّا مَا نَعْرِفُ

18/7. Мужоҳиддан ривоят қилинади. Бушайр ал-Адавий Ибн Аббос розийаллоҳу анҳу ҳузурларига келиб, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ундай деганлар, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бундай деганлар, деб гапира бошлади. Ибн Аббос унинг гапига қулоқ ҳам тутмадилар ва унга қараб ҳам қўймадилар. Шунда у: «Эй Ибн Аббос, нима бўлди, ҳадисимга қулоқ солмаяпсиз, сизга Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ҳадис ривоят қилсам, эшитмаяпсиз, гапирсам, унга қулоқ тутаётганингизни кўрмаяпман», деганида, Ибн Аббос: «Биз илгари агар бирор кишидан Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар, деган сўзни эшитсак, кўзларимиз (уни кўришга), қулоқларимиз эса эшитишга шошарди. Қачонки, кишилар тўғри ва нотўғри йўлларга юраверадиган бўлиб кетишганидан кейин одамлардан фақатгина билган нарсаларимизни олдик, холос», дедилар.

19 - حَدَّثَنَا دَاوُدُ بْنُ عَمْرٍو الضَّبِّيُّ حَدَّثَنَا نَافِعُ بْنُ عُمَرَ عَنِ ابْنِ أَبِي مُلَيْكَةَ قَالَ كَتَبْتُ إِلَى ابْنِ عَبَّاسٍ أَسْأَلُهُ أَنْ يَكْتُبَ لِي كِتَابًا وَيُخْفِيَ عَنِّي فَقَالَ وَلَدٌ نَاصِحٌ أَنَا أختَارُ لَهُ الْأُمُورَ اختِيَارًا وَأُخْفِي عَنْهُ قَالَ فَدَعَا بِقَضَاءِ عَلِيٍّ فَجَعَلَ يَكْتُبُ مِنْهُ أَشْيَاءَ وَيَمُرُّ بِهِ الشَّيْءُ فَيَقُولُ وَاللَّهِ مَا قَضَى بِهَذَا عَلِيٌّ إِلَّا أَنْ يَكُونَ ضَلًّا

19/8. Ибн Абу Мулайкадан ривоят қилинади. «Ибн Аббос розийаллоҳу анҳуга бир (мактуб) ёзиб, мендан махфий бўлиб қолган нарсалар хусусида бир китоб ёзиб беришларини сўрадим. Шунда у зот: «Бу самимий бола, мен унга махфий бўлиб қолган нарсанинг хабарини бераман», дедилар. Али розийаллоҳу анҳунинг қилган ҳукмларини олиб келишни буюрдилар. Ва ундан баъзи нарсаларни ёзиб ва баъзи нарсани (ёзмасдан) ўтиб (ташлаб) кетдилар. «Аллоҳга қасамки, Али розийаллоҳу анҳу бу билан ҳукм қилмаганлар. Бундай ҳукмни фақат адашган киши қилади», деб айтдилар».

20 - حَدَّثَنَا عَمْرُو النَّاقِدُ حَدَّثَنَا سُفْيَانُ بْنُ عُيَيْنَةَ عَنْ هِشَامِ بْنِ حُجَيْرٍ عَنْ طَاوُسٍ قَالَ أَتَى ابْنُ عَبَّاسٍ بِكِتَابٍ فِيهِ قَضَاءُ عَلِيٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ فَمَحَاهُ إِلَّا قَدْرَ وَأَشَارَ سُفْيَانُ بْنُ عُيَيْنَةَ بِذِرَاعِهِ

20/9. Товусдан ривоят қилинади. Ибн Аббос розийаллоҳу анҳуга Али розийаллоҳу анҳу ҳукмлари ёзилган китоб келтирилди. Ибн Аббос розийаллоҳу анҳу ундан бир миқдорини қолдириб, қолганини ўчирдилар. Суфён ибн Уяйна ўша миқдорни билаклари билан ишора қилиб кўрсатдилар.

21 - حَدَّثَنَا حَسَنُ بْنُ عَلِيٍّ الْحُلَوَانِيُّ حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ آدَمَ حَدَّثَنَا ابْنُ إِدْرِيسَ عَنِ الْأَعْمَشِ عَنْ أَبِي إِسْحَقَ قَالَ لَمَّا أَحَدْتُوا تِلْكَ الْأَشْيَاءَ بَعَدَ عَلِيٌّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ رَجُلٌ مِنْ أَصْحَابِ عَلِيٍّ قَاتَلَهُمُ اللَّهُ أَيَّ عِلْمٍ أَفْسَدُوا

21/10. Абу Исҳоқдан ривоят қилинади. Али розийаллоҳу анҳудан кейин ана шу нарсаларда (рофиза ва шиа каби фирқалар) янгилик олиб келишганда, Али розийаллоҳу анҳунинг яқинларидан бири: «Аллоҳ илмни фасод қилганларни ҳалок этсин», деди.

22 - حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ حَشْرَمٍ أَخْبَرَنَا أَبُو بَكْرٍ يَعْنِي ابْنَ عِيَّاشٍ قَالَ سَمِعْتُ الْمُعْبِرَةَ يَقُولُ لَمْ يَكُنْ يَصْدُقْ عَلِيٌّ عَلِيٌّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ فِي الْحَدِيثِ عَنْهُ إِلَّا مِنْ أَصْحَابِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ

22/11. Муғйра: «Али розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадис тасдиқланмас эди. Фақатгина Абдуллоҳ ибн Масъуд шогирдлари орқали қилинган бўлсагина, тасдиқланар эди», дедилар.

### 5-боб

**Албатта санад диндандир. Ривоят ишончли кишилардан олинади. Ровийларнинг камчилиги бўлса, айбланиш жоиз, балки вожибдир. Бу ҳаром бўлган ғийбатлардан эмас, балки мукаррам шариатни ҳимоя қилишдир**

23 - حَدَّثَنَا حَسَنُ بْنُ الرَّبِيعِ حَدَّثَنَا حَمَّادُ بْنُ زَيْدٍ عَنْ أَبِي بَكْرٍ وَهَشَامٍ عَنْ مُحَمَّدٍ وَحَدَّثَنَا فَضَيْلٌ عَنْ هِشَامٍ قَالَ وَحَدَّثَنَا مَخْلَدٌ بْنُ حُسَيْنٍ عَنْ هِشَامٍ عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ سَيْرِينَ قَالَ إِنَّ هَذَا الْعِلْمَ دِينَ فَانظُرُوا عَمَّنْ تَأْخُذُونَ دِينَكُمْ

23/1. Муҳаммад ибн Сийрин: «Албатта илм – диндир. Бас, динингизни кимдан олаётганингизга қаранг», дедилар.

24 - حَدَّثَنَا أَبُو جَعْفَرٍ مُحَمَّدُ بْنُ الصَّبَّاحِ حَدَّثَنَا إِسْمَاعِيلُ بْنُ زَكَرِيَّاءَ عَنْ عَاصِمِ الْأَحْوَلِ عَنِ ابْنِ سَيْرِينَ قَالَ لَمْ يَكُونُوا يَسْأَلُونَ عَنِ الْإِسْنَادِ فَلَمَّا وَقَعَتِ الْفِتْنَةُ قَالُوا سَمُّوا لَنَا رِجَالَكُمْ فَيَنْظُرُ إِلَى أَهْلِ السُّنَّةِ فَيُؤْخَذُ حَدِيثُهُمْ وَيُنْظَرُ إِلَى أَهْلِ الْبِدْعِ فَلَا يُؤْخَذُ حَدِيثُهُمْ

24/2. Ибн Сийрин: «Илгари одамлар санад ҳақида сўрашмас эди. Қачонки, фитналар содир бўлгач, бизга «Ҳадис гапирувчи кишиларингизни номма-ном айтинг», дейдиган бўлишди. Бас, аҳли суннага қараб, улардан ҳадис олинар эди. Ва аҳли бидъатга қараб, ҳадислари олинмас эди», дедилар.

25 - حَدَّثَنَا إِسْحَقُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ الْحَنْظَلِيُّ أَخْبَرَنَا عِيسَى وَهُوَ ابْنُ يُونُسَ حَدَّثَنَا الْأَوْزَاعِيُّ عَنْ سُلَيْمَانَ بْنِ مُوسَى قَالَ لَقِيتُ طَاوُسًا فَقُلْتُ حَدَّثَنِي فُلَانٌ كَيْتَ وَكَيْتِ قَالَ إِنْ كَانَ صَاحِبُكَ مَلِيًّا فَخُذْ عَنْهُ وَحَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ الدَّارِمِيُّ أَخْبَرَنَا مَرْوَانُ يَعْنِي ابْنَ مُحَمَّدِ الدَّمَشَقِيِّ حَدَّثَنَا سَعِيدُ بْنُ عَبْدِ الْعَزِيزِ عَنْ سُلَيْمَانَ بْنِ مُوسَى قَالَ قُلْتُ لَطَاوُسٍ إِنْ فُلَانًا حَدَّثَنِي بِكَذَا وَكَذَا قَالَ إِنْ كَانَ صَاحِبُكَ مَلِيًّا فَخُذْ عَنْهُ

25/3. Сулаймон ибн Мусо: «Товусга йўлиқиб, фалончи ундоқ ва бундоқ, деб менга ҳадис айтмоқда, десам, у зот: «Агар гапираётган кишинг ишончли бўлса, ундан (ҳадисни) олавергин», дедилар», деб айтдилар.

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган.

26 - حَدَّثَنَا نَصْرُ بْنُ عَلِيٍّ الْجَهْضَمِيُّ حَدَّثَنَا الْأَصْمَعِيُّ عَنِ ابْنِ أَبِي الزِّنَادِ عَنْ أَبِيهِ قَالَ أَدْرَكْتُ بِالْمَدِينَةِ مَائَةَ كُلِّهِمْ مَأْمُونٌ مَا يُؤْخَذُ عَنْهُمْ الْحَدِيثُ يُقَالُ لَيْسَ مِنْ أَهْلِهِ

26/4. Ибн Абу Зинод оталаридан қилган ривоятда оталари: «Мадинада юз киши билан учрашдим, уларнинг барчаси ишончли эди. Лекин улардан ҳадис олинмас ва унинг аҳлидан ҳам эмаслар, деб айтилар эди», дедилар.

27 - حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ أَبِي عُمَرَ الْمَكِّيُّ حَدَّثَنَا سُفْيَانُ ح وَحَدَّثَنِي أَبُو بَكْرِ بْنُ خَلَادٍ الْبَاهِلِيُّ وَاللَّفْظُ لَهُ قَالَ سَمِعْتُ سُفْيَانَ بْنَ عُيَيْنَةَ عَنْ مِسْعَرَ قَالَ سَمِعْتُ سَعْدَ بْنَ إِبرَاهِيمَ يَقُولَا لَا يُحَدَّثُ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِلَّا النَّقَاتُ

27/5. Мисъардан ривоят қилинади. Саъд ибн Иброҳим: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Фақат ишончли кишиларгина ривоят қилиб гапиришади», деб айтганларини эшитдим», дедилар.

28 - وَحَدَّثَنِي مُحَمَّدُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ قَهْرَازٍ مِنْ أَهْلِ مَرَوْ قَالَ سَمِعْتُ عَبْدَانَ بْنَ عُثْمَانَ يَقُولُ سَمِعْتُ عَبْدَ اللَّهِ بْنَ الْمُبَارَكِ يَقُولَا الْإِسْنَادُ مِنَ الدِّينِ وَلَوْلَا الْإِسْنَادُ لَقَالَ مَنْ شَاءَ مَا شَاءَ

28/6. Абдуллоҳ ибн Муборак: «Ҳадисдаги санад (яъни, фалончи пистончидан ривоят қилган, деб номма-ном зикр қилиш) диндандир. Агар санад бўлмаса, хоҳлаган киши хоҳлаган нарсасини айтаверади», дедилар.

29 - وَقَالَ مُحَمَّدُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ حَدَّثَنِي الْعَبَّاسُ بْنُ أَبِي رِزْمَةَ قَالَ سَمِعْتُ عَبْدَ اللَّهِ يَقُولَا بَيْنَنَا وَبَيْنَ الْقَوْمِ الْقَوَائِمُ يَعْنِي الْإِسْنَادَ

29/7. Абдуллоҳ ибн Муборак: «Биз билан қавм орасида тиргак, яъни санадлар бордир (агар саҳиҳ санад билан келса, ҳадисни қабул қиламиз, аммо заиф бўлса, қабул қилмаймиз)», дедилар.

30 - وَقَالَ مُحَمَّدُ سَمِعْتُ أَبَا إِسْحَقَ إِبرَاهِيمَ بْنَ عَيْسَى الطَّالِقَانِيَّ قَالَ قُلْتُ لِعَبْدِ اللَّهِ بْنِ الْمُبَارَكِ يَا أَبَا عَبْدِ الرَّحْمَنِ الْحَدِيثُ الَّذِي جَاءَ إِنْ مِنَ الْبِرِّ بَعْدَ الْبِرِّ أَنْ تُصَلِّيَ لِأَبَوَيْكَ مَعَ صَلَاتِكَ وَتَصُومَ لَهُمَا مَعَ صَوْمِكَ قَالَ فَقَالَ عَبْدُ اللَّهِ يَا أَبَا إِسْحَقَ عَمَّنْ هَذَا قَالَ قُلْتُ لَهُ هَذَا مِنْ حَدِيثِ شِهَابِ بْنِ خِرَاشٍ فَقَالَ ثِقَّةٌ عَمَّنْ قَالَ قُلْتُ عَنْ الْحَجَّاجِ بْنِ دِينَارٍ قَالَ ثِقَّةٌ عَمَّنْ قَالَ قُلْتُ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى

اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ يَا أَبَا إِسْحَقَ إِنَّ بَيْنَ الْحَجَّاجِ بْنِ دِينَارٍ وَبَيْنَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَفَاوِزَ تَنْقَطِعُ فِيهَا أَعْنَاقُ الْمَطِيِّ وَلَكِنْ لَيْسَ فِي الصَّدَقَةِ اخْتِلَافٌ

30/8. Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Исо Толақонийдан ривоят қилинади. «Абдуллоҳ ибн Муборакга: «Эй Абу Абдурахмон, яъни Абдуллоҳ, «Намозингга қўшиб ота-онангга ҳам намоз ўқимоғинг ва рўзангга қўшиб ота-онангга ҳам рўза тутмоғинг яхшилик қилганингдан кейинги яхшиликдир», дейилган ҳадис (менга) етиб келди», десам, Абдуллоҳ: «Эй Абу Исҳоқ, бу (ҳадис) кимдан?» дедилар. Мен: «Бу Шиҳоб ибн Хирошдан», деганимда, «Ишончли», дедилар. Яна: «У (ҳадисни) кимдан олди?» деганларида, «Ҳажжож ибн Динордан», десам, «Ишончли», дедилар. Яна: «У (ҳадисни) кимдан олди?» деганларида, «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганлар», дедим. Шунда у зот: «Эй Абу Исҳоқ, Ҳажжож ибн Динор билан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўрталарида (улов) ҳайвонининг бўйнини кесувчи узоқ чўл йўли бор. Ва лекин садақада ихтилоф йўқдир», дедилар. (Яъни, бу ҳадис ҳужжат қилинмайди. Лекин ким ота-онасига яхшилик қилишни хоҳласа, садақа қилсин. У маййитга етиб боради.)

31 - وَقَالَ مُحَمَّدٌ سَمِعْتُ عَلِيَّ بْنَ شَقِيقٍ يَقُولُ سَمِعْتُ عَبْدَ اللَّهِ بْنَ الْمُبَارَكِ يَقُولًا عَلَى رُءُوسِ النَّاسِ دَعُوا حَدِيثَ عَمْرٍو بْنِ ثَابِتٍ فَإِنَّهُ كَانَ يَسُبُّ السَّلْفَ

31/9. Али ибн Шақиқдан ривоят қилинади. Абдуллоҳ ибн Муборак одамлар олдида: «Амр ибн Собит ривоят қилган ҳадисларни тарк қилинглари. Чунки у салафларни сўкади», дедилар.

32 - وَحَدَّثَنِي أَبُو بَكْرِ بْنُ النَّضْرِ بْنِ أَبِي النَّضْرِ قَالَ حَدَّثَنِي أَبُو النَّضْرِ هَاشِمُ بْنُ الْقَاسِمِ حَدَّثَنَا أَبُو عَقِيلٍ صَاحِبُ بُهَيْةَ قَالَ كُنْتُ جَالِسًا عِنْدَ الْقَاسِمِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ وَيَحْيَى بْنِ سَعِيدٍ فَقَالَ يَحْيَى لِلْقَاسِمِ يَا أَبَا مُحَمَّدٍ إِنَّهُ قَبِيحٌ عَلَيَّ مِثْلَكَ عَظِيمٌ أَنْ تُسْأَلَ عَنْ شَيْءٍ مِنْ أَمْرِ هَذَا الدِّينِ فَلَا يُوجَدُ عِنْدَكَ مِنْهُ عِلْمٌ وَلَا فَرْجٌ أَوْ عِلْمٌ وَلَا مَخْرَجٌ فَقَالَ لَهُ الْقَاسِمُ وَعَمَّ ذَاكَ قَالَ لِأَنَّكَ ابْنُ إِمَامِي هُدَى ابْنُ أَبِي بَكْرٍ وَعَمَّرَ قَالَ يَقُولُ لَهُ الْقَاسِمُ أَقْبَحُ مِنْ ذَاكَ عِنْدَ مَنْ عَقَلَ عَنِ اللَّهِ أَنْ أَقُولَ بِغَيْرِ عِلْمٍ أَوْ أَخَذَ عَنْ غَيْرِ ثِقَةٍ قَالَ فَسَكَتَ فَمَا أَحَابَهُ

32/10. Абу Ақийлдан ривоят қилинади. «Қосим ибн Убайдуллоҳ ва Яҳё ибн Саид ҳузурларида ўтирган эдим. Яҳё Қосимга: «Эй Абу Муҳаммад, яъни Қосим сизга ўхшаш кишилардан дин ишидан бирор нарса сўралса-да, сенда у ҳақда на илм, на енгиллик ва на муаммони ечиб берадиган йўл бўлмаса, жуда хунук ишдир», деганларида, Қосим у кишига: «Нега бундай деяпсан?» деди. Шунда у киши: «Чунки сиз ҳидоятга бошловчи икки имом – Абу Бакр

ва Умар розийаллоҳу анҳумоларнинг фарзандисиз», дедилар. Қосим у кишига: «Илмсиз гапиришим ёки ишончли бўлмаган одамдан ҳадис олишим Аллоҳ тарафидан илм берилган киши наздида бундан ҳам хунукроқдир», дедилар. Буни эшитиб, у киши жавоб бера олмай сукут қилдилар».

33 - وَحَدَّثَنِي بَشْرُ بْنُ الْحَكَمِ الْعَبْدِيُّ قَالَ سَمِعْتُ سَفْيَانَ بْنَ عُمَيْرَةَ يَقُولُ أَخْبَرُونِي عَنْ أَبِي عَقِيلٍ صَاحِبِ بُهَيْيَةَ أَنَّ أَبْنَاءَ لِعَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ سَأَلُوهُ عَنْ شَيْءٍ لَمْ يَكُنْ عِنْدَهُ فِيهِ عِلْمٌ فَقَالَ لَهُ يَحْيَى بْنُ سَعِيدٍ وَاللَّهِ إِنِّي لِأَعْظَمُ أَنْ يَكُونَ مِثْلَكَ وَأَنْتَ ابْنُ إِمَامِي الْهُدَى يَعْني عُمَرَ وَابْنَ عُمَرَ تُسْأَلُ عَنْ أَمْرٍ لَيْسَ عِنْدَكَ فِيهِ عِلْمٌ فَقَالَ أَعْظَمُ مِنْ ذَلِكَ وَاللَّهِ عِنْدَ اللَّهِ وَعِنْدَ مَنْ عَقَلَ عَنِ اللَّهِ أَنْ أَقُولَ بِغَيْرِ عِلْمٍ أَوْ أَخْبِرَ عَنْ غَيْرِ ثِقَةٍ قَالَ وَشَهِدَهُمَا أَبُو عَقِيلٍ يَحْيَى بْنُ الْمُتَوَكِّلِ حِينَ قَالَا ذَلِكَ

33/11. Абу Ақийлдан ривоят қилинади. Абдуллоҳ ибн Умар розийаллоҳу анҳунинг фарзандларидан бир нарса ҳақида сўралганида, у кишида бу ҳақда илм йўқ эди. Яҳё ибн Саид: «Сен каби кишидан бирор нарса ҳақида сўралса-да, у ҳақда сенда илм бўлмаслигини катта иш деб биламан. Ахир сен ҳидоятга бошловчи икки имом Умар ва Ибн Умарнинг ўғлисан», деганида, у зот: «Аллоҳга қасамки, Аллоҳ ҳузурида ва Аллоҳ тарафидан илм берилган киши ҳузурида илмсиз гапиришим ёки ишончсиз кишидан хабар беришим бундан-да каттароқдир», дедилар. Икковлари бу ҳақда гаплашишганига Абу Ақийл Яҳё ибн Мутаваккил гувоҳ бўлдилар.

34 - وَحَدَّثَنَا عَمْرُو بْنُ عَلِيٍّ أَبُو حَفْصٍ قَالَ سَمِعْتُ يَحْيَى بْنَ سَعِيدٍ قَالَ سَأَلْتُ سَفْيَانَ الثَّوْرِيَّ وَشُعْبَةَ وَمَالِكًا وَابْنَ عُيَيْنَةَ عَنِ الرَّجُلِ لَا يَكُونُ ثَبْتًا فِي الْحَدِيثِ فَيَأْتِينِي الرَّجُلُ فَيَسْأَلُنِي عَنْهُ قَالُوا أَخْبِرْ عَنْهُ أَنَّهُ لَيْسَ بِثَبْتٍ

34/12. Яҳё ибн Саид: «Суфён Саврий, Шўъба, Молик ва Ибн Уяйналардан ҳадисда ишончли бўлмаган киши ҳақида сўрадим. Бир киши келиб, мендан у ҳақда сўраяпти, десам, улар: «У киши ривоят қилган ҳадис ишониб бўлмаслигининг хабар бер», дейишди», дедилар.

35 - وَحَدَّثَنَا عُيَيْنَةُ اللَّهِ بْنُ سَعِيدٍ قَالَ سَمِعْتُ النَّضَرَ يَقُولُ سُنِلَ ابْنُ عَوْنٍ عَنْ حَدِيثٍ لِشَهْرٍ وَهُوَ قَائِمٌ عَلَى أُسْكُفَةِ الْبَابِ فَقَالَ إِنَّ شَهْرًا نَزَكُوهُ إِنَّ شَهْرًا نَزَكُوهُ قَالَ مُسْلِمٌ رَحِمَهُ اللَّهُ يَقُولُ أَخَذْتُهُ أَلْسِنَةَ النَّاسِ تَكَلَّمُوا فِيهِ

35/13. Назрдан ривоят қилинади. (Абдуллоҳ) ибн Авн розийаллоҳу анҳудан Шаҳр номли киши ҳадиси ҳақида сўралганида, у зот эшик остонасига туриб олиб: «Албатта Шаҳр таъна қилингандир. Албатта Шаҳр таъна қилингандир», дедилар. (Яъни, у ҳадисда ишончсиздир.) Имом

Муслим: «Ибн Авн: «Одамлар Шаҳрни айблашган, уни (ёмонлаб) гапиришган», деб айтган», дедилар.

36 – وَحَدَّثَنِي حَجَّاجُ بْنُ الشَّاعِرِ حَدَّثَنَا شَبَابَةُ قَالَ قَالَ شُعْبَةُ وَقَدْ لَقِيتُ شَهْرًا فَلَمْ أَعْتَدْ بِهِ

36/14. Шўъба: «Мен Шаҳр исмли кишига йўлиқиб, унинг ҳадисига эътибор бермадим», дедилар.

37 – وَحَدَّثَنِي مُحَمَّدُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ فُهْرَازٍ مِنْ أَهْلِ مَرَوْ قَالَ أَخْبَرَنِي عَلِيُّ بْنُ حُسَيْنٍ بْنِ وَاقِدٍ قَالَ قَالَ عَبْدُ اللَّهِ بْنُ الْمُبَارَكِ قُلْتُ لِسُفْيَانَ الثَّوْرِيِّ إِنَّ عَبَّادَ بْنَ كَثِيرٍ مَنْ تَعَرَّفَ حَالَهُ وَإِذَا حَدَّثَ جَاءَ بِأَمْرٍ عَظِيمٍ فَتَرَى أَنَّ أَقْوَالَ لِلنَّاسِ لَا تَأْخُذُوا عَنْهُ قَالَ سُفْيَانُ بَلَى قَالَ عَبْدُ اللَّهِ فَكُنْتُ إِذَا كُنْتُ فِي مَجْلِسٍ ذُكِرَ فِيهِ عَبَّادٌ أَتَيْتُ عَلَيْهِ فِي دِينِهِ وَأَقُولُ لَا تَأْخُذُوا عَنْهُ وَقَالَ مُحَمَّدٌ حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ عُثْمَانَ قَالَ قَالَ أَبِي قَالَ عَبْدُ اللَّهِ بْنُ الْمُبَارَكِ انْتَهَيْتُ إِلَى شُعْبَةَ فَقَالَ هَذَا عَبَّادُ بْنُ كَثِيرٍ فَاحْذَرُوهُ

37/15. Абдуллоҳ ибн Муборакдан ривоят қилинади. «Мен Суфён Саврийга: «Сен Аббод ибн Касирнинг ҳолатини биласан. Агар у ҳадис айтса, катта ишни (хатони) олиб келади. Мен одамларга ундан (ҳадис) олманглар, деб айтишимни маслаҳат берасанми?» деганимда, Суфён: «Ҳа», дедилар». Абдуллоҳ: «Агар бирор мажлисда бўлсам, у ерда Аббод зикр қилинадиган бўлса, унинг диндаги ҳолатини мақтардим ва ундан (ҳадис) эшитманглар, деб айтиб қўярдим», дедилар. Абдуллоҳ ибн Муборак айтдилар: «Шўъба ҳузурларига борсам, у зот: «Бу Аббод ибн Касирдир, ундан эҳтиёт бўлинглар», дедилар».

38 – وَحَدَّثَنِي الْفَضْلُ بْنُ سَهْلٍ قَالَ قَالَ سَأَلْتُ مُعْلَى الرَّازِيَّ عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ سَعِيدِ الَّذِي رَوَى عَنْهُ عَبَّادٌ فَأَخْبَرَنِي عَنْ عِيْسَى بْنِ يُونُسَ قَالَ كُنْتُ عَلَى بَابِهِ وَسُفْيَانُ عِنْدَهُ فَلَمَّا خَرَجَ سَأَلْتُهُ عَنْهُ فَأَخْبَرَنِي أَنَّهُ كَذَّابٌ

38/16. Исо ибн Юнусдан ривоят қилинади. «Мен Аббоднинг эшиги олдида турсам, Суфён унинг ҳузурда эканлар. У ердан чиққанларида Аббод ҳақида сўрасам, у зот менга унинг ёлғончи эканининг хабарини бердилар».

39 – وَحَدَّثَنِي مُحَمَّدُ بْنُ أَبِي عَتَّابٍ قَالَ حَدَّثَنِي عَفَّانُ عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ يَحْيَى بْنِ سَعِيدِ الْقَطَّانِ عَنْ أَبِيهِ قَالَ لَمْ تَرَ الصَّالِحِينَ فِي شَيْءٍ أَكْذَبَ مِنْهُمْ فِي الْحَدِيثِ قَالَ ابْنُ أَبِي عَتَّابٍ فَلَقِيتُ أَنَا مُحَمَّدَ بْنَ يَحْيَى بْنِ سَعِيدِ الْقَطَّانِ فَسَأَلْتُهُ عَنْهُ فَقَالَ عَنْ أَبِيهِ لَمْ تَرَ أَهْلَ الْخَيْرِ فِي شَيْءٍ أَكْذَبَ مِنْهُمْ فِي الْحَدِيثِ قَالَ مَسْلَمٌ يَقُولُ يَجْرِي الْكُذْبُ عَلَى لِسَانِهِمْ وَلَا يَتَعَمَّدُونَ الْكُذْبَ

39/17. Муҳаммад ибн Яҳё ибн Саъийд ал-Қаттон оталаридан қилган ривоятларида оталари: «Солиҳларнинг ҳадисдан бошқа бирон нарсада ёлғон

гапиришларини кўрмаймиз (яъни, улар заиф ҳадисларни ривоят қилиб, қасд қилмаган ҳолда, билмасдан ёлғон гапириб қўйишарди)», дедилар.

Ибн Абу Аттоб айтдилар: «Бу ҳақда Абу Муҳаммад ибн Яҳё ибн Саъийд ал-Қаттондан сўрасам, у зот оталаридан ривоят қилиб: «Яхшилик аҳлларининг ҳадисдан бошқа нарсада ёлғон ишлатишларини кўрмайсан», дедилар». Имом Муслим: «Уларнинг тилларида ёлғон айланарди, лекин ёлғонни қасд қилишмас эди, деб айтяптилар», дедилар.

40 - حَدَّثَنِي الْفَضْلُ بْنُ سَهْلٍ قَالَ حَدَّثَنَا يَزِيدُ بْنُ هَارُونَ قَالَ أَخْبَرَنِي خَلِيفَةُ بْنُ مُوسَى قَالَ دَخَلْتُ عَلَى غَالِبِ بْنِ عَبِيدِ اللَّهِ فَجَعَلَ يُمَلِّي عَلَيَّ حَدِيثِي مَكْحُولٌ حَدَّثَنِي مَكْحُولٌ فَأَخَذَهُ الْبَوْلُ فَقَامَ فَنظَرْتُ فِي الْكُرَّاسَةِ فَإِذَا فِيهَا حَدِيثِي أَبَانَ عَنْ أَنَسٍ وَأَبَانَ عَنْ فُلَانَ فَتَرَكْتُهُ وَقُمْتُ قَالَ وَسَمِعْتُ الْحَسَنَ بْنَ عَلِيٍّ الْحُلَوَانِيَّ يَقُولَا رَأَيْتُ فِي كِتَابِ عَفَّانَ حَدِيثَ هِشَامِ أَبِي الْمِقْدَامِ حَدِيثَ عُمَرَ بْنِ عَبْدِ الْعَزِيزِ قَالَ هِشَامٌ حَدَّثَنِي رَجُلٌ يُقَالُ لَهُ يَحْيَى بْنُ فُلَانَ عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ كَعْبٍ قَالَ قُلْتُ لِعَفَّانَ إِنَّهُمْ يَقُولُونَ هِشَامٌ سَمِعَهُ مِنْ مُحَمَّدِ بْنِ كَعْبٍ فَقَالَ إِنَّمَا ابْتَلَيْتُ مِنْ قَبْلِ هَذَا الْحَدِيثِ كَانَ يَقُولُ حَدَّثَنِي يَحْيَى عَنْ مُحَمَّدٍ ثُمَّ ادَّعَى بَعْدُ أَنَّهُ سَمِعَهُ مِنْ مُحَمَّدٍ

40/18. Халифа ибн Мусо айтдилар: «Ғолиб ибн Убайдуллоҳ ҳузурига кирсам, у зот менга: «Макҳул менга айтдилар, Макҳул менга айтдилар», деб ёздириб турганларида сийдиклари қисташи безовта қилиб чиқиб кетдилар. Мен туриб қоғозларига қарадим. Унда Абон Анасдан ва Абон фалончидан, дейилган экан. Мен уни тарк қилиб ўрнимдан турдим. (Кейин) Ҳасан ибн Али Хулвонийдан эшитдим, у зот: «Аффоннинг китобларида Ҳишом Абулмиқдом ҳадисларини ва Умар ибн Абдулазизнинг ҳадисларини кўрдим», дердилар. Ҳишом: «Менга фалончи ўғли Яҳё унга эса Муҳаммад ибн Каъб айтиб берган», днр эди. Шунда мен Аффонга: «Ҳишом Муҳаммад ибн Каъбдан эшитган экан», десам, у зот: «Бу ҳадисда мана шу томондан балоланилди. (Аввал) Яҳё Муҳаммаддан эшитган (ҳадисни) менга айтиб берди, деб сўнгра (бевосита) Муҳаммаддан эшитганини даъво қилди», дедилар».

41 - حَدَّثَنِي مُحَمَّدُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ فُهْرَادٍ قَالَ سَمِعْتُ عَبْدَ اللَّهِ بْنَ عُثْمَانَ بْنَ حَبَلَةَ يَقُولُ قُلْتُ لِعَبْدِ اللَّهِ بْنِ الْمُبَارَكِ مَنْ هَذَا الرَّجُلُ الَّذِي رَوَيْتَ عَنْهُ حَدِيثَ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو يَوْمَ الْفِطْرِ يَوْمَ الْجَوَائِزِ قَالَ سُلَيْمَانُ بْنُ الْحَجَّاجِ أَنْظِرْ مَا وَضَعْتَ فِي يَدِكَ مِنْهُ. قَالَ ابْنُ فُهْرَادٍ وَسَمِعْتُ وَهْبَ بْنَ زَمْعَةَ يَذْكُرُ عَنْ سُفْيَانَ بْنِ عَبْدِ الْمَلِكِ قَالَ قَالَ عَبْدُ اللَّهِ يَعْنِي ابْنَ الْمُبَارَكِ رَأَيْتُ رُوحَ بْنَ غَطِيفٍ صَاحِبَ الدِّمِّ قَدَرَ الدَّرْهَمَ وَحَلَسَتْ إِلَيْهِ مَجْلِسًا فَجَعَلْتُ أَسْتَحْيِي مِنْ أَصْحَابِي أَنْ يَرُونِي جَالِسًا مَعَهُ كُرَهُ حَدِيثَهُ

41/19. Абдуллоҳ ибн Усмон ибн Жабаладан ривоят қилинади. «Абдуллоҳ ибн Муборакга «Абдуллоҳ ибн Амр розийаллоҳу анҳунинг «Фитр куни мукофот куни.....», деб айтган ҳадисларини кимдан ривоят қилгансиз?» десам, «Сулаймон ибн Ҳажжождан», ундан олган нарсанга қарагин», деб Сулаймонни мақтаб қўйдилар. Абдуллоҳ ибн Муборак: «(Мен) «Дирҳам миқдорича қон оққан киши» ҳадисини ривоят қилган Равҳ ибн



Ғутайфни кўрдим. Унинг ёнига ўтирдим. Ва унинг ривоят қилган ҳадиси карих кўрилгани учун олдида ўтиришимни дўстларим кўриб қолишидан ҳаё қилдим», дедилар».

42 - حَدَّثَنِي ابْنُ فَهْرَازٍ قَالَ سَمِعْتُ وَهْبًا يَقُولُ عَنْ سُهَيْبَانَ عَنْ ابْنِ الْمُبَارَكِ قَالَ بَقِيَّةُ صَدُوقِ اللِّسَانِ وَكَانَتْهُ يَأْخُذُ عَمَّنْ أُقْبِلَ

وَأَدْبَرَ

42/20. Ибн Муборакдан ривоят қилинади. Бу зот: «Бақийя исмли ровий ростгўй кишидир. Лекин ишончли ва заиф кишилардан ҳам (ҳадис) олаверади», дедилар.

43 - حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ بْنُ سَعِيدٍ حَدَّثَنَا حَرِيرٌ عَنْ مُعِيرَةَ عَنِ الشَّعْبِيِّ قَالَ حَدَّثَنِي الْحَارِثُ الْأَعْوَرُ الْهَمْدَانِيُّ وَكَانَ كَذَابًا

43/21. Шаъбий: «Ҳорис ал-Аъвар ал-Ҳамдоний менга (ҳадис) айтиб берар эди. Ва у ёлғончи эди», дедилар.

44 - حَدَّثَنَا أَبُو عَامِرٍ عَبْدُ اللَّهِ بْنُ بُرَادٍ الْأَشْعَرِيُّ حَدَّثَنَا أَبُو أُسَامَةَ عَنْ مفضلٍ عَنْ مُعِيرَةَ قَالَ سَمِعْتُ الشَّعْبِيَّ يَقُولُ حَدَّثَنِي

الْحَارِثُ الْأَعْوَرُ وَهُوَ يَشْهَدُ أَنَّهُ أَحَدُ الْكَاذِبِينَ

44/22. Муғйра айтадилар: «Шаъбийнинг: «Ҳорис ал-Аъвар менга ҳадис айтди», деганини эшитдим. Ҳолбуки, Шаъбий уни ёлғончиларнинг бири, деб гувоҳлик берар эди».

45 - حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ بْنُ سَعِيدٍ حَدَّثَنَا حَرِيرٌ عَنْ مُعِيرَةَ عَنْ إِبْرَاهِيمَ قَالَ قَالَ عَلْقَمَةُ قَرَأْتُ الْقُرْآنَ فِي سِتِّينَ فَقَالَ الْحَارِثُ الْقُرْآنُ

هَيِّنٌ الْوَحْيُ أَشَدُّ

45/23. Иброҳимдан ривоят қилинади. Алқама: «Қуръонни икки йилда ўқидим», дедилар. Ҳорис эса: «Қуръон енгил, ёзиш ундан мураккаброқдир», деди.

46 - وَحَدَّثَنِي حَجَّاجُ بْنُ الشَّاعِرِ حَدَّثَنَا أَحْمَدُ يَعْنِي ابْنَ يُونُسَ حَدَّثَنَا زَائِدَةُ عَنِ الْأَعْمَشِ عَنْ إِبْرَاهِيمَ أَنَّ الْحَارِثَ قَالَ تَعَلَّمْتُ

الْقُرْآنَ فِي ثَلَاثِ سِنِينَ وَالْوَحْيَ فِي سِتِّينَ أَوْ قَالَ الْوَحْيَ فِي ثَلَاثِ سِنِينَ الْقُرْآنَ فِي سِتِّينَ

46/24. Иброҳимдан ривоят қилинади. Ҳорис: «Қуръонни уч йилда, ёзишни эса икки йилда таълим олдим», деди. Ёки «Ёзишни уч йилда, Қуръонни эса икки йилда...», деб айтди.

47 - وَحَدَّثَنِي حَجَّاجٌ قَالَ حَدَّثَنِي أَحْمَدُ وَهُوَ ابْنُ يُونُسَ حَدَّثَنَا زَائِدَةُ عَنْ مَنْصُورٍ وَالْمُغِيرَةَ عَنْ إِبْرَاهِيمَ أَنَّ الْحَارِثَ أَتَاهُمْ

47/25. Иброҳим: «Ҳорис (ҳадис ривоят қилишда заиф, деб) айбланган», дедилар.

48 - وَحَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ ابْنُ سَعِيدٍ حَدَّثَنَا جَرِيرٌ عَنْ حَمْزَةَ الزِّيَّاتِ قَالَ سَمِعَ مَرَّةً الْهَمْدَانِيَّ مِنَ الْحَارِثِ شَيْئًا فَقَالَ لَهُ أَفْعُدْ بِالْبَابِ قَالَ فَدَخَلَ مَرَّةً وَأَخَذَ سَيْفَهُ قَالَ وَأَحْسَّ الْحَارِثُ بِالشَّرِّ فَذَهَبَ

48/26. Ҳамза аз-Зайётдан ривоят қилинади. Мурра ал-Ҳамдоний Ҳорисдан бир нарса эшитиб, унга эшик олдида ўлтириб тур, деди. Мурра уйига кириб қиличини олганида, Ҳорис ёмонликни сезиб жўнаб қолди.

49 - وَحَدَّثَنِي عُبَيْدُ اللَّهِ بْنُ سَعِيدٍ حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّحْمَنِ يَعْنِي ابْنَ مَهْدِيٍّ حَدَّثَنَا حَمَّادُ بْنُ زَيْدٍ عَنْ ابْنِ عَوْنٍ قَالَ قَالَ لَنَا إِبْرَاهِيمُ إِيَّاكُمْ وَالْمُغِيرَةَ بْنُ سَعِيدٍ وَأَبَا عَبْدِ الرَّحِيمِ فَإِنَّهُمَا كَذَّابَانِ

49/27. Ибн Авндан ривоят қилинади. «Иброҳим бизга: «Муғийра ибн Саъид ва Абу Абдураҳимлардан четланинглар. Чунки у иккови ёлғончилардир», дедилар».

50 - حَدَّثَنَا أَبُو كَامِلٍ الْجَحْدَرِيُّ حَدَّثَنَا حَمَّادٌ وَهُوَ ابْنُ زَيْدٍ قَالَ حَدَّثَنَا عَاصِمٌ قَالَ كُنَّا نَأْتِي أَبَا عَبْدِ الرَّحْمَنِ السُّلَمِيَّ وَنَحْنُ غَلَمَةٌ أَيْفَاعٌ فَكَانَ يَقُولُ لَنَا لَا تُحَالِسُوا الْقُصَّاصَ غَيْرَ أَبِي الْأَحْوَصِ وَإِيَّاكُمْ وَشَقِيقًا قَالَ وَكَانَ شَقِيقٌ هَذَا يَرَى رَأْيَ الْخَوَارِجِ وَلَيْسَ بِأَبِي وَإِلِيَّ

50/28. Осим айтдилар: «Биз Абу Абдураҳмон ас-Сулабийнинг ҳузурларига ёш йигитлик пайтимизда борар эдик. У зот бизга: «Қисса айтувчилар билан бирга ўтирманглар. Абу ал-Аҳвас у тоифадан эмас. Аммо Шақиқ (ал-Куфий)дан эҳтиёт бўлинглар», дедилар. Чунки Шақиқ хавориж тоифаси фикрларини маъқуллар эди. Лекин у машҳур тобеъин Абу Воил Шақиқ эмас».

51 - حَدَّثَنَا أَبُو غَسَّانَ مُحَمَّدُ بْنُ عَمْرٍو الرَّازِيُّ قَالَ سَمِعْتُ جَرِيرًا يَقُولُ لَقِيتُ حَابِرَ بْنَ يَزِيدَ الْجُعْفِيَّ فَلَمْ أَكْتُبْ عَنْهُ كَانَ يُؤْمِنُ بِالرَّجْعَةِ

51/29. Абу Фассон Муҳаммад ибн Амрдан ривоят қилинади. Жарир: «Жобир ибн Язид ал-Жуъфий билан учрашдим. Лекин бу кишидан ҳадис ёзиб олмадим. Чунки бу киши ражъага ишонар эди», дедилар.

(Изоҳ: «Ражъа» рофиза тоифасининг «Али розийаллоҳу анҳу ўлмаган, балки у булутлар устида», деган ботил эътиқодидир.)

52 - حَدَّثَنَا الْحَسَنُ الْحُلَوَانِيُّ حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ آدَمَ حَدَّثَنَا مِسْعَرٌ قَالَ حَدَّثَنَا جَابِرُ بْنُ يَزِيدَ قَبْلَ أَنْ يُحَدِّثَ مَا أَحَدَّثَ

52/30. Мисъар айтдилар: «Жобир ибн Язид бўлиб ўтган ҳодисалар юз беришидан олдин бизга ҳадис айтиб берар эди».

53 - وَحَدَّثَنِي سَلَمَةُ بْنُ شَيْبٍ حَدَّثَنَا الْحُمَيْدِيُّ حَدَّثَنَا سُفْيَانُ قَالَ كَانَ النَّاسُ يَحْمِلُونَ عَنْ جَابِرٍ قَبْلَ أَنْ يُظْهِرَ مَا أَظْهَرَ فَلَمَّا أَظْهَرَ مَا أَظْهَرَ أَتَاهُمُ النَّاسُ فِي حَدِيثِهِ وَتَرَكَهُ بَعْضُ النَّاسِ فَقِيلَ لَهُ وَمَا أَظْهَرَ قَالَ الْإِيمَانَ بِالرَّجْعَةِ

53/31. Суфён айтдилар: «Ҳодисалар юз беришидан олдин инсонлар Жобир ибн Язиддан ҳадис олар эдилар (яъни, у ривоят қилган ҳадисни эшитишар эди). Қачонки, зоҳир бўлган нарсалар (яъни, ундаги айблар зоҳир бўлгани)дан кейин одамлар унинг ҳадисига туҳмат қилдилар ва баъзилар тарк қилишди. «Нима зоҳир бўлди?» деб сўралганида, «У ражъага ишонар эди», дейилди».

54 - وَحَدَّثَنَا حَسَنُ الْحُلَوَانِيُّ حَدَّثَنَا أَبُو يَحْيَى الْهَمَّانِيُّ حَدَّثَنَا قَبِيصَةُ وَأَخُوهُ أَنَّهُمَا سَمِعَا الْجَرَّاحَ بْنَ مَلِيحٍ يَقُولُ سَمِعْتُ جَابِرًا يَقُولًا عِنْدِي سَبْعُونَ أَلْفَ حَدِيثٍ عَنْ أَبِي جَعْفَرٍ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كُلُّهَا

54/32. Жобир ибн Язид ал-Жуъфий: «Мен Абу Жаъфардан ривоят қилинган етмиш минг ҳадис бор. У барчасини Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилган», деб айтдилар.

55 - وَحَدَّثَنِي حَجَّاجُ بْنُ الشَّاعِرِ حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ يُونُسَ قَالَ سَمِعْتُ زُهَيْرًا يَقُولُ قَالَ جَابِرٌ أَوْ سَمِعْتُ جَابِرًا يَقُولًا إِنَّ عِنْدِي لَخَمْسِينَ أَلْفَ حَدِيثٍ مَا حَدَّثْتُ مِنْهَا بِشَيْءٍ قَالَ ثُمَّ حَدَّثَ يَوْمًا بِحَدِيثٍ فَقَالَ هَذَا مِنَ الْخَمْسِينَ أَلْفًا

55/33. Зуҳайр Жобирдан қуйидагиларни эшитдилар: «Менда эллик минг ҳадис бор. Мен ҳали ундан ҳеч нарса гапирмадим», дедилар. Кунларнинг бирида ҳадисдан сўзлаб: «Бу ўша эллик мингта ҳадисдан биридир», дедилар.

56 - وَحَدَّثَنِي إِبْرَاهِيمُ بْنُ خَالِدِ الْيَشْكُرِيُّ قَالَ سَمِعْتُ أَبَا الْوَلِيدِ يَقُولُ سَمِعْتُ سَلَامَ بْنَ أَبِي مُطِيعٍ يَقُولُ سَمِعْتُ جَابِرًا الْجُعْفِيَّ يَقُولًا عِنْدِي خَمْسُونَ أَلْفَ حَدِيثٍ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ

56/34. Саллом ибн Абу Мутеъ айтдилар: «Жобир ибн Язид ал-Жуъфий: «Менда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сўзлаган эллик минг ҳадис бор», дедилар».

57 - وَحَدَّثَنِي سَلْمَةُ بْنُ شَيْبٍ حَدَّثَنَا الْحُمَيْدِيُّ حَدَّثَنَا سُفْيَانُ قَالَ سَمِعْتُ رَجُلًا سَأَلَ جَابِرًا عَنْ قَوْلِهِ عَزَّ وَجَلَّ ( فَلَنْ أُبْرَحَ الْأَرْضَ حَتَّى يَأْذَنَ لِي أَبِي أَوْ يَحْكُمَ اللَّهُ لِي وَهُوَ خَيْرُ الْحَاكِمِينَ ) فَقَالَ جَابِرٌ لَمْ يَجِئْ تَأْوِيلُ هَذِهِ قَالَ سُفْيَانُ وَكَذَبَ فَقُلْنَا لِسُفْيَانَ وَمَا أَرَادَ بِهَذَا فَقَالَ إِنَّ الرَّافِضَةَ تَقُولُ إِنَّ عَلِيًّا فِي السَّحَابِ فَلَا نَخْرُجُ مَعَهُ مِنْ خَرَجٍ مِنْ وَادِهِ حَتَّى يُنَادِيَ مُنَادٍ مِنَ السَّمَاءِ يُرِيدُ عَلِيًّا أَنَّهُ يُنَادِي أَخْرُجُوا مَعَ فُلَانٍ يَقُولُ جَابِرٌ فَذَا تَأْوِيلُ هَذِهِ الْآيَةِ وَكَذَبَ كَانَتْ فِي إِخْوَةِ يُوسُفَ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ

57/35. Ҳумаидий айтидилар: «Суфённинг айтишларича, бир киши Жобир ал-Жуъфийдан Аллоҳнинг каломидаги «Бас, то отам менга изн бермагунича ёки Аллоҳ менинг фойдамга ҳукм қилмагунича мана шу ердан ҳаргиз жилмайман. У зот ҳукм қилувчиларнинг яхшироғидир» (Юсуф, 80) ояти ҳақида сўраганида, Жобир: «Унинг таъвили келмаган», дедилар. Суфён: «Жобир ёлғон сўзлади», дедилар. Биз Суфёндан: «Ундай бўлса, Жобир бу сўздан нимани ирода қилган?» деб сўрасак, Суфён: «Рофиза тоифасидагилар Али розийаллоҳу анҳуни булут орасидадир, биз унинг фарзандларидан бири билан чиқсак, осмондан бир нидо қилгувчи (Алини назарда тутяпти) «Фалончи билан бирга чиқинглар», деб нидо қилар эди», (деб эътиқод қилишади). Жобир ал-Жуъфий: «Оятнинг таъвили шу», дер эди. У ёлғон гапиради. Аслида бу оят Юсуф алайҳиссалом ва у зотнинг инилари ҳақида нозил бўлган», дедилар».

58 - وَحَدَّثَنِي سَلْمَةُ حَدَّثَنَا الْحُمَيْدِيُّ حَدَّثَنَا سُفْيَانُ قَالَ سَمِعْتُ جَابِرًا يُحَدِّثُ بِنَحْوِ مِنْ ثَلَاثِينَ أَلْفَ حَدِيثٍ مَا أَسْتَحِلُّ أَنْ أَذْكَرَ مِنْهَا شَيْئًا وَأَنْ لِي كَذَا وَكَذَا قَالَ مُسْلِمٌ وَسَمِعْتُ أَبَا غَسَّانَ مُحَمَّدَ بْنَ عَمْرٍو الرَّازِيَّ قَالَ سَأَلْتُ جَرِيرَ بْنَ عَبْدِ الْحَمِيدِ فَقُلْتُ الْحَارِثُ بْنُ حَصْرَةَ لَقِيْتَهُ قَالَ نَعَمْ شَيْخٌ طَوِيلُ السُّكُوتِ يُصِرُّ عَلَى أَمْرِ عَظِيمٍ

58/36. Суфён айтдилар: «Жобир ал-Жуъфий ўттиз мингга яқин ҳадис гапириб юрар эди. Мен ўша ҳадислардан бирортасини зикр қилишни ўзимга эп кўрмас эдим. Чунки менда ундай ва бундай нарса (яъни, унга нисбатан ишончсизлик) бор эди».

Имом Муслим айтдилар: «Абу Фассон Муҳаммад ибн Амр ар-Розий: «Мен Жарир ибн Абдулҳамиддан «Ҳорис ибн Ҳасира билан учрашганмисиз?» деб сўрасам, у зот: «Ҳа, мен Ҳорис билан учрашганман. У узоқ сукут қилиб юрувчи қария бўлиб, улкан ишда, яъни ҳадис ривоят қилишда қатъиятли эди», дедилар», деб айтдилар».

59 - حَدَّثَنِي أَحْمَدُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ الدَّوْرَقِيُّ قَالَ حَدَّثَنِي عَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ مَهْدِيٍّ عَنْ حَمَّادِ بْنِ زَيْدٍ قَالَ ذَكَرَ أَيُّوبُ رَجُلًا يَوْمًا فَقَالَ لَمْ يَكُنْ بِمُسْتَقِيمِ اللِّسَانِ وَذَكَرَ آخَرَ فَقَالَ هُوَ يَزِيدُ فِي الرَّقْمِ

59/37. Аюб Сихтиёний бир куни бир кишини (Абдулкаримни) зикр қилиб: «У тўғри сўзли эмас», дедилар. Ва яна бошқа кишини зикр қила туриб: «У (ҳадис орасида келадиган) рақамларни ошириб, бўрттириб юборади», дедилар.

60 - حَدَّثَنِي حَجَّاجُ بْنُ الشَّاعِرِ حَدَّثَنَا سُلَيْمَانُ بْنُ حَرْبٍ حَدَّثَنَا حَمَّادُ بْنُ زَيْدٍ قَالَ قَالَ أَيُّوبُ إِنَّ لِي حَارًّا ثُمَّ ذَكَرَ مِنْ فَضْلِهِ وَلَوْ شَهِدَ عِنْدِي عَلَى تَمْرَيْنٍ مَا رَأَيْتُ شَهَادَتَهُ حَائِزَةً

60/38. Аюб Сихтиёний: «Менинг бир қўшним бор», деб унинг фазилятларини зикр қилдилар-да, кейин: «Агар у ҳузуримда икки хурмога гувоҳлик берса ҳам, унинг гувоҳлигини жоиз деб билмайман», дедилар.

61 - وَحَدَّثَنِي مُحَمَّدُ بْنُ رَافِعٍ وَحَجَّاجُ بْنُ الشَّاعِرِ قَالَا حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّزَّاقِ قَالَ قَالَ مَعْمَرٌ مَا رَأَيْتُ أَيُّوبَ اعْتَابَ أَحَدًا قَطُّ إِلَّا عَبْدَ الْكَرِيمِ يَعْنِي أَبَا أُمَيَّةَ فَإِنَّهُ ذَكَرَهُ فَقَالَ رَحِمَهُ اللَّهُ كَانَ غَيْرَ ثِقَّةٍ لَقَدْ سَأَلَنِي عَنْ حَدِيثٍ لِعِكْرِمَةَ ثُمَّ قَالَ سَمِعْتُ عِكْرِمَةَ

61/39. Маъмар: «Аюб Сихтиёнийнинг Абдулкарим, яъни Абу Умайядан бошқа бирор кишини ғийбат қилганларини кўрмадим. Аюб у ҳақда зикр қилиб: «Аллоҳ Абдулкаримга раҳм қилсин, у ҳадис ривоят қилишда ишончсиз эди. Бир куни мендан Икримадан етиб келган ҳадисни сўради-да, бошқаларга Икримадан эшитдим, деб тарқатди», дедилар», деб айтдилар.

62 - حَدَّثَنِي الْفَضْلُ بْنُ سَهْلٍ قَالَ حَدَّثَنَا عَفَّانُ بْنُ مُسْلِمٍ حَدَّثَنَا هَمَّامٌ قَالَ قَدِمَ عَلَيْنَا أَبُو دَاوُدَ الْأَعْمَى فَجَعَلَ يَقُولُ حَدَّثَنَا الْبَرَاءُ قَالَ وَحَدَّثَنَا زَيْدُ بْنُ أَرْقَمٍ فَذَكَرْنَا ذَلِكَ لِقَتَادَةَ فَقَالَ كَذَبَ مَا سَمِعَ مِنْهُمْ إِنَّمَا كَانَ ذَلِكَ سَائِلًا يَتَكَفَّفُ النَّاسَ زَمَنَ طَاعُونَ الْجَارِفِ

62/40. Ҳамом айтдилар: «Ҳузуримизга кўзи ожиз Абу Довуд Нуфайъ ибн Ҳорис келиб, Барродан эшитганман, Зайд ибн Алқамадан эшитганман, деб ҳадисларни айтар эди. Биз бу ҳақда Қатодага айтганимизда, у зот: «У ёлғон айтяпти, улардан ҳадис эшитган эмас. Ҳақиқатда у Жориф номли вабо келган замонда одамлардан нарса сўраб, тиланчилик қилиб юрар эди», дедилар».

63 - وَحَدَّثَنِي حَسَنُ بْنُ عَلِيٍّ الْحُلَوَانِيُّ قَالَ حَدَّثَنَا يَزِيدُ بْنُ هَارُونَ أَحْبَبْنَا هَمَّامٌ قَالَ دَخَلَ أَبُو دَاوُدَ الْأَعْمَى عَلَيَّ قَتَادَةَ فَلَمَّا قَامَ قَالُوا إِنَّ هَذَا يَزْعُمُ أَنَّهُ لَقِيَ ثَمَانِيَةَ عَشَرَ بَدْرِيًّا فَقَالَ قَتَادَةُ هَذَا كَانَ سَائِلًا قَبْلَ الْجَارِفِ لَا يَعْزُضُ فِي شَيْءٍ مِنْ هَذَا وَلَا يَتَكَلَّمُ فِيهِ فَوَاللَّهِ مَا حَدَّثَنَا الْحَسَنُ عَنْ بَدْرِيِّ مُشَافَهَةً وَلَا حَدَّثَنَا سَعِيدُ بْنُ الْمُسَيَّبِ عَنْ بَدْرِيِّ مُشَافَهَةً إِلَّا عَنْ سَعْدِ بْنِ مَالِكٍ

63/41. Ҳамом айтдилар: «Кўзи ожиз Абу Довуд Қатоданинг ҳузурларига кириб, кейин чиқиб кетаётганида одамлар: «Мана шу киши Бадр ғазотида

иштирок этган ўн саккиз саҳоба билан учрашганман, деб айтувчи», дейишди. Шунда Қатода: «Бу киши Жориф номли вабо келишидан олдин тиланчилик қилиб юрарди. У биронта ҳадисга эътибор бермайди ва у ҳақда гапирмайди. Аллоҳга қасамки, Ҳасан Басрий ҳам Бадрада иштирок этган саҳобалардан оғзаки ҳадис ривоят қилиб гапирмаган. (Абу Довуд Нуфайъ ибн Ҳорисга йўл бўлсин. Бу улкан бўҳтондир.) Лекин Саид ибн Мусаййаб Бадрада иштирок этган битта Саъд ибн Моликдангина ҳадис ривоят қилганлар», дедилар».

64 – حَدَّثَنَا عُمَانُ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ حَدَّثَنَا جَرِيرٌ عَنْ رَقِيبَةَ أَنَّ أَبَا جَعْفَرٍ الْهَاشِمِيَّ الْمَدَنِيَّ كَانَ يَضَعُ أَحَادِيثَ كَلَامَ حَقٍّ وَلَيْسَتْ مِنْ أَحَادِيثِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَكَانَ يَرُويهَا عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ

64/42. Рақоба айтдилар: «Абу Жаъфар Ҳошим ал-Маданий асли ҳақ сўзларни гапириб: «Бу Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадислари», дер эди. Ваҳоланки, улар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларидан бўлмас эди. Уларни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан, деб ривоят қилар эди».

65 – حَدَّثَنَا الْحَسَنُ الْخُلَوَانِيُّ قَالَ حَدَّثَنَا نُعَيْمٌ بْنُ حَمَّادٍ قَالَ أَبُو إِسْحَاقَ إِبرَاهِيمُ بْنُ مُحَمَّدٍ بْنِ سُفْيَانَ وَحَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ يَحْيَى قَالَ حَدَّثَنَا نُعَيْمٌ بْنُ حَمَّادٍ حَدَّثَنَا أَبُو دَاوُدَ الطَّيَالِسِيُّ عَنْ شُعْبَةَ عَنْ يُونُسَ بْنِ عُبَيْدٍ قَالَ كَانَ عَمْرُو بْنُ عَبِيدٍ يَكْذِبُ فِي الْحَدِيثِ

65/43. Юнус ибн Убайд: «Амр ибн Убайд ҳадис сўзлашда ёлғон ишлатар эди», деб айтдилар.

66 – حَدَّثَنِي عَمْرُو بْنُ عَلِيٍّ أَبُو حَفْصٍ قَالَ سَمِعْتُ مُعَاذَ بْنَ مُعَاذٍ يَقُولًا قُلْتُ لِعَوْفِ بْنِ أَبِي حَمِيلَةَ إِنَّ عَمْرُو بْنَ عَبِيدٍ حَدَّثَنَا عَنِ الْحَسَنِ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ مَنْ حَمَلَ عَلَيْنَا السَّلَاحَ فَلَيْسَ مِنَّا قَالَ كَذَبَ وَاللَّهِ عَمْرُو وَلَكِنَّهُ أَرَادَ أَنْ يَحُوزَهَا إِلَى قَوْلِهِ الْحَبِيثِ

66/44. Муоз ибн Муоз айтдилар: «Мен Авф ибн Абу Жамилага «Амр ибн Убайд: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Ким бизга қурол кўтарса, биздан эмас», деб айтган ҳадисларини Ҳасандан эшитганман», деб бизга айтяпти», десам, Авф: «Аллоҳга қасамки, Амр ёлғон гапирибди. (Яъни, аслида бу ҳадис саҳиҳ.) Лекин ўзининг қабиҳ сўзига мувофиқ бўлишини хоҳлаб, шундай деб айтган», дедилар».

67 – وَحَدَّثَنَا عَبِيدُ اللَّهِ بْنُ عُمَرَ الْقَوَارِيرِيُّ حَدَّثَنَا حَمَّادُ بْنُ زَيْدٍ قَالَ كَانَ رَجُلٌ قَدْ لَزِمَ أَيُّوبَ وَسَمِعَ مِنْهُ فَفَقَدَهُ أَيُّوبُ فَقَالُوا يَا أَبَا بَكْرٍ إِنَّهُ قَدْ لَزِمَ عَمْرُو بْنَ عَبِيدٍ قَالَ حَمَّادُ فَبَيْنَا أَنَا يَوْمًا مَعَ أَيُّوبَ وَقَدْ بَكَرْنَا إِلَى السُّوقِ فَاسْتَقْبَلَهُ الرَّجُلُ فَسَلَّمَ عَلَيْهِ أَيُّوبُ وَسَأَلَهُ ثُمَّ

قَالَ لَهُ أَيُّوبُ بَلَّغْنِي أَنَّكَ لَرَمْتَهُ ذَاكَ الرَّجُلَ قَالَ حَمَادٌ سَمَّاهُ يَعْنِي عَمْرًا قَالَ نَعَمْ يَا أَبَا بَكْرٍ إِنَّهُ يَجِيئُنَا بِأَشْيَاءَ غَرَائِبَ قَالَ يَقُولُ لَهُ أَيُّوبُ  
إِنَّمَا نَفَرٌ أَوْ نَفَرٌ مِنْ تِلْكَ الْغَرَائِبِ

67/45. Ҳаммод ибн Зайд айтдилар: «Бир киши Аюб Сихтиёнийдан ҳадис эшитиб юрар эди. Аюб эса уни (кейинчалик) учратмай қолдилар. Шунда атрофдагилар: «Эй Абу Бакр (Аюбнинг кунялари шундай эди), у киши сизни тарк қилиб, Амр ибн Убайдни лозим тутди (яъни, устоз қилиб олди)», дейишди». Ҳаммод айтадилар: «Кунларнинг бирида биз Аюб Сихтиёний билан бозорда барвақт кетаётган эдик, ҳалиги киши пешвоз чиқди, Аюб унга салом берди. Сўнгра унга: «Менга хабар берилишича, сен мана бу кишини («Амрнинг номини айтдилар», дейдилар Ҳаммод) устоз тутибсан», десалар, у киши: «Ҳа, эй Абу Бакр! (Мен уни устоз қилиб олдим), чунки у бизга фаройиб нарсаларни айтиб келади», деди. Шунда Аюб: «Албатта биз ана шундай фаройиб нарсалардан қочамиз ёки ҳайиқамиз», дедилар».

68 - وَحَدَّثَنِي حَجَّاجُ بْنُ الشَّاعِرِ حَدَّثَنَا سُلَيْمَانُ بْنُ حَرْبٍ حَدَّثَنَا ابْنُ زَيْدٍ يَعْنِي حَمَادًا قَالَ قِيلَ لِأَيُّوبَ إِنَّ عَمْرًا بَنَ عُبَيْدِ  
رَوَى عَنِ الْحَسَنِ قَالَ لَا يُجَلَدُ السُّكْرَانُ مِنَ التَّبِيدِ فَقَالَ كَذَبَ أَنَا سَمِعْتُ الْحَسَنَ يَقُولُ يُجَلَدُ السُّكْرَانُ مِنَ التَّبِيدِ

68/46. Ҳаммод ибн Зайд айтдилар: «Аюб Сихтиёнийга «Амр ибн Убайд Ҳасандан «Шаробдан маст бўлган кишига дарра урилмайди», дейилган ҳадисни ривоят қилибди», деб айтилганида, Аюб Сихтиёний: «Амр ибн Убайд ёлфон гапирибди. Мен Ҳасаннинг «Шаробдан маст бўлган кишига дарра урилади», деб айтганларини эшитганман», дедилар».

69 - وَحَدَّثَنِي حَجَّاجُ بْنُ الشَّاعِرِ حَدَّثَنَا سُلَيْمَانُ بْنُ حَرْبٍ قَالَ سَمِعْتُ سَلَامَ بْنَ أَبِي مُطِيعٍ يَقُولًا بَلَغَ أَيُّوبَ أَنَّيَ آتَى عَمْرًا فَأَقْبَلَ عَلَيَّ  
يَوْمًا فَقَالَ أَرَأَيْتَ رَجُلًا لَا تَأْمَنُهُ عَلَى دِينِهِ كَيْفَ تَأْمَنُهُ عَلَى الْحَدِيثِ

69/47. Саллом ибн Абу Мутеъ айтдилар: «Аюб Сихтиёнийга Амр ибн Убайд ҳузурига бораётганим хабари етибди. Кунларнинг бирида менга юзланиб: «Динига хотиржам бўлмайдиган кишининг айтаётган ҳадисига қандай қилиб хотиржам қарайсан?» дедилар».

70 - وَحَدَّثَنِي سَلَمَةُ بْنُ شَيْبٍ حَدَّثَنَا الْحُمَيْدِيُّ حَدَّثَنَا سُفْيَانُ قَالَ سَمِعْتُ أَبَا مُوسَى يَقُولُ حَدَّثَنَا عَمْرُو بْنُ عُبَيْدٍ قَبْلَ أَنْ  
يُحَدِّثَ

70/48. Абу Мусо: «Амр ибн Убайд бидъатчи (яъни, қадария тоифасига мансуб) бўлишидан олдин бизга ҳадис айтар эди», дедилар.

71 - حَدَّثَنِي عُبَيْدُ اللَّهِ بْنُ مُعَاذِ الْعُنْبَرِيِّ حَدَّثَنَا أَبِي قَالَ كَتَبْتُ إِلَى شُعْبَةَ أَسْأَلُهُ عَنْ أَبِي شَيْبَةَ قَاضِيِ وَأَسِطِ فَكَتَبَ إِلَيَّ لَا تُكْتَبُ عَنْهُ شَيْئًا وَمَزَّقَ كِتَابِي

71/49. Убайдуллоҳ ибн Муоз Анбарий оталаридан ривоят қиладилар. «Восит қозиси Абу Шайба ҳақида сўраб Шўъбага хат ёздим. Шўъба жавоб юбориб, унда «Абу Шайбадан бирор (ҳадис) ёзиб юрма ва бу хатим етиб бориши билан (ўқиб бўлгандан кейин фитна тарқалмаслиги учун) уни йиртиб ташла», деб ёзилган экан».

72 - وَحَدَّثَنَا الْخُلَوَانِيُّ قَالَ سَمِعْتُ عَفَّانَ قَالَ حَدَّثْتُ حَمَّادَ بْنَ سَلَمَةَ عَنْ صَالِحِ الْمُرِّيِّ بِحَدِيثٍ عَنْ ثَابِتٍ فَقَالَ كَذَبَ وَحَدَّثْتُ هَمَّامًا عَنْ صَالِحِ الْمُرِّيِّ بِحَدِيثٍ فَقَالَ كَذَبَ

72/50. Аффон айтдилар: «Ҳаммодга Солиҳ ал-Муррий Собитдан ривоят қилган ҳадисни гапирсам, «У ёлғон гапирибди», дедилар. Ҳамомга ҳам Солиҳ ал-Муррий ривоят қилган ҳадисни гапирсам, «У ёлғон гапирибди», дедилар».

73 - وَحَدَّثَنِي مُحَمَّدُ بْنُ غِيْلَانَ حَدَّثَنَا أَبُو دَاوُدَ قَالَ قَالَ لِي شُعْبَةُ اِنَّ جَرِيرَ بْنَ حَازِمٍ قُلَّ لَهُ لَا يَحِلُّ لَكَ اَنْ تَرُوِيَ عَنِ الْحَسَنِ بْنِ عُمَارَةَ فَاِنَّهُ يَكْذِبُ قَالَ أَبُو دَاوُدَ قُلْتُ لَشُعْبَةَ وَكَيْفَ ذَاكَ فَقَالَ حَدَّثَنَا عَنِ الْحَكَمِ بِأَشْيَاءَ لَمْ أَجِدْ لَهَا أَصْلًا قَالَ قُلْتُ لَهُ بِأَيِّ شَيْءٍ قَالَ قُلْتُ لِلْحَكَمِ أَصَلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَى قَتْلَى أُحُدٍ فَقَالَ لَمْ يُصَلِّ عَلَيْهِمْ فَقَالَ الْحَسَنُ بْنُ عُمَارَةَ عَنِ الْحَكَمِ عَنْ مِقْسَمٍ عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ إِنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ صَلَّى عَلَيْهِمْ وَدَفَنَهُمْ قُلْتُ لِلْحَكَمِ مَا تَقُولُ فِي أَوْلَادِ الزَّنَانَةِ قَالَ يُصَلَّى عَلَيْهِمْ قُلْتُ مِنْ حَدِيثٍ مَنْ يُرَوَى قَالَ يُرَوَى عَنِ الْحَسَنِ الْبَصْرِيِّ فَقَالَ الْحَسَنُ بْنُ عُمَارَةَ حَدَّثَنَا الْحَكَمُ عَنْ يَحْيَى بْنِ الْحَزْرَارِ عَنْ عَلِيٍّ

73/51. Абу Довуд айтдилар: «Шўъба менга: «Жарир ибн Ҳозимнинг ҳузурига боргин-да, «Ҳасан ибн Уморадан ҳадис ривоят қилиш сенга ҳалол эмас экан», деб айтгин. Чунки Ҳасан ёлғон сўзлайди», деганларида, мен Шўъбага: «Нима учун?» десам, у зот: «У Ҳакамдан, деб асли йўқ ҳадисларни ривоят қилиб, гапириб юрибди», дедилар. Мен: «У гапираётган нарса нима ҳақида?» десам, у зот: «Ҳакамга «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Уҳуд ғазотида ўлганларга жаноза намози ўқиганларми?» деб айтгандим, у: «Ўқимаганлар», деди. Ваҳоланки, Ҳасан ибн Умора Ҳакамдан, у Муқсимдан, у Ибн Аббосдан, у Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан қилган ривоятда айтилишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Уҳуддаги маййитларга жаноза намози ўқиб дафн қилганлар. Мен Ҳакамга: «Зинодан туғилган болалар ҳақида нима дейсан?» деб айтган эдим, у: «Жаноза ўқилади», деб айтди. Мен: «Кимдан ривоят қилинган?» десам, у: «Ҳасан Басрийдан», деди. Ваҳоланки, бу ҳадисни Ҳасан ибн Умора Ҳакамдан, у эса Яҳё ибн Жаззордан, у эса Алидан ривоят қилган», дедилар».



74 - وَحَدَّثَنَا الْحَسَنُ الْحُلَوَانِيُّ قَالَ سَمِعْتُ يَزِيدَ بْنَ هَارُونَ وَذَكَرَ زِيَادُ بْنُ مَيْمُونٍ فَقَالَ حَلَفْتُ أَلَّا أُرْوِيَ عَنْهُ شَيْئًا وَلَا عَنْ خَالِدِ بْنِ مَخْدُوجٍ وَقَالَ لَقِيتُ زِيَادَ ابْنَ مَيْمُونٍ فَسَأَلْتُهُ عَنْ حَدِيثِ فَحَدَّثَنِي بِهِ عَنْ بَكْرِ الْمُزَنِيِّ ثُمَّ عُدْتُ إِلَيْهِ فَحَدَّثَنِي بِهِ عَنْ مُورِقٍ ثُمَّ عُدْتُ إِلَيْهِ فَحَدَّثَنِي بِهِ عَنْ الْحَسَنِ وَكَانَ يَنْسِبُهُمَا إِلَى الْكُذْبِ قَالَ الْحُلَوَانِيُّ سَمِعْتُ عَبْدَ الصَّمَدِ وَذَكَرْتُ عِنْدَهُ زِيَادَ بْنَ مَيْمُونٍ فَتَسَبَّهُ إِلَى الْكُذْبِ

74/52. Ҳасан Ҳулвоний айтдилар: «Язид ибн Ҳорун: «Зиёд ибн Маймун ва Холид ибн Маҳдужлардан бирор нарса ривоят қилмайман», деб қасам ичдилар. Ва (бир куни) Зиёд ибн Маймунга йўлиқиб, бир ҳадисни сўрасам, у: «Бакр ал-Музанийдан эшитганман», деди. Сўнгра қайтиб келиб сўрасам, «Муварриқдан эшиганман», деди. Яна қайтиб келиб сўрасам, «Ҳасандан эшитганман», деди. Язид ибн Ҳорун Зиёд ибн Маймун ва Холид ибн Маҳдужларга ёлғончи, деган нисбат бердилар». Ҳулвоний: «Абдусамад ҳузурларида Зиёд ибн Маймунни зикр қилсам, унга ёлғончи, деган нисбат бердилар».

75 - وَحَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ غَيْلَانَ قَالَ قُلْتُ لِأَبِي دَاوُدَ الطَّيَالِسِيِّ قَدْ أَكْثَرْتَ عَنْ عَبَّادِ بْنِ مَنْصُورٍ فَمَا لَكَ لَمْ تَسْمَعْ مِنْهُ حَدِيثَ الْعَطَّارَةِ الَّذِي رَوَى لَنَا النَّضْرُ بْنُ شَمَيْلٍ قَالَ لِي اسْكُتْ فَأَنَا لَقِيتُ زِيَادَ بْنَ مَيْمُونٍ وَعَبْدَ الرَّحْمَنِ بْنَ مَهْدِيٍّ فَسَأَلْتَاهُ فَقُلْنَا لَهُ هَذِهِ الْأَحَادِيثُ الَّتِي تُرْوِيهَا عَنْ أَنَسٍ فَقَالَ أَرَأَيْتُمَا رَجُلًا يَذُنُّ فَيَتُوبُ أَلَيْسَ يَتُوبُ اللَّهُ عَلَيْهِ قَالَ قُلْنَا نَعَمْ قَالَ مَا سَمِعْتُ مِنْ أَنَسٍ مِنْ ذَا قَلِيلٍ وَلَا كَثِيرًا إِنْ كَانَ لَا يَعْلَمُ النَّاسُ فَأَنْتُمَا لَا تَعْلَمَانِ أَنِّي لَمْ أَلْقُ أَنَسًا قَالَ أَبُو دَاوُدَ فَبَلَّغْنَا بَعْدَ أَنَّهُ يَرْوِي فَأَتَيْنَاهُ أَنَا وَعَبْدُ الرَّحْمَنِ فَقَالَ أَتُوبُ ثُمَّ كَانَ بَعْدُ يُحَدِّثُ فَتَرَكَنَاهُ

75/53. Маҳмуд ибн Файлон айтдилар: «Мен Абу Довуд ат-Тайолисийга: «Сиз Аббод ибн Мансурдан кўп ҳадис ривоят қилдингиз. Нима учун сиз бу кишининг Аттора номли аёл ҳақида гапирган ҳадисларини эшитмайсиз? У ҳадис бизга Назр ибн Шумайл орқали ривоят қилинган», десам, у зот: « Жим бўл! Мен Абдурахмон ибн Маҳдий билан бирга Зиёд ибн Маймун ҳузурига бориб: «Анасан ана шу Аттора номли аёл ҳақидаги ҳадисни сен ривоят қилдингми?» десак, у: «Қарамайсизларми, агар бирор киши гуноҳ содир этиб, (сўнг) тавба қилса, Аллоҳ унинг гуноҳини кечирадими?» деган эди, биз: «Ҳа», дедик. Шунда у: «Мен Анасан бу ҳақда оз ҳам, кўп ҳам эшитмаганман. Агар одамлар билмаган бўлса, сизлар Анас билан учрашмаганимни билдинглар», деди. Бизга яна у ҳадис ривоят қилаётгани хабари келди. Мен ва Абдурахмон унинг ҳузурига борсак, у: «Тавба қилдим», дерди-да, яна ҳадис айтишда давом этар эди. Биз уни шу ҳолатда тарк қилдик», дедилар». (Бундан Зиёд ибн Маймун қилган ривоятлар заиф экани тушунилади.)

76 - حَدَّثَنَا حَسَنُ الْحُلَوَانِيُّ قَالَ سَمِعْتُ شَبَابَةَ قَالَ كَانَ عَبْدُ الْقُدُّوسِ يُحَدِّثُنَا فَيَقُولُ سُوَيْدُ بْنُ عَقَلَةَ قَالَ شَبَابَةُ وَسَمِعْتُ عَبْدَ الْقُدُّوسِ يَقُولُ نَهَى رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْ يُتَّخَذَ الرُّوحُ عَرَضًا قَالَ فَقِيلَ لَهُ أَيُّ شَيْءٍ هَذَا قَالَ يَعْنِي تَتَّخَذُ كَوَّةً فِي حَائِطٍ لِيَدْخُلَ عَلَيْهِ الرُّوحُ  
 قَالَ مُسْلِمٌ وَسَمِعْتُ عُبيدَ اللَّهِ بْنِ عَمَرَ الْقَوَارِيرِيَّ يَقُولُ سَمِعْتُ حَمَّادَ بْنَ زَيْدٍ يَقُولُ لِرَجُلٍ بَعْدَ مَا جَلَسَ مَهْدِيُّ بْنُ هِلَالٍ بِأَيَّامِ مَا هَذِهِ الْعَيْنُ الْمَالِحَةَ الَّتِي تَبَعَتْ قِبَلَكُمْ قَالَ نَعَمْ يَا أَبَا إِسْمَاعِيلَ

76/54. Шабоба айтдилар: «Абдулқуддус: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам деворни туйнукча қилиб тешиб, ҳаво киргизишдан ман этганлар», деб айтар эди. (Яъни, бу ҳадис аслида «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бирор жонли нарсага нишон отишдан ман этганлар» маъносида эди. Абдулқуддус эса араб матнидаги «руҳ», яъни «жон» калимасини «равҳ», яъни «шамол», деб ва «ғараз», яъни «нишон» калимасини «ъарз», яъни «туйнукча», дея ҳарфларни чалкаш қилиб айтарди.) Ҳаммод ибн Зайд бир кишига Маҳдий ибн Ҳилол ўтирганидан кейин: «Сиз томонингиздан шу каби заиф сўзлар бу кунларда тарқалган-а?» деб айтсалар, у: «Ҳа, эй Абу Исмоил (яъни, Ҳаммод ибн Зайд)», деб ўзининг ҳадисда заифлигига иқрор бўлди».

(Изоҳ: Бу ривоятдан Абдулқуддус ва Маҳдий ибн Ҳилоллар ҳадис ривоят қилишда заиф эканлари англашилади).

77 - وَحَدَّثَنَا الْحَسَنُ الْحُلَوَانِيُّ قَالَ سَمِعْتُ عَفَّانَ قَالَ سَمِعْتُ أَبَا عَوَانَةَ قَالَ مَا بَلَغَنِي عَنِ الْحَسَنِ حَدِيثٌ إِلَّا آتَيْتُ بِهِ أَبَانَ بْنَ أَبِي عِيَّاشٍ فَقَرَأَهُ عَلَيَّ

77/55. Абу Авона Ваззоҳ ибн Абдуллоҳ айтдилар: «Менга Ҳасандан бирор ҳадис келса, Абон ибн Абу Айёш ҳузурига борар эдим, у Ҳасандан ривоят қилинган, деб менга ҳадис ўқиб берар эди».

(Изоҳ: Бу ривоятдан Абон ибн Абу Айёшнинг ёлғончилиги аён бўлмоқда).

78 - وَحَدَّثَنَا سُوَيْدُ بْنُ سَعِيدٍ حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ مُسْهِرٍ قَالَ سَمِعْتُ أَنَا وَحَمْرَةَ الزَّيَّاتُ مِنْ أَبَانَ بْنِ أَبِي عِيَّاشٍ نَحْوًا مِنْ أَلْفِ حَدِيثٍ قَالَ عَلِيُّ فَلَقِيتُ حَمْرَةَ فَأَخْبَرَنِي أَنَّهُ رَأَى النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي الْمَنَامِ فَعَرَضَ عَلَيْهِ مَا سَمِعَ مِنْ أَبَانَ فَمَا عَرَفَ مِنْهَا إِلَّا شَيْئًا يَسِيرًا حَمْسَةً أَوْ سِتَّةَ

78/56. Али ибн Муҳхир айтдилар: «Мен ва Ҳамза аз-Зайёт Абон ибн Абу Айёшдан мингга яқин ҳадис эшитдик. Кейин Ҳамза билан учрашиб қолган эдим, у тушида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни кўрганини ва Абондан эшитган ҳадисларни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга айтганида, у зот ундан жуда озини, яъни беш ёки олтитасинигина билишларини айтганларининг хабарини берди».

79 - حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ الدَّارِمِيُّ أَخْبَرَنَا زَكَرِيَاءُ بْنُ عَدِيٍّ قَالَ قَالَ لِي أَبُو إِسْحَقَ الْفَزَارِيُّ اكْتُبَ عَنْ بَقِيَّةَ مَا رَوَى عَنِ الْمَعْرُوفِينَ وَلَا تَكْتُبْ عَنْهُ مَا رَوَى عَنْ غَيْرِ الْمَعْرُوفِينَ وَلَا تَكْتُبْ عَنْ إِسْمَاعِيلَ بْنِ عَبَّاشٍ مَا رَوَى عَنِ الْمَعْرُوفِينَ وَلَا عَنْ غَيْرِهِمْ

79/57. Закариё ибн Адийдан ривоят қилинади. «Абу Исҳоқ ал-Фазорий менга: «Бақиянинг таниқли кишилардан ривоят қилган ҳадисини ёзгин. Лекин таниқли бўлмаганлардан ривоят қилган ҳадисини ёзмагин. Аммо Исмоил ибн Айёшнинг таниқли кишилардан ҳам, таниқли бўлмаган бошқа (киши)лардан ҳам ривоят қилган ҳадисларини ёзмагин», деб айтдилар».

80 - وَحَدَّثَنَا إِسْحَقُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ الْحَنْظَلِيُّ قَالَ سَمِعْتُ بَعْضَ أَصْحَابِ عَبْدِ اللَّهِ قَالَ قَالَ ابْنُ الْمُبَارَكِ نِعْمَ الرَّجُلُ بَقِيَّةَ لَوْلَا أَنَّهُ كَانَ يَكْنِي الْأَسَامِيَّ وَيُسَمِّي الْكُنْيَةَ كَانَ دَهْرًا يُحَدِّثُنَا عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْوَحَاطِيِّ فَتَنَظَرْنَا فَيَاذَا هُوَ عَبْدُ الْقُدُّوسِ

80/58. Ибн Муборак: «Бақия агар исмларни куня деб ва куняларни исм деб ёзмаса, мунча ҳам яхши», дедилар. (Бақия, исми ила машҳур бўлган кишидан ривоят қилса, кунясини айтар эди. Агар куняси ила машҳур кишилардан ривоят қилса, исмини айтар эди. Бу ҳам сохталаштиришдир.) «У бизга бир умр Абу Саид Вуҳозийдан, деб ҳадис гапирар эди. Биз (синчиклаб) қарасак, Абу Саид Вуҳозий ёлфончилиги маълум бўлган Абдулқуддус экан».

81 - وَحَدَّثَنِي أَحْمَدُ بْنُ يُونُسَ الْأَزْدِيُّ قَالَ سَمِعْتُ عَبْدَ الرَّزَّاقِ يَقُولًا مَا رَأَيْتُ ابْنَ الْمُبَارَكِ يُفْصِحُ بِقَوْلِهِ كَذَابٌ إِلَّا لِعَبْدِ الْقُدُّوسِ فَإِنِّي سَمِعْتُهُ يَقُولُ لَهُ كَذَابٌ

81/59. Абдурраззоқ айтдилар: «Ибн Муборакнинг Абдулқуддусдан бошқа кишини очиқчасига ёлфончи, каззоб, деб айтганларини кўрмаганман. Лекин Абдулқуддусни ёлфончи, деб айтганларини эшитдим».

82 - وَحَدَّثَنِي عَبْدُ اللَّهِ بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ الدَّارِمِيُّ قَالَ سَمِعْتُ أَبَا نُعَيْمٍ وَذَكَرَ الْمُعَلَّى بْنُ عُرْفَانَ فَقَالَ قَالَ حَدَّثَنَا أَبُو وَائِلٍ قَالَ خَرَجَ عَلَيْنَا ابْنُ مَسْعُودٍ بِصَفِيٍّ فَقَالَ أَبُو نُعَيْمٍ أَتْرَاهُ بُعِثَ بَعْدَ الْمَوْتِ

82/60. Абу Нуъайм айтдилар. Муъалло ибн Урфон зикр қилишича, Абу Воил: «Ибн Масъуд Сиффин воқеасида ҳузуримизга чиқдилар», деб айтган эди, Абу Нуъайм: «Уни ўлгандан кейин қайта тирилган деб ўйлайсанми?!» дедилар.

(Изоҳ: Бундан Муъалло ибн Урфон ҳадис ривоят қилишда заиф экани аён бўлмоқда).

83 – حَدَّثَنِي عَمْرُو بْنُ عَلِيٍّ وَحَسَنُ الْحُلَوَانِيُّ كِلَاهُمَا عَنْ عَفَّانَ بْنِ مُسْلِمٍ قَالَ كُنَّا عِنْدَ إِسْمَاعِيلَ ابْنِ عَلِيَّةَ فَحَدَّثَ رَجُلٌ عَنْ رَجُلٍ فَقُلْتُ إِنَّ هَذَا لَيْسَ بِبَيِّنَةٍ قَالَ فَقَالَ الرَّجُلُ اغْتَبْتَهُ قَالَ إِسْمَاعِيلُ مَا اغْتَابَهُ وَلَكِنَّهُ حَكَمَ أَنَّهُ لَيْسَ بِبَيِّنَةٍ

83/61. Аффон ибн Муслим айтдилар: «Биз Исмоил ибн Улайянинг ҳузурларида эдик. Бир киши бошқа бир кишидан эшитган ҳадисни гапирди. Мен: «У киши ҳадис ривоят қилишда ишончли эмас», дедим. Ёнимдаги киши: «Сен уни ғийбат қилдинг», деди. Шунда Исмоил: «Ғийбат қилгани йўқ, лекин унинг ҳадис ривоят қилишда ишончли эмаслигини ҳукм қилди», дедилар».

84 – وَحَدَّثَنَا أَبُو جَعْفَرٍ الدَّارِمِيُّ حَدَّثَنَا بِشْرُ بْنُ عُمَرَ قَالَ سَأَلْتُ مَالِكَ بْنَ أَنَسٍ عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ الَّذِي يَرَوِي عَنْ سَعِيدِ بْنِ الْمُسَيَّبِ فَقَالَ لَيْسَ بِثِقَةٍ وَسَأَلْتُهُ عَنْ صَالِحِ مَوْلَى التَّوَّامَةِ فَقَالَ لَيْسَ بِثِقَةٍ وَسَأَلْتُهُ عَنْ أَبِي الْحَوَيْرِثِ فَقَالَ لَيْسَ بِثِقَةٍ وَسَأَلْتُهُ عَنْ شُعْبَةَ الَّذِي رَوَى عَنْهُ ابْنُ أَبِي ذَنْبٍ فَقَالَ لَيْسَ بِثِقَةٍ وَسَأَلْتُهُ عَنْ حَرَامِ بْنِ عُثْمَانَ فَقَالَ لَيْسَ بِثِقَةٍ وَسَأَلْتُ مَالِكَ عَنْ هَوْلَاءَ الْخَمْسَةِ فَقَالَ لَيْسُوا بِثِقَةٍ فِي حَدِيثِهِمْ وَسَأَلْتُهُ عَنْ رَجُلٍ آخَرَ نَسِيتُ اسْمَهُ فَقَالَ هَلْ رَأَيْتَهُ فِي كُتُبِي قُلْتُ لَا قَالَ لَوْ كَانَ ثِقَةً لَرَأَيْتَهُ فِي كُتُبِي

84/62. Бишр ибн Умар айтдилар: «Саид ибн Мусаййабдан ҳадис эшитиб, уни ривоят қилувчи Муҳаммад ибн Абдурахмон ҳақида Молик ибн Анасдан сўрасам, «У ишончли эмас», дедилар. Тавъаманинг қули Солиҳ ҳақида сўрасам, «У ишончли эмас», дедилар. Абу Ҳувайрис ҳақида сўрасам, «У ишончли эмас», дедилар. Ибн Абу Зиъб ривоят қилувчи Шўъба ҳақида сўрасам, «У ишончли эмас», дедилар. Ҳаром ибн Усмон ҳақида сўрасам, «У ишончли эмас», дедилар. Яъни, Моликдан ана шу беш киши ҳақида сўраганимда, у зот: «Улар ҳадис ривоят қилишда ишончли эмас», дедилар. Ва яна бир киши ҳақида сўрасам, ҳозир унинг исмини унутиб қўйдим, Молик: «Китобимда унинг исмини кўрдингми?» дедилар. Мен: «Йўқ», дедим. Молик: «Агар унинг исмини китобимда кўрганимда ишончли бўлар эди», дедилар».

85 – وَحَدَّثَنِي الْفَضْلُ بْنُ سَهْلٍ قَالَ حَدَّثَنِي يَحْيَى بْنُ مَعِينٍ حَدَّثَنَا حَجَّاجٌ حَدَّثَنَا ابْنُ أَبِي ذَنْبٍ عَنْ شُرْحَبِيلِ بْنِ سَعْدٍ وَكَانَ

مُتَّهِمًا

85/63. Ҳажжож айтадилар: «Ибн Абу Зиъб Шураҳбил ибн Саъддан бизга ҳадис айтди. Ҳолбуки, Шураҳбил ҳадис ривоят қилишда заиф, деб айбланган эди».

86 - وَحَدَّثَنِي مُحَمَّدُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ قَهْرَازَدَ قَالَ سَمِعْتُ أَبَا إِسْحَاقَ الطَّالِقَانِيَّ يَقُولُ سَمِعْتُ ابْنَ الْمُبَارَكِ يَقُولًا لَوْ خَيْرْتُ بَيْنَ أَنْ أَدْخُلَ الْجَنَّةَ وَيَبِينَ أَنْ أَلْقَى عَبْدَ اللَّهِ بْنَ مُحَرَّرٍ لَأَخْتَرْتُ أَنْ أَلْقَاهُ ثُمَّ أَدْخُلَ الْجَنَّةَ فَلَمَّا رَأَيْتُهُ كَانَتْ بَعْرَةً أَحَبَّ إِلَيَّ مِنْهُ

86/64. Ибн Муборак айтдилар: «Агар менга Абдуллоҳ ибн Муҳаррарни учратиш билан жаннатга кириш ихтиёри берилганида, Абдуллоҳни учратишни ихтиёр қилган бўлар эдим. Кейин уни кўрсам, ҳайвон тегаги менга Абдуллоҳдан яхшироқ экан. (Чунки Абдуллоҳ ҳадис гапираётганда ёлфонларни қўшар эди)».

87 - وَحَدَّثَنِي الْفَضْلُ بْنُ سَهْلٍ حَدَّثَنَا وَلِيدُ بْنُ صَالِحٍ قَالَ قَالَ عَبْدُ اللَّهِ بْنُ عَمْرٍو قَالَ زَيْدُ يَعْنِي ابْنَ أَبِي أَنَيْسَةَ لَا تَأْخُذُوا عَنِّي

أَخِي

87/65. Зайд ибн Абу Унайса: «Иним (Яҳё)дан ҳадис ривоят қилманглар», деб айтдилар. (Чунки инилари Яҳё ҳадис ривоятида заиф кишилардан эди.)

88 - حَدَّثَنِي أَحْمَدُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ الدَّورَقِيُّ قَالَ حَدَّثَنِي عَبْدُ السَّلَامِ الْوَابِصِيُّ قَالَ حَدَّثَنِي عَبْدُ اللَّهِ بْنُ جَعْفَرِ الرَّقِّيِّ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو قَالَ كَانَ يَحْيَى بْنُ أَبِي أَنَيْسَةَ كَذَّابًا

88/66. Убайдуллоҳ ибн Амр: «Яҳё ибн Унайса ёлфончилардан эди», деб айтдилар.

89 - حَدَّثَنِي أَحْمَدُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ قَالَ حَدَّثَنِي سُلَيْمَانُ بْنُ حَرْبٍ عَنْ حَمَّادِ بْنِ زَيْدٍ قَالَ ذَكَرَ فَرَقْدٌ عِنْدَ أَيُّوبَ فَقَالَ إِنَّ فَرَقْدًا

لَيْسَ صَاحِبَ حَدِيثٍ

89/67. Ҳаммод ибн Зайд айтдилар: «Аюб ҳузурларида Фарқад ибн Яъқуб ас-Сабхий зикр қилинди. Шунда у зот: «Фарқад ҳадис аҳлидан эмас», деб айтдилар».

90 - وَحَدَّثَنِي عَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ بَشْرِ الْعَيْدِيِّ قَالَ سَمِعْتُ يَحْيَى بْنَ سَعِيدِ الْقَطَّانِ ذَكَرَ عِنْدَهُ مُحَمَّدُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُبَيْدِ بْنِ عُمَيْرِ اللَّيْثِيِّ فَضَعَّفَهُ جِدًّا فَقِيلَ لِيَحْيَى أضعف من يعقوب بن عطاء قال نعم ثم قال ما كنت أرى أن أحدا يروي عن محمد بن عبد الله بن عبيد بن عمير

90/68. Абдурахмон ибн Бишр айтдилар: «Яҳё ибн Саид ал-Қаттон ҳузурларида Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Убайд ибн Умайр ал-Лайсий зикр

қилинди. У зот уни жуда заиф, дедилар. Шунда Яҳё ибн Саидга: «Бу Яъқуб ибн Атодан ҳам заифми?» дейилганида, Яҳё: «Ҳа, мен бирор кишининг Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Убайд ибн Умайрдан ҳадис ривоят қилади, деб ўйламас эдим», дедилар».

91 - حَدَّثَنِي بَشْرُ بْنُ الْحَكَمِ قَالَ سَمِعْتُ يَحْيَى بْنَ سَعِيدِ الْقَطَانَ ضَعَّفَ حَكِيمَ بْنَ جُبَيْرٍ وَعَبْدَ الْأَعْلَى وَضَعَّفَ يَحْيَى بْنَ مُوسَى بْنِ دِينَارٍ قَالَ حَدِيثُهُ رِيحٌ وَضَعَّفَ مُوسَى بْنُ دَهْقَانَ وَعَيْسَى بْنُ أَبِي عَيْسَى الْمَدَنِيَّ قَالَ وَسَمِعْتُ الْحَسَنَ بْنَ عَيْسَى يَقُولُ قَالَ لِي ابْنُ الْمُبَارَكِ إِذَا قَدِمْتَ عَلَى جَرِيرٍ فَارْتَبِعْ عِلْمَهُ كُلَّهُ إِلَّا حَدِيثَ ثَلَاثَةٍ لَا تَكْتُبُ حَدِيثَ عُيَيْدَةَ بْنِ مُعْتَبٍ وَالسَّرِيِّ بْنِ إِسْمَاعِيلَ وَمُحَمَّدِ بْنِ سَالِمٍ

91/69. Бишр ибн Ҳакимдан ривоят қилинади. «Яҳё ибн Саид ал-Қаттон Ҳаким ибн Жубайр ва Абдулаълорларни ҳадис ривоят қилишда заиф, дедилар. Ва яна Яҳё ибн Мусо ибн Динорни ҳам заиф санаб, ривоят қилган ҳадислари кучсиз, дедилар. Ҳамда Мусо ибн Дихқон ва Исо ибн Абу Исо ал-Маданийларни ҳам заиф, дедилар». Ҳасан ибн Исо айтдилар: «Ибн Муборак менга: «Агар Жарир ҳузурига борсанг, унинг барча илмини ёзгин-да, лекин уч киши орқали ривоят қилган бўлса, ёзмагин. У учови Убайда ибн Муаттиб, Сарий ибн Исмоил ва Муҳаммад ибн Солимлардир», деб айтдилар».

ҳамда унга даъват этиб, бу ҳақда сўроқ-савол қилиш,  
уни муҳофаза этиб, етмаган кишиларга  
етказиш ҳақида**

108 – حَدَّثَنَا خَلْفُ بْنُ هِشَامٍ حَدَّثَنَا حَمَادُ بْنُ زَيْدٍ عَنْ أَبِي جَمْرَةَ قَالَ سَمِعْتُ ابْنَ عَبَّاسٍ ح وَحَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ يَحْيَى وَاللَّفْظُ لَهُ أَخْبَرَنَا عَبَادُ بْنُ عَبَّادٍ عَنْ أَبِي جَمْرَةَ عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ قَالَ قَدِمَ وَقَدْ عَبْدَ الْقَيْسِ عَلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالُوا يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنَّا هَذَا الْحَيِّ مِنْ رَبِيعَةَ وَقَدْ حَالَتَ بَيْنَنَا وَبَيْنَكَ كُفَّارٌ مُضَرٌّ فَلَا نَخْلُصُ إِلَيْكَ إِلَّا فِي شَهْرِ الْحَرَامِ فَمَرْنَا بِأَمْرٍ نَعْمَلُ بِهِ وَنَدْعُو إِلَيْهِ مَنْ وَرَاءَنَا قَالَ أَمْرُكُمْ بَارِيعٌ وَأَنْهَاكُمْ عَنْ أَرْبَعِ الْإِيمَانِ بِاللَّهِ ثُمَّ فَسَّرَهَا لَهُمْ فَقَالَ شَهَادَةِ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَنَّ مُحَمَّدًا رَسُولُ اللَّهِ وَإِقَامِ الصَّلَاةِ وَإِيتَاءِ الزَّكَاةِ وَأَنْ تُؤَدُّوا خُمْسَ مَا غَنِمْتُمْ وَأَنْهَاكُمْ عَنِ الدُّبَاءِ وَالْحَنْتَمِ وَالتَّغْيِيرِ وَالْمُعْيِيرِ زَادَ خَلْفٌ فِي رِوَايَتِهِ شَهَادَةِ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَعَقْدَ وَاحِدَةً

108/1. Ибн Аббос розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Абдулқайс жамоасининг элчилари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келиб: «Эй Аллоҳнинг расули, қабиламиз Рабийъа қабиласидандир. Биз билан сизнинг ўртангизда кофир Музар қабиласи яшайди. Шу сабабли ҳузурингизга фақат уруш ҳаром қилинган ойлардагина кела оламиз. Бизга бирор нарсаларни буюрингки, ўзимиз унга амал қилиб, ортимиздагиларни ҳам ўша нарсага даъват қилайлик», дейишганида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сизларни тўрт нарсага буюриб, тўрт нарсдан ман қиламан. Буюрадиганларим: Аллоҳга иймон келтириш, яъни «Ла илаҳа иллаллоҳу ва анна Муҳаммадан расулуллоҳ», деб айтиш, намозни қоим қилиш, закот бериш ва ўлжа қилиб қўлга киритилган нарсаларнинг бешдан бирини бериш. Қайтарганларим: қуриган ошқовоқ идиши, шароб тайёрланадиган хурмача, тахтачадан ўйиб тайёрланган идиш, алқор ўсимлиги билан бўялган идиш», дедилар.

Халаф ривоят қилган ҳадисда: «Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, деб гувоҳлик бериш, дея битта бармоқларини букдилар» жумласи зиёда қилинган.

(Изоҳ: Юқорида зикри келган идишларда маст қилувчи шароблар тайёрланган. Бу идишлар ўша шаробларни тез етилтирган. Шунинг учун бу каби идишларни ишлатиш ман этилмоқда. Кейинчалик Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қуйидаги ҳадислари билан бу насх бўлган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мен сизларни шароб тайёрлашдан ман этиб, фақат мешларда тайёрлашга рухсат қилган эдим. Энди бўлса, барча идишларда ичимлик тайёрлашнинг, лекин маст қилувчиларини эмас», деб айтиб, барча маст қилувчи ичимликлардан ман этганлар.)

109 - حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ وَمُحَمَّدُ بْنُ الْمُنْتَنَى وَمُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ وَالْفَاظُهُمْ مُتَقَارِبَةٌ قَالَ أَبُو بَكْرٍ حَدَّثَنَا غُنْدَرٌ عَنْ شُعْبَةَ وَقَالَ الْآخَرَانِ حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ جَعْفَرٍ حَدَّثَنَا شُعْبَةُ عَنْ أَبِي جَمْرَةَ قَالَ كُنْتُ أُرْجَمُ بَيْنَ يَدَيْ ابْنِ عَبَّاسٍ وَبَيْنَ النَّاسِ فَأَتَتْهُ امْرَأَةٌ تَسْأَلُهُ عَنْ نَيْبِ الْحَجْرِ فَقَالَ إِنَّ وَفَدَ عَبْدَ الْقَيْسِ أَتَوْا رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنَ الْوَفْدِ أَوْ مِنَ الْقَوْمِ قَالُوا رِبِيعَةَ قَالَ مَرْحَبًا بِالْقَوْمِ أَوْ بِالْوَفْدِ غَيْرِ خَزَائِي وَلَا النَّدَامَى قَالَ فَقَالُوا يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنَّا نَأْتِيكَ مِنْ شِقَّةٍ بَعِيدَةٍ وَإِنَّ بَيْنَنَا وَبَيْنَكَ هَذَا الْحَيِّ مِنْ كُفَّارٍ مُضْرٍ وَإِنَّا لَا نَسْتَطِيعُ أَنْ نَأْتِيكَ إِلَّا فِي شَهْرِ الْحَرَامِ فَمُرْنَا بِأَمْرٍ فَصَلِّ نُخْبِرَ بِهِ مِنْ وَرَاءِنَا نَدْخُلُ بِهِ الْحِجَّةَ قَالَ فَأَمَرَهُمْ بِأَرْبَعٍ وَنَهَاهُمْ عَنْ أَرْبَعٍ قَالَ أَمَرَهُمْ بِالْإِيمَانِ بِاللَّهِ وَحُدِّهِ وَقَالَ هَلْ تَذَرُونَ مَا الْإِيمَانُ بِاللَّهِ قَالُوا اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَعْلَمُ قَالَ شَهَادَةٌ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَنَّ مُحَمَّدًا رَسُولُ اللَّهِ وَإِقَامُ الصَّلَاةِ وَإِيتَاءُ الزَّكَاةِ وَصَوْمُ رَمَضَانَ وَأَنْ تُؤَدُّوا خُمْسًا مِنَ الْمَعْتَمِ وَنَهَاهُمْ عَنِ الدُّبَاءِ وَالْحَتَمِ وَالْمَرْفَتِ قَالَ شُعْبَةُ وَرَبَّمَا قَالَ النَّقِيرِ قَالَ شُعْبَةُ وَرَبَّمَا قَالَ الْمُقْبِرِ وَقَالَ أَحْفَظُوهُ وَأَخْبِرُوا بِهِ مِنْ وَرَائِكُمْ وَقَالَ أَبُو بَكْرٍ فِي رِوَايَتِهِ مَنْ وَرَاءَكُمْ وَلَيْسَ فِي رِوَايَتِهِ الْمُقْبِرِ وَحَدَّثَنِي عَبْدُ اللَّهِ بْنُ مُعَاذٍ حَدَّثَنَا أَبِي ح وَحَدَّثَنَا نَصْرُ بْنُ عَلِيٍّ الْجَهْضَمِيُّ قَالَ أَخْبَرَنِي أَبِي قَالًا جَمِيعًا حَدَّثَنَا قُرَّةُ بْنُ خَالِدٍ عَنْ أَبِي جَمْرَةَ عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِهَذَا الْحَدِيثِ نَحْوَ حَدِيثِ شُعْبَةَ وَقَالَ أَنَّهُمْ عَمَّا يُنْبِذُ فِي الدُّبَاءِ وَالنَّقِيرِ وَالْحَتَمِ وَالْمَرْفَتِ وَزَادَ ابْنُ مُعَاذٍ فِي حَدِيثِهِ عَنْ أَبِيهِ قَالَ وَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لِلأَشْحَجِ أَشْحَجُ عَبْدِ الْقَيْسِ إِنَّ فِيكَ خَصْلَتَيْنِ يُحِبُّهُمَا اللَّهُ الْحِلْمُ وَالْأَنَاءَةُ

109/2. Абу Жамра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. «Мен Ибн Аббос розийаллоҳу анҳу билан одамлар ўртасида таржимонлик қилар эдим. Бир аёл келиб, сопол идишда тайёрланувчи шароб ҳақида сўради. Ибн Аббос розийаллоҳу анҳу айтдилар: «Абдулқайс элчилари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келишганида, у зот: «Бу қайси жамоа ёки қайси қабила?» дедилар. Улар: «Рабийъа қабиласиданмиз», дейишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қабила ёки жамоадагилар, хуш келибсиз, сизларга хўрлик ҳам, пушаймонлик ҳам етмасин», дедилар. Улар: «Эй Аллоҳнинг расули! Биз ҳузурингизга узоқ масофадан келамиз. Биз билан сизнинг ўртангизда кофирлардан иборат Музар номли қабила бор. Биз ҳузурингизга фақат уруш ҳаром қилинган ойларида кела оламиз. Шунинг учун бизга ўзида барча нарсаларни қамровчи бир ишни буюрингки, ўша нарсаларни ортимизда қолганларга билдириб, шу сабабли биз ҳам жаннатга кирайлик», дейишганида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларни

тўрт нарсага буюриб, тўрт нарсдан ман этдилар. Якка Аллоҳга иймон келтиришга буюриб: «Аллоҳга иймон келтириш нималигини биласизми?» деганларида, улар: «Аллоҳ ва Унинг расули билувчироқ», дейишди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «(Бу) «Ла илаҳа иллаллоҳу ва анна Муҳаммадар расулulloҳ» шаҳодатини айтиш, намоз ўқиш, закот бериш, рамазон ойи рўзасини тутиш ва ўлжа сифатида қўлга киритилган нарсаларнинг бешдан бирини бериш. Аммо қуриган ошқовоқ идиши, хурмача, алқор ўсимлиги билан бўялган идиш ва тахтачадан ўйиб ишланган идишларда шароб тайёрлаб ичишни ман этаман. Сизлар бу нарсаларни ёдлаб, ортингизда қолган кишиларга буларнинг хабарини беринглар», дедилар».

Ибн Аббос розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам юқоридаги ҳадисни зикр қилиб, унинг давомида Ашаж Абулқайсга: «Сенда икки хислат бордир. Ўша хислатингни Аллоҳ ва Унинг расули яхши кўради. У ҳалим ва босиқлик», дедилар.

110 - حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ أَيُّوبَ حَدَّثَنَا ابْنُ عُثَيْبٍ حَدَّثَنَا سَعِيدُ بْنُ أَبِي عَرُوبَةَ عَنْ قَتَادَةَ قَالَ حَدَّثَنَا مَنْ لَقِيَ الْوَفْدَ الَّذِينَ قَدِمُوا عَلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنْ عَبْدِ الْقَيْسِ قَالَ سَعِيدٌ وَذَكَرَ قَتَادَةُ أَبَا نَضْرَةَ عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ فِي حَدِيثِهِ هَذَا أَنَّ أَنَسًا مِنْ عَبْدِ الْقَيْسِ قَدِمُوا عَلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالُوا يَا نَبِيَّ اللَّهِ إِنَّا حَيٌّ مِنْ رِبْعَةٍ وَبَيْنَنَا وَبَيْنَكَ كَفَّارٌ مُضَرٌّ وَلَا نَقْدَرُ عَلَيْكَ إِلَّا فِي أَشْهُرِ الْحَرَمِ فَمَرْنَا بِأَمْرٍ نَأْمُرُ بِهِ مِنْ وَرَاءِنَا وَنَدْخُلُ بِهِ الْجَنَّةَ إِذَا نَحْنُ أَحَدُنَا بِهِ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ آمُرْكُمْ بِأَرْبَعٍ وَأَنْهَأْكُمْ عَنْ أَرْبَعٍ اعْبُدُوا اللَّهَ وَلَا تُشْرِكُوا بِهِ شَيْئًا وَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ وَآتُوا الزَّكَاةَ وَصُومُوا رَمَضَانَ وَأَعْطُوا الْخُمْسَ مِنَ الْعَنَائِمِ وَأَنْهَأْكُمْ عَنْ أَرْبَعٍ عَنِ الدُّبَاءِ وَالْحَنْتَمِ وَالْمَرْفَتِ وَالتَّقِيرِ قَالُوا يَا نَبِيَّ اللَّهِ مَا عَلِمْنَاكَ بِالتَّقِيرِ قَالَ بَلَى جَذَعٌ تَنْفُرُونَهُ فَتَقْدِفُونَ فِيهِ مِنَ الْقَطِيعَاءِ قَالَ سَعِيدٌ أَوْ قَالَ مِنَ التَّمْرِ ثُمَّ تَصْبُونَ فِيهِ مِنَ الْمَاءِ حَتَّى إِذَا سَكَنَ غَلِيَانُهُ شَرِبْتُمُوهُ حَتَّى إِنْ أَحَدَكُمْ أَوْ إِنْ أَحَدَهُمْ لَيَضْرِبُ ابْنَ عَمِّهِ بِالسَّيْفِ قَالَ وَفِي الْقَوْمِ رَجُلٌ أَصَابَتْهُ جِرَاحَةٌ كَذَلِكَ قَالَ وَكُنْتُ أَحْبَبُّهَا حَيَاءً مِنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقُلْتُ فَفِيمَ تَشْرَبُ يَا رَسُولَ اللَّهِ قَالَ فِي أَسْفِيَةِ الْأَدَمِ الَّتِي يُلَاثُ عَلَى أَفْوَاهِهَا قَالُوا يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنْ أَرْضَنَا كَثِيرَةٌ الْجِرْدَانِ وَلَا تَبْقَى بِهَا أَسْفِيَةُ الْأَدَمِ فَقَالَ نَبِيُّ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَإِنْ أَكَلْتَهَا الْجِرْدَانُ وَإِنْ أَكَلْتَهَا الْجِرْدَانُ قَالَ وَقَالَ نَبِيُّ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَا شَجَّ عَبْدَ الْقَيْسِ إِنْ فِيكَ لَخَصَلَتَيْنِ يُحِبُّهُمَا اللَّهُ الْحَلْمُ وَالْأَنَاءُ

حَدَّثَنِي مُحَمَّدُ بْنُ الْمُتَنَّى وَابْنُ بَشَّارٍ قَالَا حَدَّثَنَا ابْنُ أَبِي عَدِيٍّ عَنْ سَعِيدٍ عَنْ قَتَادَةَ قَالَ حَدَّثَنِي غَيْرٌ وَاحِدٌ لَقِيَ ذَاكَ الْوَفْدَ وَذَكَرَ أَبَا نَضْرَةَ عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ أَنَّ الْوَفْدَ عَبْدَ الْقَيْسِ لَمَّا قَدِمُوا عَلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِمِثْلِ حَدِيثِ ابْنِ عُثَيْبٍ غَيْرَ أَنْ فِيهِ وَتَدْفِئُونَ فِيهِ مِنَ الْقَطِيعَاءِ أَوْ التَّمْرِ وَالْمَاءِ وَلَمْ يَقُلْ قَالَ سَعِيدٌ أَوْ قَالَ مِنَ التَّمْرِ

110/3. Абу Саид ал-Худрий розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Абдулқайс жамоасидан бўлган кишилар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келиб: «Эй Аллоҳнинг набийи! Биз Рабийъа қабиласиданмиз. Биз билан сизнинг ўртангизда Музар номли кофир қабилла бор. Биз ҳузурингизга фақат уруш ҳаром қилинган ойлардагина кела оламиз. Шунинг учун бизга шундай ишларни буюрингки, биз ўша нарсаларни ортимизда қолганларга буюриб ва ўзимиз унга амал қилиб жаннатга

кирайлик», дейишиди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сизларга тўрт нарсани буюриб, тўрт нарсдан қайтараман. Сизларни Аллоҳга бирор нарсани шерик қилмасдан ибодат қилишга, намозни адо этишга, закот беришга, рамазон ойи рўзасини тутишга ва ўлжа қилиб қўлга киритилган нарсаларнинг бешдан бирини беришга буюраман. Аммо қуриган ошқовоқ идиши, хурмача, алқор ўсимлиги билан бўялган ва тахтадан ўйиб ишланган идишларда шароб тайёрлаб ичишни ман этаман», дедилар. Улар: «Эй Аллоҳнинг набийси! Сиз тахтадан ўйиб ишланган идишни қаердан биласиз?» дейишганида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳа, у идишни сизлар дарахт илдизидан олиб, уни тешиб, унга хурмо солиб, устидан сув қуйиб, қайнаши тўхтагандан кейин ичасизлар, сиз ёки ўша ичганларнинг бирортаси маст бўлганидан жияни бўйнига қилич уриб қўйиши мумкин», дедилар. Қавмдаги бир кишига худди шундай жароҳат етган эди. У киши айтади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ҳаё қилиб жароҳатимни яшираётган эдим. Кейин: «Эй Аллоҳнинг расули! Унда қанақа идишда ичайлик?» десам, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Оғзи маҳкамлаб боғланадиган тери идишда ичинглар», дедилар». Шунда улар: «Эй Аллоҳнинг расули, ерларимизда каламуш кўп. Бирорта ҳам тери идиш бутун қолмайди», дейишганида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар каламуш еса ҳам, агар каламуш еса ҳам, агар каламуш еса ҳам, ўша тери идишда ичинглар», деб Ашаж Абдулқайсга: «Сенда икки хислат бор, у хислатни Аллоҳ ва Унинг расули яхши кўради. Ўша хислат ҳалим ва босиқликдир», деб айтдилар.

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган.

111 - حَدَّثَنِي مُحَمَّدُ بْنُ بَكَّارٍ الْبَصْرِيُّ حَدَّثَنَا أَبُو عَاصِمٍ عَنِ ابْنِ جُرَيْجٍ ح وَحَدَّثَنِي مُحَمَّدُ بْنُ رَافِعٍ وَاللَّفْظُ لَهُ حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّزَّاقِ أَخْبَرَنَا ابْنُ جُرَيْجٍ قَالَ أَخْبَرَنِي أَبُو قَزَعَةَ أَنَّ أَبَا نَضْرَةَ أَخْبَرَهُ وَحَسَنًا أَخْبَرَهُمَا أَنَّ أَبَا سَعِيدٍ الْخُدْرِيَّ أَخْبَرَهُ أَنَّ وَفَدَ عَبْدَ الْفَيْسِ لَمَّا أَتَوْا نَبِيَّ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالُوا يَا نَبِيَّ اللَّهِ جَعَلْنَا اللَّهُ فِدَاكَ مَاذَا يَصْلُحُ لَنَا مِنَ الْأَشْرِبَةِ فَقَالَ لَا تَشْرَبُوا فِي النَّقِيرِ قَالُوا يَا نَبِيَّ اللَّهِ جَعَلْنَا اللَّهُ فِدَاكَ أَوْ تَدْرِي مَا النَّقِيرُ قَالَ نَعَمْ الْجِدْعُ يُنْقَرُ وَسَطُهُ وَلَا فِي الدُّبَاءِ وَلَا فِي الْحَنْتَمَةِ وَعَلَيْكُمْ بِالْمُوكَى

111/4. Абу Саид ал-Худрий хабар беришларича, Абдулқайс элчилари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келиб: «Эй Аллоҳнинг набийи! Аллоҳ бизни сизга фидо қилсин (яъни, сизни ёмонликлардан сақласин), биз қайси идишларда ичимлик ичсак, яхши бўлади?» дейишганида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Тахтадан ўйилган идишда ичимлик ичманглар», деб айтдилар. Улар: «Эй Аллоҳнинг набийи! Аллоҳ бизни сизга фидо қилсин (яъни, сизни ёмонликлардан сақласин), тахтадан ўйиб ишланган идишни биласизми?» дейишиди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳа, биламан. У дарахт илдизи бўлиб, унинг ўртаси тешиб олинади. Бундан ташқари сизлар қуриган ошқовоқ идиши ва

хурмачаларда ҳам шароб тайёрлаб ичманглар. Балки оғзи ип билан боғланадиган (теридан ишланган мешлар)да ичинглар», деб айтдилар.

### 7-боб

## Икки шаҳодат калимаси ҳамда Ислому шариатига даъват қилиш ҳақида

112 - حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ وَأَبُو كُرَيْبٍ وَإِسْحَقُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ جَمِيعًا عَنْ وَكَيْعٍ قَالَ أَبُو بَكْرٍ حَدَّثَنَا وَكَيْعٌ عَنْ زَكَرِيَاءَ بْنِ إِسْحَاقَ قَالَ حَدَّثَنِي يَحْيَى بْنُ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ صَيْفِيٍّ عَنْ أَبِي مَعْبُدٍ عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ عَنْ مُعَاذِ بْنِ جَبَلٍ قَالَ أَبُو بَكْرٍ رُبَّمَا قَالَ وَكَيْعٌ عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ أَنَّ مُعَاذًا قَالَ بَعَثَنِي رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ إِنَّكَ تَأْتِي قَوْمًا مِنْ أَهْلِ الْكِتَابِ فَادْعُهُمْ إِلَى شَهَادَةِ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَنَّ رَسُولَ اللَّهِ فَإِنْ هُمْ أَطَاعُوا لِلذِّكْرِ فَادْعُهُمْ أَنْ اللَّهُ افْتَرَضَ عَلَيْهِمْ حَمْسَ صَلَوَاتٍ فِي كُلِّ يَوْمٍ وَلَيْلَةٍ فَإِنْ هُمْ أَطَاعُوا لِلذِّكْرِ فَادْعُهُمْ أَنْ اللَّهُ افْتَرَضَ عَلَيْهِمْ صَدَقَةً تُؤْخَذُ مِنْ أَعْيَانِهِمْ فَرُدُّ فِي قُرْبَانِهِمْ فَإِنْ هُمْ أَطَاعُوا لِلذِّكْرِ فَادْعُهُمْ وَأَنَّ دَعْوَةَ الْمَظْلُومِ فَإِنَّهُ لَيَسَّ بَيْنَهَا وَبَيْنَ اللَّهِ حِجَابٌ

حَدَّثَنَا ابْنُ أَبِي عُمَرَ حَدَّثَنَا بِشْرُ بْنُ السَّرِيِّ حَدَّثَنَا زَكَرِيَاءُ بْنُ إِسْحَاقَ حَدَّثَنَا عَبْدُ بْنُ حُمَيْدٍ حَدَّثَنَا أَبُو عَاصِمٍ عَنْ زَكَرِيَاءَ بْنِ إِسْحَاقَ عَنْ يَحْيَى بْنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ صَيْفِيٍّ عَنْ أَبِي مَعْبُدٍ عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَعَثَ مُعَاذًا إِلَى الْيَمَنِ فَقَالَ إِنَّكَ سَتَأْتِي قَوْمًا بِمِثْلِ حَدِيثِ وَكَيْعٍ

112/1. Муоз розийаллоҳу анҳу айтдилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мени (Яманга) юбораётиб: «Сен китоб аҳли бўлган қавм ҳузурига кетмоқдасан. Аввал уларни «Ла илаҳа иллаллоҳ ва анна Муҳаммадур расулulloҳ» шаҳодатига даъват қил. Агар бунга итоат қилишса, Аллоҳ уларга ҳар кеча ва кундузда беш вақт намозни фарз қилганини билдир. Агар бунга ҳам итоат қилишса, бойлардан олиб камбағалларга бериладиган садақани Аллоҳ уларга фарз қилганини билдир. Агар бунга ҳам итоат қилишса, қимматбаҳо, яъни сара молларини олишдан четлан. Мазлумнинг дуосидан қўрқ. Чунки мазлумнинг дуоси билан Аллоҳнинг ўртасида парда йўқ», дедилар.

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган.

113 - حَدَّثَنَا أُمِّيَّةُ بْنُ بَسْطَامَ الْعَيْشِيُّ حَدَّثَنَا يَزِيدُ بْنُ زُرَيْعٍ حَدَّثَنَا رَوْحٌ وَهُوَ ابْنُ الْقَاسِمِ عَنْ إِسْمَاعِيلَ بْنِ أُمِّيَةَ عَنْ يَحْيَى بْنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ صَيْفِيٍّ عَنْ أَبِي مَعْبُدٍ عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَمَّا بَعَثَ مُعَاذًا إِلَى الْيَمَنِ قَالَ إِنَّكَ تَقْدُمُ عَلَى قَوْمٍ أَهْلُ كِتَابٍ فَلْيَكُنْ أَوَّلَ مَا تَدْعُوهُمْ إِلَيْهِ عِبَادَةُ اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ فَإِذَا عَرَفُوا اللَّهَ فَأَخْبِرْهُمْ أَنَّ اللَّهَ فَرَضَ عَلَيْهِمْ حَمْسَ صَلَوَاتٍ فِي يَوْمِهِمْ وَلَيْلَتِهِمْ فَإِذَا فَعَلُوا فَأَخْبِرْهُمْ أَنَّ اللَّهَ قَدْ فَرَضَ عَلَيْهِمْ زَكَاةً تُؤْخَذُ مِنْ أَعْيَانِهِمْ فَرُدُّ عَلَى قُرْبَانِهِمْ فَإِذَا أَطَاعُوا بِهَا فَاخْذْ مِنْهُمْ وَتَوَقَّ كِرَائِمَ أَمْوَالِهِمْ

113/2. Ибн Аббос розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Муозни Яманга юбораётиб: «Сен китоб аҳли бўлган қавм ҳузурига кетмоқдасан. Уларни аввал Аллоҳ азза ва жалланинг



ибодатига даъват қил. Агар улар Аллоҳни танишса, Аллоҳ уларга бир кеча ва кундузда беш вақт намозни фарз қилганининг хабарини бер. Агар бунга ҳам амал қилишса, бойлардан олиб камбағалларга бериладиган закотни Аллоҳ уларга фарз этганининг хабарини бер. Агар бунга ҳам итоат қилишса, улардан ўша молни ол. Лекин қимматбаҳо, сара молларни олишдан сақлан», дедилар.

### 8-боб

**Одамлар «Ла илаҳа иллаллоҳ Муҳаммадур расулуллоҳ», деб айтмагунича, намозни қоим қилмагунича, закот бермагунича, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам олиб келган рисолатнинг барчасига иймон келтирмагунича уларга (қарши) уруш қилишга буюриш. Ким шу нарсаларга бўйин эгса, ўз жони ва молини сақлабди. (Лекин Аллоҳнинг ҳаққида, яъни ҳад ва қасосларда бундай эмас.) Унинг ботини эса Аллоҳга ҳавола қилинур. Ҳамда закот ва бошқа Ислом шиорларини инкор қилганларга уруш эълон қилиш ва имомнинг Ислом расм-русм, ибодатларига аҳамият бериши ҳақида**

114 - حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ بْنُ سَعِيدٍ حَدَّثَنَا لَيْثُ بْنُ سَعْدٍ عَنْ عُقَيْلٍ عَنِ الزُّهْرِيِّ قَالَ أَخْبَرَنِي عُبَيْدُ اللَّهِ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُتَيْبَةَ بْنِ مَسْعُودٍ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ لَمَّا تُوفِّي رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَاسْتُخْلِفَ أَبُو بَكْرٍ بَعْدَهُ وَكَفَرَ مَنْ كَفَرَ مِنَ الْعَرَبِ قَالَ عُمَرُ بْنُ الْخَطَّابِ لِأَبِي بَكْرٍ كَيْفَ تُقَاتِلُ النَّاسَ وَقَدْ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أُمِرْتُ أَنْ أَقَاتِلَ النَّاسَ حَتَّى يَقُولُوا لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ فَمَنْ قَالَ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ فَقَدْ عَصَمَ مِنِّي مَالَهُ وَنَفْسَهُ إِلَّا بِحَقِّهِ وَحِسَابِهِ عَلَى اللَّهِ فَقَالَ أَبُو بَكْرٍ وَاللَّهِ لَأُقَاتِلَنَّ مَنْ فَرَّقَ بَيْنَ الصَّلَاةِ وَالزَّكَاةِ فَإِنَّ الزَّكَاةَ حَقُّ الْمَالِ وَاللَّهُ لَوْ مَنَعُونِي عَقَالًا كَانُوا يُؤَدُّونَهُ إِلَيَّ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَقَاتَلْتُهُمْ عَلَى مَنَعِهِ فَقَالَ عُمَرُ بْنُ الْخَطَّابِ فَوَاللَّهِ مَا هُوَ إِلَّا أَنْ رَأَيْتُ اللَّهَ عَزَّ وَجَلَّ قَدْ شَرَحَ صَدْرَ أَبِي بَكْرٍ لِلْقِتَالِ فَعَرَفْتُ أَنَّهُ الْحَقُّ

114/1. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам вафот этганларидан кейин Абу Бакр розийаллоҳу анҳу халифа бўлдилар. Абу Бакрнинг халифалик пайтларида араблардан кофир бўлганлари пайдо бўлди. Умар ибн Хаттоб розийаллоҳу анҳу Абу Бакр розийаллоҳу анҳуга: «Сиз қандай қилиб урушасизки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Одамлар «Ла илаҳа иллаллоҳ», деб айтишмагунича урушишга буюрилдим, ким «Ла илаҳа иллаллоҳ», деса, моли ва жонини омонда сақлабди. Лекин Аллоҳнинг ҳаққида, яъни ҳад ва қасосларда ундай эмас. Унинг ҳисоби эса (яъни, ботини) Аллоҳга ҳаволадир», деб айтганлар?!» деганларида, Абу Бакр розийаллоҳу анҳу: «Аллоҳ номига қасамки, ким намоз билан закот орасини ажратса, у билан урушавераман. Чунки закот молнинг ҳаққидир. Аллоҳ номига қасамки, агар улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам замонларида закот сифатида бераётган эчкиларини ман қилишса ҳам уларга уруш эълон қиламан»,

дедилар. Умар ибн Хаттоб розийаллоҳу анҳу: «Аллоҳ номига қасамки, билдимки, Аллоҳ Абу Бакр розийаллоҳу анҳунинг қалбларини урушга мойил қилибди. Ва яна билдимки, Абу Бакр розийаллоҳу анҳу ҳақ эканлар», дедилар.

115 - وَحَدَّثَنَا أَبُو الطَّاهِرِ وَحَرَمَلَةُ بْنُ يَحْيَى وَأَحْمَدُ بْنُ عَيْسَى قَالَ أَحْمَدُ حَدَّثَنَا وَقَالَ الْآخِرَانِ أَخْبَرَنَا ابْنُ وَهْبٍ قَالَ أَخْبَرَنِي يُونُسُ عَنْ ابْنِ شَهَابٍ قَالَ حَدَّثَنِي سَعِيدُ بْنُ الْمُسَيْبِ أَنَّ أَبَا هُرَيْرَةَ أَخْبَرَهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ أَمَرْتُ أَنْ أُقَاتِلَ النَّاسَ حَتَّى يَقُولُوا لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ فَمَنْ قَالَ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ عَصَمَ مِنِّي مَالُهُ وَنَفْسُهُ إِلَّا بِحَقِّهِ وَحِسَابُهُ عَلَى اللَّهِ

115/2. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу хабар беришларича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Одамлар «Ла илаҳа иллаллоҳ», деб айтишмагунича улар билан урушишга буюрилдим. Ким «Ла илаҳа иллаллоҳ», деса, моли ва жонини омонда сақлабди. Лекин молнинг ҳаққида (яъни, закотда) бундай эмас. Уларнинг ҳисоби (яъни, ботини) Аллоҳга ҳаволадир», дедилар.

116 - حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ عَبْدِ الصَّبِيِّ أَخْبَرَنَا عَبْدُ الْعَزِيزِ يَعْنِي الدَّرَاوَرْدِيَّ عَنِ الْعَلَاءِ ح وَحَدَّثَنَا أُمَيَّةُ بْنُ سِطَّامٍ وَاللَّفْظُ لَهُ حَدَّثَنَا يَزِيدُ بْنُ زُرَيْعٍ حَدَّثَنَا رَوْحٌ عَنِ الْعَلَاءِ بْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ يَعْقُوبَ عَنْ أَبِيهِ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ أَمَرْتُ أَنْ أُقَاتِلَ النَّاسَ حَتَّى يَشْهَدُوا أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَيُؤْمِنُوا بِي وَبِمَا جِئْتُ بِهِ فَإِذَا فَعَلُوا ذَلِكَ عَصَمُوا مِنِّي دِمَاءَهُمْ وَأَمْوَالَهُمْ إِلَّا بِحَقِّهَا وَحِسَابُهُمْ عَلَى اللَّهِ

116/3. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кишилар «Ла илаҳа иллаллоҳ», деб гувоҳлик бермагунича ҳамда менга ва мен олиб келган нарсага (яъни, рисолатга) иймон келтирмагунича улар билан урушишга буюрилдим. Агар мана шу нарсани бажаришса, қонлари-ю молларини омонда сақлашибди. Лекин Аллоҳнинг ҳаққида, яъни ҳад ва қасосларда бундай эмас. Уларнинг ҳисоби (яъни, ботини) Аллоҳга ҳаволадир», дедилар.

117 - وَحَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ حَدَّثَنَا حَفْصُ بْنُ غِيَاثٍ عَنِ الْأَعْمَشِ عَنْ أَبِي سُفْيَانَ عَنْ جَابِرٍ وَعَنْ أَبِي صَالِحٍ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَا قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَمَرْتُ أَنْ أُقَاتِلَ النَّاسَ بِمِثْلِ النَّاسِ بِمِثْلِ حَدِيثِ ابْنِ الْمُسَيْبِ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ ح وَحَدَّثَنِي أَبُو بَكْرٍ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ حَدَّثَنَا وَكَيْعٌ ح وَحَدَّثَنِي مُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّحْمَنِ يَعْنِي ابْنَ مَهْدِيٍّ قَالَا جَمِيعًا حَدَّثَنَا سُفْيَانُ عَنْ أَبِي الزُّبَيْرِ عَنْ جَابِرٍ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَمَرْتُ أَنْ أُقَاتِلَ النَّاسَ حَتَّى يَقُولُوا لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ فَإِذَا قَالُوا لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ عَصَمُوا مِنِّي دِمَاءَهُمْ وَأَمْوَالَهُمْ إِلَّا بِحَقِّهَا وَحِسَابُهُمْ عَلَى اللَّهِ ثُمَّ قَرَأَ (إِنَّمَا أَنْتَ مُذَكَّرٌ لَسْتَ عَلَيْهِمْ بِمُسَيْطِرٍ)

117/4. Жобир розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Одамлар «Ла илаҳа иллаллоҳ», деб айтишмагунича урушишга буюрилдим. Агар «Ла илаҳа иллаллоҳ», деб

айтишса, қонлари-ю молларини омонда сақлашибди. Лекин Аллоҳнинг ҳаққида (яъни, ҳад ва қасосларда) бундай эмас. Уларнинг ҳисоби (яъни, ботини) Аллоҳга ҳаволадир», деб қуйидаги оятни ўқидилар: «Зотан, сиз фақат бир панд-насиҳат қилгувчидирсиз, холос. Сиз уларнинг устида зўравонлик билан ҳукм юргизувчи эмассиз» (Ғошия сураси, 21-22-оятлар).

118 - حَدَّثَنَا أَبُو غَسَّانَ الْمَسْمَعِيُّ مَالِكُ بْنُ عَبْدِ الْوَاحِدِ حَدَّثَنَا عَبْدُ الْمَلِكِ بْنُ الصَّبَّاحِ عَنْ شُعْبَةَ عَنْ وَقْدِ بْنِ مُحَمَّدٍ بْنِ زَيْدِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ عَنْ أَبِيهِ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أُمِرْتُ أَنْ أَقَاتِلَ النَّاسَ حَتَّى يَشْهَدُوا أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَنَّ مُحَمَّدًا رَسُولُ اللَّهِ وَيُقِيمُوا الصَّلَاةَ وَيُؤْتُوا الزَّكَاةَ فَإِذَا فَعَلُوا عَصَمُوا مِنِّي دِمَاءَهُمْ وَأَمْوَالَهُمْ إِلَّا بِحَقِّهَا وَحِسَابُهُمْ عَلَى اللَّهِ

118/5. Абдуллоҳ ибн Умар розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Одамлар «Ла илаҳа иллаллоҳ ва анна Муҳаммадар расулуллоҳ» шаҳодатини айтишмагунича, намозни қоим қилишмагунича, закотни беришмагунича улар билан урушишга буюрилдим. Агар уни бажаришса, улар қонлари-ю молларини омонда сақлашибди. Лекин Унинг ҳаққида (яъни, ҳад ва қасосларда) бундай эмас. Уларнинг ҳисоблари (яъни, ботинлари) Аллоҳга ҳаволадир», дедилар.

119 - وَحَدَّثَنَا سُؤَيْدُ بْنُ سَعِيدٍ وَابْنُ أَبِي عُمَرَ قَالَا حَدَّثَنَا مَرْوَانُ يَعْنِيانِ الْفَزَارِيَّ عَنْ أَبِي مَالِكٍ عَنْ أَبِيهِ قَالَ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ مَنْ قَالَ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَكَفَرَ بِمَا يُعْبَدُ مِنْ دُونِ اللَّهِ حَرَّمَ اللَّهُ مَالَهُ وَدَمَهُ وَحِسَابُهُ عَلَى اللَّهِ وَحَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ حَدَّثَنَا أَبُو خَالِدٍ الْأَحْمَرُ ح وَحَدَّثَنِيهِ زُهَيْرُ بْنُ حَرْبٍ حَدَّثَنَا يَزِيدُ بْنُ هَارُونَ كِلَاهُمَا عَنْ أَبِي مَالِكٍ عَنْ أَبِيهِ أَنَّهُ سَمِعَ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ مَنْ وَحَدَّ اللَّهُ ثُمَّ ذَكَرَ بِمَثَلِهِ

119/6. Абу Молик оталаридан қилган ривоятда айтилишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким «Ла илаҳа иллаллоҳ», деб Аллоҳдан бошқа ибодат қилинадиган нарсага куфр келтирса, унинг моли ва қонига тегиш ҳаром. Ҳисоби (яъни, ботини) эса Аллоҳга ҳаволадир», дедилар.

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган.

## 9-боб

**Модомики, ўлим фарғараси келмаган экан, ўлими яқинлашган кишининг Исломни қабул қилиши дуруст эканига далил ҳамда мушрикларга истиғфор жоиз, дейилган гапнинг насх қилингани ва ким мушрик бўлиб вафот этса, дўзах аҳлидан экани, уни бирор восита сақлай олмаслиги баёни**

120 - وَحَدَّثَنِي حَرَمَلَةُ بْنُ يَحْيَى التَّجِيبِيُّ أَخْبَرَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ وَهْبٍ قَالَ أَخْبَرَنِي يُونُسُ بْنُ ابْنِ شَهَابٍ قَالَ أَخْبَرَنِي سَعِيدُ بْنُ الْمُسَيَّبِ عَنْ أَبِيهِ قَالَ لَمَّا حَضَرَتْ أَبَا طَالِبٍ الْوَفَاةَ جَاءَهُ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَوَجَدَ عِنْدَهُ أَبَا جَهْلٍ وَعَبَدَ اللَّهُ مِنْ أَبِي أُمَيَّةَ بْنِ

الْمُغِيرَةَ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَا عَمُّ قُلْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ كَلِمَةً أَشْهَدُ لَكَ بِهَا عِنْدَ اللَّهِ فَقَالَ أَبُو جَهْلٍ وَعَبْدُ اللَّهِ بْنُ أَبِي أُمَيَّةَ يَا أَبَا طَالِبٍ أَتُرْغَبُ عَنْ مِلَّةِ عَبْدِ الْمُطَّلِبِ فَلَمْ يَزَلْ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَعْزُّهَا عَلَيْهِ وَيُعِيدُ لَهُ تِلْكَ الْمَقَالَةَ حَتَّى قَالَ أَبُو طَالِبٍ آخِرَ مَا كَلَّمَهُمْ هُوَ عَلَى مِلَّةِ عَبْدِ الْمُطَّلِبِ وَأَبَى أَنْ يَقُولَ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَمَا وَاللَّهِ لَأَسْتَعْفِرَنَّ لَكَ مَا لَمْ أَتِهِ عَنْكَ فَأَنْزَلَ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ ( مَا كَانَ لِلنَّبِيِّ وَالَّذِينَ آمَنُوا أَنْ يَسْتَغْفِرُوا لِلْمُشْرِكِينَ وَلَوْ كَانُوا أُولِي قُرْبَى مِنْ بَعْدِ مَا تَبَيَّنَ لَهُمْ أَنَّهُمْ أَصْحَابُ الْحَجِيمِ ) وَأَنْزَلَ اللَّهُ تَعَالَى فِي أَبِي طَالِبٍ فَقَالَ لِرَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ( إِنَّكَ لَا تَهْدِي مَنْ أَحْبَبْتَ وَلَكِنَّ اللَّهَ يَهْدِي مَنْ يَشَاءُ وَهُوَ أَعْلَمُ بِالْمُهْتَدِينَ )

وَحَدَّثَنَا إِسْحَقُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ وَعَبْدُ بْنُ حُمَيْدٍ قَالَا أَخْبَرَنَا عَبْدُ الرَّزَّاقِ أَخْبَرَنَا مَعْمَرٌ ح وَحَدَّثَنَا حَسَنُ الْحُلَوَانِيُّ وَعَبْدُ بْنُ حُمَيْدٍ قَالَا حَدَّثَنَا يَعْقُوبُ وَهُوَ ابْنُ إِبْرَاهِيمَ بْنِ سَعْدٍ قَالَ حَدَّثَنِي أَبِي عَنْ صَالِحٍ كِلَاهُمَا عَنِ الزُّهْرِيِّ بِهَذَا الْإِسْنَادِ مِثْلَهُ غَيْرَ أَنْ حَدِيثَ صَالِحٍ انْتَهَى عِنْدَ قَوْلِهِ فَأَنْزَلَ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ فِيهِ وَلَمْ يَذْكُرِ الْآيَتَيْنِ وَقَالَ فِي حَدِيثِهِ وَيَعُودَانِ فِي تِلْكَ الْمَقَالَةِ وَفِي حَدِيثِ مَعْمَرٍ مَكَانَ هَذِهِ الْكَلِمَةِ فَلَمْ يَزَلْ بِهِ

120/1. Саъид ибн Мусаййаб оталаридан қилган ривоятда айтилишича, Абу Толиб ўлим бўсағасида ётганида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг ҳузурига кирдилар. Қарасалар, олдида Абу Жаҳл ва Абдуллоҳ ибн Абу Умайя ибн Муғйралар бор эди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эй амаки! «Ла илаҳа иллаллоҳ», деб айтинг, Аллоҳ ҳузурида сизга гувоҳ бўламан», дедилар. Абу Жаҳл ва Абдуллоҳ ибн Умайялар: «Эй Абу Толиб, Абдулмутталиб миллатидан (яъни, динидан) юз ўгирасанми?» дейишди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга юқоридаги сўзларни билдириб қайтаравердилар, аммо Абу Толибнинг охирги сўзи «Абдулмутталиб миллатидаман (яъни, динидаман)», дейиш бўлди. Яъни, «Ла илаҳа иллаллоҳ» дейишдан бўйин товлади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар ман қилинмасам, ҳаққингизга истиғфор айтаман», дедилар. Кейин Аллоҳ таоло қуйидаги оятни нозил қилди: «На пайғамбар ва на мўминлар, агар мушриклар қариндошлари бўлса ҳам – уларнинг дўзах эгалари эканликлари аниқ маълум бўлгандан кейин, у мушриклар учун мағфират сўрашлари жоиз эмасдир» (Тавба сураси, 113-оят).

Аллоҳ таоло Абу Толиб ҳақида қуйидаги оятни нозил қилди: «(Эй Муҳаммад алайҳиссалом), аниқки, сиз ўзингиз суйган кишиларни ҳидоят қила олмассиз, лекин Аллоҳ Ўзи хоҳлаган кишиларни ҳидоят қилур. У ҳидоят топгувчи зотларни яхшироқ билгувчидир» (Қасос сураси, 56-оят).

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган.

121 - حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ عَبَّادٍ وَابْنُ أَبِي عُمَرَ قَالَا حَدَّثَنَا مَرْوَانُ عَنْ يَزِيدَ وَهُوَ ابْنُ كَيْسَانَ عَنْ أَبِي حَازِمٍ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لِعَمَّةٍ عِنْدَ الْمَوْتِ قُلْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ أَشْهَدُ لَكَ بِهَا يَوْمَ الْقِيَامَةِ فَأَبَى فَأَنْزَلَ اللَّهُ ( إِنَّكَ لَا تَهْدِي مَنْ أَحْبَبْتَ ) الْآيَةَ

121/2. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам амакилари ўлим бўсағасида ётганида унга: «(Сиз) «Ла илаҳа иллаллоҳ», деб айтинг, мен сизга қиёмат куни гувоҳ бўламан», деганларида, амакилари бўйин товлади. Шунда Аллоҳ таоло «Сиз ўзингиз суйган кишиларни ҳидоят қила олмассиз» оятини нозил қилди.

122 - حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ حَاتِمٍ بْنِ مَيْمُونٍ حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ سَعِيدٍ حَدَّثَنَا يَزِيدُ بْنُ كَيْسَانَ عَنْ أَبِي حَازِمٍ الْأَشْجَعِيِّ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَعَمْرِي قُلْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ أَشْهَدُ لَكَ بِهَا يَوْمَ الْقِيَامَةِ قَالَ لَوْلَا أَنْ تُعِيرَنِي قُرَيْشٌ يَقُولُونَ إِنَّمَا حَمَلَهُ عَلَى ذَلِكَ الْجَزَعُ لَأَقْرَرْتُ بِهَا عَيْنَكَ فَأَنْزَلَ اللَّهُ (إِنَّكَ لَا تَهْدِي مَنْ أَحْبَبْتَ وَلَكِنَّ اللَّهَ يَهْدِي مَنْ يَشَاءُ)

122/3. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам амакиларига: «(Сиз) «Ла илаҳа иллаллоҳ», деб айтинг, мен сизга қиёмат куни гувоҳ бўламан», деганларида, амакилари: «Агар мени Қурайш заифлиги мажбур қилибди-да, деб айблашмаганида, мен сизни (айтган сўзингизни қабул қилиб) мамнун этар эдим», деди. Шунда Аллоҳ таоло қуйидаги оятни нозил қилди: «(Эй Муҳаммад алайҳиссалом), аниқки, сиз ўзингиз суйган кишиларни ҳидоят қила олмассиз, лекин Аллоҳ Ўзи хоҳлаган кишиларни ҳидоят қилур» (Қасос сураси, 56-оят).

## 10-боб

### Ким тавҳид ақидасига биноан вафот этса, қатъий жаннатга кириши ҳақида

123 - حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ وَزُهَيْرُ بْنُ حَرْبٍ كِلَاهُمَا عَنْ إِسْمَاعِيلَ بْنِ إِبْرَاهِيمَ قَالَ أَبُو بَكْرٍ حَدَّثَنَا ابْنُ عُكَيْبَةَ عَنْ خَالِدٍ قَالَ حَدَّثَنِي الْوَلِيدُ بْنُ مُسْلِمٍ عَنْ حُمْرَانَ عَنْ عَثْمَانَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَنْ مَاتَ وَهُوَ يَعْلَمُ أَنَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ دَخَلَ الْجَنَّةَ

حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ أَبِي بَكْرٍ الْمُقَدَّمِيُّ حَدَّثَنَا بِشْرُ بْنُ الْمُفَضَّلِ حَدَّثَنَا خَالِدُ الْحَدَّاءُ عَنِ الْوَلِيدِ أَبِي بِشْرٍ قَالَ سَمِعْتُ حُمْرَانَ يَقُولُ سَمِعْتُ عَثْمَانَ يَقُولُ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ مِثْلَهُ سَوَاءً

123/1. Усмон розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқлигини билиб вафот этса, жаннатга киради», дедилар.

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган.

124 - حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ النَّضْرِ بْنِ أَبِي النَّضْرِ قَالَ حَدَّثَنِي أَبُو النَّضْرِ هَاشِمُ بْنُ الْقَاسِمِ حَدَّثَنَا عُبَيْدُ اللَّهِ الْأَشْجَعِيُّ عَنْ مَالِكِ بْنِ مَعْوَلٍ عَنْ طَلْحَةَ بْنِ مُصَرِّفٍ عَنْ أَبِي صَالِحٍ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ كُنَّا مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي مَسِيرٍ قَالَ فَتَفَدَّتْ أَرْوَادُ الْقَوْمِ قَالَ حَتَّى هَمَّ بِنَحْرِ بَعْضِ حَمَائِلِهِمْ قَالَ فَقَالَ عُمَرُ يَا رَسُولَ اللَّهِ لَوْ جَمَعْتَ مَا بَقِيَ مِنْ أَرْوَادِ الْقَوْمِ فَدَعَوْتَ اللَّهُ عَلَيْهَا قَالَ فَفَعَلَ قَالَ

فَجَاءَ ذُو الْبُرِّ بِبُرِّهِ وَذُو التَّمْرِ بِتَمْرِهِ قَالَ وَقَالَ مُجَاهِدٌ وَذُو التَّوَاتِ بِنَوَاهُ قُلْتُ وَمَا كَانُوا يَصْنَعُونَ بِالنَّوَى قَالَ كَانُوا يَمْصُونَهُ وَيَشْرَبُونَ عَلَيْهِ الْمَاءَ قَالَ فَدَعَا عَلَيْهَا حَتَّى مَلَأَ الْقَوْمُ أَرْوَادَهُمْ قَالَ فَقَالَ عِنْدَ ذَلِكَ أَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَنِّي رَسُولُ اللَّهِ لَا يَلْقَى اللَّهُ بِهِمَا عَبْدٌ غَيْرَ شَاكٍّ فِيهِمَا إِلَّا دَخَلَ الْجَنَّةَ

124/2. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. «Биз Расулулоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан йўлда кетаётган эдик, қавмнинг озуқаси тугаб қолди. Ҳатто қавмдаги баъзи кишилар юк ташиб турган уловларини сўйишга қасд қилишди. Умар розийаллоҳу анҳу: «Эй Аллоҳнинг расули! Қавмдаги қолган озуқаларни жамлаб, Аллоҳ ўша нарсаларга барака беришини сўраб дуо қилсангиз», дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишининг маслаҳатига кўндилар. Кейин буғдойи борлар буғдой олиб келишди. Хурмоси борлар хурмо олиб келишди. Мужоҳид розийаллоҳу анҳу: «Данаги борлар данак олиб келишди», деганларида, мен: «Данакни нима қилишади?» десам, у зот: «Ундаги сувни шимиб ичишади», дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга (барака тилаб) дуо қилдилар. Ҳатто қавмнинг озуқа (идишлари) тўлиб кетди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Гувоҳлик бериб айтаманки, Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ. Мен Аллоҳнинг расулидирман. Қайси банда мана шу икки нарсага шак қилмай вафот этса, жаннатга киради», дедилар».

125 - حَدَّثَنَا سَهْلُ بْنُ عُمَانَ وَأَبُو كُرَيْبٍ مُحَمَّدُ بْنُ الْعَلَاءِ جَمِيعًا عَنْ أَبِي مُعَاوِيَةَ قَالَ قَالَ أَبُو كُرَيْبٍ حَدَّثَنَا أَبُو مُعَاوِيَةَ عَنِ الْأَعْمَشِ عَنْ أَبِي صَالِحٍ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَوْ عَنْ أَبِي سَعِيدٍ شَكَ الْأَعْمَشُ قَالَ لَمَّا كَانَ غَزْوَةَ تَبُوكَ أَصَابَ النَّاسَ مَجَاعَةٌ قَالُوا يَا رَسُولَ اللَّهِ لَوْ أَذْنَتَ لَنَا فَتَحَرْنَا نَوَاضِحَنَا فَأَكَلْنَا وَادَّهَنَّا فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَفَعَلُوا قَالَ فَجَاءَ عُمَرُ فَقَالَ يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنْ فَعَلْتَ قَلَّ الظَّهْرُ وَلَكِنْ ادْعُهُمْ بِفَضْلِ أَرْوَادِهِمْ ثُمَّ ادْعُ اللَّهُ لَهُمْ عَلَيْهَا بِالْبَرَكَةِ لَعَلَّ اللَّهُ أَنْ يَجْعَلَ فِي ذَلِكَ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَعَمْ قَالَ فَدَعَا بِنَطْعٍ فَبَسَطَهُ ثُمَّ دَعَا بِفَضْلِ أَرْوَادِهِمْ قَالَ فَجَعَلَ الرَّجُلُ يَجِيءُ بِكَفِّ ذُرَّةٍ قَالَ وَيَجِيءُ الْآخَرُ بِكَفِّ تَمْرٍ قَالَ وَيَجِيءُ الْآخَرُ بِكَسْرَةٍ حَتَّى اجْتَمَعَ عَلَى النَّطْعِ مِنْ ذَلِكَ شَيْءٌ يَسِيرٌ قَالَ فَدَعَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَيْهِ بِالْبَرَكَةِ ثُمَّ قَالَ خُذُوا فِي أَوْعِيَتِكُمْ قَالَ فَأَخَذُوا فِي أَوْعِيَتِهِمْ حَتَّى مَا تَرَكُوا فِي الْعَسْكَرِ وَعَاءً إِلَّا مَلْفُوهُ قَالَ فَأَكَلُوا حَتَّى شَبِعُوا وَفَضَلَتْ فَضْلَةً فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَنِّي رَسُولُ اللَّهِ لَا يَلْقَى اللَّهُ بِهِمَا عَبْدٌ غَيْرَ شَاكٍّ فَيُحْجَبَ عَنِ الْجَنَّةِ

125/3. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу ёки Абу Саид ал-Худрий розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. (Ровий шак қилганлар. Лекин саҳобалар ҳақида шакнинг зарари йўқ. Чунки уларнинг барчаси одилдир.) Табук ғазоти куни одамларга очарчилик етди. Саҳобалар: «Эй Аллоҳнинг расули, агар изн берсангиз, туяларимизни сўйиб гўштини еймиз, ёғини суртамиз», дейишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қилаверинглар», деб рухсат бердилар. Кейин Умар розийаллоҳу анҳу келиб: «Эй Аллоҳнинг расули, агар бундай қилишга изн берсангиз,

миниладиган нарса камайиб кетади. (Яхшиси) кишиларга захира учун олиб қўйган таомларини олиб келишни буюринг ва у нарсаларга барака тилаб дуо қилинг. Шояд, Аллоҳ барака берса», деганларида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Хўп», деб бир чарм тўшама келтиришни буюрдилар ва уни тўшадилар. Сўнгра захира учун олиб қўйган таомларни олиб келишга буюрдилар. Кимдир кафтида маккажўхори, кимдир бир кафт хурмо ва яна кимдир бир бўлак нарса олиб келди. Ҳалиги чарм тўшамага бироз нарса тўпланди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тўпланган нарсага барака тилаб дуо қилдилар. Ва: «Идишларингизга солинглар», деб буюрдилар. Улар идишларига солишди, ҳатто қўшин орасида идишини тўлдирмаган киши қолмади. Ва тўйгунларича едилар, ундан ортиб ҳам қолди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ. Мен Унинг расулиман, деб гувоҳлик бераман. Бирор банда шубҳа қилмаган ҳолда мана шу икки калима билан Аллоҳга йўлиқса, жаннатдан тўсилмайди», дедилар.

126 - حَدَّثَنَا دَاوُدُ بْنُ رُشَيْدٍ حَدَّثَنَا الْوَلِيدُ يَعْنِي ابْنَ مُسْلِمٍ عَنِ ابْنِ جَابِرٍ قَالَ حَدَّثَنِي عُمَيْرُ بْنُ هَانِيٍّ قَالَ حَدَّثَنِي جُنَادَةُ بْنُ أَبِي أُمَيَّةَ حَدَّثَنَا عَبَادَةُ بْنُ الصَّامِتِ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَنْ قَالَ أَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ وَأَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ وَأَنَّ عِيسَى عَبْدُ اللَّهِ وَابْنُ أُمَّتِهِ وَكَلِمَتُهُ أَلْفَاهَا إِلَى مَرْيَمَ وَرُوحٌ مِنْهُ وَأَنَّ الْجَنَّةَ حَقٌّ وَأَنَّ النَّارَ حَقٌّ أَدْخَلَهُ اللَّهُ مِنْ أَيِّ أَبْوَابِ الْجَنَّةِ الثَّمَانِيَةِ شَاءَ وَحَدَّثَنِي أَحْمَدُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ الدَّوْرَقِيُّ حَدَّثَنَا مَبِشَّرُ بْنُ إِسْمَاعِيلَ عَنِ الْأَوْزَاعِيِّ عَنِ عُمَيْرِ بْنِ هَانِيٍّ فِي هَذَا الْإِسْنَادِ بِمِثْلِهِ غَيْرَ أَنَّهُ قَالَ أَدْخَلَهُ اللَّهُ الْجَنَّةَ عَلَى مَا كَانَ مِنْ عَمَلٍ وَلَمْ يَذْكُرْ مِنْ أَيِّ أَبْوَابِ الْجَنَّةِ الثَّمَانِيَةِ شَاءَ

126/4. Убода ибн Сомит розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким «Ашҳаду ан ла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарика лаҳу ва анна Муҳаммадан ʼабдуҳу ва расулуҳу...», яъни «Якка Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, Унинг шериги ҳам йўқ. Албатта Муҳаммад Аллоҳнинг қули ва расулидир. Албатта Исо алайҳиссалом Аллоҳнинг қули ва қулининг боласи ва Марямга етказган сўзи ҳамда Унинг томонидан бўлган руҳ (соҳибидир)», деб гувоҳлик берса ҳамда жаннат ва дўзахни ҳақ деб билса, Аллоҳ таоло жаннатдаги саккиз эшикнинг хоҳлаганидан киргизади», дедилар.

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган, лекин «жаннатдаги саккиз эшикнинг хоҳлаганидан киргизади», деган сўз эмас, балки «Қанақа амал қилган бўлса ҳам Аллоҳ жаннатга киритади», деган сўз айтилган.

127 - حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ بْنُ سَعِيدٍ حَدَّثَنَا لَيْثٌ عَنْ ابْنِ عَجَلَانَ عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ يَحْيَى بْنِ حَبَّانَ عَنِ ابْنِ مُحَيْرِيزٍ عَنِ الصُّنَابِحِيِّ عَنِ عَبَادَةَ بْنِ الصَّامِتِ أَنَّهُ قَالَ دَخَلْتُ عَلَيْهِ وَهُوَ فِي الْمَوْتِ فَبَكَيْتُ فَقَالَ مَهْلًا لَمْ تَبْكِي فَوَاللَّهِ لَئِنْ اسْتَشْهَدْتُ لِأَشْهَدَنَّ لَكَ وَلَئِنْ شَفَعْتُ لِأَشْفَعَنَّ لَكَ وَلَئِنْ اسْتَطَعْتُ لَأَنْفَعَنَّكَ ثُمَّ قَالَ وَاللَّهِ مَا مِنْ حَدِيثٍ سَمِعْتُهُ مِنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَكُمْ فِيهِ خَيْرٌ إِلَّا

حَدَّثَنَا مُحَمَّدٌ إِلاَّ حَدِيثًا وَاحِدًا وَسَوْفَ أَحَدْتَكُمُوهُ الْيَوْمَ وَقَدْ أُحِيطَ بِنَفْسِي سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ مَنْ شَهِدَ أَنْ لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللَّهُ وَأَنَّ مُحَمَّدًا رَسُولَ اللَّهِ حَرَّمَ اللَّهُ عَلَيْهِ النَّارَ

127/5. Сунобиҳий Убода ибн Сомитдан ривоят қиладилар. «Мен Убода ўлим тўшагида ётганларида олдиларига кириб йиғласам, у зот: «Шошма, нима учун йиғляяпсан? Аллоҳ номига қасамки, агар гувоҳлигим талаб қилинса, сенга гувоҳ бўламан. Агар шафёлик талаб қилинса, сенга шафоатчи бўламан. Агар қодир бўлсам, сенга манфаат бераман», дедилар. Кейин яна у зот: «Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламдан бирор ҳадис эшитган бўлсам ва у сизлар учун хайрли эканини билсам, албатта у ҳадисни сизларга айтиб бердим. Лекин яна бир ҳадисни тез фурсатда сизларга айтиб бераман. Чунки ўлимим яқинлашиб қолди. Мен Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг: «Ким «Ла илаҳа иллalloҳу ва анна Муҳаммадар расулulloҳ», деб гувоҳлик берса, Аллоҳ у кишига дўзахни ҳаром қилади», деб айтганларини эшитганман», дедилар».

128 - حَدَّثَنَا هَدَّابُ بْنُ خَالِدِ الْأَزْدِيُّ حَدَّثَنَا هَمَّامٌ حَدَّثَنَا قَتَادَةُ حَدَّثَنَا أَنَسُ بْنُ مَالِكٍ عَنِ مُعَاذِ بْنِ جَبَلٍ قَالَ كُنْتُ رَدَفَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَيْسَ بَيْنِي وَبَيْنَهُ إِلاَّ مَوْخِرَةُ الرَّحْلِ فَقَالَ يَا مُعَاذُ بْنُ جَبَلٍ قُلْتُ لَبَّيْكَ رَسُولَ اللَّهِ وَسَعْدَيْكَ ثُمَّ سَارَ سَاعَةً ثُمَّ قَالَ يَا مُعَاذُ بْنُ جَبَلٍ قُلْتُ لَبَّيْكَ رَسُولَ اللَّهِ وَسَعْدَيْكَ قَالَ هَلْ تَدْرِي مَا حَقُّ اللَّهِ عَلَى الْعِبَادِ قَالَ قُلْتُ اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَعْلَمُ قَالَ فَإِنَّ حَقَّ اللَّهِ عَلَى الْعِبَادِ أَنْ يَعْبُدُوهُ وَلَا يُشْرِكُوا بِهِ شَيْئًا ثُمَّ سَارَ سَاعَةً قَالَ يَا مُعَاذُ بْنُ جَبَلٍ قُلْتُ لَبَّيْكَ رَسُولَ اللَّهِ وَسَعْدَيْكَ قَالَ هَلْ تَدْرِي مَا حَقُّ الْعِبَادِ عَلَى اللَّهِ إِذَا فَعَلُوا ذَلِكَ قَالَ قُلْتُ اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَعْلَمُ قَالَ أَنْ لاَ يُعَذِّبَهُمْ

128/6. Муоз ибн Жабал розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. «Мен уловда Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг орқаларига мингашиб кетаётган эдим. Шу даражада яқин ўтирар эдикки, орамизда эгарнинг қирраси бор эди, холос. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: «Эй Муоз ибн Жабал», дедилар. Мен: «Лаббай эй Аллоҳнинг Расули, амрингизга мунтазирман», дедим. У зот яна: «Эй Муоз ибн Жабал», дедилар. Мен: «Лаббай, амрингизга мунтазирман», дедим. Кейин бир оз юриб у зот яна: «Эй Муоз ибн Жабал», дедилар. Мен: «Лаббай, эй Аллоҳнинг расули, амрингизга мунтазирман», дедим. (Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам гапирадиган нарсалари муҳим бўлса, диққат-эйтиборни жалб қилиш учун мана шундай такрор сўзлардилар.) У зот: «Бандалар устидаги Аллоҳнинг ҳаққини биласанми?» дедилар. Мен: «Аллоҳ ва Унинг расули билувчироқ», дедим. У зот: «Бандалар устидаги Аллоҳнинг ҳаққи Унга бирор нарсани шерик қилмасдан Ўзига ибодат қилишларидир», дедилар. Кейин бир оз яна юриб: «Эй Муоз ибн Жабал», дедилар. Мен: «Лаббай, эй Аллоҳнинг расули, амрингизга мунтазирман», дедим. У зот: «Аллоҳ зиммасидаги бандаларнинг



ҳаққи нима эканини биласанми?» дедилар. Мен: «Аллоҳ ва Унинг расули билувчироқ», дедим. Шунда у зот: «Бандаларнинг Аллоҳ зиммасидаги ҳақлари – бирор нарсани Унга шерик қилмаган бандасини азобламаслигидир», деб айтдилар.

129 - حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ حَدَّثَنَا أَبُو الْأَحْوَصِ سَلَامٌ بْنُ سُلَيْمٍ عَنْ أَبِي إِسْحَقَ عَنْ عَمْرِو بْنِ مَيْمُونٍ عَنْ مُعَاذِ بْنِ جَبَلٍ قَالَ كُنْتُ رَدَفَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَى حِمَارٍ يُقَالُ لَهُ عُفَيْرٌ قَالَ فَقَالَ يَا مُعَاذُ تَدْرِي مَا حَقُّ اللَّهِ عَلَى الْعِبَادِ وَمَا حَقُّ الْعِبَادِ عَلَى اللَّهِ قَالَ قُلْتُ اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَعْلَمُ قَالَ فَإِنَّ حَقَّ اللَّهِ عَلَى الْعِبَادِ أَنْ يُعْبُدُوا اللَّهَ وَلَا يُشْرِكُوا بِهِ شَيْئًا وَحَقُّ الْعِبَادِ عَلَى اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ أَنْ لَا يُعَذِّبَ مَنْ لَا يُشْرِكُ بِهِ شَيْئًا قَالَ قُلْتُ يَا رَسُولَ اللَّهِ أَفَلَا أُبَشِّرُ النَّاسَ قَالَ لَا تُبَشِّرْهُمْ فَيَتَكَلَّمُوا

حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى وَابْنُ بَشَّارٍ قَالَ ابْنُ الْمُثَنَّى حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ جَعْفَرٍ حَدَّثَنَا شُعْبَةُ عَنْ أَبِي حَصِينٍ وَالْأَشْعَثِ بْنِ سُلَيْمٍ أَنَّهُمَا سَمِعَا الْأَسْوَدَ بْنَ هَلَالٍ يُحَدِّثُ عَنْ مُعَاذِ بْنِ جَبَلٍ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَا مُعَاذُ أَتَدْرِي مَا حَقُّ اللَّهِ عَلَى الْعِبَادِ قَالَ اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَعْلَمُ قَالَ أَنْ يُعْبَدَ اللَّهُ وَلَا يُشْرَكَ بِهِ شَيْءٌ قَالَ أَتَدْرِي مَا حَقَّهُمْ عَلَيْهِ إِذَا فَعَلُوا ذَلِكَ فَقَالَ اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَعْلَمُ قَالَ أَنْ لَا يُعَذِّبَهُمْ

حَدَّثَنَا الْقَاسِمُ بْنُ زَكَرِيَاءَ حَدَّثَنَا حُسَيْنٌ عَنْ زَائِدَةَ عَنْ أَبِي حَصِينٍ عَنِ الْأَسْوَدِ بْنِ هَلَالٍ قَالَ سَمِعْتُ مُعَاذًا يَقُولًا دَعَانِي رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَأَجَبْتُهُ فَقَالَ هَلْ تَدْرِي مَا حَقُّ اللَّهِ عَلَى النَّاسِ نَحْوَ حَدِيثِهِمْ

129/7. Муоз ибн Жабал розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. «Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга Уфайр номли эшакка мингашиб кетаётган эдим. У зот: «Эй Муоз! Бандалар устидаги Аллоҳнинг ҳаққи ва Аллоҳ зиммасидаги бандаларнинг ҳаққи нима эканини биласанми?» деганларида, мен: «Аллоҳ ва Унинг расули билувчироқ», дедим. Шунда у зот: «Аллоҳнинг бандалари устидаги ҳаққи – Унга бирор нарсани шерик қилмасдан Ўзига ибодат қилишларидир. Бандаларнинг Аллоҳ зиммасидаги ҳақлари – бирор нарсани Унга шерик қилмаган бандасини азобламаслигидир», деб айтдилар. Кейин мен: «Эй Аллоҳнинг расули, шундай бўлса, бу ҳақда одамларга хурсандлик хабарини берайми?» десам, у зот: «Йўқ, хабар берма. (Агар хабар берадиган бўлсанг), бу нарсага суяниб амал қилмай қўйишади», дедилар».

Бу ерда юқоридаги ҳадис икки марта такрорланган.

130 - حَدَّثَنِي زُهَيْرُ بْنُ حَرْبٍ حَدَّثَنَا عُمَرُ بْنُ يُونُسَ الْحَنْفِيُّ حَدَّثَنَا عِكْرِمَةُ بْنُ عَمَّارٍ قَالَ حَدَّثَنِي أَبُو كَثِيرٍ قَالَ حَدَّثَنِي أَبُو هُرَيْرَةَ قَالَ كُنَّا قُعُودًا حَوْلَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَعَنَا أَبُو بَكْرٍ وَعُمَرُ فِي نَفَرٍ فَقَامَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنْ بَيْنِ أظْهَرِنَا فَأَبْطَأَ عَلَيْنَا وَحَشِينَا أَنْ يُقْتَطَعَ دُونَنَا وَفَرَعْنَا فَقَمْنَا فَكُنْتُ أَوَّلَ مَنْ فَرَعَ فَخَرَجْتُ أَبْغِي رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حَتَّى أَتَيْتُ حَائِطًا لِلْأَنْصَارِ لِبَنِي النَّجَارِ فَدُرْتُ بِهِ هَلْ أَحَدٌ لَهُ أَبَا فَلَمْ أَحَدٌ فَيَا إِذَا رُبِعَ يَدْخُلُ فِي حَوْفٍ حَائِطٍ مِنْ بَنِي خَارِجَةَ وَالرَّبِيعُ الْجَدُولُ فَاحْتَفَزْتُ كَمَا يَحْتَفِرُ الثَّلْبُ فَدَخَلْتُ عَلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ أَبُو هُرَيْرَةَ فَقُلْتُ نَعَمْ يَا رَسُولَ اللَّهِ قَالَ مَا شَأْنُكَ قُلْتُ كُنْتُ بَيْنَ أظْهَرِنَا فَقَمْتُ فَأَبْطَأَتْ عَلَيْنَا فَحَشِينَا أَنْ تُقْتَطَعَ دُونَنَا وَفَرَعْنَا فَكُنْتُ أَوَّلَ مَنْ فَرَعَ فَأَتَيْتُ هَذَا الْحَائِطَ فَاحْتَفَزْتُ كَمَا يَحْتَفِرُ الثَّلْبُ وَهَوَّلَاءِ النَّاسِ وَرَائِي فَقَالَ يَا أَبَا هُرَيْرَةَ وَأَعْطَانِي نَعْلِيهِ قَالَ إِذْ هَبَّ بِنَعْلِي هَاتَيْنِ فَمَنْ لَقِيتَ مِنْ وَرَاءِ هَذَا الْحَائِطِ يَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ

إِلَّا اللَّهُ مُسْتَيْفِنًا بِهَا قَلْبُهُ فَبَشَّرَهُ بِالْجَنَّةِ فَكَانَ أَوَّلَ مَنْ لَقِيَْتُ عُمَرُ فَقَالَ مَا هَاتَانِ التَّلْعَانِ يَا أَبَا هُرَيْرَةَ فَقُلْتُ هَاتَانِ نَعْلَا رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَعَثَنِي بِهِمَا مَنْ لَقِيَْتُ يَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ مُسْتَيْفِنًا بِهَا قَلْبُهُ بِشَرِّهِ بِالْجَنَّةِ فَضَرَبَ عُمَرُ بِيَدِهِ بَيْنَ ثَدْيِي فَخَرَرْتُ لِاسْتِي فَقَالَ ارْجِعْ يَا أَبَا هُرَيْرَةَ فَرَجَعْتُ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَأَحْهَشْتُ بِكَأَنَّ عُمَرَ فَإِذَا هُوَ عَلَى أَثَرِي فَقَالَ لِي رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَا لَكَ يَا أَبَا هُرَيْرَةَ قُلْتُ لَقِيَْتُ عُمَرَ فَأَخْبَرْتُهُ بِالَّذِي بَعَثَنِي بِهِ فَضَرَبَ بَيْنَ ثَدْيِي ضَرْبَةً خَرَرْتُ لِاسْتِي قَالَ ارْجِعْ فَقَالَ لَهُ رَسُولُ اللَّهِ يَا عُمَرُ مَا حَمَلَكَ عَلَيَّ مَا فَعَلْتَ قَالَ يَا رَسُولَ اللَّهِ بَأْبِي أَنْتَ وَأُمِّي أَبَعَثْتَ أَبَا هُرَيْرَةَ بِنَعْلَيْكَ مَنْ لَقِيَ يَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ مُسْتَيْفِنًا بِهَا قَلْبُهُ بِشَرِّهِ بِالْجَنَّةِ قَالَ نَعَمْ قَالَ فَلَا تَفْعَلْ فَإِنِّي أَخْشَى أَنْ يَتَكَلَّمَ النَّاسُ عَلَيْهَا فَخَلَّهْمُ يَعْمَلُونَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَخَلَّهْمُ

130/8. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. «Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан ўтирган эдик. Биз билан Абу Бакр розийаллоҳу анҳу, Умар розийаллоҳу анҳу ва бир неча саҳобалар ҳам бор эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олдимиздан турдилар-да, ҳаяллаб кетдилар. Биз бир-биримиздан жудо бўлиб қолармикинмиз, деб хавфсирадик. Қўрқиб ўрнимиздан турдик. Мен биринчи бўлиб қўрқдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ахтариб чиқдим. Юра-юра ансорийлардан бирининг боғига етдим. У (боғ) Бани Нажжорга тегишли экан. Унинг атрофида эшик бормикан, деб айландим, лекин эшик топа олмадим. Боғ ташқарисидаги қудуқдан боғ ичига оқиб кираётган ариқчани кўрдим. У ердан худди тулки каби сирғалиб кириб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига бордим. У зот: «Абу Ҳурайрамисан?» дедилар. Мен: «Ҳа, эй Аллоҳнинг расули», дедим. У зот: «Нимага келдинг?» дедилар. Мен: «Сиз орамизда ўтириб, кейин тез қайтиб келавермаганингиздан сизни йўқотиб қўйдикми, деб қўрқиб кетдик. Биринчи қўрққан киши мен бўлдим. Мана шу боққа келдим. Ва худди тулкидай сирғалиб кирдим. Анави кишилар ҳам орқамда туришибди», дедим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам икки кавушларини бериб: «Эй Абу Ҳурайра, кавушимни олгин-да, боғ ташқарисида Аллоҳ таолонинг яккаю-ягоналигига чин қалбдан ишониб гувоҳлик берган кишига жаннат хушxabарини етказ», дедилар. Биринчи йўлиққан кишим Умар бўлдилар. У зот: «Эй Абу Ҳурайра, бу икки кавушни нимага олиб юрибсан?» дедилар. Мен: «Бу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кавушлари, у зот икки кавушларини бериб: «Йўлда кимни учратсанг, ўша киши қалбдан ишониб «Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ», деб гувоҳлик берса, унга жаннатга кириши хушxabарини етказ», деб айтдилар», десам, Умар розийаллоҳу анҳу кўкрагимга қўллари билан урдилар. Шунда мен кетим билан йиқилиб тушдим. Умар розийаллоҳу анҳу: «Эй Абу Ҳурайра, орқангга қайт», дедилар. Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига йиғламсираб, хўрсинган ҳолатда қайтиб бордим. Умар розийаллоҳу анҳу эса изимдан эргашиб келдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мендан: «Эй Абу Ҳурайра, сенга нима бўлди?» деб



مِنْ أَصْحَابِهِ فَدَخَلَ وَهُوَ يُصَلِّي فِي مَنْزِلِي وَأَصْحَابُهُ يَتَحَدَّثُونَ بَيْنَهُمْ ثُمَّ أَسْنَدُوا عَظَمَ ذَلِكَ وَكَبَّرَهُ إِلَى مَالِكِ بْنِ دُحْشَمٍ قَالُوا وَدُّوا أَنَّهُ دَعَا عَلَيْهِ فَهَلَكَ وَوَدُّوا أَنَّهُ أَصَابَهُ شَرٌّ فَقَضَى رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الصَّلَاةَ وَقَالَ أَلَيْسَ يَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَنِّي رَسُولُ اللَّهِ قَالُوا إِنَّهُ يَقُولُ ذَلِكَ وَمَا هُوَ فِي قَلْبِهِ قَالَ لَا يَشْهَدُ أَحَدٌ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَنِّي رَسُولُ اللَّهِ فَيَدْخُلَ النَّارَ أَوْ تَطْعَمَهُ قَالَ أَنَسٌ فَأَعْجَبَنِي هَذَا الْحَدِيثُ فَقُلْتُ لِأَبْنِي اكْتُبْهُ فَكَتَبَهُ

132/10. Маҳмуд ибн Рабийъ розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Мадинага боргач, Итбон билан учрашиб: «Менга етиб келишича, сенда бир ҳадис бор экан», деганларида, у зот: «Ҳа, кўзимнинг нури кетиб қолди. Кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга одам юбориб, уйимга келиб, намоз ўқиб беришларини ва у зот ўқиган маконларини намозгоҳ қилиб олишимни айтдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳ хоҳлаганича саҳобаларини олиб келдилар. Манзилимга кириб намоз ўқиётганларида саҳобалар (мунофиқларни зикр қилиб) Молик ибн Духшумга мунофиқликнинг катта қисмини нисбат беришди. Ва «Қанийди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни дуоибад қилсалар-у, у ҳалок бўлса», деб унга бирор зарар етишини орзу қилишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намоз ўқиб бўлганларидан кейин: «У Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқлигига ва мен Аллоҳнинг расули эканимга гувоҳлик бермаганми?» десалар, саҳобалар: «Тўғри, у бу калималарни айтади, лекин қалбидан эмас», дейишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, деб, мен Аллоҳнинг расули эканимга гувоҳлик бермаса, дўзахга тушади ёки дўзах уни ейди», дедилар.

Анас розийаллоҳу анҳу: «Бу ҳадис мени ҳайратда қолдирди. Ва ўғлимга уни ёзгин, деб айтган эдим, ўғлим уни ёзди», дедилар.

133 - حَدَّثَنِي أَبُو بَكْرٍ بْنُ نَافِعِ الْعَبْدِيُّ حَدَّثَنَا بِهِ حَدَّثَنَا حَمَادٌ حَدَّثَنَا ثَابِتٌ عَنْ أَنَسٍ قَالَ حَدَّثَنِي عَتَبَانُ بْنُ مَالِكٍ أَنَّهُ عَمِيَ فَأَرْسَلَ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ تَعَالَ فِخْطٌ لِي مَسْجِدًا فَجَاءَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَجَاءَ قَوْمُهُ وَنِعَتَ رَجُلٌ مِنْهُمْ يُقَالُ لَهُ مَالِكُ بْنُ الدُّحْشَمِ ثُمَّ ذَكَرَ نَحْوَ حَدِيثِ سُلَيْمَانَ بْنِ الْمُغِيرَةَ

133/11. Анас розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. «Итбон ибн Молик кўзлари хиралашиб қолганида одам юбориб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга шундай деди: «(Уйимга) келиб, масжид қилиб олишим учун бир жойда намоз ўқиб белгилаб беринг», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қавм билан бирга келдилар. Шу пайт бир кишини сифатлаб кетишди. Унинг исми Молик ибн Духшум эди...», деб ҳадиснинг қолгани юқоридаги ҳадисдагидек давом эттирилган.

**Ким Аллоҳни Раббим деб, Исломни дин деб, Муҳаммад алайҳиссаломни расул деб рози бўлса, агар у кабира гуноҳларни содир этган бўлса ҳам мўмин экани ҳақида**

134 - حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ يَحْيَى بْنِ أَبِي عُمَرَ الْمَكِّيُّ وَبِشْرُ بْنُ الْحَكَمِ قَالَا حَدَّثَنَا عَبْدُ الْعَزِيزِ وَهُوَ ابْنُ مُحَمَّدِ الدَّرَّاورِدِيِّ عَنْ يَزِيدَ بْنِ الْهَادِ عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ إِبْرَاهِيمَ عَنْ عَامِرِ بْنِ سَعْدٍ عَنِ الْعَبَّاسِ بْنِ عَبْدِ الْمُطَّلِبِ أَنَّهُ سَمِعَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ ذَاقَ طَعْمَ الْإِيمَانِ مَنْ رَضِيَ بِاللَّهِ رَبًّا وَبِالْإِسْلَامِ دِينًا وَبِمُحَمَّدٍ رَسُولًا

134/1. Аббос ибн Абдулмутталиб розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Ким Аллоҳни Рабб деб, Исломни дин деб, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни расул деб рози бўлса, иймон ҳаловатини топибди», деб айтганларини эшитдим».

### 12-боб

**Иймон бўлаклари адади, ўша бўлақларнинг энг афзали ва пасти ҳамда ҳаёнинг фазилати ва унинг иймондан экани баёни**

135 - حَدَّثَنَا عُبَيْدُ اللَّهِ بْنُ سَعِيدٍ وَعَبْدُ بْنُ حُمَيْدٍ قَالَا حَدَّثَنَا أَبُو عَامِرٍ الْعَقَدِيُّ حَدَّثَنَا سُلَيْمَانُ بْنُ بِلَالٍ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ دِينَارٍ عَنْ أَبِي صَالِحٍ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ الْإِيمَانُ بَضْعٌ وَسَبْعُونَ شُعْبَةً وَالْحَيَاءُ شُعْبَةٌ مِنَ الْإِيمَانِ

135/1. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Иймон етмишдан ортиқ бўлақдир. Ҳаё иймон бўлақларидан биридир», дедилар.

136 - حَدَّثَنَا زُهَيْرُ بْنُ حَرْبٍ حَدَّثَنَا جَرِيرٌ عَنْ سُهَيْلٍ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ دِينَارٍ عَنْ أَبِي صَالِحٍ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الْإِيمَانُ بَضْعٌ وَسَبْعُونَ أَوْ بَضْعٌ وَسِتُّونَ شُعْبَةً فَأَفْضَلُهَا قَوْلُ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَدْنَاهَا إِمَاطَةُ الْأَذَى عَنِ الطَّرِيقِ وَالْحَيَاءُ شُعْبَةٌ مِنَ الْإِيمَانِ

136/2. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Иймон етмишдан ёки олтмишдан ортиқ бўлақдир. Буларнинг энг афзали «Ла илаҳа иллаллоҳ» бўлса, энг пасти одамлар юрадиган йўлдан озор берувчи нарсаларни олиб ташлашдир. Ҳаё ҳам ўша иймон бўлақларидан биридир», дедилар.

137 - حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ وَعَمْرُو النَّاقِدُ وَزُهَيْرُ بْنُ حَرْبٍ قَالُوا حَدَّثَنَا سَفِيَانُ بْنُ عُيَيْنَةَ عَنِ الزُّهْرِيِّ عَنْ سَالِمٍ عَنْ أَبِيهِ سَمِعَ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَجُلًا يَعْظُمُ أَخَاهُ فِي الْحَيَاءِ فَقَالَ الْحَيَاءُ مِنَ الْإِيمَانِ حَدَّثَنَا عَبْدُ بْنُ حُمَيْدٍ حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّزَّاقِ أَخْبَرَنَا مَعْمَرٌ عَنِ الزُّهْرِيِّ بِهَذَا الْإِسْنَادِ وَقَالَ مَرَّ بِرَجُلٍ مِنَ الْأَنْصَارِ يَعْظُمُ أَخَاهُ

137/3. Солимнинг оталаридан қилган ривоятларида айтилишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир кишининг биродарига ҳаё ҳақида ваъз қилаётганини эшитдилар. (Яъни: «Жуда қаттиқ ҳаёли бўлма! Ўзингга қийин бўлади», дерди.) Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳаё иймондандир», деб айтдилар.

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган. Фақат «бир киши», деган сўз «ансорий киши» лафзи ила келган.

138 – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى وَمُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ وَاللَّفْظُ لِابْنِ الْمُثَنَّى قَالَ حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ جَعْفَرٍ حَدَّثَنَا شُعْبَةُ عَنْ قَتَادَةَ قَالَ سَمِعْتُ أَبَا السَّوَّارِ يُحَدِّثُ أَنَّهُ سَمِعَ عِمْرَانَ بْنَ حُصَيْنٍ يُحَدِّثُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ قَالَ الْحَيَاءُ لَا يَأْتِي إِلَّا بِخَيْرٍ فَقَالَ بُشَيْرُ بْنُ كَعْبٍ إِنَّهُ مَكْتُوبٌ فِي الْحِكْمَةِ أَنَّ مِنْهُ وَقَارًا وَمِنْهُ سَكِينَةٌ فَقَالَ عِمْرَانُ أَحَدَّثْتُكَ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَتَحَدَّثْتَنِي عَنْ صُحُفِكَ

138/4. Имрон ибн Ҳусайн розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Бу зот: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Ҳаё фақат яхшилик олиб келади», деб айтган сўзларини гапирсалар, Бушайр ибн Каъб: «Ҳикматда ёзилишича, ҳаёда виқор ҳамда хотиржамлик бор», деб айтди. Шунда Имрон розийаллоҳу анҳу унга қарата: «Мен сенга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сўзларини гапирсам, сен бўлсанг саҳифангдаги нарсаларни сўзлайсан-а», дедилар.

139 – حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ حَبِيبٍ الْحَارِثِيُّ حَدَّثَنَا حَمَّادُ بْنُ زَيْدٍ عَنْ إِسْحَقَ وَهُوَ ابْنُ سُوَيْدٍ أَنَّ أَبَا قَتَادَةَ حَدَّثَ قَالَ كُنَّا عِنْدَ عِمْرَانَ بْنِ حُصَيْنٍ فِي رَهْطٍ مِنَّا وَفِينَا بُشَيْرُ بْنُ كَعْبٍ فَحَدَّثَنَا عِمْرَانُ يَوْمَئِذٍ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الْحَيَاءُ خَيْرٌ كُلُّهُ قَالَ أَوْ قَالَ الْحَيَاءُ كُلُّهُ خَيْرٌ فَقَالَ بُشَيْرُ بْنُ كَعْبٍ إِنَّا لَنَجِدُ فِي بَعْضِ الْكُتُبِ أَوْ الْحِكْمَةِ أَنَّ مِنْهُ سَكِينَةٌ وَوَقَارًا لِلَّهِ وَمِنْهُ ضَعْفٌ قَالَ فَغَضِبَ عِمْرَانُ حَتَّى احْمَرَّتَا عَيْنَاهُ وَقَالَ أَلَا أَرَانِي أُحَدِّثُكَ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَتُعَارِضُ فِيهِ قَالَ فَأَعَادَ عِمْرَانُ الْحَدِيثَ قَالَ فَأَعَادَ بُشَيْرٌ فَغَضِبَ عِمْرَانُ قَالَ فَمَا زِلْنَا نَقُولُ فِيهِ إِنَّهُ مِنَّا يَا أَبَا نُجَيْدٍ إِنَّهُ لَا بَأْسَ بِهِ حَدَّثَنَا إِسْحَقُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ أَخْبَرَنَا النَّضْرُ حَدَّثَنَا أَبُو نَعَامَةَ الْعَدَوِيُّ قَالَ سَمِعْتُ حَجِيرَ بْنَ الرَّبِيعِ الْعَدَوِيَّ يَقُولُ عَنْ عِمْرَانَ بْنِ حُصَيْنٍ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَحْوَ حَدِيثِ حَمَّادِ بْنِ زَيْدٍ

139/5. Абу Қатода айтдилар: «Биз бир нечта киши Имрон ибн Ҳусайн ҳузурларида эдик. Ичимизда Бушайр ибн Каъб ҳам бор эди. Шу пайт Имрон: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳаёнинг ҳаммаси яхшилик», деганлар», деб айтсалар, Бушайр ибн Каъб: «Баъзи китоб ёки ҳикматда кўрганмизки, ҳаёда Аллоҳ учун виқорли ва хотиржам бўлиш бор ҳамда унда заифлик ҳам бор», деди. Имроннинг Бушайр айтган сўзга аччиқлари келди, ҳатто икки кўзлари қизариб кетди. Имрон: «Мен сенга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтган сўзларини зикр қилсам, сен унга қарши бўлмоқдасан», дедилар. Кейин яна Имрон шуни айтсалар, Бушайр ҳам ўз

сўзини гапирди. Имроннинг яна аччиқлари чиқди. Шунда биз: «Эй Абу Нужайд (яъни, Имрон), Бушайр биздан (яъни, мусулмон), унинг зарари йўқ (яъни, у мунофиқ ҳам, зиндиқ ҳам эмас)», деб айтдик».

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган.

### 13-боб

#### Ислом сифатларини ўзида жамловчи нарсалар ҳақида

140 - حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ وَأَبُو كُرَيْبٍ قَالَا حَدَّثَنَا ابْنُ نُمَيْرٍ ح وَحَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ بْنُ سَعِيدٍ وَإِسْحَاقُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ جَمِيعًا عَنْ جَرِيرِ ح وَحَدَّثَنَا أَبُو كُرَيْبٍ حَدَّثَنَا أَبُو أُسَامَةَ كُلُّهُمُ عَنْ هِشَامِ بْنِ عُرْوَةَ عَنْ أَبِيهِ عَنْ سُهَيْبَانَ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ التَّقْفِيِّ قَالَ قُلْتُ يَا رَسُولَ اللَّهِ قُلْ لِي فِي الْإِسْلَامِ قَوْلًا لَا أَسْأَلُ عَنْهُ أَحَدًا بَعْدَكَ وَفِي حَدِيثِ أَبِي أُسَامَةَ غَيْرَكَ قَالَ قُلْ آمَنْتُ بِاللَّهِ فَاسْتَقَمْتُ

140/1. Суфён ибн Абдуллоҳ ас-Сақафий розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. «(Мен): «Эй Аллоҳнинг расули! Менга Исломдаги бир сўзни айтингки, сиздан кейин бирор кишидан сўрамайин», (Абу Усоманинг ҳадисида «... сиздан бошқасидан сўрамайин...» бўлиб келган) десам, у зот: «Аллоҳга иймон келтирдим, деб айт, кейин истиқомат, яъни тўғри йўлни лозим тут», дедилар.

### 14-боб

#### Исломдаги амаллардан бирининг бошқасидан афзаллиги ва уларнинг қай бири энг афзал экани баёни

141 - حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ بْنُ سَعِيدٍ حَدَّثَنَا لَيْثٌ ح وَحَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ رُمْحٍ بْنِ الْمُهَاجِرِ أَخْبَرَنَا اللَّيْثُ عَنْ يَزِيدَ بْنِ أَبِي حَبِيبٍ عَنْ أَبِي الْخَيْرِ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو أَنَّ رَجُلًا سَأَلَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَيُّ الْإِسْلَامِ خَيْرٌ قَالَ تَطْعَمُ الطَّعَامَ وَتَقْرَأُ السَّلَامَ عَلَى مَنْ عَرَفْتَ وَمَنْ لَمْ تَعْرِفْ

141/1. Абдуллоҳ ибн Амр розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан: «Исломдаги қайси амал яхши?» деб сўраганида, у зот: «Қорни очларни тўйдиришинг ҳамда таниган ва танимаган кишингга салом беришинг», дедилар.

142 - حَدَّثَنَا أَبُو الطَّاهِرِ أَحْمَدُ بْنُ عَمْرٍو بْنُ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو بْنِ سَرْحِ الْمَصْرِيِّ أَخْبَرَنَا ابْنُ وَهْبٍ عَنْ عَمْرٍو بْنِ الْحَارِثِ عَنْ يَزِيدَ بْنِ أَبِي حَبِيبٍ عَنْ أَبِي الْخَيْرِ أَنَّهُ سَمِعَ عَبْدَ اللَّهِ بْنَ عَمْرٍو بْنَ الْعَاصِ يَقُولًا إِنَّ رَجُلًا سَأَلَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَيُّ الْمُسْلِمِينَ خَيْرٌ قَالَ مَنْ سَلِمَ الْمُسْلِمُونَ مِنْ لِسَانِهِ وَيَدِهِ

142/2. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осс айтдилар: «Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан: «Мусулмонларнинг қайси бири яхшироқ?»

деб сўраганида, у зот: «Мусулмонлар унинг тили ва қўлидан омонда бўлувчи киши яхшироқдир», дедилар».

143 - حَدَّثَنَا حَسَنُ الْحُلَوَانِيُّ وَعَبْدُ بْنُ حُمَيْدٍ جَمِيعًا عَنْ أَبِي عَاصِمٍ قَالَ عَبْدُ أُنْبَاءَنَا أَبُو عَاصِمٍ عَنِ ابْنِ جُرَيْجٍ أَنَّهُ سَمِعَ أَبَا الزُّبَيْرِ يَقُولُ سَمِعْتُ جَابِرًا يَقُولًا سَمِعْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ الْمُسْلِمُ مَنْ سَلِمَ الْمُسْلِمُونَ مِنْ لِسَانِهِ وَيَدِهِ

143/3. Жобир розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мусулмонлар унинг тили ва қўлидан омонда бўлган киши (ҳақиқий) мусулмондир», дедилар.

144 - وَحَدَّثَنِي سَعِيدُ بْنُ يَحْيَى بْنِ سَعِيدِ الْأَمَوِيِّ قَالَ حَدَّثَنِي أَبِي حَدَّثَنَا أَبُو بُرْدَةَ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ أَبِي بُرْدَةَ بْنِ أَبِي مُوسَى عَنْ أَبِي بُرْدَةَ عَنْ أَبِي مُوسَى قَالَ قُلْتُ يَا رَسُولَ اللَّهِ أَيُّ الْإِسْلَامِ أَفْضَلُ قَالَ مَنْ سَلِمَ الْمُسْلِمُونَ مِنْ لِسَانِهِ وَيَدِهِ وَحَدَّثَنِيهِ إِبْرَاهِيمُ بْنُ سَعِيدِ الْجَوْهَرِيُّ حَدَّثَنَا أَبُو أُسَامَةَ قَالَ حَدَّثَنِي بُرَيْدُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ بِهَذَا الْإِسْنَادِ قَالَ سُئِلَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَيُّ الْمُسْلِمِينَ أَفْضَلُ فَذَكَرَ مِثْلَهُ

144/4. Абу Мусо розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. «Мен: «Эй Аллоҳнинг расули! Исломдаги қайси амал афзал?» десам, у зот: «Мусулмонлар унинг тили ва қўлидан омонда бўлган киши афзал», деб айтдилар.

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган, фақат: «Расулulloҳдан (с.а.в.) қайси мусулмонлар афзал деб сўралганида», бўлиб келган.

## 15-боб

### Иймон ҳаловатини топиш билан сифатланган кишининг хислатлари баёни

145 - حَدَّثَنَا إِسْحَقُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ وَمُحَمَّدُ بْنُ يَحْيَى بْنِ أَبِي عُمَرَ وَمُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ جَمِيعًا عَنِ الثَّقَفِيِّ قَالَ ابْنُ أَبِي عُمَرَ حَدَّثَنَا عَبْدُ الْوَهَّابِ عَنْ أَيُّوبَ عَنْ أَبِي قَلَابَةَ عَنْ أَنَسٍ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ ثَلَاثٌ مَنْ كُنَّ فِيهِ وَجَدَ بِهِنَّ حَلَاوَةَ الْإِيمَانِ مَنْ كَانَ اللَّهُ وَرَسُولَهُ أَحَبَّ إِلَيْهِ مِمَّا سِوَاهُمَا وَأَنْ يُحِبَّ الْمَرْءَ لَا يُحِبُّهُ إِلَّا لِلَّهِ وَأَنْ يَكْرَهُ أَنْ يَعُودَ فِي الْكُفْرِ بَعْدَ أَنْ أَنْقَذَهُ اللَّهُ مِنْهُ كَمَا يَكْرَهُ أَنْ يُقَدَّفَ فِي النَّارِ

145/1. Анас розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кимда уч хислат бўлса, иймон ҳаловатини топибди: 1. Аллоҳ ва Унинг расули бошқа нарсалардан маҳбуб бўлса. 2. Бир кишини Аллоҳ розилиги учун яхши кўрса. 3. Аллоҳ уни кофирликдан қутқарганидан кейин унга қайтишни худди оловга ташланишни ёмон кўрганидек ёмон кўрса», деб айтдилар.



146 - حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى وَابْنُ بَشَّارٍ قَالَا حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ جَعْفَرٍ حَدَّثَنَا شُعْبَةُ قَالَ سَمِعْتُ قَتَادَةَ يُحَدِّثُ عَنْ أَنَسٍ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ثَلَاثٌ مَنْ كُنَّ فِيهِ وَجَدَ طَعْمَ الْإِيمَانِ مَنْ كَانَ يُحِبُّ الْمَرْءَ لَا يُحِبُّهُ إِلَّا اللَّهُ وَمَنْ كَانَ اللَّهُ وَرَسُولَهُ أَحَبَّ إِلَيْهِ مِمَّا سِوَاهُمَا وَمَنْ كَانَ أَنْ يَلْقَى فِي النَّارِ أَحَبَّ إِلَيْهِ مِنْ أَنْ يَرْجِعَ فِي الْكُفْرِ بَعْدَ أَنْ أَنْفَذَهُ اللَّهُ مِنْهُ حَدَّثَنَا إِسْحَاقُ بْنُ مَنْصُورٍ أَبْنَانَا النَّضْرُ بْنُ شَمِيلٍ أَبْنَانَا حَمَّادٌ عَنْ ثَابِتٍ عَنْ أَنَسٍ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَنَحْوِ حَدِيثِهِمْ غَيْرَ أَنَّهُ قَالَ مَنْ أَنْ يَرْجِعَ يَهُودِيًّا أَوْ نَصْرَانِيًّا

146/2. Анас розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Учта хислат борки, улар кимда бўлса, иймон лаззатини топибди: 1. Бирор кишини фақат Аллоҳ учун яхши кўрса. 2. Аллоҳ ва Унинг расули бошқа нарсалардан севимли бўлса. 3. Аллоҳ уни куфрдан қутқарганидан кейин яна кофирликка қайтмоғидан кўра оловга ташланишни афзалроқ деб билса», дедилар.

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган, лекин «куфрликка қайтмоғидан», деган сўз ўрнига «яхудий ва насронийликка қайтмоғидан» бўлиб келган.

### 16-боб

**Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлган муҳаббати аҳли, фарзанди, отаси ва бошқа барчага муҳаббатидан кўра кўпроқ бўлишининг шартлиги ҳамда бундай муҳаббати бўлмаган кишини иймонсиз деб номлаш ҳақида**

147 - وَحَدَّثَنِي زُهَيْرُ بْنُ حَرْبٍ حَدَّثَنَا إِسْمَاعِيلُ ابْنُ عُلَيْيَةَ ح وَحَدَّثَنَا شَيْبَانُ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ حَدَّثَنَا عَبْدُ الْوَارِثِ كِلَاهُمَا عَنْ عَبْدِ الْعَزِيزِ عَنْ أَنَسٍ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَا يُؤْمِنُ عَبْدٌ وَفِي حَدِيثِ عَبْدِ الْوَارِثِ الرَّجُلُ حَتَّى أَكُونَ أَحَبَّ إِلَيْهِ مِنْ أَهْلِهِ وَمَالِهِ وَالنَّاسِ أَجْمَعِينَ

147/1. Анас розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Банда (Абдулворис ривоятларида «банда» ўрнига «киши» бўлиб келган) наздида мен унинг аҳлидан, молидан ва одамларнинг барчасидан афзал бўлмагунича у мўмин бўла олмайди», дедилар.

148 - حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى وَابْنُ بَشَّارٍ قَالَا حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ جَعْفَرٍ حَدَّثَنَا شُعْبَةُ قَالَ سَمِعْتُ قَتَادَةَ يُحَدِّثُ عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَا يُؤْمِنُ أَحَدُكُمْ حَتَّى أَكُونَ أَحَبَّ إِلَيْهِ مِنْ وَلَدِهِ وَوَالِدِهِ وَالنَّاسِ أَجْمَعِينَ

148/2. Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сизлардан бирингиз гарчи мен

унга фарзандидан, отасидан ва одамларнинг барчасидан афзал бўлмагунимча мўмин бўла олмайди», деб айтдилар.

### 17-боб

#### Киши ўзига севимли деб билган яхшиликларни мусулмон биродарига раво кўриши иймон хислатларига эгалигига далил экани ҳақида

149 - حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى وَابْنُ بَشَّارٍ قَالَا حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ جَعْفَرٍ حَدَّثَنَا شُعْبَةُ قَالَ سَمِعْتُ قَتَادَةَ يُحَدِّثُ عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ لَا يُؤْمِنُ أَحَدُكُمْ حَتَّى يُحِبَّ لِأَخِيهِ أَوْ قَالَ لِجَارِهِ مَا يُحِبُّ لِنَفْسِهِ

149/1. Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сизлардан бирингиз биродари ёки қўшнисига ўзи учун севимли деб билган нарсани раво кўрмагунимча мўмин бўла олмайди», дедилар.

150 - وَحَدَّثَنِي زُهَيْرُ بْنُ حَرْبٍ حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ سَعِيدٍ عَنْ حُسَيْنِ الْمُعَلَّمِ عَنْ قَتَادَةَ عَنْ أَنَسِ بْنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ لَا يُؤْمِنُ عَبْدٌ حَتَّى يُحِبَّ لِجَارِهِ أَوْ قَالَ لِأَخِيهِ مَا يُحِبُّ لِنَفْسِهِ

150/2. Анас розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Жоним Унинг ядида бўлган Зотга қасамки, банда ўзи учун севимли деб билган нарсасини қўшниси ёки биродарига ҳам раво кўрмагунимча мўмин бўла олмайди», дедилар.

### 18-боб

#### Қўшнига озор беришнинг ҳаромлиги ҳақида

151 - حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ أَيُّوبَ وَقُتَيْبَةُ بْنُ سَعِيدٍ وَعَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ جَمِيعًا عَنْ إِسْمَاعِيلَ بْنِ جَعْفَرٍ قَالَ ابْنُ أَيُّوبَ حَدَّثَنَا إِسْمَاعِيلُ قَالَ أَخْبَرَنِي الْعَلَاءُ عَنْ أَبِيهِ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ لَا يَدْخُلُ الْجَنَّةَ مَنْ لَا يَأْمَنُ جَارَهُ بَوَائِقَهُ

151/1. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қўшниси унинг ёмонликларидан омонда бўлмаган киши жаннатга кирмайди», дедилар.

### 19-боб

#### Қўшни ва меҳмонни ҳурмат қилишга ундаш, яхши нарсалардан бошқасида гапирмасдан жим туриш ҳамда мана шу нарсаларнинг барчаси иймондан экани ҳақида

152 - حَدَّثَنِي حَرْمَلَةُ بْنُ يَحْيَىٰ أَبْنَانَا ابْنُ وَهْبٍ قَالَ أَخْبَرَنِي يُوسُفُ بْنُ ابْنِ شَهَابٍ عَنْ أَبِي سَلَمَةَ بْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ مَنْ كَانَ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ  
الْآخِرِ فَلْيُكْرِمْ جَارَهُ وَمَنْ كَانَ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَلْيُكْرِمْ ضَيْفَهُ

152/1. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирса, яхши сўзларни айтсин ёки жим турсин. Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирса, қўшнисини ҳурмат қилсин. Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирса, меҳмонни ҳурмат қилсин», дедилар.

153 - حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ حَدَّثَنَا أَبُو الْأَحْوَصِ عَنْ أَبِي حُصَيْنٍ عَنْ أَبِي صَالِحٍ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَنْ كَانَ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَلَا يُؤْذِي جَارَهُ وَمَنْ كَانَ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَلْيُكْرِمْ ضَيْفَهُ وَمَنْ كَانَ يُؤْمِنُ  
بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَلْيُكْرِمْ ضَيْفَهُ وَمَنْ كَانَ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَلْيُكْرِمْ ضَيْفَهُ وَمَنْ كَانَ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَلْيُكْرِمْ ضَيْفَهُ  
وَحَدَّثَنَا إِسْحَاقُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ أَخْبَرَنَا عَيْسَى بْنُ يُونُسَ عَنِ الْأَعْمَشِ عَنْ أَبِي صَالِحٍ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِمِثْلِ حَدِيثِ أَبِي حُصَيْنٍ غَيْرَ أَنَّهُ قَالَ فَلْيُحْسِنِ إِلَى جَارِهِ

153/2. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирса, қўшнисига озор бермасин. Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирса, меҳмонни ҳурмат қилсин. Кимки Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирса, яхши сўзларни гапирсин ёки жим турсин», дедилар.

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган. Ва унга «қўшнисига яхшилик қилсин», деб қўшимча қилинган.

154 - حَدَّثَنَا زُهَيْرُ بْنُ حَرْبٍ وَمُحَمَّدُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ نُمَيْرٍ جَمِيعًا عَنِ ابْنِ عُيَيْنَةَ قَالَ ابْنُ نُمَيْرٍ حَدَّثَنَا سُفْيَانُ عَنْ عَمْرِو أَنَّهُ سَمِعَ نَافِعَ بْنَ جُبَيْرٍ يُخْبِرُ عَنْ أَبِي شَرِيحٍ الْخَزَاعِيِّ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ مَنْ كَانَ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَلْيُحْسِنِ إِلَى جَارِهِ وَمَنْ كَانَ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَلْيُكْرِمْ ضَيْفَهُ وَمَنْ كَانَ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَلْيُكْرِمْ ضَيْفَهُ وَمَنْ كَانَ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَلْيُكْرِمْ ضَيْفَهُ

154/3. Абу Шурайх ал-Хузойй розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирса, қўшнисига яхшилик қилсин. Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирса, меҳмонни ҳурмат қилсин. Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирса, яхши сўзларни гапирсин ёки жим турсин», дедилар.

## 20-боб

**Мункар нарсалардан қайтариш иймондан экани, албатта иймон зиёда бўлиб-камайиши ва амри маъруф, наҳйи мункарнинг вожиблиги ҳақида**

155 - حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ حَدَّثَنَا وَكَيْعٌ عَنْ سُفْيَانَ ح وَحَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ جَعْفَرٍ حَدَّثَنَا شُعْبَةُ كَلَاهُمَا عَنْ قَيْسِ بْنِ مُسْلِمٍ عَنْ طَارِقِ بْنِ شَهَابٍ وَهَذَا حَدِيثُ أَبِي بَكْرٍ قَالَ أَوَّلُ مَنْ بَدَأَ بِالْخُطْبَةِ يَوْمَ الْعِيدِ قَبْلَ الصَّلَاةِ مَرْوَانُ فَقَامَ إِلَيْهِ رَجُلٌ فَقَالَ الصَّلَاةُ قَبْلَ الْخُطْبَةِ فَقَالَ قَدْ تَرَكْنَا مَا هُنَالِكَ فَقَالَ أَبُو سَعِيدٍ أَمَّا هَذَا فَقَدْ قَضَى مَا عَلَيْهِ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ مَنْ رَأَى مِنْكُمْ مُنْكَرًا فَلْيُغَيِّرْهُ بِيَدِهِ فَإِنْ لَمْ يَسْتَطِعْ فَبِلِسَانِهِ فَإِنْ لَمْ يَسْتَطِعْ فَبِقَلْبِهِ وَذَلِكَ أضعفُ الْإِيمَانِ حَدَّثَنَا أَبُو كُرَيْبٍ مُحَمَّدُ بْنُ الْعَلَاءِ حَدَّثَنَا أَبُو مُعَاوِيَةَ حَدَّثَنَا الْأَعْمَشُ عَنْ إِسْمَاعِيلَ بْنِ رَجَاءٍ عَنْ أَبِيهِ عَنْ أَبِي سَعِيدِ الْخُدْرِيِّ وَعَنْ قَيْسِ بْنِ مُسْلِمٍ عَنْ طَارِقِ بْنِ شَهَابٍ عَنْ أَبِي سَعِيدِ الْخُدْرِيِّ فِي قِصَّةِ مَرْوَانَ وَحَدِيثِ أَبِي سَعِيدٍ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِمِثْلِ حَدِيثِ شُعْبَةَ وَسُفْيَانَ

155/1. Ториқ ибн Шиҳоб розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Ҳайит куни намоздан олдин хутба айтишни биринчи бўлиб бошлаган киши Марвондирлар. Бир киши: «Хутбадан олдин намоз», деди. Марвон: «Бу нарса тарк қилинган», дедилар. Абу Саид: «Бу киши зиммасидаги ҳақни адо этди. Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитганман, у зот: «Ким бирор мункар ишни кўрса, қўли билан ўзгартириб бартараф этсин. Агар бундай қилишга қодир бўлмаса, тили билан бартараф қилсин. Агар бунга ҳам қодир бўлмаса, қалби билан қариҳ кўриб бартараф қилсин. Мана шу (охиргиси заиф иймондир)», дедилар», деб айтганлар.

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган.

156 - حَدَّثَنِي عَمْرُو التَّاقِدِ وَأَبُو بَكْرِ بْنُ النَّضْرِ وَعَبْدُ بْنُ حُمَيْدٍ وَاللَّفْظُ لِعَبْدِ قَالُوا حَدَّثَنَا يَعْقُوبُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ بْنِ سَعْدٍ قَالَ حَدَّثَنِي أَبِي عَنْ صَالِحِ بْنِ كَيْسَانَ عَنِ الْحَارِثِ عَنْ جَعْفَرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ الْحَكَمِ عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ الْمِسْوَرِ عَنْ أَبِي رَافِعٍ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ مَا مِنْ نَبِيٍّ بَعَثَهُ اللَّهُ فِي أُمَّةٍ قَبْلِي إِلَّا كَانَ لَهُ مِنْ أُمَّتِهِ حَوَارِيُّونَ وَأَصْحَابٌ يَأْخُذُونَ بِسُنَّتِهِ وَيَقْتَدُونَ بِأَمْرِهِ ثُمَّ إِنَّهَا تَخْلُفُ مِنْ بَعْدِهِمْ خُلُوفٌ يَقُولُونَ مَا لَا يَفْعَلُونَ وَيَفْعَلُونَ مَا لَا يُؤْمَرُونَ فَمَنْ جَاهَدَهُمْ بِيَدِهِ فَهُوَ مُؤْمِنٌ وَمَنْ جَاهَدَهُمْ بِلِسَانِهِ فَهُوَ مُؤْمِنٌ وَمَنْ جَاهَدَهُمْ بِقَلْبِهِ فَهُوَ مُؤْمِنٌ وَلَيْسَ وَرَاءَ ذَلِكَ مِنَ الْإِيمَانِ حَبَّةٌ خَرْدَلٍ قَالَ أَبُو رَافِعٍ فَحَدَّثْتُ عَبْدَ اللَّهِ بْنَ عُمَرَ فَأَنْكَرَهُ عَلَيَّ فَقَدِمَ ابْنُ مَسْعُودٍ فَنَزَلَ بِقَنَاةَ فَاسْتَبَعَنِي إِلَيْهِ عَبْدُ اللَّهِ بْنُ عُمَرَ يَعُودُهُ فَانطَلَقْتُ مَعَهُ فَلَمَّا جَلَسْنَا سَأَلْتُ ابْنَ مَسْعُودٍ عَنْ هَذَا الْحَدِيثِ فَحَدَّثَنِيهِ كَمَا حَدَّثْتُهُ ابْنُ عُمَرَ قَالَ صَالِحٌ وَقَدْ تَحَدَّثُتُ بِنَحْوِ ذَلِكَ عَنْ أَبِي رَافِعٍ

وَحَدَّثَنِيهِ أَبُو بَكْرٍ بْنُ إِسْحَاقَ بْنِ مُحَمَّدٍ أَخْبَرَنَا ابْنُ أَبِي مَرْيَمَ حَدَّثَنَا عَبْدُ الْعَزِيزِ بْنُ مُحَمَّدٍ قَالَ أَخْبَرَنِي الْحَارِثُ بْنُ الْفُضَيْلِ الْخَطْبِيُّ عَنْ جَعْفَرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ الْحَكَمِ عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ الْمِسْوَرِ بْنِ مَخْرَمَةَ عَنْ أَبِي رَافِعٍ مَوْلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ مَا كَانَ مِنْ نَبِيٍّ إِلَّا وَقَدْ كَانَ لَهُ حَوَارِيُّونَ يَهْتَدُونَ بِهَدْيِهِ وَيَسْتُنُونَ بِسُنَّتِهِ مِثْلَ حَدِيثِ صَالِحٍ وَلَمْ يَذْكُرْ قُدُومَ ابْنِ مَسْعُودٍ وَاجْتِمَاعَ ابْنِ عُمَرَ مَعَهُ

156/2. Абдуллоҳ ибн Масъуд розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ таоло мендан олдин бирор умматга пайғамбар юборадиган бўлса, албатта ўша уммат ичида издошлари ва саҳобалари бўлган. Улар ўша пайғамбарнинг суннاتини ушлаб, унинг

буйруқларига эргашишган. Улардан кейин ёмон авлод келиб ўринбосар бўладики, улар қилмаган ишларни айтиб ва буюрмаган нарсаларни бажаришади. Ким уларга қўли билан курашса, мўминдир. Ким уларга тили билан курашса, мўминдир. Ким уларга қалби билан курашса, у ҳам мўминдир. Лекин бунинг ортида хантал уруғича ҳам иймон йўқдир», дедилар.

Абу Рофеъ: «Абдуллоҳ ибн Умарга бу ҳадисни айтсам, инкор қилдилар. Ибн Масъуд розийаллоҳу анҳу Мадинадаги Қинот водийига келганларида Абдуллоҳ ибн Умар Ибн Масъуднинг зиёратларига мени ҳамроҳ қилиб олдилар. Мен Ибн Умар билан бирга у зотнинг ҳузурларига бориб ўтирганимда бу ҳадис ҳақида сўрасам, худди Ибн Умар розийаллоҳу анҳуга айтганим каби менга гапириб бердилар», деб айтдилар.

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган. Лекин Ибн Масъуд розийаллоҳу анҳунинг келганлари ва Ибн Умар билан учрашганлари зикр қилинмаган.

## 21-боб

### Иймон аҳлидан бирининг бошқасидан афзаллиги, Яман аҳлининг иймони эса бошқа иймондан афзаллиги ҳақида

157 - حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ حَدَّثَنَا أَبُو أُسَامَةَ ح وَحَدَّثَنَا ابْنُ نُمَيْرٍ حَدَّثَنَا أَبِي ح وَحَدَّثَنَا أَبُو كُرَيْبٍ حَدَّثَنَا ابْنُ إِدْرِيسَ كُلُّهُمْ عَنْ إِسْمَاعِيلَ بْنِ أَبِي خَالِدٍ ح وَحَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ حَبِيبٍ الْحَارِثِيُّ وَاللَّفْظُ لَهُ حَدَّثَنَا مُعْتَمِرٌ عَنْ إِسْمَاعِيلَ قَالَ سَمِعْتُ قَيْسًا يَرُوي عَنْ أَبِي مَسْعُودٍ قَالَ أَشَارَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِيَدِهِ نَحْوَ الْيَمَنِ فَقَالَ أَلَا إِنَّ الْإِيمَانَ هَهُنَا وَإِنَّ الْقِسْوَةَ وَغَلْظَ الْقُلُوبِ فِي الْفَدَائِدِ عِنْدَ أَصُولِ أَذْنَابِ الْإِبِلِ حَيْثُ يَطْلُعُ قَرْنَا الشَّيْطَانِ فِي رَبِيعَةٍ وَمُضَرَ

157/1. Абу Масъуд розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Яман томонга қўллари билан ишора қилиб: «Огоҳ бўлинг, албатта иймон бу томонда, қалби қаттиқ, бағритошлар эса туя-отларини боқиб, овозини баландлатиб ҳайдаб юрувчилардир. Шайтоннинг икки шохи Рабийъа ва Музар қабиласи томондан чиқади», деб айтдилар. (Яъни, Рабийъа ва Музар қабиласи машриқ томондадир. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларининг бирида «Куфрнинг боши машриқ томонда», деб айтганлар).

158 - حَدَّثَنَا أَبُو الرَّبِيعِ الزَّهْرَانِيُّ أَنْبَأَنَا حَمَادٌ حَدَّثَنَا أَيُّوبُ حَدَّثَنَا مُحَمَّدٌ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ جَاءَ أَهْلُ الْيَمَنِ هُمْ أَرْقُ أَفْعَدَّةَ الْإِيمَانِ يَمَانٍ وَالْفَقَهُ يَمَانٍ وَالْحِكْمَةَ يَمَانِيَةَ حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى حَدَّثَنَا ابْنُ أَبِي عَدِيٍّ ح وَحَدَّثَنِي عَمْرُو النَّاقِدُ حَدَّثَنَا إِسْحَاقُ بْنُ يُونُسَ الْأَزْرَقِيُّ كِلَاهُمَا عَنْ ابْنِ عَوْنٍ عَنْ مُحَمَّدٍ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِمِثْلِهِ

158/2. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Яман аҳли келди. Улар қалби энг мулойим кишилардир. Иймон яманликларда, фикҳ яманликларда ва ҳикмат яманликларда», деб айтдилар.

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган.

159 - وَحَدَّثَنِي عَمْرُو النَّاقِدُ وَحَسَنُ الْحُلَوَانِيُّ قَالَا حَدَّثَنَا يَعْقُوبُ وَهُوَ ابْنُ إِبْرَاهِيمَ بْنِ سَعْدٍ حَدَّثَنَا أَبِي عَنْ صَالِحِ عَنِ الْأَعْرَجِ قَالَ قَالَ أَبُو هُرَيْرَةَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَتَاكُمْ أَهْلُ الْيَمَنِ هُمْ أضعفُ قلوبًا وَأَرْقُ أَفئدةً الْفقهُ يَمَانٍ وَالْحِكْمَةُ يَمَانِيَّةٌ

159/3. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳузурингизга Яман аҳли келишади. Уларнинг қалби нозик, табиатлари мулойим, фикҳ ва ҳикмат ҳам ўшаларда», деб айтдилар.

160 - حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ يَحْيَى قَالَ قَرَأْتُ عَلَى مَالِكٍ عَنْ أَبِي الزُّنَادِ عَنِ الْأَعْرَجِ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ رَأْسُ الْكُفْرِ نَحْوُ الْمَشْرِقِ وَالْفَخْرُ وَالْخِيَلَاءُ فِي أَهْلِ الْخَيْلِ وَالْإِبِلِ الْفَدَّادِينَ أَهْلُ الْوَبْرِ وَالسَّكِينَةُ فِي أَهْلِ الْعَنَمِ

160/4. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Куфрнинг боши машриқ томонда. Фахрланиш ва гердайиш от ва туяларни боқувчи, овозини баландлатиб (уларни) ҳайдаб юрувчи бадавийларда. Хотиржамлик ва юмшоқлик қўй боқувчиларда», деб айтдилар.

161 - وَحَدَّثَنِي يَحْيَى بْنُ أَبِي أُيُوبَ وَفُتَيْبَةُ وَابْنُ حُجْرٍ عَنْ إِسْمَاعِيلَ بْنِ جَعْفَرٍ قَالَ ابْنُ أُيُوبَ حَدَّثَنَا إِسْمَاعِيلُ قَالَ أَخْبَرَنِي الْعَلَاءُ عَنْ أَبِيهِ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ الْإِيمَانُ يَمَانٍ وَالْكَفْرُ قِبَلَ الْمَشْرِقِ وَالسَّكِينَةُ فِي أَهْلِ الْعَنَمِ وَالْفَخْرُ وَالرِّيَاءُ فِي الْفَدَّادِينَ أَهْلِ الْخَيْلِ وَالْوَبْرِ

161/5. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Иймон яманликларда, куфр машриқ томонда, хотиржамлик қўй боқувчиларда, фахрланиш ва риё от боқувчи, овозини баландлатиб ҳайдаб юрувчи бадавийларда», деб айтдилар.

162 - وَحَدَّثَنِي حَرَمَلَةُ بْنُ يَحْيَى أَخْبَرَنَا ابْنُ وَهْبٍ قَالَ أَخْبَرَنِي يُونُسُ عَنْ ابْنِ شِهَابٍ قَالَ أَخْبَرَنِي أَبُو سَلَمَةَ بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ أَنَّ أَبَا هُرَيْرَةَ قَالَ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ الْفَخْرُ وَالْخِيَلَاءُ فِي الْفَدَّادِينَ أَهْلِ الْوَبْرِ وَالسَّكِينَةُ فِي أَهْلِ الْعَنَمِ وَحَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ الدَّارِمِيُّ أَخْبَرَنَا أَبُو الْيَمَانِ أَخْبَرَنَا شُعَيْبٌ عَنِ الزُّهْرِيِّ بِهَذَا الْإِسْنَادِ مِثْلَهُ وَزَادَ الْإِيمَانُ يَمَانٍ وَالْحِكْمَةُ يَمَانِيَّةٌ

162/6. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Фахрланиш ва гердаиш туя ва отларни боқиб, овозини баландлатиб юрувчи бадавийларда, хотиржамлик эса қўй боқувчиларда», деб айтдилар.

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган.

163 - حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ أَخْبَرَنَا أَبُو الْيَمَانِ عَنْ شُعَيْبٍ عَنِ الزُّهْرِيِّ حَدَّثَنِي سَعِيدُ بْنُ الْمُسَيْبِ أَنَّ أَبَا هُرَيْرَةَ قَالَ سَمِعْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ جَاءَ أَهْلُ الْيَمَنِ هُمْ أَرْقُ أَفْعَدَةً وَأَضْعَفُ قُلُوبًا الْإِيمَانَ يَمَانٍ وَالْحِكْمَةَ يَمَانِيَةَ السَّكِينَةَ فِي أَهْلِ الْيَمَنِ وَالْفَخْرُ وَالْخِيَلَاءُ فِي الْفَدَّادِينَ أَهْلِ الْوَبْرِ قَبْلَ مَطْلَعِ الشَّمْسِ

163/7. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Яман аҳли келди. Уларнинг табиатлари мулойим, қалблари нозикдир. Иймон яманликларда, ҳикмат яманликларда, хотиржамлик қўй боқувчиларда, фахрланиш ва гердаиш кун чиқар томондаги от ва туя боқувчи бадавийларда», деб айтдилар.

164 - حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ وَأَبُو كُرَيْبٍ قَالَا حَدَّثَنَا أَبُو مُعَاوِيَةَ عَنِ الْأَعْمَشِ عَنْ أَبِي صَالِحٍ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَتَاكُمْ أَهْلُ الْيَمَنِ هُمْ أَلْيَنُ قُلُوبًا وَأَرْقُ أَفْعَدَةً الْإِيمَانَ يَمَانٍ وَالْحِكْمَةَ يَمَانِيَةَ رَأْسُ الْكُفْرِ قَبْلَ الْمَشْرِقِ وَحَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ بْنُ سَعِيدٍ وَزُهَيْرُ بْنُ حَرْبٍ قَالَا حَدَّثَنَا جَرِيرٌ عَنِ الْأَعْمَشِ بِهَذَا الْإِسْنَادِ وَلَمْ يَذْكُرْ رَأْسَ الْكُفْرِ قَبْلَ الْمَشْرِقِ وَحَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى حَدَّثَنَا ابْنُ أَبِي عَدِيٍّ ح وَحَدَّثَنِي بِشْرُ بْنُ خَالِدٍ حَدَّثَنَا مُحَمَّدٌ يَعْنِي ابْنَ جَعْفَرٍ قَالَا حَدَّثَنَا شُعْبَةُ عَنِ الْأَعْمَشِ بِهَذَا الْإِسْنَادِ مِثْلَ حَدِيثِ جَرِيرٍ وَزَادَ وَالْفَخْرُ وَالْخِيَلَاءُ فِي أَصْحَابِ الْإِبِلِ وَالسَّكِينَةَ وَالْوَقَارُ فِي أَصْحَابِ الشَّاءِ

164/8. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сизларга Яман аҳли келади. Улар кўнгилчан, табиатлари нозик. Иймон яманликларда, ҳикмат яманликларда, куфрнинг боши эса машриқ томонда», деб айтдилар.

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган. Лекин «куфрни боши машриқ томонда», деган сўз йўқ. Аъмаш юқоридаги санад билан Жарирнинг ҳадисига ўхшаб келтирган ва «Фахр ва гердаиш туя боқувчиларда, хотиржамлик ҳамда виқор қўй боқувчиларда» лафзини зиёда қилган.

165 - وَحَدَّثَنَا إِسْحَاقُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ أَخْبَرَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ الْحَارِثِ الْمَخْزُومِيُّ عَنِ ابْنِ جُرَيْجٍ قَالَ أَخْبَرَنِي أَبُو الزُّبَيْرِ أَنَّهُ سَمِعَ حَابِرَ بْنَ عَبْدِ اللَّهِ يَقُولًا قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ غَلِظُ الْقُلُوبِ وَالْجَفَاءُ فِي الْمَشْرِقِ وَالْإِيمَانُ فِي أَهْلِ الْحِجَازِ

165/9. Жобир ибн Абдуллоҳ розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бағритошлик ва қўполлик машриқ томонда, иймон Ҳижоз аҳлида», деб айтдилар.

## 22-боб

**Жаннатга фақат мўминлар кириши, мўминларни яхши кўриш  
иймондан экани ва саломни тарқатиш муҳаббатнинг ҳосил бўлишига  
сабаб бўлиши ҳақида**

166 – حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ حَدَّثَنَا أَبُو مُعَاوِيَةَ وَوَكَيْعٌ عَنِ الْأَعْمَشِ عَنِ أَبِي صَالِحٍ عَنِ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَا تَدْخُلُونَ الْجَنَّةَ حَتَّى تُؤْمِنُوا وَلَا تُؤْمِنُوا حَتَّى تَحَابُّوا أَوْ لَا أَذْكَكُمْ عَلَى شَيْءٍ إِذَا فَعَلْتُمُوهُ تَحَابَبْتُمْ أَفْشُوا السَّلَامَ بَيْنَكُمْ

وَحَدَّثَنِي زُهَيْرُ بْنُ حَرْبٍ أُنْبَأَنَا جَرِيرٌ عَنِ الْأَعْمَشِ بِهَذَا الْإِسْنَادِ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ لَا تَدْخُلُونَ الْجَنَّةَ حَتَّى تُؤْمِنُوا بِمِثْلِ حَدِيثِ أَبِي مُعَاوِيَةَ وَوَكَيْعٍ

166/1. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Иймон келтирмагунигизча жаннатга кирмайсиз. Бир-бирингизни яхши кўрмагунигизча (комил) иймонли бўлмайсиз. Агар бажарсангиз, бир-бирингизни яхши кўришингизга сабаб бўладиган нарсага далолат қилайми? Ораларингизда саломни тарқатинг», деб айтдилар.

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган, лекин «Жоним Унинг ядида бўлган Зотга қасамки, иймон келтирмагунигизча жаннатга кирмайсиз» сўзи зиёда қилинган.

167 – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ عَبَّادٍ الْمَكِّيُّ حَدَّثَنَا سُفْيَانُ قَالَ قُلْتُ لِسُهَيْلٍ إِنَّ عَمْرًا حَدَّثَنَا عَنِ الْقَعْقَاعِ عَنْ أَبِيكَ قَالَ وَرَجَوْتُ أَنْ يُسْقَطَ عَنِّي رَجُلًا قَالَ فَقَالَ سَمِعْتُهُ مِنَ الَّذِي سَمِعَهُ مِنْهُ أَبِي كَانَ صَدِيقًا لَهُ بِالشَّامِ ثُمَّ حَدَّثَنَا سُفْيَانُ عَنْ سُهَيْلٍ عَنْ عَطَاءِ بْنِ يَزِيدَ عَنْ تَمِيمِ الدَّارِيِّ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ الدِّينُ النَّصِيحَةُ قُلْنَا لِمَنْ قَالَ لِلَّهِ وَلِكِتَابِهِ وَلِرَسُولِهِ وَلِأَيِّمَّةِ الْمُسْلِمِينَ وَعَامَّتِهِمْ حَدَّثَنِي مُحَمَّدُ بْنُ حَاتِمٍ حَدَّثَنَا ابْنُ مَهْدِيٍّ حَدَّثَنَا سُفْيَانُ عَنْ سُهَيْلِ بْنِ أَبِي صَالِحٍ عَنْ عَطَاءِ بْنِ يَزِيدَ اللَّيْثِيِّ عَنْ تَمِيمِ الدَّارِيِّ عَنْ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِمِثْلِهِ وَحَدَّثَنِي أُمِّيَّةُ بْنُ بَسْطَامٍ حَدَّثَنَا يَزِيدُ يَعْنِي ابْنَ زُرَيْعٍ حَدَّثَنَا رَوْحٌ وَهُوَ ابْنُ الْقَاسِمِ حَدَّثَنَا سُهَيْلٌ عَنْ عَطَاءِ بْنِ يَزِيدَ سَمِعَهُ وَهُوَ يُحَدِّثُ أَبَا صَالِحٍ عَنْ تَمِيمِ الدَّارِيِّ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِمِثْلِهِ

167/2. Тамийм ад-Дорий розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Дин холисликдир», деганларида, биз: «Ким учун эй Расулulloҳ?» дедик. Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳга, китобига, расулига ва мусулмонлар имоми ҳамда оммасига», деб айтдилар.

(Изоҳ: Аллоҳга холислик – Унга иймон келтириб, амрларини бажариш, қайтариқларидан қайтиш. Китобига холислик – ундаги нарсаларга бўйсуниб, тиловат қилиш. Расулига холислик – у зот олиб келган рисолатни тасдиқлаш. Мусулмонлар имомига холислик – ҳақ бўлса, унга ёрдам бериб, итоат



қилиш. Оммага холислик – уларга амру-маъруф, наҳйи-мункар қилиш ҳамда озор бермаслик билан бўлади.)

### 23-боб

#### Дин холислик экани ҳақида

168 - حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ نُمَيْرٍ وَأَبُو أُسَامَةَ عَنْ إِسْمَاعِيلَ بْنِ أَبِي خَالِدٍ عَنْ قَيْسٍ عَنْ جَرِيرٍ قَالَ بَايَعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَى إِقَامِ الصَّلَاةِ وَإِيتَاءِ الزَّكَاةِ وَالتَّصْحِاحِ لِكُلِّ مُسْلِمٍ

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган.

168/1. Жарир розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Бу зот: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга намозни ўқишга, закотни беришга ва ҳар бир мусулмонга холис бўлишга байъат қилдим», дедилар.

169 - حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ وَزُهَيْرُ بْنُ حَرْبٍ وَابْنُ نُمَيْرٍ قَالُوا حَدَّثَنَا سُفْيَانُ عَنْ زِيَادِ بْنِ عِلَاقَةَ سَمِعَ جَرِيرَ بْنَ عَبْدِ اللَّهِ يَقُولًا بَايَعْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَى التَّصْحِاحِ لِكُلِّ مُسْلِمٍ

169/2. Жарир ибн Абдуллоҳ розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Бу зот: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳар бир мусулмонга холис бўлишга байъат қилдим», дедилар.

170 - حَدَّثَنَا سُرَيْجُ بْنُ يُونُسَ وَيَعْقُوبُ الدَّوْرَقِيُّ قَالَا حَدَّثَنَا هُشَيْمٌ عَنْ سَيَّارٍ عَنِ الشَّعْبِيِّ عَنْ جَرِيرٍ قَالَ بَايَعْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَى السَّمْعِ وَالطَّاعَةِ فَلَقَّنِي فِيمَا اسْتَطَعْتُ وَالتَّصْحِاحِ لِكُلِّ مُسْلِمٍ قَالَ يَعْقُوبُ فِي رِوَايَتِهِ قَالَ حَدَّثَنَا سَيَّارٌ

170/3. Жарир розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қулоқ солиш ва итоат қилишга байъат қилдим». У зот: «Агар қодир бўлсанг», деб айтиб турдилар. Ва яна Жарир: «Ҳар бир мусулмонга холис бўлишга байъат қилдим», дедилар.

### 24-боб

#### Гуноҳ содир этиш сабабли иймоннинг ноқис бўлиши, иймонни мукамал бўлмаслигини хоҳлаб гуноҳга киришиб кетган инсоннинг иймони йўқлиги ҳақида

171 - حَدَّثَنِي حَرْمَلَةُ بْنُ يَحْيَى بْنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرَانَ التُّحَيْبِيُّ أَنبَأَنَا ابْنُ وَهْبٍ قَالَ أَخْبَرَنِي يُونُسُ عَنْ ابْنِ شَهَابٍ قَالَ سَمِعْتُ أَبَا سَلَمَةَ بْنَ عَبْدِ الرَّحْمَنِ وَسَعِيدَ بْنَ الْمُسَيْبِ يَقُولَانِ قَالَ أَبُو هُرَيْرَةَ إِنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ لَا يَزْنِي الزَّانِي حِينَ يَزْنِي وَهُوَ مُؤْمِنٌ وَلَا يَسْرِقُ السَّارِقُ حِينَ يَسْرِقُ وَهُوَ مُؤْمِنٌ وَلَا يَشْرَبُ الْخَمْرَ حِينَ يَشْرَبُهَا وَهُوَ مُؤْمِنٌ

قَالَ ابْنُ شَهَابٍ فَأَخْبَرَنِي عَبْدُ الْمَلِكِ بْنُ أَبِي بَكْرٍ بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ أَنَّ أَبَا بَكْرٍ كَانَ يُحَدِّثُهُمْ هَؤُلَاءِ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ ثُمَّ يَقُولُونَ وَكَانَ أَبُو هُرَيْرَةَ يُلْحِقُ مَعَهُمْ وَلَا يَنْتَهَبُ نُهْبَةَ ذَاتِ شَرَفٍ يَرْفَعُ النَّاسُ إِلَيْهِ فِيهَا أَبْصَارَهُمْ حِينَ يَنْتَهَبُهَا وَهُوَ مُؤْمِنٌ وَحَدَّثَنِي عَبْدُ الْمَلِكِ بْنُ شُعَيْبٍ بْنُ اللَّيْثِ بْنِ سَعْدٍ قَالَ حَدَّثَنِي أَبِي عَنْ جَدِّي قَالَ حَدَّثَنِي عَقِيلُ بْنُ خَالِدٍ قَالَ قَالَ ابْنُ شَهَابٍ أَخْبَرَنِي أَبُو بَكْرٍ بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ الْحَارِثِ بْنِ هِشَامٍ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّهُ قَالَ إِنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ لَا يَزِينِي الرَّأْيِي وَأَقْتَصَّ الْحَدِيثَ بِمِثْلِهِ يَذْكُرُ مَعَ ذِكْرِ النَّهْبَةِ وَلَمْ يَذْكُرْ ذَاتَ شَرَفٍ قَالَ ابْنُ شَهَابٍ حَدَّثَنِي سَعِيدُ بْنُ الْمُسَيْبِ وَأَبُو سَلَمَةَ بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِمِثْلِ حَدِيثِ أَبِي بَكْرٍ هَذَا إِلَّا النَّهْبَةَ وَحَدَّثَنِي مُحَمَّدُ بْنُ مِهْرَانَ الرَّازِيُّ قَالَ أَخْبَرَنِي عَيْسَى بْنُ يُونُسَ حَدَّثَنَا الْأَوْزَاعِيُّ عَنِ الزُّهْرِيِّ عَنِ ابْنِ الْمُسَيْبِ وَأَبِي سَلَمَةَ وَأَبِي بَكْرٍ بْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ الْحَارِثِ بْنِ هِشَامٍ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِمِثْلِ حَدِيثِ عَقِيلٍ عَنِ الزُّهْرِيِّ عَنْ أَبِي بَكْرٍ بْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ وَذَكَرَ النَّهْبَةَ وَلَمْ يَقُلْ ذَاتَ شَرَفٍ وَحَدَّثَنِي حَسَنُ بْنُ عَلِيٍّ الْحُلَوَانِيُّ حَدَّثَنَا يَعْقُوبُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ حَدَّثَنَا عَبْدُ الْعَزِيزِ بْنُ الْمُطَّلِبِ عَنْ صَفْوَانَ بْنِ سُلَيْمٍ عَنْ عَطَاءِ بْنِ يَسَارٍ مَوْلَى مَيْمُونَةَ وَحَمِيدِ بْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ح وَحَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ رَافِعٍ حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّزَّاقِ أَخْبَرَنَا مَعْمَرٌ عَنْ هَمَّامِ بْنِ مُنَبِّهٍ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ بْنُ سَعِيدٍ حَدَّثَنَا عَبْدُ الْعَزِيزِ يَعْنِي الدَّرَّاورِدِيَّ عَنِ الْعَلَاءِ بْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ عَنْ أَبِيهِ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كُلُّ هَؤُلَاءِ بِمِثْلِ حَدِيثِ الزُّهْرِيِّ غَيْرَ أَنَّ الْعَلَاءَ وَصَفْوَانَ بْنَ سُلَيْمٍ لَيْسَ فِي حَدِيثِهِمَا يَرْفَعُ النَّاسُ إِلَيْهِ أَبْصَارَهُمْ وَفِي حَدِيثِ هَمَّامٍ يَرْفَعُ إِلَيْهِ الْمُؤْمِنُونَ أَعْيُنَهُمْ فِيهَا وَهُوَ حِينَ يَنْتَهَبُهَا مُؤْمِنٌ وَزَادَ وَلَا يَغْلُ أَحَدُكُمْ حِينَ يَغْلُ وَهُوَ مُؤْمِنٌ فَأَيَّاكُمْ إِيَّاكُمْ

171/1. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Зинокор зино қилаётган пайтда (комил) мўмин эмас. Ўғри ўғирлик қилаётган пайтда (комил) мўмин эмас. Ароқ ичувчи ароқ ичаётган пайтда (комил) мўмин эмас», дедилар.

Абу Ҳурайра бу ҳадисдагилар қаторига «Одамлар кўз тикиб турган вақтда қадрли (қимматбаҳо) нарсани ўлжалар ичидан (тақсимланишдан олдин) тортиб олаётганда (комил) иймонли эмас», дейилган жумлани қўшардилар.

Бу ерда юқоридаги ҳадис бироз фарқли равишда тўрт марта такрор келган. Тўртинчисида «Ўлжа тақсимлашдан олдин сизлардан бирингиз ундан яширган бўлса, комил мўмин эмас, ундай қилишдан четланиб йироқ бўлинглар» сўзи зиёда қилинган.

172 - حَدَّثَنِي مُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى حَدَّثَنَا ابْنُ أَبِي عَدِيٍّ عَنْ شُعْبَةَ عَنْ سُلَيْمَانَ عَنْ ذَكْوَانَ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ لَا يَزِينِي الرَّأْيِي حِينَ يَزِينِي وَهُوَ مُؤْمِنٌ وَلَا يَسْرِقُ حِينَ يَسْرِقُ وَهُوَ مُؤْمِنٌ وَلَا يَشْرَبُ الْخَمْرَ حِينَ يَشْرَبُهَا وَهُوَ مُؤْمِنٌ وَالتَّوْبَةُ مَعْرُوضَةٌ بَعْدَ حَدَّثَنِي مُحَمَّدُ بْنُ رَافِعٍ حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّزَّاقِ أَخْبَرَنَا سُفْيَانُ عَنِ الْأَعْمَشِ عَنْ ذَكْوَانَ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَفَعَهُ قَالَ لَا يَزِينِي الرَّأْيِي ثُمَّ ذَكَرَ بِمِثْلِ حَدِيثِ شُعْبَةَ

172/2. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Зинокор зино қилаётган пайтда комил мўмин

эмас. Ўғри ўғирлик қилаётган пайтда комил мўмин эмас. Ароқ ичувчи ароқ ичаётган пайтда комил мўмин эмас. Булардан кейин тавба эшиклари очиқдир», дедилар.

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган.

## 25-боб

### Мунофиқнинг хислатлари ҳақида

173 - حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ نُمَيْرٍ ح وَحَدَّثَنَا ابْنُ نُمَيْرٍ حَدَّثَنَا أَبِي حَدَّثَنَا الْأَعْمَشُ ح وَحَدَّثَنِي زُهَيْرُ بْنُ حَرْبٍ حَدَّثَنَا وَكَيْعٌ حَدَّثَنَا سُفْيَانُ عَنِ الْأَعْمَشِ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مُرَّةَ عَنْ مَسْرُوقٍ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَرْبَعٌ مَنْ كُنَّ فِيهِ كَانَ مُنَافِقًا خَالِصًا وَمَنْ كَانَتْ فِيهِ خَلَّةٌ مِنْهُنَّ كَانَتْ فِيهِ خَلَّةٌ مِنْ نِفَاقٍ حَتَّى يَدْعَهَا إِذَا حَدَّثَ كَذَبَ وَإِذَا عَاهَدَ غَدَرَ وَإِذَا وَعَدَ أَخْلَفَ وَإِذَا حَاصِمَ فَجَرَ غَيْرَ أَنْ فِي حَدِيثِ سُفْيَانَ وَإِنْ كَانَتْ فِيهِ حَصَلَةٌ مِنْهُنَّ كَانَتْ فِيهِ حَصَلَةٌ مِنَ النِّفَاقِ

173/1. Абдуллоҳ ибн Амр розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Тўрт хислат борки, улар кимда топилса, у ҳақиқий мунофиқдир. Кимда ана шу хислатлардан бирортаси бўлса, то уни тарк қилгунича ўша кишида мунофиқликдан бир хислат бўлади. Улар агар гапирса, ёлғон гапиради; аҳдлашса, хиёнат қилади; ваъда берса, хилоф қилади; хусуматлашса, ҳақдан юз ўгиради», дедилар.

174 - حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ إِسْحَاقَ أَخْبَرَنَا ابْنُ أَبِي مَرْيَمَ أَخْبَرَنَا مُحَمَّدُ بْنُ جَعْفَرٍ قَالَ أَخْبَرَنِي الْعَلَاءُ بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ يَعْقُوبَ مَوْلَى الْحَرْقَةَ عَنْ أَبِيهِ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنْ عَلَامَاتِ الْمُنَافِقِ ثَلَاثَةٌ إِذَا حَدَّثَ كَذَبَ وَإِذَا وَعَدَ أَخْلَفَ وَإِذَا أَوْثَمَنَ خَانَ حَدَّثَنَا عَقَبَةُ بْنُ مُكْرَمٍ الْعَمِّيُّ حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ مُحَمَّدٍ بْنِ قَيْسٍ أَبُو زَكِيْرٍ قَالَ سَمِعْتُ الْعَلَاءَ بْنَ عَبْدِ الرَّحْمَنِ يُحَدِّثُ بِهَذَا الْإِسْنَادِ وَقَالَ آيَةُ الْمُنَافِقِ ثَلَاثٌ وَإِنْ صَامَ وَصَلَّى وَزَعَمَ أَنَّهُ مُسْلِمٌ وَحَدَّثَنِي أَبُو نَصْرٍ التَّمَارِيُّ وَعَبْدُ الْأَعْلَى بْنُ حَمَّادٍ قَالَ حَدَّثَنَا حَمَّادُ بْنُ سَلَمَةَ عَنْ دَاوُدَ بْنِ أَبِي هِنْدٍ عَنْ سَعِيدِ بْنِ الْمُسَيْبِ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِمِثْلِ حَدِيثِ يَحْيَى بْنِ مُحَمَّدٍ عَنِ الْعَلَاءِ ذَكَرَ فِيهِ وَإِنْ صَامَ وَصَلَّى وَزَعَمَ أَنَّهُ مُسْلِمٌ

174/2. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мунофиқнинг аломати учтадир – агар гапирса, ёлғон гапиради; ваъда берса, хилоф қилади; омонат берилса, хиёнат қилади», дедилар.

Бу ерда юқоридаги ҳадис уч марта такрор келган. Лекин охирида «Агар рўза тутиб, намоз ўқиб, ўзини мусулмон деб даъво қилса ҳам» сўзи зиёда қилинган.

## 26-боб

## Муслмон биродарини «Эй кофир» деб айтган кишининг иймони ҳақида

175 - حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشِيرٍ وَعَبْدُ اللَّهِ بْنُ نُمَيْرٍ قَالَا حَدَّثَنَا عُبَيْدُ اللَّهِ بْنُ عُمَرَ عَنْ نَافِعٍ عَنِ ابْنِ عُمَرَ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ إِذَا كَفَرَ الرَّجُلُ أَخَاهُ فَقَدْ بَاءَ بِهَا أَحَدَهُمَا

175/1. Ибн Умар розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар киши биродарини кофир деса, бу сўз икковларидан бирига қайтади», дедилар.

176 - وَحَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ يَحْيَى التَّمِيمِيُّ وَيَحْيَى بْنُ أَيُّوبَ وَقُتَيْبَةُ بْنُ سَعِيدٍ وَعَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ جَمِيعًا عَنْ إِسْمَاعِيلَ بْنِ جَعْفَرٍ قَالَ يَحْيَى بْنُ يَحْيَى أَخْبَرَنَا إِسْمَاعِيلُ بْنُ جَعْفَرٍ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ دِينَارٍ أَنَّهُ سَمِعَ ابْنَ عُمَرَ يَقُولًا قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَيُّمَا امْرِئٍ قَالَ لِأَخِيهِ يَا كَافِرٍ فَقَدْ بَاءَ بِهَا أَحَدَهُمَا إِنْ كَانَ كَمَا قَالَ وَإِلَّا رَجَعَتْ عَلَيْهِ

176/2. Ибн Умар розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қайси бир киши биродарига «Эй кофир» деб айтса, икковларидан бирига қайтади. Агар у ўша айтган сўзидек бўлса, (кофирдир). Борди-ю, айтган сўзи ўша кишида бўлмаса, айтувчининг ўзига қайтади», дедилар.

177 - وَحَدَّثَنِي زُهَيْرُ بْنُ حَرْبٍ حَدَّثَنَا عَبْدُ الصَّمَدِ بْنُ عَبْدِ الْوَارِثِ حَدَّثَنَا أَبِي حَدَّثَنَا حُسَيْنُ الْمُعَلَّمِ عَنِ ابْنِ بَرِيْدَةَ عَنْ يَحْيَى بْنِ يَعْمَرَ أَنَّ أَبَا الْأَسْوَدِ حَدَّثَهُ عَنْ أَبِي ذَرٍّ أَنَّهُ سَمِعَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ لَيْسَ مِنْ رَجُلٍ ادَّعَى لِعَيْرِ أَبِيهِ وَهُوَ يَعْلَمُهُ إِلَّا كَفَرَ وَمَنْ ادَّعَى مَا لَيْسَ لَهُ فَلَيْسَ مِنَّا وَلْيَتَّبِعُوا مَقْعَدَهُ مِنَ النَّارِ وَمَنْ دَعَا رَجُلًا بِالْكَفْرِ أَوْ قَالَ عَدُوَّ اللَّهِ وَلَيْسَ كَذَلِكَ إِلَّا حَارَ عَلَيْهِ

177/3. Абу Зарр розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қайси бир киши била туриб ҳақиқий отасидан бошқани отам деб даъво қилса, куфрони неъмат қилибди. Ким ўзиники бўлмаган нарсани «меники», деб даъво қилса, биз (нинг жамоамиз)дан эмас. Ва жойини дўзахдан танлаб қўйсин. Ким бирор кишини «кофир» ёки «Аллоҳнинг душмани» деб айтса, ўша айтган сўз у кишида мавжуд бўлмаса, айтувчининг ўзига қайтади», дедилар.

### 27-боб

#### Била туриб отасини тан олмаган кишининг иймони ҳақида

178 - حَدَّثَنِي هَارُونُ بْنُ سَعِيدِ الْأَنْبَلِيُّ حَدَّثَنَا ابْنُ وَهْبٍ قَالَ أَخْبَرَنِي عَمْرُو عَنْ جَعْفَرِ بْنِ رَبِيعَةَ عَنْ عِرَاكِ بْنِ مَالِكٍ أَنَّهُ سَمِعَ أَبَا هُرَيْرَةَ يَقُولًا إِنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ لَا تَرْعَبُوا عَنْ آبَائِكُمْ فَمَنْ رَغِبَ عَنْ أَبِيهِ فَهُوَ كُفْرٌ

178/1. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Оталарингиздан юз ўғирманглар. Ким отасидан юз ўғирса, у куфрони неъмат қилибди», дедилар.

179 - حَدَّثَنِي عَمْرُو النَّاقِدُ حَدَّثَنَا هُشَيْمُ بْنُ بَشِيرٍ أَخْبَرَنَا خَالِدٌ عَنْ أَبِي عَثْمَانَ قَالَ لَمَّا ادَّعَى زَيْدًا لَقِيْتُ أَبَا بَكْرَةَ فَقُلْتُ لَهُ مَا هَذَا الَّذِي صَنَعْتُمْ إِنِّي سَمِعْتُ سَعْدَ بْنَ أَبِي وَقَّاصٍ يَقُولًا سَمِعَ أُذُنَايَ مِنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَهُوَ يَقُولُ مَنْ ادَّعَى أَبَا فِيهِ الْإِسْلَامَ غَيْرَ أَبِيهِ يَعْلَمُ أَنَّهُ غَيْرُ أَبِيهِ فَالْحِجْنَةُ عَلَيْهِ حَرَامٌ فَقَالَ أَبُو بَكْرَةَ وَأَنَا سَمِعْتُهُ مِنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرٍ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ زَكَرِيَّاءَ بْنِ أَبِي زَائِدَةَ وَأَبُو مُعَاوِيَةَ عَنْ عَاصِمِ بْنِ أَبِي عَثْمَانَ عَنْ سَعْدِ وَأَبِي بَكْرَةَ كِلَاهُمَا يَقُولَا سَمِعْتُهُ أُذُنَايَ وَوَعَاهُ قَلْبِي مُحَمَّدًا صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ مَنْ ادَّعَى إِلَى غَيْرِ أَبِيهِ وَهُوَ يَعْلَمُ أَنَّهُ غَيْرُ أَبِيهِ فَالْحِجْنَةُ عَلَيْهِ حَرَامٌ

179/2. Абу Усмон розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. «Зиёд (Муовия ибн Абу Суфённи отам деб) даъво қилганида (онаси бир бўлган) Абу Бақрага йўлиқиб: «Бу нима қилганларингиз? Абу Ваққос: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким Исломда била туриб отасидан бошқа кишини отам, деб даъво қилса, жаннат унга ҳаромдир», деб айтганларини қулоқларим билан эшитганман», деганлар», деб айтсам, Абу Бақра розийаллоҳу анҳу: «Мен ҳам шуни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитганман», дедилар».

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрорланиб, «қулоқларим эшитган»дан кейин «қалбим уни ёд олган», сўзи зиёда қилинган.

## 28-боб

### Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Мусулмонни сўкиш фосиқлик, уни қатл этиш кофирлик», деган сўзлари ҳақида

180 - حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَكَّارٍ بْنِ الرَّيَّانِ وَعَوْنُ بْنُ سَلَامٍ قَالَا حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ طَلْحَةَ ح وَحَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ مَهْدِيٍّ حَدَّثَنَا سُفْيَانُ ح وَحَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ جَعْفَرٍ حَدَّثَنَا شُعْبَةُ كُلُّهُمْ عَنْ زُبَيْدٍ عَنْ أَبِي وَائِلٍ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ سَبَابُ الْمُسْلِمِ فُسُوقٌ وَقِتَالُهُ كُفْرٌ قَالَ زُبَيْدٌ فَقُلْتُ لِأَبِي وَائِلٍ أَنْتَ سَمِعْتَهُ مِنْ عَبْدِ اللَّهِ يَرُويهِ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ نَعَمْ وَلَيْسَ فِي حَدِيثِ شُعْبَةَ قَوْلُ زُبَيْدٍ لِأَبِي وَائِلٍ حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرٍ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ وَابْنُ الْمُثَنَّى عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ جَعْفَرٍ عَنْ شُعْبَةَ عَنْ مَنْصُورٍ ح وَحَدَّثَنَا ابْنُ نُمَيْرٍ حَدَّثَنَا عَفَّانُ حَدَّثَنَا شُعْبَةُ عَنِ الْأَعْمَشِ كِلَاهُمَا عَنْ أَبِي وَائِلٍ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِمِثْلِهِ

180/1. Абдуллоҳ ибн Масъуд розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мусулмонни сўкиш фосиқлик, уни ўлдириш кофирликдир», дедилар.

Зубайд айтадилар: «Абу Воилга «Сиз ҳам Абдуллоҳнинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан қилган ушбу ривоятларини эшитганмисиз?» десам, у зот: «Ҳа», деб жавоб бердилар».

Аммо Шўъба ривоятида Зубайднинг Абу Воилга айтган сўзлари йўқ. Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган.

### 29-боб

**Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Мендан кейин баъзингиз баъзингизнинг бўйнига (қилич билан) уриб (Исломдан) орқага қайтиб кетманглар», деган сўзлари ҳақида**

181 - حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ وَمُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى وَابْنُ بَشَّارٍ جَمِيعًا عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ جَعْفَرٍ عَنْ شُعْبَةَ ح وَحَدَّثَنَا عُبَيْدُ اللَّهِ بْنُ مُعَاذٍ وَاللَّفْظُ لَهُ حَدَّثَنَا أَبِي حَدَّثَنَا شُعْبَةُ عَنْ عَلِيِّ بْنِ مُدْرِكٍ سَمِعَ أَبَا زُرْعَةَ يُحَدِّثُ عَنْ جَدِّهِ جَرِيرٍ قَالَ قَالَ لِي النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي حَجَّةِ الْوَدَاعِ اسْتَنْصِتِ النَّاسَ ثُمَّ قَالَ لَا تَرْجِعُوا بَعْدِي كُفْرًا يَضْرِبُ بَعْضُكُمْ رِقَابَ بَعْضٍ وَحَدَّثَنَا عُبَيْدُ اللَّهِ بْنُ مُعَاذٍ حَدَّثَنَا أَبِي حَدَّثَنَا شُعْبَةُ عَنْ وَاقِدِ بْنِ مُحَمَّدٍ عَنْ أَبِيهِ عَنْ ابْنِ عُمَرَ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِمِثْلِهِ

181/1. Абу Зуръа боболари Жарир розийаллоҳу анҳудан ривоят қиладилар. «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам видо ҳажида менга «Одамларни тинчлантир», деб, кейин: «Мендан кейин баъзингиз баъзингизнинг бўйнига (қилич) билан уриб кофир бўлган ҳолда орқага қайтиб кетманглар», дедилар».

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган.

182 - وَحَدَّثَنِي أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ وَأَبُو بَكْرِ بْنُ خَلَّادِ الْبَاهِلِيُّ قَالَا حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ جَعْفَرٍ حَدَّثَنَا شُعْبَةُ عَنْ وَاقِدِ بْنِ مُحَمَّدِ بْنِ زَيْدٍ أَنَّهُ سَمِعَ أَبَاهُ يُحَدِّثُ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ قَالَ فِي حَجَّةِ الْوَدَاعِ وَيَحْكُمُ أَوْ قَالَ وَيَلْكُمُ لَا تَرْجِعُوا بَعْدِي كُفْرًا يَضْرِبُ بَعْضُكُمْ رِقَابَ بَعْضٍ حَدَّثَنِي حَرْمَلَةُ بْنُ يَحْيَى أَخْبَرَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ وَهْبٍ قَالَ حَدَّثَنِي عُمَرُ بْنُ مُحَمَّدٍ أَنَّ أَبَاهُ حَدَّثَهُ عَنْ ابْنِ عُمَرَ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِمِثْلِ حَدِيثِ شُعْبَةَ عَنْ وَاقِدِ

182/2. Абдуллоҳ ибн Умар розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам видо ҳажида: «Сизларга вой бўлсин! Яна мендан кейин баъзингиз баъзингизнинг бўйнига (қилич) билан уриб кофир бўлиб кетманглар», дедилар.

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган.

### 30-боб

**Насабда ҳақорат қилиш ва ўлганга дод-войлаб йиғлашда куфр калимасини ишлатиш ҳақида**

183 - وَحَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ حَدَّثَنَا أَبُو مُعَاوِيَةَ ح وَحَدَّثَنَا ابْنُ نُمَيْرٍ وَاللَّفْظُ لَهُ حَدَّثَنَا أَبِي وَمُحَمَّدُ بْنُ عَبْدِ كُلْهُمٍ عَنِ الْأَعْمَشِ عَنْ أَبِي صَالِحٍ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ اثْنَتَانِ فِي النَّاسِ هُمَا بِهِمَا كُفْرُ الطَّعْنِ فِي النَّسَبِ وَالنِّيَاحَةِ عَلَى الْمَيِّتِ

183/1. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Инсонлар орасида икки сифат борки, улар куфрдир: насабни ҳақорат қилиш; ўликка дод-войлаб йиғлаш», дедилар.

(Изоҳ: Уламолар арабчадаги «кафара» феълига тўрт хил маъно беришади: 1) куфр амаллари, жоҳилият ахлоқлари; 2) куфрга олиб борувчи; 3) куфрони неъмат; 4) ўзига ҳалол қилиб олса, кофир бўлиши).

### 31-боб

#### Хожаси измидан қочиб кетган қулнинг кофир деб аталгани ҳақида

184 - حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ السَّعْدِيُّ حَدَّثَنَا إِسْمَاعِيلُ يُعْنِي ابْنَ عَلْبَةَ عَنْ مَنْصُورِ بْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ عَنِ الشَّعْبِيِّ عَنْ جَرِيرٍ أَنَّهُ سَمِعَهُ يَقُولُ أَيُّمَا عَبْدٍ أَبَقَ مِنْ مَوَالِيهِ فَقَدْ كَفَرَ حَتَّى يَرْجَعَ إِلَيْهِمْ قَالَ مَنْصُورٌ قَدْ وَاللَّهِ رَوَى عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَلَكِنِّي أَكْرَهُ أَنْ يُرَوَى عَنِّي هَهُنَا بِالْبَصْرَةِ

184/1. Жарир розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Бу зот қуйидагича ривоятни эшитганлар: «Қайси бир қул ўз хожаси измидан қочиб кетса, то қайтиб келгунича кофир бўлибди».

Ушбу ҳадис ровийларидан бири Мансур: «Аллоҳга қасамки, ҳақиқатда бу ҳадис Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилинди. Лекин мен бу ердан туриб (яъни, Басрадан) ривоят қилинмоғини кариҳ кўраман», дедилар.

185 - حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ حَدَّثَنَا حَفْصُ بْنُ غِيَاثٍ عَنْ دَاوُدَ عَنِ الشَّعْبِيِّ عَنْ جَرِيرٍ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَيُّمَا عَبْدٍ أَبَقَ فَقَدْ بَرِئَتْ مِنْهُ الدِّمَةُ

185/2. Жарир розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қайси бир қул (хожаси измидан) қочиб кетса, ундан ҳимоя кўтарилибди», дедилар.

186 - حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ يَحْيَى أَخْبَرَنَا جَرِيرٌ عَنْ مُغِيرَةَ عَنِ الشَّعْبِيِّ قَالَ كَانَ جَرِيرٌ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ يُحَدِّثُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ إِذَا أَبَقَ الْعَبْدُ لَمْ تُقْبَلْ لَهُ صَلَاةٌ

186/3. Жарир ибн Абдуллоҳ розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар қул қочиб кетса, унинг намози қабул қилинмайди», дедилар.

### 32-боб

#### «Юлдузлар алмашуви сабабли бизга ёмғир ёғди», деб айтган кишининг кофир бўлиши ҳақида

187 - حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ يَحْيَى قَالَ قَرَأْتُ عَلَى مَالِكٍ عَنْ صَالِحِ بْنِ كَيْسَانَ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُتْبَةَ عَنْ زَيْدِ بْنِ خَالِدِ الْجُهَنِيِّ قَالَ صَلَّى بِنَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ صَلَاةَ الصُّبْحِ بِالْحَدِيثِيَّةِ فِي إِثْرِ السَّمَاءِ كَانَتْ مِنَ اللَّيْلِ فَلَمَّا انْصَرَفَ أَقْبَلَ عَلَى النَّاسِ فَقَالَ هَلْ تَذُرُونَ مَاذَا قَالَ رَبُّكُمْ قَالُوا اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَعْلَمُ قَالَ قَالَ أَصْبَحَ مِنْ عِبَادِي مُؤْمِنٌ بِي وَكَافِرٌ فَأَمَّا مَنْ قَالَ مُطِرْنَا بِفَضْلِ اللَّهِ وَرَحْمَتِهِ فَذَلِكَ مُؤْمِنٌ بِي كَافِرٌ بِالْكَوْكَبِ وَأَمَّا مَنْ قَالَ مُطِرْنَا بِنَوْءِ كَذَا وَكَذَا فَذَلِكَ كَافِرٌ بِي مُؤْمِنٌ بِالْكَوْكَبِ

187/1. Зайд ибн Холид ал-Жуханий розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳудайбийяда тунги ёмғир сўнггидан бомдод намозини ўқиб бердилар. Ўқиб бўлгач оламларга юзландилар-да: «Раббингиз нима деганини биласизларми?» дедилар. Одамлар: «Аллоҳ ва Унинг расули билувчироқ», дейишди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «(Аллоҳ): «Бандаларим Менга мўмин ва кофир ҳолда тонг оттиришади. Ким «Аллоҳнинг фазли ва раҳмати сабабли ёмғир ёғдирилди», деса, Менга мўмин бўлиб, юлдузларга кофир бўлибди. Аммо ким юлдуздаги ундай ёки бундай нарса сабабли ёмғир ёғдирилди, деса, Менга кофир, юлдузга мўмин бўлибди», дейди», дедилар.

188 - حَدَّثَنِي حَرْمَلَةُ بْنُ يَحْيَى وَعَمْرُو بْنُ سَوَادٍ الْعَامِرِيُّ وَمُحَمَّدُ بْنُ سَلَمَةَ الْمُرَادِيُّ قَالَ الْمُرَادِيُّ حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ وَهْبٍ عَنْ يُونُسَ وَقَالَ الْآخِرَانِ أَخْبَرَنَا ابْنُ وَهْبٍ قَالَ أَخْبَرَنِي يُونُسُ عَنْ ابْنِ شَهَابٍ قَالَ حَدَّثَنِي عُبَيْدُ اللَّهِ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُتْبَةَ أَنَّ أَبَا هُرَيْرَةَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَلَمْ تَرَوْا إِلَى مَا قَالَ رَبُّكُمْ قَالَ مَا أَنْعَمْتُ عَلَى عِبَادِي مِنْ نِعْمَةٍ إِلَّا أَصْبَحَ فَرِيقٌ مِنْهُمْ بِهَا كَافِرِينَ يَقُولُونَ الْكَوَاكِبُ وَالْكَوَاكِبُ

188/2. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Раббингиз нима деб айтганига қарамайсизларми? «Мен бандаларимга неъматлар ато этсам, улардан бир тоифаси кофир бўлиб тонг оттиришади. Юлдузлар ва юлдузлар сабабли (ёмғир ёғди), дейишгани учун шундай бўлишди», деди», дедилар.

189 - وَحَدَّثَنِي مُحَمَّدُ بْنُ سَلَمَةَ الْمُرَادِيُّ حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ وَهْبٍ عَنْ عَمْرُو بْنِ الْحَارِثِ ح وَحَدَّثَنِي عَمْرُو بْنُ سَوَادٍ أَخْبَرَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ وَهْبٍ أَخْبَرَنَا عَمْرُو بْنُ الْحَارِثِ أَنَّ أَبَا يُونُسَ مَوْلَى أَبِي هُرَيْرَةَ حَدَّثَهُ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ



وَسَلَّمَ قَالَ مَا أَنْزَلَ اللَّهُ مِنَ السَّمَاءِ مِنْ بَرَكَاتٍ إِلَّا أَصْبَحَ فَرِيْقٌ مِنَ النَّاسِ بِهَا كَافِرِينَ يُنْزِلُ اللَّهُ الْعَيْثَ فَيَقُولُونَ الْكُوكَبُ كَذَا وَكَذَا وَفِي حَدِيثِ الْمُرَادِيِّ بِكَوْكَبٍ كَذَا وَكَذَا

189/3. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ таоло осмондан баракасани туширса, одамлардан бир фирқа ўша нарса сабабли кофир бўлади. Чунки Аллоҳ таоло уларга ёмғир туширса, улар юлдуздаги у ёки бу сабабли ёмғир ёғди, деб айтишади», дедилар. Лекин Муродий исмли ровийнинг ҳадисида «Фалон-фистон юлдуз сабабли ёмғир ёғди» бўлиб келган.

190 - وَحَدَّثَنِي عَبَّاسُ بْنُ عَبْدِ الْعَظِيمِ الْعَبْرِيُّ حَدَّثَنَا النَّضْرُ بْنُ مُحَمَّدٍ حَدَّثَنَا عِكْرِمَةُ وَهُوَ ابْنُ عَمَّارٍ حَدَّثَنَا أَبُو زُمَيْلٍ قَالَ حَدَّثَنِي ابْنُ عَبَّاسٍ قَالَ مَطَّرَ النَّاسُ عَلَى عَهْدِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَصْبَحَ مِنَ النَّاسِ شَاكِرٌ وَمِنْهُمْ كَافِرٌ قَالُوا هَذِهِ رَحْمَةُ اللَّهِ وَقَالَ بَعْضُهُمْ لَقَدْ صَدَقَ نَوْءٌ كَذَا وَكَذَا قَالَ فَتَنَزَلَتْ هَذِهِ الْآيَةُ ( فَلَا أُقْسِمُ بِمَوَاقِعِ النُّجُومِ ) حَتَّى بَلَغَ ( وَتَجْعَلُونَ رِزْقَكُمْ أَنَّكُمْ تُكَذِّبُونَ )

190/4. Ибн Аббос розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам замонларида одамларга ёмғир ёғдирилди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Одамлардан баъзилари шукр қилувчи ва баъзилар кофир бўлишди», дедилар. Чунки баъзилари: «Бу ёққан ёмғир Аллоҳнинг раҳматидир», дейишди ва баъзилар: «Юлдуздаги у ёки бу нарса ўзгариши сабабли ёмғир ёғди», дейишди.

Кейин қуйидаги оят нозил бўлди: «Мен юлдузларнинг ботар жойларига қасам ичурманки, (ҳағтоки) сизлар (Қуръонни) ёлғон, дейиш(дек бадбахтлик)ни ўзларингизнинг ризқ-насибаларингиз қилиб олурсизларми?» (Воқеа сураси, 75–82-оятлар.)

### 33-боб

**Ансорларни (Аллоҳ улардан рози бўлсин) яхши кўриш иймон ва унинг аломатларидандир. Уларни ёмон кўриш мунофиқлик аломатига далил экани ҳақида**

191 - حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ مَهْدِيٍّ عَنْ شُعْبَةَ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ جَبْرِ قَالَ سَمِعْتُ أَنَسًا قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ آيَةُ الْمُنَافِقِ بُغْضُ الْأَنْصَارِ وَآيَةُ الْمُؤْمِنِ حُبُّ الْأَنْصَارِ

191/1. Анас розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ансорларни ёмон кўриш – мунофиқлик аломати. Ансорларни яхши кўриш мўминлик аломатидир», дедилар.

192 - حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ حَبِيبٍ الْحَارِثِيُّ حَدَّثَنَا خَالِدٌ يَعْنِي ابْنَ الْحَارِثِ حَدَّثَنَا شُعْبَةُ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ عَنْ أَنَسٍ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ قَالَ حُبُّ الْأَنْصَارِ آيَةُ الْإِيمَانِ وَبُغْضُهُمْ آيَةُ النِّفَاقِ

192/2. Анас розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ансорларни яхши кўриш – иймон аломати, уларни ёмон кўриш мунофиқлик аломатидир», дедилар.

193 - وَحَدَّثَنِي زُهَيْرُ بْنُ حَرْبٍ قَالَ حَدَّثَنِي مُعَاذُ بْنُ مُعَاذٍ ح وَحَدَّثَنَا عُيَيْدُ اللَّهِ بْنُ مُعَاذٍ وَاللَّفْظُ لَهُ حَدَّثَنَا أَبِي حَدَّثَنَا شُعْبَةُ عَنْ عَدِيِّ بْنِ ثَابِتٍ قَالَ سَمِعْتُ الْبَرَاءَ يُحَدِّثُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ قَالَ فِي الْأَنْصَارِ لَا يُحِبُّهُمْ إِلَّا الْمُؤْمِنُ وَلَا يُبْغِضُهُمْ إِلَّا مُنَافِقٌ مَنْ أَحَبَّهُمْ أَحَبَّهُ اللَّهُ وَمَنْ أَبْغَضَهُمْ أَبْغَضَهُ اللَّهُ قَالَ شُعْبَةُ قُلْتُ لِعَدِيِّ سَمِعْتَهُ مِنَ الْبَرَاءِ قَالَ إِيَّايَ حَدَّثَ

193/3. Барро розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ансорлар ҳақида гапириб: «Уларни фақат мўмин яхши кўради. Уларни фақат мунофиқларгина ёмон кўрадилар. Ким ансорларни яхши кўрса, Аллоҳ уларни яхши кўради. Ким ансорларни ёмон кўрса, Аллоҳ уларни ёмон кўради», дедилар.

Шўъба розийаллоҳу анҳу Адийга: «Бу ҳадисни Барродан эшитдингми?» деганларида, Адий: «Менга гапириб берган эди», дедилар.

194 - حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ بْنُ سَعِيدٍ حَدَّثَنَا يَعْقُوبُ يَعْنِي ابْنَ عَبْدِ الرَّحْمَنِ الْقَارِيَّ عَنْ سَهْلٍ عَنْ أَبِيهِ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ لَا يُبْغِضُ الْأَنْصَارَ رَجُلٌ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ وَحَدَّثَنَا عُثْمَانُ بْنُ مُحَمَّدٍ عَنْ أَبِي شَيْبَةَ حَدَّثَنَا جَرِيرٌ ح وَحَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ حَدَّثَنَا أَبُو أُسَامَةَ كِلَاهُمَا عَنِ الْأَعْمَشِ عَنْ أَبِي صَالِحٍ عَنْ أَبِي سَعِيدٍ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَا يُبْغِضُ الْأَنْصَارَ رَجُلٌ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ

194/4. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган киши ансорларни ёмон кўрмайди», дедилар.

Бу ерда Абу Саид розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинган худди шу маънодаги ҳадис келтирилган.

195 - حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ حَدَّثَنَا وَكِيعٌ وَأَبُو مُعَاوِيَةَ عَنِ الْأَعْمَشِ ح وَحَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ يَحْيَى وَاللَّفْظُ لَهُ أَخْبَرَنَا أَبُو مُعَاوِيَةَ عَنِ الْأَعْمَشِ عَنْ عَدِيِّ بْنِ ثَابِتٍ عَنْ زُرِّ قَالَ قَالَ عَلِيُّ وَالَّذِي فَلَقَ الْحَبَّةَ وَبَرَأَ النَّسَمَةَ إِنَّهُ لَعَهْدُ النَّبِيِّ الْأَمِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِلَيَّ أَنْ لَا يُحِبَّنِي إِلَّا مُؤْمِنٌ وَلَا يُبْغِضَنِي إِلَّا مُنَافِقٌ

195/5. Зирр розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Али розийаллоҳу анҳу: «Донларни ёриб, инсонларни яратган Зотга қасамки, менда оми

пайғамбар (Муҳаммад алайҳиссалом)дан аҳд бор. У ҳам бўлса мени фақат мўмин яхши кўриб, мунофиқ ёмон кўради», дедилар.

### 34-боб

#### Тоат ноқис бўлиши билан иймоннинг ноқис бўлиши ҳамда куфр калимасини Аллоҳга куфр келтиришдан бошқа нарсаларда, яъни неъматга ва ҳуқуқларда ишлатилишининг баёни

196 – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ رُمْحٍ بْنُ الْمُهَاجِرِ الْمِصْرِيُّ أَخْبَرَنَا اللَّيْثُ عَنْ ابْنِ الْهَادِ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ دِينَارٍ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ قَالَ يَا مَعْشَرَ النَّسَاءِ تَصَدَّقْنَ وَأَكْثِرْنَ الْإِسْتِعْفَارَ فَإِنِّي رَأَيْتُكُنَّ أَكْثَرَ أَهْلِ النَّارِ فَقَالَتْ امْرَأَةٌ مِنْهُنَّ حَزَلَةٌ وَمَا لَنَا يَا رَسُولَ اللَّهِ أَكْثَرَ أَهْلِ النَّارِ قَالَ تُكْثِرْنَ اللَّعْنَ وَتَكْفُرْنَ الْعَشِيرَ وَمَا رَأَيْتُ مِنْ نَاقِصَاتِ عَقْلِ وَدِينٍ أَغْلَبَ لَدَيْ لُبِّ مَنْكُنَّ قَالَتْ يَا رَسُولَ اللَّهِ وَمَا نُقْصَانُ الْعَقْلِ وَالدِّينِ قَالَ أَمَّا نُقْصَانُ الْعَقْلِ فَشَهَادَةُ امْرَأَتَيْنِ تَعْدِلُ شَهَادَةَ رَجُلٍ فَهَذَا نُقْصَانُ الْعَقْلِ وَتَمَكُّثُ اللَّيَالِي مَا تُصَلِّي وَتُفْطِرُ فِي رَمَضَانَ فَهَذَا نُقْصَانُ الدِّينِ وَحَدَّثَنِيهِ أَبُو الطَّاهِرِ أَخْبَرَنَا ابْنُ وَهْبٍ عَنْ بَكْرِ بْنِ مُضَرَ عَنْ ابْنِ الْهَادِ بِهَذَا الْإِسْنَادِ مِثْلَهُ وَحَدَّثَنِي الْحَسَنُ بْنُ عَلِيٍّ الْحُلَوَانِيُّ وَأَبُو بَكْرِ بْنُ إِسْحَاقَ قَالَ حَدَّثَنَا ابْنُ أَبِي مَرْيَمَ أَخْبَرَنَا مُحَمَّدُ بْنُ جَعْفَرٍ قَالَ أَخْبَرَنِي زَيْدُ بْنُ أَسْلَمَ عَنْ عِيَّاضِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ح وَحَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ أَبِي بَرْزَةَ وَابْنُ حُجْرٍ قَالُوا حَدَّثَنَا إِسْمَاعِيلُ وَهُوَ ابْنُ جَعْفَرٍ عَنْ عَمْرِو بْنِ أَبِي عَمْرٍو عَنِ الْمُقْبِرِيِّ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِمِثْلِ مَعْنَى حَدِيثِ ابْنِ عُمَرَ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ

196/1. Ибн Умар розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эй аёллар жамоаси, садақа беринглар ва истиғфор айтишни кўпайтиринглар. Чунки дўзах аҳлининг кўпчилигини сиз, аёллардан ташкил топганини кўрдим», деганларида, бир оқида аёл: «Нима учун дўзах аҳлининг аксарияти биз аёллардан ташкил топган?» деди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Лаънатни кўп айтасизлар ва эрларингизга кўп ношукрлик қиласизлар. Мен сизлардан кўра ақл ва динда ноқис бўлиб, ақллилар устидан ғолиб келувчиларни кўрмадим», дедилар. Ҳалиги аёл: «Ақли ва дини ноқис деганингиз нима?» деб сўраган эди, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Икки аёлнинг гувоҳлиги бир эркак гувоҳлигига тенг бўлиши ақли ноқислигидир. Ҳайз ва нифос қони кўрганида намоз ўқимаслиги дини ноқислигидир», дедилар.

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган.

### 35-боб

#### Намозни тарк қилган кишига куфр калимасининг ишлатилиши ҳақида

197 – حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ وَأَبُو كُرَيْبٍ قَالَا حَدَّثَنَا أَبُو مُعَاوِيَةَ عَنِ الْأَعْمَشِ عَنْ أَبِي صَالِحٍ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا قَرَأَ ابْنُ آدَمَ السَّجْدَةَ فَسَجَدَ اعْتَزَلَ الشَّيْطَانُ يَنْكِي يَقُولُ يَا وَيْلَهُ وَفِي رِوَايَةٍ أَبِي كُرَيْبٍ يَا وَيْلِي أَمَرَ

ابْنُ آدَمَ بِالسُّجُودِ فَسَجَدَ فَلَهُ الْجَنَّةُ وَأُمِرْتُ بِالسُّجُودِ فَأَبَيْتُ فَلِيَ النَّارُ حَدَّثَنِي زُهَيْرُ بْنُ حَرْبٍ حَدَّثَنَا وَكَيْعٌ حَدَّثَنَا الْأَعْمَشُ بِهَذَا الْإِسْنَادِ  
مِثْلَهُ غَيْرَ أَنَّهُ قَالَ فَعَصَيْتُ فَلِيَ النَّارُ

197/1. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қачонки, одам боласи сажда (ояти)ни ўқиб (дарҳол) сажда қилганида шайтон йиғлаб узоқлашади ва унга вой бўлсин, деб айтади», дедилар.

Абу Курайбнинг ривоятларида «Менга вой бўлсин! Одам боласи сажда қилишга буюрилганида сажда қилди ва унга жаннат берилди. Мен эса бош тортдим ва менга дўзах берилди» бўлиб келган.

Аъмаш розийаллоҳу анҳунинг ривоятларида ҳам шу санад билан ривоят қилинган, лекин «Осийлик қилганим учун менга дўзах берилди» бўлиб келган.

198 - حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ يَحْيَى التَّمِيمِيُّ وَعُثْمَانُ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ كِلَاهُمَا عَنْ جَرِيرٍ قَالَ يَحْيَى أَخْبَرَنَا جَرِيرٌ عَنِ الْأَعْمَشِ عَنْ أَبِي سُوَيْبَانَ قَالَ سَمِعْتُ جَابِرًا يَقُولُ سَمِعْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ إِنَّ بَيْنَ الرَّجُلِ وَبَيْنَ الشِّرْكِ وَالْكَفْرِ تَرْكُ الصَّلَاةِ حَدَّثَنَا أَبُو غَسَّانَ الْمِصْمَعِيُّ حَدَّثَنَا الضَّحَّاكُ بْنُ مَخْلَدٍ عَنْ ابْنِ جُرَيْجٍ قَالَ أَخْبَرَنِي أَبُو الزُّبَيْرِ أَنَّهُ سَمِعَ جَابِرَ بْنَ عَبْدِ اللَّهِ يَقُولًا سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ بَيْنَ الرَّجُلِ وَبَيْنَ الشِّرْكِ وَالْكَفْرِ تَرْكُ الصَّلَاةِ

198/2. Жобир розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Киши билан ширк ва куфр орасида намозни тарк қилиш бор», дедилар.

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган.

### 36-боб

#### Аллоҳ таолога иймон келтириш амалларнинг энг афзали экани ҳақида

199 - وَحَدَّثَنَا مَنصُورُ بْنُ أَبِي مُزَاهِمٍ حَدَّثَنَا إِبْرَاهِيمُ بْنُ سَعْدٍ ح حَدَّثَنِي مُحَمَّدُ بْنُ جَعْفَرٍ بْنُ زِيَادٍ أَخْبَرَنَا إِبْرَاهِيمُ يَعْنِي ابْنَ سَعْدٍ عَنْ ابْنِ شَهَابٍ عَنْ سَعِيدِ بْنِ الْمُسَيْبِ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ سَأَلَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَيُّ الْأَعْمَالِ أَفْضَلُ قَالَ إِيمَانٌ بِاللَّهِ قَالَ ثُمَّ مَاذَا قَالَ الْجِهَادُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ قَالَ ثُمَّ مَاذَا قَالَ حَجٌّ مَبْرُورٌ وَفِي رِوَايَةٍ مُحَمَّدُ بْنُ جَعْفَرٍ قَالَ إِيمَانٌ بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ وَحَدَّثَنِي مُحَمَّدُ بْنُ رَافِعٍ وَعَبْدُ بْنُ حُمَيْدٍ عَنْ عَبْدِ الرَّزَّاقِ أَخْبَرَنَا مَعْمَرٌ عَنِ الزُّهْرِيِّ بِهَذَا الْإِسْنَادِ مِثْلَهُ

199/1. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан: «Қайси амал афзал?» деб сўралганида, у зот: «Аллоҳга иймон келтириш», дедилар. «Кейин қайси?» деб сўралганида, у зот: «Аллоҳ йўлида жиҳод», дедилар. «Кейин қайси?» деб сўралганида, у зот: «Мақбул ҳаж», дедилар.

Муҳаммад ибн Жаъфарнинг ривоятларида эса «Аллоҳ ва расулига иймон келтириш» бўлиб келган.

200 - حَدَّثَنِي أَبُو الرَّبِيعِ الزَّهْرَانِيُّ حَدَّثَنَا حَمَادُ بْنُ زَيْدٍ حَدَّثَنَا هِشَامُ بْنُ عُرْوَةَ ح وَحَدَّثَنَا خَلْفُ بْنُ هِشَامٍ وَاللَّفْظُ لَهُ حَدَّثَنَا حَمَادُ بْنُ زَيْدٍ عَنْ هِشَامِ بْنِ عُرْوَةَ عَنْ أَبِيهِ عَنْ أَبِي مُرَاجِحٍ اللَّيْثِيِّ عَنْ أَبِي ذَرٍّ قَالَ قُلْتُ يَا رَسُولَ اللَّهِ أَيُّ الْأَعْمَالِ أَفْضَلُ قَالَ الْإِيمَانُ بِاللَّهِ وَالْجِهَادُ فِي سَبِيلِهِ قَالَ قُلْتُ أَيُّ الرِّقَابِ أَفْضَلُ قَالَ أَنْفُسُهَا عِنْدَ أَهْلِهَا وَأَكْثَرُهَا ثَمَنًا قَالَ قُلْتُ فَإِنْ لَمْ أَفْعَلْ قَالَ تُعِينُ صَانِعًا أَوْ تَصْنَعُ لِأَخْرَقَ قَالَ قُلْتُ يَا رَسُولَ اللَّهِ أَرَأَيْتَ إِنْ ضَعُفْتُ عَنْ بَعْضِ الْعَمَلِ قَالَ تَكْفُفُ شَرَّكَ عَنِ النَّاسِ فَإِنَّهَا صَدَقَةٌ مِنْكَ عَلَى نَفْسِكَ حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ رَافِعٍ وَعَبْدُ بْنُ حُمَيْدٍ قَالَ عَبْدُ أَخْبَرَنَا وَقَالَ ابْنُ رَافِعٍ حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّزَّاقِ أَخْبَرَنَا مَعْمَرٌ عَنِ الزُّهْرِيِّ عَنْ حَبِيبِ مَوْلَى عُرْوَةَ بْنِ الزُّبَيْرِ عَنْ عُرْوَةَ بْنِ الزُّبَيْرِ عَنْ أَبِي مُرَاجِحٍ عَنْ أَبِي ذَرٍّ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِنَحْوِهِ غَيْرَ أَنَّهُ قَالَ فَتُعِينُ الصَّانِعَ أَوْ تَصْنَعُ لِأَخْرَقَ

200/2. Абу Зарр розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. «Мен: «Эй Аллоҳнинг расули, амалларнинг қайси бири афзалроқ?» десам, у зот: «Аллоҳга иймон келтириш ва Унинг йўлида жиҳод қилиш», дедилар. Мен: «Қайси қулни озод қилиш афзалроқ?» деганимда, у зот: «Эгаси наздида яхши бўлганини ҳамда нархи қимматини», дедилар. Мен: «Агар буни қила олмасам-чи?» десам, у зот: «Ҳунармандга ёрдам бергин ёки ҳунарсизни иш билан таъминлагин», дедилар. Мен: «Эй Аллоҳнинг расули, агар баъзи амалларни адо этишда заифлашиб қолсам, нима қилай?» деганимда, у зот: «Одамлардан ёмонлигини тўхтат. Бундай қилишинг ҳам ўз нафсинг учун садақадир», дедилар».

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган.

201 - حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ مُسَهَّرٍ عَنِ الشَّيْبَانِيِّ عَنِ الْوَلِيدِ بْنِ الْعِزَّارِ عَنْ سَعْدِ بْنِ إِبْرَاهِيمَ أَبِي عَمْرٍو الشَّيْبَانِيِّ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ قَالَ سَأَلْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَيُّ الْعَمَلِ أَفْضَلُ قَالَ الصَّلَاةُ لَوْ قَتَلْتَهَا قُلْتُ ثُمَّ أَيُّ قَالَ بَرُّ الْوَالِدَيْنِ قَالَ قُلْتُ ثُمَّ أَيُّ قَالَ الْجِهَادُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ فَمَا تَرَكْتُ أَسْتَزِيدُهُ إِلَّا إِرْعَاءَ عَلَيْهِ

201/3. Абдуллоҳ ибн Масъуд розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан: «Амалларнинг қайсиси афзал?» деб сўрасам, у зот: «Вақтида ўқилган намоз», дедилар. «Кейин қайсиси?» десам, у зот: «Ота-онага яхшилик қилиш», дедилар. «Кейин қайсиси?» десам, у зот: «Аллоҳ йўлида жиҳод», дедилар. У зотнинг ривоятларини қилиб ортиқча сўрашни тарк қилдим».

202 - حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ أَبِي عُمَرَ الْمَكِّيُّ حَدَّثَنَا مَرْوَانُ الْفَزَارِيُّ حَدَّثَنَا أَبُو يَعْفُورٍ عَنِ الْوَلِيدِ بْنِ الْعِزَّارِ عَنْ أَبِي عَمْرٍو الشَّيْبَانِيِّ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ قَالَ قُلْتُ يَا نَبِيَّ اللَّهِ أَيُّ الْأَعْمَالِ أَقْرَبُ إِلَى الْجَنَّةِ قَالَ الصَّلَاةُ عَلَى مَوَاقِفِهَا قُلْتُ وَمَاذَا يَا نَبِيَّ اللَّهِ قَالَ بَرُّ الْوَالِدَيْنِ قُلْتُ وَمَاذَا يَا نَبِيَّ اللَّهِ قَالَ الْجِهَادُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ

202/4. Абдуллоҳ ибн Масъуд розийаллоҳу анҳдан ривоят қилинади. «Мен: «Эй Аллоҳнинг набийи, амалларнинг қайсиси жаннатга яқинроқ?» деб сўрасам, у зот: «Вақтида ўқилган намоз», дедилар. Мен: «Эй Аллоҳнинг набийи, яна-чи?» десам, у зот: «Ота-онага яхшилик қилиш», дедилар. Мен: «Эй Аллоҳнинг набийи, яна-чи?» десам, у зот: «Аллоҳ йўлида жиҳод», дедилар».

203 - وَحَدَّثَنَا عُبَيْدُ اللَّهِ بْنُ مُعَاذِ الْعَنْبَرِيِّ حَدَّثَنَا أَبِي حَدَّثَنَا شُعْبَةُ بْنُ الْوَلِيدِ بْنِ الْعِزَّارِ أَنَّهُ سَمِعَ أَبَا عَمْرٍو الشَّيْبَانِيَّ قَالَ حَدَّثَنِي صَاحِبُ هَذِهِ الدَّارِ وَأَشَارَ إِلَيَّ دَارَ عَبْدِ اللَّهِ قَالَ سَأَلْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَيُّ الْأَعْمَالِ أَحَبُّ إِلَيَّ اللَّهُ قَالَ الصَّلَاةُ عَلَيَّ وَقَتُّهَا قُلْتُ ثُمَّ أَيٌّ قَالَ ثُمَّ بَرُّ الْوَالِدَيْنِ قُلْتُ ثُمَّ أَيٌّ قَالَ ثُمَّ الْجِهَادُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ قَالَ حَدَّثَنِي بِهِنَّ وَلَوْ اسْتَرَدَدْتُهُ لَزَادَنِي حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ جَعْفَرٍ حَدَّثَنَا شُعْبَةُ بِهِذَا الْإِسْنَادِ مِثْلَهُ وَزَادَ وَأَشَارَ إِلَيَّ دَارَ عَبْدِ اللَّهِ وَمَا سَمَاءُ لَنَا

203/5. Абдуллоҳ розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан: «Амалларнинг қайси бири Аллоҳга маҳбуброқ?» деб сўрасам, у зот: «Вақтида ўқилган намоз», дедилар. «Кейин қайси?» десам, у зот: «Ота-онага яхшилик қилиш», дедилар. «Кейин қайси?» десам, у зот: «Аллоҳ йўлида жиҳод», дедилар. Агар зиёда сўрасам, менга зиёда жавоб берар эдилар».

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган.

204 - حَدَّثَنَا عُثْمَانُ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ حَدَّثَنَا جَرِيرٌ عَنِ الْحَسَنِ بْنِ عُبَيْدِ اللَّهِ عَنِ أَبِي عَمْرٍو الشَّيْبَانِيَّ عَنِ عَبْدِ اللَّهِ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ أَفْضَلُ الْأَعْمَالِ أَوْ الْعَمَلِ الصَّلَاةُ لَوْ قَتَلَهَا وَبَرُّ الْوَالِدَيْنِ

204/6. Абдуллоҳ розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан: «Амалларнинг афзали вақтида ўқилган намоз ва ота-онага яхшилик қилиш», дедилар.

### 37-боб

#### Ширк-гуноҳларнинг энг хунуги (ёмони, оғири) экани ва ундан кейинги энг улкан гуноҳларнинг баёни

205 - حَدَّثَنَا عُثْمَانُ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ وَإِسْحَقُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ قَالَ إِسْحَقُ أَخْبَرَنَا جَرِيرٌ وَقَالَ عُثْمَانُ حَدَّثَنَا جَرِيرٌ عَنْ مَنْصُورٍ عَنْ أَبِي وَائِلٍ عَنْ عَمْرٍو بْنِ شَرْحِبِيلَ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ قَالَ سَأَلْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَيُّ الذَّنْبِ أَعْظَمُ عِنْدَ اللَّهِ قَالَ أَنْ تَجْعَلَ لِلَّهِ نَدَاءً وَهُوَ خَلَقَكَ قَالَ قُلْتُ لَهُ إِنَّ ذَلِكَ لِعَظِيمٍ قَالَ قُلْتُ ثُمَّ أَيٌّ قَالَ ثُمَّ أَنْ تَقْتُلَ وَلَدَكَ مَخَافَةَ أَنْ يَطْعَمَ مَعَكَ قَالَ قُلْتُ ثُمَّ أَيٌّ قَالَ ثُمَّ أَنْ تُرَانِيَ حَلِيلَةَ جَارِكَ

205/1. Абдуллоҳ розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. «Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан: «Қайси гуноҳ Аллоҳ ҳузурда

каттароқ?» деб сўрасам, у зот: «Сени яратган Аллоҳга (бирор нарсани) тенг қилмоғинг», дедилар. Мен: «Ҳақиқатда бу улкан гуноҳ, сўнгра қайсиси?» десам, у зот: «Кейин болаларингнинг сен билан бирга таом ейишидан қўрқиб ўлдириб юборишинг», дедилар. «Сўнгра қайсиси?» десам, у зот: «Кейин қўшнингнинг хотини билан зино қилишинг», дедилар».

206 - حَدَّثَنَا عُثْمَانُ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ وَإِسْحَاقُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ حَمِيْعًا عَنْ جَرِيْرٍ قَالَ قَالَ عُثْمَانُ حَدَّثَنَا جَرِيْرٌ عَنِ الْأَعْمَشِ عَنْ أَبِي وَائِلٍ عَنْ عَمْرِو بْنِ شَرْحِبِيلٍ قَالَ قَالَ عَبْدُ اللَّهِ قَالَ رَجُلٌ يَا رَسُولَ اللَّهِ أَيُّ الذَّنْبِ أَكْبَرُ عِنْدَ اللَّهِ قَالَ أَنْ تَدْعُوَ اللَّهَ نَدَاءً وَهُوَ خَلَقَكَ قَالَ ثُمَّ أَيٌّ قَالَ أَنْ تُقْتَلَ وَلَدَكَ مَخَافَةَ أَنْ يَطْعَمَ مَعَكَ قَالَ ثُمَّ أَيٌّ قَالَ أَنْ تُرَانِي حَلِيْلَةَ جَارِكَ فَأَنْزَلَ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ تَصَدِيقَهَا ( وَالَّذِينَ لَا يَدْعُونَ مَعَ اللَّهِ إِلَهًا آخَرَ وَلَا يَقْتُلُونَ النَّفْسَ الَّتِي حَرَّمَ اللَّهُ إِلَّا بِالْحَقِّ وَلَا يَزْنُونَ وَمَنْ يَفْعَلْ ذَلِكَ يَلْقَ أَثَامًا )

206/2. Абдуллоҳ розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Бир киши: «Эй Аллоҳнинг расули, Аллоҳ ҳузуридаги энг улкан гуноҳ қайси?» деганида, у зот: «Сени яратган Аллоҳга (бирор нарсани) тенг қилиб, унга дуо этмоғинг», дедилар. У киши: «Сўнгра қайсиси?» деганида, у зот: «Болаларингни сен билан бирга таом ейишидан қўрқиб ўлдириб юборишинг», дедилар. «Сўнгра қайсиси?» деганида, у зот: «Қўшнингнинг хотини билан зино қилишинг», дедилар. Шундан сўнг Аллоҳ унинг тасдиғига оят нозил қилди: «Улар Аллоҳ билан бирга бошқа бирон илоҳга илтижо қилмаслар. Ва Аллоҳ (ўлдиришни ҳаром қилган) бирон жонни ноҳақ ўлдирмаслар ҳамда зино қилмаслар. Ким мана шу (гуноҳлардан биронтасини) қилса, уқубатга дучор бўлур» (Фурқон сураси, 68-оят).

### 38-боб

#### Кабира гуноҳларнинг энг улкани ҳақида

207 - حَدَّثَنِي عَمْرُو بْنُ مُحَمَّدٍ بْنِ بُكَيْرٍ بْنِ مُحَمَّدٍ النَّاقِدُ حَدَّثَنَا إِسْمَاعِيلُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ عَنْ سَعِيدِ الْجَرِيْرِيِّ حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ أَبِي بَكْرَةَ عَنْ أَبِيهِ قَالَ قَالَ كُنَّا عِنْدَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ أَلَا أَنْبِئُكُمْ بِأَكْبَرِ الْكِبَائِرِ ثَلَاثًا الْإِشْرَاكُ بِاللَّهِ وَعُقُوقُ الْوَالِدَيْنِ وَشَهَادَةُ الزُّوْرِ أَوْ قَوْلُ الزُّوْرِ وَكَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مُتَكِنًا فَجَلَسَ فَمَا زَالَ يُكْرَرُهَا حَتَّى قُلْنَا لَيْتَهُ سَكَتَ

207/1. Абдурахмон ибн Абу Бакра розийаллоҳу анҳу оталаридан ривоят қиладилар. «Биз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларида эдик. У зот: «Сизларга кабира гуноҳларнинг улкани ҳақида хабар берайми?» деб уч бора айтдилар-да, (сўнг) «Аллоҳга (бирор нарсани) шерик қилиш, онага оқ бўлиш, ёлғон гувоҳлик ёки ёлғон сўз», дедилар. Бу сўзни гапирётганларида суяниб тургандилар, ўтириб олдилар. Бу сўзни қайта-қайта такрорлардилар. Биз эса, у зот жим бўлсалар-ку, деб умид қилардик».

208 - وَحَدَّثَنِي يَحْيَى بْنُ حَبِيبٍ الْحَارِثِيُّ حَدَّثَنَا خَالِدٌ وَهُوَ ابْنُ الْحَارِثِ حَدَّثَنَا شُعْبَةُ أَخْبَرَنَا عُبَيْدُ اللَّهِ بْنُ أَبِي بَكْرٍ عَنْ أَنَسِ بْنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي الْكِبَائِرِ قَالَ الشَّرْكُ بِاللَّهِ وَعُقُوقُ الْوَالِدَيْنِ وَقَتْلُ النَّفْسِ وَقَوْلُ الزُّورِ وَحَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ الْوَلِيدِ بْنُ عَبْدِ الْحَمِيدِ حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ جَعْفَرٍ حَدَّثَنَا شُعْبَةُ قَالَ حَدَّثَنِي عُبَيْدُ اللَّهِ بْنُ أَبِي بَكْرٍ قَالَ سَمِعْتُ أَنَسَ بْنَ مَالِكٍ قَالَ ذَكَرَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الْكِبَائِرَ أَوْ سُئِلَ عَنِ الْكِبَائِرِ فَقَالَ الشَّرْكُ بِاللَّهِ وَقَتْلُ النَّفْسِ وَعُقُوقُ الْوَالِدَيْنِ وَقَالَ أَلَا أُتْبِعُكُمْ بِأَكْبَرِ الْكِبَائِرِ قَالَ قَوْلُ الزُّورِ أَوْ قَالَ شَهَادَةُ الزُّورِ قَالَ شُعْبَةُ وَأَكْبَرُ ظَنِّي أَنَّهُ شَهَادَةُ الزُّورِ

208/2. Анас розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кабира гуноҳлар ҳақида гапира туриб: «Улар Аллоҳга ширк келтириш, ота-онага оқ бўлиш, бирор жонни ўлдириш ва ёлғон сўз», дедилар.

Анас ибн Молик айтадилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кабираларни эсладилар ёки кабиралар ҳақида сўралдилар. «Аллоҳга ширк келтириш, одам ўлдириш, ота-онага оқ бўлиш», деб айтдилар. Яна: «Гуноҳи кабираларнинг каттаси ҳақида хабар берайми?» дедилар. Сўнгра: «Ёлғон сўз» ёки «Ёлғон гувоҳлик бериш», деб айтдилар. Ҳадисдаги «Ёлғон гувоҳлик бериш», деган сўзга гумоним кўпроқ».

209 - حَدَّثَنِي هَارُونُ بْنُ سَعِيدِ الْأَيْلِيُّ حَدَّثَنَا ابْنُ وَهْبٍ قَالَ حَدَّثَنِي سُلَيْمَانُ بْنُ بِلَالٍ عَنْ ثَوْرٍ بْنِ زَيْدٍ عَنْ أَبِي الْغَيْثِ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ اجْتَنِبُوا السَّبْعَ الْمُؤْبَقَاتِ قِيلَ يَا رَسُولَ اللَّهِ وَمَا هُنَّ قَالَ الشَّرْكُ بِاللَّهِ وَالسَّحْرُ وَقَتْلُ النَّفْسِ الَّتِي حَرَّمَ اللَّهُ إِلَّا بِالْحَقِّ وَأَكْلُ مَالِ الْيَتِيمِ وَأَكْلُ الرِّبَا وَالتَّوَلَّى يَوْمَ الزَّحْفِ وَقَذْفُ الْمُحْصَنَاتِ الْعَافِلَاتِ الْمُؤْمِنَاتِ

209/3. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам «Ҳалокатга элтувчи етти амалдан сақланишлар», деганларида, саҳобалар: «Эй Аллоҳнинг расули, улар нима?» дейишди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «1. Аллоҳга шерик бор дейиш. 2. Сеҳргарлик. 3. Аллоҳ ўлдиришни ҳаром қилган жонни ўлдириш. Аммо ҳақ билан бўлса (яъни, ҳад, қасос ва шунга ўхшаш нарсаларда) зарари йўқ. 4. Етимнинг молини ейиш. 5. Судхўрлик орқасидан кун кечириш. 6. Урушда орқага чекиниш. 7. Иффатли, фоҳишаликдан узоқ, мўмина аёлларни (фоҳишаликда) айблаш», дедилар.

210 - حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ بْنُ سَعِيدٍ حَدَّثَنَا اللَّيْثُ عَنْ ابْنِ الْهَادِ عَنْ سَعْدِ بْنِ إِبْرَاهِيمَ عَنْ عُبَيْدِ بْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو بْنِ الْعَاصِ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ مِنَ الْكِبَائِرِ شَتْمُ الرَّجُلِ وَالِدَيْهِ قَالُوا يَا رَسُولَ اللَّهِ وَهَلْ يَشْتُمُ الرَّجُلُ وَالِدَيْهِ قَالَ نَعَمْ يُسَبُّ أَبَا الرَّجُلِ فَيُسَبُّ أَبَاهُ وَيُسَبُّ أُمَّهُ فَيُسَبُّ أُمَّهُ وَحَدَّثَنَا أَبُو بَكْرٍ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ وَمُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى وَابْنُ بَشَّارٍ جَمِيعًا عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ جَعْفَرٍ عَنْ شُعْبَةَ ح وَحَدَّثَنِي مُحَمَّدُ بْنُ حَاتِمٍ حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ سَعِيدٍ حَدَّثَنَا سُفْيَانُ كِلَاهُمَا عَنْ سَعْدِ بْنِ إِبْرَاهِيمَ بِهِذَا الْإِسْنَادِ مِثْلَهُ



210/4. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осс розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Киши ота-онасини сўкмоғи улкан гуноҳлардандир», деганларида, саҳобалар: «Киши ота-онасини ҳам сўкадимми?» дейишди. Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳа, киши бировнинг отасини сўкади. Кейин у ҳам бунинг отасини сўкади. Бировнинг онасини сўкса, у ҳам унинг онасини сўкади», дедилар. (Яъни, бу билан у ўз ота-онасини сўккан бўлади.)

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган.

### 39-боб

#### Кибрнинг ҳаромлиги ҳақида

211 - وَحَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى وَمُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ وَإِبْرَاهِيمُ بْنُ دِينَارٍ حَمِيْعًا عَنْ يَحْيَى بْنِ حَمَّادٍ قَالَ ابْنُ الْمُثَنَّى حَدَّثَنِي يَحْيَى بْنُ حَمَّادٍ أَخْبَرَنَا شُعْبَةُ عَنْ أَبِي بَانَ بْنِ تَعْلَبٍ عَنْ فَضِيلِ الْفَقِيمِيِّ عَنْ إِبْرَاهِيمَ النَّخَعِيِّ عَنْ عَلْقَمَةَ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ لَا يَدْخُلُ الْجَنَّةَ مَنْ كَانَ فِي قَلْبِهِ مِثْقَالُ ذَرَّةٍ مِنْ كِبْرٍ قَالَ رَجُلٌ إِنَّ الرَّجُلَ يُحِبُّ أَنْ يَكُونَ ثَوْبُهُ حَسَنًا وَنَعْلُهُ حَسَنَةً قَالَ إِنَّ اللَّهَ جَمِيلٌ يُحِبُّ الْجَمَالَ الْكِبْرُ بَطْرُ الْحَقِّ وَعَمَطُ النَّاسِ

211/1. Абдуллоҳ ибн Масъуд розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кимнинг қалбида зарра мисқолича кибр бўлса, у жаннатга кирмайди», деганларида, бир киши: «Баъзи кишилар борки, яхши кийим ва яхши пойафзал кийишни яхши кўради (бу амали ҳам кибр-ҳавога кирадимми?)» деганида, у зот: «(Йўқ, бу амали кибр эмас), албатта Аллоҳ кўркамдир. Ва кўркамликни яхши кўради. Аслида кибр ҳақ сўзни рад этиб, одамларга паст назар билан қарашдир», дедилар.

212 - حَدَّثَنَا مَنْجَابُ بْنُ الْحَارِثِ التَّمِيمِيُّ وَسُوَيْدُ بْنُ سَعِيدٍ كِلَاهُمَا عَنْ عَلِيِّ بْنِ مُسَهَّرٍ قَالَ مَنْجَابٌ أَخْبَرَنَا ابْنُ مُسَهَّرٍ عَنِ الْأَعْمَشِ عَنْ إِبْرَاهِيمَ عَنْ عَلْقَمَةَ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَا يَدْخُلُ النَّارَ أَحَدٌ فِي قَلْبِهِ مِثْقَالُ حَبَّةٍ خَرَدَلٍ مِنْ إِيْمَانٍ وَلَا يَدْخُلُ الْجَنَّةَ أَحَدٌ فِي قَلْبِهِ مِثْقَالُ حَبَّةٍ خَرَدَلٍ مِنْ كِبْرِيَاءٍ

212/2. Абдуллоҳ розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қалбида хантал уруғи мисқолича иймони бор бирор киши дўзахга кирмайди. Ва қалбида хантал уруғи мисқолича кибри бор бирор киши жаннатга кирмайди», дедилар.

213 - وَحَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ حَدَّثَنَا أَبُو دَاوُدَ حَدَّثَنَا شُعْبَةُ عَنْ أَبِي بَانَ بْنِ تَعْلَبٍ عَنْ فَضِيلِ عَنْ إِبْرَاهِيمَ عَنْ عَلْقَمَةَ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ لَا يَدْخُلُ الْجَنَّةَ مَنْ كَانَ فِي قَلْبِهِ مِثْقَالُ ذَرَّةٍ مِنْ كِبْرٍ

213/3. Абдуллоҳ розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кимнинг қалбида зарра мисқолича кибр бўлса, жаннатга кирмайди», дедилар.

#### 40-боб

### Аллоҳга бирор нарсани шерик қилмай вафот этган кишининг жаннатга кириши ҳамда мушрик бўлиб ўлганнинг, дўзахга тушиши ҳақида

214 - حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ نُمَيْرٍ حَدَّثَنَا أَبِي وَوَكَيْعٌ عَنِ الْأَعْمَشِ عَنْ شَقِيقٍ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ قَالَ وَكَيْعٌ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَقَالَ ابْنُ نُمَيْرٍ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ مَنْ مَاتَ يُشْرِكُ بِاللَّهِ شَيْئًا دَخَلَ النَّارَ وَقُلْتُ أَنَا وَمَنْ مَاتَ لَا يُشْرِكُ بِاللَّهِ شَيْئًا دَخَلَ الْجَنَّةَ

214/1. Ибн Нумайр розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Ким Аллоҳга бирор нарсани шерик қилиб вафот этса, дўзахга тушади», деб айтганларини эшитдим. Мен эса: «Ким Аллоҳга бирор нарсани шерик қилмаса, жаннатга тушади», деб айтдим».

215 - وَحَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ وَأَبُو كُرَيْبٍ قَالَا حَدَّثَنَا أَبُو مُعَاوِيَةَ عَنِ الْأَعْمَشِ عَنْ أَبِي سُفْيَانَ عَنْ جَابِرٍ قَالَ أَتَى النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَجُلٌ فَقَالَ يَا رَسُولَ اللَّهِ مَا الْمُؤَجَّبَاتُ فَقَالَ مَنْ مَاتَ لَا يُشْرِكُ بِاللَّهِ شَيْئًا دَخَلَ الْجَنَّةَ وَمَنْ مَاتَ يُشْرِكُ بِاللَّهِ شَيْئًا دَخَلَ النَّارَ

215/2. Жобир розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келиб: «Эй Аллоҳнинг расули, шарт қилиб қўювчи (яъни, жаннатга ва дўзахга элтувчи хислатли) нарсалар нима?» деганида, у зот: «Ким Аллоҳга бирор нарсани шерик қилмай вафот этса, жаннатга тушади. Ким Аллоҳга бирор нарсани шерик қилса, дўзахга киради», дедилар.

216 - وَحَدَّثَنِي أَبُو أَيُّوبَ الْعَيْلَانِيُّ سُلَيْمَانُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ وَحَجَّاجُ بْنُ الشَّاعِرِ قَالَا حَدَّثَنَا عَبْدُ الْمَلِكِ بْنُ عَمْرٍو حَدَّثَنَا قُرَّةٌ عَنْ أَبِي الزُّبَيْرِ حَدَّثَنَا جَابِرُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ قَالَ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ مَنْ لَقِيَ اللَّهَ لَا يُشْرِكُ بِهِ شَيْئًا دَخَلَ الْجَنَّةَ وَمَنْ لَقِيَهِ يُشْرِكُ بِهِ دَخَلَ النَّارَ  
قَالَ أَبُو أَيُّوبَ قَالَ أَبُو الزُّبَيْرِ عَنْ جَابِرٍ وَحَدَّثَنِي إِسْحَاقُ بْنُ مَنْصُورٍ أَخْبَرَنَا مُعَاذٌ وَهُوَ ابْنُ هِشَامٍ قَالَ حَدَّثَنِي أَبِي عَنْ أَبِي الزُّبَيْرِ عَنْ جَابِرٍ أَنَّ نَبِيَّ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ بِمِثْلِهِ

216/3. Жобир ибн Абдуллоҳ розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. У зот: «Ким Аллоҳга бирор нарсани шерик қилмай йўлиқса, жаннатга тушади. Ким Унга ширк келтирса, дўзахга киради», дедилар.

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган.





билган бўлсанг», деб такрорлайвердилар, ҳатто мен «Қанийди, шу кун муслмон бўлсам-ку», деб умид қилар эдим».

Саъд айтдилар: «Мен бирор муслмонни Зулбутайн, яъни Усома ўлдирмагунларича ўлдирмас эдим. Бир киши келиб: «Ахир Аллоҳ таоло: «То фитна тугаб, бутун дин Аллоҳ учун бўлгунга қадар улар билан урушингиз», деб айтмаганми?» деганида, мен: «Биз фитна тугагунича урушдик. Сен ва дўстларинг фитна бўлишини хоҳлаб урушмоқдасиз», дедим».

Усома розийаллоҳу анҳунинг Зулбутайн, яъни қорин эгаси, дейилишига сабаб қоринлари катталиги учундир.

221 - حَدَّثَنَا يَعْقُوبُ الدَّورَقِيُّ حَدَّثَنَا هُنَيْمٌ أَخْبَرَنَا حُصَيْنٌ حَدَّثَنَا أَبُو ظَبْيَانَ قَالَ سَمِعْتُ أُسَامَةَ بْنَ زَيْدِ بْنِ حَارِثَةَ يُحَدِّثُ قَالَ بَعَثَنَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِلَى الْحُرَقَةِ مِنْ جُهَيْنَةَ فَصَبَحْنَا الْقَوْمَ فَهَزَمْنَاهُمْ وَلَحِقْتُ أَنَا وَرَجُلٌ مِنَ الْأَنْصَارِ رَجُلًا مِنْهُمْ فَلَمَّا غَشِينَاهُ قَالَ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ فَكَفَّ عَنْهُ الْأَنْصَارِيُّ وَطَعَنَتْهُ بِرُمْحِي حَتَّى قَتَلْتَهُ قَالَ فَلَمَّا قَدِمْنَا بَلَغَ ذَلِكَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ لِي يَا أُسَامَةُ أَقْتَلْتَهُ بَعْدَ مَا قَالَ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ قَالَ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ قَالَ فَمَا زَالَ يَكْرُرُهَا عَلَيَّ حَتَّى تَمَنَيْتُ أَنِّي لَمْ أَكُنْ أَسَلَمْتُ قَبْلَ ذَلِكَ الْيَوْمِ

221/3. Усома ибн Зайд розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизни Жуҳайна қабиласининг Хурақа номли жойига юбордилар. Биз тонгда улар ҳузурига етиб бориб мағлуб этдик. Мен ва ансорий шеригим бир кишини учратиб, уни қўлга туширсак, у «Ла илаҳа иллаллоҳ», деди. Ансорий дўстим уни ўлдиришдан қўлини тийди. Мен эса найзамни отиб уни ўлдирдим. (Мадинага) борганимизда бу ҳақдаги хабар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга етди. У зот: «Эй Усома! «Ла илаҳа иллаллоҳ», деганидан кейин ҳам уни ўлдирдингми?» дедилар. Мен: «Эй Аллоҳнинг расули! У паноҳ топиш учун шундай қилди», десам, у зот: «(У) «Ла илаҳа иллаллоҳ», деганидан кейин ҳам ўлдирдингми?» деб айтаверганларидан мен: «Қанийди, бу кундан олдин муслмон бўлмасам эди», деб орзу қилдим».

222 - حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ الْحَسَنِ بْنِ خِرَاشٍ حَدَّثَنَا عَمْرُو بْنُ عَاصِمٍ حَدَّثَنَا مُعْتَمِرٌ قَالَ سَمِعْتُ أَبِي يُحَدِّثُ أَنَّ خَالِدَ الْأُبَيْحِ ابْنَ أَخِي صَفْوَانَ بْنَ مُحْرَزٍ حَدَّثَ عَنْ صَفْوَانَ بْنِ مُحْرَزٍ أَنَّهُ حَدَّثَ أَنَّ جُنْدَبَ بْنَ عَبْدِ اللَّهِ الْبَجَلِيَّ بَعَثَ إِلَى عَسْعَسِ بْنِ سَلَامَةَ زَمَنَ فَتْنَةِ ابْنِ الزُّبَيْرِ فَقَالَ اجْمَعْ لِي نَفَرًا مِنْ إِخْوَانِكَ حَتَّى أُحَدِّثَهُمْ فَبَعَثَ رَسُولًا إِلَيْهِمْ فَلَمَّا اجْتَمَعُوا جَاءَ جُنْدَبٌ وَعَلَيْهِ بُرْسٌ أَصْفَرٌ فَقَالَ تَحَدَّثُوا بِمَا كُنْتُمْ تَحَدَّثُونَ بِهِ حَتَّى دَارَ الْحَدِيثُ فَلَمَّا دَارَ الْحَدِيثُ إِلَيْهِ حَسَرَ الْبُرْسَ عَنْ رَأْسِهِ فَقَالَ إِنِّي أَتَيْتُكُمْ وَلَا أُرِيدُ أَنْ أُخْبِرَكُمْ عَنْ نَبِيِّكُمْ إِنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَعَثَ بَعَثًا مِنْ الْمُسْلِمِينَ إِلَى قَوْمٍ مِنَ الْمُشْرِكِينَ وَإِنَّهُمْ التَّقْوَا فَكَانَ رَجُلٌ مِنَ الْمُشْرِكِينَ إِذَا شَاءَ أَنْ يَقْصِدَ إِلَى رَجُلٍ مِنَ الْمُسْلِمِينَ قَصَدَ لَهُ فَقَتَلَهُ وَإِنْ رَجُلًا مِنَ الْمُسْلِمِينَ قَصَدَ غَفَلْتَهُ قَالَ وَكُنَّا نَحَدِّثُ أَنَّهُ أُسَامَةُ بْنُ زَيْدٍ فَلَمَّا رَفَعَ عَلَيْهِ السِّيفَ قَالَ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ فَقَتَلَهُ فَجَاءَ الْبَشِيرُ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَسَأَلَهُ فَأَخْبَرَهُ حَتَّى أَخْبَرَهُ خَيْرَ الرَّجُلِ كَيْفَ صَنَعَ فَدَعَاهُ فَسَأَلَهُ فَقَالَ لِمَ قَتَلْتَهُ قَالَ يَا رَسُولَ اللَّهِ أَوْجَعَ فِي الْمُسْلِمِينَ وَقَتَلَ فَلَانَا وَفَلَانَا وَسَمَى لَهُ نَفَرًا وَإِنِّي حَمَلْتُ عَلَيْهِ فَلَمَّا رَأَى السِّيفَ

قَالَ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَقْتَلْتُهُ قَالَ نَعَمْ قَالَ فَكَيْفَ تَصْنَعُ بِلَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ إِذَا حَاءَتْ يَوْمَ الْقِيَامَةِ قَالَ يَا رَسُولَ اللَّهِ اسْتَغْفِرْ لِي قَالَ وَكَيْفَ تَصْنَعُ بِلَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ إِذَا حَاءَتْ يَوْمَ الْقِيَامَةِ قَالَ فَجَعَلَ لَا يَزِيدُهُ عَلَى أَنْ يَقُولَ كَيْفَ تَصْنَعُ بِلَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ إِذَا حَاءَتْ يَوْمَ الْقِيَامَةِ

222/4. Сафвон ибн Муҳриз розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Жундуб ибн Абдуллоҳ ал-Бажамиий Ибн Зубайрнинг фитналари вақтида Асъас ибн Саломага одам юбориб: «Ўзуримга яқинларингдан бир нечасини юбор, улар билан гаплашиб қўяман», дедилар. Элчи бориб хабар берганидан кейин улар тўпланишди. Жундуб ҳам келдилар. Устларида қалпоқли кийимлари бор эди. Гап бошланганда қалпоқлари ечилиб кетди. У зот: «Мен сизларга набийларингиз ҳақида хабар беришни хоҳламайман. Балки сизларга ваъз-насиҳат қилиш учун келдим», дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мусулмонлардан бир гуруҳ аскарни мушриклар жамоасига юбордилар. Улар ўша жойга етиб боришди. У ердаги мушриклар орасида бир киши бор эди. У агар мусулмонлардан бирортасига (ёмонликни) қасд қилса, албатта уни адо эта олар эди. Кейин мусулмонлардан бир киши мушрик гафлатда қолганида ўлдиришни қасд қилди. Биз уни Усома ибн Зайд деб айтардик. Усома қиличини кўтарган эди, мушрик: «Ла илаҳа иллаллоҳ», деб айтди. Усома уни шу ҳолатда ҳам ўлдираверди. Хабар берувчи Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келганида, у зот бўлиб ўтган воқеани сўрадилар. Шунда у киши Усоманинг қилмишини хабарини берди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Усомани чақириб: «Нима учун ўлдирдинг?» деб сўрадилар. Усома: «Эй Расулуллоҳ, у мусулмонларга озор бериб, фалон ва фалон кишини ўлдирди», деб бир неча кишини номманом келтирди, кейин: «Унга ҳамла қилсам, қиличимни кўриб қолиб «Ла илаҳа иллаллоҳ», деди», деб айтди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ўлдиравердингми?» дедилар. Усома: «Ҳа», дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар қиёмат куни «Ла илаҳа иллаллоҳ» келиб (даъво қилса), нима қиласан?» деган эдилар, Усома: «Эй Расулуллоҳ, мен учун истиффор айтинг», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар Қиёмат куни «Ла илаҳа иллаллоҳ» келиб (даъво қилса), нима қиласан?» деб, мана шундан («Агар Қиёмат куни «Ла илаҳа иллаллоҳ» келиб (даъво қилса), нима қиласан?») бошқа сўзни зиёда қилмадилар».

#### 42-боб

**Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Ким бизга қурол кўтарса, биз (нинг йўлимиз)дан эмас», деб айтган сўзлари ҳақида**

223 - حَدَّثَنِي زُهَيْرُ بْنُ حَرْبٍ وَمُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى قَالَا حَدَّثَنَا يَحْيَى وَهُوَ الْقَطَّانُ ح وَحَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ حَدَّثَنَا أَبُو أُسَامَةَ وَابْنُ مُمَيَّرٍ كُلُّهُمُ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ عَنْ نَافِعٍ عَنْ ابْنِ عُمَرَ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ح وَحَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ يَحْيَى وَاللَّفْظُ لَهُ قَالَ قَرَأْتُ عَلَى مَالِكٍ عَنْ نَافِعٍ عَنْ ابْنِ عُمَرَ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ مَنْ حَمَلَ عَلَيْنَا السَّلَاحَ فَلَيْسَ مِنَّا

223/1. Ибн Умар розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким бизга қурол кўтарса, биз (нинг йўлимиз)дан эмас», дедилар.

224 - حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ وَابْنُ نُمَيْرٍ قَالَا حَدَّثَنَا مُصْعَبٌ وَهُوَ ابْنُ الْمُقَدَّامِ حَدَّثَنَا عِكْرِمَةُ ابْنُ عَمَّارٍ عَنْ إِيَّاسِ بْنِ سَلَمَةَ عَنْ أَبِيهِ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ مَنْ سَلَّ عَلَيْنَا السَّيْفَ فَلَيْسَ مِنَّا

224/2. Ибн Салама розийаллоҳу анҳу оталаридан қилган ривоятларида айтилишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким бизга қиличини яланғочласа, биз (нинг йўлимиз)дан эмас», деб айтдилар.

225 - حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ وَعَبْدُ اللَّهِ بْنُ بَرَّادٍ الْأَشْعَرِيُّ وَأَبُو كُرَيْبٍ قَالُوا حَدَّثَنَا أَبُو أُسَامَةَ عَنْ بُرَيْدٍ عَنْ أَبِي بُرْدَةَ عَنْ أَبِي مُوسَى عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ مَنْ حَمَلَ عَلَيْنَا السَّلَاحَ فَلَيْسَ مِنَّا

225/3. Абу Мусо розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким бизга аслаҳа кўтарса, биз (нинг йўлимиз)дан эмас», дедилар.

### 43-боб

**Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Ким бизни алдаса, биз (нинг йўлимиз)дан эмас», деб айтган сўзлари ҳақида**

226 - حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ بْنُ سَعِيدٍ حَدَّثَنَا يَعْقُوبُ وَهُوَ ابْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ الْقَارِي ح وَحَدَّثَنَا أَبُو الْأَحْوَصِ مُحَمَّدُ بْنُ حَيَّانَ حَدَّثَنَا ابْنُ أَبِي حَازِمٍ كِلَاهُمَا عَنْ سُهَيْلِ بْنِ أَبِي صَالِحٍ عَنْ أَبِيهِ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ مَنْ حَمَلَ عَلَيْنَا السَّلَاحَ فَلَيْسَ مِنَّا وَمَنْ غَشَّنَا فَلَيْسَ مِنَّا

226/1. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким бизга қурол кўтарса ва бизни алдаса, биз (нинг йўлимиз)дан эмас», дедилар.

227 - وَحَدَّثَنِي يَحْيَى بْنُ أَيُّوبَ وَقُتَيْبَةُ وَابْنُ حُجْرٍ جَمِيعًا عَنْ إِسْمَاعِيلَ بْنِ جَعْفَرٍ قَالَ ابْنُ أَيُّوبَ حَدَّثَنَا إِسْمَاعِيلُ قَالَ أَخْبَرَنِي الْعَلَاءُ عَنْ أَبِيهِ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَرَّ عَلَى صُبْرَةٍ طَعَامٍ فَأَدْخَلَ يَدَهُ فِيهَا فَنَالَتْ أَصَابِعُهُ بِلَالًا فَقَالَ مَا هَذَا يَا صَاحِبَ الطَّعَامِ قَالَ أَصَابَتْهُ السَّمَاءُ يَا رَسُولَ اللَّهِ قَالَ أَفَلَا جَعَلْتَهُ فَوْقَ الطَّعَامِ كَيْ يَرَاهُ النَّاسُ مَنْ غَشَّنَا فَلَيْسَ مِنِّي

227/2. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кўп миқдордаги дон-дун сотилаётган жойдан ўта туриб, унга қўлларини тикқан эдилар, қўллари нам бўлди. Кейин: «Эй ғалла эгаси, бу нимаси?» десалар, у: «Эй Аллоҳнинг расули, ёмғир тегибди», деди. Шунда у зот: «Одамлар кўриши учун ўша нам жойини тепасига қилиб қўймайсанми? Ким алдаса, менинг (йўлимдан) эмас», деб айтдилар.

#### 44-боб

### Жоҳилиятдаги каби юзга уриб, ёқаларни йиртиб, ўликларга йиғлашнинг ҳаромлиги ҳақида

228 - حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ يَحْيَى أَخْبَرَنَا أَبُو مُعَاوِيَةَ ح وَحَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ حَدَّثَنَا أَبُو مُعَاوِيَةَ وَوَكَيْعٌ ح وَحَدَّثَنَا ابْنُ نُمَيْرٍ حَدَّثَنَا أَبِي جَمِيعًا عَنِ الْأَعْمَشِ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مُرَّةٍ عَنْ مَسْرُوقٍ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَيْسَ مِنَّا مَنْ ضَرَبَ الْخُدُودَ أَوْ شَقَّ الْجُيُوبَ أَوْ دَعَا بِدَعْوَى الْجَاهِلِيَّةِ هَذَا حَدِيثٌ يَحْيَى وَأَمَّا ابْنُ نُمَيْرٍ وَأَبُو بَكْرٍ فَقَالَا وَشَقَّ وَدَعَا بِغَيْرِ أَلْفٍ وَحَدَّثَنَا عُثْمَانُ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ حَدَّثَنَا جَرِيرٌ ح وَحَدَّثَنَا إِسْحَاقُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ وَعَلِيُّ بْنُ خَشْرَمٍ قَالَا حَدَّثَنَا عَيْسَى بْنُ يُونُسَ جَمِيعًا عَنِ الْأَعْمَشِ بِهَذَا الْإِسْنَادِ وَقَالَا وَشَقَّ وَدَعَا

228/1. Абдуллоҳ розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким жоҳилиятдаги каби юзига уриб, чўнтақларини йиртиб ўликларга йиғласа, биз (нинг йўлимиз)дан эмас», дедилар.

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган.

229 - حَدَّثَنَا الْحَكَمُ بْنُ مُوسَى الْقَنْطَرِيُّ حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ حَمَزَةَ عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ يَزِيدَ بْنِ جَابِرٍ أَنَّ الْقَاسِمَ بْنَ مُحَمَّدٍ حَدَّثَهُ قَالَ حَدَّثَنِي أَبُو بُرْدَةَ بْنُ أَبِي مُوسَى قَالَ وَجَعَ أَبُو مُوسَى وَجَعًا فَعُشِيَ عَلَيْهِ وَرَأْسُهُ فِي حَجَرٍ امْرَأَةٌ مِنْ أَهْلِهِ فَلَمْ يَسْتَطِعْ أَنْ يَرُدَّ عَلَيْهَا شَيْئًا فَلَمَّا أَفَاقَ قَالَ أَنَا بَرِيءٌ مِمَّا بَرِيءَ مِنْهُ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَإِنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَرِيءٌ مِنَ الصَّالِقَةِ وَالْحَالِقَةِ وَالشَّاقِقَةِ

229/2. Абу Бурда ибн Абу Мусо розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Абу Мусо розийаллоҳу анҳу қаттиқ бемор бўлиб ҳушларидан кетиб қолдилар. Ўша пайтда бошлари хотинларининг қучоғида эди. Хотин эса баланд овоз ила бақирар эди. Абу Мусо розийаллоҳу анҳу уни бундан тўхтатишга қодир бўлмадилар. Ҳушлари ўзларига келганида: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам узоқ бўлган нарсалардан мен ҳам йироқдаман. Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мусибат пайтида овозини баландлатиб йиғлаган кишидан, мусибат пайтида сочини қирдириб олдиргандан ҳамда кийимларини йиртувчи кишидан йироқдирлар», деб айтдилар.



230 - حَدَّثَنَا عَبْدُ بْنُ حُمَيْدٍ وَإِسْحَاقُ بْنُ مَنْصُورٍ قَالَا أَخْبَرَنَا جَعْفَرُ بْنُ عَوْنٍ أَخْبَرَنَا أَبُو عُمَيْسٍ قَالَ سَمِعْتُ أَبَا صَخْرَةَ يَذْكُرُ عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ يَزِيدَ وَأَبِي بُرْدَةَ بْنِ أَبِي مُوسَى قَالَا أَعْمِي عَلَى أَبِي مُوسَى وَأَقْبَلَتْ امْرَأَتُهُ أُمُّ عَبْدِ اللَّهِ تَصِيحُ بِرِئَةٍ قَالَا ثُمَّ أَفَاقَ قَالَ أَلَمْ تَعْلَمِي وَكَانَ يُحَدِّثُهَا أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ أَنَا بَرِيءٌ مِمَّنْ حَلَقَ وَسَلَقَ وَخَرَقَ حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ مُطِيعٍ حَدَّثَنَا هُشَيْمٌ عَنْ حُصَيْنٍ عَنْ عِيَاضِ الْأَشْعَرِيِّ عَنْ امْرَأَةِ أَبِي مُوسَى عَنْ أَبِي مُوسَى عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ح وَحَدَّثَنِيهِ حَجَّاجُ بْنُ الشَّاعِرِ حَدَّثَنَا عَبْدُ الصَّمَدِ قَالَ حَدَّثَنِي أَبِي حَدَّثَنَا دَاوُدُ يَعْنِي ابْنَ أَبِي هِنْدٍ حَدَّثَنَا عَاصِمٌ عَنْ صَفْوَانَ بْنِ مُحْرَزٍ عَنْ أَبِي مُوسَى عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ح وَحَدَّثَنِي الْحَسَنُ بْنُ عَلِيٍّ الْحُلَوَانِيُّ حَدَّثَنَا عَبْدُ الصَّمَدِ أَخْبَرَنَا شُعْبَةُ عَنْ عَبْدِ الْمَلِكِ بْنِ عُمَيْرٍ عَنْ رَبِيعِ بْنِ حِرَاشٍ عَنْ أَبِي مُوسَى عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِهَذَا الْحَدِيثِ غَيْرَ أَنَّ فِي حَدِيثِ عِيَاضِ الْأَشْعَرِيِّ قَالَ لَيْسَ مِنَّا وَلَمْ يَقُلْ بَرِيءٌ

230/3. Абдурахмон ибн Язид ва Абу Бурда ибн Абу Мусо розийаллоҳу анҳумодан ривоят қилинади. Абу Мусо розийаллоҳу анҳу ҳушларидан кетиб қолганларида Умму Абдуллоҳ келиб баланд овозда йиғлади. Абу Мусо розийаллоҳу анҳу ҳушларига келгач хотинларига: «Билмайсанми? Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мен (мусибат пайтида) сочини олдирувчидан, овозини баландлатиб йиғлагандан ҳамда кийимларини йиртувчи кишидан йироқман», деганлар», деб айтдилар.

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган.

#### 45-боб

#### Чақимчиликнинг қаттиқ ҳаромлардан экани ҳақида

231 - وَحَدَّثَنِي شَيْبَانُ بْنُ فَرُّوخٍ وَعَبْدُ اللَّهِ بْنُ مُحَمَّدٍ بْنِ أَسْمَاءَ الضُّبَيْعِيُّ قَالَا حَدَّثَنَا مَهْدِيُّ وَهُوَ ابْنُ مَيْمُونٍ حَدَّثَنَا وَاصِلُ الْأَحْدَبِ عَنْ أَبِي وَائِلٍ عَنْ حَدِيثِهِ أَنَّهُ بَلَغَهُ أَنَّ رَجُلًا يَتِمُّ الْحَدِيثَ فَقَالَ حُدَيْفَةُ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ لَا يَدْخُلُ الْجَنَّةَ نَمَامٌ

231/1. Ҳузайфа розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Бир киши сўз (ташиб) чақимчилик қилиб юрар эди. Ҳузайфа розийаллоҳу анҳу: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитганман. У зот: «Чақимчи жаннатга кирмайди», деганлар», деб айтдилар.

232 - حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ السَّعْدِيُّ وَإِسْحَاقُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ قَالَ إِسْحَاقُ أَخْبَرَنَا جَرِيرٌ عَنْ مَنْصُورٍ عَنْ إِبْرَاهِيمَ عَنْ هَمَّامِ بْنِ الْحَارِثِ قَالَ كَانَ رَجُلٌ يَنْقُلُ الْحَدِيثَ إِلَى الْأَمِيرِ فَكُنَّا جُلُوسًا فِي الْمَسْجِدِ فَقَالَ الْقَوْمُ هَذَا مِمَّنْ يَنْقُلُ الْحَدِيثَ إِلَى الْأَمِيرِ قَالَ فَجَاءَ حَتَّى جَلَسَ إِلَيْنَا فَقَالَ حُدَيْفَةُ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ لَا يَدْخُلُ الْجَنَّةَ قَتَاتٌ

232/2. Ҳаммом ибн Ҳорис розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. «Бир киши бошлиқларга гап ташиб юрар эди. Биз масжидда ўлтирган эдик. Қавмдагилар: «Мана шу киши бошлиқларга сўз ташийди», дейишди. У киши келиб олдимизда ўтирди. Шунда Ҳузайфа розийаллоҳу анҳу: «Расулulloҳ

соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитганман, у зот: «Бўхтончи, чақимчи жаннатга, кирмайди», деганлар», деб айтдилар».

233 - حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ حَدَّثَنَا أَبُو مُعَاوِيَةَ وَوَكَيْعٌ عَنِ الْأَعْمَشِ ح وَحَدَّثَنَا مَنْجَابُ بْنُ الْحَارِثِ التَّمِيمِيُّ وَاللَّفْظُ لَهُ أَخْبَرَنَا ابْنُ مُسْهَرٍ عَنِ الْأَعْمَشِ عَنْ إِبْرَاهِيمَ عَنْ هَمَّامِ بْنِ الْحَارِثِ قَالَ كُنَّا جُلُوسًا مَعَ حُدَيْفَةَ فِي الْمَسْجِدِ فَجَاءَ رَجُلٌ حَتَّى جَلَسَ إِلَيْنَا فَقِيلَ لِحُدَيْفَةَ إِنَّ هَذَا يَرْفَعُ إِلَى السُّلْطَانِ أَشْيَاءَ فَقَالَ حُدَيْفَةُ إِرَادَةَ أَنْ يُسْمِعَهُ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ لَا يَدْخُلُ الْجَنَّةَ قَتَاتٌ

233/3. Ҳаммом ибн Ҳорис розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. «Биз Ҳузайфа розийаллоҳу анҳу билан бирга масжидда ўтирган эдик. Бир киши келиб бизнинг олдимизда ўтирди. Ҳузайфа розийаллоҳу анҳуга «Мана шу киши султонларга ҳар хил нарсаларни ташиб борувчидир», деб айтилганида, Ҳузайфа розийаллоҳу анҳу унга атайлаб эшиттириш мақсадида: «Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитганман, у зот: «Сўз ташиб чақимчилик қилувчилар жаннатга кирмайди», деганлар», деб айтдилар».

#### 46-боб

**Изорини узайтирувчилар, берган нарсасини миннат қилувчилар ва молини қасам билан сотувчиларнинг амали мутлақ ҳаром экани ҳамда қиёмат куни уч тоифа кишига Аллоҳ таоло сўзламасдан, назар ташламасдан, покламасдан аламли азоб тайёрлаб қўйгани баёни ҳақида**

234 - حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ وَمُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى وَابْنُ بَشَّارٍ قَالُوا حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ جَعْفَرٍ عَنْ شُعْبَةَ عَنْ عَلِيِّ بْنِ مُدْرِكٍ عَنْ أَبِي زُرْعَةَ عَنْ خَرَشَةَ بْنِ الْحَرِّ عَنْ أَبِي ذَرٍّ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ ثَلَاثَةٌ لَا يُكَلِّمُهُمُ اللَّهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَلَا يَنْظُرُ إِلَيْهِمْ وَلَا يُزَكِّيهِمْ وَلَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ قَالَ فَقَرَأَهَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ثَلَاثَ مَرَّاتٍ قَالَ أَبُو ذَرٍّ خَابُوا وَخَسِرُوا مَنْ هُمْ يَا رَسُولَ اللَّهِ قَالَ الْمُسْبِلُ وَالْمَنَّانُ وَالْمُنْفِقُ سَلَعْتُهُ بِالْحَلْفِ الْكَاذِبِ

234/1. Абу Зарр розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Уч тоифа киши борки, Аллоҳ қиёмат кунда уларга сўзламайди, қарамайди ва уларни оқламайди. Ҳамда улар учун аламли азоб бордир», деб уч бора шу сўзни айтдилар. Шунда Абу Зарр розийаллоҳу анҳу: «Ҳасрат-надоматда қолгурлар, улар ким ўзи?» деганларида, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кийимларини мутакаббирлик учун узун қилиб киювчилар, миннат қилувчилар ва молини ёлғон қасамлар билан ўтказувчи кишилар», деб айтдилар.

235 - وَحَدَّثَنِي أَبُو بَكْرٍ بْنُ خَلَادٍ الْبَاهِلِيُّ حَدَّثَنَا يَحْيَى وَهُوَ الْقَطَّانُ حَدَّثَنَا سُفْيَانُ حَدَّثَنَا سُلَيْمَانُ الْأَعْمَشُ عَنْ سُلَيْمَانَ بْنِ مُسَهَّرٍ عَنْ خَرِشَةَ بْنِ الْحُرِّ عَنْ أَبِي ذَرٍّ عَنْ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ ثَلَاثَةٌ لَا يُكَلِّمُهُمُ اللَّهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ الْمَتَانُ الَّذِي لَا يُعْطِي شَيْئًا إِلَّا مِنْهُ وَالْمُنْفِقُ سَلَعْتَهُ بِالْحَلْفِ الْفَاجِرِ وَالْمُسْبِلُ إِزَارَهُ وَحَدَّثَنِي بَشْرُ بْنُ خَالِدٍ حَدَّثَنَا مُحَمَّدٌ يَعْنِي ابْنَ جَعْفَرٍ عَنْ شُعْبَةَ قَالَ سَمِعْتُ سُلَيْمَانَ بِهَذَا الْإِسْنَادِ وَقَالَ ثَلَاثَةٌ لَا يُكَلِّمُهُمُ اللَّهُ وَلَا يَنْظُرُ إِلَيْهِمْ وَلَا يُزَكِّيهِمْ وَلَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ

235/2. Абу Зарр розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Уч тоифа киши борки, Аллоҳ таоло қиёмат куни уларга сўзламайди. (Улар): берган нарсасини миннат қилувчи, ёлғон қасам билан молини ўтказувчи ва изорини (иштонини) узун қилиб киювчилар», дедилар.

Сулаймон ҳам мана шу санад билан ривоят қилиб: «Уч тоифа киши борки, Аллоҳ таоло уларга сўзламайди, қарамайди ва уларни оқламайди ҳамда улар учун аламли азоб бордир», деган жумлани зиёда қилганлар.

236 - وَحَدَّثَنَا أَبُو بَكْرٍ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ حَدَّثَنَا وَكَيْعٌ وَأَبُو مُعَاوِيَةَ عَنِ الْأَعْمَشِ عَنْ أَبِي حَازِمٍ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ثَلَاثَةٌ لَا يُكَلِّمُهُمُ اللَّهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَلَا يُزَكِّيهِمْ قَالَ أَبُو مُعَاوِيَةَ وَلَا يَنْظُرُ إِلَيْهِمْ وَلَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ شَيْخُ زَانَ وَمَلِكٌ كَذَابٌ وَعَائِلٌ مُسْتَكْبِرٌ

236/3. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Уч тоифа киши борки, Аллоҳ таоло қиёмат куни улар билан сўзлашмайди ва покламайди. (Абу Муовия: «Уларга қарамайди ҳам», деганлар.) Ҳамда улар учун аламли азоб бордир. (Улар): 1. Зинокор қария. 2. Ёлғончи подшоҳ. 3. Камбағал мутакаббир», деб айтдилар.

237 - وَحَدَّثَنَا أَبُو بَكْرٍ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ وَأَبُو كُرَيْبٍ قَالَا حَدَّثَنَا أَبُو مُعَاوِيَةَ عَنِ الْأَعْمَشِ عَنْ أَبِي صَالِحٍ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ وَهَذَا حَدِيثُ أَبِي بَكْرٍ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ثَلَاثٌ لَا يُكَلِّمُهُمُ اللَّهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَلَا يَنْظُرُ إِلَيْهِمْ وَلَا يُزَكِّيهِمْ وَلَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ رَجُلٌ عَلَى فَضْلِ مَاءٍ بِالْفَلَاةِ يَمْنَعُهُ مِنْ ابْنِ السَّبِيلِ وَرَجُلٌ بَايَعَ رَجُلًا بِسِلْعَةٍ بَعْدَ الْعَصْرِ فَحَلَفَ لَهُ بِاللَّهِ لَأُخَذَهَا بِكَذَا وَكَذَا فَصَدَّقَهُ وَهُوَ عَلَى غَيْرِ ذَلِكَ وَرَجُلٌ بَايَعَ إِمَامًا لَا يُبَايِعُهُ إِلَّا لِدُنْيَا فَإِنَّ أَعْطَاهُ مِنْهَا وَفَى وَإِنْ لَمْ يُعْطِهِ مِنْهَا لَمْ يَفِ وَحَدَّثَنِي زُهَيْرُ بْنُ حَرْبٍ حَدَّثَنَا جَرِيرٌ ح وَحَدَّثَنَا سَعِيدُ بْنُ عَمْرٍو الْأَشْعَثِيُّ أَخْبَرَنَا عَثْرٌ كِلَاهُمَا عَنِ الْأَعْمَشِ بِهَذَا الْإِسْنَادِ مِثْلَهُ غَيْرَ أَنْ فِي حَدِيثِ جَرِيرٍ وَرَجُلٌ سَاوَمَ رَجُلًا بِسِلْعَةٍ

237/4. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Уч тоифа киши борки, қиёмат куни Аллоҳ уларга сўзлашмайди, қарамайди ва покламайди. Ҳамда улар учун аламли азоб бордир. (Улар): 1. Бир киши саҳродалик пайтида ортиқча суви бўлса-ю, уни йўловчиларга бермаса. 2. Бир киши асрдан кейин бир кишига Аллоҳ номи билан қасам ичиб, бир нарса сотса ва шунча-шунчага олганман, деса ва

олувчи сотувчининг гапини тасдиқласа, ваҳоланки унинг акси бўлиб чиқса. 3. Бир киши бир имомга мол-дунёга эришиш ниятида байъат қилса, агар имом мол-дунёдан бериб турса, байъатига вафо қилса, агар бермаса, вафо қилмайдиган бўлса», дедилар.

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган, фақат Жарир розийаллоҳу анҳунинг ривоятларида «Киши бошқа бир киши билан баҳолашса» жумласи зиёда бўлган.

238 - وَحَدَّثَنِي عَمْرُو النَّاقِدُ حَدَّثَنَا سُفْيَانُ عَنْ عَمْرٍو عَنْ أَبِي صَالِحٍ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ أَرَاهُ مَرْفُوعًا قَالَ ثَلَاثَةٌ لَا يُكَلِّمُهُمُ اللَّهُ وَلَا يَنْظُرُ إِلَيْهِمْ وَلَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ رَجُلٌ حَلَفَ عَلَى يَمِينٍ بَعْدَ صَلَاةِ الْعَصْرِ عَلَى مَالٍ مُسْلِمٍ فَأَقْتَطَعَهُ وَبَاقِي حَدِيثِهِ نَحْوُ حَدِيثِ الْأَعْمَشِ

238/5. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. (Ровий: «Бу ҳадисни марфуъ деб биламан», дедилар.) Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Уч тоифа киши борки, Аллоҳ таоло уларга сўзлашмайди, қарамайди ҳамда улар учун аламли азоб бордир. (Улардан бири) бир киши аср намозидан кейин бир мусулмон кишининг моли устида қасам ичади-да, кейин ўша қасамини бузади», деб юқоридаги ҳадис давом эттирилган.

#### 47-боб

#### Инсоннинг ўз жонига суиқасд қилиши улкан ҳаромлардан экани ҳақида

239 - حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ وَأَبُو سَعِيدٍ الْأَشْجِيُّ قَالَمَا حَدَّثَنَا وَكَيْعٌ عَنِ الْأَعْمَشِ عَنْ أَبِي صَالِحٍ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَنْ قَتَلَ نَفْسَهُ بِحَدِيدَةٍ فَحَدِيدَتُهُ فِي يَدِهِ يَتَوَجَّأُ بِهَا فِي بَطْنِهِ فِي نَارِ جَهَنَّمَ خَالِدًا مُخَلَّدًا فِيهَا أَبَدًا وَمَنْ شَرِبَ سَمًّا فَقَتَلَ نَفْسَهُ فَهُوَ يَتَحَسَّاهُ فِي نَارِ جَهَنَّمَ خَالِدًا مُخَلَّدًا فِيهَا أَبَدًا وَمَنْ تَرَدَّى مِنْ جَبَلٍ فَقَتَلَ نَفْسَهُ فَهُوَ يَتَرَدَّى فِي نَارِ جَهَنَّمَ خَالِدًا مُخَلَّدًا فِيهَا أَبَدًا

وَحَدَّثَنِي زُهَيْرُ بْنُ حَرْبٍ حَدَّثَنَا جَرِيرٌ ح وَحَدَّثَنَا سَعِيدُ بْنُ عَمْرٍو الْأَشْعَثِيُّ حَدَّثَنَا عَبَّازُ ح وَحَدَّثَنِي يَحْيَى بْنُ حَبِيبٍ الْحَارِثِيُّ حَدَّثَنَا خَالِدٌ يَعْنِي ابْنَ الْحَارِثِ حَدَّثَنَا شُعْبَةُ كُلُّهُمْ بِهَذَا الْإِسْنَادِ مِثْلَهُ وَفِي رِوَايَةِ شُعْبَةَ عَنْ سُلَيْمَانَ قَالَ سَمِعْتُ ذُكْوَانَ

239/1. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким жонига қасд қилиб ўткир тифли нарса билан ўзини ўлдирса, жаҳаннам оловида қорнига ўша ўткир тифни ушлаб абадул-абад санчаверади. Ким заҳар ичиб ўз жонига қасд қилса, жаҳаннам оловида абадул-абад ўша заҳарни ютади. Ким тоғдан ўзини ташлаб ўз жонига қасд қилса, жаҳаннам оловига абадул-абад ўзини улоқтиради», дедилар.

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган.

240 - حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ يَحْيَى أَخْبَرَنَا مُعَاوِيَةُ بْنُ سَلَامٍ عَنْ أَبِي سَلَامٍ الدَّمَشَقِيِّ عَنْ يَحْيَى بْنِ أَبِي كَثِيرٍ أَنَّ أَبَا قَلَابَةَ أَخْبَرَهُ أَنَّ ثَابِتَ بْنَ الضَّحَّاكِ أَخْبَرَهُ أَنَّهُ بَايَعَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ تَحْتَ الشَّجَرَةِ وَأَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ مَنْ حَلَفَ عَلَيَّ يَمِينٍ بِمِلَّةٍ غَيْرِ الْإِسْلَامِ كَاذِبًا فَهُوَ كَمَا قَالَ وَمَنْ قَتَلَ نَفْسَهُ بِشَيْءٍ عَذَبَ بِهِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَلَيْسَ عَلَيَّ رَجُلٌ نَذَرَ فِي شَيْءٍ لَا يَمْلِكُهُ

240/2. Абу Қилоба розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Собит ибн Заҳҳок Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга дарахт остида байъат қилганларида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким Исломдан бошқа миллат номи билан ёлғондан қасам ичса ҳам айтганидек бўлади. Ким бирор нарса билан ўз жонига қасд қилса, қиёмат куни ўша нарсаси билан азобланади. Киши мулки бўлмаган нарсасида назр қилишга мажбур эмас», дедилар.

241 - حَدَّثَنَا أَبُو عَسَاةٍ الْمُسَمَعِيُّ حَدَّثَنَا مُعَاذٌ وَهُوَ ابْنُ هِشَامٍ قَالَ حَدَّثَنِي أَبِي عَنْ يَحْيَى بْنِ أَبِي كَثِيرٍ قَالَ حَدَّثَنِي أَبُو قَلَابَةَ عَنْ ثَابِتِ بْنِ الضَّحَّاكِ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ لَيْسَ عَلَيَّ رَجُلٌ نَذَرَ فِيْمَا لَا يَمْلِكُ وَلَعْنُ الْمُؤْمِنِ كَقَتْلِهِ وَمَنْ قَتَلَ نَفْسَهُ بِشَيْءٍ فِي الدُّنْيَا عَذَبَ بِهِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَمَنْ ادَّعَى دَعْوَى كَاذِبَةٍ لِيَتَكْتَبَرُ بِهَا لَمْ يَزِدْهُ اللَّهُ إِلَّا قَلَّةً وَمَنْ حَلَفَ عَلَيَّ يَمِينٍ صَبْرٍ فَاجْرَةٍ

241/3. Собит ибн Заҳҳок розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Киши эга бўлмаган нарсасида назр қилишга мажбур эмас. Мўминни лаънатлаб сўкиш уни ўлдириш кабидир. Ким ўз жонига бирор нарса билан қасд қилса, қиёмат куни ўша нарса билан азобланади. Ким (ўзида йўқ нарса билан) кўп кўрсатиш мақсадида ёлғон даъво қилса, Аллоҳ таоло унга фақат йўқчиликни зиёда қилади. Ким фужур қасам ичса ҳам, ана шундайдир», дедилар.

242 - حَدَّثَنَا إِسْحَقُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ وَإِسْحَقُ بْنُ مَنْصُورٍ وَعَبْدُ الْوَارِثِ بْنُ عَبْدِ الصَّمَدِ كُلُّهُمْ عَنْ عَبْدِ الصَّمَدِ بْنِ عَبْدِ الْوَارِثِ عَنْ شُعْبَةَ عَنْ أَيُّوبَ عَنْ أَبِي قَلَابَةَ عَنْ ثَابِتِ بْنِ الضَّحَّاكِ الْأَنْصَارِيِّ ح وَحَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ رَافِعٍ عَنْ عَبْدِ الرَّزَّاقِ عَنِ الثَّوْرِيِّ عَنْ خَالِدِ الْحَدَّاءِ عَنْ أَبِي قَلَابَةَ عَنْ ثَابِتِ بْنِ الضَّحَّاكِ قَالَ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَنْ حَلَفَ بِمِلَّةٍ سِوَى الْإِسْلَامِ كَاذِبًا مُتَعَمِّدًا فَهُوَ كَمَا قَالَ وَمَنْ قَتَلَ نَفْسَهُ بِشَيْءٍ عَذَبَهُ اللَّهُ فِي نَارِ جَهَنَّمَ هَذَا حَدِيثُ سُفْيَانَ وَأَمَّا شُعْبَةُ فَحَدِيثُهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ مَنْ حَلَفَ بِمِلَّةٍ سِوَى الْإِسْلَامِ كَاذِبًا فَهُوَ كَمَا قَالَ وَمَنْ ذَبَحَ نَفْسَهُ بِشَيْءٍ ذَبَحَ بِهِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ

242/4. Собит ибн Заҳҳок розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким қасддан, ёлғондакам Исломдан бошқа миллат номи билан қасам ичса, айтгани каби бўлади. Ким ўз жонига бирор нарса билан қасд қилса, Аллоҳ таоло жаҳаннам олови билан азоблайди», дедилар.

Бу Суфён розийаллоҳу анҳудан қилинган ривоятдир. Аммо Шўъбанинг ривоятларида айтилишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким

Исломдан бошқа миллат номи билан ёлғондан қасам ичса ҳам айтгани кабидир. Ким ўз жонига қасд қилиб бирор нарса билан қурбон қилса, қиёмат куни ўша нарса билан қурбон қилинади», деганлар.

243 - وَحَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ رَافِعٍ وَعَبْدُ بْنُ حُمَيْدٍ جَمِيعًا عَنْ عَبْدِ الرَّزَّاقِ قَالَ ابْنُ رَافِعٍ حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّزَّاقِ أَخْبَرَنَا مَعْمَرٌ عَنِ الزُّهْرِيِّ عَنِ ابْنِ الْمُسَيَّبِ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ شَهِدْنَا مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حَتِينًا فَقَالَ لِرَجُلٍ مِمَّنْ يُدْعَى بِالْإِسْلَامِ هَذَا مِنْ أَهْلِ النَّارِ فَلَمَّا حَضَرْنَا الْقِتَالَ قَاتَلَ الرَّجُلُ قِتَالًا شَدِيدًا فَأَصَابَتْهُ جِرَاحَةٌ فَقِيلَ يَا رَسُولَ اللَّهِ الرَّجُلُ الَّذِي قُلْتَ لَهُ أَنْفًا إِنَّهُ مِنْ أَهْلِ النَّارِ فَإِنَّهُ قَاتَلَ الْيَوْمَ قِتَالًا شَدِيدًا وَقَدْ مَاتَ فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِلَى النَّارِ فَكَادَ بَعْضُ الْمُسْلِمِينَ أَنْ يَرْتَابَ فَبَيَّنَمَا لَهُمْ عَلَى ذَلِكَ إِذْ قِيلَ إِنَّهُ لَمْ يَمُتْ وَلَكِنَّ بِهِ جِرَاحًا شَدِيدًا فَلَمَّا كَانَ مِنَ اللَّيْلِ لَمْ يَصْبِرْ عَلَى الْجِرَاحِ فَقَتَلَ نَفْسَهُ فَأُخْبِرَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِذَلِكَ فَقَالَ اللَّهُ أَكْبَرُ أَشْهَدُ أَنِّي عَبْدُ اللَّهِ وَرَسُولُهُ ثُمَّ أَمَرَ بِاللَّأِ فَنَادَى فِي النَّاسِ أَنَّهُ لَا يَدْخُلُ الْجَنَّةَ إِلَّا نَفْسٌ مُسْلِمَةٌ وَأَنَّ اللَّهَ يُؤَيِّدُ هَذَا السَّيِّئَ بِالرَّجُلِ الْفَاجِرِ

243/5. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. «Биз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга Ҳунайн ғазотида эканимизда у зот Исломдалигини даъво қилувчи бир кишини «Бу дўзах аҳлидандир», дедилар. Урушда бўлганимизда ўша киши қаттиқ урушиб жонбозлик кўрсатди ва жароҳатланди. Баъзилар: «Эй Аллоҳнинг расули! Сиз ҳозиргина дўзах аҳлидан, деган одам бугун қаттиқ урушиб вафот этди», дейишди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «У дўзахга (тушади)», дедилар. Бу сўзларидан баъзи одамларда шак пайдо бўлишига оз қолди. Улар шу ҳолда туришганида «У киши вафот этмабди, лекин қаттиқ жароҳатланибди», деб айтилди. Кеч кирганида у киши жароҳатига чидай олмасдан ўз жонига қасд қилди. Бу ҳақда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга хабар берилганида, у зот: «Аллоҳу акбар, мен Аллоҳнинг қули ва расули эканимга гувоҳлик бераман», деб, кейин Билол розийаллоҳу анҳуга буюрдилар. У киши одамларга қарата: «Жаннатга фақат мусулмон нафсгина киради. Албатта, Аллоҳ таоло бу динни фожир киши билан ҳам қувватлаб қўяверади», деб жар солдилар».

244 - حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ بْنُ سَعِيدٍ حَدَّثَنَا يَعْقُوبُ وَهُوَ ابْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ الْقَارِيُّ حَيٌّ مِنَ الْعَرَبِ عَنْ أَبِي حَازِمٍ عَنْ سَهْلِ بْنِ سَعْدٍ السَّاعِدِيِّ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ التَّقَى هُوَ وَالْمُشْرِكُونَ فَاقْتَتَلُوا فَلَمَّا مَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِلَى عَسْكَرِهِ وَمَالَ الْآخَرُونَ إِلَى عَسْكَرِهِمْ وَفِي أَصْحَابِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَجُلٌ لَا يَدْعُ لَهُمْ شَاذَةً إِلَّا اتَّبَعَهَا يَضْرِبُهَا بِسَيْفِهِ فَقَالُوا مَا أَجْزَأُ مِنَّا الْيَوْمَ أَحَدٌ كَمَا أَجْزَأُ فَلَانَ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَمَا إِنَّهُ مِنْ أَهْلِ النَّارِ فَقَالَ رَجُلٌ مِنَ الْقَوْمِ أَنَا صَاحِبُهُ أَبَدًا قَالَ فَخَرَجَ مَعَهُ كُلَّمَا وَقَفَ وَقَفَ مَعَهُ وَإِذَا أَسْرَعَ أَسْرَعَ مَعَهُ قَالَ فَجَرِحَ الرَّجُلُ جَرْحًا شَدِيدًا فَاسْتَعْجَلَ الْمَوْتَ فَوَضَعَ نَصْلَ سَيْفِهِ بِالْأَرْضِ وَذَبَابُهُ بَيْنَ تَدْيِيهِ ثُمَّ تَحَامَلَ عَلَى سَيْفِهِ فَقَتَلَ نَفْسَهُ فَخَرَجَ الرَّجُلُ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ أَشْهَدُ أَنَّكَ رَسُولُ اللَّهِ قَالَ وَمَا ذَاكَ قَالَ الرَّجُلُ الَّذِي ذَكَرْتَ أَنْفًا أَنَّهُ مِنْ أَهْلِ النَّارِ فَأَعْظَمَ النَّاسُ ذَلِكَ فَقُلْتُ أَنَا لَكُمْ بِهِ فَخَرَجْتُ فِي طَلْبِهِ حَتَّى جَرِحَ جَرْحًا شَدِيدًا فَاسْتَعْجَلَ الْمَوْتَ فَوَضَعَ نَصْلَ سَيْفِهِ بِالْأَرْضِ وَذَبَابُهُ بَيْنَ تَدْيِيهِ ثُمَّ تَحَامَلَ عَلَيْهِ فَقَتَلَ نَفْسَهُ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ

عِنْدَ ذَلِكَ إِنَّ الرَّجُلَ لَيَعْمَلُ عَمَلًا أَهْلِ الْجَنَّةِ فِيمَا يَبْدُو لِلنَّاسِ وَهُوَ مِنْ أَهْلِ النَّارِ وَإِنَّ الرَّجُلَ لَيَعْمَلُ عَمَلًا أَهْلِ النَّارِ فِيمَا يَبْدُو لِلنَّاسِ وَهُوَ مِنْ أَهْلِ الْجَنَّةِ

244/6. Саҳл ибн Саъд ас-Собидий розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва мушриклар тўқнашиб уруш бошлашди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз турар жойларига, бошқалар ҳам ўз турар жойига қайтганларида, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаларидан бири ҳақида зикр қилинди. Бу кишига ҳар қандай ботир киши йўлиқса, қиличи билан уриб тирик қўймас эди. Саҳобийлар: «Бугун бирор киши фалончи кишидек кифоя этувчи бўлмади», дейишди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «У дўзах аҳлидир», дедилар. Қавмдаги бир киши: «Мен унинг абадий дўстиман, у билан биргаман», деб чиқди-да, тўхтаганида тўхтаб, тезлаганида тезлаб пойлаб бораверди. У киши эса қаттиқ ярадор бўлди. Ўлимини ўзи тезлатиб қўя қолди. Яъни, қиличнинг дастасини ерга, учини эса икки кўкрак орасига қўйиб, оғирлиги билан ўзини босиб жонига қасд қилди. Ҳалиги дўсти Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига чиқиб: «Гувоҳлик бериб айтаманки, сиз Аллоҳнинг расулисиз. Ҳозиргина зикр қилган кишингиз дўзах аҳли экан», деди. Бу сўз одамларга оғир ботди. У эса: «Мен ҳозир сизларга гапириб бераман. Уни ахтариб чиқдим. У эса қаттиқ жароҳатланган эди. Ўлимини ўзи тезлатиб қўя қолди. Яъни, қиличи бандини ерга, учини эса икки кўкрак орасига қўйиб, ўз оғирлиги билан ўзини босиб жонига қасд қилди», деб хабар берди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шу пайт: «Албатта киши одамлар наздида жаннат аҳли амали ҳисобланадиган нарсани бажаради-да, аслида у дўзах аҳлидир. Албатта киши одамлар наздида дўзах амали ҳисобланадиган нарсани бажаради-да, аслида у жаннат аҳлидир», дедилар.

245 – حَدَّثَنِي مُحَمَّدُ بْنُ رَافِعٍ حَدَّثَنَا الزُّبَيْرِيُّ وَهُوَ مُحَمَّدُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ الزُّبَيْرِ حَدَّثَنَا شَيْبَانُ قَالَ سَمِعْتُ الْحَسَنَ يَقُولًا إِنَّ رَجُلًا مِمَّنْ كَانَ قَبْلَكُمْ خَرَجَتْ بِهِ فُرْحَةٌ فَلَمَّا آذَنَهُ انْتَزَعَ سَهْمًا مِنْ كِنَانَتِهِ فَنَكَأَهَا فَلَمْ يَرِقْ الدَّمُ حَتَّى مَاتَ قَالَ رَبُّكُمْ قَدْ حَرَمْتُ عَلَيْهِ الْجَنَّةَ ثُمَّ مَدَّ يَدَهُ إِلَى الْمَسْجِدِ فَقَالَ إِي وَاللَّهِ لَقَدْ حَدَّثَنِي بِهَذَا الْحَدِيثِ جُنْدَبٌ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي هَذَا الْمَسْجِدِ

245/7. Ҳасан айтдилар: «Сизлардан олдинги умматда бир киши бор эди. Унга яра тошиб кетди. У озор бераверганидан қутисидаги камон ўқини олди-да, уни шилиб ташлади. Қон тўхтайвермагач, у вафот этди. Шунда Парвардигор: «Унга жаннатни ҳаром қилдим», деди».

Ҳасан розийаллоҳу анҳу масжид томонга қўлларини чўзиб: «Аллоҳ номига қасамки, Жундуб шу ҳадисни ушбу масжидда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилиб гапириб берган», деганлар.

246 - وَحَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ أَبِي بَكْرٍ الْمُقَدَّمِيُّ حَدَّثَنَا وَهْبُ بْنُ جَرِيرٍ حَدَّثَنَا أَبِي قَالَ سَمِعْتُ الْحَسَنَ يَقُولُ حَدَّثَنَا جُنْدُبُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ الْبَجَلِيُّ فِي هَذَا الْمَسْجِدِ فَمَا نَسِينَا وَمَا نَخْشَى أَنْ يَكُونَ جُنْدُبٌ كَذَبَ عَلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ خَرَجَ بَرَجُلٍ فِيمَنْ كَانَ قَبْلَكُمْ خُرَاجٌ فَذَكَرَ نَحْوَهُ

246/8. Ҳасан айтдилар: «Бизларга Жундуб ибн Абдуллоҳ ал-Бажалий воқеъани ушбу масжидда гапириб берган. Биз унутганимиз йўқ ҳамда Жундубнинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга нисбатан ёлғон гапиришидан ҳам қўрқмаймиз. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сизлардан олдинги (уммат)лардан бир кишига йирингли чақа чиқди», деб қолганини юқоридаги каби зикр қилганлар».

### 48-боб

#### Ўлжа тақсимлашдан олдин ундан бирор нарса олиш қаттиқ ҳаром экани ҳамда жаннатга фақатгина мўминларгина кириши ҳақида

247 - حَدَّثَنِي زُهَيْرُ بْنُ حَرْبٍ حَدَّثَنَا هَاشِمُ بْنُ الْقَاسِمِ حَدَّثَنَا عِكْرِمَةُ بْنُ عَمَّارٍ قَالَ حَدَّثَنِي سِمَاكُ الْحَنْفِيُّ أَبُو زُمَيْلٍ قَالَ حَدَّثَنِي عَبْدُ اللَّهِ بْنُ عَبَّاسٍ قَالَ حَدَّثَنِي عُمَرُ بْنُ الْخَطَّابِ قَالَ لَمَّا كَانَ يَوْمَ خَيْبَرَ أَقْبَلَ نَفَرٌ مِنْ صَحَابَةِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالُوا فُلَانٌ شَهِيدٌ فُلَانٌ شَهِيدٌ حَتَّى مَرُّوا عَلَى رَجُلٍ فَقَالُوا فُلَانٌ شَهِيدٌ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَلَّا إِنِّي رَأَيْتُهُ فِي النَّارِ فِي بُرْدَةٍ غَلَّهَا أَوْ عَبَاءَةٍ ثُمَّ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَا ابْنَ الْخَطَّابِ اذْهَبْ فَنَادِ فِي النَّاسِ أَنَّهُ لَا يَدْخُلُ الْجَنَّةَ إِلَّا الْمُؤْمِنُونَ قَالَ فَخَرَجْتُ فَنَادَيْتُ أَلَا إِنَّهُ لَا يَدْخُلُ الْجَنَّةَ إِلَّا الْمُؤْمِنُونَ

247/1. Умар ибн Хаттоб розийаллоҳу анҳу айтдилар: «Ҳайбар куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларидан бир неча нафари келиб: «Фалон киши шаҳид, фалон киши шаҳид», дейишди, ҳатто бир кишининг олдидан ўтаётди: «У ҳам шаҳид», дейишди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Йўқ, мен уни дўзахда кўрдим. Чунки у ўлжа тақсимланмасидан олдин тўн ёки абор (чопонга ўхшаш жундан тикилган кийим)га хиёнат қилган», дедилар. Сўнгра у зот яна: «Эй Ибн Хаттоб! Одамлар олдига бориб, жаннатга фақат мўминлар киришини айтиб жар солгин», дедилар. Мен чиқиб: «Огоҳ бўлинг! Жаннатга фақат мўминларгина киришади», деб қичқирдим».

248 - حَدَّثَنِي أَبُو الطَّاهِرِ قَالَ أَخْبَرَنِي ابْنُ وَهْبٍ عَنْ مَالِكِ بْنِ أَنَسٍ عَنْ نَوْرِ بْنِ زَيْدِ الدُّؤَلِيِّ عَنْ سَالِمِ أَبِي الْغَيْثِ مَوْلَى ابْنِ مُطِيعٍ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ ح وَحَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ بْنُ سَعِيدٍ وَهَذَا حَدِيثُهُ حَدَّثَنَا عَبْدُ الْعَزِيزِ يَعْنِي ابْنَ مُحَمَّدٍ عَنْ نَوْرٍ عَنْ أَبِي الْغَيْثِ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ خَرَجْنَا مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِلَى خَيْبَرَ فَفَتَحَ اللَّهُ عَلَيْنَا فَلَمْ نَعْنَمْ ذَهَبًا وَلَا وَرِقًا غَنَمْنَا الْمَتَاعَ وَالطَّعَامَ وَالنِّيبَابَ ثُمَّ انْطَلَقْنَا إِلَى الْوَادِي وَمَعَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَبْدٌ لَهُ وَهَبٌ لَهُ رَجُلٌ مِنْ جُدَامٍ يُدْعَى رِفَاعَةَ بْنَ زَيْدٍ مِنْ بَنِي الضَّبَّيْبِ فَلَمَّا نَزَلْنَا الْوَادِي قَامَ عَبْدُ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَحُلُّ رِجْلَهُ فَرَمِي بِسَهْمٍ فَكَانَ فِيهِ حَنْفَةٌ فَقُلْنَا هَبْنَاهُ لَهُ الشَّهَادَةَ يَا رَسُولَ اللَّهِ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَلَّا وَالَّذِي نَفْسُ مُحَمَّدٍ بِيَدِهِ إِنَّ الشَّمْلَةَ لَتَلْتَهُبُ عَلَيْهِ نَارًا أَخَذَهَا مِنَ الْعَنَائِمِ يَوْمَ خَيْبَرَ لَمْ تُصِبْهَا الْمَقَاسِمُ قَالَ فَفَزِعَ



النَّاسُ فَجَاءَ رَجُلٌ بِشِرَاكٍ أَوْ شِرَاكَيْنِ فَقَالَ يَا رَسُولَ اللَّهِ أَصَبْتُ يَوْمَ خَيْبَرَ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ شِرَاكٌ مِنْ نَارٍ أَوْ شِرَاكَانِ مِنْ نَارٍ

248/2. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. «Биз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга Ҳайбарга чиққанимизда Аллоҳ бизга у ер фатҳини насиб этди. Кумуш ва тилла тангаларни ўлжа қилмаган бўлсак-да, мато, таом ва кийимларни қўлга киритдик. Кейин водийга бордик. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга бир қуллари ҳам бор эди. Уни Жузом қабиласидаги Бани Зубайб авлодидан Рифоъа ибн Зайд деган киши Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга берган эди. Биз водийга тушганимизда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қуллари туриб уловини ечаётган эди, бир найза келиб унинг ўлимига сабаб бўлди. Биз оҳистагина: «Эй Аллоҳнинг расули! У шаҳид бўлди», дедик. Шунда у зот: «Йўқ, Муҳаммаднинг жони Унинг ядида бўлган Зотга қасамки, Ҳайбар куни тақсимотдан олдин ўлжадан олган чопони ўт бўлиб ёнмоқда», дедилар. Одамлар бундан қўрқиб кетишди, бир киши шиппакнинг бир (ёки икки) ипини олиб келиб: «Эй Аллоҳнинг расули! Мен уни Ҳайбар куни қўлга киритган эдим», деди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бир ип дўзахдандир (ёки икки ип дўзахдандир)», дедилар».

#### 49-боб

#### Ўз жонига қасд қилган киши кофир бўлмаслиги ҳақида

249 - حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ وَإِسْحَاقُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ جَمِيعًا عَنْ سُلَيْمَانَ قَالَ أَبُو بَكْرٍ حَدَّثَنَا سُلَيْمَانُ بْنُ حَرْبٍ حَدَّثَنَا حَمَّادُ بْنُ زَيْدٍ عَنْ حَجَّاجِ الصَّوَّافِ عَنْ أَبِي الزُّبَيْرِ عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ أَنَّ الطُّفَيْلَ بْنَ عَمْرٍو الدَّوْسِيَّ أَتَى النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ يَا رَسُولَ اللَّهِ هَلْ لَكَ فِي حِصْنِ حِصِينٍ وَمَنْعَةٍ قَالَ حِصْنٌ كَانَ لِدَوْسٍ فِي الْجَاهِلِيَّةِ فَأَبَى ذَلِكَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لِلَّذِي ذَخَرَ اللَّهُ لِلْأَنْصَارِ فَلَمَّا هَاجَرَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِلَى الْمَدِينَةِ هَاجَرَ إِلَيْهِ الطُّفَيْلُ بْنُ عَمْرٍو وَهَاجَرَ مَعَهُ رَجُلٌ مِنْ قَوْمِهِ فَاجْتَنَوْا الْمَدِينَةَ فَمَرَضَ فَجَزَعُ فَأَخَذَ مَشَاقِصَ لَهُ فَقَطَعَ بِهَا بَرَاكِمَهُ فَسَخَبَتْ يَدَاهُ حَتَّى مَاتَ فَرَأَاهُ الطُّفَيْلُ بْنُ عَمْرٍو فِي مَنَامِهِ فَرَأَهُ وَهَيْئَتُهُ حَسَنَةً وَرَأَهُ مُعْطِيًا يَدَيْهِ فَقَالَ لَهُ مَا صَنَعَ بِكَ رَبُّكَ فَقَالَ غَفَّرَ لِي بِهَجْرَتِي إِلَى نَبِيِّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ مَا لِي أَرَاكَ مُعْطِيًا يَدَيْكَ قَالَ قِيلَ لِي لَنْ نُصَلِّحَ مِنْكَ مَا أَفْسَدْتَ فَقَصَّهَا الطُّفَيْلُ عَلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ اللَّهُمَّ وَلِيَدَيْهِ فَاعْفِرْ

249/1. Жобир розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Туфайл ибн Амр ад-Давсий Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келиб: «Эй Аллоҳнинг расули! Сизда эгаллаб бўлинмайдиган қалъа, яъни душмандан тўсувчи қўрғон борми?» деганида, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни рад этдилар. Чунки жоҳилиятда Давс қабиласининг жон сақланувчи қўрғони бор эди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга Аллоҳ таоло ансорларни захира қилиб берди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам

Мадинага ҳижрат қилганларида Туфайл ибн Амр ҳам ҳижрат қилдилар. У киши билан бирга қавмларидан бир одам ҳам Мадинани қулай замин деб ҳижрат қилди. Одам у ерда касал бўлиб бесабрлик қилди-да, кенг тифини олиб, у билан бармоқ бўғинини кесди. Кейин қўлидан қон кўп кетиб, у киши вафот этди. Туфайл ибн Амр уни тушида кўрди. Қараса, унинг ҳайъати чиройли, лекин қўли боғлиқ экан. Шунда Туфайл: «Раббинг сенга нима деди?» деб сўраса, у киши: «Набийим ҳузурига ҳижрат қилганим сабабли Раббим гуноҳларимни кечирди», деб жавоб қилди. Туфайл: «Нима учун қўлингни боғланган ҳолда кўрмоқдаман», десалар, у киши: «Фасод қилган нарсанг сени ислоҳ этмайди, деб айтилди», деди. Туфайл бу (ҳодисани) Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга айтганларида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳим, унинг қўли сабабли (қилган гуноҳини) кечир», деб айтдилар.

### 50-боб

#### Қиёмат яқин бўлганида бир шамол эсиб, қалбида иймондан бирор асар бор кишиларнинг жонини олиши ҳақида

250 - حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ عَبْدِ الصَّمِيِّ حَدَّثَنَا عَبْدُ الْعَزِيزِ بْنُ مُحَمَّدٍ وَأَبُو عَلْقَمَةَ الْفَرَوِيُّ قَالَ حَدَّثَنَا صَفْوَانُ بْنُ سُلَيْمٍ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ سَلْمَانَ عَنْ أَبِيهِ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِنَّ اللَّهَ يَبْعَثُ رِيحًا مِنَ الْيَمَنِ أَلْيَنَ مِنَ الْحَرِيرِ فَلَا تَدَعُ أَحَدًا فِي قَلْبِهِ قَالَ أَبُو عَلْقَمَةَ مَثْقَالُ حَبَّةٍ وَ قَالَ عَبْدُ الْعَزِيزِ مَثْقَالُ ذَرَّةٍ مِنْ إِيْمَانٍ إِلَّا قَبَضَتْهُ

250/1. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта Аллоҳ таоло Яман томондан бир шамол юборадики, у шамол ипақдан ҳам майин бўлиб, қалбида ҳантал уруғи (ёки зарра) миқдорича иймони бор кишининг жонини олади», дедилар. Абу Алқамма «Ҳантал уруғи миқдорича», Абдулазиз эса «Зарра миқдорича», деб айтганлар.

### 51-боб

#### Фитналар зоҳир бўлишидан олдин амалларга ошиқишга тарғиб баёни

251 - حَدَّثَنِي يَحْيَى بْنُ أَبِي وَفِيئَةَ وَابْنُ حُجْرٍ جَمِيعًا عَنْ إِسْمَاعِيلَ بْنِ جَعْفَرٍ قَالَ ابْنُ أَبِي حَدَّثَنَا إِسْمَاعِيلُ قَالَ أَخْبَرَنِي الْعَلَاءُ عَنْ أَبِيهِ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ بَادِرُوا بِالْأَعْمَالِ فَتَنَّا كَقَطْعِ اللَّيْلِ الْمُظْلَمِ يُصْبِحُ الرَّجُلُ مُؤْمِنًا وَيُؤْمِسِي كَافِرًا أَوْ يُؤْمِسِي مُؤْمِنًا وَيُصْبِحُ كَافِرًا يَبِيعُ دِينَهُ بَعْرَضٍ مِنَ الدُّنْيَا

251/1. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Амалларни қилиб қолишга зулумат кечанинг

парчаси каби фитналар келишидан (олдин) шошилиглар. Чунки ўшанда киши мўмин бўлиб тонг оттиради-да, кофир бўлиб кечлатади ёки мўмин бўлиб кечлатиб кофир бўлиб тонг оттиради. Динини дунёнинг озгина молига сотиб юборади», дедилар.

## 52-боб

### Мўмин кишининг амали ҳабата бўлишидан қўрқishi ҳақида

252 - حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ حَدَّثَنَا الْحَسَنُ بْنُ مُوسَى حَدَّثَنَا حَمَّادُ بْنُ سَلَمَةَ عَنْ ثَابِتِ الْبُنَانِيِّ عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ أَنَّهُ قَالَ لَمَّا نَزَلَتْ هَذِهِ الْآيَةُ ( يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَرْفَعُوا أَصْوَاتَكُمْ فَوْقَ صَوْتِ النَّبِيِّ ) إِلَى آخِرِ الْآيَةِ جَلَسَ ثَابِتُ بْنُ قَيْسٍ فِي بَيْتِهِ وَقَالَ أَنَا مِنْ أَهْلِ النَّارِ وَاحْتَبَسَ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَسَأَلَ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ سَعْدُ بْنُ مُعَاذٍ فَقَالَ يَا أَبَا عَمْرٍو مَا شَأْنُ ثَابِتٍ اشْتَكَى قَالَ سَعْدٌ إِنَّهُ لِحَارِي وَمَا عَلِمْتُ لَهُ بِشَكْوَى قَالَ فَأَتَاهُ سَعْدٌ فَذَكَرَ لَهُ قَوْلَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ ثَابِتٌ أَنْزَلَتْ هَذِهِ الْآيَةُ وَلَقَدْ عَلِمْتُمْ أَنِّي مِنْ أَرْفَعِكُمْ صَوْتًا عَلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَأَنَا مِنْ أَهْلِ النَّارِ فَذَكَرَ ذَلِكَ سَعْدٌ لِلنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَلْ هُوَ مِنْ أَهْلِ الْجَنَّةِ

وَحَدَّثَنَا قَطْنُ بْنُ نُسَيْرٍ حَدَّثَنَا جَعْفَرُ بْنُ سُلَيْمَانَ حَدَّثَنَا ثَابِتٌ عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ قَالَ كَانَ ثَابِتُ بْنُ قَيْسٍ بْنِ شَمَّاسٍ حَطِيبَ الْأَنْصَارِ فَلَمَّا نَزَلَتْ هَذِهِ الْآيَةُ بَنَحُو حَدِيثَ حَمَّادٍ وَكَيْسٍ فِي حَدِيثِهِ ذَكَرَ سَعْدُ بْنُ مُعَاذٍ وَحَدَّثَنِيهِ أَحْمَدُ بْنُ سَعِيدٍ بْنُ صَخْرٍ الدَّارِمِيُّ حَدَّثَنَا حَبَّانُ حَدَّثَنَا سُلَيْمَانُ بْنُ الْمُغِيرَةِ عَنْ ثَابِتٍ عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ قَالَ لَمَّا نَزَلَتْ ( لَا تَرْفَعُوا أَصْوَاتَكُمْ فَوْقَ صَوْتِ النَّبِيِّ ) وَلَمْ يَذْكُرْ سَعْدُ بْنُ مُعَاذٍ فِي الْحَدِيثِ

وَحَدَّثَنَا هُرَيْمُ بْنُ عَبْدِ الْأَعْلَى الْأَسَدِيُّ حَدَّثَنَا الْمُعْتَمِرُ بْنُ سُلَيْمَانَ قَالَ سَمِعْتُ أَبِي يَذْكُرُ عَنْ ثَابِتٍ عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ قَالَ لَمَّا نَزَلَتْ هَذِهِ الْآيَةُ وَاقْتَصَّ الْحَدِيثَ وَلَمْ يَذْكُرْ سَعْدُ بْنُ مُعَاذٍ وَزَادَ فَكُنَّا نَرَاهُ يَمُشِي بَيْنَ أَظْهُرِنَا رَجُلٌ مِنْ أَهْلِ الْجَنَّةِ

252/2. Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. «Эй мўминлар, овозларингизни Набий овозларидан баландлатманглар» ояти охиригача нозил бўлганида Собит ибн Қайс уйларида ўтириб: «Мен дўзах аҳлидан эканман», дедилар ва кейинча Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ўзларини панада олиб юрдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Саъд ибн Муоздан: «Эй Абу Амр (яъни, Саъд), Собитга нима бўлди, у касалми?» деб сўрасалар, Саъд: «У юрибди, ҳеч қанақа касали йўқ», дедилар. Саъд Собитнинг олдиларига бориб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сўзларини айтганларида, Собит розийаллоҳу анҳу: «Мана бу оят нозил бўлибди. Биласизларки, мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга нисбатан овози энг баландингизман. Шунинг учун мен дўзах аҳлиданман», дедилар. Саъд бу нарсани Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга зикр қилганларида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Балки у жаннат аҳлидир», дедилар.

Бу ерда юқоридаги ҳадис икки марта такрор келган, лекин Саъд ибн Муоз зикр қилинмаган ва яна «Олдимизда жаннат аҳлидан бўлган киши юришини кўрар эдик» жумласи зиёда қилинган.

## 53-боб

## Жоҳилият амаллари сабабли жазога тортиладими?

253 - حَدَّثَنَا عُثْمَانُ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ حَدَّثَنَا جَرِيرٌ عَنْ مَنْصُورٍ عَنْ أَبِي وَائِلٍ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ قَالَ قَالَ أَنَسٌ لِرَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَا رَسُولَ اللَّهِ أَنْوَاحُ بِمَا عَمَلْنَا فِي الْجَاهِلِيَّةِ قَالَ أَمَا مِنْ أَحْسَنٍ مِنْكُمْ فِي الْإِسْلَامِ فَلَا يُؤَاخَذُ بِهَا وَمَنْ أَسَاءَ أُخِذَ بِعَمَلِهِ فِي الْجَاهِلِيَّةِ وَالْإِسْلَامِ

253/1. Абдуллоҳ розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Бир неча одам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга: «Эй Аллоҳнинг расули! Бизлар жоҳилиятда бажарган амалларимиз сабабли жазога тортиламизми?» дейишганида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким Исломга кирганидан кейин чиройли амаллар қилган бўлса, жазога тортилмайди. Лекин ким ёмон амалларни қилаверса, жоҳилиятдаги ва Исломдаги ишлари учун жазога тортилади», дедилар.

254 - حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ نُمَيْرٍ حَدَّثَنَا أَبِي وَوَكَيْعٌ ح وَحَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ وَاللَّفْظُ لَهُ حَدَّثَنَا وَكَيْعٌ عَنِ الْأَعْمَشِ عَنْ أَبِي وَائِلٍ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ قَالَ قُلْنَا يَا رَسُولَ اللَّهِ أَنْوَاحُ بِمَا عَمَلْنَا فِي الْجَاهِلِيَّةِ قَالَ مَنْ أَحْسَنَ فِي الْإِسْلَامِ لَمْ يُؤَاخَذْ بِمَا عَمِلَ فِي الْجَاهِلِيَّةِ وَمَنْ أَسَاءَ فِي الْإِسْلَامِ أُخِذَ بِالْأَوَّلِ وَالْآخِرِ حَدَّثَنَا مَنجَابُ بْنُ الْحَارِثِ التَّمِيمِيُّ أَخْبَرَنَا عَلِيُّ بْنُ مُسَهَّرٍ عَنِ الْأَعْمَشِ بِهَذَا الْإِسْنَادِ مِثْلَهُ

254/2. Абдуллоҳ розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. «Биз: «Эй Аллоҳнинг расули! Жоҳилиятда қилган амалларимиз сабабли жазога тортиламизми?» деганимизда, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким Исломга кирганида чиройли амаллар қилса, жоҳилиятдаги амаллари сабабли жазога тортилмайди. Ким Исломга кирганидан кейин ҳам ёмон амалларни бажараверса, аввалгию кейинги, яъни жоҳилиятдагию Исломдаги амаллари сабабли жазога тортилади», дедилар».

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган.

## 54-боб

## Исломга кириш, ҳаж ва ҳижрат ўзидан олдинги (амалларни) йўққа чиқариши ҳақида

255 - حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى الْعَنْزِيُّ وَأَبُو مَعْنٍ الرَّقَاشِيُّ وَإِسْحَاقُ بْنُ مَنْصُورٍ كُلُّهُمْ عَنْ أَبِي عَاصِمٍ وَاللَّفْظُ لِابْنِ الْمُثَنَّى حَدَّثَنَا الضَّحَّاكُ يَعْنِي أَبَا عَاصِمٍ قَالَ أَخْبَرَنَا حَيُّوَةُ بْنُ شَرِيحٍ قَالَ حَدَّثَنِي يَزِيدُ بْنُ أَبِي حَبِيبٍ عَنِ ابْنِ شِمَاسَةَ الْمَهْرِيِّ قَالَ حَضَرْنَا عَمْرُو بْنَ الْعَاصِ وَهُوَ فِي سِيَاقَةِ الْمَوْتِ فَبَكَى طَوِيلًا وَحَوَّلَ وَجْهَهُ إِلَى الْجِدَارِ فَجَعَلَ ابْنُهُ يَقُولُ يَا أَبَتَاهُ أَمَا بَشَّرَكَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِكَذَا أَمَا بَشَّرَكَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِكَذَا قَالَ فَأَقْبَلَ بَوَّاحَهُ فَقَالَ إِنَّ أَفْضَلَ مَا نَعُدُّ شَهَادَةَ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَنَّ

مُحَمَّدًا رَسُولَ اللَّهِ إِنِّي كُنْتُ عَلَى أَطْبَاقِ ثَلَاثَ لَيَالٍ لَقَدْ رَأَيْتُنِي وَمَا أَحَدٌ أَشَدَّ بُغْضًا لِرَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنِّي وَلَا أَحَبَّ إِلَيَّ أَنْ أَكُونَ قَدْ اسْتَمَكَّكَ مِنْهُ فَقَتَلْتَهُ فَلَوْ مِتُّ عَلَى تِلْكَ الْحَالِ لَكُنْتُ مِنْ أَهْلِ النَّارِ فَلَمَّا جَعَلَ اللَّهُ الْإِسْلَامَ فِي قَلْبِي أَتَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقُلْتُ ابْسُطْ يَمِينَكَ فَلَا يَأْبَعُكَ فَبَسَطَ يَمِينَهُ قَالَ فَبَضَّضْتُ يَدِي قَالَ مَا لَكَ يَا عَمْرُو قَالَ قُلْتُ أَرَدْتُ أَنْ أَشْتَرِطَ قَالَ تَشْتَرِطُ بِمَاذَا قُلْتُ أَنْ يُعْفَرَ لِي قَالَ أَمَا عَلِمْتَ أَنَّ الْإِسْلَامَ يَهْدِمُ مَا كَانَ قَبْلَهُ وَأَنَّ الْهَجْرَةَ تَهْدِمُ مَا كَانَ قَبْلَهَا وَأَنَّ الْحَجَّ يَهْدِمُ مَا كَانَ قَبْلَهُ وَمَا كَانَ أَحَدًا أَحَبَّ إِلَيَّ مِنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَلَا أَجَلَ فِي عَيْنِي مِنْهُ وَمَا كُنْتُ أُطِيقُ أَنْ أَمْلَأَ عَيْنِي مِنْهُ إِجْلَالًا لَهُ وَلَوْ سُئِلْتُ أَنْ أَصِفَهُ مَا أَطَقْتُ لِأَنِّي لَمْ أَكُنْ أَمْلَأُ عَيْنِي مِنْهُ وَلَوْ مِتُّ عَلَى تِلْكَ الْحَالِ لَرَجَوْتُ أَنْ أَكُونَ مِنْ أَهْلِ الْجَنَّةِ ثُمَّ وَلِينَا أَشْيَاءَ مَا أَذْرِي مَا حَالِي فِيهَا فَإِذَا أَنَا مِتُّ فَلَا تَصْحَبُنِي نَائِحَةٌ وَلَا نَارٌ فَإِذَا دَفَنْتُمُونِي فَشَنُّوا عَلَيَّ التُّرَابَ شَنًّا ثُمَّ أَقِيمُوا حَوْلَ قَبْرِي قَدْرَ مَا تُنْحَرُ حَزْرُورٌ وَيُقَسَّمُ لَحْمُهَا حَتَّى اسْتَأْنَسَ بِكُمْ وَأَنْظُرَ مَاذَا أَرَا جِعَ بِهِ رَسُولَ رَبِّي

255/1. Ибн Шамосадан (р.а.) ривоят қилинади. Бизлар Амр ибн Осснинг (р.а.) ҳузурларига кирсак, у зот ўлим талвасасида ётган эканлар. Кўп йиғлаб, юзларини девор тарафга қилиб олдилар. Ўғиллари: «Эй отажон! Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сиз ҳақингизда ундай ва бундай башорат қилмаганларми?» деганларида, у зот юзларини (биз томонга) буриб: «Бизларнинг энг афзал ҳисоблайдиган амалимиз «Ла илаҳа иллаллоҳу ва анна Муҳаммадан Расулуллоҳ»дир. Менинг ҳаётим уч қисмга бўлинади. Биринчиси: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳаммадан кўпроқ ёмон кўрар эдим. Энг орзу қилган нарсам, имкониятини топиб у зотни қатл этиш эди. Агар мана шу ҳолатда вафот этганимда, дўзах аҳлидан бўлар эдим. Иккинчиси шуки: Аллоҳ қалбимни Исломга мойил этганида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига бориб, байъат қилишим учун қўлингизни беринг, десам, у зот қўлларини бердилар. Мен эса қўлимни тортиб олдим. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эй Амр, сенга нима бўлди?» дедилар. Мен: «Байъатдан олдин бир шартим бор», дедим. У зот: «Нима шартинг бор?» дедилар. Мен: «Гуноҳларим кечирилиши», дедим. У зот: «Ислом ўзидан олдинги гуноҳларни кечириши сенга маълум эмасмиди? Ҳижрат ҳам ўзидан олдинги гуноҳларни кечириши сенга маълум эмасмиди? Ҳажни адо этиш ҳам ўзидан олдинги гуноҳларни кечириши сенга маълум эмасмиди?» дедилар. Ўша кундан бошлаб назаримда ҳеч ким Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламчалик менга ҳайбатли ва маҳбуб эмас эди. Мен у зотдан ҳайбатланганим сабабли кўзимни қувонтирадиган даражада у зотнинг юзларига боқолмадим. Агар бирор киши у зотнинг (қандай эканликларини) сифатлаб беришимни сўраб қолса, уни айтиб бера олмайман. Чунки кўзимни қувонтирадиган даражада у зотнинг юзларига қарамаганман. Агар мана шу ҳолатда ўлганимда, жаннат аҳлидан бўлишни умид қилар эдим. Учинчиси: Кейин баъзи ишларга бошлиқ қилиндим. Ҳолим нима кечишини билмайман. Агар вафот этадиган бўлсам, орқамдан йиғловчиларни ҳам, олов ёқувчиларни ҳам эргаштирманг. Агар дафн қилсангизлар, тупроқни оз-оздан солинглар. Сўнгра қабрим тепасида

бир туяни сўйиб, гўшти тақсимлангунча туринглар. Мен сизлар билан бўлиб, Раббим элчисига нима деб жавоб беришимга тайёрланиб олайин», дедилар.

256 - حَدَّثَنِي مُحَمَّدُ بْنُ حَاتِمٍ بْنُ مَيْمُونٍ وَإِبْرَاهِيمُ بْنُ دِينَارٍ وَاللَّفْظُ لِإِبْرَاهِيمَ قَالَ حَدَّثَنَا حَجَّاجٌ وَهُوَ ابْنُ مُحَمَّدٍ عَنِ ابْنِ حُرَيْجٍ قَالَ أَخْبَرَنِي يَعْلَى بْنُ مُسْلِمٍ أَنَّهُ سَمِعَ سَعِيدَ بْنَ جُبَيْرٍ يُحَدِّثُ عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ أَنَّ نَاسًا مِنْ أَهْلِ الشَّرْكَ قَتَلُوا فَأَكْثَرُوا وَزَنُوا فَأَكْثَرُوا ثُمَّ أَتَوْا مُحَمَّدًا صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالُوا إِنَّ الَّذِي تَقُولُ وَتَدْعُو لِحَسَنٍ وَلَوْ نُخَيِّرُنَا أَنْ لِمَا عَمَلْنَا كَفَّارَةً فَنَزَلَ (وَالَّذِينَ لَا يَدْعُونَ مَعَ اللَّهِ إِلَهًا آخَرَ وَلَا يَقْتُلُونَ النَّفْسَ الَّتِي حَرَّمَ اللَّهُ إِلَّا بِالْحَقِّ وَلَا يَزْنُونَ وَمَنْ يَفْعَلْ ذَلِكَ يَلْقَ أَثَامًا ) وَنَزَلَ ( يَا عِبَادِيَ الَّذِينَ أَسْرَفُوا عَلَى أَنْفُسِهِمْ لَا تَقْنَطُوا مِنْ رَحْمَةِ اللَّهِ )

256/2. Ибн Аббос розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Ширк аҳлидан бўлган кишилар (одамларни) ўлдириб, (бу гуноҳни) кўпайтириб юборишди. Ва зино билан машғул бўлиб, уни ҳам кўпайтириб юборишди. Кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келиб: «Албатта сиз гапириб даъват қилаётган нарсангиз яхши. Қани энди бизга ўша амалларимизга каффорот бўлувчи нарсанинг хабарини берсангиз, (Исломга кирар эдик)», дейишганида қуйидаги оят нозил бўлди: «Улар Аллоҳ билан бирга бошқа бирон илоҳга илтижо қилмаслар ва Аллоҳ (ўлдиришни ҳаром қилган) бирон жонни ноҳақ ўлдирмаслар ҳамда зино қилмаслар. Ким мана шу (гуноҳлардан биронтасини) қилса, уқубатга дучор бўлур» (Фурқон сураси, 68-оят); «(Эй Муҳаммад алайҳиссалом), Менинг (турли гуноҳ-маъсиятлар қилиш билан) ўз жонларига жиноят қилган бандаларимга айтинг: «Аллоҳнинг раҳмат-марҳаматидан ноумид бўлмангиз» (Зумар сураси, 53-оят).

## 55-боб

### Муслмон бўлганидан кейин кофир ҳолатидаги амалининг ҳукми ҳақида

257 - حَدَّثَنِي حَرَمَلَةُ بْنُ يَحْيَى أَخْبَرَنَا ابْنُ وَهْبٍ قَالَ أَخْبَرَنِي يُوسُفُ بْنُ ابْنِ شِهَابٍ قَالَ أَخْبَرَنِي عُروَةُ بْنُ الزُّبَيْرِ أَنَّ حَكِيمَ بْنَ حِرَامٍ أَخْبَرَهُ أَنَّهُ قَالَ لِرَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَرَأَيْتَ أُمُورًا كُنْتُ أَتَحَنُّتُ بِهَا فِي الْجَاهِلِيَّةِ هَلْ لِي فِيهَا مِنْ شَيْءٍ فَقَالَ لَهُ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَسَلَمْتَ عَلَيَّ مَا أَسَلَمْتَ مِنْ خَيْرٍ وَالتَّحَنُّتُ التَّعَبُّدُ

257/1. Ҳақим ибн Ҳизом розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Бу зот Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга: «Баъзи ишлар борки, жоҳилиятда унга амал қилар эдим. Ўша ишларимда савоб борми?» деганида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сен чиройли мақтовни қўлга киритибсан, у Исломдалик пайтингда ҳам боқий қолади», дедилар. Ўша яхши амаллари ибодат эди.

258 - وَحَدَّثَنَا حَسَنُ الْحُلَوَانِيُّ وَعَبْدُ بْنُ حُمَيْدٍ قَالَ الْحُلَوَانِيُّ حَدَّثَنَا وَقَالَ عَبْدُ حَدَّثَنِي يَعْقُوبُ وَهُوَ ابْنُ إِبْرَاهِيمَ بْنِ سَعْدٍ حَدَّثَنَا أَبِي عَنْ صَالِحٍ عَنْ ابْنِ شَهَابٍ قَالَ أَخْبَرَنِي عُرْوَةُ بْنُ الزُّبَيْرِ أَنَّ حَكِيمَ بْنَ حِزَامٍ أَخْبَرَهُ أَنَّهُ قَالَ لِرَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَيُّ رَسُولِ اللَّهِ أَرَأَيْتَ أُمُورًا كُنْتُ أَتَحَنَّنْتُ بِهَا فِي الْجَاهِلِيَّةِ مِنْ صَدَقَةٍ أَوْ عَتَاقَةٍ أَوْ صِلَةٍ رَحِمَ أَفِيهَا أَحْرَ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَسَلَّمْتَ عَلَيَّ مَا أَسَلَّمْتَ مِنْ خَيْرٍ

258/2. Ҳақим ибн Ҳизом розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Бу зот Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга: «Эй Аллоҳнинг расули! Мен жоҳилиятда садақа ёки қул озод қилиш ё қариндошлик алоқаларини тиклаш каби амалларни бажарар эдим. Ана шу ишларимда савоб борми?» деганларида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сен чиройли мақтовни қўлга киритибсан, у Исломдалик пайтингда ҳам боқий қолади», дедилар.

259 - حَدَّثَنَا إِسْحَقُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ وَعَبْدُ بْنُ حُمَيْدٍ قَالَا أَخْبَرَنَا عَبْدُ الرَّزَّاقِ أَخْبَرَنَا مَعْمَرٌ عَنِ الرَّهْرِيِّ بِهَذَا الْإِسْنَادِ ح وَحَدَّثَنَا إِسْحَقُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ أَخْبَرَنَا أَبُو مُعَاوِيَةَ حَدَّثَنَا هِشَامُ بْنُ عُرْوَةَ عَنْ أَبِيهِ عَنْ حَكِيمِ بْنِ حِزَامٍ قَالَ قُلْتُ يَا رَسُولَ اللَّهِ أَشَيْءٌ كُنْتُ أَفْعَلُهَا فِي الْجَاهِلِيَّةِ قَالَ هِشَامٌ يَعْنِي أَتَبَرَّرُ بِهَا فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَسَلَّمْتَ عَلَيَّ مَا أَسَلَّمْتَ لَكَ مِنَ الْخَيْرِ قُلْتُ فَوَاللَّهِ لَا أَدْعُ شَيْئًا صَنَعْتُهُ فِي الْجَاهِلِيَّةِ إِلَّا فَعَلْتُ فِي الْإِسْلَامِ مِثْلَهُ

259/3. Ҳақим ибн Ҳизом розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. «Мен: «Эй Аллоҳнинг расули! Жоҳилиятда баъзи нарсалар қилардим», десам, (Ҳишом: «Баъзи яхши амаллар», деганлар) Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сен чиройли мақтовни қўлга киритибсан, у Исломдалик пайтингда ҳам боқий қолади», дедилар. Шунда мен: «Аллоҳ номига қасамки, жоҳилиятда қилган нарсаларимни ташламайман, Исломдалик пайтимда ҳам худди ўшандай амал қиламан», дедим».

260 - حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ نُمَيْرٍ عَنْ هِشَامِ بْنِ عُرْوَةَ عَنْ أَبِيهِ أَنَّ حَكِيمَ بْنَ حِزَامٍ أَعْتَقَ فِي الْجَاهِلِيَّةِ مِائَةَ رَقَبَةٍ وَحَمَلَ عَلَى مِائَةِ بَعِيرٍ ثُمَّ أَعْتَقَ فِي الْإِسْلَامِ مِائَةَ رَقَبَةٍ وَحَمَلَ عَلَى مِائَةِ بَعِيرٍ ثُمَّ أَتَى النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَذَكَرَ نَحْوَ حَدِيثِهِمْ

260/4. Ҳақим ибн Ҳизом розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Бу зот жоҳилиятда юзта қулни озод қилиб, юзта туяни садақа қилганлар. Сўнгра Исломга кирганларида ҳам юзта қулни озод этиб, юзта туяни садақа қилиб, кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига бориб юқоридаги сўзни айтганлар.

## 56-боб

*Иймоннинг ғаъбийлиги ва унга ихлосли бйлиши ғаъида*

261 - حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ إِدْرِيسَ وَأَبُو مُعَاوِيَةَ وَوَكَيْعٌ عَنِ الْأَعْمَشِ عَنِ إِبْرَاهِيمَ عَنْ عَلْقَمَةَ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ قَالَ لَمَّا نَزَلَتْ (الَّذِينَ آمَنُوا وَلَمْ يَلْبِسُوا إِيمَانَهُمْ بِظُلْمٍ) شَقَّ ذَلِكَ عَلَى أَصْحَابِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَقَالُوا إِنَّا لَا يَظْلِمُ نَفْسَهُ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَيْسَ هُوَ كَمَا تَظُنُّونَ إِنَّمَا هُوَ كَمَا قَالَ لَقْمَانَ لِابْنِهِ (يَا بُنَيَّ لَا تُشْرِكْ بِاللَّهِ إِنَّ الشِّرْكَ لَظُلْمٌ عَظِيمٌ)

حَدَّثَنَا إِسْحَاقُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ وَعَلِيُّ بْنُ حَشْرَمٍ قَالَا أَخْبَرَنَا عَيْسَى وَهُوَ ابْنُ يُونُسَ ح وَحَدَّثَنَا مِنْجَابُ بْنُ الْحَارِثِ التَّمِيمِيُّ أَخْبَرَنَا ابْنُ مُسْهِرٍ ح وَحَدَّثَنَا أَبُو كُرَيْبٍ أَخْبَرَنَا ابْنُ إِدْرِيسَ كُلُّهُمُ عَنِ الْأَعْمَشِ بِهَذَا الْإِسْنَادِ قَالَ أَبُو كُرَيْبٍ قَالَ ابْنُ إِدْرِيسَ حَدَّثَنِيهِ أَوْلًا أَبِي عَنْ أَبَانَ بْنِ تَعْلَبَ عَنِ الْأَعْمَشِ ثُمَّ سَمِعْتُهُ مِنْهُ

261/1. Абдуллоҳ розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. «Иймон келтирган, ўз иймонларини зулм (ширк) билан аралаштирмаган зотлар – (ана ўшалар хотиржам бўлгувчидир)» ояти нозил бўлганида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг баъзи саҳобаларига бу оят машаққатли туюлди ва улар: «Қай биримиз ўз нафсимизга зулм қилмас эканмиз?» дейишганида, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бу нарса сизлар гумон қилганингиздек эмас, балки Луқмон ўғилларига: «Эй ўғилчам, Аллоҳга ширк келтирмагин! Чунки ширк келтириш катта зулmdir», деб айтган сўзлари кабидир», дедилар.

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган.

## 57-606

### Аллоҳ ҳеч кимни тоқатидан ташқари нарсага тақлиф этмаслиги ҳақида

262 - حَدَّثَنِي مُحَمَّدُ بْنُ مِهَالٍ الضَّرِيرُ وَأُمِيَّةُ بْنُ بَسْطَامَ الْعَيْشِيُّ وَاللَّفْظُ لِأُمِيَّةَ قَالَا حَدَّثَنَا يَزِيدُ بْنُ زُرَيْعٍ حَدَّثَنَا رَوْحٌ وَهُوَ ابْنُ الْقَاسِمِ عَنِ الْعَلَاءِ عَنْ أَبِيهِ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ لَمَّا نَزَلَتْ عَلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ (لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَنِعْمَ الْوَعْدُ لِلَّذِينَ عَقَلُوا عَهْدَهُمْ) قَالَ فَاشْتَدَّ ذَلِكَ عَلَى أَصْحَابِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَأَتَوْا رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ثُمَّ بَرَكُوا عَلَى الرَّكْبِ فَقَالُوا أَيُّ رَسُولِ اللَّهِ كَلَّفْنَا مِنَ الْأَعْمَالِ مَا نُطِيقُ الصَّلَاةَ وَالصِّيَامَ وَالْجِهَادَ وَالصَّدَقَةَ وَقَدْ أَنْزَلْتَ عَلَيْكَ هَذِهِ الْآيَةَ وَلَا نُطِيقُهَا قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَتْرِيدُونَ أَنْ تَقُولُوا كَمَا قَالَ أَهْلُ الْكُتَابِ مِنْ قَبْلِكُمْ سَمِعْنَا وَعَصَيْنَا بَلْ قُولُوا سَمِعْنَا وَأَطَعْنَا غُفْرَانَكَ رَبَّنَا وَإِلَيْكَ الْمَصِيرُ قَالُوا سَمِعْنَا وَأَطَعْنَا غُفْرَانَكَ رَبَّنَا وَإِلَيْكَ الْمَصِيرُ فَلَمَّا أَفْتَرَاهَا الْقَوْمُ ذَلَّتْ بِهَا أَلْسِنَتُهُمْ فَأَنْزَلَ اللَّهُ فِي إِثْرِهَا (أَمَّا الرُّسُلُ بِمَا أَنْزَلَ إِلَيْهِ مِنْ رَبِّهِ وَالْمُؤْمِنُونَ كُلٌّ آمَنَ بِاللَّهِ وَمَلَائِكَتِهِ وَكُتُبِهِ وَرُسُلِهِ لَا نُفَرِّقُ بَيْنَ أَحَدٍ مِنْ رُسُلِهِ وَقَالُوا سَمِعْنَا وَأَطَعْنَا غُفْرَانَكَ رَبَّنَا وَإِلَيْكَ الْمَصِيرُ) فَلَمَّا فَعَلُوا ذَلِكَ نَسَخَهَا اللَّهُ تَعَالَى فَأَنْزَلَ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ (لَا يَكْفُرُ اللَّهُ نَفْسًا إِلَّا وَسَعَهَا لَهَا مَا كَسَبَتْ وَعَلَيْهَا مَا اكْتَسَبَتْ رَبَّنَا لَا تُؤَاخِذْنَا إِنْ نَسِينَا أَوْ أَخْطَأْنَا) قَالَ نَعَمْ (رَبَّنَا وَلَا تَحْمِلْ عَلَيْنَا إصْرًا كَمَا حَمَلْتَهُ عَلَى الَّذِينَ مِنْ قَبْلِنَا) قَالَ نَعَمْ (رَبَّنَا وَلَا تَحْمِلْنَا مَا لَا طَاقَةَ لَنَا بِهِ) قَالَ نَعَمْ (وَاعْفُ عَنَّا وَارْحَمْنَا أَنْتَ مَوْلَانَا فَانصُرْنَا عَلَى الْقَوْمِ الْكَافِرِينَ) قَالَ نَعَمْ



262/1. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга: «Самовот ва ердаги бор нарса Аллоҳникидир. Ичингиздаги нарсани хоҳ ошкор қилинг, хоҳ яширинг, Аллоҳ сизларни ўша нарса билан ҳисоб-китоб қилади ва Ўзи истаган кишини мағфират қилиб, Ўзи истаган кишини азоблайди. Аллоҳ ҳамма нарсага қодирдир» (Бақара сураси, 284-оят) ояти нозил бўлганида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларига бу оят оғирлик қилди. Улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига бориб, чўккалаб ўтиришди ва: «Эй Аллоҳнинг расули! Биз тоқатимиз етадиган намоз, рўза, жиҳод ва садақа каби амалларга буюрилган эдик. Энди бўлса, бу тушган оятга тоқатимиз етмайди», дейишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сизлар ҳам олдинги икки аҳли китоб, яъни яҳудий ва насронийлар каби: «Эшитдик ва осийлик қилдик», дейишни хоҳлайсизларми? Балки унинг ўрнига: «Эшитдик ва итоат этдик. Парвардигоро, гуноҳларимизни мағфират қилишингни сўраймиз ва фақат Ўзингга қайтажакмиз», деб айтишлар», деганларида, улар: «Эшитдик ва итоат этдик. Парвардигоро, гуноҳларимизни мағфират қилишингни сўраймиз ва фақат Ўзингга қайтажакмиз», деб ўқишганида тилларидан тойилишди. Аллоҳ таоло унинг изидан «Пайғамбар ўзига Парвардигоридан нозил қилинган нарсага иймон келтирди ва мўминлар (ҳам иймон келтирдилар). Аллоҳга, фаришталарига, китобларига ва пайғамбарларига иймон келтирган ҳар бир киши (айтди): «Унинг пайғамбарларидан бирон кишини ажратиб қўймаймиз. Ва эшитдик ва итоат этдик. Парвардигоро, гуноҳларимизни мағфират қилишингни сўраймиз. Ва фақат Ўзингга қайтажакмиз», дедилар» (Бақара сураси, 285-оят) оятини нозил қилди. Улар бу нарсани бажаришганида Аллоҳ уни насх қилиб қуйидаги оятни нозил қилди: «Аллоҳ ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсага таклиф қилмайди. (Ҳар кимнинг) қилган (яхши) амали ўзи учундир ва (ёмон) амали ҳам ўзининг бўйнигадир. Парвардигоро, агар унутган ёки хато қилган бўлсак, бизни азобингга гирифтор айлама! Парвардигоро, бизларнинг зиммамизга биздан илгари ўтганларнинг бўйинларига қўйган юкингни юклама! Парвардигоро, бизларни тоқатимиз етмайдиган нарсага зўрлама! Бизларни авф эт, (гуноҳларимизни) мағфират қил, (ҳолимизга) раҳм айла! Ўзинг Хожамизсан! Бас, бу кофир қавм устига Ўзинг бизни ғолиб қил» (Бақара сураси, 286-оят). Бу оятларни ўқий туриб «Ҳа, Раббимиз», деб айтиб туришди.

263 - حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ وَأَبُو كُرَيْبٍ وَإِسْحَاقُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ وَاللَّفْظُ لِأَبِي بَكْرٍ قَالَ إِسْحَاقُ أَخْبَرَنَا وَقَالَ الْآخِرَانِ حَدَّثَنَا وَكَيْعٌ عَنْ سُفْيَانَ عَنْ آدَمَ بْنِ سُلَيْمَانَ مَوْلَى خَالِدٍ قَالَ سَمِعْتُ سَعِيدَ بْنَ جُبَيْرٍ يُحَدِّثُ عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ قَالَ لَمَّا نَزَلَتْ هَذِهِ الْآيَةُ ( وَإِنْ تُبْدُوا مَا فِي أَنْفُسِكُمْ أَوْ تُخْفُوهُ يُحَاسِبِكُمْ بِهِ اللَّهُ ) قَالَ دَخَلَ قُلُوبَهُمْ مِنْهَا شَيْءٌ لَمْ يَدْخُلْ قُلُوبَهُمْ مِنْ شَيْءٍ فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قُولُوا سَمِعْنَا وَأَطَعْنَا وَسَلَّمْنَا قَالَ فَأَلْقَى اللَّهُ الْإِيمَانَ فِي قُلُوبِهِمْ فَأَنْزَلَ اللَّهُ تَعَالَى ( لَا يُكَلِّفُ اللَّهُ نَفْسًا إِلَّا وُسْعَهَا لَهَا مَا

كَسَبَتْ وَعَلَيْهَا مَا اكْتَسَبَتْ رَبَّنَا لَا تُؤَاخِذْنَا إِنْ نَسِينَا أَوْ أَخْطَأْنَا ( قَالَ قَدْ فَعَلْتُ ) رَبَّنَا وَلَا تَحْمِلْ عَلَيْنَا إصْرًا كَمَا حَمَلْتَهُ عَلَى الَّذِينَ مِنْ قَبْلِنَا ( قَالَ قَدْ فَعَلْتُ ) (وَإِغْفِرْ لَنَا وَارْحَمْنَا أَنْتَ مَوْلَانَا ) قَالَ قَدْ فَعَلْتُ

263/2. Ибн Аббос розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. «Ичингиздаги нарсани хоҳ ошкор қилинг, хоҳ яширинг, Аллоҳ сизларни ўша нарса билан ҳисоб-китоб қилади», (яъни қалбингизга бирон нарса кирса ҳам, кирмаса ҳам, ҳисоб-китоб қилади)» ояти нозил бўлганида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «(Сизлар) «Эшитиб итоат қилдик ва таслим бўлдик», деб айтинглар», дедилар. Бас, Аллоҳ уларнинг қалбларига иймонни жойлаб, қуйидаги оятни нозил қилди: «Аллоҳ ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсага таклиф қилмайди. (Ҳар кимнинг) қилган (яхши) амали ўзи учундир ва (ёмон) амали ҳам ўзининг бўйнигадир. Парвардигоро, агар унутган ёки хато қилган бўлсак, бизни азобингга гирифтор айлама! Парвардигоро, бизларнинг зиммамизга биздан илгари ўтганларнинг бўйинларига қўйган юкингни юклама. (Гуноҳларимизни) мағфират қил, (ҳолимизга) раҳм айла! Ўзинг Хожамизсан! Бас, бу кофир қавм устига Ўзинг бизни ғолиб қил» (Бақара сураси, 286-оят).

Бу оятларни ўқий туриб «Ҳақиқатда бажарганман», деб айтиб турдилар.

### 58-606

#### Модомики, амалга ошмаса, Аллоҳ ичида гапирган ёки қалбида тукканининг гуноҳини кечиргани ҳақида

264 - حَدَّثَنَا سَعِيدُ بْنُ مَنْصُورٍ وَفُتَيْبَةُ بْنُ سَعِيدٍ وَمُحَمَّدُ بْنُ عَبْدِ الْعَبْرِيِّ وَاللَّفْظُ لِسَعِيدٍ قَالُوا حَدَّثَنَا أَبُو عَوَانَةَ عَنْ قَتَادَةَ عَنْ زُرَّارَةَ بْنِ أَوْفَى عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِنَّ اللَّهَ تَجَاوَزَ لِأُمَّتِي مَا حَدَّثتُ بِهِ أَنْفُسَهَا مَا لَمْ يَتَكَلَّمُوا أَوْ يَعْمَلُوا بِهِ

حَدَّثَنَا عَمْرُو النَّاقِدُ وَزُهَيْرُ بْنُ حَرْبٍ قَالَا حَدَّثَنَا إِسْمَاعِيلُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ ح وَحَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ مُسْهِرٍ وَعَبْدَةُ بْنُ سُلَيْمَانَ ح وَحَدَّثَنَا ابْنُ الْمُثَنَّى وَابْنُ بَشَّارٍ قَالَا حَدَّثَنَا ابْنُ أَبِي عَدِيٍّ كُلُّهُمُ عَنْ سَعِيدِ بْنِ أَبِي عَرُوبَةَ عَنْ قَتَادَةَ عَنْ زُرَّارَةَ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِنَّ اللَّهَ عَزَّ وَجَلَّ تَجَاوَزَ لِأُمَّتِي عَمَّا حَدَّثتُ بِهِ أَنْفُسَهَا مَا لَمْ تَعْمَلْ أَوْ تَكَلَّمْ بِهِ

وَحَدَّثَنِي زُهَيْرُ بْنُ حَرْبٍ حَدَّثَنَا وَكَيْعٌ حَدَّثَنَا مِسْعَرٌ وَهَشَامُ ح وَحَدَّثَنِي إِسْحَاقُ بْنُ مَنْصُورٍ أَخْبَرَنَا الْحُسَيْنُ بْنُ عَلِيٍّ عَنْ زَائِدَةَ عَنْ شَيْبَانَ جَمِيعًا عَنْ قَتَادَةَ بِهَذَا الْإِسْنَادِ مِثْلَهُ

264/1. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта Аллоҳ таоло умматимдан ичига туккан нарсанинг, модомики гапирмасалар ёки амал қилмасалар, гуноҳидан ўтиб юборгандир», дедилар.

Бу ерда мазкур ҳадис икки марта такрор келган.

## 59-606

**Банда агар бирор яхшиликни қасд қилса, бир яхшилик қилган деб  
ёзилиши ва бирор ёмонликни қасд қилса, унга ёмонлик қилди, деб  
ёзилмаслиги ҳақида**

265 - حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ وَزُهَيْرُ بْنُ حَرْبٍ وَإِسْحَقُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ وَاللَّفْظُ لِأَبِي بَكْرٍ قَالَ إِسْحَقُ أَخْبَرَنَا سُفْيَانُ وَقَالَ  
الْآخِرَانِ حَدَّثَنَا ابْنُ عُيَيْنَةَ عَنْ أَبِي الزُّنَادِ عَنِ الْأَعْرَجِ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ إِذَا هَمَّ  
عَبْدِي بِسَيِّئَةٍ فَلَا تَكْتُبُوهَا عَلَيْهِ فَإِنْ عَمِلَهَا فَكُتِبَتْهَا سَيِّئَةٌ وَإِذَا هَمَّ بِحَسَنَةٍ فَلَمْ يَعْمَلْهَا فَكُتِبَتْهَا حَسَنَةٌ فَإِنْ عَمِلَهَا فَكُتِبَتْهَا عَشْرًا

265/1. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Аллоҳ таоло: «Агар бандам бирор ёмонликни қасд қилса, уни ёзманглар», дейди. «Агар ўша ёмонликка амал қилса, битта ёмонлик, деб ёзинглар», дейди. «Агар (банда) бирор яхшиликни бажаришга қасд қилса-ю, унга амал қила олмаса, битта яхшилик бажарган, деб ёзинглар», дейди. Агар унга амал қилса, «ўнта яхшилик, деб ёзинглар» дейди».

266 - حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ أَيُّوبَ وَقُتَيْبَةُ وَابْنُ حُجْرٍ قَالُوا حَدَّثَنَا إِسْمَاعِيلُ وَهُوَ ابْنُ جَعْفَرٍ عَنِ الْعَلَاءِ عَنْ أَبِيهِ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ عَنْ  
رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ قَالَ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ إِذَا هَمَّ عَبْدِي بِحَسَنَةٍ وَلَمْ يَعْمَلْهَا كَتَبْتَهَا لَهُ حَسَنَةً فَإِنْ عَمِلَهَا كَتَبْتَهَا عَشْرَ  
حَسَنَاتٍ إِلَى سَبْعِ مِائَةٍ ضِعْفٍ وَإِذَا هَمَّ بِسَيِّئَةٍ وَلَمْ يَعْمَلْهَا لَمْ أَكْتُبْهَا عَلَيْهِ فَإِنْ عَمِلَهَا كَتَبْتَهَا سَيِّئَةً وَاحِدَةً

266/2. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Аллоҳ таоло: «Агар бандам бирор яхшиликни қасд этса-ю, унга амал қилмаса, бир яхшилик ёзаман. Агар унга амал қилса, ўн баробардан етти юз баробаргача ёзаман. Бордию, бирор ёмонликни қасд қилиб, унга амал қилмаса, унга (ҳеч нарса) ёзмайман. Агар амал қилса, бир ёмонлик ёзаман», деб айтди».

267 - وَحَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ رَافِعٍ حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّزَّاقِ أَخْبَرَنَا مَعْمَرٌ عَنْ هَمَّامِ بْنِ مُنَبِّهٍ قَالَ هَذَا مَا حَدَّثَنَا أَبُو هُرَيْرَةَ عَنْ مُحَمَّدِ  
رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَذَكَرَ أَحَادِيثَ مِنْهَا قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ إِذَا تَحَدَّثَ عَبْدِي بِأَنْ  
يَعْمَلَ حَسَنَةً فَأَنَا أَكْتُبُهَا لَهُ حَسَنَةً مَا لَمْ يَعْمَلْ فَإِذَا عَمِلَهَا فَأَنَا أَكْتُبُهَا بِعَشْرِ أَمْثَالِهَا وَإِذَا تَحَدَّثَ بِأَنْ يَعْمَلَ سَيِّئَةً فَأَنَا أَعْفِرُهَا لَهُ مَا لَمْ  
يَعْمَلْهَا فَإِذَا عَمِلَهَا فَأَنَا أَكْتُبُهَا لَهُ بِمِثْلِهَا وَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَتِ الْمَلَائِكَةُ رَبِّ ذَاكَ عَبْدُكَ يُرِيدُ أَنْ يَعْمَلَ سَيِّئَةً وَهُوَ  
أَبْصَرُ بِهِ فَقَالَ ارْقُبُوهُ فَإِنْ عَمِلَهَا فَكُتِبَتْهَا لَهُ بِمِثْلِهَا وَإِنْ تَرَكَهَا فَكُتِبَتْهَا لَهُ حَسَنَةً إِنَّمَا تَرَكَهَا مِنْ جَرَايٍ وَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ  
وَسَلَّمَ إِذَا أَحْسَنَ أَحَدُكُمْ إِسْلَامَهُ فَكُلُّ حَسَنَةٍ يَعْمَلُهَا تُكْتَبُ بِعَشْرِ أَمْثَالِهَا إِلَى سَبْعِ مِائَةٍ ضِعْفٍ وَكُلُّ سَيِّئَةٍ يَعْمَلُهَا تُكْتَبُ بِمِثْلِهَا حَتَّى  
يَلْقَى اللَّهَ

267/3. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Аллоҳ таоло: «Агар бирор бандам

яхшилиқ қилишни айтса, унга амал қилмаса ҳам, бир яхшилиқ ёзаман. Агар амал қилса, ўн баробаргача ёзаман. Борди-ю, бирор ёмонликни бажаришини гапирса, унга амал қилмаса кечириб юбораман. Агар амал қилса, ўшандоқ ёзиб қўяман», деди».

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Фаришталар: «Эй Рабб! Мана бу банданг ёмонликни била туриб бажаришни хоҳлайди», дейишса, Аллоҳ таоло: «Уни кузатинглар, агар унга амал қилса, қандоқ бўлса, ўшани ёзинглар. Агар тарк қилса, бир яхшилиқ қилди, деб ёзинглар. Чунки у Мен сабабли уни тарк қилди», дейди».

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: «Агар бирингизнинг Исломи чиройли бўлса (яъни, ҳақиқий маънода мусулмон бўлса), ҳар бир қилган яхшилигига бир баробардан етти юз баробаргача зиёда қилиб (савоб) ёзилади. Ҳар бир қилган ёмонлигига фақат ўшанинг ўзи ёзилади, у шу ҳолатида Аллоҳга йўлиқади», дедилар.

268 - وَحَدَّثَنَا أَبُو كُرَيْبٍ حَدَّثَنَا أَبُو خَالِدٍ الْأَحْمَرُ عَنْ هِشَامِ بْنِ سَبْرَةَ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَنْ هَمَّ بِحَسَنَةٍ فَلَمْ يَعْمَلْهَا كُتِبَتْ لَهُ حَسَنَةٌ وَمَنْ هَمَّ بِحَسَنَةٍ فَلَمْ يَعْمَلْهَا كُتِبَتْ لَهُ عَشْرًا إِلَى سَبْعِ مِائَةٍ ضِعْفٍ وَمَنْ هَمَّ بِسَيِّئَةٍ فَلَمْ يَعْمَلْهَا لَمْ تُكْتَبْ وَإِنْ عَمِلَهَا كُتِبَتْ

268/4. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: «Ким бирор яхшилиқни қасд қилса-ю, лекин унга амал қила олмаса, битта яхшилиқ бажарган, деб ёзилади. Кимки бирор яхшилиқни қасд қилиб, унга амал этса, ўн баробардан то етти юз баробаргача зиёда қилинади. Ким бирор ёмонликни қасд қилса-ю, лекин унга амал қилмаса, унга ҳеч нарса ёзилмайди. Агар амал қилгудек бўлса, унга бир ёмонлик ёзилади», дедилар.

269 - حَدَّثَنَا شَيْبَانُ بْنُ فَرُّوخَ حَدَّثَنَا عَبْدُ الْوَارِثِ عَنِ الْجَعْدِ أَبِي عُثْمَانَ حَدَّثَنَا أَبُو رَجَاءٍ الْعَطَارِدِيُّ عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ عَنِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِيمَا يَرُوي عَنْ رَبِّهِ تَبَارَكَ وَتَعَالَى قَالَ إِنَّ اللَّهَ كَتَبَ الْحَسَنَاتِ وَالسَّيِّئَاتِ ثُمَّ بَيَّنَ ذَلِكَ فَمَنْ هَمَّ بِحَسَنَةٍ فَلَمْ يَعْمَلْهَا كَتَبَهَا اللَّهُ عِنْدَهُ حَسَنَةً كَامِلَةً وَإِنْ هَمَّ بِهَا فَعَمِلَهَا كَتَبَهَا اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ عِنْدَهُ عَشْرَ حَسَنَاتٍ إِلَى سَبْعِ مِائَةٍ ضِعْفٍ إِلَى أَضْعَافٍ كَثِيرَةٍ وَإِنْ هَمَّ بِسَيِّئَةٍ فَلَمْ يَعْمَلْهَا كَتَبَهَا اللَّهُ عِنْدَهُ حَسَنَةً كَامِلَةً وَإِنْ هَمَّ بِهَا فَعَمِلَهَا كَتَبَهَا اللَّهُ سَيِّئَةً وَاحِدَةً وَحَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ يَحْيَى حَدَّثَنَا جَعْفَرُ بْنُ سُلَيْمَانَ عَنِ الْجَعْدِ أَبِي عُثْمَانَ فِي هَذَا الْإِسْنَادِ بِمَعْنَى حَدِيثِ عَبْدِ الْوَارِثِ وَزَادَ وَمَحَاهَا اللَّهُ وَلَا يَهْلِكُ عَلَى اللَّهِ إِلَّا هَالِكٌ

269/5. Ибн Аббос розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам Раббилари таборака ва таолодан қилган ривоятларида: «Албатта Аллоҳ таоло яхшилиқ ва ёмонликни ёзиб, кейин уни қуйидагича баён қилди: ким бирор яхшилиқни қасд этсаю, унга амал қилмаса, Аллоҳ Ўзининг ҳузурида мукамал яхшилиқ қилди, деб ёзиб қўяди.

Агар унга амал қилса, Аллоҳ Ўз ҳузурида ўндан етти юз ва ундан кўп зиёдалик ила ёзиб қўяди. Борди-ю, бирор ёмонликни қасд этиб, унга амал қилмаса, Аллоҳ Ўз ҳузурида мукамал яхшилик қилган, деб ёзиб қўяди. Агар қасд этиб, унга амал қилса, битта ёмонлик бажарган, деб ёзиб қўяди», дедилар.

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган, лекин «Аллоҳ ундан (хатоларни) ўчиради, Аллоҳ фақат ҳалок бўлишини муҳрлаб қўйганларнигина ҳалок этади» сўзи зиёда қилинган.

### 60-боб

#### Иймондаги васвасанинг баёни ва уни ўзида топган киши айтиши лозим нарсалар ҳақида

270 - حَدَّثَنِي زُهَيْرُ بْنُ حَرْبٍ حَدَّثَنَا جَرِيرٌ عَنْ سُهَيْلٍ عَنْ أَبِيهِ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ جَاءَ نَاسٌ مِنْ أَصْحَابِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَسَأَلُوهُ إِنَّا نَجِدُ فِي أَنْفُسِنَا مَا يَتَعَاظَمُ أَحَدُنَا أَنْ يَتَكَلَّمَ بِهِ قَالَ وَقَدْ وَجَدْتُمُوهُ قَالُوا نَعَمْ قَالَ ذَلِكَ صَرِيحُ الْإِيمَانِ وَحَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ حَدَّثَنَا ابْنُ أَبِي عَدِيٍّ عَنْ شُعْبَةَ ح وَحَدَّثَنِي مُحَمَّدُ بْنُ عَمْرٍو بْنِ حَبَلَةَ بْنِ أَبِي رَوَادٍ وَأَبُو بَكْرِ بْنُ إِسْحَاقَ قَالَ حَدَّثَنَا أَبُو الْجَوَابِ عَنْ عَمَّارِ بْنِ رُزَيْقٍ كِلَاهُمَا عَنِ الْأَعْمَشِ عَنْ أَبِي صَالِحٍ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِهَذَا الْحَدِيثِ

270/1. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларидан бир неча киши келиб: «Биз нафсимизда киши гапириши қалтис (хавфли) нарсани топамиз», дейишганида, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳақиқатда топасизларми?» дедилар. Улар: «Ҳа», дейишди. Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бу нарса соф иймонли бўлганингиз учундир», дедилар. (Яъни, шайтон соф иймонли кишини адаштира олмасдан васваса қилади. Кофирни эса хоҳлаганича адаштириб ўйнашаверади. Шунинг учун қалбингизда топаётган васваса соф иймонли бўлганингиз учундир, дейилмоқчи.)

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган.

271 - حَدَّثَنَا يُوسُفُ بْنُ يَعْقُوبَ الصَّفَّارُ حَدَّثَنِي عَلِيُّ بْنُ عَنَّمٍ عَنْ سَعِيدِ بْنِ الْحَمْسِ عَنْ مُغِيرَةَ عَنْ إِبْرَاهِيمَ عَنْ عَلْقَمَةَ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ قَالَ سَأَلَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنِ الْوَسْوَسَةِ قَالَ تِلْكَ مَحْضُ الْإِيمَانِ

271/2. Абдуллоҳ розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан васваса ҳақида сўралганида у зот: «Васваса иймоннинг мусаффолигидан (келиб чиқади)», дедилар.

272 - حَدَّثَنَا هَارُونُ بْنُ مَعْرُوفٍ وَمُحَمَّدُ بْنُ عَبَّادٍ وَاللَّفْظُ لِهَارُونَ قَالَ حَدَّثَنَا سُفْيَانُ عَنْ هِشَامٍ عَنْ أَبِيهِ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَا يَزَالُ النَّاسُ يَتَسَاءَلُونَ حَتَّى يُقَالَ هَذَا خَلَقَ اللَّهُ الْخَلْقَ فَمَنْ خَلَقَ اللَّهُ فَمَنْ وَجَدَ مِنْ ذَلِكَ شَيْئًا فَلْيُقَلِّبْ أَمْنْتُ بِاللَّهِ

272/3. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Одамлар тинмай савол сўрайверишади, ҳатто «Бу халқ қилинган нарсани Аллоҳ яратган, унда Аллоҳни ким яратган?» деб ҳам сўрашади. Ким (мана шундай фикрдан бирортасини нафсида) топса, «Аманту биллаҳи», яъни «Аллоҳга иймон келтирдим», деб айтсин», дедилар.

273 - وَحَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ غَيْلَانَ حَدَّثَنَا أَبُو النَّضْرِ حَدَّثَنَا أَبُو سَعِيدٍ الْمُؤَدَّبُ عَنْ هِشَامِ بْنِ عُرْوَةَ بِهِذَا الْإِسْنَادِ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ يَأْتِي الشَّيْطَانُ أَحَدَكُمْ فَيَقُولُ مَنْ خَلَقَ السَّمَاءَ مَنْ خَلَقَ الْأَرْضَ فَيَقُولُ اللَّهُ ثُمَّ ذَكَرَ بِمِثْلِهِ وَزَادَ وَرُسُلَهُ

273/4. Ҳишом ибн Урва розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Шайтон сизлардан бирингиз ҳузурига келиб: «Осмонни ким яратган? Ерни ким яратган?» деб айтса, у киши Аллоҳ, дейди. Шайтон ҳатто «Аллоҳни ким яратган?» деб сўрайди. Ким (нафсида шундай нарса) топса, «Аманту биллаҳи ва росулиҳи», яъни «Аллоҳга ва Унинг расулига иймон келтирдим», деб айтсин», дедилар.

274 - حَدَّثَنِي زُهَيْرُ بْنُ حَرْبٍ وَعَبْدُ بْنُ حُمَيْدٍ جَمِيعًا عَنْ يَعْقُوبَ قَالَ زُهَيْرٌ حَدَّثَنَا يَعْقُوبُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ حَدَّثَنَا ابْنُ أُخِي ابْنِ شِهَابٍ عَنْ عَمِّهِ قَالَ أَخْبَرَنِي عُرْوَةُ بْنُ الزُّبَيْرِ أَنَّ أَبَا هُرَيْرَةَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَأْتِي الشَّيْطَانُ أَحَدَكُمْ فَيَقُولُ مَنْ خَلَقَ كَذَا وَكَذَا حَتَّى يَقُولَ لَهُ مَنْ خَلَقَ رَبِّكَ فَإِذَا بَلَغَ ذَلِكَ فَلَيْسْتَ عِنْدَ اللَّهِ وَلَيْتَنَّهُ حَدَّثَنِي عَبْدُ الْمَلِكِ بْنُ شُعَيْبٍ ابْنُ اللَّيْثِ قَالَ حَدَّثَنِي أَبِي عَنْ جَدِّي قَالَ حَدَّثَنِي عُقَيْلُ بْنُ خَالِدٍ قَالَ قَالَ ابْنُ شِهَابٍ أَخْبَرَنِي عُرْوَةُ بْنُ الزُّبَيْرِ أَنَّ أَبَا هُرَيْرَةَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَأْتِي الْعَبْدَ الشَّيْطَانُ فَيَقُولُ مَنْ خَلَقَ كَذَا وَكَذَا مِثْلَ حَدِيثِ ابْنِ أُخِي ابْنِ شِهَابٍ

274/5. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сизлардан бирингиз ҳузурига шайтон келиб: «Уни ёки буни ким яратган?» дейди, ҳатто «Раббингни ким яратган?» деб айтади. Агар сизлардан бирингизда ана шундай нарса бўлса, Аллоҳ номи билан паноҳ тилаб у ишини тўхтатсин», дедилар.

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган.

275 - حَدَّثَنِي عَبْدُ الْوَارِثِ بْنُ عَبْدِ الصَّمَدِ قَالَ حَدَّثَنِي أَبِي عَنْ جَدِّي عَنْ أَبِي بَرْزَةَ عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ سِيرِينَ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ لَا يَزَالُ النَّاسُ يَسْأَلُونَكَ عَنِ الْعِلْمِ حَتَّى يَقُولُوا هَذَا اللَّهُ خَلَقَنَا فَمَنْ خَلَقَ اللَّهُ قَالَ وَهُوَ آخِذٌ بِبِدِّ رَجُلٍ فَقَالَ صَدَقَ اللَّهُ وَرَسُولُهُ قَدْ سَأَلَنِي اثْنَانِ وَهَذَا الثَّلَاثُ أَوْ قَالَ سَأَلَنِي وَاحِدًا وَهَذَا الثَّانِي

وَحَدَّثَنِيهِ زُهَيْرُ بْنُ حَرْبٍ وَيَعْقُوبُ الدَّوْرَقِيُّ قَالَا حَدَّثَنَا إِسْمَاعِيلُ وَهُوَ ابْنُ عَلِيَّةَ عَنْ أَيُّوبَ عَنْ مُحَمَّدٍ قَالَ قَالَ أَبُو هُرَيْرَةَ لَا يَزَالُ النَّاسُ بِمِثْلِ حَدِيثِ عَبْدِ الْوَارِثِ غَيْرَ أَنَّهُ لَمْ يَذْكُرِ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي الْإِسْنَادِ وَلَكِنْ قَدْ قَالَ فِي آخِرِ الْحَدِيثِ صَدَقَ اللَّهُ وَرَسُولُهُ

275/6. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Инсонлар сизлардан илм сўрашда бардавом бўлишади, ҳатто «Аллоҳ бизни яратган, унда Аллоҳни ким яратган?» деб айтишади», дедилар. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу бир кишининг қўлини ушлаб: «Аллоҳ ва Унинг расули рост айтган. Ҳақиқатда мендан бу ҳақда икки киши сўраган эди, буниси учинчисидир ёки бир киши сўраган эди, буниси иккинчисидир», дедилар.

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган, лекин санадда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам зикр қилмаган.

276 - وَحَدَّثَنِي عَبْدُ اللَّهِ بْنُ الرَّوْمِيِّ حَدَّثَنَا النَّضْرُ بْنُ مُحَمَّدٍ حَدَّثَنَا عِكْرِمَةُ وَهُوَ ابْنُ عَمَّارٍ حَدَّثَنَا يَحْيَى حَدَّثَنَا أَبُو سَلَمَةَ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ قَالَ لِي رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَا يَزَالُونَ يَسْأَلُونَكَ يَا أَبَا هُرَيْرَةَ حَتَّى يَقُولُوا هَذَا اللَّهُ فَمَنْ خَلَقَ اللَّهُ قَالَ فَبَيْنَا أَنَا فِي الْمَسْجِدِ إِذْ جَاءَنِي نَاسٌ مِنَ الْأَعْرَابِ فَقَالُوا يَا أَبَا هُرَيْرَةَ هَذَا اللَّهُ فَمَنْ خَلَقَ اللَّهُ قَالَ فَأَخَذَ حَصَى بِكَفِّهِ فَرَمَاهُمْ ثُمَّ قَالَ قَوْمُوا قَوْمُوا صَدَقَ خَلِيلِي

276/7. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга: «Эй Абу Ҳурайра! Сендан сўрашда бардавом бўлиб, ҳатто «Бу Аллоҳдир! Аллоҳни унда ким яратган?» деб айтишади», дедилар. Ногаҳон мен масжидда эдим, аъробийлардан бир неча киши келиб: «Эй Абу Ҳурайра! Бу Аллоҳдир, унда Аллоҳни ким яратган?» деб сўрашди. Шунда мен кафтимга майда тошларини олиб отдим-да: «Туринглар, туринглар, халилим (Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам) рост гапирган эканлар», дедим».

277 - حَدَّثَنِي مُحَمَّدُ بْنُ حَاتِمٍ حَدَّثَنَا كَثِيرُ بْنُ هِشَامٍ حَدَّثَنَا جَعْفَرُ بْنُ بُرْقَانَ حَدَّثَنَا يَزِيدُ بْنُ الْأَصَمِّ قَالَ سَمِعْتُ أَبَا هُرَيْرَةَ يَقُولُ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَيْسَ أَلَيْكُمْ النَّاسُ عَنْ كُلِّ شَيْءٍ حَتَّى يَقُولُوا اللَّهُ خَلَقَ كُلَّ شَيْءٍ فَمَنْ خَلَقَهُ

277/8. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Одамлар сизлардан барча нарсани сўрашади. «Аллоҳ барча нарсани яратган, унда Аллоҳни ким яратган?» дейишади», дедилар.

278 - حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ عَامِرٍ بْنِ زُرَّارَةَ الْحَضْرَمِيُّ حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ فَضِيلٍ عَنْ مُخْتَارِ بْنِ فُلْفُلٍ عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ عَنِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ قَالَ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ إِنَّ أُمَّتَكَ لَا يَزَالُونَ يَقُولُونَ مَا كَذَّأَ مَا كَذَّأَ حَتَّى يَقُولُوا هَذَا اللَّهُ خَلَقَ الْخَلْقَ فَمَنْ خَلَقَ اللَّهُ

حَدَّثَنَا إِسْحَقُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ أَخْبَرَنَا جَرِيرٌ ح وَحَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ حَدَّثَنَا حُسَيْنُ بْنُ عَلِيٍّ عَنْ زَائِدَةَ كِلَاهُمَا عَنِ الْمُخْتَارِ عَنْ أَنَسِ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِهَذَا الْحَدِيثِ غَيْرَ أَنْ إِسْحَقَ لَمْ يَذْكُرْ قَالَ قَالَ اللَّهُ إِنَّ أُمَّتَكَ

278/9. Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Аллоҳ таоло: «Албатта умматингиз ундай, бундай, деб айтишда бардавом бўлади, ҳатто «Бу Аллоҳ халойиқни халқ қилган, унда Аллоҳни ким халқ қилган?» деб айтишади», деди».

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган, лекин «Аллоҳ: «Албатта умматингиз...», деб айтган» сўзи зикр қилинмаган.

## 61-боб

### Мусулмоннинг ҳаққини ёлғон қасам билан тортиб олган кишига дўзахнинг ваъид қилингани ҳақида

279 - حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ أَيُّوبَ وَقُتَيْبَةُ بْنُ سَعِيدٍ وَعَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ جَمِيعًا عَنْ إِسْمَاعِيلَ بْنِ جَعْفَرٍ قَالَ ابْنُ أَيُّوبَ حَدَّثَنَا إِسْمَاعِيلُ بْنُ جَعْفَرٍ قَالَ أَخْبَرَنَا الْعَلَاءُ وَهُوَ ابْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ مَوْلَى الْحَرْقَةَ عَنْ مَعْبُدِ بْنِ كَعْبِ السَّلْمِيِّ عَنْ أَحِيهِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ كَعْبٍ عَنْ أَبِي أُمَامَةَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ مَنْ افْتَطَعَ حَقَّ امْرِئٍ مُسْلِمٍ بِيَمِينِهِ فَقَدْ أَوْجَبَ اللَّهُ لَهُ النَّارَ وَحَرَّمَ عَلَيْهِ الْجَنَّةَ فَقَالَ لَهُ رَجُلٌ وَإِنْ كَانَ شَيْئًا يَسِيرًا يَا رَسُولَ اللَّهِ قَالَ وَإِنْ قَضِيًّا مِنْ أَرَاكَ

وَحَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ وَإِسْحَقُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ وَهَارُونُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ جَمِيعًا عَنْ أَبِي أُسَامَةَ عَنِ الْوَلِيدِ بْنِ كَثِيرٍ عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ كَعْبٍ أَنَّهُ سَمِعَ أَحَاهُ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ كَعْبٍ يُحَدِّثُ أَنَّ أَبَا أُمَامَةَ الْعَارِثِيَّ حَدَّثَهُ أَنَّهُ سَمِعَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِمِثْلِهِ

279/1. Абу Умома розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким мусулмон ҳаққини (ёлғон) қасам билан тортиб олса, Аллоҳ таоло унга дўзахни вожиб қилиб, жаннатдан маҳрум этади», деганларида, бир киши: «Эй Аллоҳнинг расули! Озгина нарса бўлса ҳамми?» деб сўради. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Арок дарахти новдаси бўлса ҳам», дедилар.

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган.

280 - وَحَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ حَدَّثَنَا وَكَيْعٌ ح وَحَدَّثَنَا ابْنُ نُمَيْرٍ حَدَّثَنَا أَبُو مُعَاوِيَةَ وَوَكَيْعٌ ح وَحَدَّثَنَا إِسْحَقُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ الْحَنْظَلِيُّ وَاللَّفْظُ لَهُ أَخْبَرَنَا وَكَيْعٌ حَدَّثَنَا الْأَعْمَشُ عَنْ أَبِي وَائِلٍ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ عَنِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ مَنْ حَلَفَ عَلَى يَمِينٍ صَبْرٍ يَفْتَطِعُ بِهَا مَالَ امْرِئٍ مُسْلِمٍ هُوَ فِيهَا فَاجِرٌ لَقِيَ اللَّهَ وَهُوَ عَلَيْهِ غَضَبَانُ قَالَ فَدَخَلَ الْأَشْعَثُ بْنُ قَيْسٍ فَقَالَ مَا يُحَدِّثُكُمْ أَبُو عَبْدِ الرَّحْمَنِ قَالُوا كَذَا وَكَذَا قَالَ صَدَقَ أَبُو عَبْدِ الرَّحْمَنِ فِي نَزَلَتْ كَانَ بَيْنِي وَبَيْنَ رَجُلٍ أَرْضَ بِالْيَمَنِ فَخَاصَمْتُهُ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ



عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ هَلْ لَكَ بَيِّنَةٌ قُلْتُ لَا قَالَ فَيَمِينُهُ قُلْتُ إِذَنْ يَحْلِفُ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عِنْدَ ذَلِكَ مَنْ حَلَفَ عَلَيَّ يَمِينٍ صَبْرٍ يَفْتَطِعُ بِهَا مَالَ امْرِئٍ مُسْلِمٍ هُوَ فِيهَا فَاجِرٌ لَقِيَ اللَّهَ وَهُوَ عَلَيْهِ غَضَبَانُ فَتَزَلَّتْ (إِنَّ الَّذِينَ يَشْتَرُونَ بِعَهْدِ اللَّهِ وَأَيْمَانِهِمْ ثَمَنًا قَلِيلًا) إِلَى آخِرِ الْآيَةِ

280/2. Абдуллоҳ розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким мусулмоннинг молини тортиб олиш учун ёлфон қасам ичса, унда фужурлик (гуноҳ) бўлса, Аллоҳга Уни ғазаблантирган ҳолда йўлиқад», дедилар.

Ашъас ибн Қайс кириб: «Сизларга Абу Абдураҳмон нимани гапириб берди?» деганларида, улар: шундай-шундай, деди, деб юқоридаги ҳадисни айтишган эди, Ашъас ибн Қайс розийаллоҳу анҳу: «Абу Абдураҳмон рост гапирибди. Бу нарса мен ҳақимда нозил бўлган. Мен билан бир киши ўртамизда Яманда бир ер бор эди. Мен хусуматлашиб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига борсам, у зот: «Исботлайдиган нарсанг борми?» дедилар. Мен: «Йўқ», дедим. У зот: «Хусуматчининг қасами борми?» дегандилар, мен: «Ундай бўлса, қасам ичади», дедим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ана шунда: «Ким мусулмон кишининг молини тортиб олиш учун ёлфон қасам ичса, ичган қасамида фожирлик бўлса, Аллоҳга Уни ғазаблантирган ҳолда йўлиқад», деб айтганларида қуйидаги оят нозил бўлди: «Аллоҳга берган аҳд-паймон ва қасамларини озгина қимматга сотиб юборадиган кимсалар учун охиратда ҳеч қандай насиба йўқдир...» (Оли Имрон сураси, 77-оят)», дедилар

281 - حَدَّثَنَا إِسْحَقُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ أَخْبَرَنَا جَرِيرٌ عَنْ مَنْصُورٍ عَنْ أَبِي وَائِلٍ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ قَالَ مَنْ حَلَفَ عَلَيَّ يَمِينٍ يَسْتَحِقُّ بِهَا مَالًا هُوَ فِيهَا فَاجِرٌ لَقِيَ اللَّهَ وَهُوَ عَلَيْهِ غَضَبَانُ ثُمَّ ذَكَرَ نَحْوَ حَدِيثِ الْأَعْمَشِ غَيْرَ أَنَّهُ قَالَ كَأَنَّ بَيْنِي وَبَيْنَ رَجُلٍ خُصُومَةً فِي بَيْتٍ فَاخْتَصَمْنَا إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ شَاهِدَاكَ أَوْ يَمِينُهُ

281/3. Абдуллоҳ розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Бу зот: «Ким молга ҳақдор бўлиш учун қасам ичса, қасамида фожирлик (гуноҳ) бўлса, Аллоҳга Уни ғазаблантирган ҳолда йўлиқад», деб кейин юқоридаги ҳадисда айтилганидек сўзладилар, лекин (охирда) «Мен бир киши билан бир қудуқ хусусида тортишиб қолдим. Бу ҳақда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам (ҳузурлари)га хусуматлашиб борсак, у зот: «Сен гувоҳ олиб кел ёки у қасам ичсин», дедилар», деб айтдилар.

282 - وَحَدَّثَنَا ابْنُ أَبِي عُمَرَ الْمَكِّيُّ حَدَّثَنَا سُفْيَانُ عَنْ جَامِعِ بْنِ أَبِي رَاشِدٍ وَعَبْدِ الْمَلِكِ بْنِ أَعْيَنَ سَمِعَا شَقِيقَ بْنَ سَلَمَةَ يَقُولُ سَمِعْتُ ابْنَ مَسْعُودٍ يَقُولًا سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ مَنْ حَلَفَ عَلَيَّ مَالَ امْرِئٍ مُسْلِمٍ بغيرِ حَقِّهِ لَقِيَ اللَّهَ وَهُوَ عَلَيْهِ غَضَبَانُ قَالَ عَبْدُ اللَّهِ ثُمَّ قرَأَ عَلَيْنَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِصْدَاقَهُ مِنْ كِتَابِ اللَّهِ (إِنَّ الَّذِينَ يَشْتَرُونَ بِعَهْدِ اللَّهِ وَأَيْمَانِهِمْ ثَمَنًا قَلِيلًا) إِلَى آخِرِ الْآيَةِ

282/4. Ибн Масъуд розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким ҳақсиз мусулмон кишининг молига (эга бўлиш учун) қасам ичса, Аллоҳга Уни ғазаблантирган ҳолда йўлиқади», дедилар.

Абдуллоҳ розийаллоҳу анҳу: «Кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг тасдиғи учун Аллоҳнинг китобидан қуйидаги оятни ўқидилар: «Аллоҳга берган аҳд-паймон ва қасамларини озгина қийматга сотиб юборадиган кимсалар учун охиратда ҳеч қандай насиба йўқдир» (Оли Имрон сураси, 77-оят)».

283 - حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ بْنُ سَعِيدٍ وَأَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ وَهَنَّادُ بْنُ السَّرِيِّ وَأَبُو عَاصِمٍ الْحَنْفِيُّ وَاللَّفْظُ لِقُتَيْبَةَ قَالُوا حَدَّثَنَا أَبُو الْأَحْوَصِ عَنْ سِمَاكٍ عَنْ عَلْقَمَةَ بْنِ وائِلٍ عَنْ أَبِيهِ قَالَ جَاءَ رَجُلٌ مِنْ حَضْرَمَوْتٍ وَرَجُلٌ مِنْ كِنْدَةَ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ الْحَضْرَمِيُّ يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنَّ هَذَا قَدْ غَلَبَنِي عَلَى أَرْضٍ لِي كَانَتْ لِأَبِي فَقَالَ الْكِنْدِيُّ هِيَ أَرْضِي فِي يَدِي أَرَعَهَا لَيْسَ لَهُ فِيهَا حَقٌّ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لِلْحَضْرَمِيِّ أَلَيْكَ بَيِّنَةٌ قَالَ لَا قَالَ فَلَمْ يَمِينْهُ قَالَ يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنَّ الرَّجُلَ فَاجِرٌ لَا يُبَالِي عَلَيَّ مَا حَلَفَ عَلَيْهِ وَلَيْسَ يَتَوَرَّعُ مِنْ شَيْءٍ فَقَالَ لَيْسَ لَكَ مِنْهُ إِلَّا ذَلِكَ فَانْطَلِقْ لِيَحْلِفَ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَمَّا أَدْبَرَ لَمَّا لَمِنَ حَلَفَ عَلَيَّ مَالَهُ لِيَأْكُلَهُ ظُلْمًا لِيَلْقَيْنَ اللَّهَ وَهُوَ عَنْهُ مُعْرَضٌ

283/5. Воил ибн Ҳужр оталаридан қилган ривоятларида ҳазрамавтлик киши ва киндалик бошқа бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келишди. Ҳазрамавтлик киши: «Эй Аллоҳнинг расули! Бу киши отамдан қолган ерга эгалик қилиб олди», деди. Киндалик киши эса: «Бу қўлимдаги ер бўлиб, унда деҳқончилик қиламан. Бу ерда унинг ҳаққи йўқ», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳазрамавтлик кишига: «Сенда далил-исбот борми?» деган эдилар, у: «Йўқ», деди. «Қасам-чи?» деган эдилар, ҳазрамавтлик: «Эй Аллоҳнинг расули! У фожир киши. Қасам ичган нарсасига аҳамият бермайди ва бирор нарсада тақвоси ҳам йўқ», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бунинг аҳамияти йўқ, фақат қасами керак, холос», дедилар. У киши қасам ичтириш учун жўнаб кетганида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг ортидан: «Агар у бунинг молини ейиш учун қасам ичса, Аллоҳ ундан юзини ўгирган ҳолда Аллоҳга йўлиқади», дедилар.

284 - وَحَدَّثَنِي زُهَيْرُ بْنُ حَرْبٍ وَإِسْحَاقُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ جَمِيعًا عَنْ أَبِي الْوَلِيدِ قَالَ زُهَيْرٌ حَدَّثَنَا هِشَامُ بْنُ عَبْدِ الْمَلِكِ حَدَّثَنَا أَبُو عَوَانَةَ عَنْ عَبْدِ الْمَلِكِ بْنِ عُمَيْرٍ عَنْ عَلْقَمَةَ بْنِ وائِلٍ عَنْ وائِلِ بْنِ حُجْرٍ قَالَ كُنْتُ عِنْدَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَأَتَاهُ رَجُلَانِ يَخْتَصِمَانِ فِي أَرْضٍ فَقَالَ أَحَدُهُمَا إِنَّ هَذَا انْتَزَى عَلَيَّ أَرْضِي يَا رَسُولَ اللَّهِ فِي الْجَاهِلِيَّةِ وَهُوَ امْرُؤُ الْقَيْسِ بْنُ عَابِسٍ الْكِنْدِيُّ وَخَصَمُهُ رَبِيعَةُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ قَالَ لَيْسَ لِي بَيِّنَةٌ قَالَ يَمِينُكَ قَالَ إِذْ يَذْهَبُ بِهَا قَالَ لَيْسَ لَكَ إِلَّا ذَلِكَ قَالَ فَلَمَّا قَامَ لِيَحْلِفَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَنْ اقْتَطَعَ أَرْضًا ظَالِمًا لِقِيَّ اللَّهِ وَهُوَ عَلَيْهِ غَضَبَانُ قَالَ إِسْحَاقُ فِي رِوَايَتِهِ رَبِيعَةُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ

284/6. Воил ибн Хужр розийаллоҳу анҳу оталаридан ривоят қиладилар. «Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларида эдим, икки киши келиб бир ер хусусида хусуматлашди. Улардан бири: «Менинг жоҳилиятдаги еримни бу киши тортиб оляпти, эй Аллоҳнинг расули», деди. У Имрул Қайс ибн Обис ал-Киндий бўлиб, хусуматчиси Рабийъа ибн Ибдон эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Далил-исботинг борми?» дегандилар, у: «Далилим йўқ», деди. «Унинг қасами борми?» дегандилар, у: «Ундай бўлса, ҳақни олиб кетади», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сенга бунинг аҳамияти йўқ, фақат қасами керак, холос», дедилар. Қасам ичиш учун ўрнидан турганида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким бирор ерни зулм билан тортиб олса, Аллоҳга Унинг ғазабини келтирган ҳолда йўлиқади», дедилар».

### 62-боб

**Бировнинг молини тортиб олишни қасд қилган, унинг ҳаққида қон тўкишни қасд этгани, агар ўлдирса, дўзахга тушиши ким моли ҳимояси йўлида ўлдирилса, шаҳид экани ҳақида**

285 - حَدَّثَنِي أَبُو كُرَيْبٍ مُحَمَّدُ بْنُ الْعَلَاءِ حَدَّثَنَا خَالِدٌ يَعْنِي ابْنَ مَخْلَدٍ حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ جَعْفَرٍ عَنِ الْعَلَاءِ بْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ عَنْ أَبِيهِ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ جَاءَ رَجُلٌ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ يَا رَسُولَ اللَّهِ أَرَأَيْتَ إِنْ جَاءَ رَجُلٌ يُرِيدُ أَخْذَ مَالِي قَالَ فَلَا تُعْطِهِ مَالَكَ قَالَ أَرَأَيْتَ إِنْ قَاتَلَنِي قَالَ قَاتَلْتَهُ قَالَ أَرَأَيْتَ إِنْ قَاتَلَنِي قَالَ أَتَيْتَ إِنْ قَاتَلْتَهُ قَالَ هُوَ فِي النَّارِ

285/1. Абу Хурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келиб: «Эй Аллоҳнинг расули! Агар бирор киши келиб, молимни тортиб олишни хоҳласа, нима қилай?» деганида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Молингни берма», дедилар. У киши: «Агар мен билан урушса-чи?» деганида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сен ҳам уруш», дедилар. У киши: «Агар мени ўлдирса-чи?» деганида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сен шаҳидсан», дедилар. У киши: «Агар уни ўлдирсам-чи?» деганида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «У дўзахдадир», дедилар.

286 - حَدَّثَنِي الْحَسَنُ بْنُ عَلِيٍّ الْحُلَوَانِيُّ وَإِسْحَقُ بْنُ مَنْصُورٍ وَمُحَمَّدُ بْنُ رَافِعٍ وَالْفَاطِمَةُ مَتَقَارِبَةٌ قَالَ إِسْحَقُ أَخْبَرَنَا وَقَالَ الْآخِرَانِ حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّزَّاقِ أَخْبَرَنَا ابْنُ جُرَيْجٍ قَالَ أَخْبَرَنِي سُلَيْمَانُ الْأَحْوَلُ أَنَّ ثَابِتًا مَوْلَى عُمَرَ بْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ أَخْبَرَهُ أَنَّهُ لَمَّا كَانَ بَيْنَ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو وَبَيْنَ عَنَسَةَ بْنِ أَبِي سُفْيَانَ مَا كَانَ تَبَسَّرُوا لِلْقِتَالِ فَرَكِبَ خَالِدُ بْنُ الْعَاصِ إِلَى عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو فَوَعَظَهُ خَالِدٌ فَقَالَ عَبْدُ اللَّهِ بْنُ عَمْرٍو أَمَا عَلِمْتَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ مَنْ قَتَلَ دُونَ مَالِهِ فَهُوَ شَهِيدٌ وَحَدَّثَنِي مُحَمَّدُ بْنُ حَاتِمٍ حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَكْرٍ ح وَحَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ عُثْمَانَ التَّوْفَلِيُّ حَدَّثَنَا أَبُو عَاصِمٍ كِلَاهُمَا عَنِ ابْنِ جُرَيْجٍ بِهَذَا الْإِسْنَادِ مِثْلَهُ

286/2. Умар ибн Абдураҳмоннинг қуллари Собит хабар беришича, Абдуллоҳ ибн Амр билан Анбаса ибн Абу Суфён ўрталарида урушга сабаб бўлувчи нарса содир бўлганида, Холид ибн Осс отига миниб, Абдуллоҳ ибн Амр ҳузурига борди ва унга ваъз-насиҳат қилди. Шунда Абдуллоҳ ибн Амр: «Билмайсанми? Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким моли (ҳимояси) йўлида ўлдирилса, у шаҳиддир», деб айтганлар», деди.

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган.

### 63-боб

#### Қўл остидагиларни алдаган волийга дўзах бўлиши муқаррарлиги ҳақида

287 - حَدَّثَنَا شَيْبَانُ بْنُ فَرُّوخَ حَدَّثَنَا أَبُو الْأَشْهَبِ عَنِ الْحَسَنِ قَالَ عَادَ عُبَيْدُ اللَّهِ بْنُ زِيَادٍ مَعْقِلَ بْنَ يَسَارِ الْمُرَنِّيِّ فِي مَرَضِهِ الَّذِي مَاتَ فِيهِ قَالَ مَعْقِلٌ إِنِّي مُحَدِّثُكَ حَدِيثًا سَمِعْتُهُ مِنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَوْ عَلِمْتُ أَنَّ لِي حَيَاةً مَا حَدَّثْتُكَ إِنِّي سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ مَا مِنْ عَبْدٍ يَسْتَرْعِيَهُ اللَّهُ رَعِيَّةً يَمُوتُ يَوْمَ يَمُوتُ وَهُوَ غَاشٌّ لِرَعِيَّتِهِ إِلَّا حَرَّمَ اللَّهُ عَلَيْهِ الْجَنَّةَ

287/1. Ҳасан розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Убайдуллоҳ ибн Зиёд Маъқал ибн Ясор ал-Музанийнинг ўлимларига сабаб бўлган касалликларида зиёратларига кирганларида, Маъқал розийаллоҳу анҳу: «Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан бир ҳадис эшитганман, агар ҳаётим давом этишини билганимда уни гапирмас эдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар (Аллоҳ) қайси бир қулини халққа бошлиқ этса-ю, у ўлаётган пайтида ҳам халқни алдаган ҳолида ўлса, Аллоҳ унга жаннатни ҳаром қилади», дедилар», деб айтдилар.

288 - حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ يَحْيَى أَخْبَرَنَا يَزِيدُ بْنُ زُرَيْعٍ عَنْ يُونُسَ عَنِ الْحَسَنِ قَالَ دَخَلَ عُبَيْدُ اللَّهِ بْنُ زِيَادٍ عَلَى مَعْقِلِ بْنِ يَسَارٍ وَهُوَ وَجِعٌ فَسَأَلَهُ فَقَالَ إِنِّي مُحَدِّثُكَ حَدِيثًا لَمْ أَكُنْ حَدِّثُكَهُ إِنْ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ لَا يَسْتَرْعِي اللَّهُ عَبْدًا رَعِيَّةً يَمُوتُ حِينَ يَمُوتُ وَهُوَ غَاشٌّ لَهَا إِلَّا حَرَّمَ اللَّهُ عَلَيْهِ الْجَنَّةَ قَالَ أَلَا كُنْتَ حَدِّثْتَنِي هَذَا قَبْلَ الْيَوْمِ قَالَ مَا حَدِّثْتُكَ أَوْ لَمْ أَكُنْ لِأَحَدٍ حَدِّثْتُكَ وَحَدَّثَنِي الْقَاسِمُ بْنُ زَكَرِيَاءَ حَدَّثَنَا حُسَيْنٌ يَعْنِي الْجُعْفِيَّ عَنْ زَائِدَةَ عَنْ هِشَامٍ قَالَ قَالَ الْحَسَنُ كُنَّا عِنْدَ مَعْقِلِ بْنِ يَسَارٍ نَعُودُهُ فَجَاءَ عُبَيْدُ اللَّهِ بْنُ زِيَادٍ فَقَالَ لَهُ مَعْقِلٌ إِنِّي سَأَحَدُّثُكَ حَدِيثًا سَمِعْتُهُ مِنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ثُمَّ ذَكَرَ بِمَعْنَى حَدِيثَيْهِمَا

288/2. Ҳасан розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Убайдуллоҳ ибн Зиёд розийаллоҳу анҳу Маъқал ибн Ясор розийаллоҳу анҳу касалликларида ҳузурларига кириб, у зотдан сўраганларида Маъқал ибн Ясор розийаллоҳу анҳу: «Мен сенга бир ҳадисни айтиб бераман, уни сенга гапирмаган эдим. Албатта Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ бирор қулини халққа бошлиқ этса-ю, ўлаётган пайтида ҳам уларни алдаган ҳолда ўлса,

Аллоҳ унга жаннатни ҳаром қилади», дедилар», деб айтдилар. Убайдуллоҳ ибн Зиёд розийаллоҳу анҳу: «Будан олдин менга буни гапирмаганмидингиз?» деганларида Маъқал ибн Ясор розийаллоҳу анҳу: «Гапирмадим» ёки «Гапирмаган эдим», дедилар.

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган.

289 – وَحَدَّثَنَا أَبُو غَسَّانَ الْمَسْمَعِيُّ وَمُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى وَإِسْحَقُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ قَالَ إِسْحَقُ أَخْبَرَنَا وَقَالَ الْآخَرَانِ حَدَّثَنَا مُعَاذُ بْنُ هِشَامٍ قَالَ حَدَّثَنِي أَبِي عَنْ قَتَادَةَ عَنْ أَبِي الْمَلِيحِ أَنَّ عُبَيْدَ اللَّهِ بْنَ زِيَادٍ عَادَ مَعْقِلَ بْنَ يَسَارٍ فِي مَرَضِهِ فَقَالَ لَهُ مَعْقِلُ إِنِّي مُحَدِّثُكَ بِحَدِيثٍ لَوْلَا أَنِّي فِي الْمَوْتِ لَمْ أُحَدِّثْكَ بِهِ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ مَا مِنْ أَمِيرٍ يَلِي أَمْرَ الْمُسْلِمِينَ ثُمَّ لَا يَجْهَدُ لَهُمْ وَيَنْصَحُ إِلَّا لَمْ يَدْخُلْ مَعَهُمُ الْجَنَّةَ

289/3. Абу Мулайх розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Убайдуллоҳ ибн Зиёд розийаллоҳу анҳу Маъқал ибн Ясор розийаллоҳу анҳунинг касаллик пайтларида зиёратларига кирганларида Маъқал ибн Ясор розийаллоҳу анҳу: «Мен сенга бир ҳадисни гапириб бераман, агар ўлим ҳолатида бўлмаганимда уни сенга гапирмас эдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бирор амир мусулмонлар ишида бошлиқ бўлса-ю, кейин уларга кучини сарф қилмаса ва насиҳат қилмаса, улар билан бирга жаннатга кирмайди», деб айтганларини эшитдим», дедилар.

## 64-боб

### Баъзи қалблардан иймон ва омонат кўтарилиб, унда фитна содир бўлиши ҳақида

290 – حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ حَدَّثَنَا أَبُو مُعَاوِيَةَ وَوَكَيْعٌ ح وَحَدَّثَنَا أَبُو كُرَيْبٍ حَدَّثَنَا أَبُو مُعَاوِيَةَ عَنِ الْأَعْمَشِ عَنْ زَيْدِ بْنِ وَهَبٍ عَنْ حَدِيثِهِ قَالَ حَدَّثَنَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حَدِيثَيْنِ قَدْ رَأَيْتُ أَحَدَهُمَا وَأَنَا أَنْتَظِرُ الْآخَرَ حَدَّثَنَا أَنَّ الْأَمَانَةَ نَزَلَتْ فِي حَذَرِ قُلُوبِ الرِّجَالِ ثُمَّ نَزَلَ الْقُرْآنُ فَعَلِمُوا مِنَ الْقُرْآنِ وَعَلِمُوا مِنَ السُّنَّةِ ثُمَّ حَدَّثَنَا عَنْ رَفْعِ الْأَمَانَةَ قَالَ يَنَامُ الرَّجُلُ النَّوْمَةَ فَتَقْبِضُ الْأَمَانَةَ مِنْ قَلْبِهِ فَيُظَلُّ أَثَرُهَا مِثْلَ الْمَجَلِّ كَجَمْرِ دَحْرَجْتَهُ عَلَى رَجُلِكَ فَتَنْفَطِرُ فَتَرَاهُ مُنْتَبِرًا وَلَيْسَ فِيهِ شَيْءٌ ثُمَّ أَخَذَ حَصَى فَدَحْرَجَهُ عَلَى رِجْلِهِ فَيُصْبِحُ النَّاسُ يَتَّبِعُونَ لَا يَكَادُ أَحَدٌ يُؤَدِّي الْأَمَانَةَ حَتَّى يُقَالَ إِنَّ فِي بَنِي فُلَانٍ رَجُلًا أَمِينًا حَتَّى يُقَالَ لِلرَّجُلِ مَا أَجَلَدُهُ مَا أَظْرَفُهُ مَا أَعْقَلُهُ وَمَا فِي قَلْبِهِ مِثْقَالُ حَبَّةٍ مِنْ خَرْدَلٍ مِنْ إِيمَانٍ وَلَقَدْ أَتَى عَلِيٌّ زَمَانَ وَمَا أَبَالِي أَيْكُمْ بَايَعْتُ لِمَنْ كَانَ مُسْلِمًا لِيُرِدَّنَهُ عَلِيٌّ دِينَهُ وَلَمَنْ كَانَ نَصْرَانِيًّا أَوْ يَهُودِيًّا لِيُرِدَّنَهُ عَلِيٌّ سَاعِيهِ وَأَمَّا الْيَوْمَ فَمَا كُنْتُ لِأَبَايَعُ مِنْكُمْ إِلَّا فُلَانًا وَفُلَانًا

وَحَدَّثَنَا ابْنُ نُمَيْرٍ حَدَّثَنَا أَبِي وَوَكَيْعٌ ح وَحَدَّثَنَا إِسْحَقُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ حَدَّثَنَا عِيسَى بْنُ يُونُسَ جَمِيعًا عَنِ الْأَعْمَشِ بِهَذَا الْإِسْنَادِ

مَثَلُهُ

290/1. Ҳузайфа ибн Ямондан (р.а.) ривоят қилинади. «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам иккита гап айтдилар. Уларнинг бирини кўрдим. Иккинчисини (қачон бўлар экан, деб) кутиб турибман. Аввалгиси – иймон

кишилар қалбининг тубига тушади. Кейин Қуръон тушади. Улар Қуръон ва суннатни ўргандилар. Иккинчиси – кишилардан иймон кўтарилади. Одам бироз ухлаганида, унинг қалбидан иймон кўтарилиб, озгина изи қолади, холос. Сўнгра яна бироз ухласа, унинг қалбидан иймон кўтарилиб, унинг изи қавариб кетганга ўхшайди. Бунинг мисоли худди оёғингни чўққа солсанг, у шишиб кўтарилганини кўрасан-у, лекин унда бирор нарса бўлмаганга ўхшайди. Кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам оёқларига тошларни мисол учун ташладилар-да, сўнгра қуйидагиларни айтдилар: «Одамлар субҳда туриб, бир-бирлари билан олди-сотди қилишади. Ва омонатни адо қиладиган бирор киши топа олишмайди. Ҳаттоки, ишончли киши қолмаганидан аҳвол шу даражага етадики, фалон маҳаллада ишончли киши бор ёки фалон киши ақлли, ўткир фикрли, субутли, дейилади. Унинг қалбида эса хантал уруғи мисқолича ҳам иймон йўқдир». Ҳузайфа: «Менинг устимга шундай замон келдики, мен ким билан олди-сотди қилсам, парво қилмас эдим. Агар мусулмон бўлса, менга хиёнат этишидан унинг дини тўсарди. Агар насроний ёки яҳудий бўлса, менга хиёнат қилишидан унинг бошлиғи тўсарди. Аммо бугунги кунда фалончи ва фалончидан ташқари бошқа ҳеч ким билан олди-сотди қила олмайман», дедилар».

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган.

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган. Фақат «Ер билан осмон орасида курси устида ўлтирган ҳолда», деган сўз зиёда қилинган.

### 74-боб

*Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Исрога яъни Маккадан Ўуддусга ыилган тунги сафарлари ва (Мецрожга чыыанларида) намозларнинг фарз этилиши баыида*

317 - حَدَّثَنَا شَيْبَانُ بْنُ فَرُّوخَ حَدَّثَنَا حَمَّادُ بْنُ سَلَمَةَ حَدَّثَنَا ثَابِتُ الْبُنَانِيُّ عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ أَتَيْتُ بِالْبِرَاقِ وَهُوَ دَابَّةٌ أبيضُ طَوِيلٌ فَوْقَ الْحِمَارِ وَدُونَ الْبَعْلِ يَضَعُ حَافِرَهُ عِنْدَ مُنْتَهَى طَرَفِهِ قَالَ فَرَكِبْتُهُ حَتَّى أَتَيْتُ بَيْتَ الْمُقَدَّسِ قَالَ فَرَبَطْتُهُ بِالْحَلْقَةِ الَّتِي يَرِبُطُ بِهَا الْأَنْبِيَاءُ قَالَ ثُمَّ دَخَلْتُ الْمَسْجِدَ فَصَلَّيْتُ فِيهِ رَكَعَتَيْنِ ثُمَّ خَرَجْتُ فَجَاءَنِي جَبْرِيلُ عَلَيْهِ السَّلَامُ بِإِنَاءٍ مِنْ خَمْرٍ وَإِنَاءٍ مِنْ لَبَنٍ فَاخْتَرْتُ اللَّبَنَ فَقَالَ جَبْرِيلُ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ اخْتَرْتِ الْفِطْرَةَ ثُمَّ عَرَجَ بِنَا إِلَى السَّمَاءِ فَاسْتَفْتَحَ جَبْرِيلُ فَقِيلَ مَنْ أَنْتَ قَالَ جَبْرِيلُ قِيلَ وَمَنْ مَعَكَ قَالَ مُحَمَّدٌ قِيلَ وَقَدْ بُعِثَ إِلَيْهِ قَالَ قَدْ بُعِثَ إِلَيْهِ فَفُتِحَ لَنَا فَإِذَا أَنَا بِأَدَمَ فَرَحَّبَ بِي وَدَعَا لِي بِخَيْرٍ ثُمَّ عَرَجَ بِنَا إِلَى السَّمَاءِ الثَّانِيَةِ فَاسْتَفْتَحَ جَبْرِيلُ عَلَيْهِ السَّلَامُ فَقِيلَ مَنْ أَنْتَ قَالَ جَبْرِيلُ قِيلَ وَمَنْ مَعَكَ قَالَ مُحَمَّدٌ قِيلَ وَقَدْ بُعِثَ إِلَيْهِ قَالَ قَدْ بُعِثَ إِلَيْهِ فَفُتِحَ لَنَا فَإِذَا أَنَا بِابْنِي الْخَالَةَ عِيسَى ابْنِ مَرْيَمَ وَيَحْيَى بْنَ زَكَرِيَّا صَلَوَاتُ اللَّهِ عَلَيْهِمَا فَرَحَّبَا وَدَعَا لِي بِخَيْرٍ ثُمَّ عَرَجَ بِي إِلَى السَّمَاءِ الثَّلَاثَةِ فَاسْتَفْتَحَ جَبْرِيلُ فَقِيلَ مَنْ أَنْتَ قَالَ جَبْرِيلُ قِيلَ وَمَنْ مَعَكَ قَالَ مُحَمَّدٌ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قِيلَ وَقَدْ بُعِثَ إِلَيْهِ قَالَ قَدْ بُعِثَ إِلَيْهِ فَفُتِحَ لَنَا فَإِذَا أَنَا بِيُوسُفَ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا هُوَ قَدْ أُعْطِيَ شَطْرَ الْحُسْنِ فَرَحَّبَ وَدَعَا لِي بِخَيْرٍ ثُمَّ عَرَجَ بِنَا إِلَى السَّمَاءِ الرَّابِعَةِ فَاسْتَفْتَحَ جَبْرِيلُ عَلَيْهِ السَّلَامُ قِيلَ مَنْ هَذَا قَالَ جَبْرِيلُ قِيلَ وَمَنْ مَعَكَ قَالَ مُحَمَّدٌ قَالَ وَقَدْ بُعِثَ إِلَيْهِ قَالَ قَدْ بُعِثَ إِلَيْهِ فَفُتِحَ لَنَا فَإِذَا أَنَا بِإِدْرِيسَ فَرَحَّبَ وَدَعَا لِي بِخَيْرٍ قَالَ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ ( وَرَفَعْنَاهُ مَكَانًا عَلِيًّا ) ثُمَّ عَرَجَ بِنَا إِلَى السَّمَاءِ الْخَامِسَةِ فَاسْتَفْتَحَ جَبْرِيلُ قِيلَ مَنْ هَذَا قَالَ جَبْرِيلُ قِيلَ وَمَنْ مَعَكَ قَالَ مُحَمَّدٌ قِيلَ وَقَدْ بُعِثَ إِلَيْهِ قَالَ قَدْ بُعِثَ إِلَيْهِ فَفُتِحَ لَنَا فَإِذَا أَنَا بِبِهَارُونَ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَرَحَّبَ وَدَعَا لِي بِخَيْرٍ ثُمَّ عَرَجَ بِنَا إِلَى السَّمَاءِ السَّادِسَةِ فَاسْتَفْتَحَ جَبْرِيلُ عَلَيْهِ السَّلَامُ قِيلَ مَنْ هَذَا قَالَ جَبْرِيلُ قِيلَ وَمَنْ مَعَكَ قَالَ مُحَمَّدٌ قِيلَ وَقَدْ بُعِثَ إِلَيْهِ قَالَ قَدْ بُعِثَ إِلَيْهِ فَفُتِحَ لَنَا فَإِذَا أَنَا بِمُوسَى صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قِيلَ وَمَنْ مَعَكَ قَالَ مُحَمَّدٌ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قِيلَ وَقَدْ بُعِثَ إِلَيْهِ قَالَ قَدْ بُعِثَ إِلَيْهِ فَفُتِحَ لَنَا فَإِذَا أَنَا بِإِبْرَاهِيمَ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مُسْنِدًا ظَهْرَهُ إِلَى الْبَيْتِ الْمَعْمُورِ وَإِذَا هُوَ يَدْخُلُهُ كُلُّ يَوْمٍ سَبْعُونَ أَلْفَ مَلَكٍ لَا يَعُودُونَ إِلَيْهِ ثُمَّ ذَهَبَ بِي إِلَى السُّدْرَةِ الْمُنتَهَى وَإِذَا وَرَقُهَا كَأَذَانِ الْفَيْلَةِ وَإِذَا ثَمَرُهَا كَالْقَلَالِ قَالَ فَلَمَّا غَشِيَهَا مِنْ أَمْرِ اللَّهِ مَا غَشِيَ تَغَيَّرَتْ فَمَا أَحَدٌ مِنْ خَلْقِ اللَّهِ يَسْتَطِيعُ أَنْ يَنْعَتَهَا مِنْ حُسْنِهَا فَأَوْحَى اللَّهُ إِلَيَّ مَا أَوْحَى فَفَرَضَ عَلَيَّ خَمْسِينَ صَلَاةً فِي كُلِّ يَوْمٍ وَلَيْلَةٍ فَنَزَلْتُ إِلَى مُوسَى صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ مَا فَرَضَ رَبُّكَ عَلَيَّ أُمَّتِكَ قُلْتُ خَمْسِينَ صَلَاةً قَالَ ارْجِعْ إِلَى رَبِّكَ فَاسْأَلْهُ التَّخْفِيفَ فَإِنَّ أُمَّتَكَ لَا يُطِيقُونَ ذَلِكَ فَإِنِّي قَدْ بَلَوْتُ بَنِي إِسْرَائِيلَ وَخَبَرْتُهُمْ قَالَ فَرَجَعْتُ إِلَى رَبِّي فَقُلْتُ يَا رَبَّ خَفِّفْ عَلَيَّ أُمَّتِي فَحَطَّ عَنِّي خَمْسًا فَرَجَعْتُ إِلَى مُوسَى فَقُلْتُ حَطَّ عَنِّي خَمْسًا قَالَ إِنْ أُمَّتَكَ لَا يُطِيقُونَ ذَلِكَ فَارْجِعْ إِلَى رَبِّكَ فَاسْأَلْهُ التَّخْفِيفَ قَالَ فَلَمْ أَزَلْ أَرْجِعُ بَيْنَ رَبِّي تَبَارَكَ وَتَعَالَى وَبَيْنَ مُوسَى عَلَيْهِ السَّلَامُ حَتَّى قَالَ يَا مُحَمَّدُ إِنَّهُنَّ خَمْسُ صَلَوَاتٍ كُلُّ يَوْمٍ وَلَيْلَةٍ لِكُلِّ صَلَاةٍ عَشْرٌ فَذَلِكَ خَمْسُونَ صَلَاةً وَمَنْ هُمْ بِحَسَنَةٍ فَلَمْ يَعْمَلْهَا كُتِبَتْ لَهُ حَسَنَةٌ فَإِنْ عَمَلَهَا كُتِبَتْ لَهُ عَشْرًا وَمَنْ هُمْ بِسَيِّئَةٍ فَلَمْ يَعْمَلْهَا لَمْ تُكْتَبْ شَيْئًا فَإِنْ عَمَلَهَا كُتِبَتْ سَيِّئَةٌ وَاحِدَةٌ قَالَ فَنَزَلْتُ حَتَّى انْتَهَيْتُ إِلَى مُوسَى صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَأَخْبَرْتُهُ فَقَالَ ارْجِعْ إِلَى رَبِّكَ فَاسْأَلْهُ التَّخْفِيفَ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقُلْتُ قَدْ رَجَعْتُ إِلَى رَبِّي حَتَّى اسْتَحْيَيْتُ مِنْهُ

317/1. Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳузуримга хачирдан кичик, эшакдан каттароқ узун оқ Буроқ, яъни шунақа номдаги ҳайвон олиб келинди. У туёқларини кўз очиб-юмгунча лаҳзада, яъни жуда тез ташлар эди. Уни миниб Байтул Мақдисга бордим-да пайғамбарлар боғлайдиган ҳалқага боғлаб, кейин масжидга кириб икки ракат намоз ўқидим. Сўнгра чиқсам, Жаброил алайҳиссалом ҳузуримга бир идишда хамр (ароқ) ва яна бир идишда сут билан келибдилар. Мен сутни ихтиёр қилдим. Буни кўрган Жаброил алайҳиссалом: «Фитрат, яъни соф истиқоматни танладингиз»,

дедилар. Сўнгра мен билан бирга осмонга кўтарилиб, (осмон эшикларини) очишларини сўрадилар. Шунда: «Сен кимсан?» дейилди. У зот: «Жаброилман», дедилар. «Сен билан ким бирга?» дейилган эди, Жаброил: «Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам бирга», дедилар. «У пайғамбар қилиб юборилдими?» дейилган эди, Жаброил алайҳиссалом: «Ҳа, пайғамбар қилиб юборилди», дедилар. Қаршимиздаги (эшик) очилган эди, Одам алайҳиссалом турибдилар. У зот мени олқишлаб, яхшилик тилаб дуо қилдилар. Сўнгра Жаброил мен билан иккинчи осмонга кўтарилиб, (эшик) очилишини талаб қилдилар. Шунда: «Сен кимсан?» дейилган эди, у зот: «Жаброилман», дедилар. «Сен билан ким бирга?» дейилган эди, у зот: «Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам бирга», дедилар. «У пайғамбар қилиб юборилдими?» дейилган эди, Жаброил алайҳиссалом: «Ҳа, Пайғамбар қилиб юборилди», дедилар. Бас, олдимиздаги (эшик) очилган эди, икки холавачча – Исо ибн Марям ва Яҳё ибн Закариё алайҳиссалом олдиларида турибман. Икковлари мени олқишлаб, яхшилик тилаб дуо қилишди. Сўнгра Жаброил алайҳиссалом мен билан учинчи осмонга кўтарилиб, (эшик) очилишини талаб қилдилар. Шунда: «Сен кимсан?» дейилган эди, у зот: «Жаброилман», дедилар. «Сен билан ким бирга?» дейилган эди, у зот: «Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам бирга», дедилар. «У пайғамбар қилиб юборилдими?» дейилган эди, Жаброил алайҳиссалом: «Ҳа, пайғамбар этиб юборилди», дедилар. Бас, олдимиздаги (эшик) очилган эди, (бутун инсониятга берилган ҳусннинг) ярми ато этилган Юсуф алайҳиссалом олдиларида турибман. У зот мени олқишлаб, яхшилик тилаб дуо қилдилар. Сўнгра Жаброил алайҳиссалом мен билан тўртинчи осмонга кўтарилиб, (эшик) очилишини талаб қилдилар. Шунда: «Сен кимсан?» дейилган эди, у зот: «Жаброилман», дедилар. «Сен билан ким бирга?» дейилган эди, у зот: «Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам бирга», дедилар. «У пайғамбар қилиб юборилдими?» дейилган эди, Жаброил алайҳиссалом: «Ҳа, пайғамбар қилиб юборилди», дедилар. Олдимиздаги (эшик) очилган эди, Идрис алайҳиссалом олдиларида турибман. У зот мени олқишлаб, яхшилик тилаб дуо қилдилар. Аллоҳ Қуръони каримда бу зот ҳақларида: «Биз уни (яъни, Идрисни) олий маконга кўтариб қўйдик», деб айтган. Сўнгра Жаброил алайҳиссалом мен билан бешинчи осмонга кўтарилиб, (эшик) очилишини талаб қилдилар. Шунда: «Сен кимсан?» дейилган эди, у зот: «Жаброилман», дедилар. «Сен билан ким бирга?» дейилган эди, у зот: «Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам бирга», дедилар. «У пайғамбар қилиб юборилдими?» дейилган эди, Жаброил алайҳиссалом: «Ҳа, пайғамбар қилиб юборилди», дедилар. Олдимиздаги эшик очилган эди, Ҳоруннинг олдиларида турибман. У зот мени олқишлаб, яхшилик тилаб дуо қилдилар. Сўнгра Жаброил алайҳиссалом мен билан олтинчи осмонга кўтарилиб,

(эшик) очилишини талаб қилдилар. Шунда: «Сен кимсан?» дейилган эди, у зот: «Жаброилман», дедилар. «Сен билан ким бирга?» дейилган эди, у зот: «Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам бирга», дедилар. «У пайғамбар қилиб юборилдими?» дейилган эди, Жаброил алайҳиссалом: «Ҳа, пайғамбар қилиб юборилди», дедилар. Олдимиздаги (эшик) очилган эди, Иброҳим алайҳиссалом олдиларида турибман. У зот эса орқаларини Байтул-маъмурга суяб турибдилар. Унга ҳар куни етмиш минг фаришта киради, (агар у ердан чиқишса), унга қайтиб кира олишмайди. Сўнгра мен билан «Сидратул мунтаҳо», яъни (сидр дарахти)га бордилар. Унинг барглари филнинг қулоғига, мевалари эса кўзаларга ўхшайди. Аллоҳнинг амри уни қоплаб олганида, у ўзгариб кетади. Аллоҳнинг махлуқотларидан бирортаси унинг ҳуснини сифатлаб беришга қодир эмас. Аллоҳ таоло менга ваҳий қилиб, ҳар кеча ва кундузда эллик маҳал намоз ўқишни фарз қилди. Кейин Мусо алайҳиссалом ҳузурларига тушсам, у зот: «Раббингиз умматингиз учун нимани фарз қилди?» дедилар. Мен: «Эллик маҳал намоз», дедим. У зот: «Раббингиз ҳузурига боринг-да, енгиллатишини сўранг. Чунки умматингиз бунга тоқат қила олмайди. Чунки мен Бани Исроилда балога йўлиққанман», дедилар. Мен Раббим ҳузурига қайтиб: «Эй Раббим! Умматимга енгиллик қилгин», десам, беш вақтни бекор қилди. Мусо алайҳиссалом ҳузурларига қайтиб: «Раббим мендан беш вақтни бекор қилди», десам, Мусо алайҳиссалом: «Умматингизнинг буни бажаришга тоқати етмайди. Сиз Раббингиз ҳузурига қайтинг-да, Ундан енгиллик қилишини сўранг», дедилар. Мен Раббим билан Мусо алайҳиссалом ўрталарида қатнашда бардавом бўлдим, ҳатто Аллоҳ: «Эй Муҳаммад! Албатта улар ҳар кеча ва кундузда беш маҳал намоз ўқийдилар. Ҳар бир намозга ўн баробар зиёдалик бордир. Ўша (зиёдалик) билан эллик маҳал ўрнига ўтур. (Шундан келиб чиқиб), ким бирор яхшиликни қасд этса-ю, унга амал қила олмаса, бир яхшилик (бажарди), деб ёзилади. Борди-ю, амал қилса, ўнта яхшилик (бажарди), деб ёзилади. Ким бирор ёмонликни қасд этса-ю, унга амал қилмаса, бирор нарса ёзилмайди. Борди-ю, унга амал қилса, битта ёмонлик (бажарди), деб ёзилади», деди. Кейин тушиб Мусо алайҳиссалом олдиларига бордим-да, бунинг хабарини берсам, Мусо алайҳиссалом: «Раббингиз ҳузурига боринг-да, Ундан енгиллик қилишини сўранг», дедилар. Шунда Раббим ҳузурига қайтиб бордим, аммо (бу сўзларни айтишга) Ундан ҳаё қилдим», деб айтдилар.

318 - حَدَّثَنِي عَبْدُ اللَّهِ بْنُ هَاشِمِ الْعَبْدِيُّ حَدَّثَنَا بِهِزُ بْنُ أَسَدٍ حَدَّثَنَا سُلَيْمَانُ بْنُ الْمُغِيرَةِ حَدَّثَنَا ثَابِتٌ عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أُتِيتُ فَأَنْطَلَقُوا بِي إِلَى زَمْرَمَ فَشَرِحَ عَن صَدْرِي ثُمَّ غُسِلَ بِمَاءِ زَمْرَمَ ثُمَّ أَنْزَلْتُ



318/2. Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мени кўтариб замзам сувига олиб боришди, кўкрагимни ёриб, шу замзам суви билан ювишди, кейин олган жойларида қолдириб кетишди», дедилар.

319 - حَدَّثَنَا شَيْبَانُ بْنُ فَرُّوخَ حَدَّثَنَا حَمَّادُ بْنُ سَلَمَةَ حَدَّثَنَا ثَابِتُ الْبُنَانِيُّ عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَاهُ جَبْرِيلُ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَهُوَ يَلْعَبُ مَعَ الْعِلْمَانِ فَأَخَذَهُ فَصَرَعهُ فَشَقَّ عَنْ قَلْبِهِ فَاسْتَخْرَجَ الْقَلْبَ فَاسْتَخْرَجَ مِنْهُ عَلَقَةً فَقَالَ هَذَا حَظُّ الشَّيْطَانِ مِنْكَ ثُمَّ غَسَلَهُ فِي طَسْتٍ مِنْ ذَهَبٍ بِمَاءِ زَمْزَمَ ثُمَّ لَأَمَهُ ثُمَّ أَعَادَهُ فِي مَكَانِهِ وَجَاءَ الْعِلْمَانُ يَسْعَوْنَ إِلَى أُمِّهِ يَعْنِي ظَهْرَهُ فَقَالُوا إِنَّ مُحَمَّدًا قَدْ قُتِلَ فَاسْتَقْبَلُوهُ وَهُوَ مُتَّعِفٌ اللَّوْنُ قَالَ أَنَسٌ وَقَدْ كُنْتُ أُرْتِي أَنَّ ذَلِكَ الْمَخِيطِ فِي صَدْرِهِ

319/3. Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг айтишларича, бир куни Жаброил алайҳиссалом келганларида у зот ёш болалар билан бирга ўйнаётган эдилар. Жаброил алайҳиссалом у зотни ушлаб ётқиздилар-да, қоринларини ёриб, қалбларини чиқардилар, унинг ичидан қуюқ қонни олиб: «Мана шу сиздаги шайтон насибасидир», дедилар. Сўнг тиллодан бўлган тоғорага замзам суви солдилар, у сув билан қалбни ювиб ўз жойига қайтариб қўйдилар. Ҳалиги бирга ўйнаётган болалар оналари, яъни энагалари ҳузурига келиб: «Муҳаммад қатл этилди», деб айтишди. Улар у зотнинг ҳузурларига боришганида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ранглари ўзгариб кетган эди.

Анас розийаллоҳу анҳу: «Мен у зотнинг кўкракларидagi тикилган нарсанинг асоратини кўрганман», дедилар.

320 - حَدَّثَنَا هَارُونُ بْنُ سَعِيدِ الْأَيْلِيُّ حَدَّثَنَا ابْنُ وَهْبٍ قَالَ أَخْبَرَنِي سُلَيْمَانُ وَهُوَ ابْنُ بِلَالٍ قَالَ حَدَّثَنِي شَرِيكُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ أَبِي نَمْرٍ قَالَ سَمِعْتُ أَنَسَ بْنَ مَالِكٍ يُحَدِّثُنَا عَنْ لَيْلَةَ أُسْرِي بِرَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنْ مَسْجِدِ الْكَعْبَةِ أَنَّهُ جَاءَهُ ثَلَاثَةٌ نَفَرٍ قَبْلَ أَنْ يُوحَى إِلَيْهِ وَهُوَ نَائِمٌ فِي الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ وَسَاقَ الْحَدِيثَ بِقِصَّتِهِ نَحْوَ حَدِيثِ ثَابِتِ الْبُنَانِيِّ وَقَدَّمَ فِيهِ شَيْئًا وَأَخَّرَ وَزَادَ وَنَقَصَ

320/4. Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Бу зот Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Каъбадаги масжиддан Қуддусдаги масжидга тунги сафарга чиққанлари ҳақида гапириб берадилар: «Ваҳий қилинишидан олдин уч нафар киши у зотнинг ҳузурларига келди. Ўшанда у зот Масжидул Ҳаромда ухлаётган эдилар...», деб ҳадиснинг қолганини худди юқоридаги ҳадисда келганидек охирига етказдилар. Лекин баъзисини зиёда, баъзисини ноқис, баъзисини олдинлатиб ва баъзисини кейинга қўйиб зикр қилганлар.

321 - وَحَدَّثَنِي حَرَمَلَةُ بْنُ يَحْيَى التُّجَيْبِيُّ أَخْبَرَنَا ابْنُ وَهْبٍ قَالَ أَخْبَرَنِي يُونُسُ عَنِ ابْنِ شَهَابٍ عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ قَالَ كَانَ أَبُو ذَرٍّ يُحَدِّثُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ فُرِحَ سَقْفُ بَيْتِي وَأَنَا بِمَكَّةَ فَنَزَلَ جَبْرِيلُ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَفَرِحَ صَدْرِي ثُمَّ

عَسَلَهُ مِنْ مَاءِ زَمْزَمَ ثُمَّ حَاءَ بَطَسْتُ مِنْ ذَهَبٍ مُمْتَلِيٍّ حِكْمَةً وَإِيمَانًا فَأَفْرَعَهَا فِي صَدْرِي ثُمَّ أَطْبَقَهُ ثُمَّ أَخَذَ بِيَدِي فَعَرَجَ بِي إِلَى السَّمَاءِ فَلَمَّا جِئْنَا السَّمَاءَ الدُّنْيَا قَالَ جِبْرِيلُ عَلَيْهِ السَّلَامُ لِحَازِنِ السَّمَاءِ الدُّنْيَا افْتَحْ قَالَ مَنْ هَذَا قَالَ هَذَا جِبْرِيلُ قَالَ هَلْ مَعَكَ أَحَدٌ قَالَ نَعَمْ مَعِيَ مُحَمَّدٌ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ فَأَرْسِلْ إِلَيْهِ قَالَ نَعَمْ فَفَتَحَ قَالَ فَلَمَّا عَلَوْنَا السَّمَاءَ الدُّنْيَا فَإِذَا رَجُلٌ عَنْ يَمِينِهِ أَسْوَدَةٌ وَعَنْ يَسَارِهِ أَسْوَدَةٌ قَالَ فَإِذَا نَظَرَ قَبْلَ يَمِينِهِ ضَحِكٌ وَإِذَا نَظَرَ قَبْلَ شِمَالِهِ بَكَى قَالَ فَقَالَ مَرْحَبًا بِالنَّبِيِّ الصَّالِحِ وَالْإِنِّ الصَّالِحِ قَالَ قُلْتُ يَا جِبْرِيلُ مَنْ هَذَا قَالَ هَذَا آدَمُ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَهَذِهِ الْأَسْوَدَةُ عَنْ يَمِينِهِ وَعَنْ شِمَالِهِ نَسَمُ بَنِيهِ فَأَهْلُ الْيَمِينِ أَهْلُ الْجَنَّةِ وَالْأَسْوَدَةُ الَّتِي عَنْ شِمَالِهِ أَهْلُ النَّارِ فَإِذَا نَظَرَ قَبْلَ يَمِينِهِ ضَحِكٌ وَإِذَا نَظَرَ قَبْلَ شِمَالِهِ بَكَى قَالَ ثُمَّ عَرَجَ بِي جِبْرِيلُ حَتَّى أَتَى السَّمَاءَ الثَّانِيَةَ فَقَالَ لِحَازِنِهَا افْتَحْ قَالَ فَقَالَ لَهُ حَازِنُهَا مِثْلُ مَا قَالَ حَازِنُ السَّمَاءِ الدُّنْيَا فَفَتَحَ فَقَالَ أَنَسُ بْنُ مَالِكٍ فَذَكَرَ أَنَّهُ وَجَدَ فِي السَّمَاوَاتِ آدَمَ وَإِدْرِيسَ وَعِيسَى وَمُوسَى وَإِبْرَاهِيمَ صَلَوَاتِ اللَّهِ عَلَيْهِمْ أَجْمَعِينَ وَلَمْ يَثْبِتْ كَيْفَ مَنَازِلَهُمْ غَيْرَ أَنَّهُ ذَكَرَ أَنَّهُ قَدَ وَجَدَ آدَمَ عَلَيْهِ السَّلَامُ فِي السَّمَاءِ الدُّنْيَا وَإِبْرَاهِيمَ فِي السَّمَاءِ السَّادِسَةِ قَالَ فَلَمَّا مَرَّ جِبْرِيلُ وَرَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِإِدْرِيسَ صَلَوَاتِ اللَّهِ عَلَيْهِ قَالَ مَرْحَبًا بِالنَّبِيِّ الصَّالِحِ وَالْأَخِ الصَّالِحِ قَالَ ثُمَّ مَرَّ فَقُلْتُ مَنْ هَذَا فَقَالَ هَذَا إِدْرِيسُ قَالَ ثُمَّ مَرَرْتُ بِمُوسَى عَلَيْهِ السَّلَامُ فَقَالَ مَرْحَبًا بِالنَّبِيِّ الصَّالِحِ وَالْأَخِ الصَّالِحِ قَالَ قُلْتُ مَنْ هَذَا قَالَ هَذَا مُوسَى قَالَ ثُمَّ مَرَرْتُ بِعِيسَى فَقَالَ مَرْحَبًا بِالنَّبِيِّ الصَّالِحِ وَالْأَخِ الصَّالِحِ قُلْتُ مَنْ هَذَا قَالَ هَذَا عِيسَى ابْنُ مَرْيَمَ قَالَ ثُمَّ مَرَرْتُ بِإِبْرَاهِيمَ عَلَيْهِ السَّلَامُ فَقَالَ مَرْحَبًا بِالنَّبِيِّ الصَّالِحِ وَالْإِنِّ الصَّالِحِ قَالَ قُلْتُ مَنْ هَذَا قَالَ هَذَا إِبْرَاهِيمُ قَالَ ابْنُ شَهَابٍ وَأَخْبَرَنِي ابْنُ حَزْمٍ أَنَّ ابْنَ عَبَّاسٍ وَأَبَا حَبَّةَ الْأَنْصَارِيَّ كَانَا يَقُولَانِ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَفَرَضَ اللَّهُ عَلَى أُمَّتِي خَمْسِينَ صَلَاةً قَالَ فَرَجَعْتُ بِذَلِكَ حَتَّى أَمَرَ بِمُوسَى فَقَالَ مُوسَى عَلَيْهِ السَّلَامُ مَاذَا فَرَضَ رَبُّكَ عَلَى أُمَّتِكَ قَالَ قُلْتُ فَرَضَ عَلَيْهِمْ خَمْسِينَ صَلَاةً قَالَ لِي مُوسَى عَلَيْهِ السَّلَامُ فَرَاغِعْ رَبَّكَ فَإِنَّ أُمَّتَكَ لَا تُطِيقُ ذَلِكَ قَالَ فَرَاغِعْتُ رَبِّي فَوَضَعَ شَطْرَهَا قَالَ فَرَجَعْتُ إِلَى مُوسَى عَلَيْهِ السَّلَامُ فَأَخْبَرْتُهُ قَالَ رَاجِعْ رَبَّكَ فَإِنَّ أُمَّتَكَ لَا تُطِيقُ ذَلِكَ قَالَ فَرَاغِعْتُ رَبِّي فَقَالَ هِيَ خَمْسٌ وَهِيَ خَمْسُونَ لَا يُبَدَّلُ الْقَوْلُ لَدَيَّ قَالَ فَرَجَعْتُ إِلَى مُوسَى فَقَالَ رَاجِعْ رَبَّكَ فَقُلْتُ قَدْ اسْتَحْيَيْتُ مِنْ رَبِّي قَالَ ثُمَّ انْطَلَقَ بِي جِبْرِيلُ حَتَّى نَأْتِي سِدْرَةَ الْمُنْتَهَى فَعَشِيهَا أَلْوَانٌ لَا أَدْرِي مَا هِيَ قَالَ ثُمَّ أَدْحَلْتُ الْجَنَّةَ فَإِذَا فِيهَا حَبَابُ اللَّوْلُؤِ وَإِذَا تُرَابُهَا الْمِسْكُ

321/5. Абу Зарр розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мен Маккадалик пайтимда уйимнинг шифти очилди. Ўша жойдан Жаброил алайҳиссалом тушдилар-да, кўкрагимни очиб, замзам суви билан ювдилар, ҳикмат ва иймон тўлдирилган тилло тоғора олиб келиб, уни қалбимга қуйдилар, сўнг ёпиб қўйдилар. Кейин қўлимдан ушлаб осмонга кўтарилдилар. Дунё осмонига келганимизда Жаброил алайҳиссалом осмон соқчисига: «Очгин», дедилар. Соқчи: «Бу ким?» деди. Жаброил алайҳиссалом: «Бу Жаброилдир», дедилар. Соқчи: «Сиз билан бирга бошқа бирор киши борми?» деса, Жаброил алайҳиссалом: «Ҳа! Мен билан бирга Муҳаммад алайҳиссалом биргалар», дедилар. Соқчи: «У пайғамбар қилиб юборилдими?» деган эди, Жаброил алайҳиссалом: «Ҳа», дедилар. Шунда эшик очилди. Дунё осмонига кўтарилганимизда бир кишини кўрдикки, ўнг томонида бир жамоа ва чап томонида бир жамоа турар эди. У киши агар ўнг томонида қараса, кулар эди, агар чап томонида қараса, йиғлар эди. Ўша киши: «Солиҳ пайғамбар ва солиҳ кишининг ўғли хуш келибди», деб айтди. Мен: «Эй Жаброил, бу ким?» десам, Жаброил алайҳиссалом: «Бу Одам алайҳиссаломдир. Мана бу ўнг ва чап томонидаги жамоа

зурриётларидан ташкил топган халқлардир. Ўнг томондагиси жаннат аҳли, чап томондаги жамоа эса дўзах аҳлидир. Шунинг учун ўнг томонига қараса, кулади, чап томонига қараса, йиғлайди», дедилар. Сўнгра Жаброил алайҳиссалом мен билан бирга кўтарилиб иккинчи осмонга чиқдилар ва у осмон соқчисига: «Очгин», дедилар. Осмон соқчиси дунё осмони соқчиси айтган сўзни айтди ва (эшикни) очди...», дедилар. Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳу зикр қилишларича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам осмонда Одам, Идрис, Исо, Мусо ва Иброҳим алайҳиссаломларнинг барчаларини учратдилар. Лекин маконлари қандай экани ҳақидаги хабарни исботламадилар. Аммо Одам алайҳиссаломни дунё осмонида, Иброҳим алайҳиссаломни олтинчи осмонда учратдилар. Қачонки, Жаброил алайҳиссалом ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Идрис алайҳиссаломнинг олдиларидан ўтишганида, у зот: «Солиҳ пайғамбар ва солиҳ биродар хуш келибдилар», дедилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: «Ўта туриб: «Бу ким?» десам, Жаброил алайҳиссалом: «Бу Идрис», дедилар. Кейин Мусо алайҳиссалом олдиларидан ўтганимизда у зот: «Солиҳ пайғамбар ва солиҳ биродар хуш келибдилар», дедилар. Мен: «Бу ким?» десам, Жаброил алайҳиссалом: «Бу Мусодирлар», дедилар. Сўнгра Исо алайҳиссалом олдиларидан ўтсак, «Солиҳ пайғамбар ва солиҳ биродар хуш келибдилар», дедилар. Мен: «Бу ким?» десам, Жаброил алайҳиссалом: «Бу Исо ибн Марямдирлар», дедилар. Кейин Иброҳим алайҳиссалом олдиларидан ўтсак, у зот: «Солиҳ пайғамбар ва солиҳ киши ўғли хуш келибдилар», дедилар. Мен: «Бу ким?» десам, Жаброил алайҳиссалом: «Бу Иброҳимдирлар», дедилар».

Ибн Аббос ва Абу Ҳабба ал-Ансорий розийаллоҳу анҳумодан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сўнгра мен баландлаб, бир текис ерга кўтарилдим. Ва у ерда фаришталар (Аллоҳнинг тақдир-қазоси ва бошқа буйруқларини) ёзишаётганининг овозини эшитдим», дедилар.

Ибн Ҳазм ва Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳумодан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Аллоҳ умматимга эллик маҳал намоз ўқишни фарз қилди. Мен қайтиб Мусо алайҳиссалом олдиларидан ўтганимда, у зот: «Раббингиз умматингизга нимани фарз қилди?» дедилар. Мен: «Эллик маҳал намозни», дедим. У зот: «Раббингиз ҳузурига қайтинг, чунки умматингиз бунга тоқат қила олмайди», дедилар. Раббим ҳузурига қайтсам, У бунинг ярмини ўтиб юборди. Мусо алайҳиссалом ҳузурларига қайтиб, бунинг хабарини берсам, у зот: «Раббингиз ҳузурига қайтинг, чунки умматингиз бунга тоқат қила олмайди», дедилар. Мен Раббим ҳузурига қайтиб борсам, Аллоҳ: «У беш маҳалдир. Ана шу беш маҳал эллик маҳалга ўтади. Менинг ҳузуримда сўз ўзгартирилмайди», деди. Мен Мусо алайҳиссалом ҳузурларига қайтиб

борсам, у зот: «Раббингиз ҳузурига қайтинг», дедилар. Мен: Рабимдан (бориш хусусида) ҳаё қилдим», дедим. Сўнгра Жаброил алайҳиссалом билан бирга «Сидратул мунтоҳо»га бордим. У ерни ранглар ўраб олибди, унинг нималигини билмайман. Кейин жаннатга киритилдим, у ерда гавҳардан гумбаз бор бўлиб, тупроқлари эса мушкдан экан».

322 - حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى حَدَّثَنَا ابْنُ أَبِي عَدِيٍّ عَنْ سَعِيدٍ عَنْ قَتَادَةَ عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ لَعَلَّهُ قَالَ عَنْ مَالِكِ بْنِ صَعْصَعَةَ رَجُلٍ مِنْ قَوْمِهِ قَالَ قَالَ نَبِيُّ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَيْنَا أَنَا عِنْدَ الْبَيْتِ بَيْنَ النَّائِمِ وَالْيَقْظَانِ إِذْ سَمِعْتُ قَائِلًا يَقُولُ أَحَدُ الثَّلَاثَةِ بَيْنَ الرَّجُلَيْنِ فَأَتَيْتُ فَأَنْطَلِقَ بِي فَأَتَيْتُ بِطُسْتٍ مِنْ ذَهَبٍ فِيهَا مِنْ مَاءٍ زَمَزَمَ فَشَرِحَ صَدْرِي إِلَى كَذَا وَكَذَا قَالَ قَتَادَةُ فَقُلْتُ لِلَّذِي مَعِيَ مَا يَعْني قَالَ إِلَى أَسْفَلِ بَطْنِهِ فَاسْتَخْرَجَ قَلْبِي فَعُغِّلَ بِمَاءٍ زَمَزَمَ ثُمَّ أُعِيدَ مَكَانَهُ ثُمَّ حُشِيَ إِيمَانًا وَحِكْمَةً ثُمَّ أُتِيَتْ بِدَايَةِ أَبِيضٍ يُقَالُ لَهُ الْبِرَاقُ فَوْقَ الْحِمَارِ وَدُونَ الْبُعْلِ يَفْعُ حَطْوُهُ عِنْدَ أَقْصَى طَرْفِهِ فَحُمِلَتْ عَلَيْهِ ثُمَّ انْطَلَقْنَا حَتَّى أَتَيْنَا السَّمَاءَ الدُّنْيَا فَاسْتَفْتَحَ جِبْرِيْلُ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقِيلَ مَنْ هَذَا قَالَ جِبْرِيْلُ قِيلَ وَمَنْ مَعَكَ قَالَ مُحَمَّدٌ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قِيلَ وَقَدْ بُعِثَ إِلَيْهِ قَالَ نَعَمْ قَالَ فَفَتَحَ لَنَا وَقَالَ مَرْحَبًا بِهِ وَلِنَعْمَ الْمَجِيءُ جَاءَ قَالَ فَأَتَيْنَا عَلَى آدَمَ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَسَاقَ الْحَدِيثَ بِقِصَّتِهِ وَذَكَرَ أَنَّهُ لَقِيَ فِي السَّمَاءِ الثَّانِيَةَ عِيسَى وَيَحْيَى عَلَيْهِمَا السَّلَامُ وَفِي الثَّلَاثَةِ يُوسُفَ وَفِي الرَّابِعَةِ إِدْرِيسَ وَفِي الْخَامِسَةِ هَارُونَ صَلَوَاتِمُ اللَّهُ عَلَيْهِمْ قَالَ ثُمَّ انْطَلَقْنَا حَتَّى انْتَهَيْنَا إِلَى السَّمَاءِ السَّادِسَةِ فَأَتَيْتُ عَلَى مُوسَى عَلَيْهِ السَّلَامُ فَسَلَّمْتُ عَلَيْهِ فَقَالَ مَرْحَبًا بِالْأَخِ الصَّالِحِ وَالنَّبِيِّ الصَّالِحِ فَلَمَّا جَاوَزْتُهُ بَكَى فَنُودِيَ مَا يُبْكِيكَ قَالَ رَبِّ هَذَا غُلَامٌ بَعَثْتُهُ بَعْدِي يَدْخُلُ مِنْ أُمَّتِهِ الْجَنَّةَ أَكْثَرَ مِمَّا يَدْخُلُ مِنْ أُمَّتِي قَالَ ثُمَّ انْطَلَقْنَا حَتَّى انْتَهَيْنَا إِلَى السَّمَاءِ السَّابِعَةِ فَأَتَيْتُ عَلَى إِبْرَاهِيمَ وَقَالَ فِي الْحَدِيثِ وَحَدَّثَ نَبِيُّ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ رَأَى أَرْبَعَةَ أَنْهَارٍ يَخْرُجُ مِنْ أَصْلَافِ نَهْرَانِ ظَاهِرَانِ وَنَهْرَانِ بَاطِنَانِ فَقُلْتُ يَا جِبْرِيْلُ مَا هَذِهِ الْأَنْهَارُ قَالَ أَمَّا النَّهْرَانِ الْبَاطِنَانِ فَنَهْرَانِ فِي الْجَنَّةِ وَأَمَّا الظَّاهِرَانِ فَالنَّبِيلُ وَالْفُرَاتُ ثُمَّ رَفَعَ لِي الْبَيْتَ الْمَعْمُورَ فَقُلْتُ يَا جِبْرِيْلُ مَا هَذَا قَالَ هَذَا الْبَيْتُ الْمَعْمُورُ يَدْخُلُهُ كُلُّ يَوْمٍ سَبْعُونَ أَلْفَ مَلَكٍ إِذَا خَرَجُوا مِنْهُ لَمْ يَعُودُوا فِيهِ آخِرًا مَا عَلَيْهِمْ ثُمَّ أُتِيَتْ بِإِنَاءٍ بَيْنَ أَحَدُهُمَا حَمْرٌ وَالْآخَرُ لَبَنٌ فَعَرَضَا عَلَيَّ فَاخْتَرْتُ اللَّبْنَ فَقِيلَ أَصَابَ اللَّهُ بِكَ أُمَّتَكَ عَلَى الْفِطْرَةِ ثُمَّ فُرِضَتْ عَلَيَّ كُلُّ يَوْمٍ حَمْسُونَ صَلَاةً ثُمَّ ذَكَرَ قِصَّتَهَا إِلَى آخِرِ الْحَدِيثِ

حَدَّثَنِي مُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى حَدَّثَنَا مُعَاذُ بْنُ هِشَامٍ قَالَ حَدَّثَنِي أَبِي عَنْ قَتَادَةَ حَدَّثَنَا أَنَسُ بْنُ مَالِكٍ عَنْ مَالِكِ بْنِ صَعْصَعَةَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ فَذَكَرَ نَحْوَهُ وَزَادَ فِيهِ فَأَتَيْتُ بِطُسْتٍ مِنْ ذَهَبٍ مُمْتَلِيٍّ حِكْمَةً وَإِيمَانًا فَشَقُّ مِنَ النَّخْرِ إِلَى مَرَاقِ الْبَطْنِ فَعُغِّلَ بِمَاءٍ زَمَزَمَ ثُمَّ مَلِئْتُ حِكْمَةً وَإِيمَانًا

322/6. Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳу Молик ибн Саъсаъадан қилган ривоятда айтилишича, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бир пайт уйқу билан уйғоқлик орасида турган эдим, икки киши орасида туриб гапирётган учинчи бир кишининг сўзларини эшитдим. Ўша киши ҳузурига олиб келиндим. Тиллодан бўлган бир тоғора келтирилди. Унда замзам суви бор эди. Қалбимни (олиш учун ) у еридан бу еригача, яъни қориннинг пастки қисмигача ёриб, қалбимни чиқариб, замзам суви билан ювиб, кейин ҳикмат ва иймон билан тўлдириб ўрнига қайтариб қўйишди. Сўнгра оқ ҳайвон олдига олиб борилдим. У Буроқ, деб номланар эди. У эшакдан баланд, хачирдан пастроқ эди. Қадамини ташласа, бир четга тушади. Ўша ҳайвонга миндирилдим, сўнг юриб дунё осмонига бордик. Жаброил

алайҳиссалом у ернинг очилишини талаб қилдилар. Шунда у зотга: «Бу ким?» дейилган эди, у зот: «Жаброил», дедилар. «Сиз билан бирга ким?» дейилган эди, Жаброил алайҳиссалом: «Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам бирга», дедилар. «У пайғамбар қилиб юборилдими?» дейилган эди, Жаброил алайҳиссалом: «Ҳа», дедилар. Бас, соқчи бизга эшикни очиб: «Хуш келибди, бу келувчи киши мунча ҳам яхши», деб айтди. Биз эса Одам алайҳиссаломнинг ҳузурларига бордик», деб юқоридаги қиссани давом эттирганлар. Яъни, «Иккинчи осмонда Исо ва Яҳё алайҳиссаломлар билан, учинчи осмонда Юсуф алайҳиссалом билан, тўртинчи осмонда Идрис алайҳиссалом билан, бешинчи осмонда Ҳорун билан учрашиб, кейин олтинчи осмонда тўхтадик-да, Мусо алайҳиссалом олдиларига бордим. У зотга салом берган эдим, у зот: «Солиҳ биродар, солиҳ пайғамбар хуш келибди», дедилар. У зотнинг олдиларидан ўтиб кетаётсам, у зот йиғладилар. Шунда: «Сизни нима йиғлатди?» дейилган эди, у зот: «Эй Раббим, бу йигитни мендан кейин (пайғамбар этиб) юбординг. Унинг уммати менинг умматимдан кўра кўпроқ жаннатга киради», дедилар. Сўнгра яна юриб, еттинчи осмонда тўхтадик. Иброҳим алайҳиссалом олдиларига бордик», деб ҳадиснинг давомида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тўртта анҳор кўрганларини гапирганлар. (Яна давом этиб дедилар): «Унинг аслидан иккита зоҳирий ва иккита ботиний анҳор чиқарди. Шунда мен: «Эй Жаброил, бу анҳорлар нима?» десам, у зот: «Ботиний анҳорлар жаннатдаги анҳорлардир. Аммо зоҳирий анҳорлар Нил ва Фурот анҳорларидир», дедилар. Сўнгра мени Байтул-маъмурга кўтаришди. Мен: «Эй Жаброил, бу нима?» десам, у зот: «Бу Байтул-маъмур бўлиб, ҳар куни унга етмиш минг фаришта киради. Агар у ердан чиқадиган бўлса, охирги кирувчи бўлади, (яна) қайтиб (унга) кира олмайди», дедилар. Кейин менга икки идиш олиб келинди. Уларнинг бирида хамр (ароқ), иккинчисида сут бор эди. Менга у иккови кўрсатилган эди, мен сутни танладим. Шунда: «Аллоҳ умматингизга фитратни тўғрилаб қўйган нарсага етишдингиз», дейилди. Кейин менга ҳар куни эллик маҳал намоз ўқиш фарз этилди...», деб бу ҳақдаги қиссани зикр қилиб, ҳадисни тамомлаганлар.

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган, фақат «Менинг ҳузуримга ҳикмат ва иймон тўлдирилган тиллодан бўлган тоғора олиб келинди ва кўкракнинг юқори қисмидан то қориннинг пастки қисмигача ёриб, замзам суви ила ювиб, сўнгра ҳикмат ва иймон билан тўлдирилди» сўзи зиёда қилинган.

323 - حَدَّثَنِي مُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى وَابْنُ بَشَّارٍ قَالَ قَالَ ابْنُ الْمُثَنَّى حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ جَعْفَرٍ حَدَّثَنَا شُعْبَةُ عَنْ قَتَادَةَ قَالَ سَمِعْتُ أَبَا الْعَالِيَةَ يَقُولُ حَدَّثَنِي ابْنُ عَمِّ نَبِيِّكُمْ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَعْنِي ابْنَ عَبَّاسٍ قَالَ ذَكَرَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حِينَ أُسْرِيَ بِهِ فَقَالَ مُوسَى آدَمَ طَوَّالٌ كَأَنَّهُ مِنْ رِجَالِ شِئْوَةَ وَقَالَ عِيسَى جَعْدٌ مَرْبُوعٌ وَذَكَرَ مَالِكًا خَازِنَ جَهَنَّمَ وَذَكَرَ الدَّجَالَ

323/7. Ибн Аббос розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларининг Исро деб аталмиш тунги сафарга чиққанларини айтиб: «Мусо алайҳиссалом буғдойранг, узун бўйли бўлиб, гўёки Шануъа қабиласидаги кишиларга ўхшардилар. Исо алайҳиссалом эса тўлагина ва ўрта бўйлидирлар», деб зикр қилиб, яна жаҳаннам хазиначиси Молик исмли фариштани ва Дажжолни ҳам зикр қилдилар.

324 – وَحَدَّثَنَا عَبْدُ بْنُ حُمَيْدٍ أَخْبَرَنَا يُونُسُ بْنُ مُحَمَّدٍ حَدَّثَنَا شَيْبَانُ بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ عَنْ قَتَادَةَ عَنْ أَبِي الْعَالِيَةِ حَدَّثَنَا ابْنُ عَمْرٍو نَبِيُّكُمْ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ابْنُ عَبَّاسٍ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَرَرْتُ لَيْلَةَ أُسْرِي بِي عَلِيٍّ مُوسَى بْنُ عَمْرَانَ عَلَيْهِ السَّلَامُ رَجُلٌ آدَمُ طَوَالٌ جَعْدٌ كَأَنَّهُ مِنْ رِجَالِ شَنْوَةَ وَرَأَيْتُ عَيْسَى ابْنَ مَرْيَمَ مَرْبُوعَ الْخَلْقِ إِلَى الْحُمْرَةِ وَالْبَيَاضِ سَبَطَ الرَّأْسِ وَأُرِي مَالِكًا خَازِنَ النَّارِ وَالذَّجَالَ فِي آيَاتٍ أَرَاهُنَّ اللَّهُ إِيَّاهُ ( فَلَا تُكُنْ فِي مَرِيَةٍ مِنْ لِقَائِهِ ) قَالَ كَانَ قَتَادَةُ يُفَسِّرُهَا أَنَّ نَبِيَّ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَدَ لَقِيَ مُوسَى عَلَيْهِ السَّلَامُ

324/8. Ибн Аббос розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мен Исро кечасида Мусо ибн Имроннинг олдиларидан ўтдим. У зот буғдойранг, узун бўйли, жингалак сочли бўлиб, гўёки Шануъа қабиласидаги кишиларга ўхшардилар. Ва яна Исо ибн Марямни кўрдим, у зот ўрта бўйли, қизил ва оқ рангга мойил ҳамда узун сочли киши эдилар. Ва яна дўзах хазиначиси Молик ҳамда Дажжол белгилари билан кўрсатилди. Аллоҳ уларни менга, йўлиққанда шубҳа бўлмаслиги учун кўрсатди», дедилар.

Қатода розийаллоҳу анҳу буни шарҳлаб: «Албатта Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Мусо алайҳиссаломга йўлиқдилар», дедилар.

325 – حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ حَنْبَلٍ وَسُرَيْجُ بْنُ يُونُسَ قَالَا حَدَّثَنَا هُشَيْمٌ أَخْبَرَنَا دَاوُدُ بْنُ أَبِي هِنْدٍ عَنْ أَبِي الْعَالِيَةِ عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَرَّ بِوَادِي الْأَزْرَقِ فَقَالَ أَيُّ وَادٍ هَذَا فَقَالُوا هَذَا وَادِي الْأَزْرَقِ قَالَ كَأَنِّي أَنْظُرُ إِلَى مُوسَى عَلَيْهِ السَّلَامُ هَابِطًا مِنَ الثَّنِيَّةِ وَلَهُ جُورٌ إِلَى اللَّهِ بِالتَّلْبِيَةِ ثُمَّ أَتَى عَلِيَّ ثَنِيَّةَ هَرَشَى فَقَالَ أَيُّ ثَنِيَّةٍ هَذِهِ قَالُوا ثَنِيَّةَ هَرَشَى قَالَ كَأَنِّي أَنْظُرُ إِلَى يُونُسَ بْنِ مَتَّى عَلَيْهِ السَّلَامُ عَلَى نَاقَةٍ حَمْرَاءَ جَعْدَةٍ عَلَيْهِ جَبَّةٌ مِنْ صُوفٍ حِطَامٌ نَاقَتُهُ خُلْبَةٌ وَهُوَ يَلْبِي قَالَ ابْنُ حَنْبَلٍ فِي حَدِيثِهِ قَالَ هُشَيْمٌ يَعْنِي لَيْفًا

325/9. Ибн Аббос розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Азрақ водийсидан ўтаётди: «Бу қайси водий?» деганларида, саҳобалар: «Бу Азрақ водийси», деб айтишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мен Мусо алайҳиссаломни шу довондан тушаётган ҳолда кўрмоқдаман. У зотнинг Аллоҳга талбия айтиш билан сўрайдиган нарсалари бор эди», дедилар.

Сўнгра Ҳаршо довонига келиб: «Бу қайси довон?» деган эдилар, «Ҳаршо довони», дейишди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Юнус ибн Матто алайҳиссаломни семиз қизил туя устида кўргандекман. У зотнинг

устларида жундан ишланган жубба (чопон) бор, туяларининг тизгини эса канопдан эди. У зот эса талбия айтардилар», дедилар.

326 - وَحَدَّثَنِي مُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى حَدَّثَنَا ابْنُ أَبِي عَدِيٍّ عَنْ دَاوُدَ عَنْ أَبِي الْعَالِيَةِ عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ قَالَ سَرْنَا مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَيْنَ مَكَّةَ وَالْمَدِينَةِ فَمَرَرْنَا بِوَادٍ فَقَالَ أَيُّ وَادٍ هَذَا فَقَالُوا وَادِي الْأَزْرَقِ فَقَالَ كَأَنِّي أَنْظُرُ إِلَى مُوسَى صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَذَكَرَ مِنْ لَوْنِهِ وَشَعْرِهِ شَيْئًا لَمْ يَحْفَظْهُ دَاوُدُ وَأَضْعًا إصْبَعِيهِ فِي أُذُنِيهِ لَهُ جُؤَارٌ إِلَى اللَّهِ بِالتَّلْبِيَةِ مَرًّا بِهَذَا الْوَادِي قَالَ ثُمَّ سَرْنَا حَتَّى أَتَيْنَا عَلَى نَنِيَّةٍ فَقَالَ أَيُّ نَنِيَّةٍ هَذِهِ قَالُوا هَرَشَى أَوْ لَفْتٌ فَقَالَ كَأَنِّي أَنْظُرُ إِلَى يُونُسَ عَلَى نَاقَةٍ حَمْرَاءَ عَلَيْهِ جَبَّةٌ صُوفٍ حَطَامٌ نَاقَتَهُ لَيْفٌ خُلْبَةٌ مَرًّا بِهَذَا الْوَادِي مُلَبِّيًّا

326/10. Ибн Аббос розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. «Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга Макка ва Мадина оралиғида кетаётим, бир водийдан ўтдик. У зот: «Бу қайси водий?» деган эдилар, саҳобалар: «Азрақ водийси», дейишди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мусо алайҳиссаломни кўриб тургандекман», деб ранглари ва сочлари ҳақида нималарнидир зикр қилдилар. (Лекин ушбу ҳадис ровийи Довуд қулоқларига бармоқларини қўйганлари учун ранг ва сочлар ҳақидаги нарсани ёдлай олмаганлар.) «Мусо алайҳиссалом бу водийдан ўта туриб, Аллоҳга талбия айтиб сўрайдиган нарсалари бор эди», дедилар. Сўнгра яна юриб довонга келдик. У зот: «Бу қайси довон?» деган эдилар, улар: «Ҳаршо ёки Лифт номли довон», дейишди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мен Юнус алайҳиссаломни кўргандекман, у зот қизил туяда устларида жундан ясалган жубба (чопон) бор, туялари тизгини эса толадан бўлиб, бу водийдан талбия айтган ҳолда ўтардилар», деб айтдилар».

327 - حَدَّثَنِي مُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى حَدَّثَنَا ابْنُ أَبِي عَدِيٍّ عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ قَالَ سُرْنَا مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَيْنَ مَكَّةَ وَالْمَدِينَةِ فَمَرَرْنَا بِوَادٍ فَقَالَ أَيُّ وَادٍ هَذَا فَقَالُوا وَادِي الْأَزْرَقِ فَقَالَ كَأَنِّي أَنْظُرُ إِلَى مُوسَى صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَذَكَرَ مِنْ لَوْنِهِ وَشَعْرِهِ شَيْئًا لَمْ يَحْفَظْهُ دَاوُدُ وَأَضْعًا إصْبَعِيهِ فِي أُذُنِيهِ لَهُ جُؤَارٌ إِلَى اللَّهِ بِالتَّلْبِيَةِ مَرًّا بِهَذَا الْوَادِي قَالَ ثُمَّ سَرْنَا حَتَّى أَتَيْنَا عَلَى نَنِيَّةٍ فَقَالَ أَيُّ نَنِيَّةٍ هَذِهِ قَالُوا هَرَشَى أَوْ لَفْتٌ فَقَالَ كَأَنِّي أَنْظُرُ إِلَى يُونُسَ عَلَى نَاقَةٍ حَمْرَاءَ عَلَيْهِ جَبَّةٌ صُوفٍ حَطَامٌ نَاقَتَهُ لَيْفٌ خُلْبَةٌ مَرًّا بِهَذَا الْوَادِي مُلَبِّيًّا

327/11. Мужоҳид розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. «Биз Ибн Аббос розийаллоҳу анҳу ҳузурларида эдик. Одамлар Дажжолни зикр қилишди. Кимдир «Дажжолнинг кўзлари ўртасига кофир, деб ёзиб қўйилган», деди. Ибн Аббос: «Мен бу ҳақда (Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан) эшитмаганман. Шундай бўлиши ҳам мумкин, лекин Иброҳим алайҳиссалом ҳақларида эшитганман. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сизлар (у зотни кўрмоқчи бўлсангиз), ёнингиздаги биродарингизга қаранг. (Яъни, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларига қарашни назарда тутмоқдалар.) Аммо Мусо алайҳиссалом буғдойранг, тўла киши бўлиб, толадан эшилган жиловли қизил туяда

водийдан пастга талбия айтиб тушаётганларини кўргандайман», дедилар», деб айтдилар».

328 - حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ بْنُ سَعِيدٍ حَدَّثَنَا لَيْثٌ ح وَحَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ رُمْحٍ أَخْبَرَنَا اللَّيْثُ عَنْ أَبِي الزُّبَيْرِ عَنْ جَابِرٍ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ عَرَضَ عَلَيَّ الْأَنْبِيَاءُ فَإِذَا مُوسَى ضَرَبُ مِنَ الرَّجَالِ كَأَنَّهُ مِنْ رِجَالِ شَنْوَعَةَ وَرَأَيْتُ عِيسَى ابْنَ مَرْيَمَ عَلَيْهِ السَّلَامُ فَإِذَا أَقْرَبُ مَنْ رَأَيْتُ بِهِ شَبَّهًا عُرْوَةَ بْنُ مَسْعُودٍ وَرَأَيْتُ إِبْرَاهِيمَ صَلَوَاتِ اللَّهِ عَلَيْهِ فَإِذَا أَقْرَبُ مَنْ رَأَيْتُ بِهِ شَبَّهًا صَاحِبِكُمْ يَعْنِي نَفْسَهُ وَرَأَيْتُ جِبْرِيلَ عَلَيْهِ السَّلَامُ فَإِذَا أَقْرَبُ مَنْ رَأَيْتُ بِهِ شَبَّهًا دَحِيَّةَ وَفِي رِوَايَةِ ابْنِ رُمْحٍ دَحِيَّةُ بْنُ خَلِيفَةَ

328/12. Жобир розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Менга пайғамбарлар кўрсатилди. Мусо алайҳиссалом унча семиз бўлмаган, гўёки Шануъа қабиласидаги кишиларга ўхшаш эдилар. Исо ибн Марям алайҳиссаломни ҳам кўрдим. У зотнинг Урва ибн Масъудга ўхшашларини билдим. Иброҳим алайҳиссаломни кўрдим, у зот ёнингиздаги биродарингизга ўхшашдир (яъни, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларини назарда тутаётган эдилар). Жаброил алайҳиссаломни кўрдим, у зот Диҳяга (бошқа ривоятда Ибн Румҳ Диҳя ибн Халийфага, дейилган) ўхшашдир», дедилар.

329 - وَحَدَّثَنِي مُحَمَّدُ بْنُ رَافِعٍ وَعَبْدُ بْنُ حُمَيْدٍ وَتَقَارَبَا فِي اللَّفْظِ قَالَ ابْنُ رَافِعٍ حَدَّثَنَا وَقَالَ عَبْدُ أَحْبَرَنَا عَبْدُ الرَّزَّاقِ أَخْبَرَنَا مَعْمَرٌ عَنِ الزُّهْرِيِّ قَالَ أَخْبَرَنِي سَعِيدُ بْنُ الْمُسَيْبِ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حِينَ أُسْرِيَ بِي لَقِيتُ مُوسَى عَلَيْهِ السَّلَامُ فَنَعَتَهُ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَإِذَا رَجُلٌ حَسْبُهُ قَالَ مُضْطَرِبٌ رَجُلُ الرَّأْسِ كَأَنَّهُ مِنْ رِجَالِ شَنْوَعَةَ قَالَ وَلَقِيتُ عِيسَى فَنَعَتَهُ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَإِذَا رُبْعَةٌ أَحْمَرٌ كَأَنَّمَا خَرَجَ مِنْ دِمَاسٍ يَعْنِي حَمَامًا قَالَ وَرَأَيْتُ إِبْرَاهِيمَ صَلَوَاتِ اللَّهِ عَلَيْهِ وَأَنَا أَشْبَهُهُ وَلَدَهُ بِهِ قَالَ فَاتَيْتُ بِإِنَاءَيْنِ فِي أَحَدِهِمَا لَبَنٌ وَفِي الْآخَرِ حَمْرٌ فَقِيلَ لِي خُذْ أُيْهُمَا شِئْتَ فَأَخَذْتُ اللَّبَنَ فَشَرِبْتُهُ فَقَالَ هُدَيْتَ الْفِطْرَةَ أَوْ أَصَبْتَ الْفِطْرَةَ أَمَا إِنَّكَ لَوْ أَخَذْتَ الْحَمْرَ عَوَتْ أُمَّتَكَ

329/13. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мен Исрога юборилган пайтда Мусо алайҳиссаломга йўлиқдим», деб у зотни қуйидагича таърифладилар: «Мусо алайҳиссалом узун бўйли, жингалак сочли бўлиб, гўёки Шануъа қабиласидаги кишиларга ўхшардилар. Ва яна «Исо алайҳиссаломга ҳам йўлиқдим», деб у зотни қуйидагича таърифладилар: «Исо алайҳиссалом ўрта бўйли, қизил рангга мойил бўлиб, ҳаммомдан янги чиққан кишига ўхшардилар. Иброҳим алайҳиссаломни кўрдим. Мен у зотнинг зурриётлари ичидаги энг ўхшашиман. Бас, ҳузуримга икки идиш олиб келинди. Бирида сут, иккинчисида хамр (ароқ) бор эди. Менга: «Қайси бирини хоҳласангиз, олинг», дейилди. Мен сутни олиб ичган эдим, (Жаброил алайҳиссалом): «Асл фитратга ҳидоят қилиндингиз ёки асл фитратга етишдингиз. Агар хамрни олганингизда умматингиз адашар эди», дедилар».



## 75-606

**Масиҳ ибн Марям алайҳиссалом ва Масиҳ Дажжол зикри ҳақида**

330 - حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ يَحْيَى قَالَ قَرَأْتُ عَلَى مَالِكٍ عَنْ نَافِعٍ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ أَرَانِي لَيْلَةً عِنْدَ الْكَعْبَةِ فَرَأَيْتُ رَجُلًا آدَمَ كَأَحْسَنِ مَا أَنْتَ رَأَيْتَ مِنْ أَدَمِ الرَّجَالِ لَهُ لَمَّةٌ كَأَحْسَنِ مَا أَنْتَ رَأَيْتَ مِنَ اللَّمَمِ قَدْ رَجَلَهَا فَهِيَ تَقْطُرُ مَاءً مُتَكِنًا عَلَى رَجُلَيْنِ أَوْ عَلَى عَوَاتِقِ رَجُلَيْنِ يَطُوفُ بِالْبَيْتِ فَسَأَلْتُ مَنْ هَذَا فَقِيلَ هَذَا الْمَسِيحُ ابْنُ مَرْيَمَ ثُمَّ إِذَا أَنَا بِرَجُلٍ جَعْدٍ قَطَطٍ أَغْوَرَ الْعَيْنِ الْيَمْنَى كَأَنَّهَا عِنَبَةٌ طَافِيَةٌ فَسَأَلْتُ مَنْ هَذَا فَقِيلَ هَذَا الْمَسِيحُ الدَّجَالُ

330/1. Абдуллоҳ ибн Умар розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кечаларнинг бирида Каъба ҳузурида турсам, буғдойранг, кўринишидан чиройли, сочлари қулоғининг юмшоқ жойигача ўсиб тушган бир киши (тушимда) кўрсатилди. У сочини тараб олган эди. Ўша сочидан сув оқар эди. У икки киши орасида ёки икки киши елкасига суяниб олиб, Байтуллоҳни тавоф қилар эди. Мен: «Бу ким?» десам, «Масиҳ ибн Марям», дейилди. Сўнгра калта бўйли, жингалак сочли, ўнг кўзи филай, гўёки ўнг кўзи туртиб чиққан узум донаси каби кишини (тушимда) кўрдим. «Бу киши ким?» десам, «У Масиҳ Дажжолдир», дейилди», дедилар.

331 - حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ إِسْحَاقَ الْمُسَيْبِيُّ حَدَّثَنَا أَنَسُ بْنُ يَعْنِي ابْنَ عِيَّاضٍ عَنْ مُوسَى وَهُوَ ابْنُ عُقْبَةَ عَنْ نَافِعٍ قَالَ قَالَ عَبْدُ اللَّهِ بْنُ عُمَرَ ذَكَرَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَوْمًا بَيْنَ ظَهْرَانِي النَّاسَ الْمَسِيحَ الدَّجَالَ فَقَالَ إِنَّ اللَّهَ تَبَارَكَ وَتَعَالَى لَيْسَ بِأَعْوَرَ إِلَّا ابْنُ الْمَسِيحِ الدَّجَالِ أَغْوَرَ عَيْنِ الْيَمْنَى كَأَنَّ عَيْنَهُ عِنَبَةٌ طَافِيَةٌ قَالَ وَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَرَانِي اللَّيْلَةَ فِي الْمَنَامِ عِنْدَ الْكَعْبَةِ فَإِذَا رَجُلٌ آدَمٌ كَأَحْسَنِ مَا تَرَى مِنْ أَدَمِ الرَّجَالِ تَضْرِبُ لِمَتَّهُ بَيْنَ مَنْكَبَيْهِ رَجُلٌ الشَّعْرُ يَقْطُرُ رَأْسُهُ مَاءً وَاضِعًا يَدَيْهِ عَلَى مَنْكَبَيْ رَجُلَيْنِ وَهُوَ بَيْنَهُمَا يَطُوفُ بِالْبَيْتِ فَقُلْتُ مَنْ هَذَا فَقَالُوا الْمَسِيحُ ابْنُ مَرْيَمَ وَرَأَيْتُ وَرَأَاهُ رَجُلًا جَعْدًا قَطَطًا أَغْوَرَ عَيْنِ الْيَمْنَى كَأَشْبَهَ مَنْ رَأَيْتُ مِنَ النَّاسِ بَابِنِ قَطْنٍ وَاضِعًا يَدَيْهِ عَلَى مَنْكَبَيْ رَجُلَيْنِ يَطُوفُ بِالْبَيْتِ فَقُلْتُ مَنْ هَذَا قَالُوا هَذَا الْمَسِيحُ الدَّجَالُ

331/2. Нофё розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Абдуллоҳ ибн Умар айтишларича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кунларнинг бирида одамлар орасида, Масиҳ Дажжолни зикр қилдилар. Ва у зот: «Албатта Аллоҳ таоло филай кўзли эмас. Огоҳ бўлинг, албатта Масиҳ Дажжолнинг ўнг кўзи филайдир. Гўёки унинг (ўша филай кўзи) узум донаси каби ирғиб чиққандек», деб, у зот яна: «Кечаларнинг бирида тушимда Каъба олдида турганим кўрсатилди. Шунда чиройли, буғдойранг бир киши турибди. (Унинг) узун сочи икки елкаси орасига тушиб турар эди. Сочи таралган ва бошидан сув томчилаб турар, қўлини эса икки киши елкасига қўйиб олиб, улар орасида Байтуллоҳни тавоф қилар эди. Мен: «Бу ким?» десам, улар: «Масиҳ ибн Марям», деб айтишди. Кейин у зотнинг орқаларида

калта бўйли, жингалак сочли, ўнг кўзи ғилай, одамлардан Ибн Қатонга кўпроқ ўхшаб кетадиган бир кишини кўрдим. У икки қўлини икки киши елкасига қўйиб олиб, Байтуллоҳни тавоф қилар эди. Мен: «Бу ким?» десам, улар: «Бу Масиҳ Дажжолдир», деб айтишди», дедилар.

332 - حَدَّثَنَا ابْنُ ثُمَيْرٍ حَدَّثَنَا أَبِي حَدَّثَنَا حَنْظَلَةُ عَنْ سَالِمٍ عَنِ ابْنِ عُمَرَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ رَأَيْتُ عِنْدَ الْكَعْبَةِ رَجُلًا آدَمَ سَبَطَ الرَّأْسِ وَأَضَعَا يَدَيْهِ عَلَى رَجُلَيْنِ يَسْكُبُ رَأْسُهُ أَوْ يَقَطُرُ رَأْسُهُ فَسَأَلْتُ مَنْ هَذَا فَقَالُوا عَيْسَى ابْنُ مَرْيَمَ أَوْ الْمَسِيحُ ابْنُ مَرْيَمَ لَا نَدْرِي أَيِّ ذَلِكَ قَالَ وَرَأَيْتُ وَرَاءَهُ رَجُلًا أَحْمَرَ جَعَدَ الرَّأْسِ أَعْوَرَ الْعَيْنِ الْيَمْنَى أَشْبَهُهُ مَنْ رَأَيْتُ بِهِ ابْنَ قَطَنِ فَسَأَلْتُ مَنْ هَذَا فَقَالُوا الْمَسِيحُ الدَّجَالُ

332/3. Ибн Умар розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Каъба олдида эканимда узун сочли бир кишини кўрдим. У икки қўлини икки кишига қўйиб олган эди. Мен: «Бу ким?» десам, улар: «Исо ибн Марям ёки Масиҳ ибн Марям», деб айтишди. У исмларнинг қайси бирини айтишганини билмайман. Бу кишининг орқасида афти-ангори қизғиш, сочи жингалак, ўнг кўзи ғилай, худди Ибн Қатонга ўхшайдиган бир кишини кўрдим. Ва: «Бу ким?» десам, улар: «Масиҳ Дажжолдир», дейишди», дедилар.

333 - حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ بْنُ سَعِيدٍ حَدَّثَنَا لَيْثٌ عَنْ عُقَيْلٍ عَنِ الرَّهْرِيِّ عَنْ أَبِي سَلَمَةَ بْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ لَمَّا كَذَّبْتَنِي فُرَيْشٌ قُمْتُ فِي الْحِجْرِ فَجَلَا اللَّهُ لِي بَيْتَ الْمَقْدِسِ فَطَفِقْتُ أُخْبِرُهُمْ عَنْ آيَاتِهِ وَأَنَا أَنْظَرُ إِلَيْهِ

333/4. Жобир ибн Абдуллоҳ розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар қурайшликлар мени ёлғонга тутмаганида Ҳижр деган жойда турардим-да, Аллоҳ менга Байтул-мақдисни очиб берар эди ва у (Дажжол)га қараб туриб, унинг аломатлари ҳақида хабар бера бошлар эдим», деб айтдилар.

334 - حَدَّثَنِي حَرْمَلَةُ بْنُ يَحْيَى حَدَّثَنَا ابْنُ وَهْبٍ قَالَ أَخْبَرَنِي يُونُسُ بْنُ زَيْدٍ عَنِ ابْنِ شَهَابٍ عَنْ سَالِمِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ عَنْ أَبِيهِ قَالَ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ بَيْنَمَا أَنَا نَائِمٌ رَأَيْتُنِي أَطُوفُ بِالْكَعْبَةِ فَإِذَا رَجُلٌ آدَمٌ سَبَطَ الشَّعْرَ بَيْنَ رَجُلَيْنِ يَنْطَفُ رَأْسُهُ مَاءً أَوْ يَهْرَأَقُ رَأْسُهُ مَاءً قُلْتُ مَنْ هَذَا قَالُوا هَذَا ابْنُ مَرْيَمَ ثُمَّ ذَهَبَتْ أَلْتَفَتْ فَإِذَا رَجُلٌ أَحْمَرٌ حَسِبِمُ جَعَدَ الرَّأْسِ أَعْوَرَ الْعَيْنِ كَأَنَّ عَيْنَهُ عِنَبَةٌ طَافِيَةٌ قُلْتُ مَنْ هَذَا قَالُوا الدَّجَالُ أَقْرَبُ النَّاسِ بِهِ شَبَهًا ابْنُ قَطَنِ

334/5. Умар ибн Хаттоб розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бир пайт ухлаётган эдим, тушимда Каъбани тавоф қилаётган эмишман. Шунда буғдойранг, узун сочли, икки киши орасида, бошидан сув томиб ёки оқиб турган кишини кўриб: «Бу

ким?» десам, улар: «Бу Ибн Марям», деб айтишди. Сўнгра ўгирилиб қарасам, қизғиш рангли, жуссали, сочи жингалак, кўзи филай, гўёки (ўша филай кўзида) узум донаси туртиб тургандек бир кишини кўрдим-да, «Бу ким?» деб айтсам, улар: «(Бу) Дажжол», дейишди. У худди Ибн Қатонга ўхшар эди», деб айтдилар.

335 - وَحَدَّثَنِي زُهَيْرُ بْنُ حَرْبٍ حَدَّثَنَا حُجَيْنُ بْنُ الْمُثَنَّى حَدَّثَنَا عَبْدُ الْعَزِيزِ وَهُوَ ابْنُ أَبِي سَلَمَةَ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ الْفَضْلِ عَنْ أَبِي سَلَمَةَ بْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَقَدْ رَأَيْتَنِي فِي الْحَجْرِ وَفُرَيْشٍ تَسْأَلُنِي عَنْ مَسْرَائِي فَسَأَلْتَنِي عَنْ أَشْيَاءٍ مِنْ بَيْتِ الْمَقْدِسِ لَمْ أُبْتَهَأَ فَكُرْبَتْ كُرْبَةً مَا كُرْبَتْ مِثْلَهُ قَطُّ قَالَ فَرَفَعَهُ اللَّهُ لِي أَنْظُرُ إِلَيْهِ مَا يَسْأَلُونِي عَنْ شَيْءٍ إِلَّا أَنْبَأْتُهُمْ بِهِ وَقَدْ رَأَيْتَنِي فِي جَمَاعَةٍ مِنَ الْأَنْبِيَاءِ فَإِذَا مُوسَى قَائِمٌ يُصَلِّي فَإِذَا رَجُلٌ ضَرْبٌ جَعْدٌ كَأَنَّهُ مِنْ رِجَالِ شَنْوَةَ وَإِذَا عِيسَى ابْنُ مَرْيَمَ عَلَيْهِ السَّلَامُ قَائِمٌ يُصَلِّي أَقْرَبُ النَّاسِ بِهِنَّ عُرْوَةٌ بِهِنَّ عُرْوَةٌ بِنُ مَسْعُودِ الثَّقَفِيِّ وَإِذَا إِبْرَاهِيمُ عَلَيْهِ السَّلَامُ قَائِمٌ يُصَلِّي أَشَبَّهُ النَّاسَ بِهِنَّ صَاحِبُكُمْ يَعْنِي نَفْسَهُ فَحَاطَتِ الصَّلَاةُ فَمَمَّتُهُمْ فَلَمَّا فَرَغَتْ مِنَ الصَّلَاةِ قَالَ قَائِلٌ يَا مُحَمَّدُ هَذَا مَالِكُ صَاحِبِ النَّارِ فَسَلَّمَ عَلَيْهِ فَالْتَفَتَ إِلَيْهِ فَبَدَأَنِي بِالسَّلَامِ

335/6. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Менга (Дажжол) Ҳижр номли жойда кўрсатилди. Қурайш эса мендан Байтул-мақдисга қилинган тунги саёҳат ҳақида ва Байтул-мақдиснинг ўзи ҳақида баъзи нарсаларни сўраб эди. Мен эса уларга буни исботлаб бера олмай шу даражада ғамга ботдимки, ҳеч бунақа бўлмаган эдим. Бас, Аллоҳ сўрашаётган нарсаларини кўриш учун мени кўтарди ва уларга бу ҳақда хабар бердим. Ва яна пайғамбарлар жамоасини кўрдим, Мусо алайҳиссалом тик туриб намоз ўқимоқдалар, у зот жингалак сочли бўлиб, гўёки Шануъа қабиласидаги кишиларга ўхшардилар. Ва яна Исо ибн Марям алайҳиссаломни ҳам кўрдим. У зот тик туриб намоз ўқиётган эдилар. У зот Урва ибн Масъуд ас-Сақафийга ўхшар эдилар. Ва яна Иброҳим алайҳиссаломни кўрдим. У зот тик туриб намоз ўқирдилар. У зот биродарингизга ўхшардилар», деб ўзларига ўхшашликларини ифода этдилар. (Яна сўзларида давом этиб): «Кейин намоз вақти бўлди. Мен уларга имом бўлдим. Қачонки, намозимни тугатганимдан кейин бир сўзловчи: «Мана бу дўзах соҳиби бўлмиш Молик номли (фариштадир). Бунга салом беринг», деган эди, мен у зотга ўгирилиб қарасам, биринчи бўлиб, мендан олдин салом бердилар», дедилар.

## 76-боб

«Сидратул мунтаъо»нинг зикри

336 - وَحَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ حَدَّثَنَا أَبُو أُسَامَةَ حَدَّثَنَا مَالِكُ بْنُ مِعْوَلٍ ح وَحَدَّثَنَا ابْنُ نُمَيْرٍ وَزُهَيْرُ بْنُ حَرْبٍ جَمِيعًا عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ نُمَيْرٍ وَالْفَاظِمُ مِتْقَارِبَةٌ قَالَ ابْنُ نُمَيْرٍ حَدَّثَنَا أَبِي حَدَّثَنَا مَالِكُ بْنُ مِعْوَلٍ عَنِ الزُّبَيْرِ بْنِ عَدِيٍّ عَنْ طَلْحَةَ عَنْ مَرَّةَ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ قَالَ لَمَّا أُسْرِيَ بِرَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ انْتَهَى بِهِ إِلَى سِدْرَةِ الْمُنْتَهَى وَهِيَ فِي السَّمَاءِ السَّادِسَةِ إِلَيْهَا يَنْتَهِي مَا يُعْرَجُ بِهِ مِنَ الْأَرْضِ فَيَقْبُضُ مِنْهَا وَإِلَيْهَا يَنْتَهِي مَا يُهْبَطُ بِهِ مِنْ فَوْقِهَا فَيَقْبُضُ مِنْهَا قَالَ ( إِذْ يَعْتَشَى السِّدْرَةَ مَا يَعْتَشَى ) قَالَ فَرَأَى مِنْ ذَهَبٍ قَالَ فَأَعْطَى رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ثَلَاثًا أُعْطِيَ الصَّلَوَاتِ الْخَمْسَ وَأُعْطِيَ خَوَاتِيمَ سُورَةِ الْبَقَرَةِ وَغَفِرَ لِمَنْ لَمْ يُشْرِكْ بِاللَّهِ مِنْ أُمَّتِهِ شَيْئًا الْمُتَّقِمَاتُ

336/1. Абдуллоҳ розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Исрога юборилганларида «Сидратул мунтаҳо»га келиб тўхтадилар. У олтинчи осмондадир. Ердан кўтарилганлар ўша ерда тўхтатиб ушлаб қолинади. Унинг тепасидан тушганлар ҳам ўша ерда тўхтатиб ушлаб қолинади. (Сидратул мунтаҳо жаннат четидаги, Аршнинг ўнг томонидаги сидр дарахтидир.) Ўшанда сидр дарахтини нимадир ўраб олган эди. Абдуллоҳ: «Тиллодан бўлган (нарса) ўраб олган», дедилар. Ўшанда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга уч нарса берилди: 1. Беш вақт намоз. 2. Бақара сурасининг охириги ояти. 3. Аллоҳга бирор нарсани шерик келтирмаса, ҳалокатга тушишга сабаб бўлувчи нарсаларнинг кечирилиши.

337 - وَحَدَّثَنَا أَبُو الرَّبِيعِ الزَّهْرَانِيُّ حَدَّثَنَا عَبَّادٌ وَهُوَ ابْنُ الْعَوَّامِ حَدَّثَنَا الشَّيْبَانِيُّ قَالَ سَأَلْتُ زُرَّ بْنَ حَبِيشٍ عَنْ قَوْلِ اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ ( فَكَانَ قَابَ قَوْسَيْنِ أَوْ أَدْنَى ) قَالَ أَخْبَرَنِي ابْنُ مَسْعُودٍ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَأَى جَبْرِيلَ لَهُ سِتُّ مِائَةِ جَنَاحٍ

337/2. Шайбоний айтдилар: «Зирр ибн Ҳубайшдан Аллоҳнинг сўзидаги «Бас, (Муҳаммад алайҳиссаломга) икки камон оралиғида ё (ундан-да) яқинроқ бўлиб» ояти ҳақида сўраганимда, у зот: «Ибн Масъуд хабар беришларича, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Жаброил алайҳиссаломни кўрдилар, Жаброил алайҳиссаломнинг олти юзта қанотлари бор эди», деб жавоб бердилар».

338 - حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ حَدَّثَنَا حَفْصُ بْنُ غِيَاثٍ عَنِ الشَّيْبَانِيِّ عَنْ زُرَّ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ قَالَ ( مَا كَذَبَ الْفُؤَادُ مَا رَأَى ) قَالَ رَأَى جَبْرِيلَ عَلَيْهِ السَّلَامُ لَهُ سِتُّ مِائَةِ جَنَاحٍ

338/3. Абдуллоҳ розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Бу зот «(Пайғамбарнинг) кўнгли кўрган нарсасини инкор этмади» ояти ҳақида шундай дедилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Жаброил алайҳиссаломни кўрдилар, у зотда олти юзта қанот бор эди».

339 - حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ مُعَاذِ الْعَنْبَرِيِّ حَدَّثَنَا أَبِي حَدَّثَنَا شُعْبَةُ عَنْ سُلَيْمَانَ الشَّيْبَانِيِّ سَمِعَ زُرَّ بْنَ حُبَيْشٍ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ قَالَ ( لَقَدْ رَأَى مِنْ آيَاتِ رَبِّهِ الْكُبْرَى ) قَالَ رَأَى جِبْرِيلَ فِي صُورَتِهِ لَهُ سِتُّ مِائَةِ حَنَاحٍ

339/4. Сулаймон Шайбоний розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Бу зот Зирр ибн Ҳубайшдан, у зот эса Абдуллоҳдан «Дарҳақиқат, у (ўша соатда) Парвардигорининг буюк оятларини кўрди» ояти ҳақида эшитганлар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўшанда Жаброил алайҳиссаломни ўз суратларида кўрганлар, у зотнинг олти юзта қанотлари бор эди.

### 77-боб

#### Аллоҳнинг «Дарвоқе, уни иккинчи бор кўрди» сўзи ҳақида

340 - حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ مُسْهِرٍ عَنْ عَبْدِ الْمَلِكِ عَنْ عَطَاءٍ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ ( وَلَقَدْ رَأَاهُ نَزْلَةً أُخْرَى ) قَالَ رَأَى جِبْرِيلَ

340/1. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу «Дарвоқе, уни иккинчи бор кўрди» ояти ҳақида «Жаброил алайҳиссаломни кўрганлар», деб айтдилар.

341 - حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ حَدَّثَنَا حَفْصٌ عَنْ عَبْدِ الْمَلِكِ عَنْ عَطَاءٍ عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ قَالَ رَأَاهُ بِقَلْبِهِ

341/2. Ибн Аббос розийаллоҳу анҳу: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам (Раббиларини) қалблари билан кўрдилар», деб айтдилар.

342 - حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ وَأَبُو سَعِيدٍ الْأَشْجِيُّ جَمِيعًا عَنْ وَكَيْعٍ قَالَ الْأَشْجِيُّ حَدَّثَنَا وَكَيْعٌ حَدَّثَنَا الْأَعْمَشُ عَنْ زِيَادِ بْنِ الْحُصَيْنِ أَبِي جَهْمَةَ عَنْ أَبِي الْعَالِيَةِ عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ قَالَ ( مَا كَذَبَ الْفُؤَادُ مَا رَأَى ) ( وَلَقَدْ رَأَاهُ نَزْلَةً أُخْرَى ) قَالَ رَأَاهُ بِفُؤَادِهِ مَرَّتَيْنِ حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ حَدَّثَنَا حَفْصٌ بْنُ غِيَاثٍ عَنِ الْأَعْمَشِ حَدَّثَنَا أَبُو جَهْمَةَ بِهَذَا الْإِسْنَادِ

342/3. Ибн Аббос розийаллоҳу анҳу «(Пайғамбарнинг) кўнгли кўрган нарсасини инкор этмади. «Дарвоқе, Уни иккинчи бор кўрди» оятида ҳақида «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам (Раббиларини) қалблари билан икки марта кўрдилар», деб айтдилар.

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган.

343 - حَدَّثَنِي زُهَيْرُ بْنُ حَرْبٍ حَدَّثَنَا إِسْمَاعِيلُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ عَنْ دَاوُدَ عَنِ الشَّعْبِيِّ عَنْ مَسْرُوقٍ قَالَ كُنْتُ مُتَكِّمًا عِنْدَ عَائِشَةَ فَقَالَتْ يَا أَبَا عَائِشَةَ ثَلَاثٌ مَنْ تَكَلَّمَ بِوَاحِدَةٍ مِنْهُنَّ فَقَدْ أَعْظَمَ عَلَى اللَّهِ الْفِرْيَةَ قُلْتُ مَا هُنَّ قَالَتْ مَنْ زَعَمَ أَنَّ مُحَمَّدًا صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَأَى رَبَّهُ فَقَدْ أَعْظَمَ عَلَى اللَّهِ الْفِرْيَةَ قَالَ وَكُنْتُ مُتَكِّمًا فَحَلَسْتُ فَقُلْتُ يَا أُمَّ الْمُؤْمِنِينَ أَنْظِرِينِي وَلَا تَعْجَلِينِي أَلَمْ يَقُلِ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ ( وَلَقَدْ رَأَاهُ بِالْأَفْقِ الْمُبِينِ ) ( وَلَقَدْ رَأَاهُ نَزْلَةً أُخْرَى ) فَقَالَتْ أَنَا أَوَّلُ هَذِهِ الْأُمَّةِ سَأَلَ عَنْ ذَلِكَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ إِنَّمَا هُوَ

جَبْرِيلُ لَمْ أَرَهُ عَلَى صُورَتِهِ الَّتِي خُلِقَ عَلَيْهَا غَيْرَ هَاتَيْنِ الْمَرَّتَيْنِ رَأَيْتُهُ مُنْهَبِطًا مِنَ السَّمَاءِ سَادًّا عَظُمَ خَلْقُهُ مَا بَيْنَ السَّمَاءِ إِلَى الْأَرْضِ فَقَالَتْ أَوْ لَمْ تَسْمَعْ أَنَّ اللَّهَ يَقُولُ ( لَا تُدْرِكُهُ الْأَبْصَارُ وَهُوَ يُدْرِكُ الْأَبْصَارَ وَهُوَ اللَّطِيفُ الْخَبِيرُ ) أَوْ لَمْ تَسْمَعْ أَنَّ اللَّهَ يَقُولُ ( وَمَا كَانَ لِنَبِيٍّ أَنْ يَكَلِّمَهُ اللَّهُ إِلَّا وَحْيًا أَوْ مِنْ وَرَاءِ حِجَابٍ أَوْ يُرْسِلَ رَسُولًا فَيُوحِيَ بِإِذْنِهِ مَا يَشَاءُ إِنَّهُ عَلِيمٌ حَكِيمٌ ) قَالَتْ وَمَنْ زَعَمَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَتَمَ شَيْئًا مِنْ كِتَابِ اللَّهِ فَقَدْ أَعْظَمَ عَلَى اللَّهِ الْفِرْيَةَ وَاللَّهُ يَقُولُ ( يَا أَيُّهَا الرَّسُولُ بَلِّغْ مَا أُنزِلَ إِلَيْكَ مِنْ رَبِّكَ وَإِنْ لَمْ تَفْعَلْ فَمَا بَلَّغْتَ رِسَالَتَهُ ) قَالَتْ وَمَنْ زَعَمَ أَنَّهُ يُخْبِرُ بِمَا يَكُونُ فِي غَدٍ فَقَدْ أَعْظَمَ عَلَى اللَّهِ الْفِرْيَةَ وَاللَّهُ يَقُولُ ( قُلْ لَا يَعْلَمُ مَنْ فِي السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ الْغَيْبَ إِلَّا اللَّهُ )

343/4. Масруқ розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. «Мен Оиша онамиз ҳузурларида суяниб турган эдим, ҳазрати Оиша: «Эй Абу Оиша (яъни, Масруқ)! Уч нарса борки, ким улардан бирортасини гапирса, Аллоҳга нисбатан улкан ёлғон сўзлабди», дедилар. Мен: «У нарсалар нима?» десам, Оиша розийаллоҳу анҳо: «Ким Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Раббиларини кўрганлар, деб гумон қилса, Аллоҳга нисбатан улкан ёлғон сўзлабди», дедилар. Мен суяниб турган эдим, ўтириб олдим-да: «Эй мўминлар онаси! Менга муҳлат беринг, шошилтирмай туринг, Аллоҳ таоло «Дарҳақиқат, у очиқ уфқда кўрди» ёки «Дарвоқе, у иккинчи бор кўрди», деб айтган-ку», десам, Оиша розийаллоҳу анҳо: «Бу ҳақда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўраган умматларидан биринчи шахсан. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «У Жаброилдир, бу икки сафардан бошқа пайт халқ қилинган суратларида кўрмаганман. У зот осмондан тушаётганларида улканликларидан ер билан осмон оралиғини тўсиб қўйганларини кўрдим», дедилар. Эшитмаганмисан, Аллоҳ таоло: «Кўзлар Унга ета олмас, У кўзларга етар. У меҳрибон ва (ҳар нарсадан) огоҳ Зотдир», деган. Эшитмаганмисан, Аллоҳ таоло: «Бирон одам учун Аллоҳ унга сўзлаши жоиз эмас, магар ваҳий-илҳом орқали ё бирон парда-тўсиқ ортидан ёки бирон элчи-фаришта юбориб, ўша (фаришта Аллоҳнинг) изни-ихтиёри билан У хоҳлаган нарсани ваҳий қилиш орқалигинадир. Албатта У юксак ва ҳикмат эгасидир», деб айтган. Ким Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни Аллоҳнинг китобидан бирор нарсани яширганлар, деса, Аллоҳга нисбатан улкан ёлғон сўзлабди. Чунки Аллоҳ таоло: «Эй пайғамбар, сизга Парвардигорингиз томонидан нозил қилинган нарсани етказинг! Агар (бу фармонга амал) қилмасангиз, Унинг элчилигини (бандаларига) етказмаган бўлурсиз», деб айтган. Ким Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эртага нима бўлишининг хабарини бера оладилар, деса, Аллоҳга нисбатан улкан ёлғон сўзлабди. Чунки Аллоҳ: «Айтинг, осмонлар ва ердаги бирон кимса гайбни билмас, магар Аллоҳгина (билур)» деб айтган», дедилар».

344 - وَحَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى حَدَّثَنَا عَبْدُ الْوَهَّابِ حَدَّثَنَا دَاوُدُ بِهَذَا الْإِسْنَادِ نَحْوَ حَدِيثِ ابْنِ عُيَيْنَةَ وَزَادَ قَالَتْ وَلَوْ كَانَ مُحَمَّدٌ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَاتِمًا شَيْئًا مِمَّا أُنْزِلَ عَلَيْهِ لَكَتَمَ هَذِهِ الْآيَةَ ( وَإِذْ تَقُولُ لِلَّذِي أَنْعَمَ اللَّهُ عَلَيْهِ وَأَنْعَمْتَ عَلَيْهِ أَمْسِكْ عَلَيْكَ زَوْجَكَ وَاتَّقِ اللَّهَ وَتُخْفِي فِي نَفْسِكَ مَا اللَّهُ مُبْدِيهِ وَتَخْشَى النَّاسَ وَاللَّهُ أَحَقُّ أَنْ تَخْشَاهُ )

344/5. Оиша розийаллоҳу анҳо: «Агар Муҳаммад алайҳиссалом ўзларига нозил қилинган бирор нарсани яширганларида қуйидаги оятни албатта яширган бўлардилар: «Сиз Аллоҳ (Исломга ҳидоят қилиш билан) инъом-марҳамат қилган ва сиз ҳам (қулликдан озод қилиб, ўзингизга ўғил қилиб олиш билан) инъом қилган кишига (яъни, Зайд ибн Ҳорисага): «Жуфтингни ўз ҳузурингда ушлагин (яъни, талоқ қилишга шошмагин), Аллоҳдан қўрққин», деб Аллоҳ ошкор қилгувчи бўлган нарсани ичингизга яширган эдингиз ва Аллоҳдан қўрқишингиз ҳақроқ бўлгани ҳолда сиз одамлардан (яъни, уларнинг таъна қилишлардан) қўрққан эдингиз» (Аҳзоб сураси, 37-оят)», дедилар.

345 - حَدَّثَنَا ابْنُ نُمَيْرٍ حَدَّثَنَا أَبِي حَدَّثَنَا إِسْمَاعِيلُ عَنِ الشَّعْبِيِّ عَنْ مَسْرُوقٍ قَالَ سَأَلْتُ عَائِشَةَ هَلْ رَأَى مُحَمَّدٌ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَبَّهُ فَقَالَتْ سُبْحَانَ اللَّهِ لَقَدْ قَفَّ شَعْرِي لِمَا قُلْتُ وَسَأَقُ الْحَدِيثَ بِقِصَّتِهِ وَحَدِيثُ دَاوُدَ أَتَمُّ وَأَطْوَلُ

345/6. Масруқ розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Оиша розийаллоҳу анҳодан «Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам Раббиларини кўрганларми?» деб сўрасам, Оиша розийаллоҳу анҳо: «Субҳоналлоҳ (таажжубланганда шундай дейилади)! Айтган сўзингдан сочим тикка бўлди...», дедилар», деб юқоридаги ҳадисни охиригача келтирганлар.

346 - وَحَدَّثَنَا ابْنُ نُمَيْرٍ حَدَّثَنَا أَبُو أُسَامَةَ حَدَّثَنَا زَكَرِيَاءُ عَنِ ابْنِ أَشْوَعٍ عَنْ عَامِرٍ عَنْ مَسْرُوقٍ قَالَ قُلْتُ لِعَائِشَةَ فَأَيْنَ قَوْلُهُ ( ثُمَّ دَنَا فَتَدَلَّى فَكَانَ قَابَ قَوْسَيْنِ أَوْ أَدْنَى فَأَوْحَى إِلَى عَبْدِهِ مَا أَوْحَى ) قَالَتْ إِنَّمَا ذَلِكَ جِبْرِيلُ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَأْتِيهِ فِي صُورَةِ الرَّجَالِ وَإِنَّهُ أَتَاهُ فِي هَذِهِ الْمَرَّةِ فِي صُورَتِهِ الَّتِي هِيَ صُورَتُهُ فَسَدَّ أَفْقَ السَّمَاءِ

346/7. Масруқ розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. «Оиша розийаллоҳу анҳодан: «(Сиз) «Сўнгра яқинлашиб пастлади. Бас, икки камон ўқи масофасида ё ундан-да, яқинроқ бўлиб, Ўз бандасига туширган ваҳийни келтирди» ояти ҳақида нима дейсиз?» деб сўрасам, Оиша розийаллоҳу анҳо: «Албатта у Жаброилдирлар, одам суратида келардилар, бу гал ўз суратларида келиб, осмон уфқини тўсиб қўйдилар», деб айтдилар».

## 78-боб

**Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг «Нурни қаердан кўрайин?» ёки «Нурни кўрдим», деган сўзлари ҳақида**

347 - حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ حَدَّثَنَا وَكَيْعٌ عَنْ يَزِيدَ بْنِ إِبْرَاهِيمَ عَنْ قَتَادَةَ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ شَقِيقٍ عَنْ أَبِي ذَرٍّ قَالَ سَأَلْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ هَلْ رَأَيْتَ رَبَّنَا قَالَ نُوْرٌ أَنَّى أَرَاهُ

347/1. Абу Зарр розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан «Раббингизни кўрганмисиз?» деб сўрасам, у зот: «Нурни қаердан кўрайин?» (яъни, «Нур Уни кўришдан тўсиб қўйди») дедилар.

348 - حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ حَدَّثَنَا مُعَاذُ بْنُ هِشَامٍ حَدَّثَنَا أَبِي ح وَحَدَّثَنِي حَجَّاجُ بْنُ الشَّاعِرِ حَدَّثَنَا عَفَّانُ بْنُ مُسْلِمٍ حَدَّثَنَا هَمَّامٌ كَلَاهُمَا عَنْ قَتَادَةَ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ شَقِيقٍ قَالَ قُلْتُ لِأَبِي ذَرٍّ لَوْ رَأَيْتَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَسَأَلْتُهُ فَقَالَ عَنْ أَيِّ شَيْءٍ كُنْتَ تَسْأَلُهُ قَالَ كُنْتُ أَسْأَلُهُ هَلْ رَأَيْتَ رَبَّنَا قَالَ أَبُو ذَرٍّ قَدْ سَأَلْتُ فَقَالَ رَأَيْتُ نُورًا

348/2. Абдуллоҳ ибн Шақиқ розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. «Абу Зарр розийаллоҳу анҳуга: «Агар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни кўрсам, бу ҳақда сўрайман», десам, Абу Зарр розийаллоҳу анҳу: «Қайси нарса ҳақида сўрайсан?» дедилар. Мен: «(У зотдан) «Раббингизни кўрганмисиз?» деб сўрайман», десам, Абу Зарр розийаллоҳу анҳу: «Мен бу ҳақда сўрасам, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Нурни кўрганман», деб айтганлар» (яъни, «Нурнинг ўзини кўрдим, бошқа нарсани кўрмадим»), дедилар».

## 79-боб

**Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Аллоҳ ухламайди.**

**Уни тўсиб турадиган нарса нурдир. Агар У тўсиқни очиб юборса, Унинг Зотидаги улуғлик кўзи тушган жойигача махлуқотларини куйдириб юборади», деган сўзлари ҳақида**

349 - حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ وَأَبُو كُرَيْبٍ قَالَا حَدَّثَنَا أَبُو مُعَاوِيَةَ حَدَّثَنَا الْأَعْمَشُ عَنْ عَمْرِو بْنِ مُرَّةَ عَنْ أَبِي عُبَيْدَةَ عَنْ أَبِي مُوسَى قَالَ قَامَ فِينَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِخَمْسِ كَلِمَاتٍ فَقَالَ إِنَّ اللَّهَ عَزَّ وَجَلَّ لَا يَنَامُ وَلَا يَنبَغِي لَهُ أَنْ يَنَامَ يَخْفِضُ الْقَسْطَ وَيَرْفَعُهُ يُرْفَعُ إِلَيْهِ عَمَلُ اللَّيْلِ قَبْلَ عَمَلِ النَّهَارِ وَعَمَلُ النَّهَارِ قَبْلَ عَمَلِ اللَّيْلِ حِجَابُهُ النُّورُ وَفِي رِوَايَةٍ أَبِي بَكْرٍ النَّارُ لَوْ كَشَفَهُ لَأَحْرَقَتْ سُبُحَاتُ وَجْهِهِ مَا انْتَهَى إِلَيْهِ بَصَرُهُ مِنْ خَلْقِهِ وَفِي رِوَايَةٍ أَبِي بَكْرٍ عَنْ الْأَعْمَشِ وَلَمْ يَقُلْ حَدَّثَنَا

349/1. Абу Мусо розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам орамизда беш калима билан турдилар: «Албатта Аллоҳ таоло ухламайди, Унга ухлаш лозим ҳам эмас. Ризқларни камайтириб-кўпайтиради. Кечки амаллар кундузги амаллардан, кундузги амаллар кечки амаллардан олдин Унинг ҳузурига кўтарилади. Уни тўсиб турадиган нарса нурдир. (Абу Бакр ривоятларида айтилишича, оловдир.) Агар У тўсиқни



очиб юборса, Унинг Зотидаги улуғлик кўзи тушган жойигача махлуқотларини куйдириб юборади».

Абу Бакр Аъмашдан қилган ривоятларида арабча матндаги «Ҳаддасана» деган сўзни айтмаганлар.

350 - حَدَّثَنَا إِسْحَقُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ أَحْبَرَنَا جَرِيرٌ عَنِ الْأَعْمَشِ بِهَذَا الْإِسْنَادِ قَالَ قَامَ فِينَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِأَرْبَعِ كَلِمَاتٍ نُمُّ ذَكَرَ بِمِثْلِ حَدِيثِ أَبِي مُعَاوِيَةَ وَلَمْ يَذْكُرْ مِنْ خَلْفِهِ وَقَالَ حِجَابُهُ النَّوْرُ

350/2. Аъмаш розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам орамизда тўртта калима билан турдилар», деб юқоридаги ҳадисни зикр қилдилар. «Махлуқотларини куйдириб юборади, Уни тўсиб турадиган нарса нурдир», деган сўзни қўшмаганлар.

351 - حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى وَابْنُ بَشَّارٍ قَالَا حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ جَعْفَرٍ قَالَ حَدَّثَنِي شُعْبَةُ عَنْ عَمْرِو بْنِ مُرَّةَ عَنْ أَبِي عُبَيْدَةَ عَنْ أَبِي مُوسَى قَالَ قَامَ فِينَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِأَرْبَعِ إِنْ اللَّهُ لَا يَنَامُ وَلَا يَنبَغِي لَهُ أَنْ يَنَامَ يَرْفَعُ الْقِسْطَ وَيَخْفِضُهُ وَيُرْفَعُ إِلَيْهِ عَمَلُ النَّهَارِ بِاللَّيْلِ وَعَمَلُ اللَّيْلِ بِالنَّهَارِ

351/3. Абу Мусо розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам орамизда тўртта сўз билан турдилар: «Албатта Аллоҳ таоло ухламайди, У учун ухлашлик лозим ҳам эмас, ризқни кўтариб пастлатувчи ва кундузги амал кечасидаги билан, кечасидаги амал кундузидаги билан Унга кўтарилади».

## 80-боб

### Мўмин охиратда Раббини кўришининг исботи ҳақида

352 - حَدَّثَنَا نَصْرُ بْنُ عَلِيٍّ الْجَهْظِيُّ وَأَبُو غَسَّانَ الْمَسْعُومِيُّ وَإِسْحَقُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ جَمِيعًا عَنْ عَبْدِ الْعَزِيزِ بْنِ عَبْدِ الصَّمَدِ وَاللَّفْظُ لِأَبِي غَسَّانَ قَالَ حَدَّثَنَا أَبُو عَبْدِ الصَّمَدِ حَدَّثَنَا أَبُو عِمْرَانَ الْجَوْنِيُّ عَنْ أَبِي بَكْرٍ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ قَيْسٍ عَنْ أَبِيهِ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ جَنَّاتٍ مِنْ فَضَّةٍ أُنْتَهَمَا وَمَا فِيهِمَا وَجَنَّاتٍ مِنْ ذَهَبٍ أُنْتَهَمَا وَمَا فِيهِمَا وَمَا بَيْنَ الْقَوْمِ وَبَيْنَ أَنْ يَنْظُرُوا إِلَى رَبِّهِمْ إِلَّا رِذَاءَ الْكِبْرِيَاءِ عَلَى وَجْهِهِ فِي جَنَّةٍ عَدْنٍ

352/1. Абу Бакр ибн Абдуллоҳ ибн Қайс оталаридан қилган ривоятларида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Икки жаннат бор, ундаги идишлар ва ичидаги нарсалар кумушдандир. Ва яна икки жаннат бор, ундаги идишлар ва ичидаги нарсалар тилладандир. Қавм билан Раббиларига назар солиш орасида Адн жаннатида Унинг юзи устида киборлик ридоси бордир. Яъни, Уни кўриш учун ридони кўтариш керак», дедилар.

353 - حَدَّثَنَا عُبَيْدُ اللَّهِ بْنُ مَيْسَرَةَ قَالَ حَدَّثَنِي عَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ مَهْدِيٍّ حَدَّثَنَا حَمَّادُ بْنُ سَلَمَةَ عَنْ ثَابِتِ الْبُنَانِيِّ عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ أَبِي لَيْلَى عَنْ صُهَيْبٍ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ إِذَا دَخَلَ أَهْلُ الْجَنَّةِ الْجَنَّةَ قَالَ يَقُولُ اللَّهُ تَبَارَكَ وَتَعَالَى ثُرِيدُونَ شَيْئًا أَرِيدُكُمْ فَيَقُولُونَ أَلَمْ تُبَيِّضْ وَجُوهَنَا أَلَمْ تُدْخِلْنَا الْجَنَّةَ وَتُنَجِّنَا مِنَ النَّارِ قَالَ فَيَكْشِفُ الْحِجَابَ فَمَا أُعْطُوا شَيْئًا أَحَبَّ إِلَيْهِمْ مِنَ النَّظَرِ إِلَى رَبِّهِمْ عَزَّ وَجَلَّ

حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ حَدَّثَنَا يَزِيدُ بْنُ هَارُونَ عَنْ حَمَّادِ بْنِ سَلَمَةَ بِهَذَا الْإِسْنَادِ وَزَادَ ثُمَّ تَلَا هَذِهِ الْآيَةَ ( لِلَّذِينَ أَحْسَنُوا الْحُسْنَى وَزِيَادَةٌ )

353/2. Суҳайб розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар жаннат аҳли жаннатга кирса, Аллоҳ таоло уларга қарата: «Бирор нарса зиёда қилишимни хоҳлайсизларми?» деса, жаннатдагилар: «Юзларимизни оқ қилмадингми, жаннатингга киритмадингми, дўзахингдан нажот бермадингми (яъни, шунча неъмат бердинг-у, яна зиёда қиласанми)?» дейишади. Шунда Аллоҳ таоло тўсиқни очиб юборади. Улар Раббиларига назар солишдан севимлироқ бирор нарса берилмаганининг (шоҳиди бўлишади)», дедилар.

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган, фақат қуйидаги оят зиёда қилинган: «Чиройли амал қилган зотлар учун гўзал оқибат ва зиёда (неъматлар) бордир» (Юнус сураси, 26-оят).

## 81-боб

### Аллоҳни кўришга олиб борадиган йўлни таниш ҳақида

354 - حَدَّثَنِي زُهَيْرُ بْنُ حَرْبٍ حَدَّثَنَا يَعْقُوبُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ حَدَّثَنَا أَبِي عَنْ ابْنِ شِهَابٍ عَنْ عَطَاءِ بْنِ يَزِيدَ اللَّيْثِيِّ أَنَّ أَبَا هُرَيْرَةَ أَخْبَرَهُ أَنَّ نَاسًا قَالُوا لِرَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَا رَسُولَ اللَّهِ هَلْ نَرَى رَبَّنَا يَوْمَ الْقِيَامَةِ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ هَلْ تُضَارُونَ فِي رُؤْيَةِ الْقَمَرِ لَيْلَةَ الْبَدْرِ قَالُوا لَا يَا رَسُولَ اللَّهِ قَالَ هَلْ تُضَارُونَ فِي الشَّمْسِ لَيْسَ دُونَهَا سَحَابٌ قَالُوا لَا يَا رَسُولَ اللَّهِ قَالَ فَإِنَّكُمْ تَرَوْنَهُ كَذَلِكَ يَجْمَعُ اللَّهُ النَّاسَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ فَيَقُولُ مَنْ كَانَ يَعْبُدُ شَيْئًا فَلْيَتَّبِعْهُ فَيَتَّبِعُ مَنْ كَانَ يَعْبُدُ الْقَمَرَ وَيَتَّبِعُ مَنْ كَانَ يَعْبُدُ الشَّمْسَ وَيَتَّبِعُ مَنْ كَانَ يَعْبُدُ الشَّمْسَ وَيَتَّبِعُ مَنْ كَانَ يَعْبُدُ الطَّوَاغِيتِ وَتَبْقَى هَذِهِ الْأُمَّةُ فِيهَا مَنْ أَتَتْهَا فَيَأْتِيهِمْ اللَّهُ تَبَارَكَ وَتَعَالَى فِي صُورَةٍ غَيْرِ صُورَتِهِ الَّتِي يَعْرِفُونَ فَيَقُولُ أَنَا رَبُّكُمْ فَيَقُولُونَ نَعُوذُ بِاللَّهِ مِنْكَ هَذَا مَكَانُنَا حَتَّى يَأْتِينَا رَبُّنَا فَإِذَا جَاءَ رَبُّنَا عَرَفْنَاهُ فَيَأْتِيهِمْ اللَّهُ تَعَالَى فِي صُورَتِهِ الَّتِي يَعْرِفُونَ فَيَقُولُ أَنَا رَبُّكُمْ فَيَقُولُونَ أَنْتَ رَبُّنَا فَيَتَّبِعُونَهُ وَيُضْرَبُ الصِّرَاطُ بَيْنَ ظَهْرِي جَهَنَّمَ فَأَكُونُ أَنَا وَأُمَّتِي أَوَّلَ مَنْ يُحْزِرُ وَلَا يَتَكَلَّمُ يَوْمَئِذٍ إِلَّا الرُّسُلُ وَدَعْوَى الرُّسُلِ يَوْمَئِذٍ اللَّهُمَّ سَلِّمْ وَسَلِّمْ وَفِي جَهَنَّمَ كَالْيَبُ مِثْلُ شَوْكِ السَّعْدَانِ هَلْ رَأَيْتُمُ السَّعْدَانَ قَالُوا نَعَمْ يَا رَسُولَ اللَّهِ قَالَ فَإِنَّهَا مِثْلُ شَوْكِ السَّعْدَانِ غَيْرُ أَنَّهُ لَا يَعْلَمُ مَا قَدَّرَ عَظَمَهَا إِلَّا اللَّهُ تَخَطَّفُ النَّاسَ بِأَعْمَالِهِمْ فَمِنْهُمْ الْمُؤْمِنُ مِنْ بَقِيَّ بَعْمَلِهِ وَمِنْهُمْ الْمُجَازِي حَتَّى يُنَجِّي حَتَّى إِذَا فَرَّغَ اللَّهُ مِنَ الْقَضَاءِ بَيْنَ الْعِبَادِ وَأَرَادَ أَنْ يُخْرِجَ بِرَحْمَتِهِ مَنْ أَرَادَ مِنْ أَهْلِ النَّارِ أَمْرَ الْمَلَائِكَةِ أَنْ يُخْرِجُوا مِنَ النَّارِ مَنْ كَانَ لَا يُشْرِكُ بِاللَّهِ شَيْئًا مِمَّنْ أَرَادَ اللَّهُ تَعَالَى أَنْ يَرْحَمَهُ مِمَّنْ يَقُولُ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ فَيَعْرِفُونَهُمْ فِي النَّارِ يَعْرِفُونَهُمْ بِأَثَرِ السُّجُودِ تَأْكُلُ النَّارُ مِنَ ابْنِ آدَمَ إِلَّا أَثَرَ السُّجُودِ حَرَّمَ اللَّهُ عَلَى النَّارِ أَنْ تَأْكُلَ أَثَرَ السُّجُودِ فَيُخْرِجُونَ مِنَ النَّارِ وَقَدْ امْتَحَشُوا فَيُصَبُّ عَلَيْهِمْ مَاءُ الْحَيَاةِ فَيَنْبُتُونَ مِنْهُ كَمَا تَنْبُتُ الْحَبَّةُ فِي حَمِيلِ السَّبِيلِ ثُمَّ يَفْرُغُ اللَّهُ تَعَالَى مِنَ الْقَضَاءِ بَيْنَ الْعِبَادِ وَيَبْقَى رَجُلٌ مُقْبِلٌ بوجهه عَلَى النَّارِ وَهُوَ آخِرُ أَهْلِ الْجَنَّةِ دُخُولًا الْجَنَّةَ فَيَقُولُ أَيُّ رَبِّ أَصْرَفَ وَجْهِي عَنِ النَّارِ فَإِنَّهُ قَدْ قَسَبَنِي رِيحُهَا وَأَحْرَقَنِي ذُكَاؤُهَا فَيَدْعُو اللَّهُ مَا

شَاءَ اللَّهُ أَنْ يَدْعُوَهُ ثُمَّ يَقُولُ اللَّهُ تَبَارَكَ وَتَعَالَى هَلْ عَسَيْتَ إِنْ فَعَلْتَ ذَلِكَ بِكَ أَنْ تَسْأَلَ غَيْرَهُ فَيَقُولُ لَا أَسْأَلُكَ غَيْرَهُ وَيُعْطِي رَبَّهُ مِنْ عَهْدٍ وَمَوَاقِيقَ مَا شَاءَ اللَّهُ فَيَصْرِفُ اللَّهُ وَجْهَهُ عَنِ النَّارِ فَإِذَا أَقْبَلَ عَلَى الْجَنَّةِ وَرَأَاهَا سَكَتَ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ يَسْكُتَ ثُمَّ يَقُولُ أَيُّ رَبِّ قَدَّمَنِي إِلَى بَابِ الْجَنَّةِ فَيَقُولُ اللَّهُ لَهُ أَلَيْسَ قَدْ أُعْطِيتَ عَهْدُوكَ وَمَوَاقِيفَكَ لَا تَسْأَلُنِي غَيْرَ الَّذِي أُعْطِيتُكَ وَيَلِكُ يَا ابْنَ آدَمَ مَا أَعْدَرَكَ فَيَقُولُ أَيُّ رَبِّ وَيَدْعُو اللَّهَ حَتَّى يَقُولَ لَهُ فَهَلْ عَسَيْتَ إِنْ أُعْطِيتُكَ ذَلِكَ أَنْ تَسْأَلَ غَيْرَهُ فَيَقُولُ لَا وَعِزَّتِكَ فَيُعْطِي رَبَّهُ مَا شَاءَ اللَّهُ مِنْ عَهْدٍ وَمَوَاقِيقَ فَيَقُولُ اللَّهُ لَهُ أَلَيْسَ قَدْ أُعْطِيتَ عَهْدُوكَ وَمَوَاقِيفَكَ فَيَسْكُتُ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ يَسْكُتَ ثُمَّ يَقُولُ أَيُّ رَبِّ أَدْخَلَنِي الْجَنَّةَ فَيَقُولُ اللَّهُ تَبَارَكَ وَتَعَالَى لَهُ أَلَيْسَ قَدْ أُعْطِيتَ عَهْدُوكَ وَمَوَاقِيفَكَ أَنْ لَا تَسْأَلَ غَيْرَ مَا أُعْطِيتَ وَيَلِكُ يَا ابْنَ آدَمَ مَا أَعْدَرَكَ فَيَقُولُ أَيُّ رَبِّ لَا أَكُونُ أَشَقَى خَلْقِكَ فَلَا يَزَالُ يَدْعُو اللَّهَ حَتَّى يَضْحَكَ اللَّهُ تَبَارَكَ وَتَعَالَى مِنْهُ فَإِذَا ضَحِكَ اللَّهُ مِنْهُ قَالَ ادْخُلِ الْجَنَّةَ فَإِذَا دَخَلَهَا قَالَ اللَّهُ لَهُ تَمَنَّهَ فَيَسْأَلُ رَبَّهُ وَيَتَمَنَّى حَتَّى إِنْ اللَّهُ لَيَذْكُرُهُ مِنْ كَذَا وَكَذَا حَتَّى إِذَا انْقَطَعَتْ بِهِ الْأَمَانِيُّ قَالَ اللَّهُ تَعَالَى ذَلِكَ لَكَ وَمِثْلَهُ مَعَهُ قَالَ أَبُو سَعِيدٍ الْخُدْرِيُّ مَعَ أَبِي هُرَيْرَةَ لَا يَرُدُّ عَلَيْهِ مِنْ حَدِيثِهِ شَيْئًا حَتَّى إِذَا حَدَّثَ أَبُو هُرَيْرَةَ أَنَّ اللَّهَ قَالَ لِلذَّكَرِ الرَّجُلِ وَمِثْلَهُ مَعَهُ قَالَ أَبُو سَعِيدٍ وَعَشْرَةَ أَمْثَالِهِ مَعَهُ يَا أَبَا هُرَيْرَةَ قَالَ أَبُو هُرَيْرَةَ مَا حَفِظْتُ إِلَّا قَوْلَهُ ذَلِكَ لَكَ وَمِثْلَهُ مَعَهُ قَالَ أَبُو سَعِيدٍ أَشْهَدُ أَنِّي حَفِظْتُ مِنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَوْلَهُ ذَلِكَ لَكَ وَعَشْرَةَ أَمْثَالِهِ قَالَ أَبُو هُرَيْرَةَ وَذَلِكَ الرَّجُلُ آخِرُ أَهْلِ الْجَنَّةِ دُخُولًا الْجَنَّةَ

حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ الدَّارِمِيُّ أَخْبَرَنَا أَبُو الْيَمَانِ أَخْبَرَنَا شُعَيْبٌ عَنِ الزُّهْرِيِّ قَالَ أَخْبَرَنِي سَعِيدُ ابْنِ الْمُسَيْبِ وَعَطَاءُ بْنُ يَزِيدَ اللَّيْثِيُّ أَنَّ أَبَا هُرَيْرَةَ أَخْبَرَهُمَا أَنَّ النَّاسَ قَالُوا لِلنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَا رَسُولَ اللَّهِ هَلْ نَرَى رَبَّنَا يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَسَاقَ الْحَدِيثَ بِمِثْلِ مَعْنَى حَدِيثِ إِبْرَاهِيمَ بْنِ سَعْدٍ

354/1. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Одамлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга: «Эй Аллоҳнинг расули! Биз қиёмат куни Раббимизни кўрамизми?» дейишганида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бадр кечасида ойни кўришда қийналасизларми?» дедилар. Улар: «Йўқ, эй Аллоҳнинг расули», дейишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Остида булут йўқ бўлса, қуёшни кўришда машаққат сезасизларми?» дегандилар, улар: «Йўқ, эй Аллоҳнинг расули», дейишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сизлар Уни кўрасизлар, шунингдек, Аллоҳ қиёмат куни одамларни жамлаб: «Ким булардан бирортасига ибодат қилса, унга эргашсин», дейди. Бас, ким қуёшга ибодат қилган бўлса, қуёшга эргашади. Ким ойга ибодат қилган бўлса, ойга эргашади, ким тоғутга (шайтон ёки бут) ибодат қилган бўлса, тоғутга эргашади. Бу уммат эса шундай қолади. Уларнинг ичида мунофиқлар ҳам бўлади. (Мунофиқлар ҳавзгача бирга бўлиб, кейин у ердан ҳайдалади.) Кейин Аллоҳ таоло улар танийдиган суратдан бошқа суратда келиб: «Мен сизларнинг Раббингизман», дейди. Улар: «Аллоҳ номи ила Сендан паноҳ тилаймиз. Бу бизнинг маконимиз. Раббимиз келгунича шу ерда турамиз. Агар Раббимиз келса, биз уни танирдик», дейишади. Бас, Аллоҳ улар танийдиган суратда келиб: «Мен Раббингизман», дейди. Улар: «Сен бизнинг Раббимизсан», деб Унга эргашади. Ва жаҳаннам устига сирот кўприги қўйилади. Мен ва умматим у кўприкдан биринчи бўлиб ўтувчидирлар. У

кунда фақат пайғамбарлар гапиришади. Ўша кунда пайғамбарларнинг дуолари фақат «Аллоҳим саломат қил, саломат қил», дейиш бўлади, холос. Жаҳаннамда эса худди саъдон (туя ейдиган ўсимлик) тиконига ўхшаш темир илгич бор. «Саъдоннинг ўзини кўрганмисизлар?» деб сўраган эдилар, саҳобалар: «Ҳа, эй Аллоҳнинг расули», дейишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «У темир худди ўша саъдон тиконига ўхшайди, лекин катталиги ҳажмини Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайди. У одамларни амалларига қараб тортиб олади. Уларнинг ичида амали сабабли қолувчи мўминлар бор ва жазо олувчи, яъни илиниб қолувчилар бор. Ҳатто Аллоҳ таоло бандалари орасида ҳукм қилиб бўлиб, Ўз раҳмати ила аҳлидан кишиларни чиқаришни хоҳласа, фаришталарига Аллоҳга бирор нарсани шерик қилмаган кишиларни дўзахдан чиқаришга буюради. Аллоҳ таоло раҳм қилишни хоҳлаган кишилар «Ла илаҳа иллаллоҳ», деб айтувчилар бўлиб, улар дўзахда ҳам танилади, яъни сажда изи сабабли билинади. Дўзах одам боласининг сажда изидан бошқа барча жойини ейди. (Аммо) сажда изини ейиш дўзахга ҳаром қилинган. Улар дўзахда куйиб чиқишганида уларга ҳаёт суви қуйилади. Худди сел кўпиги донларни ўстирганидек, улар ҳам ўсишади. Кейин Аллоҳ таоло бандалари орасида ҳукм қилади. Бир киши юзи билан дўзахга юзланган ҳолда қолади. Мана шу киши жаннатга кирувчиларнинг охиргисидир. У киши: «Эй Раббим! Юзимни дўзахдан бургин, чунки унинг ҳиди мени заҳарлаб, олови куйдириб юборади», деб Аллоҳга хоҳлаганича дуо қилади. Кейин Аллоҳ таоло: «Келажакда сенга буларни берсам, ундан бошқани сўрамайсанми?» деса, у: «Йўқ! Ундан бошқасини сўрамайман», дейди. Рабби аҳду паймондан кейин унга хоҳлаганича бериб, юзини дўзахдан буриб қўяди. У киши жаннатга юзланиб уни кўрганда Аллоҳ хоҳлаганича сукут қилади. Кейин: «Эй Раббим! мени жаннат дарвозаси томонга олиб бор», дейди. Аллоҳ таоло: «Сен Мен берган нарсдан бошқа нарса сўрамасликка аҳду-паймон берган эдинг-ку, вой бўлсин сенга, эй одам боласи! Нима сени алдади?» деса, у киши: «Эй Раббим!» деб дуо қилади. Шунда Аллоҳ таоло у кишига: «Келажакда сенга уни ҳам берсам, бошқасини сўрамайсанми?» деса, у киши: «Йўқ! Сенинг азизлигинг ҳаққи, сўрамайман», дейди. Шунда Аллоҳ таоло унга аҳду-паймон қилганидан кейин сўраган нарсасини бериб, жаннат дарвозаси томонга олиб боради. У жаннат дарвозаси олдида турганида жаннат эшиги очилиб, унинг ичидаги яхшилик ва хурсандчиликни кўрганида Аллоҳ хоҳлаганича сукут қилади, кейин: «Эй Раббим! Мени жаннатга киритгин», дейди. Аллоҳ таоло: «Сенга берган нарсдан бошқа нарса сўрамасликка аҳду-паймон қилмаганмидинг, эй одам боласи, вой бўлсин, сени нима алдади?» дейди. У киши: «Эй Раббим! Халқингнинг энг бадбахти бўлмайман», деб дуо қилишда бардавом бўлади, ҳаттоки Аллоҳ таоло ундан

кулади. Аллоҳ кулиб, унга жаннатга кир, дейди. Агар жаннатга кирса, Аллоҳ у кишига: «Орзу қил», дейди. У киши Раббидан сўраб орзу қилади. Шунда Аллоҳ таоло уни ёки буни орзу қил, деб унга эслатади. Ўша кишининг орзулари ушалганида Аллоҳ таоло: «Бу ва бу миқдорича нарса сенга», дейди», дедилар.

Ато ибн Язид айтишларича, Абу Саид ал-Худрий розийаллоҳу анҳу Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу билан бирга эканликлариди, Абу Ҳурайранинг айтган ҳадисларидан бирортасини рад қилмадилар. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу: «Албатта Аллоҳ таоло бу кишига: «Бунинг миқдорича нарса сенга», деб айтди», деганларида Абу Саид ал-Худрий розийаллоҳу анҳу: «Эй Абу Ҳурайра! Ўн баробари сенга, деган», деб айтгандилар, Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу: «Мен фақат «Бунинг миқдорича нарса сенга», деб айтганларини эшитганман», дедилар. Абу Саид ал-Худрий эса: «Гувоҳлик бераманки, мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Бунинг миқдорича ва бунга ўн баробари сенга», деб айтган сўзларини эшитганман», дедилар. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу: «Мана шу киши жаннат аҳлининг охиргиси, яъни жаннатга кирувчининг охиргиси», дедилар.

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган.

355 – وَحَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ رَافِعٍ حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّزَّاقِ أَخْبَرَنَا مَعْمَرٌ عَنْ هَمَّامِ بْنِ مُنَبِّهٍ قَالَ هَذَا مَا حَدَّثَنَا أَبُو هُرَيْرَةَ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَذَكَرَ أَحَادِيثَ مِنْهَا وَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِنَّ أَدْنَى مَقْعَدٍ أَحَدِكُمْ مِنَ الْجَنَّةِ أَنْ يَقُولَ لَهُ تَمَنَّى فَيَتَمَنَّى وَيَتَمَنَّى فَيَقُولَ لَهُ هَلْ تَمَنَيْتَ فَيَقُولُ نَعَمْ فَيَقُولَ لَهُ فَإِنَّ لَكَ مَا تَمَنَيْتَ وَمِثْلَهُ مَعَهُ

355/2. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг баъзи ҳадисларини зикр қилиб айтдиларки: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сизлардан бирингизнинг жаннатдаги энг яқин ўрни шуки унга (Аллоҳ) орзу қил, деб айтади. Бас, у орзу қилади ва яна орзу қилади. Унга: «Орзу қилдингми?» дейди. У: «Ҳа», дейди. «Сенга орзу қилган нарсанг ва унинг миқдорича нарса», дейди», деб айтдилар.

356 – وَحَدَّثَنِي سُوَيْدُ بْنُ سَعِيدٍ قَالَ حَدَّثَنِي حَفْصُ بْنُ مَيْسَرَةَ عَنْ زَيْدِ بْنِ أَسْلَمَ عَنْ عَطَاءِ بْنِ يَسَارٍ عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ أَنَّ نَاسًا فِي زَمَنِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالُوا يَا رَسُولَ اللَّهِ هَلْ تَرَى رَبَّنَا يَوْمَ الْقِيَامَةِ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَعَمْ قَالَ هَلْ تُضَارُونَ فِي رُؤْيَةِ الشَّمْسِ بِالظُّهَيْرَةِ صَحْوًا لَيْسَ مَعَهَا سَحَابٌ وَهَلْ تُضَارُونَ فِي رُؤْيَةِ الْقَمَرِ لَيْلَةً الْبَدْرِ صَحْوًا لَيْسَ فِيهَا سَحَابٌ قَالُوا لَا يَا رَسُولَ اللَّهِ قَالَ مَا تُضَارُونَ فِي رُؤْيَةِ اللَّهِ تَبَارَكَ وَتَعَالَى يَوْمَ الْقِيَامَةِ إِلَّا كَمَا تُضَارُونَ فِي رُؤْيَةِ أَحَدِهِمَا إِذَا كَانَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ أَذْنٌ مُؤَدَّنٌ لِيَتَّبِعَ كُلُّ أُمَّةٍ مَا كَانَتْ تَعْبُدُ فَلَا يَبْقَى أَحَدٌ كَانَ يَعْبُدُ غَيْرَ اللَّهِ سُبْحَانَهُ مِنَ الْأَصْنَامِ وَالْأَنْصَابِ إِلَّا يَتَسَاقَطُونَ فِي النَّارِ حَتَّى إِذَا لَمْ يَبْقَ إِلَّا مَنْ كَانَ يَعْبُدُ اللَّهَ مِنْ بَرٍّ وَفَاجِرٍ وَغَيْرِ أَهْلِ الْكِتَابِ فَيُدْعَى الْيَهُودُ فَيَقَالُ لَهُمْ مَا كُنْتُمْ تَعْبُدُونَ قَالُوا كُنَّا نَعْبُدُ عَزِيرَ ابْنِ اللَّهِ فَيَقَالُ كَذَبْتُمْ مَا اتَّخَذَ اللَّهُ مِنْ صَاحِبَةٍ وَلَا وَلَدٍ فَمَاذَا تَبْعُونَ قَالُوا عَطِشْنَا يَا رَبَّنَا فَاسْتَقْنَا فَيَسْأَلُ إِيَّاهُمْ أَلَا تَرُدُونَ فَيُحْشَرُونَ إِلَى

النَّارِ كَأَنَّهَا سَرَابٌ يَحِطُّ بِبَعْضِهَا بَعْضًا فَيَسْأَقُطُونَ فِي النَّارِ ثُمَّ يُدْعَى النَّصَارَى فَيَقَالُ لَهُمْ مَا كُنْتُمْ تَعْبُدُونَ قَالُوا كُنَّا نَعْبُدُ الْمَسِيحَ ابْنَ اللَّهِ فَيَقَالُ لَهُمْ كَذَبْتُمْ مَا اتَّخَذَ اللَّهُ مِنْ صَاحِبَةٍ وَلَا وَلَدٍ فَيَقَالُ لَهُمْ مَاذَا تَبْعُونَ فَيَقُولُونَ عَطَشْنَا يَا رَبَّنَا فَاسْقِنَا قَالَ فَيُشَارُ إِلَيْهِمْ أَلَا تَرُدُونَ فَيَحْشَرُونَ إِلَى جَهَنَّمَ كَأَنَّهَا سَرَابٌ يَحِطُّ بِبَعْضِهَا بَعْضًا فَيَسْأَقُطُونَ فِي النَّارِ حَتَّى إِذَا لَمْ يَبْقَ إِلَّا مَنْ كَانَ يَعْبُدُ اللَّهَ تَعَالَى مِنْ بَرٍّ وَفَاجِرٍ أَتَاهُمْ رَبُّ الْعَالَمِينَ سُبْحَانَهِ وَتَعَالَى فِي أَدْنَى صُورَةٍ مِنَ النَّارِ رَأَوْهُ فِيهَا قَالَ فَمَا تَتَّبِعُونَ تَتَّبِعُ كُلُّ أُمَّةٍ مَا كَانَتْ تَعْبُدُ قَالُوا يَا رَبَّنَا فَارْقِنَا النَّاسَ فِي الدُّنْيَا أَفْقَرُ مَا كُنَّا إِلَيْهِمْ وَلَمْ نُصَاحِبْهُمْ فَيَقُولُ أَنَا رَبُّكُمْ فَيَقُولُونَ نَعُوذُ بِاللَّهِ مِنْكَ لَا نُشْرِكُ بِاللَّهِ شَيْئًا مَرَّتَيْنِ أَوْ ثَلَاثًا حَتَّى إِنْ بَعْضُهُمْ لِبِكَادٍ أَنْ يَنْقَلِبَ فَيَقُولَ هَلْ بَيْنَكُمْ وَبَيْنَهُ آيَةٌ فَتَعْرِفُونَهُ بِهَا فَيَقُولُونَ نَعَمْ فَيَكْشِفُ عَنْ سَاقٍ فَلَا يَبْقَى مَنْ كَانَ يَسْجُدُ لِلَّهِ مِنْ نَلْقَاءِ نَفْسِهِ إِلَّا أَذَنَ اللَّهِ لَهُ بِالسُّجُودِ وَلَا يَبْقَى مَنْ كَانَ يَسْجُدُ اتِّقَاءً وَرِيَاءً إِلَّا جَعَلَ اللَّهُ ظَهْرَهُ طَبَقَةً وَاحِدَةً كُلَّمَا أَرَادَ أَنْ يَسْجُدَ خَرَّ عَلَى قَفَاهُ ثُمَّ يَرْفَعُونَ رُءُوسَهُمْ وَقَدْ تَحَوَّلَ فِي صُورَتِهِ الَّتِي رَأَوْهُ فِيهَا أَوَّلَ مَرَّةٍ فَقَالَ أَنَا رَبُّكُمْ فَيَقُولُونَ أَنْتَ رَبُّنَا ثُمَّ يَضْرِبُ الْجِسْرَ عَلَى جَهَنَّمَ وَتَحِلُّ الشَّفَاعَةُ وَيَقُولُونَ اللَّهُمَّ سَلِّمْ سَلِّمْ قِيلَ يَا رَسُولَ اللَّهِ وَمَا الْجِسْرُ قَالَ دَحْضٌ مَزَلَةٌ فِيهِ خَطَاطِيفُ وَكَالِإِبِ وَحَسَكٌ تَكُونُ بِنَجْدٍ فِيهَا شُوبِكَةٌ يُقَالُ لَهَا السَّعْدَانُ فَيَمُرُّ الْمُؤْمِنُونَ كَطَرْفِ الْعَيْنِ وَكَالْبَرْقِ وَكَالطَّيْرِ وَكَالْجَاوِيدِ الْخَيْلِ وَالرِّكَابِ فَتَنَاجٍ مُسَلِّمٌ وَمَخْدُوشٌ مُرْسَلٌ وَمَكْدُوسٌ فِي نَارِ جَهَنَّمَ حَتَّى إِذَا خَلَصَ الْمُؤْمِنُونَ مِنَ النَّارِ فَوَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ مَا مِنْكُمْ مِنْ أَحَدٍ بِأَشَدَّ مُنَاشِدَةً لِلَّهِ فِي اسْتِقْصَاءِ الْحَقِّ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ لِلَّهِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ لِإِخْوَانِهِمُ الَّذِينَ فِي النَّارِ يَقُولُونَ رَبَّنَا كَانُوا يَصُومُونَ مَعَنَا وَيُصَلُّونَ وَيَحْجُونَ فَيَقَالُ لَهُمْ أَخْرِجُوا مِنْ عَرَفَتُمْ فَتَحْرَمُ صُورُهُمْ عَلَى النَّارِ فَيَخْرِجُونَ خَلْقًا كَثِيرًا قَدْ أَخَذَتِ النَّارُ إِلَى نِصْفِ سَاقِيهِ وَإِلَى رُكْبَتَيْهِ ثُمَّ يَقُولُونَ رَبَّنَا مَا بَقِيَ فِيهَا أَحَدٌ مِمَّنْ أَمَرْنَا بِهِ يَقُولُ ارْجِعُوا فَمَنْ وَجَدْتُمْ فِي قَلْبِهِ مِثْقَالَ دِينَارٍ مِنْ خَيْرٍ فَأَخْرِجُوهُ فَيَخْرِجُونَ خَلْقًا كَثِيرًا ثُمَّ يَقُولُونَ رَبَّنَا لَمْ نَذَرْ فِيهَا أَحَدًا مِمَّنْ أَمَرْنَا ثُمَّ يَقُولُ ارْجِعُوا فَمَنْ وَجَدْتُمْ فِي قَلْبِهِ مِثْقَالَ نِصْفِ دِينَارٍ مِنْ خَيْرٍ فَأَخْرِجُوهُ فَيَخْرِجُونَ خَلْقًا كَثِيرًا ثُمَّ يَقُولُونَ رَبَّنَا لَمْ نَذَرْ فِيهَا أَحَدًا ثُمَّ يَقُولُ ارْجِعُوا فَمَنْ وَجَدْتُمْ فِي قَلْبِهِ مِثْقَالَ ذَرَّةٍ مِنْ خَيْرٍ فَأَخْرِجُوهُ فَيَخْرِجُونَ خَلْقًا كَثِيرًا ثُمَّ يَقُولُونَ رَبَّنَا لَمْ نَذَرْ فِيهَا خَيْرًا وَكَانَ أَبُو سَعِيدٍ الْخُدْرِيُّ يَقُولُ إِنْ لَمْ تُصَدِّقُونِي بِهَذَا الْحَدِيثِ فَارْعَوْا إِنْ شِئْتُمْ ( إِنْ اللَّهُ لَا يَظْلُمُ مِثْقَالَ ذَرَّةٍ وَإِنْ تَكُ حَسَنَةً يُضَاعِفْهَا وَيُؤْتِ مِنْ لَدُنْهُ أَجْرًا عَظِيمًا ) فَيَقُولُ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ شَفَعَتِ الْمَلَائِكَةُ وَشَفَعَ النَّبِيُّونَ وَشَفَعَ الْمُؤْمِنُونَ وَلَمْ يَبْقَ إِلَّا أَرْحَمُ الرَّاحِمِينَ فَيَقْبِضُ قَبْضَةً مِنَ النَّارِ فَيَخْرِجُ مِنْهَا قَوْمًا لَمْ يَعْمَلُوا خَيْرًا قَطُّ قَدْ عَادُوا حُمَمًا فَيَلْقِيهِمْ فِي نَهْرٍ فِي أَفْوَاهِ الْجَنَّةِ يُقَالُ لَهُ نَهْرُ الْحَيَاةِ فَيَخْرِجُونَ كَمَا تَخْرُجُ الْحَبَّةُ فِي حَمِيلِ السَّيْلِ أَلَا تَرَوْنَهَا تَكُونُ إِلَى الْحَجَرِ أَوْ إِلَى الشَّجَرِ مَا يَكُونُ إِلَى الشَّمْسِ أَصْبَفَرُ وَأُخْيَضِرُ وَمَا يَكُونُ مِنْهَا إِلَى الظِّلِّ يَكُونُ أبيضَ فَقَالُوا يَا رَسُولَ اللَّهِ كَأَنَّكَ كُنْتَ تَرَعَى بِالْبَادِيَةِ قَالَ فَيَخْرِجُونَ كَاللُّؤْلُؤِ فِي رِقَابِهِمُ الْخَوَاتِمَ يَعْرِفُهُمْ أَهْلُ الْجَنَّةِ هُوَ لَاءَ عَتَقَاءُ اللَّهِ الَّذِينَ أَدْحَلَهُمُ اللَّهُ الْجَنَّةَ بِغَيْرِ عَمَلٍ عَمِلُوهُ وَلَا خَيْرٍ قَدَّمُوهُ ثُمَّ يَقُولُ ادْخُلُوا الْجَنَّةَ فَمَا رَأَيْتُمُوهُ فَهَرُّ لَكُمْ فَيَقُولُونَ رَبَّنَا أَعْطَيْتَنَا مَا لَمْ نُعْطِ أَحَدًا مِنَ الْعَالَمِينَ فَيَقُولُ لَكُمْ عِنْدِي أَفْضَلُ مِنْ هَذَا فَيَقُولُونَ يَا رَبَّنَا أَيُّ شَيْءٍ أَفْضَلُ مِنْ هَذَا فَيَقُولُ رِضَايَ فَلَا أَسْخَطُ عَلَيْكُمْ بَعْدَهُ أَبَدًا قَالَ مُسْلِمٌ قَرَأْتُ عَلَى عِيْسَى بْنِ حَمَادٍ زُعْبَةَ الْمِصْرِيِّ هَذَا الْحَدِيثَ فِي الشَّفَاعَةِ وَقُلْتُ لَهُ أَحَدْتُ بِهَذَا الْحَدِيثِ عَنكَ أَتُكُّ سَمِعْتَ مِنَ اللَّيْثِ بْنِ سَعْدٍ فَقَالَ نَعَمْ قُلْتُ لِعِيْسَى بْنِ حَمَادٍ أَخْبَرَكَمُ اللَّيْثُ بِسَعْدٍ عَنِ خَالِدِ بْنِ يَزِيدَ عَنِ سَعِيدِ بْنِ أَبِي هَلَالٍ عَنِ زَيْدِ بْنِ أَسْلَمَ عَنِ عَطَاءِ بْنِ يَسَارٍ عَنِ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ أَنَّهُ قَالَ قُلْنَا يَا رَسُولَ اللَّهِ أَرَى رَبَّنَا قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ هَلْ تُضَارُونَ فِي رُؤْيَةِ الشَّمْسِ إِذَا كَانَ يَوْمٌ صَحُو قُلْنَا لَا وَسُقْتُ الْحَدِيثَ حَتَّى انْقَضَى آخِرُهُ وَهُوَ نَحْوُ حَدِيثِ حَفْصِ بْنِ مَيْسَرَةَ وَزَادَ بَعْدَ قَوْلِهِ بِغَيْرِ عَمَلٍ عَمِلُوهُ وَلَا قَدَمٍ قَدَّمُوهُ فَيَقَالُ لَهُمْ لَكُمْ مَا رَأَيْتُمْ وَمِثْلُهُ مَعَهُ قَالَ أَبُو سَعِيدٍ بَلَعْنِي أَنْ الْجِسْرَ أَذَقُ مِنَ الشَّعْرَةِ وَأَحَدٌ مِنَ السِّيفِ وَلَيْسَ فِي حَدِيثِ اللَّيْثِ فَيَقُولُونَ رَبَّنَا أَعْطَيْتَنَا مَا لَمْ نُعْطِ أَحَدًا مِنَ الْعَالَمِينَ وَمَا بَعْدَهُ فَأَقْرَبَ بِهِ عِيْسَى بْنُ حَمَادٍ

وَحَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ حَدَّثَنَا جَعْفَرُ بْنُ عَوْنٍ حَدَّثَنَا هِشَامُ بْنُ سَعْدٍ حَدَّثَنَا زَيْدُ بْنُ أَسْلَمَ بِإِسْنَادِهِمَا نَحْوَ حَدِيثِ حَفْصِ بْنِ مَيْسَرَةَ إِلَى آخِرِهِ وَقَدْ زَادَ وَنَقَصَ شَيْئًا

356/3. Абу Саид ал-Худрий розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Албатта одамлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга: «Эй Аллоҳнинг расули! Қиёмат куни Раббимизни кўрамизми?» дейишганида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳа, пешин вақтида булут йўқ бўлиб, осмон мусаффо турганида қуёшни кўришга қийналасизларми? Бадр кечасида булут йўқ бўлиб, мусаффо турганида ойни кўришда машаққат сезасизларми?» деганларида, улар: «Йўқ, эй Аллоҳнинг расули», дейишди. У зот: «Бу икковини кўришда машаққат сезмаганингиздек, қиёмат куни Аллоҳ таолони кўришда машаққат сезмайсизлар. Қиёмат куни бўлганида бир нидо қилувчи: «Ҳар бир уммат нимага ибодат қилган бўлса, ўшанга эргашсин», деб нидо қилади. Аллоҳдан бошқа бут-санамларга ибодат қилувчи ҳеч бир киши қолмайди, барчаси дўзахга тушади. Ҳаттоки, Аллоҳга ибодат қилган итоаткор, фожир ва аҳли китоблардан айримларигина қолади. Яҳудийлар чақирилиб: «Нимага ибодат қилардинглар?» дейилса, улар: «Аллоҳнинг ўғли Узайрга», дейишади. «Ёлғон гапирдинглар, Аллоҳ бирор хотин ва фарзандни тутмаган. Ўзи сизлар нима талаб қиласизлар?» дейилса, улар: «Эй Раббимиз! Биз чанқадик, бизни сув ила сийлагин», дейишади. Уларга: «Сувга тушмайсизларми?» деб дўзахга тўплаб олиб боришади. У ерда гўёки жимирлаб турган саробни (кўришади), унга ташланишади. Кейин насронийлар чақирилиб: «Нимага ибодат қилардинглар?» дейилса, улар: «Аллоҳнинг ўғли Масихга ибодат қилар эдик», дейишади. «Ёлғон гапирдинглар, Аллоҳ бирор хотин ва фарзандни тутмаган. Ўзи сизлар нима талаб қиласизлар?» дейилса, улар: «Эй Раббимиз! Биз чанқадик, бизни сув ила сийлагин», дейишади. Бас, уларга: «Сувга тушмайсизларми?» деб дўзахга тўплаб олиб боришади. У ерда гўёки жимирлаб турган саробни кўриб, унга ташланишади. У ерда Аллоҳга ибодат қилган итоаткор ва фожирлардан бошқа ҳеч ким қолмайди. Оламлар Рабби улар кўрган суратдан кичикроқ суратда келиб: «Нимани кутмоқдасизлар?» дейди. Барча уммат ибодат қилган нарсасига эргашади. Улар: «Эй Раббимиз! Биз дунёда инсонларга муҳтож бўлсак-да, улар билан дўстлашмасдан ажралдик», дейишади. У: «Мен Раббингизман», дейди. Улар: «Аллоҳ номи ила Сендан паноҳ тилаймиз, Аллоҳга бирор нарсани шерик қилмаймиз», деб икки ёки уч бора айтишади, ҳатто баъзилари тўғри йўлдан оғиб кетишларига оз қолади. У: «Сизлар билан улар ўртангизда таниладиган бирор белги борми?» деса, улар: «Ҳа», деб болдирларини очишади. Ўшанда ўз ихтиёри ила сажда қилувчиларга сажда қилишга изн берилади. Аммо (бировдан) қўрқиб ёки риё қилган ҳолда сажда қилувчиларнинг орқалари эса бир табақа қилиб қўйилади. Ҳар гал сажда қилишни хоҳлашганида орқаларига ағанаб кетишади. Кейин бошларини кўтаришса, ҳалиги кўринган (кичикроқ) суратдан ўзгариб, аввалги суратида кўринади. (Демак, мунофиқлар Аллоҳни

ҳақиқий суратда кўра олишмайди.) Бас, У: «Мен Раббингизман», деса, улар: «Сен Раббимизсан», дейишади. Сўнгра жаҳаннам устига кўприк ўрнатилиб, шафоатга изн берилади. Улар: «Аллоҳим, омонда қил, омонда қил», деб айтишади», дедилар. «Эй Аллоҳнинг расули! Кўприк нима?» дейишганда, у зот: «Оёқ ўрнашмайдиган сирпанчиқ макон бўлиб, у ерда чангак, илгичли темир ва Нажд ерларида ўсадиган тиканли нарсалар бўлиб, у саъдон, дейилади. Мўминлар у ердан чақмоқ, шамол, қуш ва аравали чопқир отлар каби кўз юмиб-очгунча тез ўтишади. Бир қисми саломат қолиб нажот топади. Яна бир қисми тирналиб халос бўлади. Ва яна бир қисми тўплаб турилиб жаҳаннамга қулатилади. Ҳаттоки мўминлар дўзахдан халос бўлишади. Менинг жоним Унинг ядида бўлган Зотга қасамки, ўша қиёмат куни мўминларчалик дўзахдаги биродарларига Аллоҳдан ҳақнинг талабида ёлборган бирор кишини кўрмайсиз. Улар: «Эй Раббимиз, улар биз билан рўза тутиб, намоз ўқиб, ҳаж қилишган», деб айтишади. Шунда уларга: «Таниган кишиларни чиқаринглар», дейилади. Уларнинг суратлари дўзахга (тушиши) ҳаром қилинади. Мўминлар кўп халойиқни у ердан олиб чиқишади. Дўзахга тушганларнинг болдир ва тиззалари ярмигача олов теккан бўлади. Мўминлар: «Эй Раббимиз! Буюрган кишиларингдан ҳеч бир киши қолмади», деб айтишади. Уларга: «Қайтинглар! Қалбида динор миқдорича яхшилиги бор кишиларни топсанглар, уларни ҳам олиб чиқинглар», дейилади. Бас, улар кўплаб халойиқни олиб чиқишади. Сўнгра яна мўминлар: «Эй Раббимиз! Бизларга буюрган кишиларингдан ҳеч бир кишини қолдирмадик», дейишади. Сўнгра Аллоҳ: «Қайтинглар, кимнинг қалбида ярим динор миқдорича яхшилик топсангизлар, уларни олиб чиқинглар», дейди. Улар кўплаб халойиқни олиб чиқишади. Кейин яна мўминлар: «Эй Раббимиз! Бизга буюрган бирор кишини қолдирмадик», дейишганида, Аллоҳ: «Қайтинглар, кимнинг қалбида зарра миқдорича яхшилик топсанглар, уни чиқаринглар», дейди. Мўминлар кўплаб халойиқни олиб чиқишади. Мўминлар яна: «Эй Раббимиз! Биз у ерда бирор яхшилик қилганни қолдирмадик», дейишади», дедилар.

Абу Саид: «Агар бу ҳадис эканини тасдиқлай олмасанглар, мана бу оятни ўқинглар», деб айтдилар: «Шубҳасиз, Аллоҳ бировга бир зарра вазнича зулм қилмас. Агар (заррача) яхшилик бўлса, уни бир неча баробар қилур ва яна Ўз ҳузуридан улуғ ажр ато қилур» (Нисо сураси, 40-оят).

«Аллоҳ: «Фаришталар, пайғамбарлар ва мўминлар шафоат қилишди. Фақатгина раҳм қилгувчиларнинг раҳмлиси (Аллоҳ)гина қолди», деб айтади-да, дўзахдан бир тўп жамоани олиб, ундан ҳеч яхшилик қилмаган, кўмирга айланиб кетган бир қавмни чиқаради, жаннат оғзидаги ҳаёт анҳори деб номланувчи бир анҳорга улоқтирса, улар у ердан худди сел суви ўзидаги нарсаларни олиб келиб, унинг устидан униб чиққани каби униб чиқишади.



Қарамайсизларми? Ўша селдан кейин қуёшга қараб тош ё дарахтлар устида сариқ ёки яшил бўлиб унади. Сояга қарагани оқ бўлиб унади», десалар, саҳобалар: «Эй Аллоҳнинг расули, сиз гўёки яйловда яшаб, у ерда меҳнат қилган кишига ўхшайсиз (яъни, у ердаги ҳолатни биласиз-а)», дейишди. (Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сўзларида давом этиб): «Улар у ердан чиқишганида худди гарданларида гавҳарга ўхшаш узуксимон нарса бўлди. Жаннат аҳллари уларни «Аллоҳнинг озод этган қуллари», деб танишади. Аллоҳ бирор яхшилик ва бирор амал қилишмаган бўлса ҳам уларни жаннатига киритади. Сўнгра Аллоҳ: «Жаннатга киринглар, нимани кўрсангизлар, ўша нарса сизларга», дейди. Улар: «Эй Раббимиз, оламда ҳеч кимга бермаган нарсангни бизга ато қилдинг», дейишади Аллоҳ: «Сизларга Менинг ҳузуримда бундан ҳам афзал нарса бор», дейди. Улар: «Эй Раббимиз, қайси нарса бизга ато қилган нарсангдан афзал?» дейишса, Аллоҳ: «Менинг розилигим, бу кундан кейин ҳеч ғазаб қилмайман», дейди», дедилар.

Имом Муслим айтдилар: «Мен Исо ибн Ҳаммодага «Сиз «Шафоат» бобида айтган бу ҳадисни Лайс ибн Саъддан эшитганмисиз?» десам, у зот: «Ҳа», дедилар. Мен: «Бу ҳадисни сизларга Холид ибн Язид розийаллоҳу анҳу Саид ибн Абу Ҳилол розийаллоҳу анҳудан, у эса Зайд ибн Асламдан, у эса Ато ибн Ясор розийаллоҳу анҳудан, у эса Абу Саид ал-Худрий розийаллоҳу анҳудан ривоят қилиб қуйидагилар, яъни «Эй Аллоҳнинг расули! Раббимизни кўрамизми?» деганимизда, у зот: «Булут бўлмасдан, мусаффо кунда қуёшни кўришдан бирор нарса монъелик қиладимми?» деганларида, биз: «Йўқ», дедик», ҳадисини давом эттириб, охирида «амал ва яхшилик қилмаган бўлсангиз ҳам» сўзидан кейин: «Сизларга кўрган нарсаларингиз ва ўша баробаридаги нарса ато этилди», деган сўзни зиёда қилдилар. Абу Саид ал-Худрий: «Бизга етиб келишича, албатта (сирот) кўприги тукдан майин, қиличдан ўткирдир», дедилар. Уларнинг: «Эй Раббимиз, бизга ато қилган нарсангни оламда бирор кишига бермагансан», деган сўзлари ва ундан кейингиси Лайс ривоят қилган ривоятда йўқ», десам, Исо ибн Ҳаммода бунга иқрор бўлдилар».

Бу ерда юқоридаги ҳадис баъзи зиёдалик ва қўшимчаси билан такрор келган.

## 82-боб

### Шафоатнинг ҳақ экани ва Аллоҳни яккаю-ягона деб айтувчиларнинг дўзахдан чиқарилиши ҳақида

357 - وَحَدَّثَنِي هَارُونُ بْنُ سَعِيدٍ الْأَيْلِيُّ حَدَّثَنَا ابْنُ وَهْبٍ قَالَ أَخْبَرَنِي مَالِكُ بْنُ أَنَسٍ عَنْ عَمْرِو بْنِ يَحْيَى بْنِ عُمَارَةَ قَالَ حَدَّثَنِي أَبِي عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ يُدْخِلُ اللَّهُ أَهْلَ الْجَنَّةِ الْجَنَّةَ يُدْخِلُ مَنْ يَشَاءُ بِرَحْمَتِهِ وَيُدْخِلُ

أَهْلَ النَّارِ النَّارَ ثُمَّ يَقُولُ انظُرُوا مَنْ وَحَدَّثْتُمْ فِي قَلْبِهِ مَثْقَالَ حَبَّةٍ مِنْ خَرْدَلٍ مِنْ إِيْمَانٍ فَأَخْرَجُوهُ فَيَخْرُجُونَ مِنْهَا حُمَمًا قَدِ امْتَحَشُوا فَيَلْقَوْنَ فِي نَهْرِ الْحَيَاةِ أَوْ الْحَيَاةِ فَيَنْبُتُونَ فِيهِ كَمَا تَنْبُتُ الْحَبَّةُ إِلَى جَانِبِ السَّيْلِ أَلَمْ تَرَوْهَا كَيْفَ تَخْرُجُ صَفْرَاءَ مُلْتَوِيَةً وَحَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ حَدَّثَنَا عَفَّانُ حَدَّثَنَا وَهَيْبٌ ح وَحَدَّثَنَا حَجَّاجُ بْنُ الشَّاعِرِ حَدَّثَنَا عَمْرُو بْنُ عَوْنٍ أَخْبَرَنَا خَالِدٌ كِلَاهُمَا عَنْ عَمْرُو بْنِ يَحْيَى بِهَذَا الْإِسْنَادِ وَقَالَ فَيَلْقَوْنَ فِي نَهْرِ يُقَالُ لَهُ الْحَيَاةُ وَلَمْ يَشْكَا وَفِي حَدِيثِ خَالِدٍ كَمَا تَنْبُتُ الْعُثَاءُ فِي جَانِبِ السَّيْلِ وَفِي حَدِيثِ وَهَيْبٍ كَمَا تَنْبُتُ الْحَبَّةُ فِي حِمَّةٍ أَوْ حَمِيلَةِ السَّيْلِ

357/1. Абу Саид ал-Худрий розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ раҳмати ила жаннат аҳлидан бўлганларни, хоҳлаган кишиларини жаннатга киритади. Ва дўзах аҳлидан бўлганларни дўзахга киритади. Кейин у зот: «Қаранглар-чи, кимнинг қалбида хантал уруғи миқдорича иймон топсангиз, уларни у ердан чиқаринглар», дейди. У ердан ёниб битган, кўмирсимон кишилар чиқишади. Улар ҳаёт (ёки тириклик) анҳорига улоқтирилади. Сизлар қинғир қийшиқ бўлиб чиқадиган заъфаронни кўрмаганмисизлар?» дедилар.

Бу ерда юқорида ҳадис такрор келган.

358 - وَحَدَّثَنِي نَصْرُ بْنُ عَلِيٍّ الْجَهْضَمِيُّ حَدَّثَنَا بِشْرٌ يَعْنِي ابْنَ الْمُفَضَّلِ عَنْ أَبِي مَسْلَمَةَ عَنْ أَبِي نَضْرَةَ عَنْ أَبِي سَعِيدٍ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَمَّا أَهْلُ النَّارِ الَّذِينَ هُمْ أَهْلُهَا فَإِنَّهُمْ لَا يَمُوتُونَ فِيهَا وَلَا يَحْيَوْنَ وَلَكِنْ نَاسٌ أَصَابَتْهُمْ النَّارُ بِذُنُوبِهِمْ أَوْ قَالَ بِخَطَايَاهُمْ فَأَمَاتَهُمْ إِمَاتَةً حَتَّى إِذَا كَانُوا فَحَمًا أَذِنَ بِالشَّفَاعَةِ فَجَاءَ بِهِمْ ضَبَائِرُ ضَبَائِرٍ فَبُتُوا عَلَى أَنْهَارِ الْجَنَّةِ ثُمَّ قِيلَ يَا أَهْلَ الْجَنَّةِ أَفِيضُوا عَلَيْهِمْ فَيَنْبُتُونَ تَبَاتِ الْحَبَّةِ تَكُونُ فِي حَمِيلِ السَّيْلِ فَقَالَ رَجُلٌ مِنَ الْقَوْمِ كَأَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَدْ كَانَ بِالْبَادِيَةِ وَحَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى وَابْنُ بَشَّارٍ قَالَا حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ جَعْفَرٍ حَدَّثَنَا شُعْبَةُ عَنْ أَبِي مَسْلَمَةَ قَالَ سَمِعْتُ أَبَا نَضْرَةَ عَنْ أَبِي سَعِيدِ الْخُدْرِيِّ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِمِثْلِهِ إِلَى قَوْلِهِ فِي حَمِيلِ السَّيْلِ وَلَمْ يَذْكُرْ مَا بَعْدَهُ

358/2. Абу Саид ал-Худрий розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Дўзахийлар шундай кишиларки, улар унинг аҳлидирлар. Чунки у ерда ўлишмайди ҳам, тирик ҳам бўлишмайди. Лекин шундай одамлар бўладики, гуноҳлари ёки хатолари сабабли дўзахдан насибаларини олишади. Бас, улар бир ўлимни татиб, ҳатто кўмир бўлиб қолишади. Уларни шафоат қилишга изн берилади. Бир жамоа келганида улар жаннат анҳорига ажратилади. Кейин: «Эй жаннат аҳли», деб уларнинг устларидан (жаннат анҳори сувлари) қуйилади. Улар худди сел оқиб келганида атрофидаги қора лой устида униб чиққан дон каби ўсиб чиқишади», дедилар. Қавмдаги бир киши: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам яйловда бўлгандек гапирдилар», деб айтди.

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган, лекин «қавмдаги киши» сўзи келтирилмаган.

### Дўзах аҳлидан охирги чиқувчилар ҳақида

359 – حَدَّثَنَا عُثْمَانُ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ وَإِسْحَاقُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ الْحَنْظَلِيُّ كِلَاهُمَا عَنْ جَرِيرٍ قَالَ قَالَ عُثْمَانُ حَدَّثَنَا جَرِيرٌ عَنْ مَنْصُورٍ عَنْ إِبْرَاهِيمَ عَنْ عَبِيدَةَ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِنِّي لِأَعْلَمُ آخِرَ أَهْلِ النَّارِ خُرُوجًا مِنْهَا وَآخِرَ أَهْلِ الْجَنَّةِ دُخُولًا الْجَنَّةَ رَجُلٌ يَخْرُجُ مِنَ النَّارِ حَبْوًا فَيَقُولُ اللَّهُ تَبَارَكَ وَتَعَالَى لَهُ أَذْهَبَ فَادْخُلِ الْجَنَّةَ فَيَأْتِيهَا فَيُخَيَّلُ إِلَيْهِ أَنَّهَا مَلَأَى فَيَرْجِعُ فَيَقُولُ يَا رَبِّ وَجَدْتُهَا مَلَأَى فَيَقُولُ اللَّهُ تَبَارَكَ وَتَعَالَى لَهُ أَذْهَبَ فَادْخُلِ الْجَنَّةَ قَالَ فَيَأْتِيهَا فَيُخَيَّلُ إِلَيْهِ أَنَّهَا مَلَأَى فَيَرْجِعُ فَيَقُولُ يَا رَبِّ وَجَدْتُهَا مَلَأَى فَيَقُولُ اللَّهُ لَهُ أَذْهَبَ فَادْخُلِ الْجَنَّةَ فَإِنَّ لَكَ مِثْلَ الدُّنْيَا وَعَشْرَةَ أَمْثَالِهَا أَوْ إِنَّ لَكَ عَشْرَةَ أَمْثَالِ الدُّنْيَا قَالَ فَيَقُولُ أُنْسَخِرُ بِي أَوْ أُتْضَحَكُ بِي وَأَنْتَ الْمَلِكُ قَالَ لَقَدْ رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ضَحِكَ حَتَّى بَدَتْ نَوَاجِذُهُ قَالَ فَكَانَ يُقَالُ ذَلِكَ أَذْنَى أَهْلِ الْجَنَّةِ مَنْزِلَةً

359/1. Абдуллоҳ ибн Масъуд розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мен дўзахдан охирги чиқувчи ёки жаннатга охирги бўлиб кирувчи кишини биламан. У киши дўзахдан эмаклаб чиқади. Аллоҳ таоло у кишига: «Бориб жаннатга киргин», дейди. У киши жаннатга бориб, у ер тўлиб қолган деб ҳаёл қилиб, қайтиб кетади. Ва: «Эй Раббим, у ер тўлган эканку?» дейди. Аллоҳ таоло: «Бориб жаннатга киргин», дейди. У киши бориб, у ер тўлиб қолган деб ҳаёл қилиб қайтиб кетади. Ва: «Эй Роббим, у ер тўлган эканку?» дейди. Аллоҳ таоло: «Бориб жаннатга киргин. Чунки дунё баробарича ёки дунёга ўн баробар келувчи мақом берилади», дейди. У киши: «Мени масхара қияпсанми ёки менинг устимдан кулмоқдасанми? Сен Ўзинг бу нарсаларнинг эгасанми», дейди. Ибн Масъуд розийаллоҳу анҳу айтдилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) бу сўзларни айтиб кулгандилар, тишлари кўриниб қолди. Ва: «Мана шу киши Жаннатнинг энг паст мақомидадир», дедилар.

360 – وَحَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ وَأَبُو كُرَيْبٍ وَاللَّفْظُ لِأَبِي كُرَيْبٍ قَالَ حَدَّثَنَا أَبُو مُعَاوِيَةَ عَنِ الْأَعْمَشِ عَنْ إِبْرَاهِيمَ عَنْ عَبِيدَةَ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِنِّي لِأَعْرِفُ آخِرَ أَهْلِ النَّارِ خُرُوجًا مِنَ النَّارِ رَجُلٌ يَخْرُجُ مِنْهَا زَحْفًا فَيَقَالُ لَهُ انْطَلِقْ فَادْخُلِ الْجَنَّةَ قَالَ فَيَذْهَبُ فَيَدْخُلُ الْجَنَّةَ فَيَجِدُ النَّاسَ قَدْ أَخَذُوا الْمَنَازِلَ فَيَقَالُ لَهُ أَتَذْكُرُ الرَّمَانَ الَّذِي كُنْتَ فِيهِ فَيَقُولُ نَعَمْ فَيَقَالُ لَهُ تَمَنَّيْتُمْ فَيَقَالُ لَهُ لَكَ الَّذِي تَمَنَيْتَ وَعَشْرَةَ أَضْعَافِ الدُّنْيَا قَالَ فَيَقُولُ أُنْسَخِرُ بِي وَأَنْتَ الْمَلِكُ قَالَ فَلَقَدْ رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ضَحِكَ حَتَّى بَدَتْ نَوَاجِذُهُ

360/2. Абдуллоҳ розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мен дўзах аҳлидан охирги чиқувчи кишини биламан. У киши у ердан эмаклаб чиқади. Унга: «Бориб жаннатга киргин», дейилади. У жаннатга кириб, одамларни манзилларга эга ҳолда топади. Унга: «Қаерда бўлганингни эслайсанми?» дейилса, у: «Ҳа», дейди. Унга: «Орзу қил», дейилса, у орзу қилади. Унга: «Орзу қилганингча ва дунёга ўн баробар

келувчи нарса», дейилади. У киши: «Сен Ўзинг молик (подшоҳ) бўла туриб масхара қиласанми?» дейди», дедилар. Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг (бу сўзларни айтаётиб) кулганларида тишлари кўринганини кўрдим».

361 - حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ حَدَّثَنَا عَفَّانُ بْنُ مُسْلِمٍ حَدَّثَنَا حَمَّادُ بْنُ سَلَمَةَ حَدَّثَنَا ثَابِتٌ عَنْ أَنَسِ بْنِ مَسْعُودٍ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ آخِرُ مَنْ يَدْخُلُ الْجَنَّةَ رَجُلٌ فَهُوَ يَمْشِي مَرَّةً وَيَكْبُو مَرَّةً وَتَسْفَعُهُ النَّارُ مَرَّةً فَإِذَا مَا حَاوَزَهَا التَّفَتَّ إِلَيْهَا فَقَالَ تَبَارَكَ الَّذِي نَجَّيْتَنِي مِنْكَ لَقَدْ أَعْطَانِي اللَّهُ شَيْئًا مَا أَعْطَاهُ أَحَدًا مِنَ الْأُولَى وَالْآخِرِينَ فَنُفِعُ لَهُ شَجْرَةً فَيَقُولُ أَيُّ رَبِّ أَدْنِي مِنْ هَذِهِ الشَّجْرَةِ فَلَا سِتْظِلَّ بِظِلِّهَا وَأَشْرَبَ مِنْ مَائِهَا فَيَقُولُ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ يَا ابْنَ آدَمَ لَعَلِّي إِنْ أَعْطَيْتُكَهَا سَأَلْتَنِي غَيْرَهَا فَيَقُولُ لَا يَا رَبِّ وَيُعَاهِدُهُ أَنْ لَا يَسْأَلُهُ غَيْرَهَا وَرَبُّهُ يَعْدِرُهُ لِأَنَّهُ يَرَى مَا لَا صَبْرَ لَهُ عَلَيْهِ فَيُدْنِيهِ مِنْهَا فَيَسْتِظِلُّ بِظِلِّهَا وَيَشْرَبُ مِنْ مَائِهَا ثُمَّ تُرْفَعُ لَهُ شَجْرَةٌ هِيَ أَحْسَنُ مِنَ الْأُولَى فَيَقُولُ أَيُّ رَبِّ أَدْنِي مِنْ هَذِهِ لِأَشْرَبَ مِنْ مَائِهَا وَأَسْتِظِلُّ بِظِلِّهَا لَا أَسْأَلُكَ غَيْرَهَا فَيَقُولُ يَا ابْنَ آدَمَ أَلَمْ تُعَاهِدْنِي أَنْ لَا تَسْأَلَنِي غَيْرَهَا فَيُعَاهِدُهُ أَنْ لَا يَسْأَلُهُ غَيْرَهَا وَرَبُّهُ يَعْدِرُهُ لِأَنَّهُ يَرَى مَا لَا صَبْرَ لَهُ عَلَيْهِ فَيُدْنِيهِ مِنْهَا فَيَسْتِظِلُّ بِظِلِّهَا وَيَشْرَبُ مِنْ مَائِهَا ثُمَّ تُرْفَعُ لَهُ شَجْرَةٌ عِنْدَ بَابِ الْجَنَّةِ هِيَ أَحْسَنُ مِنَ الْأُولَى فَيَقُولُ أَيُّ رَبِّ أَدْنِي مِنْ هَذِهِ لِأَسْتِظِلُّ بِظِلِّهَا وَأَشْرَبَ مِنْ مَائِهَا لَا أَسْأَلُكَ غَيْرَهَا فَيَقُولُ يَا ابْنَ آدَمَ أَلَمْ تُعَاهِدْنِي أَنْ لَا تَسْأَلَنِي غَيْرَهَا قَالَ بَلَى يَا رَبِّ هَذِهِ لَا أَسْأَلُكَ غَيْرَهَا وَرَبُّهُ يَعْدِرُهُ لِأَنَّهُ يَرَى مَا لَا صَبْرَ لَهُ عَلَيْهَا فَيُدْنِيهِ مِنْهَا فَإِذَا أَدْنَاهُ مِنْهَا فَيَسْمَعُ أَصْوَاتَ أَهْلِ الْجَنَّةِ فَيَقُولُ أَيُّ رَبِّ أَدْخَلْنِيهَا فَيَقُولُ يَا ابْنَ آدَمَ مَا يَصْرِيئِي مِنْكَ أَيُّضِيكَ أَنْ أُعْطِيكَ الدُّنْيَا وَمِثْلَهَا مَعَهَا قَالَ يَا رَبِّ أَسْتَهْزِئُ مِنِّي وَأَنْتَ رَبُّ الْعَالَمِينَ فَضَحِكَ ابْنُ مَسْعُودٍ فَقَالَ أَلَا تَسْأَلُونِي مِمَّ أَضْحَكَ فَقَالُوا مِمَّ تَضْحَكَ قَالَ هَكَذَا ضَحِكَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالُوا مِمَّ تَضْحَكَ يَا رَسُولَ اللَّهِ قَالَ مِنْ ضِحْكِ رَبِّ الْعَالَمِينَ حِينَ قَالَ أَسْتَهْزِئُ مِنِّي وَأَنْتَ رَبُّ الْعَالَمِينَ فَيَقُولُ إِنِّي لَا أَسْتَهْزِئُ مِنْكَ وَلَكِنِّي عَلَى مَا أَشَاءُ قَادِرٌ

361/3. Ибн Масъуд розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Жаннатга охирги кировчи киши шундай кишики, гоҳида юриб, гоҳида юзи билан судралади. Гоҳида дўзах олови унга таъсирини ўтказди. У ердан ўтганидан кейин дўзах томонга ўгирилиб: «Мени сендан омонда қилган Зот баракотлидир. У Зот аввалги-ю охиргилардан бирортасига бермаган нарсани менга ато қилди», дейди. Унга бир дарахт кўрсатилади. У: «Эй Раббим, бу дарахтни менга яқинлаштир, унинг соясида сояланиб, сувидан ичаман», дейди. Аллоҳ азза ва жалла: «Эй одам боласи! Балки ундан бошқа нарса сўрасанг, уни берардим», деса, у: «Йўқ, эй Раббим», деб ундан бошқасини сўрамастикка аҳд қилади. Рабби узрини қабул қилади. Чунки унда сабр йўқлигини билади. Ва дарахтни яқинлаштириб, соясидан нафлантиради ва сувидан ичиради. Сўнгра у: «Аввалгидан яхшироқ дарахтни менга яқинлаштир, унинг сувидан ичиб, соясидан наф олай, Сендан бошқасини сўрамайман», дейди. Аллоҳ: «Эй одам боласи, ундан бошқасини сўрамастикка аҳд қилмаганмидинг, балки уни сенга яқинлаштирсам, яна бошқасини сўрарсан?!» деса, у бошқасини сўрамастикка аҳд қилади. Рабби эса узрини қабул қилади. Чунки унда сабр йўқлигини билади ва у дарахтни яқинлаштирса, соясидан наф олиб, сувидан ичади. Кейин унга аввалги икки дарахтдан ҳам яхшироқ дарахт кўрсатилади. У киши: «Эй Раббим, бу дарахтни менга яқин қил. Соясидан наф олиб,

ундаги сувдан ичайин. Сендан ундан бошқасини сўрамайман», деса, Аллоҳ: «Эй одам боласи! Ундан бошқасини сўрамайман, деб аҳд бермаганмидинг?» дейди. У киши: «Тўғри, эй Раббим! Энди бундан бошқасини сўрамайман», дейди. Рабби унинг узрини қабул қилади, чунки унда сабр йўқлигини билади. Ўша дарахтга яқинлаштиради, у киши жаннат аҳли овозини эшитади. Ва: «Эй Раббим! Мени унга киритгин», дейди. Аллоҳ таоло: «Эй одам боласи! Мен билан сенинг ўртангдаги саволни нима тўхтатади? Мен сенга дунё, унинг мислича нарса берсам, рози бўласанми?» дейди. У киши: «Эй Раббим! Ўзинг оламлар Рабби бўла туриб, мени масхаралайсанми?» дейди», дедилар. Ибн Масъуд розийаллоҳу анҳу бу сўзни айтиб кулдилар-да: «Нима учун кулганимни сўрамайсизларми?» дедилар. Атрофдагилар: «Нима учун куляпсиз?» дейишди. Шунда у зот айтдилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам кулганларида саҳобалар: «Нима учун куляпсиз, эй Аллоҳнинг расули?» дейишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «(У) «Оламлар Рабби бўла туриб, мени масхара қиляпсанми?» деб айтган пайтда оламлар Рабби кулгани учун кулмоқдаман», дедилар. Аллоҳ: «Мен сени масхара қилиб кулганим йўқ, балки хоҳлаган нарсамга қодирлигим учун кулмоқдаман», дейди», деб айтдилар».

#### 84-боб

#### Жаннат аҳлининг энг паст даражадагиси ҳақида

362 – حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ أَبِي بُكَيْرٍ حَدَّثَنَا زُهَيْرُ بْنُ مُحَمَّدٍ عَنْ سُهَيْلِ بْنِ أَبِي صَالِحٍ عَنِ الثُّعْمَانَ بْنِ أَبِي عِيَّاشٍ عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ إِنَّ أَدْنَى أَهْلِ الْجَنَّةِ مَنْزِلَةَ رَجُلٍ صَرَفَ اللَّهُ وَجْهَهُ عَنِ النَّارِ قَبْلَ الْجَنَّةِ وَمَثَلٌ لَهُ شَجَرَةٌ ذَاتَ ظِلٍّ فَقَالَ أَيُّ رَبِّ قَدَمْنِي إِلَى هَذِهِ الشَّجَرَةِ أَكُونُ فِي ظِلِّهَا وَسَاقَ الْحَدِيثَ بِنَحْوِ حَدِيثِ ابْنِ مَسْعُودٍ وَلَمْ يَذْكُرْ فَيَقُولُ يَا ابْنَ آدَمَ مَا يَصْرِيئَنِي مِنْكَ إِلَى آخِرِ الْحَدِيثِ وَزَادَ فِيهِ وَيَذْكُرُهُ اللَّهُ سَلَّ كَذَا وَكَذَا فَإِذَا انْقَطَعَتْ بِهِ الْأَمَانِيُّ قَالَ اللَّهُ هُوَ لَكَ وَعَشْرَةٌ أَمْثَالَهُ قَالَ ثُمَّ يَدْخُلُ بَيْتَهُ فَتَدْخُلُ عَلَيْهِ زَوْجَتَاهُ مِنَ الْحُورِ الْعِينِ فَتَقُولَانِ الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي أَحْيَاكَ لَنَا وَأَحْيَاكَ لَكَ قَالَ فَيَقُولُ مَا أُعْطِيَ أَحَدٌ مِثْلَ مَا أُعْطِيَ

362/1. Абу Саид ал-Худрий розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Жаннат аҳлининг энг паст даражадагиси шундай кишики, Аллоҳ унинг юзини дўзах томондан жаннат томонга буриб қўйиб, бир сояли дарахтни унга ўрнатиб қўйса, у киши: «Эй Раббим! Мени бу дарахтга олиб бор, мен унинг соясидан баҳраманд бўлай», дейди», деб ровий юқорида Ибн Масъуддан қилинган ривоятдаги каби давом эттириб, «Эй одам боласи! Мен билан сенинг ўртангдаги саволни нима тўхтатади» сўзидан охиригача зирк қилмаганлар. Лекин ҳадис охирида «Аллоҳ ундай ва бундай нарсани сўрагин, деб эслатади. Қачонки, у

кишидаги умид узилганида, Аллоҳ таоло: «Бу нарса ва унга қўшиб ўн баробари сенга», дейди. Кейин у киши уйига киради. Ва ҳурлардан бўлган хотини ҳам киради. Иккови: «Сени биз учун, бизни сен учун яратган Аллоҳга ҳамд бўлсин. Бизга ато қилинган нарса бирор кишига ато этилмаган», деб айтишади», дейилган.

363 – حَدَّثَنَا سَعِيدُ بْنُ عَمْرٍو الْأَشْجَعِيُّ حَدَّثَنَا سُفْيَانُ بْنُ عُيَيْنَةَ عَنْ مُطَرِّفٍ وَابْنِ أَبِي جَرْرَ عَنِ الشَّعْبِيِّ قَالَ سَمِعْتُ الْمُغْبِرَةَ ابْنَ شُعْبَةَ رَوَايَةً إِنْ شَاءَ اللَّهُ ح وَحَدَّثَنَا ابْنُ أَبِي عُمَرَ حَدَّثَنَا سُفْيَانُ حَدَّثَنَا مُطَرِّفُ بْنُ طَرِيفٍ وَعَبْدُ الْمَلِكِ بْنُ سَعِيدٍ سَمِعَا الشَّعْبِيَّ يُخْبِرُ عَنِ الْمُغْبِرَةِ بْنِ شُعْبَةَ قَالَ سَمِعْتُهُ عَلَى الْمَنْبَرِ يَرْفَعُهُ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ وَحَدَّثَنِي بَشْرُ بْنُ الْحَكَمِ وَاللَّفْظُ لَهُ حَدَّثَنَا سُفْيَانُ بْنُ عُيَيْنَةَ حَدَّثَنَا مُطَرِّفُ بْنُ أَبِي جَرْرَ سَمِعَا الشَّعْبِيَّ يَقُولُ سَمِعْتُ الْمُغْبِرَةَ ابْنَ شُعْبَةَ يُخْبِرُ بِهِ النَّاسَ عَلَى الْمَنْبَرِ قَالَ سُفْيَانُ رَفَعَهُ أَحَدُهُمَا أَرَاهُ ابْنَ أَبِي جَرْرَ قَالَ سَأَلَ مُوسَى رَبَّهُ مَا أَذْنِي أَهْلُ الْجَنَّةِ مَنْزِلَةٌ قَالَ هُوَ رَجُلٌ يَحْيَى بَعْدَ مَا أُدْخِلَ أَهْلُ الْجَنَّةِ الْجَنَّةَ فَيَقَالُ لَهُ ادْخُلِ الْجَنَّةَ فَيَقُولُ أَيُّ رَبِّ كَيْفَ وَقَدْ نَزَلَ النَّاسُ مَنَازِلَهُمْ وَأَخَذُوا أَحْذَانَتَهُمْ فَيَقَالُ لَهُ أَتَرْضَى أَنْ يَكُونَ لَكَ مِثْلُ مُلْكِ مَلِكٍ مِنْ مُلُوكِ الدُّنْيَا فَيَقُولُ رَضِيتُ رَبِّ فَيَقُولُ لَكَ ذَلِكَ وَمِثْلُهُ وَمِثْلُهُ وَمِثْلُهُ وَمِثْلُهُ فَيَقَالُ فِي الْخَامِسَةِ رَضِيتُ رَبِّ فَيَقُولُ هَذَا لَكَ وَعَشْرَةٌ أَمْثَالَهُ وَلَكَ مَا اسْتَهْتَتْ نَفْسُكَ وَلَذَتْ عَيْنُكَ فَيَقُولُ رَضِيتُ رَبِّ قَالَ رَبِّ فَأَعْلَاهُمْ مَنْزِلَةٌ قَالَ أُولَئِكَ الَّذِينَ أَرَدْتُ غَرَسْتُ كَرَامَتَهُمْ بِيَدِي وَحَتَمْتُ عَلَيْهَا فَلَمْ تَرَ عَيْنٌ وَلَمْ تَسْمَعْ أُذُنٌ وَلَمْ يَخْطُرْ عَلَى قَلْبٍ بَشَرٌ قَالَ وَمِصْدَاقُهُ فِي كِتَابِ اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ ( فَلَا تَعْلَمُ نَفْسٌ مَا أُخْفِيَ لَهُمْ مِنْ قُرَّةِ أَعْيُنٍ ) الْآيَةَ

حَدَّثَنَا أَبُو كُرَيْبٍ حَدَّثَنَا عُبَيْدُ اللَّهِ الْأَشْجَعِيُّ عَنْ عَبْدِ الْمَلِكِ بْنِ أَبِي جَرْرَ قَالَ سَمِعْتُ الشَّعْبِيَّ يَقُولُ سَمِعْتُ الْمُغْبِرَةَ ابْنَ شُعْبَةَ يَقُولًا عَلَى الْمَنْبَرِ إِنْ شَاءَ اللَّهُ عَلَيْهِ السَّلَامُ سَأَلَ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ عَنْ أَحْسَنِ أَهْلِ الْجَنَّةِ مِنْهَا حَطًّا وَسَاقَ الْحَدِيثَ بِحَوْهٍ

363/2. Муғйра ибн Шўъба розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Мусо алайҳиссалом Раббиларидан жаннат аҳлининг энг паст даражадагисини сўраганларида, Аллоҳ: «У шундай кишики, жаннат аҳли жаннатга киритилганидан кейин олиб келиниб, «Жаннатга киргин», дейилади. У: «Эй Раббим, қандай қилиб кираман? Одамлар манзилларини эгаллаб, оладиган нарсаларни олиб бўлишган-ку», дейди. Кейин унга: «Дунё подшоҳларидан бир подшоҳга берилган мулк каби нарса берилишига розимисан?» деб айрилса, у: «Розиман, эй Раббим!» дейди. Шунда Аллоҳ: «Сенга у каби, у каби, у каби, у каби», деб бешинчисини айтганида, у киши: «Рози бўлдим, эй Раббим», дейди. Яна Аллоҳ: «Бу ва бунга ўн баробар нарса ҳамда нафсинг иштаҳа қилиб, кўзинг лаззатланадиган нарсалар сенга», деса, у: «Раббим, рози бўлдим, мана шу манзилларнинг олийсидир», дейди. Аллоҳ: «Мен уларга кўрсатиладиган кароматларни ўз қўлим билан экдим, яъни кароматларига ҳеч бир ўзгариш кирмайди. Ва унга Ўзим муҳр урганман. У нарсани бирор кўз кўрмаган, бирор қулоқ эшитмаган ва бирор инсон қалби ҳис этмаган», деб айтди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу сўзнинг тасдиғига далил қилиб Аллоҳнинг китобидан қуйидаги оятни айтдилар: «Улар учун беркитиб қўйилган кўзлар қувончини (яъни, охират неъматларини) бирон жон билмас» (Сажда сураси, 17-оят).

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган.

364 – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ نُمَيْرٍ حَدَّثَنَا أَبِي حَدَّثَنَا الْأَعْمَشُ عَنِ الْمَعْرُورِ بْنِ سُؤَيْدٍ عَنْ أَبِي ذَرٍّ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِنِّي لَأَعْلَمُ آخِرَ أَهْلِ الْجَنَّةِ دُخُولًا وَالْجَنَّةِ وَآخِرَ أَهْلِ النَّارِ خُرُوجًا مِنْهَا رَجُلٌ يُؤْتَى بِهِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ فَيَقَالُ اغْرَضُوا عَلَيْهِ صَعَارَ ذُنُوبِهِ وَارْفَعُوا عَنْهُ كِبَارَهَا فَتُعْرَضُ عَلَيْهِ صَعَارُ ذُنُوبِهِ فَيَقَالُ عَمِلْتَ يَوْمَ كَذَا وَكَذَا وَكَذَا وَكَذَا وَعَمِلْتَ يَوْمَ كَذَا وَكَذَا وَكَذَا فَيَقُولُ نَعَمْ لَا يَسْتَطِيعُ أَنْ يَنْكَرَ وَهُوَ مُشْفِقٌ مِنْ كِبَارِ ذُنُوبِهِ أَنْ تُعْرَضَ عَلَيْهِ فَيَقَالُ لَهُ فَإِنَّ لَكَ مَكَانَ كُلِّ سَيِّئَةٍ حَسَنَةً فَيَقُولُ رَبِّ قَدْ عَمِلْتُ أَشْيَاءَ لَا أَرَاهَا هَا هُنَا فَلَقَدْ رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ضَحَكَ حَتَّى بَدَتْ نَوَاجِدُهُ وَحَدَّثَنَا ابْنُ نُمَيْرٍ حَدَّثَنَا أَبُو مُعَاوِيَةَ وَوَكَيْعٌ ح وَحَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ حَدَّثَنَا وَكَيْعٌ ح وَحَدَّثَنَا أَبُو كُرَيْبٍ حَدَّثَنَا أَبُو مُعَاوِيَةَ كِلَاهُمَا عَنِ الْأَعْمَشِ بِهَذَا الْإِسْنَادِ

364/3. Абу Зарр розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мен жаннатга охирги бўлиб кирувчи ва охирги дўзахдан чиқувчи кишини биламан. Бир киши қиёмат куни олиб келиниб: «Кичик гуноҳларини кўрсатиб, катта гуноҳларини ундан кўтаринглар», деб айтилса, кичик гуноҳлари кўрсатилади. Ва унга: «Шу куни шундай, шундай ва шундай, фалон куни шундай, шундай ва шундай қилганмидинг?» дейилса, у: «Ҳа!» деб катта гуноҳларида шафқат қилиниши учун кичигини инкор этишга қодир бўлмайди. Шунда унга: «Ҳар бир қилган ёмонлигинг баробаридаги яхшилик сен учун», дейилса, у киши: «Эй Раббим! Мен кўп (катта гуноҳларни) содир қилганман. Мен уларни кўрмаяпман-ку», дейди», деб айтдилар. Ровий: «Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу сўзларни айтаётиб кулганларида тишлари кўриниб қолганини кўрдим», деб айтдилар.

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган.

365 – حَدَّثَنِي عُبَيْدُ اللَّهِ بْنُ سَعِيدٍ وَإِسْحَاقُ بْنُ مَتَّصُورٍ كِلَاهُمَا عَنْ رَوْحٍ قَالَ قَالَ عَبِيدُ اللَّهِ حَدَّثَنَا رَوْحُ بْنُ عُبَادَةَ الْقَيْسِيُّ حَدَّثَنَا ابْنُ جُرَيْجٍ قَالَ أَخْبَرَنِي أَبُو الزُّبَيْرِ أَنَّهُ سَمِعَ جَابِرَ بْنَ عَبْدِ اللَّهِ يُسْأَلُ عَنِ الْوُرُودِ فَقَالَ نَجِيءٌ نَحْنُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ عَنْ كَذَا وَكَذَا أَنْظُرْ أَيُّ ذَلِكَ فَوْقَ النَّاسِ قَالَ فَتَدْعَى الْأُمَمُ بِأَوْتَانِهَا وَمَا كَانَتْ تَعْبُدُ الْأَوَّلَ فَالْأَوَّلُ ثُمَّ يَأْتِيْنَا رَبُّنَا بَعْدَ ذَلِكَ فَيَقُولُ مَنْ تَنْظُرُونَ فَيَقُولُونَ نَنْظُرُ رَبَّنَا فَيَقُولُ أَنَا رَبُّكُمْ فَيَقُولُونَ حَتَّى نَنْظُرَ إِلَيْكَ فَيَتَحَلَّى لَهُمْ يَضْحَكُ قَالَ فَيَنْطَلِقُ بِهِمْ وَيَتَّبِعُونَهُ وَيُعْطَى كُلُّ إِنْسَانٍ مِنْهُمْ مَنَافِقٍ أَوْ مُمْ مِنْ نُورًا ثُمَّ يَتَّبِعُونَهُ وَعَلَى جِسْرِ جَهَنَّمَ كَلَالِيبٌ وَحَسَكٌ تَأْخُذُ مَنْ شَاءَ اللَّهُ ثُمَّ يُطْفَأُ نُورُ الْمَنَافِقِينَ ثُمَّ يَنْجُو الْمُؤْمِنُونَ فَتَنْجُو أَوَّلُ زُمْرَةٍ وَجُوهُهُمْ كَالْقَمَرِ لَيْلَةَ الْبَدْرِ سَبْعُونَ أَلْفًا لَا يُحَاسِبُونَ ثُمَّ الَّذِينَ يُلُونَهُمْ كَأَضْوَاءِ نَجْمٍ فِي السَّمَاءِ ثُمَّ كَذَلِكَ ثُمَّ تَحِلُّ الشَّفَاعَةُ وَيَشْفَعُونَ حَتَّى يَخْرُجَ مِنَ النَّارِ مَنْ قَالَ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَكَانَ فِي قَلْبِهِ مِنَ الْخَيْرِ مَا يَزِنُ شَعِيرَةً فَيُجْعَلُونَ بِفَنَاءِ الْجَنَّةِ وَيُجْعَلُ أَهْلُ الْجَنَّةِ يَرِثُونَ عَلَيْهِمُ الْمَاءَ حَتَّى يَنْبُتُوا نَبَاتَ الشَّيْءِ فِي السَّيْلِ وَيَذْهَبُ حُرَافُهُ ثُمَّ يُسْأَلُ حَتَّى تُجْعَلَ لَهُ الدُّنْيَا وَعَشْرَةٌ أَمْثَالَهَا مَعَهَا

365/4. Жобир ибн Абдуллоҳ розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Бу зотдан (жаннат ёки дўзахга) тушувчилар ҳақида сўралганида у зот: «Биз қиёмат куни ундай ва бундай бўлиб келамиз. Буни одамларнинг қиёфасига

қараб (билгин). Умматлар ўзлари ибодат қилган бут-санамлари билан чақирилади. Аввал ибодат қилганлари биринчи бўлиб келишади. Ана шундан кейин Раббимиз келади. Ва: «Кимни кўряпсизлар?» дейди. Улар: «Раббимизни кўряпмиз», дейишади. У: «Мен сизларнинг Раббингизман», дейди. Улар: «Биз Сенга қарамоқчимиз», дейишса, Аллоҳ уларга кулган ҳолда кўринади. У улар билан бирга юради, Унга эргашишади. У инсонларнинг ҳар бирига, яъни мунофиқ ёки мўминга нур ато қилади. Кейин улар ўша нурга эргашишади. Жаҳаннам устида кўприк бўлиб, унда тикан ва илгичлар ҳозир туради, Аллоҳ хоҳлаган кишиларни ушлайди. Сўнгра мунофиқлар нури ўчирилиб, мўминлар қутқарилади. Нажот топган биринчи жамоанинг юзлари бадр кечасидаги ойга ўхшайди. Улар етмиш минг бўлиб, ҳисоб-китоб қилинмайди. Уларнинг яқинларида яна шундай кишилар бўлишадикки, улар осмондаги юлдуз нурига ўхшашади. Мана шундай туришганидан кейин уларга шафоат ҳалол бўлади. Улар шафоатчи бўлишгач, «Ла илаҳа иллаллоҳ», деб қалбида арпа оғирлигича яхшилиги борларни дўзахдан чиқаришади. Ва улар жаннат кенглигига қўйилади. Жаннат аҳли уларга сув қуяди. Улар сел оққанда бир нарса униб чиққани каби униб чиқишади. Улардан эса дўзах асоратлари кетказилади. Улар сўраганларида, дунё ва унинг баробаридаги ўнта дунё ато қилинади», дедилар.

366 – حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ حَدَّثَنَا سَفِيَانُ بْنُ عُيَيْنَةَ عَنْ عَمْرِو سَمِعَ جَابِرًا يَقُولًا سَمِعَهُ مِنَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِأُذُنِهِ يَقُولُ إِنَّ اللَّهَ يُخْرِجُ نَاسًا مِنَ النَّارِ فَيُدْخِلُهُمُ الْجَنَّةَ

366/5. Жобир розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Бу зот Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қуйидаги сўзларини қулоқлари билан эшитганлар: «Аллоҳ таоло дўзахдан одамларни чиқариб, жаннатга киритади».

367 – حَدَّثَنَا أَبُو الرَّبِيعِ حَدَّثَنَا حَمَّادُ بْنُ زَيْدٍ قَالَ قُلْتُ لِعَمْرِو بْنِ دِينَارٍ أَسَمِعْتَ جَابِرَ بْنَ عَبْدِ اللَّهِ يُحَدِّثُ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّ اللَّهَ يُخْرِجُ قَوْمًا مِنَ النَّارِ بِالشَّفَاعَةِ قَالَ نَعَمْ

367/6. Ҳаммод ибн Зайд розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. «Мен Амр ибн Динорга «Жобир ибн Абдуллоҳ Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Албатта Аллоҳ таоло бир қавмни дўзахдан шафоат сабабли чиқаради», деб айтган сўзларини ривоят қилганини эшитганмисан?» десам, у: «Ҳа», деб айтди».

368 – حَدَّثَنَا حَجَّاجُ بْنُ الشَّاعِرِ حَدَّثَنَا أَبُو أَحْمَدَ الزُّبَيْرِيُّ حَدَّثَنَا قَيْسُ بْنُ سُلَيْمٍ الْعَنْبَرِيُّ قَالَ حَدَّثَنِي يَزِيدُ الْفَقِيرُ حَدَّثَنَا جَابِرُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِنَّ قَوْمًا يُخْرِجُونَ مِنَ النَّارِ يَحْتَرِقُونَ فِيهَا إِلَّا دَارَاتٍ وَجُوهِهِمْ حَتَّى يَدْخُلُونَ الْجَنَّةَ



368/7. Жобир ибн Абдуллоҳ розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта бир қавм дўзахдан юзлари атрофи куймаган ҳолда чиқиб, ҳаттоки жаннатга киради», деб айтдилар.

Чунки сажда ўрни бўлган юзни дўзах ўти куйдирмайди.

369 – وَحَدَّثَنَا حَجَّاجُ بْنُ الشَّاعِرِ حَدَّثَنَا الْفَضْلُ بْنُ دُكَيْنٍ حَدَّثَنَا أَبُو عَاصِمٍ يَعْنِي مُحَمَّدَ بْنَ أَبِي أَيُّوبَ قَالَ حَدَّثَنِي زَيْدُ الْفَقِيرُ قَالَ كُنْتُ قَدْ شَغَفَنِي رَأْيِي مِنْ رَأْيِ الْخَوَارِجِ فَخَرَجْنَا فِي عِصَابَةِ ذَوِي عَدَدٍ نُرِيدُ أَنْ نَخْرُجَ عَلَى النَّاسِ قَالَ فَمَرَرْنَا عَلَى الْمَدِينَةِ فَإِذَا جَابِرُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ يُحَدِّثُ الْقَوْمَ جَالِسٌ إِلَى سَارِيَةِ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ فَإِذَا هُوَ قَدْ ذَكَرَ الْجَهَنَّمِيْنَ قَالَ فَقُلْتُ لَهُ يَا صَاحِبَ رَسُولِ اللَّهِ مَا هَذَا الَّذِي تُحَدِّثُونَ وَاللَّهِ يَقُولُ ( إِنَّكَ مَنْ تَدَخَّلَ النَّارَ فَقَدْ أَخْرَجْتَهُ ) وَ ( كُلَّمَا أَرَادُوا أَنْ يَخْرُجُوا مِنْهَا أُعِيدُوا فِيهَا ) فَمَا هَذَا الَّذِي تَقُولُونَ قَالَ فَقَالَ أَتَقْرَأُ الْقُرْآنَ قُلْتُ نَعَمْ قَالَ فَهَلْ سَمِعْتَ بِمَقَامِ مُحَمَّدٍ عَلَيْهِ السَّلَامُ يَعْنِي الَّذِي يَبْعَثُهُ اللَّهُ فِيهِ قُلْتُ نَعَمْ قَالَ فَإِنَّهُ مَقَامُ مُحَمَّدٍ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الْمَحْمُودُ الَّذِي يُخْرِجُ اللَّهُ بِهِ مَنْ يُخْرِجُ قَالَ ثُمَّ نَعَتَ وَضَعَ الصِّرَاطَ وَمَرَّ النَّاسُ عَلَيْهِ قَالَ وَأَخَافُ أَنْ لَا أَكُونَ أَحْفَظُ ذَلِكَ قَالَ غَيْرَ أَنَّهُ قَدْ زَعَمَ أَنَّ قَوْمًا يَخْرُجُونَ مِنَ النَّارِ بَعْدَ أَنْ يَكُونُوا فِيهَا قَالَ يَعْنِي فَيَخْرُجُونَ كَأَنَّهُمْ عِيدَانُ السَّمَّاسِمِ قَالَ فَيَدْخُلُونَ نَهْرًا مِنْ أَنْهَارِ الْجَنَّةِ فَيَعْتَسِلُونَ فِيهِ فَيَخْرُجُونَ كَأَنَّهُمْ الْقَرَّاطِيْسُ فَرَجَعْنَا قَلْنَا وَيَحْكُمُ أَثَرُونَ الشَّيْخَ يَكْذِبُ عَلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَرَجَعْنَا فَلَا وَاللَّهِ مَا خَرَجَ مِنَّا غَيْرُ رَجُلٍ وَاحِدٍ أَوْ كَمَا قَالَ أَبُو نُعَيْمٍ

369/8. Язид ибн Фақир розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Бу зот айтадилар: «Мени хаворижларнинг бир фикри қизиқтириб қолди. Биз бир неча киши ҳаж қилиш мақсадида йўлга чиқдик. Кейин одамларга хаворижлар фикрини тарқатишни хоҳлаб, улар ҳузурига бордик. Мадина кўчаларида кетаётсак, Жобир ибн Абдуллоҳ хомага ўтирган ҳолда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ворид бўлган ҳадисларни қавмга сўзлар эдилар. Шу ҳолда у зот жаҳаннам аҳлини зикр қилдилар. Мен у кишига: «Эй Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг дўсти! Нимани гапирмоқдасиз? Ваҳоланки, Аллоҳнинг каломиди: «Парвардигоро, албатта Сен кимни жаҳаннамга киритсанг, муҳаққақ, уни расво қилурсан», «Ҳар қачон ундан (дўзахдан) чиқмоқчи бўлсалар, яна унга қайтарилурлар», дейилган оят бор-ку! Сизлар ўзи нималарни гапирмоқдасиз?» десам, у зот: «Сен ўзи Қуръон ўқийсанми?» дедилар. Мен: «Ҳа», дедим. У зот: «Аллоҳ Ўзи юборган Муҳаммад алайҳиссаломнинг мақомларини эшитганмисан?» дедилар. Мен: «Ҳа», десам, у зот: «У Муҳаммад алайҳиссаломнинг мақталган мақомлари бўлиб, Аллоҳ у сабабли чиқаришни (хоҳлаган) кишиларни чиқариб юборади», деб Сирот кўпригининг ўрнатилишини ва одамлар унинг устидан ўтишини зикр қилдилар. Ва: «Яна ёдлай олмаганимдан қўрққан ҳолда қуйидаги эшитган нарсаларимни айтиб бераман: албатта бир қавм дўзахда вақтни ўтаганидан кейин у ердан чиқади.

Улар гўё қора рангли абнус дарахти каби бўлиб қолишади. Кейин жаннат анҳорларидан бирига тушиб чўмилишса, гўёки (оқ) варақ каби тоза бўлиб чиқишади», дедилар. Кейин биз қайтиб (Тоифадаги кишиларга): «Сизларга вой бўлсин, ҳеч қачон бу шайх, яъни Жобир ибн Абдуллоҳ розийаллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга нисбатан ёлғон гапирармиди?» дедик. Биз (ҳаждан) қайтганимизда барчамиз хаворижларнинг ўша фикридан қайтдик. Фақат биздан бир киши уларнинг фикрида собит қолди».

Ёки Абу Нуъайм айтганларидекдир.

(Изоҳ: Ҳадис ривоят қилувчи ривояти ўзгариб кетишидан хавф қилиб, эҳтиёт юзасидан шундай дейиши одобдандир).

370 – حَدَّثَنَا هَدَّابُ بْنُ خَالِدِ الْأَزْدِيُّ حَدَّثَنَا حَمَّادُ بْنُ سَلَمَةَ عَنْ أَبِي عُمَرَ وَثَابِتٍ عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ يَخْرُجُ مِنَ النَّارِ أَرْبَعَةٌ فَيَعْرَضُونَ عَلَى اللَّهِ فَيَلْتَفِتُ أَحَدُهُمْ فَيَقُولُ أَيُّ رَبِّ إِذْ أَخْرَجْتَنِي مِنْهَا فَلَا تُعَدِّنِي فِيهَا فَيُنَجِّهِ اللَّهُ مِنْهَا

370/9. Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Дўзахдан тўрт (тоифа) киши чиққанида улар Аллоҳга намойиш қилинди. Уларнинг бири бурилиб қарадида: «Эй Раббим! Мени ундан чиқаргин, қайта у ерга қайтармагин», деган эди, Аллоҳ у кишига дўзахдан нажот берди», дедилар.

371 – حَدَّثَنَا أَبُو كَامِلٍ فَضِيلُ بْنُ حُسَيْنِ الْجَحْدَرِيُّ وَمُحَمَّدُ بْنُ عُبَيْدِ الْعُبَيْرِيُّ وَاللَّفْظُ لِأَبِي كَامِلٍ قَالَ حَدَّثَنَا أَبُو عَوَّانَةَ عَنْ قَتَادَةَ عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَجْمَعُ اللَّهُ النَّاسَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ فَيَهْتَمُونَ لِدَلِكِ و قَالَ ابْنُ عَبِيدٍ فَيَلْتَفِتُونَ لِدَلِكِ فَيَقُولُونَ لَوْ اسْتَشْفَعْنَا عَلَى رَبِّنَا حَتَّى يُرِيحَنَا مِنْ مَكَانِنَا هَذَا قَالَ فَيَأْتُونَ آدَمَ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَيَقُولُونَ أَنْتَ آدَمُ أَبُو الْخَلْقِ خَلَقَكَ اللَّهُ بِيَدِهِ وَنَفَخَ فِيكَ مِنْ رُوحِهِ وَأَمَرَ الْمَلَائِكَةَ فَسَجَدُوا لَكَ اشْفَعْ لَنَا عِنْدَ رَبِّكَ حَتَّى يُرِيحَنَا مِنْ مَكَانِنَا هَذَا فَيَقُولُ لَسْتُ هُنَاكُمْ فَيَذْكُرُ حَظِيئَتَهُ الَّتِي أَصَابَ فَيَسْتَحْيِي رَبَّهُ مِنْهَا وَلَكِنْ ائْتُوا نُوحًا أَوَّلَ رَسُولٍ بَعَثَهُ اللَّهُ قَالَ فَيَأْتُونَ نُوحًا صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَيَقُولُ لَسْتُ هُنَاكُمْ فَيَذْكُرُ حَظِيئَتَهُ الَّتِي أَصَابَ فَيَسْتَحْيِي رَبَّهُ مِنْهَا وَلَكِنْ ائْتُوا إِبْرَاهِيمَ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الَّذِي اتَّخَذَهُ اللَّهُ خَلِيلًا فَيَأْتُونَ إِبْرَاهِيمَ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَيَقُولُ لَسْتُ هُنَاكُمْ وَيَذْكُرُ حَظِيئَتَهُ الَّتِي أَصَابَ فَيَسْتَحْيِي رَبَّهُ مِنْهَا وَلَكِنْ ائْتُوا مُوسَى صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَأَعْطَاهُ التَّوْرَةَ قَالَ فَيَأْتُونَ مُوسَى صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَيَقُولُ لَسْتُ هُنَاكُمْ وَيَذْكُرُ حَظِيئَتَهُ الَّتِي أَصَابَ فَيَسْتَحْيِي رَبَّهُ مِنْهَا وَلَكِنْ ائْتُوا عِيسَى رُوحَ اللَّهِ وَكَلِمَتَهُ فَيَأْتُونَ عِيسَى رُوحَ اللَّهِ وَكَلِمَتَهُ فَيَقُولُ لَسْتُ هُنَاكُمْ وَلَكِنْ ائْتُوا مُحَمَّدًا صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَبْدًا قَدْ غَفِرَ لَهُ مَا تَقَدَّمَ مِنْ ذَنْبِهِ وَمَا تَأَخَّرَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَيَأْتُونِي فَأَسْتَأْذِنُ عَلَى رَبِّي فَيُؤْذَنُ لِي فَإِذَا أَنَا رَأَيْتُهُ وَقَعْتُ سَاجِدًا فَيَدْعُنِي مَا شَاءَ اللَّهُ فَيُقَالُ يَا مُحَمَّدُ ارْفَعْ رَأْسَكَ قُلْ تُسْمَعُ سَلْ تُعْطَى اشْفَعْ تُشْفَعُ فَارْفَعْ رَأْسِي فَأَحْمَدُ رَبِّي بِتَحْمِيدٍ يُعَلِّمُنِي رَبِّي ثُمَّ أَشْفَعُ فَيَحْدُ لِي حَدًّا فَأُخْرِجُهُمْ مِنَ النَّارِ وَأُدْخِلُهُمُ الْجَنَّةَ ثُمَّ أَعُودُ فَأَقْعُ سَاجِدًا فَيَدْعُنِي مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ يَدْعُنِي ثُمَّ يُقَالُ ارْفَعْ رَأْسَكَ يَا مُحَمَّدُ قُلْ تُسْمَعُ سَلْ تُعْطَى اشْفَعْ تُشْفَعُ فَارْفَعْ رَأْسِي فَأَحْمَدُ رَبِّي بِتَحْمِيدٍ يُعَلِّمُنِي رَبِّي ثُمَّ أَشْفَعُ فَيَحْدُ لِي حَدًّا فَأُخْرِجُهُمْ مِنَ النَّارِ وَأُدْخِلُهُمُ الْجَنَّةَ قَالَ فَلَا أَدْرِي فِي الثَّلَاثَةِ أَوْ فِي الرَّابِعَةِ قَالَ فَأَقُولُ يَا رَبِّ مَا بَقِيَ فِي النَّارِ إِلَّا مَنْ حَبَسَهُ الْقُرْآنُ أَوْ وَجَبَ عَلَيْهِ الْخُلُودُ

371/10. Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Аллоҳ қиёмат куни одамларни тўплаганида улар (шафоатга) аҳамият беришади. (Ибн Убайд ривоятларида эса ўша шафоатни сўрашга илҳом берилади, дейилган.) Улар: «Агар Раббимиз бизга шафоатчи берганида биз бу жойдан (қўзғолиб) фароғат топган бўлар эдик», дейишади. Ва шу ҳолда Одам алайҳиссалом олдиларига бориб: «Сиз бутун халойиқнинг отаси Одамдирсиз. Аллоҳ сизни ўз қўли билан яратиб, Ўзининг руҳидан пуфлади. Ҳамда фаришталарига буюрган эди, улар сизга сажда қилишди. Бизга Раббингиз ҳузурда шафоатчи бўлсангиз, биз бу ердан (қўзғолиб) таскин топсак», дейишади. Одам алайҳиссалом: «Мен бунинг аҳли эмасман», дедилар ва (буғдойни еб қўйиб) содир этган хатолари сабабли Раббиларидан ҳаё қилишларини зикр этдилар. «Лекин сизлар Аллоҳ (энг) аввал расул этиб юборган Нуҳнинг олдига боринглар», деб айтадилар. Улар Нуҳ алайҳиссаломнинг олдиларига боришса, у зот ҳам содир этиб қўйган хатолари сабабли Раббиларидан ҳаё қилишларини айтдилар. «Лекин сизлар Аллоҳ Ўзига халил (дўст) қилиб олган Иброҳим алайҳиссалом олдиларига боринглар», десалар, улар Иброҳим алайҳиссалом ҳузурларига боришди. У зот ҳам: «Мен бунинг аҳли эмасман», деб содир этиб қўйган хатолари сабабли Раббиларидан ҳаё қилишларини айтиб: «Лекин сизлар Аллоҳ билан сўзлашган ва Таврот ато этилган Мусонинг ҳузурларига боринглар», дедилар. Улар Мусо алайҳиссалом ҳузурларига келишса, у зот ҳам: «Мен бунинг аҳли эмасман», деб содир этиб қўйган хатолари сабабли Раббиларидан ҳаё қилишларини айтдилар, сўнг: «Лекин сизлар Аллоҳнинг руҳи ва калимаси бўлмиш Исо алайҳиссалом ҳузурларига боринглар», дедилар. У зот ҳам: «Мен бунинг аҳли эмасман-у, лекин сизлар аввалги-ю кейинги гуноҳлари кечириб қўйилган банда Муҳаммад алайҳиссалом ҳузурларига боринглар», деб айтсалар, улар ҳузуримга келишади. Раббимдан (шафоатга) изн сўрасам, менга изн берилади. Мен ўшанда сажда қилган ҳолимадалигимни кўрдим. Аллоҳ хоҳлаганича саждада тарк қилинаман. Кейин: «Эй Муҳаммад, бошингизни кўтариб (бирор нарса) денг, айтган нарсангиз эшитилади. (Бирор нарса) сўранг, сўраган нарсангиз берилади. (Бир нарсада) шафоатчи бўлинг, шафоатчи қилинаси», деб айтилди. Мен бошимни кўтариб Раббим қандай ўргатган бўлса, ўшандай ҳамд айтаман. Кейин шафоат қиламан, шундан кейин менга бир ҳудуд ажратиб берилади. Мен ўша ҳудуддаги кишиларни дўзахдан чиқариб, жаннатга киритаман, сўнгра қайтиб, яна саждага йиқиламан. Аллоҳ хоҳлаганича сажда қилган ҳолимада тарк қилинаман. Кейин: «Бошингизни кўтаринг! Эй Муҳаммад, (бирор нарса) денг, айтган нарсангиз эшитилади. (Бирор нарса) сўранг, сўраган нарсангиз берилади. (Бирор нарсада) шафоатчи бўлинг, шафоатчи қилинаси»,

дейилди. Мен бошимни кўтариб Раббим ўргатганидек, Унга ҳамд айтаман. Кейин шафоат қилсам, менга ажратиб қўйилган ҳудуддагиларни дўзахдан чиқариб, жаннатга киритаман.

(Ровий учинчи, тўртинчисини билмайман, деб айтдилар.) Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эй Раббим! Дўзахда фақат абадий қолишларини Қуръон хабар берган кишиларгина (қолди), холос», деб айтаман», дедилар.

Ибн Убайд: «Қатоданинг ривоятларида «абдийлиги вожиб бўлганларгина» бўлиб келган», дедилар.

372 – وَحَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى وَمُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ قَالَا حَدَّثَنَا ابْنُ أَبِي عَدِيٍّ عَنْ سَعِيدٍ عَنْ قَتَادَةَ عَنْ أَنَسٍ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَجْتَمِعُ الْمُؤْمِنُونَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ فَيَهْتَمُونَ بِذَلِكَ أَوْ يُلْهَمُونَ ذَلِكَ بِمِثْلِ حَدِيثِ أَبِي عَوَّانَةَ وَقَالَ فِي الْحَدِيثِ ثُمَّ آتِيَهُ الرَّابِعَةَ أَوْ أَعُوذُ الرَّابِعَةَ فَأَقُولُ يَا رَبِّ مَا بَقِيَ إِلَّا مَنْ حَبَسَهُ الْقُرْآنُ حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى حَدَّثَنَا مُعَاذُ بْنُ هِشَامٍ قَالَ حَدَّثَنِي أَبِي عَنْ قَتَادَةَ عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ أَنَّ نَبِيَّ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ يَجْمَعُ اللَّهُ الْمُؤْمِنِينَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ فَيُلْهَمُونَ لِذَلِكَ بِمِثْلِ حَدِيثِهِمَا وَذَكَرَ فِي الرَّابِعَةِ فَأَقُولُ يَا رَبِّ مَا بَقِيَ فِي النَّارِ إِلَّا مَنْ حَبَسَهُ الْقُرْآنُ أَيَّ وَحَبَّ عَلَيْهِ الْخُلُودُ

372/11. Анас розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Мўминлар қиёмат куни тўпланиб (шафоатга аҳамият беришади ёки шунга, яъни шафоат сўрашга) илҳом берилади...». Ҳадис юқоридагидек давом эттирилган. Лекин давомида айтилишича, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Тўртинчи гал бораман ёки тўртинчи гал қайтганимда: «Эй Раббим! Бу ерда фақат абадий қолишларини Қуръон хабар берган кишиларгина қолишди, холос», деб айтаман», дедилар.

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган.

373 – وَحَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ مِنْهَالٍ الصَّرِيرِيُّ حَدَّثَنَا يَزِيدُ بْنُ زُرَيْعٍ حَدَّثَنَا سَعِيدُ بْنُ أَبِي عَرُوبَةَ وَهَشَامُ صَاحِبُ الدِّسْتَوَائِيِّ عَنْ قَتَادَةَ عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ح وَحَدَّثَنِي أَبُو غَسَّانَ الْمِسْمَعِيُّ وَمُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى قَالَا حَدَّثَنَا مُعَاذُ وَهُوَ ابْنُ هِشَامٍ قَالَ حَدَّثَنِي أَبِي عَنْ قَتَادَةَ حَدَّثَنَا أَنَسُ بْنُ مَالِكٍ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ يَخْرُجُ مِنَ النَّارِ مَنْ قَالَ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَكَانَ فِي قَلْبِهِ مِنَ الْخَيْرِ مَا يَزِنُ شَعِيرَةً ثُمَّ يَخْرُجُ مِنَ النَّارِ مَنْ قَالَ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَكَانَ فِي قَلْبِهِ مِنَ الْخَيْرِ مَا يَزِنُ ذَرَّةً زَادَ ابْنُ مِنْهَالٍ فِي رِوَايَتِهِ قَالَ يَزِيدُ فَلَقِيتُ شُعْبَةَ فَحَدَّثْتُهُ بِالْحَدِيثِ فَقَالَ شُعْبَةُ حَدَّثَنَا بِهِ قَتَادَةُ عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِالْحَدِيثِ إِلَّا أَنَّ شُعْبَةَ جَعَلَ مَكَانَ الذَّرَّةِ ذُرَّةً قَالَ يَزِيدُ صَحَّفَ فِيهَا أَبُو بَسْطَامٍ

373/12. Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким «Ла илаҳа иллаллоҳ», деса ва қалбида арпа вазнича яхшилиги бўлса, у дўзахдан чиқариб юборилади.

Сўнгра яна ким «Ла илаҳа иллаллоҳ», деб қалбида буғдой вазнича яхшилиги бўлса, у ҳам дўзахдан чиқарилади. Ва яна кимнинг қалбида кичик қумурсқа вазнича яхшилиги бўлса, у ҳам дўзахдан чиқарилади», дедилар.

Абу Минҳол эса ривоятларида қуйидагиларни зиёда қилганлар: «Язид: «Шўъбага йўлиқиб бу ҳадисни айтсам, у ҳам: «Бу ҳадисни бизга Қатода розийаллоҳу анҳу Анас ибн Моликдан эшитгани айтиб, «қумурсқа» ўрнига «жўхори», деб айтди», деди. Абу Бистом, яъни Шўъба буни айтиш билан нотўғри сўзлабди, деди», дедилар».

374 – حَدَّثَنَا أَبُو الرَّبِيعِ الْعَتَكِيُّ حَدَّثَنَا حَمَّادُ بْنُ زَيْدٍ حَدَّثَنَا مَعْبُدُ بْنُ هَلَالٍ الْعَنْزِيُّ ح وَحَدَّثَنَا سَعِيدُ بْنُ مَنْصُورٍ وَاللَّفْظُ لَهُ حَدَّثَنَا حَمَّادُ بْنُ زَيْدٍ حَدَّثَنَا مَعْبُدُ بْنُ هَلَالٍ الْعَنْزِيُّ قَالَ انْطَلَقْنَا إِلَى أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ وَتَشَفَعْنَا بِنَابِتٍ فَانْتَهَيْنَا إِلَيْهِ وَهُوَ يُصَلِّي الصُّحَى فَاسْتَأْذَنَ لَنَا ثَابِتٌ فَدَخَلْنَا عَلَيْهِ وَاجْلَسَ ثَابِتًا مَعَهُ عَلَى سَرِيرِهِ فَقَالَ لَهُ يَا أَبَا حَمْرَةَ إِنَّ إِخْوَانَكَ مِنْ أَهْلِ الْبَصْرَةِ يَسْأَلُونَكَ أَنْ تُحَدِّثَهُمْ حَدِيثَ الشَّفَاعَةِ قَالَ حَدَّثَنَا مُحَمَّدٌ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ إِذَا كَانَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ مَا جِئَ النَّاسُ بِعَعْضِهِمْ إِلَى بَعْضٍ فَيَأْتُونَ آدَمَ فَيَقُولُونَ لَهُ اشْفَعْ لِدُرَيْتِكَ فَيَقُولُ لَسْتُ لَهَا وَلَكِنْ عَلَيْكُمْ بِإِبْرَاهِيمَ عَلَيْهِ السَّلَامُ فَإِنَّهُ خَلِيلُ اللَّهِ فَيَأْتُونَ إِبْرَاهِيمَ فَيَقُولُ لَسْتُ لَهَا وَلَكِنْ عَلَيْكُمْ بِمُوسَى عَلَيْهِ السَّلَامُ فَإِنَّهُ كَلِيمُ اللَّهِ فَيُوتَى مُوسَى فَيَقُولُ لَسْتُ لَهَا وَلَكِنْ عَلَيْكُمْ بِمُحَمَّدٍ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَأُوتَى فَأَقُولُ أَنَا لَهَا فَانْطَلِقْ فَاسْتَأْذَنَ عَلَيَّ رَبِّي فَيُؤْذَنُ لِي فَأَقُومُ بَيْنَ يَدَيْهِ فَأُحْمَدُهُ بِمَحَامِدٍ لَا أَقْدِرُ عَلَيْهِ الْآنَ يُلْهِمُنِيهِ اللَّهُ ثُمَّ أَحْرُ لَهُ سَاجِدًا فَيَقَالُ لِي يَا مُحَمَّدُ ارْفَعْ رَأْسَكَ وَقُلْ يُسْمَعُ لَكَ وَسَلْ تُعْطَهُ وَاشْفَعْ تُشْفَعُ فَأَقُولُ رَبِّ أُمَّتِي أُمَّتِي فَيَقَالُ انْطَلِقْ فَمَنْ كَانَ فِي قَلْبِهِ مِثْقَالُ حَبَّةٍ مِنْ بُرَّةٍ أَوْ شَعِيرَةٍ مِنْ إِيْمَانٍ فَأَخْرَجَهُ مِنْهَا فَانْطَلِقْ فَأَفْعَلُ ثُمَّ أَرْجِعُ إِلَى رَبِّي فَأُحْمَدُهُ بِتِلْكَ الْمَحَامِدِ ثُمَّ أَحْرُ لَهُ سَاجِدًا فَيَقَالُ لِي يَا مُحَمَّدُ ارْفَعْ رَأْسَكَ وَقُلْ يُسْمَعُ لَكَ وَسَلْ تُعْطَهُ وَاشْفَعْ تُشْفَعُ فَأَقُولُ أُمَّتِي أُمَّتِي فَيَقَالُ لِي انْطَلِقْ فَمَنْ كَانَ فِي قَلْبِهِ مِثْقَالُ حَبَّةٍ مِنْ خَرْدَلٍ مِنْ إِيْمَانٍ فَأَخْرَجَهُ مِنْهَا فَانْطَلِقْ فَأَفْعَلُ ثُمَّ أَعُودُ إِلَى رَبِّي فَأُحْمَدُهُ بِتِلْكَ الْمَحَامِدِ ثُمَّ أَحْرُ لَهُ سَاجِدًا فَيَقَالُ لِي يَا مُحَمَّدُ ارْفَعْ رَأْسَكَ وَقُلْ يُسْمَعُ لَكَ وَسَلْ تُعْطَهُ وَاشْفَعْ تُشْفَعُ فَأَقُولُ يَا رَبِّ أُمَّتِي أُمَّتِي فَيَقَالُ لِي انْطَلِقْ فَمَنْ كَانَ فِي قَلْبِهِ أَذْنَى أَذْنَى مِنْ مِثْقَالِ حَبَّةٍ مِنْ خَرْدَلٍ مِنْ إِيْمَانٍ فَأَخْرَجَهُ مِنَ النَّارِ فَانْطَلِقْ فَأَفْعَلُ هَذَا حَدِيثُ أَنَسِ الَّذِي أَبْنَانًا بِهِ فَخَرَجْنَا مِنْ عِنْدِهِ فَلَمَّا كُنَّا بَطْهَرِ الْجَبَّانِ قُلْنَا لَوْ مَلْنَا إِلَى الْحَسَنِ فَسَلَّمْنَا عَلَيْهِ وَهُوَ مُسْتَحْفٍ فِي دَارِ أَبِي خَلِيفَةَ قَالَ فَدَخَلْنَا عَلَيْهِ فَسَلَّمْنَا عَلَيْهِ فَقُلْنَا يَا أَبَا سَعِيدٍ جِئْنَا مِنْ عِنْدِ أَحِيكَ أَبِي حَمْرَةَ فَلَمْ نَسْمَعْ مِثْلَ حَدِيثِ حَدِيثَانَهُ فِي الشَّفَاعَةِ قَالَ هِيَ فَحَدَّثَنَا الْحَدِيثَ فَقَالَ هِيَ قُلْنَا مَا زَادَا قَالَ قَدْ حَدَّثَنَا بِهِ مِنْدُ عَشْرِينَ سَنَةً وَهُوَ يَوْمَئِذٍ جَمِيعٌ وَلَقَدْ تَرَكَ شَيْئًا مَا أَدْرِي أَنَسِي الشَّيْخِ أَوْ كَرِهَ أَنْ يُحَدِّثَكُمْ فَتَتَكَلَّمُوا قُلْنَا لَهُ حَدَّثْنَا فَضَحِكَ وَقَالَ ( خَلَقَ الْإِنْسَانَ مِنْ عَجَلٍ ) مَا ذَكَرْتُ لَكُمْ هَذَا إِلَّا وَأَنَا أُرِيدُ أَنْ أُحَدِّثَكُمْهُ ثُمَّ أَرْجِعُ إِلَى رَبِّي فِي الرَّابِعَةِ فَأُحْمَدُهُ بِتِلْكَ الْمَحَامِدِ ثُمَّ أَحْرُ لَهُ سَاجِدًا فَيَقَالُ لِي يَا مُحَمَّدُ ارْفَعْ رَأْسَكَ وَقُلْ يُسْمَعُ لَكَ وَسَلْ تُعْطَ وَاشْفَعْ تُشْفَعُ فَأَقُولُ يَا رَبِّ ائْذَنْ لِي فِيمَنْ قَالَ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ قَالَ لَيْسَ ذَلِكَ لَكَ أَوْ قَالَ لَيْسَ ذَلِكَ إِلَيْكَ وَلَكِنْ وَعِزَّتِي وَكِبْرِيَّاتِي وَعَظَمَتِي وَجَبْرِيَّاتِي لَا أَخْرَجَنَّ مَنْ قَالَ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ قَالَ فَأَشْهَدُ عَلَى الْحَسَنِ أَنَّهُ حَدَّثَنَا بِهِ أَنَّهُ سَمِعَ أَنَسَ بْنَ مَالِكٍ أَرَاهُ قَالَ قَبْلَ عَشْرِينَ سَنَةً وَهُوَ يَوْمَئِذٍ جَمِيعٌ

374/13. Маъбад ибн Ҳилол ал-Аназий розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. «Биз Собит билан Анас ибн Молик ҳузурларига бордик. Анас розийаллоҳу анҳунинг олдиларга кирсак, зуҳо намозини ўқиётган эканлар. Собит розийаллоҳу анҳу биз учун изн сўраган эдилар, олдиларига кирдик. У

зот Собитни ўзлари билан бирга каравотларига ўтқаздилар-да: «Эй Абу Ҳамза, (яъни Собит!) Басралик биродарларингиз сиздан шафоат ҳақидаги ҳадисларни гапириб беришингизни сўрашади. Бизга (бу ҳақда) Муҳаммад алайҳиссалом гапириб берганлар: «Агар қиёмат куни бўлса, одамлар бир-бирлари билан аралаш-қуралаш бўлиб, Одам алайҳиссалом ҳузурларига келиб: «Зурриётингизни шафоат қилинг», дейишади. Одам алайҳиссалом: «Мен унинг (аҳли) эмасман. Лекин сизлар Иброҳим алайҳиссалом ҳузурларига боринглар. Чунки у зот Аллоҳнинг дўстидирлар», дейдилар. Улар Иброҳим алайҳиссалом ҳузурларига боришса, у зот ҳам: «Мен унинг (аҳли) эмасман. Лекин сизлар Мусо алайҳиссалом ҳузурларига боринглар. Чунки у зот Аллоҳ билан сўзлашган зотдирлар», дейдилар. Улар Мусо алайҳиссалом ҳузурларига боришса, у зот ҳам: «Мен бунинг (аҳли) эмасман. Лекин сизлар Исо алайҳиссалом ҳузурларига боринглар, чунки у зот Аллоҳнинг руҳи ва калимасидирлар», дейдилар. Улар Исо алайҳиссалом ҳузурларига боришса, у зот ҳам: «Мен унинг (аҳли) эмасман. Лекин сизлар Муҳаммад алайҳиссалом ҳузурларига боринглар», дейдилар. «Мен унинг (аҳлидирман)», деб айтаман. Мен бориб Раббимдан изн сўрайман. Менга (изн) берилса, Унинг олдида туриб мақталадиган нарсалар билан ҳамд айтаман. Ҳозир у ҳамдларни айтишга қодир эмасман. Аллоҳ менга уни айтишга илҳом беради. Сўнгра сажда қилган ҳолимда бўйин эгаман. Менга: «Эй Муҳаммад! Бошингизни кўтариб бирор нарса айтинг, у эшитилади. Бирор нарсани сўранг, у берилади. Бирор нарсада шафоат (воситачилик)ни сўранг, шафоат берилади», деб айтилади. Шунда мен: «Эй Раббим! Умматим, умматим», дейман. Менга: «(Эй Муҳаммад), боринг-да, кимнинг қалбида буғдой ёки арпа миқдорича иймони бўлса, (дўзахдан) чиқаринг», дейилади. Мен бориб у (буйруқ)ни бажараман, сўнгра Раббим ҳузурига қайтиб, мақталадиган нарсалар ила ҳамд айтаман, кейин яна саждага бош эгаман. Ва яна менга: «Эй Муҳаммад! Бошингизни кўтариб бирор нарса айтинг, у эшитилади. Бирор нарсани сўранг, у берилади. Бирор нарсада шафоатни сўранг, шафоат берилади», деб айтилса, мен: «Умматим, умматим», дейман. Менга яна: «Боринг-да, кимнинг қалбида хантал уруғича иймон бўлса, уни (дўзахдан) чиқаринг», дейилади. Мен бориб, у айтилган нарсани бажараман. Кейин Раббим ҳузурига қайтиб, мақталадиган нарсалар ила Унга ҳамд айтиб, сўнгра сажда қилиш учун бош эгаман. Менга: «Эй Муҳаммад! Бошингизни кўтариб бирор нарса айтинг, у эшитилади. Бирор нарсани сўранг, у берилади. Бирор нарсада шафоат (воситачилик)ни сўранг, шафоат берилади», деб айтилади. Мен: «Эй Раббим! Умматим, умматим», деб айтаман. Менга яна: «Кимнинг қалбида хантал уруғидан кичикроқ, кичикроқ, кичикроқ иймони бўлса, уни дўзахдан чиқаринг», дейилади. Мен бориб, у айтилган нарсаларни бажараман», дедилар.

Бу ҳадис Анас ибн Молик хабар берган ривоятдир: Биз у зот ҳузурларидан чиқиб Заҳрулжабон деган ерга етганимизда, йўналишимизни Ҳасан Басрийга тўғриладик ва у зотга салом бердик, у зот (Ҳажжож ибн Юсуф зулмидан қочиб) Абу Халифанинг ҳовлисида яшириниб тургандилар. Биз у зот ҳузурларига кириб салом бердик, ва: «Эй Абу Саид, (яъни Ҳасан!) Биродарингиз Абу Ҳамза, (яъни Анас ибн Молик) ҳузурларидан келдик. Шафоат ҳақида гапириб берган ҳадисларидагини эшитмаганмиз», десак, у зот: «Қани, уни қўшимчалари билан сўзланглар-чи», дедилар. Биз ҳадисни гапириб берсак, у зот яна: «Қани, ортиқчаси билан гапиринглар-чи», дедилар. Биз: «Бундан зиёда қилганлари йўқ», дедик. Шунда у зот: «Йигирма йилдан бери у бизга бу ҳадисни гапиради. У ўша пайтда ҳам кучли ва эслаш қобилияти яхши эди. У унутгани учунми ёки сизларга гапириб берса, унга суяниб қолишингиз сабабли тарк қилдими, билмайман, (давоми бор)», дедилар. Биз: «Ундай бўлса, бизга гапириб беринг», десак, у зот кулиб: «Инсон шошқалоқ қилиб яратилгандир», дедилар-да, сўнг: «Мен ҳозир уни сизларга сўзлаб бераман: «Сўнгра тўртинчисида Раббим ҳузурига қайтаман-да, Унга мақталадиган нарсалар ила ҳамд айтаман. Кейин саждага бош эгсам, менга: «Эй Муҳаммад! Бошингизни кўтариб бирор нарса айтинг, у эшитилади. Бирор нарсани сўранг, у берилади. Бирор нарсада шафоат (воситачиликни) сўранг, шафоат берилади», деб айтилади. Мен эса: «Эй Раббим! Ким «Ла илаҳа иллаллоҳ», деб айтган бўлса, (унинг ҳам дўзахдан чиқишига) изн бергин», десам, Аллоҳ: «Бу сизнинг ишингиз ёки бу сизга юкланган вазифа эмас. Лекин Менинг азизлигим, кибрлигим ва азаматим ҳаққи-ҳурмати, ким «Ла илаҳа иллаллоҳ», деб айтса, уни (шафоатсиз ҳам) дўзахдан чиқаравераман», деб айтади», дедилар».

Маъбад розийаллоҳу анҳу: «Гувоҳлик бериб айтаманки, Ҳасан Басрий розийаллоҳу анҳу Анас ибн Моликдан бу ҳадисни тахминан йигирма йил олдин, эслаш қобилиятлари яхши бўлган пайтларида эшитиб, уни гапириб бердилар», деб айтганлар.

375 - حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ وَمُحَمَّدُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ نُمَيْرٍ وَاتَّفَقَا فِي سَبَاقِ الْحَدِيثِ إِلَّا مَا يَزِيدُ أَحَدُهُمَا مِنَ الْحَرْفِ بَعْدَ الْحَرْفِ قَالَ حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشِيرٍ حَدَّثَنَا أَبُو حَيَّانَ عَنْ أَبِي زُرْعَةَ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ أَتَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَوْمًا بِلَحْمٍ فَرَفِعَ إِلَيْهِ الدَّرَاعُ وَكَانَتْ تُعْجِبُهُ فَنَهَسَ مِنْهَا نَهْسَةً فَقَالَ أَنَا سَيِّدُ النَّاسِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَهَلْ تَذَرُونَ بِي ذَلِكَ يَجْمَعُ اللَّهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ الْأُولَى وَالْآخِرِينَ فِي صَعِيدٍ وَاحِدٍ فَيَسْمِعُهُمُ الدَّاعِيَ وَيَنْفِذُهُمُ الْبَصْرَ وَتَذَرُوهُمُ الشَّمْسُ فَيَبْلُغُ النَّاسَ مِنَ الْعَمِّ وَالْكَرْبِ مَا لَا يُطِيقُونَ وَمَا لَا يَحْتَمِلُونَ فَيَقُولُ بَعْضُ النَّاسِ لِبَعْضٍ أَلَا تَرَوْنَ مَا أَنْتُمْ فِيهِ أَلَا تَرَوْنَ مَا قَدْ بَلَغَكُمْ أَلَا تَنْظُرُونَ مَنْ يَشْفَعُ لَكُمْ إِلَى رَبِّكُمْ فَيَقُولُ بَعْضُ النَّاسِ لِبَعْضٍ ائْتُوا آدَمَ فَيَأْتُونَ آدَمَ فَيَقُولُونَ يَا آدَمُ أَنْتَ أَبُو الْبَشَرِ خَلَقَكَ اللَّهُ بِيَدِهِ وَنَفَخَ فِيكَ مِنْ رُوحِهِ وَأَمَرَ الْمَلَائِكَةَ فَسَجَدُوا لَكَ اشْفَعْ لَنَا إِلَى رَبِّكَ أَلَا تَرَى إِلَى مَا نَحْنُ فِيهِ أَلَا تَرَى إِلَى مَا قَدْ بَلَغْنَا فَيَقُولُ آدَمُ إِنَّ رَبِّي غَضِبَ الْيَوْمَ غَضَبًا لَمْ يَغْضَبْ قَبْلَهُ مِثْلَهُ وَلَنْ يَغْضَبَ بَعْدَهُ مِثْلَهُ وَإِنَّ نَهَانِي عَنِ الشَّحْرِ فَعَصَيْتُهُ نَفْسِي نَفْسِي اذْهَبُوا إِلَى غَيْرِي اذْهَبُوا إِلَى نُوحٍ فَيَأْتُونَ نُوحًا فَيَقُولُونَ يَا نُوحُ أَنْتَ أَوَّلُ الرُّسُلِ إِلَى الْأَرْضِ وَسَمَّاكَ اللَّهُ عَبْدًا شَكُورًا اشْفَعْ لَنَا إِلَى رَبِّكَ أَلَا تَرَى إِلَى مَا نَحْنُ فِيهِ أَلَا تَرَى إِلَى مَا قَدْ بَلَغْنَا فَيَقُولُ لَهُمْ إِنَّ رَبِّي قَدْ غَضِبَ الْيَوْمَ غَضَبًا

لَمْ يَعْضَبْ قَبْلَهُ مِثْلَهُ وَلَنْ يَعْضَبَ بَعْدَهُ مِثْلَهُ وَإِنَّهُ قَدْ كَانَتْ لِي دَعْوَةٌ دَعَوْتُ بِهَا عَلَى قَوْمِي نَفْسِي نَفْسِي اذْهَبُوا إِلَى إِبْرَاهِيمَ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَيَأْتُونَ إِبْرَاهِيمَ فَيَقُولُونَ أَنْتَ نَبِيُّ اللَّهِ وَخَلِيلُهُ مِنْ أَهْلِ الْأَرْضِ اشْفَعْ لَنَا إِلَى رَبِّكَ أَلَا تَرَى إِلَى مَا قَدْ بَلَّغْنَا فَيَقُولُ لَهُمْ إِبْرَاهِيمُ إِنَّ رَبِّي قَدْ غَضِبَ الْيَوْمَ غَضِبًا لَمْ يَعْضَبْ قَبْلَهُ مِثْلَهُ وَلَا يَعْضَبُ بَعْدَهُ مِثْلَهُ وَذَكَرَ كَذِبَاتِهِ نَفْسِي نَفْسِي اذْهَبُوا إِلَى غَيْرِي اذْهَبُوا إِلَى مُوسَى فَيَأْتُونَ مُوسَى صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَيَقُولُونَ يَا مُوسَى أَنْتَ رَسُولُ اللَّهِ فَضَلَّكَ اللَّهُ بِرِسَالَاتِهِ وَتَكَلَّمَ بِهِ عَلَى النَّاسِ اشْفَعْ لَنَا إِلَى رَبِّكَ أَلَا تَرَى إِلَى مَا نَحْنُ فِيهِ أَلَا تَرَى إِلَى مَا قَدْ بَلَّغْنَا فَيَقُولُ لَهُمْ مُوسَى صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِنَّ رَبِّي قَدْ غَضِبَ الْيَوْمَ غَضِبًا لَمْ يَعْضَبْ قَبْلَهُ مِثْلَهُ وَلَنْ يَعْضَبَ بَعْدَهُ مِثْلَهُ وَإِنِّي قَتَلْتُ نَفْسًا لَمْ أُؤْمَرْ بِقَتْلِهَا نَفْسِي نَفْسِي اذْهَبُوا إِلَى عِيسَى صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَيَأْتُونَ عِيسَى فَيَقُولُونَ يَا عِيسَى أَنْتَ رَسُولُ اللَّهِ وَكَلَّمْتَ النَّاسَ فِي الْمَهْدِ وَكَلِمَةٌ مِنْهُ أَلْفَاهَا إِلَى مَرِيَمَ وَرُوحٌ مِنْهُ فَاشْفَعْ لَنَا إِلَى رَبِّكَ أَلَا تَرَى إِلَى مَا نَحْنُ فِيهِ أَلَا تَرَى إِلَى مَا قَدْ بَلَّغْنَا فَيَقُولُ لَهُمْ عِيسَى صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِنَّ رَبِّي قَدْ غَضِبَ الْيَوْمَ غَضِبًا لَمْ يَعْضَبْ قَبْلَهُ مِثْلَهُ وَلَنْ يَعْضَبَ بَعْدَهُ مِثْلَهُ وَلَمْ يَذْكُرْ لَهُ ذَنْبًا نَفْسِي نَفْسِي اذْهَبُوا إِلَى غَيْرِي اذْهَبُوا إِلَى مُحَمَّدٍ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَيَأْتُونِي فَيَقُولُونَ يَا مُحَمَّدُ أَنْتَ رَسُولُ اللَّهِ وَخَاتَمُ الْأَنْبِيَاءِ وَغَفَرَ اللَّهُ لَكَ مَا تَقَدَّمَ مِنْ ذَنْبِكَ وَمَا تَأَخَّرَ اشْفَعْ لَنَا إِلَى رَبِّكَ أَلَا تَرَى إِلَى مَا قَدْ بَلَّغْنَا فَأَنْطَلِقُ فَآتِي تَحْتَ الْعَرْشِ فَأَقْعُ سَاجِدًا لِرَبِّي ثُمَّ يَفْتَحُ اللَّهُ عَلَيَّ وَيُلْهِمُنِي مِنْ مَحَامِدِهِ وَحُسْنِ الثَّنَاءِ عَلَيْهِ شَيْئًا لَمْ يَفْتَحْهُ لِأَحَدٍ قَبْلِي ثُمَّ يُقَالُ يَا مُحَمَّدُ ارْفَعْ رَأْسَكَ سَلِّ تُعْطَهُ اشْفَعْ تُشْفَعُ فَأَرْفَعُ رَأْسِي فَأَقُولُ يَا رَبِّ أُمَّتِي أُمَّتِي فَيَقَالُ يَا مُحَمَّدُ ادْخُلِ الْجَنَّةَ مِنْ أُمَّتِكَ مَنْ لَا حِسَابَ عَلَيْهِ مِنَ الْبَابِ الْأَيْمَنِ مِنَ أَبْوَابِ الْجَنَّةِ وَهُمْ شُرَكَاءُ النَّاسِ فِيمَا سِوَى ذَلِكَ مِنَ الْأَبْوَابِ وَالَّذِي نَفْسُ مُحَمَّدٍ بِيَدِهِ إِنَّ مَا بَيْنَ الْمِصْرَاعَيْنِ مِنَ مِصْرَاعِ الْجَنَّةِ لَكَمَا بَيْنَ مَكَّةَ وَهَجْرٍ أَوْ كَمَا بَيْنَ مَكَّةَ وَبُصْرَى

375/14. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига бир куни гўшт олиб келинди. Ва у зотга қўл қисми узатилди. Чунки Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қўл қисмини (лаззатли бўлгани учун) яхши кўрардилар. Ундан бир тишладилар-да: «Мен қиёмат куни одамларнинг саййидиман. Нима учун бундай бўлиши(м)ни биласизларми? Аллоҳ қиёмат куни аввалги-ю охириги, яъни Одам алайҳиссаломдан то охириги туғилган одамгача бир тепаликка жамлайди, бир жарчи нидо қилиб туради. Ҳамма кўзга ташланиб туради. Қуёш яқинлаштирилади. Одамлар эса тоқат қилиб кўтара олмайдиган даражада ғам-ғуссага ботиб қолишади. Баъзилар баъзиларга: «Нима бўлганига ва нималар етаётганига қарамайсизларми? Ким Раббингизга воситачи, яъни шафоатчи бўлади?» дейишса, баъзилари баъзиларига: «Одам алайҳиссалом ҳузурларига боринглар», дейишади. Улар Одам алайҳиссалом ҳузурларига бориб: «Эй Одам, сиз башариятнинг отасисиз. Аллоҳ сизни Ўзи яратиб, руҳидан сизга пуфлагандир ва фаришталарини сизга сажда қилишга буюрганида улар сажда қилишган, (яъни, шунақа улуғ мавқеъдаги кишисиз), бизга Раббингиз ўртасида шафоатчи бўлинг. Бизга нима бўлганига ва нималар етаётганига қарамайсизми?» дейишса, Одам алайҳиссалом: «Раббим бугун шундай ғазаб қилдики, бундан олдин шу каби ғазаб қилмаган. Бундан кейин ҳам бундай ғазаб қилмайди. У мени дарахтга (яқинлашишдан) ман этганида унга осийлик қилиб айтганини бажармадим. Ўзим, ўзим! (Яъни, бугун ўзим билан ўзим овораман.) Мендан бошқа киши ҳузурига, яъни Нуҳ алайҳиссалом ҳузурларига боринглар», деб айтадилар. Улар Нуҳ алайҳиссаломнинг олдиларига бориб: «Эй Нуҳ! Сиз ердаги биринчи



расулдирсиз. Аллоҳ сизни шукр қилувчи банда, деб номлади (яъни, шунақа мавқеъдаги улуғ кишисиз). Биз билан Раббингиз ўртасида шафоатчи бўлинг. Бизга нима бўлганига ва нималар етаётганига қарамайсизми?» дейишса, у зот: «Раббим бугун шу даражада ғазаб қилганки, бундан олдин бундай ғазаб қилмаган, кейин ҳам шу каби ғазаб қилмайди. Мен эса қавмимни дуоибад қилиб қўйиб хатога йўл қўйганман. Ўзим! Ўзим! (Яъни, бугун ўзим билан ўзим оворадирман.) Сизлар Иброҳим алайҳиссалом ҳузурларига боринглар», деб айтадилар. Улар Иброҳим алайҳиссалом ҳузурларига бориб: «Сиз Аллоҳнинг набийи ва ер аҳлидан дўстидирсиз. Биз билан Раббингиз ўртасида шафоатчи бўлинг. Бизга нима бўлганига ва нималар етаётганига қарамайсизми?» дейишса, Иброҳим алайҳиссалом уларга: «Раббим бугун шу даражада ғазаб қилганки, бундан олдин бундай ғазаб қилмаган, бундан кейин ҳам шу каби ғазаб қилмайди. Мен эса (баъзи хатоларни содир этганман)», деб ёлғон гапирганларини зикр қилиб: «Ўзим! Ўзим! (Яъни, бугун ўзим билан ўзим оворадирман.) Сизлар мендан бошқа киши, Мусо ҳузурларига боринглар», деб айтадилар. Улар Мусо алайҳиссалом ҳузурларига келиб: «Эй Мусо! Сиз Аллоҳнинг расулдирсиз. Аллоҳ сизни Ўз рисолати билан ва одамлар ичида Ўзи билан гаплашиш ила фазилатли қилган. Биз билан Раббингиз ўртасида шафоатчи бўлинг. Бизга нима бўлганига ва нималар етаётганига қарамайсизми?» дейишса, Мусо алайҳиссалом: «Раббим бугун шу даражада ғазаб қилганки, бундан олдин шу каби ғазаб қилмаган, бундан кейин ҳам шу каби ғазаб қилмайди. Мен эса бир одамни ўлдириб қўйганман. Уни ўлдириш эса менга буюрилмаганди. Ўзим! Ўзим! (Яъни, бугун ўзим билан ўзим оворадирман.) Сизлар Исо алайҳиссалом ҳузурларига боринглар», деб айтдилар. Улар Исо алайҳиссалом ҳузурларига бориб: «Эй Исо алайҳиссалом! Сиз Аллоҳнинг расулдирсиз. Сиз одамлар билан бешикдаёқ гаплашгансиз. Сиз бир калимадан, яъни Марямга уни ташланганда ва Ундаги руҳ ила (дунёга келдингиз). (Биз билан Раббингиз) ўртасида шафоатчи бўлинг. Бизга нима бўлганига ва нималар етаётганига қарамайсизми?» дейишса, Исо алайҳиссалом: «Раббим бугун шу даражада ғазаб қилганки, бундан олдин бундай ғазаб қилмаган, кейин ҳам шу каби ғазаб қилмайди. Бугун Ўзим! Ўзим! (Яъни, ўзим билан ўзим оворадирман)», дедилар-да, аммо қилган гуноҳларини зикр этмасдан: «Сизлар Муҳаммад алайҳиссалом ҳузурларига боринглар», деб айтадилар. Улар менинг олдимга келиб: «Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам! Сиз Аллоҳнинг расули ва пайғамбарларнинг охиргисиз. Аллоҳ аввалги-ю кейинги гуноҳларингизни кечириб қўйган (яъни, шу даражадаги мавқеъга эгасиз). Бизга нима бўлганига ва нималар етаётганига қарамайсизми?» деб айтишса, бориб Аршнинг остида тўхтаман, Раббим учун сажда қилган ҳолда бош эгаман. Кейин Аллоҳ таоло менга

шундай нарса беради, яъни бу Аллоҳга энг чиройли ҳамду-сано айтишни илҳом этишидир, мендан олдин бирор кишига бундай илҳом ато этмаган. Сўнгра У: «Эй Муҳаммад! Бошингизни кўтариб бирор нарсани сўранг, у берилади. Бирор нарсада шафоатни сўранг, у ҳам ато қилинади», деб айтса, мен бошимни кўтариб: «Эй Раббим! Умматим, умматим (яъни, умматимга нажот бер)», дейман. Шунда менга: «Эй Муҳаммад! Жаннат эшикларининг ўнг томонидаги эшикдан умматингиз кишиларини ҳисобсиз (бемалол) жаннатга киритаверинг. Умматингиз эса одамлар билан бошқа эшикларда шерикдирлар», деб айтилади. Муҳаммаднинг жони Унинг ядида бўлган Зотга қасамки, жаннатдаги эшикнинг икки ёнидаги табақаси Макка билан Ҳажар шаҳри оралиғича ёки Макка билан Бусро шаҳри оралиғичадир», деб айтдилар.

376 - وَحَدَّثَنِي زُهَيْرُ بْنُ حَرْبٍ حَدَّثَنَا حَرِيرٌ عَنْ عُمَارَةَ بْنِ الْقَعْقَاعِ عَنْ أَبِي زُرْعَةَ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ وَضِعَتْ بَيْنَ يَدَيْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قِصْعَةٌ مِنْ ثَرِيدٍ وَلَحْمٍ فَتَنَاوَلَ الذَّرَاعَ وَكَانَتْ أَحَبَّ الشَّاةِ إِلَيْهِ فَنَهَسَ نَهْسَةً فَقَالَ أَنَا سَيِّدُ النَّاسِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ ثُمَّ نَهَسَ أُخْرَى فَقَالَ أَنَا سَيِّدُ النَّاسِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ فَلَمَّا رَأَى أَصْحَابَهُ لَا يَسْأَلُونَهُ قَالَ أَلَا تَقُولُونَ كَيْفَهُ قَالُوا كَيْفَهُ يَا رَسُولَ اللَّهِ قَالَ يَقُومُ النَّاسُ لِرَبِّ الْعَالَمِينَ وَسَاقَ الْحَدِيثَ بِمَعْنَى حَدِيثِ أَبِي حَيَّانَ عَنْ أَبِي زُرْعَةَ وَزَادَ فِي قِصَّةِ إِبْرَاهِيمَ فَقَالَ وَذَكَرَ قَوْلَهُ فِي الْكُوكَبِ ( هَذَا رَبِّي ) وَ قَوْلَهُ لِأَلِهَتِهِمْ ( بَلْ فَعَلَهُ كَبِيرُهُمْ هَذَا ) وَ قَوْلَهُ ( إِنِّي سَقِيمٌ ) قَالَ وَالَّذِي نَفْسُ مُحَمَّدٍ بِيَدِهِ إِنْ مَا بَيْنَ الْمِصْرَاعَيْنِ مِنْ مَصَارِعِ الْجَنَّةِ إِلَى عِضَادَتِي الْبَابِ لَكُمْ مِثْلُ مَكَّةَ وَهَجْرٍ أَوْ هَجْرٍ وَمَكَّةَ قَالَ لَا أَدْرِي أَيَّ ذَلِكَ قَالَ

376/15. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олдиларига лаганда оби ёвфон ва гўшт келтирилди. Гўштининг қўл қисмини олиб, ундан тановул қилдилар. Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қўйнинг энг маҳбуб жойи қўли эди. Ундан бир тишлам едилар-да: «Мен қиёмат куни одамларнинг саййидидирман», дедилар, сўнгра яна гўштан тишлаб: «Мен қиёмат куни одамларнинг саййидидирман», дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларининг бу ҳақда сўрашмаётганини кўрганларидан кейин: «(Сизлар) «Нима учун бундай?» деб сўрамайсизлар?» деган эдилар, саҳобалар: «Нима учун бундай?» дейишди. Кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Одамлар бутун оламлар Рабби ҳузурида туришади», деб юқоридаги ҳадисда келганидек воқеани батафсил сўзлаб, орасида Иброҳим алайҳиссалом ҳақларида келган қўйдаги сўзни зиёда қилдилар: «Юлдузларни (ёлфондан) «Бу менинг Раббим», деганлари, олиҳалар ҳақида «Уларнинг катталари синдирди», деганлари ва яна «Мен касалдирман», деб айтган ёлфон сўзларидир». Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Муҳаммаднинг жони Унинг ядида бўлган Зотга қасамки, икки табақанинг ораси, эшик кесакисигича бўлган масофа Макка билан Ҳажар шаҳри оралиғича ёки Ҳажар шаҳри билан Макка оралиғичадир», деб айтдилар.

Ровий: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буларнинг қайси бирини аввал айтганларини билмадим», деганлар.

377 – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ طَرِيفٍ بْنِ خَلِيفَةَ الْبَجَلِيِّ حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ فَضِيلٍ حَدَّثَنَا أَبُو مَالِكٍ الْأَشْجَعِيُّ عَنْ أَبِي حَازِمٍ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ وَأَبُو مَالِكٍ عَنْ رَبِيعٍ عَنْ حَدِيثَةٍ قَالَا قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَجْمَعُ اللَّهُ تَبَارَكَ وَتَعَالَى النَّاسَ فَيَقُومُ الْمُؤْمِنُونَ حَتَّى تُزَلْفَ لَهُمُ الْجَنَّةُ فَيَأْتُونَ آدَمَ فَيَقُولُونَ يَا أَبَانَا اسْتَفْتِحْ لَنَا الْجَنَّةَ فَيَقُولُ وَهَلْ أَخْرَجَكُمُ مِنَ الْجَنَّةِ إِلَّا خَطِيئَةَ أَبِيكُمْ آدَمَ لَسْتُ بِصَاحِبِ ذَلِكَ أَذْهَبُوا إِلَى ابْنِي إِبْرَاهِيمَ خَلِيلِ اللَّهِ قَالَ فَيَقُولُ إِبْرَاهِيمُ لَسْتُ بِصَاحِبِ ذَلِكَ إِنَّمَا كُنْتُ خَلِيلًا مِنْ وَرَاءَ وَرَاءَ أَعْمَدُوا إِلَى مُوسَى صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الَّذِي كَلَّمَهُ اللَّهُ تَكْلِيمًا فَيَأْتُونَ مُوسَى صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَيَقُولُ لَسْتُ بِصَاحِبِ ذَلِكَ أَذْهَبُوا إِلَى عِيسَى كَلَّمَهُ اللَّهُ وَرُوحَهُ فَيَقُولُ عِيسَى صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَسْتُ بِصَاحِبِ ذَلِكَ فَيَأْتُونَ مُحَمَّدًا صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَيَقُومُ فَيُؤَدِّنُ لَهُ وَتُرْسَلُ الْأَمَانَةُ وَالرَّحِمُ فَتَقُومَانِ حَبَّتَيْ الصَّرَاطِ يَمِينًا وَشِمَالًا فَيَمُرُّ أَوْلَاكُمْ كَالْبُرْقِ قَالَ قُلْتُ يَا بِي أَنْتَ وَأُمِّي أَيُّ شَيْءٍ كَمَرَّ الْبُرْقِ قَالَ أَلَمْ تَرَوْا إِلَى الْبُرْقِ كَيْفَ يَمُرُّ وَيَرْجِعُ فِي طَرْفَةِ عَيْنٍ ثُمَّ كَمَرَّ الرِّيحُ ثُمَّ كَمَرَّ الطَّيْرُ وَشَدَّ الرَّجُلُ تَجْرِي بِهِمْ أَعْمَالُهُمْ وَنَبِيِّكُمْ فَانْتَمَ عَلَى الصَّرَاطِ يَقُولُ رَبِّ سَلِّمْ وَسَلِّمْ حَتَّى تَعْجَزَ أَعْمَالُ الْعِبَادِ حَتَّى يَجِيءَ الرَّجُلُ فَلَا يَسْتَطِيعُ السَّيْرَ إِلَّا زَحْفًا قَالَ وَفِي حَافَتِي الصَّرَاطِ كَلَالِيبٌ مُعَلَّقَةٌ مَأْمُورَةٌ بِأَخْذِ مَنْ أَمَرَتْ بِهِ فَمَخْدُوشٌ نَاجٍ وَمَكْدُوسٌ فِي النَّارِ وَالَّذِي نَفْسُ أَبِي هُرَيْرَةَ بِيَدِهِ إِنَّ قَعْرَ جَهَنَّمَ لَسَبْعُونَ حَرِيفًا

377/16. Рибъий ва Ҳузайфа розийаллоҳу анҳумодан ривоят қилинади. «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ таоло одамларни жамлаганда мўминлар (Унинг ҳузуринда) туришса, уларга жаннат яқинлаштирилади. Улар (жаннатга яқин туриб кира олишмагач), Одам алайҳиссалом ҳузурларига бориб: «Эй отажон! Жаннат очилишини сўраб беринг», дейишса, Одам алайҳиссалом: «Сизларни жаннатдан чиқарган нарса отангиз Одамнинг хатоси эмасми? Мен бунинг учун ҳақдор эмасман. Сизлар Аллоҳнинг дўсти ўғлим Иброҳим ҳузурларига боринглар», деб айтадилар. (Улар Иброҳим алайҳиссалом одиларига боришса), Иброҳим алайҳиссалом: «Мен Аллоҳнинг дўсти бўлсам ҳам, бунга лойиқ эмасман. Сизлар ортимдаги (пайғамбарлар ҳузуринга боринглар). Мусога суянинглар, чунки у Аллоҳ билан (воситасиз) гаплашган», деб айтсалар, улар Мусо алайҳиссалом ҳузурларига келишса, Мусо алайҳиссалом: «Мен бу нарсага лойиқ эмасман, сизлар Аллоҳнинг калимаси ва руҳи бўлган Исо алайҳиссалом ҳузурларига боринглар», деб айтадилар. (Улар Исо алайҳиссалом ҳузурларига келишса), бу зот ҳам: «Мен бунга лойиқ эмасман», деб айтадилар. Кейин улар Муҳаммад алайҳиссалом ҳузурларига келишади. Мен тек турсам, менга изн берилади. Омонат ва қариндош-уруғчилик ришталари юборилади. У икки ришта сирот кўпригининг икки ёнида, яъни ўнг ва чап томонида туради. Сизларнинг аввалингиз чақмоқ каби ўтади», деб айтганларида, мен: «Отанам сизга фидо бўлсин, қайси нарса чақмоқ каби ўтади?» десам, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Чақмоқнинг қай даражада тез ўтиб, кўз юмиб-очгунчалик фурсатда қайтишини кўрмаганмисизлар? Сўнгра шамол каби, сўнгра қуш каби ўтишади. Одамларнинг юриши амалларига қараб бўлади.

Набийларингиз эса сирот кўприги олдида туриб: «Эй Раббим, омонда қил! Омонда қил», деб туради. Ҳаттоки бандаларнинг амаллари ожиз қолиб, иш бермасдан киши юришга қодир бўлмай, судралиб келади. Сирот кўпригининг икки ёнида илгичлар бўлади. Буюрилган кишини илиб олади. Илинмасдан лекин тирналган нажот топиб, илиниб қолган дўзахга тушади», дедилар».

«Абу Ҳурайранинг жони Унинг ядида бўлган Зотга қасамки, жаҳаннамнинг чуқурлиги етмиш йил юриладиган масофақадир», деб айтдилар Абу Ҳурайра.

### 85-боб

#### Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг «Мен жаннатда одамлар ичида биринчи бўлиб шафоат қилувчи ҳамда пайғамбарлар ичида энг кўп эргашилувчисиман», деган сўзлари ҳақида

378 – حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ بْنُ سَعِيدٍ وَإِسْحَاقُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ قَالَ قُتَيْبَةُ حَدَّثَنَا حَرِيرٌ عَنِ الْمُخْتَارِ بْنِ فُلْفُلٍ عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَا أَوْلُ النَّاسِ يَشْفَعُ فِي الْجَنَّةِ وَأَنَا أَكْثَرُ الْأَنْبِيَاءِ تَبَعًا

378/1. Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: «Мен жаннатга одамларнинг биринчиси бўлиб (кирувчиси), шафоат қилувчисиман. Ва яна мен пайғамбарлар ичида энг кўп эргашилувчисиман», дедилар.

379 – وَحَدَّثَنَا أَبُو كُرَيْبٍ مُحَمَّدُ بْنُ الْعَلَاءِ حَدَّثَنَا مُعَاوِيَةُ بْنُ هِشَامٍ عَنْ سُفْيَانَ عَنْ مُخْتَارِ بْنِ فُلْفُلٍ عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَا أَكْثَرُ الْأَنْبِيَاءِ تَبَعًا يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَأَنَا أَوْلُ مَنْ يَفْرَعُ بَابَ الْجَنَّةِ

379/2. Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: «Мен қиёмат куни пайғамбарларнинг ичида кўп эргашилувчиси ва жаннат эшигини биринчи бўлиб тақиллатувчиман», дедилар.

380 – وَحَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ حَدَّثَنَا حُسَيْنُ بْنُ عَلِيٍّ عَنْ زَائِدَةَ عَنِ الْمُخْتَارِ بْنِ فُلْفُلٍ قَالَ قَالَ أَنَسُ بْنُ مَالِكٍ قَالَ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَا أَوْلُ شَفِيعٍ فِي الْجَنَّةِ لَمْ يُصَدِّقْ نَبِيٌّ مِنَ الْأَنْبِيَاءِ مَا صَدَّقْتُ وَإِنَّ مِنَ الْأَنْبِيَاءِ نَبِيًّا مَا يُصَدِّقُهُ مِنْ أُمَّتِهِ إِلَّا رَجُلٌ وَاحِدٌ

380/3. Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: «Мен жаннатга биринчи бўлиб шафоат қилувчиман. Пайғамбарлардан бирортаси (уммати томонидан) мен

каби тасдиқланмаган. Пайғамбарларнинг ичида умматидан фақат бир киши тасдиқлаб иймон келтиргани ҳам бор», дедилар.

381 – وَحَدَّثَنِي عَمْرُو النَّاقِدُ وَزُهَيْرُ بْنُ حَرْبٍ قَالَا حَدَّثَنَا هَاشِمُ بْنُ الْقَاسِمِ حَدَّثَنَا سُلَيْمَانُ بْنُ الْمُغِيرَةِ عَنْ ثَابِتٍ عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ آتِي بَابَ الْحَنَّةِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ فَاسْتَفْتَحْ فَيَقُولُ الْخَازِنُ مَنْ أَنْتَ فَأَقُولُ مُحَمَّدٌ فَيَقُولُ بِكَ أُمِرْتُ لَا أَفْتَحُ لِأَحَدٍ قَبْلَكَ

381/4. Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мен қиёмат куни жаннат эшиги олдига келиб, у ерни очишларини сўрайман. У ер соқчиси: «Сен кимсан?» дейди. Мен: «Муҳаммадман», десам, у: «Сенгагина очишга буюрилганман. Сендан аввал бирор кишига очмайман», дейди», деб айтдилар.

### 86-боб

#### Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дуоларини умматларига шафоат бўлиши учун яшириб қўйганлари ҳақида

382 – حَدَّثَنِي يُونُسُ بْنُ عَبْدِ الْأَعْلَى أَخْبَرَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ وَهْبٍ قَالَ أَخْبَرَنِي مَالِكُ بْنُ أَنَسٍ عَنِ ابْنِ شَهَابٍ عَنْ أَبِي سَلَمَةَ بْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ لِكُلِّ نَبِيٍّ دَعْوَةٌ يَدْعُوهَا فَأُرِيدُ أَنْ أَخْتَبِيَ دَعْوَتِي شَفَاعَةً لَأُمَّتِي يَوْمَ الْقِيَامَةِ

382/1. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳар бир пайғамбарнинг (ижобат этилиши аниқ бўлган) дуоси бор. Мен эса ўша дуони қиёмат куни умматимга шафоат бўлиши учун яшириб қўйишни хоҳладим», дедилар.

383 – وَحَدَّثَنِي زُهَيْرُ بْنُ حَرْبٍ وَعَبْدُ بْنُ حُمَيْدٍ قَالَ زُهَيْرٌ حَدَّثَنَا يَعْقُوبُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ حَدَّثَنَا ابْنُ أَحِيٍّ ابْنِ شَهَابٍ عَنْ عَمِّهِ أَخْبَرَنِي أَبُو سَلَمَةَ بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ أَنَّ أَبَا هُرَيْرَةَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لِكُلِّ نَبِيٍّ دَعْوَةٌ وَأَرَدْتُ أَنْ أَخْتَبِيَ دَعْوَتِي شَفَاعَةً لَأُمَّتِي يَوْمَ الْقِيَامَةِ حَدَّثَنِي زُهَيْرُ بْنُ حَرْبٍ وَعَبْدُ بْنُ حُمَيْدٍ قَالَ زُهَيْرٌ حَدَّثَنَا يَعْقُوبُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ حَدَّثَنَا ابْنُ أَحِيٍّ ابْنِ شَهَابٍ عَنْ عَمِّهِ حَدَّثَنِي عَمْرُو بْنُ أَبِي سُفْيَانَ بْنِ أَسِيدِ بْنِ جَارِيَةَ النَّقْفِيُّ مِثْلَ ذَلِكَ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ

383/2. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳар бир пайғамбарнинг (ижобат этилиши аниқ бўлган) дуоси бор. Мен эса, иншааллоҳ, ўша дуоим қиёмат куни умматимга шафоат бўлиши учун яшириб қўйишни хоҳладим», дедилар.

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган.

384 – وَحَدَّثَنِي حَرْمَلَةُ بْنُ يَحْيَى أَخْبَرَنَا ابْنُ وَهْبٍ أَخْبَرَنِي يُونُسُ عَنِ ابْنِ شَهَابٍ أَنَّ عَمْرَو بْنَ أَبِي سُفْيَانَ بْنِ أَسِيدِ ابْنِ جَارِيَةَ الثَّقَفِيِّ أَخْبَرَهُ أَنَّ أَبَا هُرَيْرَةَ قَالَ لِكَعْبِ الْأَحْبَارِ إِنَّ نَبِيَّ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ لِكُلِّ نَبِيٍّ دَعْوَةٌ يَدْعُوهَا فَأَنَا أُرِيدُ إِنْ شَاءَ اللَّهُ أَنْ أَخْتَبِي دَعْوَتِي شَفَاعَةً لَأُمَّتِي يَوْمَ الْقِيَامَةِ فَقَالَ كَعْبٌ لِأَبِي هُرَيْرَةَ أَنْتَ سَمِعْتَ هَذَا مِنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ أَبُو هُرَيْرَةَ نَعَمْ

384/3. Абу Ҳурайра Каъбул Ахборга: «Албатта Аллоҳнинг набийи: «Ҳар бир пайғамбарнинг (ижобат этилиши аниқ бўлган) дуоси бор. Мен, иншааллоҳ дуоимни қиёмат куни умматимга шафоат бўлиши учун яшириб қўйишни хоҳлайман», деганлар», деб айтганларида, Каъб розийаллоҳу анҳу Абу Ҳурайрага: «Сен буни Расулуллоҳдан эшитганмисан?» дедилар. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу: «Ҳа», деб жавоб бердилар.

385 – حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ وَأَبُو كُرَيْبٍ وَاللَّفْظُ لِأَبِي كُرَيْبٍ قَالَ حَدَّثَنَا أَبُو مُعَاوِيَةَ عَنِ الْأَعْمَشِ عَنْ أَبِي صَالِحٍ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لِكُلِّ نَبِيٍّ دَعْوَةٌ مُسْتَجَابَةٌ فَتَعَجَّلْ كُلُّ نَبِيٍّ دَعْوَتَهُ وَإِنِّي اخْتَبَيْتُ دَعْوَتِي شَفَاعَةً لَأُمَّتِي يَوْمَ الْقِيَامَةِ فَهِيَ نَائِلَةٌ إِنْ شَاءَ اللَّهُ مِنْ مَاتَ مِنْ أُمَّتِي لَا يُشْرِكُ بِاللَّهِ شَيْئًا

385/4. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳар бир пайғамбарнинг ижобат қилиниши (аниқ бўлган) дуоси бордир. Барча пайғамбарлар ўша дуони айтишда шошқалоқликка йўл қўйишган. Мен эса қиёмат куни умматимга шафоат бўлиши учун яшириб қўйдим. Ким умматимдан Аллоҳга бирор нарсани шерик қилмаса, иншааллоҳ, ўша дуо (натижаси)га эришади», дедилар.

386 – حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ بْنُ سَعِيدٍ حَدَّثَنَا جَرِيرٌ عَنْ عُمَارَةَ وَهُوَ ابْنُ الْقَعْقَاعِ عَنْ أَبِي زُرْعَةَ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لِكُلِّ نَبِيٍّ دَعْوَةٌ مُسْتَجَابَةٌ يَدْعُو بِهَا فَيَسْتَجَابُ لَهُ فَيُؤْتَاهَا وَإِنِّي اخْتَبَيْتُ دَعْوَتِي شَفَاعَةً لَأُمَّتِي يَوْمَ الْقِيَامَةِ

386/5. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳар бир пайғамбарнинг ижобат этилиши (аниқ бўлган) дуоси бордир. Ўша дуони айтиб сўраса, ижобат қилиниб, сўраган нарсаси берилади. Мен эса ўша дуони қиёмат куни умматимга шафоат бўлиши учун яшириб қўйдим», дедилар.

387 – حَدَّثَنَا عُبَيْدُ اللَّهِ بْنُ مُعَاذِ الْعَنْبَرِيِّ حَدَّثَنَا أَبِي حَدَّثَنَا شُعْبَةُ عَنْ مُحَمَّدٍ وَهُوَ ابْنُ زِيَادٍ قَالَ سَمِعْتُ أَبَا هُرَيْرَةَ يَقُولُ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لِكُلِّ نَبِيٍّ دَعْوَةٌ دَعَا بِهَا فِي أُمَّتِهِ فَاسْتَجِيبَ لَهُ وَإِنِّي أُرِيدُ إِنْ شَاءَ اللَّهُ أَنْ أُؤَخَّرَ دَعْوَتِي شَفَاعَةً لَأُمَّتِي يَوْمَ الْقِيَامَةِ

387/6. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳар бир пайғамбарнинг уммати учун

қиладиган дуоси бор. Агар ўша дуони қилса, ижобат этилади. Мен эса, худо хоҳласа, дуоимни қиёмат куни умматимга шафоат бўлиши учун кечиктириб қўйдим», дедилар.

388 – حَدَّثَنِي أَبُو غَسَّانَ الْمَسْمَعِيُّ وَمُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى وَابْنُ بَشَّارٍ حَدَّثَانَا وَاللَّفْظُ لِأَبِي غَسَّانَ قَالُوا حَدَّثَنَا مُعَاذُ يَعْنُونَ ابْنَ هِشَامٍ قَالَ حَدَّثَنِي أَبِي عَنْ قَتَادَةَ حَدَّثَنَا أَنَسُ بْنُ مَالِكٍ أَنَّ نَبِيَّ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ لِكُلِّ نَبِيٍّ دَعْوَةٌ دَعَاهَا لِأُمَّتِهِ وَإِنِّي اخْتَبَأْتُ دَعْوَتِي شَفَاعَةً لِأُمَّتِي يَوْمَ الْقِيَامَةِ  
وَحَدَّثَنِيهِ زُهَيْرُ بْنُ حَرْبٍ وَابْنُ أَبِي خَلْفٍ قَالَ حَدَّثَنَا رَوْحٌ حَدَّثَنَا شُعْبَةُ عَنْ قَتَادَةَ بِهَذَا الْإِسْنَادِ ح وَحَدَّثَنَا أَبُو كُرَيْبٍ حَدَّثَنَا وَكَيْعٌ ح وَحَدَّثَنِيهِ إِبرَاهِيمُ بْنُ سَعِيدٍ الْجَوْهَرِيُّ حَدَّثَنَا أَبُو أُسَامَةَ جَمِيعًا عَنْ مِسْعَرٍ عَنْ قَتَادَةَ بِهَذَا الْإِسْنَادِ غَيْرَ أَنَّ فِي حَدِيثِ وَكَيْعٍ قَالَ قَالَ أُعْطِيَ وَفِي حَدِيثِ أَبِي أُسَامَةَ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ  
وَحَدَّثَنِي مُحَمَّدُ بْنُ عَبْدِ الْأَعْلَى حَدَّثَنَا الْمُعْتَمِرُ عَنْ أَبِيهِ عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ أَنَّ نَبِيَّ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ فَذَكَرَ نَحْوَ حَدِيثِ قَتَادَةَ عَنْ أَنَسٍ

388/7. Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳар бир пайғамбарнинг уммати учун қиладиган дуоси бор. Мен эса ўша дуони қиёмат куни умматимга шафоат бўлиши учун яшириб қўйдим», дедилар.

Қатодадан ҳам худди шу санадаги ҳадис ривоят қилинган, фақат «ўша дуо берилинган» бўлиб келган.

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган.

389 – وَحَدَّثَنِي مُحَمَّدُ بْنُ أَحْمَدَ بْنِ أَبِي خَلْفٍ حَدَّثَنَا رَوْحٌ حَدَّثَنَا ابْنُ جُرَيْجٍ قَالَ أَخْبَرَنِي أَبُو الزُّبَيْرِ أَنَّهُ سَمِعَ جَابِرَ ابْنَ عَبْدِ اللَّهِ يَقُولًا عَنْ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لِكُلِّ نَبِيٍّ دَعْوَةٌ قَدْ دَعَا بِهَا فِي أُمَّتِهِ وَخَبَأْتُ دَعْوَتِي شَفَاعَةً لِأُمَّتِي يَوْمَ الْقِيَامَةِ

389/8. Жобир ибн Абдуллоҳ розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳар бир набийнинг уммати учун қиладиган дуоси бор. Мен эса қиёмат куни умматимга шафоат бўлиши учун уни беркитиб қўйдим», дедилар.

## 87-боб

### Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг умматлари учун дуо қилиб, уларга меҳрибонлик билан йиғлашлари ҳақида

390 – حَدَّثَنِي يُونُسُ بْنُ عَبْدِ الْأَعْلَى الصَّدْفِيُّ أَخْبَرَنَا ابْنُ وَهْبٍ قَالَ أَخْبَرَنِي عَمْرُو بْنُ الْحَارِثِ أَنَّ بَكْرَ بْنَ سَوَادَةَ حَدَّثَهُ عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ حُبَيْرٍ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو بْنِ الْعَاصِ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ تَلَا قَوْلَ اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ فِي إِبرَاهِيمَ ( رَبِّ إِنِّي هُنَّ أَضَلُّنَّ كَثِيرًا مِنْ النَّاسِ فَمَنْ تَبِعَنِي فَإِنَّهُ مِنِّي ) الْآيَةَ وَقَالَ عِيسَى عَلَيْهِ السَّلَامُ ( إِنَّ تُعَذِّبُهُمْ فَإِنَّهُمْ عِبَادُكَ وَإِنْ تَغْفِرْ لَهُمْ فَإِنَّكَ أَنْتَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ ) فَرَفَعَ يَدَيْهِ وَقَالَ اللَّهُمَّ أُمَّتِي أُمَّتِي وَبِكِي فَقَالَ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ يَا جَبْرِيْلُ اذْهَبْ إِلَى مُحَمَّدٍ وَرَبِّكَ أَعْلَمُ فَسَلِّ مَا يُبْكِيكَ فَأَتَاهُ

جَبْرِيلُ عَلَيْهِ السَّلَامُ فَسَأَلَهُ فَأَخْبَرَهُ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِمَا قَالَ وَهُوَ أَعْلَمُ فَقَالَ اللَّهُ يَا جَبْرِيلُ اذْهَبْ إِلَى مُحَمَّدٍ فَقُلْ إِنَّا سَنُرْضِيكَ فِي أُمَّتِكَ وَلَا نَسُوءُكَ

390/1. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осс розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Иброҳим алайҳиссалом ҳақларидаги Аллоҳнинг: «Парвардигорим, у бутлар кўпдан-кўп одамларни йўлдан оздирдилар. Бас, ким менга эргашса, ўша мендандир» ояти ва Исо алайҳиссалом ҳақларидаги: «Агар уларни азобласанг, улар Сенинг ожиз бандаларинг. Агар уларни мағфират қилсанг, албатта Сен Ўзинг қудрат, ҳикмат эгасидирсан» оятларини тиловат қилиб қўлларини кўтардилар-да, «Аллоҳим умматим, умматим», деб йиғладилар. Аллоҳ таоло: «Эй Жаброил! Муҳаммад алайҳиссалом ҳузурларига боринг. Раббингиз у кишининг ҳолларини билувчи бўлса ҳам, сўранг-чи, у зотни нима йиғлатмоқда экан?» деганида, Жаброил алайҳиссалом бориб сўраганларида, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳ билган нарсанинг хабарини бердилар. Шунда Аллоҳ: «Эй Жаброил, Муҳаммад олдиларига бориб: «Биз умматингиз ҳақидаги нарсада рози этамиз, хафа қилиб қўймаймиз», деб айтинг», деди.

### 88-боб

**Ким куфр ҳолатида вафот этса, шафоатга эришмаслиги ва қариндошларининг қариндошлиги фойда бермаслиги ҳақида**

391 – حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ حَدَّثَنَا عَفَّانُ حَدَّثَنَا حَمَّادُ بْنُ سَلَمَةَ عَنْ ثَابِتٍ عَنْ أَنَسٍ أَنَّ رَجُلًا قَالَ يَا رَسُولَ اللَّهِ أَيْنَ أَبِي قَالَ فِي النَّارِ فَلَمَّا قَفَى دَعَاهُ فَقَالَ إِنَّ أَبِي وَأَبَاكَ فِي النَّارِ

391/1. Анас розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Бир киши: «Эй Аллоҳнинг расули! Менинг отам қаердалар?» деган эди, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Дўзахдадир», дедилар. У орқасига ўгирилиб кетаётган эди, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни чақириб: «Менинг отам ва сенинг отанг дўзахдадир», дедилар.

(Изоҳ: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу сўзлари, яъни оталарини шерик қилишлари тасалли бериш учун эди).

### 89-боб

**Аллоҳнинг каломидаги: «(Эй Муҳаммад алайҳиссалом), яқин қариндош-уруғларингизни (Аллоҳнинг азобидан) огоҳлантиринг» ояти ҳақида**



392 – حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ بْنُ سَعِيدٍ وَزُهَيْرُ بْنُ حَرْبٍ قَالَا حَدَّثَنَا جَرِيرٌ عَنْ عَبْدِ الْمَلِكِ بْنِ عُمَيْرٍ عَنْ مُوسَى بْنِ طَلْحَةَ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ لَمَّا أُنزِلَتْ هَذِهِ الْآيَةُ ( وَأَنْذِرْ عَشِيرَتَكَ الْأَقْرَبِينَ ) دَعَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قُرَيْشًا فَاجْتَمَعُوا فَعَمَّ وَحَصَّ فَقَالَ يَا بَنِي كَعْبِ بْنِ لُؤَيٍّ أَنْتَقِدُوا أَنْفُسَكُمْ مِنَ النَّارِ يَا بَنِي عَبْدِ شَمْسٍ أَنْتَقِدُوا أَنْفُسَكُمْ مِنَ النَّارِ يَا بَنِي عَبْدِ مَنَافٍ أَنْتَقِدُوا أَنْفُسَكُمْ مِنَ النَّارِ يَا بَنِي هَاشِمٍ أَنْتَقِدُوا أَنْفُسَكُمْ مِنَ النَّارِ يَا بَنِي عَبْدِ الْمُطَّلِبِ أَنْتَقِدُوا أَنْفُسَكُمْ مِنَ النَّارِ يَا فَاطِمَةُ أَنْتَقِدِي نَفْسَكَ مِنَ النَّارِ فَإِنِّي لَا أَمْلِكُ لَكُمْ مِنَ اللَّهِ شَيْئًا غَيْرَ أَنَّ لَكُمْ رَحِمًا سَأَبُلْهَا بِبِلَالِهَا وَحَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ عُمَرَ الْفَوَارِيُّ حَدَّثَنَا أَبُو عَوَانَةَ عَنْ عَبْدِ الْمَلِكِ بْنِ عُمَيْرٍ بِهَذَا الْإِسْنَادِ وَحَدِيثُ جَرِيرٍ أَتَمُّ وَأَشْبَعُ

392/1. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. «(Эй Муҳаммад алайҳиссалом), яқин қариндош-уруғларингизни (Аллоҳнинг азобидан) огоҳлантиринг» ояти нозил бўлганида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қурайшни чақирган эдилар, умумий ва хос (қариндош)лар жамланишди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эй Каъб ибн Луай болалари, жонларингизни дўзахдан сақланглар. Эй Мурра ибн Каъб болалари, жонларингизни дўзахдан сақланглар. Эй Абдушшамс болалари, жонларингизни дўзахдан сақланглар. Эй Абдуманноф болалари, жонларингизни дўзахдан асранглар. Эй Ҳошим болалари, жонларингизни дўзахдан қутқаринглар. Эй Абдулмутталиб болалари, жонларингизни дўзахдан сақланглар. Эй Фотима, жонингни дўзахдан қутқар, чунки мен Аллоҳ (нинг азобидан) бирор нарсани сендан даф этишга қодир эмасман, лекин сизлар билан қариндошлик ришталарим борки, мен ўша ришта билан сизларни (бироз) сийлайман», дедилар.

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган.

393 – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ نُمَيْرٍ حَدَّثَنَا وَكَيْعٌ وَيُونُسُ بْنُ بُكَيْرٍ قَالَا حَدَّثَنَا هِشَامُ بْنُ عُرْوَةَ عَنْ أَبِيهِ عَنْ عَائِشَةَ قَالَتْ لَمَّا نَزَلَتْ ( وَأَنْذِرْ عَشِيرَتَكَ الْأَقْرَبِينَ ) قَامَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَى الصَّفَا فَقَالَ يَا فَاطِمَةُ بِنْتُ مُحَمَّدٍ يَا صَفِيَّةُ بِنْتُ عَبْدِ الْمُطَّلِبِ يَا بَنِي عَبْدِ الْمُطَّلِبِ لَا أَمْلِكُ لَكُمْ مِنَ اللَّهِ شَيْئًا سَلُونِي مِنْ مَالِي مَا شِئْتُمْ

393/2. Оиша розийаллоҳу анҳодан ривоят қилинади. «(Эй Муҳаммад), яқин қариндош-уруғларингизни (Аллоҳнинг азобидан) огоҳлантиринг» ояти нозил бўлганида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўринларидан туриб Сафо тепалигига чиқдилар-да: «Эй Фотима бинти Муҳаммад, эй Сафийя бинти Абдулмутталиб, эй Абдулмутталиб болалари! Мен Аллоҳнинг (азобидан) бирортасини сизлардан даф этишга қодир эмасман. Аммо молимдан хоҳлаганингизча сўрайверинглар», деб айтдилар.

394 – وَحَدَّثَنِي حَرَمَلَةُ بْنُ يَحْيَى أَخْبَرَنَا ابْنُ وَهْبٍ قَالَ قَالَ أَخْبَرَنِي يُونُسُ عَنْ ابْنِ شِهَابٍ قَالَ أَخْبَرَنِي ابْنُ الْمُسَيَّبِ وَأَبُو سَلَمَةَ بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ أَنَّ أَبَا هُرَيْرَةَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حِينَ أُنزِلَ عَلَيْهِ ( وَأَنْذِرْ عَشِيرَتَكَ الْأَقْرَبِينَ ) يَا مَعْشَرَ قُرَيْشٍ اشْتَرُوا أَنْفُسَكُمْ مِنَ اللَّهِ لَا أُغْنِي عَنْكُمْ مِنَ اللَّهِ شَيْئًا يَا بَنِي عَبْدِ الْمُطَّلِبِ لَا أُغْنِي عَنْكُمْ مِنَ اللَّهِ شَيْئًا يَا عَبَّاسَ بْنَ عَبْدِ الْمُطَّلِبِ لَا أُغْنِي

عَنْكَ مِنَ اللَّهِ شَيْئًا يَا صَفِيَّةُ عَمَّةَ رَسُولِ اللَّهِ لَا أُغْنِي عَنْكَ مِنَ اللَّهِ شَيْئًا

وَحَدَّثَنِي عَمْرُو النَّاقِدُ حَدَّثَنَا مُعَاوِيَةُ بْنُ عَمْرٍو حَدَّثَنَا زَائِدَةُ حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ ذَكْوَانَ عَنِ الْأَعْرَجِ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَحْوَ هَذَا

394/3. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга «(Эй Муҳаммад алайҳиссалом), яқин қариндош-уруғларингизни (Аллоҳнинг азобидан) огоҳлантиринг» ояти нозил бўлганида: «Эй Қурайш жамоаси! Жонларингизни Аллоҳнинг (азобидан сақлаш учун) сотиб олинглар. Аллоҳнинг (азобидан) бирортасини сиздан тўса олмайман. Эй Абдулмутталиб болалари! Аллоҳнинг (азобидан) бирортасини сизлардан тўса олмайман. Эй Аббос ибн Абдулмутталиб, Аллоҳнинг (азобидан) бирортасини сизлардан тўса олмайман. Эй Аллоҳ расулининг аммаси Сафийя, сиздан Аллоҳнинг (азобидан) бирортасини тўса олмайман. Эй Аллоҳ расулининг қизи Фотима! Хоҳлаган нарсангни сўрайвер, лекин Аллоҳнинг (азобидан) бирортасини сендан тўса олмайман», дедилар.

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган.

395 – حَدَّثَنَا أَبُو كَامِلٍ الْجَحْدَرِيُّ حَدَّثَنَا يَزِيدُ بْنُ زُرَيْعٍ حَدَّثَنَا التَّيْمِيُّ عَنْ أَبِي عَثْمَانَ عَنْ قَبِيصَةَ بْنِ الْمُخَارِقِ وَزُهَيْرِ بْنِ عَمْرٍو قَالَا لَمَّا نَزَلَتْ ( وَأَنْذِرْ عَشِيرَتَكَ الْأَقْرَبِينَ ) قَالَ انْطَلَقَ نَبِيُّ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِلَى رَضْمَةَ مِنْ جَبَلِ فَعْلَا أَعْلَاهَا حَجْرًا ثُمَّ نَادَى يَا بَنِي عَبْدِ مَنَافَةَ إِنِّي نَذِيرٌ إِنَّمَا مِثْلِي وَمِثْلَكُمْ كَمِثْلِ رَجُلٍ رَأَى الْعَدُوَّ فَانْطَلَقَ يَرْبُأُ أَهْلَهُ فَخَشِيَ أَنْ يَسْبِقُوهُ فَجَعَلَ يَهْتَفُ يَا صَبَاحَاهُ

وَحَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ عَبْدِ الْأَعْلَى حَدَّثَنَا الْمُعْتَمِرُ عَنْ أَبِيهِ حَدَّثَنَا أَبُو عَثْمَانَ عَنْ زُهَيْرِ بْنِ عَمْرٍو وَقَبِيصَةَ بْنِ مُخَارِقٍ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِنَحْوِهِ

395/4. Қабийса ибн Муҳориқ ва Зуҳайр ибн Амрлардан қилинган ривоятда келтирилишича, «(Эй Муҳаммад алайҳиссалом), яқин қариндош-уруғларингизни (Аллоҳнинг азобидан) огоҳлантиринг» ояти нозил бўлганида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам устма-уст тошлардан иборат тоғдаги харсанг тош устига чиқиб: «Эй Абдуманноф болалари! Мен сизларни огоҳлантирувчиман. Мен билан сизларнинг мисолингиз худди душманни кўргач, ўз аҳлининг босиб олинишидан кўрқиб, уларни сақлаб қолиш учун диққат, диққат, деб қичқирган кишига ўхшайди», дедилар.

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган.

396 – وَحَدَّثَنَا أَبُو كُرَيْبٍ مُحَمَّدُ بْنُ الْعَلَاءِ حَدَّثَنَا أَبُو أُسَامَةَ عَنِ الْأَعْمَشِ عَنْ عَمْرِو بْنِ مُرَّةَ عَنْ سَعِيدِ بْنِ جُبَيْرٍ عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ قَالَ لَمَّا نَزَلَتْ هَذِهِ الْآيَةُ ( وَأَنْذِرْ عَشِيرَتَكَ الْأَقْرَبِينَ ) وَرَهْطُكَ مِنْهُمْ الْمُخْلِصِينَ خَرَجَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حَتَّى صَعَدَ الصَّفَا فَهَتَفَ يَا صَبَاحَاهُ فَقَالُوا مَنْ هَذَا الَّذِي يَهْتَفُ قَالُوا مُحَمَّدٌ فَاجْتَمَعُوا إِلَيْهِ فَقَالَ يَا بَنِي فَلَانَ يَا بَنِي فَلَانَ يَا بَنِي عَبْدِ مَنَافٍ يَا بَنِي عَبْدِ الْمُطَّلِبِ فَاجْتَمَعُوا إِلَيْهِ فَقَالَ أَرَأَيْتُمْ لَوْ أَنْجَبْتُكُمْ لَوْ أَنْجَبْتُكُمْ أَنْ خِيَلًا تَخْرُجُ بِسَفْحِ هَذَا الْجَبَلِ أَكُنْتُمْ مُصَدِّقِي قَالُوا مَا حَرَبْنَا عَلَيْكَ كَذِبًا قَالَ فَإِنِّي نَذِيرٌ لَكُمْ بَيْنَ يَدَيَّ عَذَابٍ شَدِيدٍ قَالَ فَقَالَ أَبُو لَهَبٍ تَبًّا لَكَ أَمَا جَمَعْتَنَا إِلَّا لِهَذَا ثُمَّ قَامَ فَتَنَزَلَتْ هَذِهِ السُّورَةُ تَبَّتْ يَدَا أَبِي لَهَبٍ وَقَدْ تَبَّ كَذَا قَرَأَ الْأَعْمَشُ إِلَى آخِرِ السُّورَةِ

وَحَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ وَأَبُو كُرَيْبٍ قَالَ حَدَّثَنَا أَبُو مُعَاوِيَةَ عَنِ الْأَعْمَشِ بِهَذَا الْإِسْنَادِ قَالَ صَعَدَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ذَاتَ يَوْمٍ الصَّفَا فَقَالَ يَا صَبَاحَاهُ بِنَحْوِ حَدِيثِ أَبِي أُسَامَةَ وَلَمْ يَذْكُرْ نَزُولَ الْآيَةِ ( وَأَنْذِرْ عَشِيرَتَكَ الْأَقْرَبِينَ )

396/5. Ибн Аббос розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. «(Эй Муҳаммад алайҳиссалом), яқин қариндош-уруғларингизни (Аллоҳнинг азобидан) огоҳлантиринг», «... ва мухлис қариндошларингизни огоҳлантиринг» ояти нозил бўлганида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам (уйларидан) чиқиб, Сафо тепалигига кўтарилдилар-да: «Диққат! Диққат!» деб қичқирдилар. Атрофдагилар: «Бу бақираётган киши ким?» дейишган эди, билган кишилар: «Муҳаммад», дейишди. Ҳамма тўпланган эди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эй фалончи болалари! Эй пистончи болалари! Эй фалончи болалари! Эй Абдуманноф болалари! Эй Абдулмутталиб болалари!» дедилар. Барчалари у зотнинг атрофларига жамланди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Менга қаранглар, агар мана шу тоғнинг тагидан отлиқлар (бостириб) чиқмоқда, десам, сўзимни тасдиқлайсизларми?» деган эдилар, улар: «Биз ёлғон гапирганингизни билмаймиз», дейишди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мен сизларни яқинда турган қаттиқ азобдан огоҳлантираман», дедилар. Буни эшитган Абу Лаҳаб: «Бизни фақат шунинг ўзига жамладингми?» деб ўрнидан туриб кетди. Шунда «Абу Лаҳабнинг қўллари қуригай. (Аниқки), у қуриди» ояти нозил бўлди.

Аъмаш сурани «Таббат ядаа Аби лаҳаб»,ни ўқиб, ҳақиқатда қуриди» деб айтдилар.

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган, лекин «Яқин қариндош-уруғларингизни огоҳлантиринг» ояти зикр қилинмаган.

## 90-боб

**Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Толибни шафоат қилганлари сабабли у зотдан (азобнинг) енгил бўлиши ҳақида**

397 – وَحَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ عُمَرَ الْقَوَارِيرِيُّ وَمُحَمَّدُ بْنُ أَبِي بَكْرٍ الْمُقَدَّمِيُّ وَمُحَمَّدُ بْنُ عَبْدِ الْمَلِكِ الْأَمَوِيُّ قَالُوا حَدَّثَنَا أَبُو عَوَانَةَ عَنْ عَبْدِ الْمَلِكِ بْنِ عُمَيْرٍ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ الْحَارِثِ بْنِ تَوْفَلٍ عَنِ الْعَبَّاسِ بْنِ عَبْدِ الْمُطَّلِبِ أَنَّهُ قَالَ يَا رَسُولَ اللَّهِ هَلْ نَفَعَتْ أَبَا طَالِبٍ بِشَيْءٍ فَإِنَّهُ كَانَ يَحُوطُكَ وَيَعْضَبُ لَكَ قَالَ نَعَمْ هُوَ فِي ضَحْضَاحٍ مِنْ نَارٍ وَلَوْلَا أَنَا لَكَانَ فِي الدَّرَكِ الْأَسْفَلِ مِنَ النَّارِ

397/1. Аббос ибн Абдулмутталиб розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Бу зот: «Эй Аллоҳнинг расули! Абу Толибга бирор нарсада фойда бера оласизми? Чунки у киши сизни ҳимоя қилиб, душманларингизга қаҳр-ғазаб қилардилар», деганларида, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳа, у киши дўзахнинг саъз еридадирлар. Агар (шафоатим) бўлмаганида дўзахнинг тубида бўлардилар», деб айтдилар.

398 – حَدَّثَنَا ابْنُ أَبِي عُمَرَ حَدَّثَنَا سُفْيَانُ عَنْ عَبْدِ الْمَلِكِ بْنِ عُمَيْرٍ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ الْحَارِثِ قَالَ سَمِعْتُ الْعَبَّاسَ يَقُولًا قُلْتُ يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنَّ أَبَا طَالِبٍ كَانَ يَحُوطُكَ وَيَنْصُرُكَ فَهَلْ نَفَعَهُ ذَلِكَ قَالَ نَعَمْ وَحَدَّثَهُ فِي غَمَرَاتٍ مِنَ النَّارِ فَأَخْرَجْتُهُ إِلَى ضَحْضَاحٍ وَحَدَّثَنِي مُحَمَّدُ بْنُ حَاتِمٍ حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ سَعِيدٍ عَنْ سُفْيَانَ قَالَ حَدَّثَنِي عَبْدُ الْمَلِكِ بْنُ عُمَيْرٍ قَالَ حَدَّثَنِي عَبْدُ اللَّهِ بْنُ الْحَارِثِ قَالَ أَخْبَرَنِي الْعَبَّاسُ بْنُ عَبْدِ الْمُطَّلِبِ ح وَحَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ حَدَّثَنَا وَكَيْعٌ عَنْ سُفْيَانَ بِهَذَا الْإِسْنَادِ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِنَحْوِ حَدِيثِ أَبِي عَوَانَةَ

398/2. Абдуллоҳ ибн Ҳорис розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Аббос: «Эй Аллоҳнинг расули! Абу Толиб сизни ҳимоя қилиб, сизга ёрдам берардилар. Бу қилган яхшиликлари наф берадими?» деганларида, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳа, у зот дўзахнинг энг тагида эдилар, мен у зотни дўзахнинг саъз жойига чиқариб қўйдим», дедилар.

Суфён розийаллоҳу анҳу ҳам юқоридаги мазмунда ҳадис ривоят қилганлар.

399 – وَحَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ بْنُ سَعِيدٍ حَدَّثَنَا لَيْثٌ عَنْ ابْنِ الْهَادِ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ حَبَّابٍ عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ذَكَرَ عِنْدَهُ عَمَّهُ أَبُو طَالِبٍ فَقَالَ لَعَلَّهُ تَنْفَعُهُ شَفَاعَتِي يَوْمَ الْقِيَامَةِ فَيَجْعَلُ فِي ضَحْضَاحٍ مِنْ نَارٍ يَبْلُغُ كَعْبِيهِ يَغْلِي مِنْهُ دِمَاغُهُ

399/3. Абу Саид ал-Худрий розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларида амакилари Абу Толиб зикр қилинганида, у зот: «Шоядки, қиёмат куни шафоатим сабабли дўзахнинг энг саъз ерига, яъни олов оёқнинг ошиғ қисмига етиб, иссиғидан мия қайнайдиган жойига чиқариб қўйилса», дедилар.

## 91-боб

### Дўзах аҳли азобланишининг энг енгили ҳақида

400 – حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ أَبِي بُكَيْرٍ حَدَّثَنَا زُهَيْرُ بْنُ مُحَمَّدٍ عَنْ سُهَيْلِ بْنِ أَبِي صَالِحٍ عَنِ النَّعْمَانَ بْنِ أَبِي عَيَّاشٍ عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ إِنَّ أَدْنَى أَهْلِ النَّارِ عَذَابًا يَنْتَعِلُ بِنَعْلَيْنِ مِنْ نَارٍ يَغْلِي دِمَاغَهُ مِنْ حَرَارَةِ نَعْلَيْهِ

400/1. Абу Саид ал-Худрий розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Дўзах аҳли ичида азоби энг энгил кишига оловдан бўлган икки кавуш кийгизилади. Ўша кавушидаги ҳарорат сабабли мияси қайнайди», дедилар.

401 – وَحَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ حَدَّثَنَا عَفَّانُ حَدَّثَنَا حَمَّادُ بْنُ سَلَمَةَ حَدَّثَنَا ثَابِتٌ عَنْ أَبِي عُثْمَانَ النَّهْدِيِّ عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ أَهْوَنُ أَهْلِ النَّارِ عَذَابًا أَبُو طَالِبٍ وَهُوَ مُتَّعِلٌ بِنَعْلَيْنِ يَغْلِي مِنْهُمَا دِمَاغَهُ

401/2. Ибн Аббос розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Дўзахдаги азоби энг энгил киши Абу Толибдир. У (оловли) икки кавушни кийгани сабабли мияси қайнаб туради», дедилар.

402 – وَحَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى وَابْنُ بَشَّارٍ وَاللَّفْظُ لَابْنِ الْمُثَنَّى قَالَ حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ جَعْفَرٍ حَدَّثَنَا شُعْبَةُ قَالَ سَمِعْتُ أَبَا إِسْحَاقَ يَقُولُ سَمِعْتُ النَّعْمَانَ بْنَ بَشِيرٍ يَخْطُبُ وَهُوَ يَقُولُ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ إِنَّ أَهْوَنَ أَهْلِ النَّارِ عَذَابًا يَوْمَ الْقِيَامَةِ لَرَجُلٌ تَوَضَّعَ فِي أَحْمَصِ قَدَمَيْهِ حِمْرَتَانِ يَغْلِي مِنْهُمَا دِمَاغَهُ

402/3. Абу Исҳоқ розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. «Мен Нўмон ибн Баширнинг қуйидагича хутба айтаётганини эшитдим. У зот: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан қуйидагиларни эшитдим». Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта қиёмат куни дўзах аҳлининг азоб жиҳатидан энг энгили бир кишики, оёғининг ерга тегмайдиган қисмига чўғ қўйилса, шу сабабли мияси қайнайди», дедилар».

403 – وَحَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ حَدَّثَنَا أَبُو أُسَامَةَ عَنِ الْأَعْمَشِ عَنْ أَبِي إِسْحَاقَ عَنِ النَّعْمَانَ بْنِ بَشِيرٍ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِنَّ أَهْوَنَ أَهْلِ النَّارِ عَذَابًا مَنْ لَهُ نَعْلَانِ وَشِرَاكَانِ مِنْ نَارٍ يَغْلِي مِنْهُمَا دِمَاغَهُ كَمَا يَغْلِي الْمَرْجُلُ مَا يَرَى أَنَّ أَحَدًا أَشَدُّ مِنْهُ عَذَابًا وَإِنَّهُ لَأَهْوَنُهُمْ عَذَابًا

403/4. Нўмон ибн Башир розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Дўзахдаги азоби энг энгил киши икки кавуши (бўлган одамдир), кавуш иплари оловдан бўлади. Ўша одамнинг мияси худди қозон каби қайнайди. Бирор киши буни кўрса, азобларнинг энг қаттиғи бўлса керак, деб ўйлайди. Ваҳоланки, у азобларни энг энгилдир», дедилар.

## 92-боб

**Ким кофир ҳолатида ўлса, амали фойда бермаслиги ҳақида**

404 – حَدَّثَنِي أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ حَدَّثَنَا حَفْصُ بْنُ غِيَاثٍ عَنْ دَاوُدَ عَنِ الشَّعْبِيِّ عَنْ مَسْرُوقٍ عَنْ عَائِشَةَ قَالَتْ قُلْتُ يَا رَسُولَ اللَّهِ ابْنُ جُدْعَانَ كَانَ فِي الْجَاهِلِيَّةِ يَصِلُ الرَّحِمَ وَيُطْعِمُ الْمَسْكِينَ فَهَلْ ذَاكَ نَافِعُهُ قَالَ لَا يَنْفَعُهُ إِنَّهُ لَمْ يَقُلْ يَوْمًا رَبِّ اغْفِرْ لِي خَطِيئَتِي يَوْمَ الدِّينِ

404/1. Оиша розийаллоҳу анҳодан ривоят қилинади. «Мен: «Эй Аллоҳнинг расули! Ибн Жудъон исмли шахс жоҳилият даврида ҳам қариндош-уруғчилик ришталарини тиклаб, мискинларга овқат улашар эди, мана шу ишлари унга (охиратда) фойда берадимми?» деганимда, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Фойда бермайди, чунки у бирор кун ҳам «Раббиғфирлий хатийатий явмаддийн», яъни «Раббим, хатоларимни қиёмат кунида кечиргин», деб айтмаган», дедилар».

## 93-боб

**Мўминларнинг бир-бирларига дўст бўлиши, улардан бошқаларнинг эса бу нарсдан узилганлари ҳақида**

405 – حَدَّثَنِي أَحْمَدُ بْنُ حَنْبَلٍ حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ جَعْفَرٍ حَدَّثَنَا شُعْبَةُ عَنْ إِسْمَاعِيلَ بْنِ أَبِي خَالِدٍ عَنْ قَيْسِ بْنِ عَمْرٍو بْنِ الْعَاصِ قَالَ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ جِهَارًا غَيْرَ سِرٍّ يَقُولُ أَلَا إِنَّ آلَ أَبِي يَعْنِي فَلَانًا لَيْسُوا لِي بِأَوْلِيَاءٍ إِنَّمَا وَلِيَّيَ اللَّهُ وَصَالِحُ الْمُؤْمِنِينَ

405/1. Амр ибн Осс розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам пинҳон қилиб эмас, балки жаҳрий ҳолатда: «Огоҳ бўлинглар! Отамнинг яқинларидан фалончи (яъни, Ҳакам ибн Абулосс) менинг дўстим эмас, албатта дўстим Аллоҳ ва солиҳ мўминлардир», дедилар.

## 94-боб

**Бир тоифа мусулмонларнинг ҳисоб-китобсиз ва азобсиз жаннатга киришлари далили ҳақида**

406 – حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ سَلَامٍ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ الْجَمْحِيُّ حَدَّثَنَا الرَّبِيعُ يَعْنِي ابْنَ مُسْلِمٍ عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ زِيَادٍ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ يَدْخُلُ مِنْ أُمَّتِي الْحَنَّةَ سَبْعُونَ أَلْفًا بِغَيْرِ حِسَابٍ فَقَالَ رَجُلٌ يَا رَسُولَ اللَّهِ ادْعُ اللَّهَ أَنْ يَجْعَلَنِي مِنْهُمْ قَالَ اللَّهُ اجْعَلُهُ مِنْهُمْ ثُمَّ قَامَ آخَرَ فَقَالَ يَا رَسُولَ اللَّهِ ادْعُ اللَّهَ أَنْ يَجْعَلَنِي مِنْهُمْ قَالَ سَبَقَكَ بِهَا عَكَاشَةٌ

وَحَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ جَعْفَرٍ حَدَّثَنَا شُعْبَةُ قَالَ سَمِعْتُ مُحَمَّدَ بْنَ زِيَادٍ قَالَ سَمِعْتُ أَبَا هُرَيْرَةَ يَقُولُ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ بِمِثْلِ حَدِيثِ الرَّبِيعِ

406/1. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Умматимдан етмиш минг киши ҳисоб-китобсиз жаннатга киради», деганларида, бир киши: «Эй Аллоҳнинг расули! Аллоҳдан сўраб дуо қилинг, мени ўшалардан қилсин», деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳим, бу кишини ўша жаннатга ҳисоб-китобсиз кирадиганлардан қилгин», дедилар. Бир киши ўрнидан туриб: «Эй Аллоҳнинг расули! Аллоҳга дуо қилинг, мени ҳам ўшалардан қилсин», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бу нарсани сўрашда Уккоша сендан ўзиб кетди», дедилар.

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган.

407 - حَدَّثَنِي حَرَمَلَةُ بْنُ يَحْيَى أَخْبَرَنَا ابْنُ وَهْبٍ قَالَ أَخْبَرَنِي يُوسُفُ عَنْ ابْنِ شَهَابٍ قَالَ حَدَّثَنِي سَعِيدُ بْنُ الْمُسَيْبِ أَنَّ أَبَا هُرَيْرَةَ حَدَّثَهُ قَالَ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ يَدْخُلُ مِنْ أُمَّتِي زُمْرَةٌ هُمْ سَبْعُونَ أَلْفًا تُضِيءُ وَجُوهَهُمْ إِضَاءَةَ الْقَمَرِ لَيْلَةَ الْبَدْرِ قَالَ أَبُو هُرَيْرَةَ فَقَامَ عَكَاشَةُ بْنُ مَحْضَنٍ الْأَسَدِيُّ يَرْفَعُ نَمْرَةً عَلَيْهِ فَقَالَ يَا رَسُولَ اللَّهِ ادْعُ اللَّهَ أَنْ يَجْعَلَنِي مِنْهُمْ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ اجْعَلُهُ مِنْهُمْ ثُمَّ قَامَ رَجُلٌ مِنَ الْأَنْصَارِ فَقَالَ يَا رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ادْعُ اللَّهَ أَنْ يَجْعَلَنِي مِنْهُمْ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ سَبَقَكَ بِهَا عَكَاشَةُ

407/2. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Умматимдан бир жамоа (жаннатга) киради. Улар етмиш минг бўлиб, юзларидан бадр кечасидаги ойнинг нурига ўхшаб зиё таралиб туради», дедилар. Уккоша ибн Миҳсан ал-Асадий ўрнидан туриб, ола-була жундан тўқилган кийимини кўтарди-да: «Эй Аллоҳнинг расули! Менинг ўшалардан бўлишимни Аллоҳдан дуо қилиб сўранг», деганида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳим, Уккошани бу жамоадан қилгин», дедилар. Сўнгра ансорийлардан бир киши: «Эй Аллоҳнинг расули! Менинг ҳам ўшалардан бўлишимни Аллоҳдан сўраб дуо қилинг», деган эди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сўрашда Уккоша сендан ўзиб кетди», дедилар.

408 - وَحَدَّثَنِي حَرَمَلَةُ بْنُ يَحْيَى حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ وَهْبٍ أَخْبَرَنِي حَبِيبَةُ قَالَ حَدَّثَنِي أَبُو يُوسُفَ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ يَدْخُلُ الْجَنَّةَ مِنْ أُمَّتِي سَبْعُونَ أَلْفًا زُمْرَةٌ وَاحِدَةٌ مِنْهُمْ عَلَى صُورَةِ الْقَمَرِ

408/3. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Умматимдан жаннатга етмиш мингтаси

киради. Улар бир жамоа бўлиб, ораларида ой суратидаги кишилар ҳам бор», деб айтдилар.

409 – حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ خَلْفِ الْبَاهِلِيِّ حَدَّثَنَا الْمُعْتَمِرُ عَنْ هِشَامِ بْنِ حَسَّانَ عَنْ مُحَمَّدٍ يَعْنِي ابْنَ سِيرِينَ قَالَ حَدَّثَنِي عِمْرَانُ قَالَ قَالَ نَبِيُّ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَدْخُلُ الْجَنَّةَ مِنْ أُمَّتِي سَبْعُونَ أَلْفًا بَعِيرٍ حِسَابَ قَالُوا وَمَنْ هُمْ يَا رَسُولَ اللَّهِ قَالَ هُمُ الَّذِينَ لَا يَكْتُونُونَ وَلَا يَسْتَرْقُونَ وَعَلَى رَبِّهِمْ يَتَوَكَّلُونَ فَقَامَ عَكَاشَةُ فَقَالَ ادْعُ اللَّهَ أَنْ يَجْعَلَ لِي مِنْهُمْ قَالَ أَنْتَ مِنْهُمْ قَالَ فَقَامَ رَجُلٌ فَقَالَ يَا نَبِيَّ اللَّهُ ادْعُ اللَّهَ أَنْ يَجْعَلَ لِي مِنْهُمْ قَالَ سَبَقَكَ بِهَا عَكَاشَةُ

409/4. Имрон розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Аллоҳнинг набийи Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Умматимдан етмиш мингтаси ҳисоб-китобсиз жаннатга киради», деганларида, саҳобалар: «Эй Аллоҳнинг расули, улар ўзи кимлар?» дейишди. Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Улар (даволанишда) тамға урмайдиган, дам солдирмайдиган ва Раббиларига таваккал қиладиган кишилардир», дедилар. Уккоша ўрнидан туриб: «Менинг ўшалардан бўлишимни Аллоҳдан сўраб дуо қилинг», деганларида, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сен улардансан», дедилар. Ва яна бир киши ўрнидан туриб: «Эй Аллоҳнинг набийи! Менинг ҳам ўшалардан бўлишимни Аллоҳдан сўраб дуо қилинг», деганида, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Буни сўрашда Уккоша ўзиб кетди», дедилар.

410 – حَدَّثَنِي زُهَيْرُ بْنُ حَرْبٍ حَدَّثَنَا عَبْدُ الصَّمَدِ بْنُ عَبْدِ الْوَارِثِ حَدَّثَنَا حَاجِبُ بْنُ عُمَرَ أَبُو حُسَيْنَةَ الثَّقَفِيُّ حَدَّثَنَا الْحَكَمُ بْنُ الْأَعْرَجِ عَنْ عِمْرَانَ بْنِ حُصَيْنٍ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ يَدْخُلُ الْجَنَّةَ مِنْ أُمَّتِي سَبْعُونَ أَلْفًا بَعِيرٍ حِسَابٍ قَالُوا مَنْ هُمْ يَا رَسُولَ اللَّهِ قَالَ هُمُ الَّذِينَ لَا يَسْتَرْقُونَ وَلَا يَتَطَيَّرُونَ وَلَا يَكْتُونُونَ وَعَلَى رَبِّهِمْ يَتَوَكَّلُونَ

410/5. Имрон ибн Ҳусайн розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Умматимдан етмиш мингтаси ҳисоб-китобсиз жаннатга киради», деганларида, саҳобалар: «Улар ўзи кимлар, эй Аллоҳнинг расули?» дейишди. Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Улар дам солдирмайдиган, шумланмайдиган ва тамға урмайдиган ҳамда Раббиларига таваккал қиладиган кишилардир», дедилар.

411 – حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ بْنُ سَعِيدٍ حَدَّثَنَا عَبْدُ الْعَزِيزِ يَعْنِي ابْنَ أَبِي حَازِمٍ عَنْ أَبِي حَازِمٍ عَنْ سَهْلِ بْنِ سَعْدٍ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ لَيَدْخُلَنَّ الْجَنَّةَ مِنْ أُمَّتِي سَبْعُونَ أَلْفًا أَوْ سَبْعُ مِائَةِ أَلْفٍ لَا يَدْرِي أَبُو حَازِمٍ أَيُّهُمَا قَالَ مُتَمَسِكُونَ آخِذٌ بَعْضُهُمْ بَعْضًا لَا يَدْخُلُ أَوْلَهُمْ حَتَّى يَدْخُلَ آخِرُهُمْ وَجُوهُهُمْ عَلَى صُورَةِ الْقَمَرِ لَيْلَةَ الْبَدْرِ

411/6. Саҳл ибн Саъд розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта умматимдан етмиш



мингтаси ёки етти юз мингтаси жаннатга киради. (Ушбу ҳадис ровийларидан бири Абу Ҳозим етмиш мингми, етти юз мингми, билмаганлар.) Уларнинг баъзилари баъзиларини ушлаб олишади. Охиргилари кирмагунича аввалгилари ҳам кирмайди. Уларнинг юзлари бадр кечасидаги ойнанинг суратига ўхшайди», дедилар.

حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ جَعْفَرٍ قَالَ حَدَّثَنَا شُعْبَةُ كِلَاهُمَا عَنْ مَنْصُورٍ بِهَذَا الْإِسْنَادِ وَلَيْسَ فِي حَدِيثِ شُعْبَةَ أَسْبِعُوا  
الْوَضُوءَ وَفِي حَدِيثِهِ عَنْ أَبِي يَحْيَى الْأَعْرَجِ

443/2. Абдуллоҳ ибн Амр розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. «Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга Маккадан Мадинага қайтаётиб, йўлдаги сув устида тўхтасак, қавмдагилар аср вақтига шошиб, таҳоратни ҳам шошқалоқлик билан бажаришди. Биз борсак, уларнинг товонларига сув тегмагани кўриниб қолди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Оёғига сув тегмаган жойларга дўзахдаги энг кучли олов бўлсин. Таҳоратингизни мукаммал қилинглари», деб айтдилар».

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган, лекин «Таҳоратингизни мукаммал қилинглари» сўзи айтилмаган.

444 – حَدَّثَنَا شَيْبَانُ بْنُ فَرُّوخٍ وَأَبُو كَامِلٍ الْجَحْدَرِيُّ جَمِيعًا عَنْ أَبِي عَوَانَةَ قَالَ أَبُو كَامِلٍ  
حَدَّثَنَا أَبُو عَوَانَةَ عَنْ أَبِي بَشْرٍ عَنْ يُونُسَ بْنِ مَاهَكَ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو قَالَ تَخَلَّفَ عَنَّا النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ  
عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي سَفَرٍ سَافَرْنَا فَأَذْرَكْنَا وَقَدْ حَضَرَتْ صَلَاةُ الْعَصْرِ فَجَعَلْنَا نَمْسُحُ عَلَى أَرْجُلِنَا فَنَادَى وَيْلٌ  
لِلْأَعْقَابِ مِنَ النَّارِ

444/3. Абдуллоҳ ибн Амр розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. «Биз сафарга чиққанимизда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам биздан ортда қолдилар. Биз, қачонки, у зотни топганимизда аср вақти кириб қолган эди. Биз (таҳорат қилаётиб) оёқларимизга масҳ тортганимизда, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Товонига сув тегмаганлар учун дўзахдаги энг кучли олов бўлсин», деб нида қилдилар».

445 – حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ سَلَامٍ الْجُمَحِيُّ حَدَّثَنَا الرَّبِيعُ يَعْنِي ابْنَ مُسْلِمٍ عَنْ مُحَمَّدٍ وَهُوَ  
ابْنُ زِيَادٍ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَأَى رَجُلًا لَمْ يَغْسِلْ عَقْبِيهِ فَقَالَ وَيْلٌ لِلْأَعْقَابِ مِنَ  
النَّارِ

445/4. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам товонини ювмаган кишини кўриб: «Товонига (сув етказмаганлар) учун дўзахдаги энг кучли олов бўлсин», дедилар.

446 – حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ وَأَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ وَأَبُو كُرَيْبٍ قَالُوا حَدَّثَنَا وَكَيْعٌ عَنْ شُعْبَةَ عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ زَيْدٍ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّهُ رَأَى قَوْمًا يَتَوَضَّئُونَ مِنَ الْمَطْهَرَةِ فَقَالَ أَسْبِغُوا الْوُضُوءَ فَإِنِّي سَمِعْتُ أَبَا الْقَاسِمِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ وَيْلٌ لِلْعَرَاقِيبِ مِنَ النَّارِ

446/5. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Бу зот сув идишда таҳорат қилаётган қавмни кўриб: «Таҳоратни мукамал қилинглари, чунки мен Абулқосим, яъни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Товон тепасига (сув етказмаганлар учун) дўзахдаги энг кучли олов бўлсин», деб айтганларини эшитганман», дедилар.

447 – حَدَّثَنِي زُهَيْرُ بْنُ حَرْبٍ حَدَّثَنَا جَرِيرٌ عَنْ سُهَيْلٍ عَنْ أَبِيهِ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَيْلٌ لِلْأَعْقَابِ مِنَ النَّارِ

447/6. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Товонига (сув етказмаганлар учун) дўзахдаги энг кучли олов бўлсин», дедилар.

## 10-боб

### Таҳорат қилаётганда таҳорат ўринлари бўлган барча аъзоларга сув етказиш шартлиги ҳақида

448 – حَدَّثَنِي سَلْمَةُ بْنُ شَيْبٍ حَدَّثَنَا الْحَسَنُ بْنُ مُحَمَّدٍ بْنِ أَعْيَنَ حَدَّثَنَا مَعْقِلٌ عَنْ أَبِي الزُّبَيْرِ عَنْ جَابِرٍ أَخْبَرَنِي عُمَرُ ابْنُ الْخَطَّابِ أَنَّ رَجُلًا تَوَضَّأَ فَتَرَكَ مَوْضِعَ ظِفْرِ عَلَى قَدَمِهِ فَأَبْصَرَهُ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ ارْجِعْ فَأَحْسِنْ وَضُوءَكَ فَارْجِعْ ثُمَّ صَلَّى

448/1. Жобир розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. «Умар ибн Хаттоб менга хабар беришларича, бир киши таҳорат олиб, оёғидаги тирноқ ўрнини ювмасдан тарк қилди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қайтиб таҳоратингни чиройлилаб қилгин», дедилар. У киши қайтиб ( таҳоратини қайтадан олди-да), сўнгра намоз ўқиди».

## 11-боб

### Таҳорат суви билан бирга хатоларнинг чиқиб кетиши ҳақида

449 – حَدَّثَنَا سُؤَيْدُ بْنُ سَعِيدٍ عَنْ مَالِكِ بْنِ أَنَسٍ ح وَحَدَّثَنَا أَبُو الطَّاهِرِ وَاللَّفْظُ لَهُ أَخْبَرَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ وَهَبٍ عَنْ مَالِكِ بْنِ أَنَسٍ عَنْ سُهَيْلِ بْنِ أَبِي صَالِحٍ عَنْ أَبِيهِ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ إِذَا تَوَضَّأَ الْعَبْدُ الْمُسْلِمُ أَوْ الْمُؤْمِنُ فَعَسَلَ وَجْهَهُ خَرَجَ مِنْ وَجْهِهِ كُلُّ خَطِيئَةٍ نَظَرَ إِلَيْهَا بَعَيْنَيْهِ مَعَ الْمَاءِ أَوْ مَعَ آخِرِ قَطْرِ الْمَاءِ فَإِذَا غَسَلَ يَدَيْهِ خَرَجَ مِنْ يَدَيْهِ كُلُّ خَطِيئَةٍ كَانَ بَطَشَتْهَا يَدَاهُ مَعَ الْمَاءِ أَوْ مَعَ آخِرِ قَطْرِ الْمَاءِ فَإِذَا غَسَلَ رِجْلَيْهِ خَرَجَتْ كُلُّ خَطِيئَةٍ مَشَتْهَا رِجْلَاهُ مَعَ الْمَاءِ أَوْ مَعَ آخِرِ قَطْرِ الْمَاءِ حَتَّى يَخْرُجَ نَقِيًّا مِنَ الذُّنُوبِ

449/1. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар мусулмон ёки мўмин банда таҳорат қилиб юзини ювса, кўзи билан қараб содир этган барча хатолари сув билан ёки охирги қатра сув билан чиқиб кетади. Агар икки қўлини ювса, қўли билан содир этган барча хатолари сув билан ёки охирги қатра сув билан чиқиб кетади. Агар икки оёғини ювса, оёғи билан содир этган барча хатолари сув билан ёки охирги қатра сув билан бирга чиқиб кетади, ҳаттоки гуноҳлардан пок ҳолда чиқиб кетади», дедилар.

450 – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ مَعْمَرٍ بْنِ رَبِيعٍ الْقَيْسِيُّ حَدَّثَنَا أَبُو هِشَامٍ الْمَخْزُومِيُّ عَنْ عَبْدِ الْوَاحِدِ وَهُوَ ابْنُ زِيَادٍ حَدَّثَنَا عُثْمَانُ بْنُ حَكِيمٍ حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ الْمُنْكَدِرِ عَنْ حُمْرَانَ عَنْ عُثْمَانَ بْنِ عَفَّانَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَنْ تَوَضَّأَ فَأَحْسَنَ الْوُضُوءَ خَرَجَتْ خَطَايَاهُ مِنْ جَسَدِهِ حَتَّى تَخْرُجَ مِنْ تَحْتِ أَظْفَارِهِ

450/2. Усмон ибн Аффон розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким таҳорат қилиб, уни чиройли суратда адо этса, жасадидан хатолари чиқиб кетади, ҳаттоки тирноқлари остидан ҳам чиқиб кетади», дедилар.

### 12-боб

**Таҳорат сабабли ҳосил бўладиган пешона, оёқ ва қўлдаги оқ қашқани узайтириш, яъни таҳорат қилаётганда аъзоларни юқори қисмигача ювиш маҳбублиги ҳақида**

451 – حَدَّثَنِي أَبُو كُرَيْبٍ مُحَمَّدُ بْنُ الْعَلَاءِ وَالْقَاسِمُ بْنُ زَكَرِيَّاءَ بْنِ دِينَارٍ وَعَبْدُ بْنُ حُمَيْدٍ قَالُوا حَدَّثَنَا خَالِدُ بْنُ مَخْلَدٍ عَنْ سُلَيْمَانَ بْنِ بِلَالٍ حَدَّثَنِي عُمَارَةُ بْنُ غَزِيَّةَ الْأَنْصَارِيُّ عَنْ نُعَيْمِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ الْمُجَمِّرِ قَالَ رَأَيْتُ أَبَا هُرَيْرَةَ يَتَوَضَّأُ فَعَسَلَ وَجْهَهُ فَاسْبَغَ الْوُضُوءَ ثُمَّ غَسَلَ يَدَهُ الْيُمْنَى حَتَّى أَشْرَعَ فِي الْعَصْدِ ثُمَّ يَدَهُ الْيُسْرَى حَتَّى أَشْرَعَ فِي الْعَصْدِ ثُمَّ مَسَحَ رَأْسَهُ ثُمَّ غَسَلَ رِجْلَهُ الْيُمْنَى حَتَّى أَشْرَعَ فِي السَّاقِ ثُمَّ غَسَلَ رِجْلَهُ الْيُسْرَى حَتَّى أَشْرَعَ فِي السَّاقِ ثُمَّ قَالَ هَكَذَا رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَتَوَضَّأُ وَقَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْتُمْ الْعُرُّ الْمُحَجَّلُونَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ مِنْ إِسْبَاغِ الْوُضُوءِ فَمَنْ اسْتَطَاعَ مِنْكُمْ فَلْيُطِلْ غُرَّتَهُ وَتَحَجِّبْهُ

451/1. Нуъайм ибн Абдуллоҳ ал-Мужмир розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. «Мен Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳунинг таҳорат олиб, юзларини ювиб, таҳоратни мукаммал қилиб, сўнгра ўнг қўлларини ювиб, ҳатто елкадан билаккача бўлган қисмини ювишга киришганларини кўрдим. Сўнгра чап қўлларини ювиб, ҳатто елкадан билаккача бўлган қисмини ювишга киришиб, сўнгра бошларига масҳ тортиб, кейин ўнг оёқларини ювиб, ҳатто болдирни ҳам ювдилар. Кейин чап оёқларини ювиб, ҳаттоки болдирни ҳам ювганларини кўрдим. Сўнгра Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу: «Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мана шундай таҳорат қилганларини кўрдим», дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сизлар таҳоратни мукаммал қилганингиз учун қиёмат куни пешонаси, оёқ ва қўли оқ қашқа бўлувчисизлар. Сизлардан қайси бирингиз пешонасидаги ва оёқ ҳамда қўлидаги қашқани узун қилишга қодир бўлса, узайтираверсин, яъни аъзоларини тепароқ қисмигача ювиб, оқ қашқасини узайтираверсин», дедилар».

452 – وَحَدَّثَنِي هَارُونُ بْنُ سَعِيدِ الْأَيْلِيُّ حَدَّثَنِي ابْنُ وَهْبٍ أَخْبَرَنِي عَمْرُو بْنُ الْحَارِثِ عَنْ سَعِيدِ بْنِ أَبِي هِلَالٍ عَنْ نُعَيْمِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ أَنَّهُ رَأَى أَبَا هُرَيْرَةَ يَتَوَضَّأُ فَعَسَلَ وَجْهَهُ وَيَدَيْهِ حَتَّى كَادَ يَبْلُغُ الْمَنْكِبَيْنِ ثُمَّ غَسَلَ رِجْلَيْهِ حَتَّى رَفَعَ إِلَى السَّاقَيْنِ ثُمَّ قَالَ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ إِنَّ أُمَّتِي يَأْتُونَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ غُرًّا مُحَجَّلِينَ مِنْ أَثَرِ الْوُضُوءِ فَمَنْ اسْتَطَاعَ مِنْكُمْ أَنْ يُطِيلَ غُرَّتَهُ فَلْيَفْعَلْ

452/2. Нуъайм ибн Абдуллоҳ розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Бу зот: «Абу Ҳурайранинг таҳорат қилиб, юзлари ва қўлларини ювиб, ҳатто елкаларигача сув етказганларини, сўнгра икки оёқларини ювиб, ҳатто болдирларигача сув етказганларини кўрдим. Сўнгра Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Албатта,

умматларим таҳорати изи сабабли қиёмат куни пешонаси, оёқ-қўлларидаги оқ қашқа билан келишади. Сизлардан қайси бирингиз ўша қашқасини узайтиришга қодир бўлса, бажараверсин, яъни аъзоларини тепа қисмигача ювиб қашқасини узайтираверсин», деб айтганларини эшитганман», дедилар», деб айтдилар.

453 - حَدَّثَنَا سُؤَيْدُ بْنُ سَعِيدٍ وَابْنُ أَبِي عُمَرَ جَمِيعًا عَنْ مَرْوَانَ الْفَزَارِيِّ قَالَ ابْنُ أَبِي عُمَرَ حَدَّثَنَا مَرْوَانُ عَنْ أَبِي مَالِكٍ الْأَشْجَعِيِّ سَعْدِ بْنِ طَارِقٍ عَنْ أَبِي حَازِمٍ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ إِنَّ حَوْضِي أَبْعَدُ مِنْ أَيْلَةٍ مِنْ عَدَنٍ لَهُوَ أَشَدُّ بَيَاضًا مِنَ النَّلَجِ وَأَحْلَى مِنَ الْعَسَلِ بِاللَّبَنِ وَلَا نَيْتُهُ أَكْثَرُ مِنْ عَدَدِ النُّجُومِ وَإِنِّي لِأَصْدُ النَّاسَ عَنْهُ كَمَا يَصْدُ الرَّجُلُ إِبِلَ النَّاسِ عَنْ حَوْضِهِ قَالُوا يَا رَسُولَ اللَّهِ أَتَعْرِفُنَا يَوْمَئِذٍ قَالَ نَعَمْ لَكُمْ سِيمَا لَيْسَتْ لِأَحَدٍ مِنَ الْأُمَّمِ تَرِدُونَ عَلَيَّ غُرًّا مُحَجَّلِينَ مِنْ أَثَرِ الْوُضُوءِ

453/3. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта ҳавзим Айла шаҳри билан Адан шаҳри оралиғидаги масофадан ҳам узоқроқдир. У ҳавз қордан оқ, асал, сутдан мазалидир. Идишлари юлдуз ададидан ҳам кўпроқдир. Мен одамларни ўша ҳавзга тушишдан худди киши одамларнинг туясини сув ҳавзасига тушишидан тўсгани каби тўсаман», деганларида, саҳобалар: «Эй Аллоҳнинг расули! Ўша куни бизни танийсизми?» дейишди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳа, танийман. Ўша куни сизларда бир сиймо бўлади, у сиймо бошқа умматлардан бирортасида бўлмайди. Сизлар менинг ҳавзимга таҳорат излари сабабли пайдо бўлган оқ қашқаларингиз билан тушасизлар», дедилар.

454 - وَحَدَّثَنَا أَبُو كُرَيْبٍ وَوَأَصِلُ بْنُ عَبْدِ الْأَعْلَى وَاللَّفْظُ لِوَأَصِلٍ قَالَا حَدَّثَنَا ابْنُ فَضَيْلٍ عَنْ أَبِي مَالِكٍ الْأَشْجَعِيِّ عَنْ أَبِي حَازِمٍ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ تَرِدُ عَلَيَّ أُمَّتِي الْحَوْضَ وَأَنَا أَذُودُ النَّاسَ عَنْهُ كَمَا يَذُودُ الرَّجُلُ إِبِلَ الرَّجُلِ عَنْ إِبِلِهِ قَالُوا يَا نَبِيَّ اللَّهِ أَتَعْرِفُنَا قَالَ نَعَمْ لَكُمْ سِيمَا لَيْسَتْ لِأَحَدٍ غَيْرِكُمْ تَرِدُونَ عَلَيَّ غُرًّا مُحَجَّلِينَ مِنْ أَثَرِ الْوُضُوءِ وَلْيَصِدَّنَّ عَنِّي طَائِفَةٌ مِنْكُمْ فَلَا يَصِلُونَ فَأَقُولُ يَا رَبِّ هَؤُلَاءِ مِنْ أَصْحَابِي فَيَجِئُنِي مَلَكٌ فَيَقُولُ وَهَلْ تَدْرِي مَا أَحَدْتُوا بَعْدَكَ

454/4. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Умматларим менинг ҳавзимга тушганларида бошқа одамларнинг худди бир киши бошқа кишиларнинг туясини (сув ичишдан) тўсиб ҳайдагани каби мен ҳам ҳайдайман», деганларида, саҳобалар: «Эй Аллоҳнинг набийси! Бизни танийсизми?» дейишди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳа, танийман! Сизларда ўша куни бир сиймо бўлиб, сизлардан бошқаларда у бўлмайди. Таҳорат изи сабабли содир бўлган оқ қашқа билан (ҳавзимга) тушасизлар. Сизлардан бўлган бир тоифа (ҳавзимга) тушишдан тўсилгани учун етиб кела олишмайди. Мен: «Эй Раббим! Булар менинг асҳобларимдан-ку?» десам, бир фаришта жавоб бериб: «Сендан кейин улар нималар қилишганини биласанми?» деб айтади», дедилар.

455 - وَحَدَّثَنَا عُثْمَانُ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ مُسْهِرٍ عَنْ سَعْدِ بْنِ طَارِقٍ عَنْ رَبِيعِ بْنِ حِرَاشٍ عَنْ حُذَيْفَةَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِنَّ حَوْضِي لَأَبْعَدُ مِنْ أَيْلَةٍ مِنْ عَدَنٍ وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ إِنِّي لَأَذُودُ عَنْهُ الرَّجَالَ كَمَا يَذُودُ الرَّجُلُ الْإِبِلَ الْعَرَبِيَّةَ عَنْ حَوْضِهِ قَالُوا يَا رَسُولَ اللَّهِ وَتَعْرِفُنَا قَالَ نَعَمْ تَرِدُونَ عَلَيَّ غُرًّا مُحَجَّلِينَ مِنْ آثَارِ الْوُضُوءِ لَيْسَتْ لِأَحَدٍ غَيْرِكُمْ

455/5. Ҳузайфа розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Менинг ҳавзим Айла шаҳри билан Адан шаҳри оралиғидаги масофадан ҳам узоқроқдир. Менинг жоним Унинг қўлида бўлган Зотга қасамки, мен ҳавзимдан кишиларни худди бир киши сув ҳавзасидан нотаниш туяни узоқлатиб ҳайдагани каби ҳайдайман», деганларида, саҳобалар: «Эй Аллоҳнинг расули! Бизни танийсизми?» дейишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳа, танийман! Таҳорат изи сабабли содир бўлган оқ қашқа билан менинг ҳавзимга тушасизлар. (Ўша кунда) сизлардан бошқа бир кишида у қашқа бўлмайди», дедилар.

456 - حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ أَيُّوبَ وَسُرَيْجُ بْنُ يُونُسَ وَقُتَيْبَةُ بْنُ سَعِيدٍ وَعَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ جَمِيعًا عَنْ إِسْمَاعِيلَ بْنِ جَعْفَرٍ قَالَ ابْنُ أَيُّوبَ حَدَّثَنَا إِسْمَاعِيلُ أَخْبَرَنِي الْعَلَاءُ عَنْ أَبِيهِ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَتَى الْمَقْبَرَةَ فَقَالَ السَّلَامُ عَلَيْكُمْ دَارَ قَوْمٍ مُؤْمِنِينَ وَإِنَّا إِنْ شَاءَ اللَّهُ بِكُمْ لَاحِقُونَ وَدِدْتُ أَنَّا قَدْ رَأَيْنَا إِخْوَانَنَا قَالُوا أَوْلَسْنَا إِخْوَانَكَ يَا رَسُولَ اللَّهِ قَالَ أَنْتُمْ أَصْحَابِي وَإِخْوَانُنَا الَّذِينَ لَمْ يَأْتُوا بَعْدُ فَقَالُوا كَيْفَ تَعْرِفُ مَنْ لَمْ يَأْتِ بَعْدُ مِنْ أُمَّتِكَ يَا رَسُولَ اللَّهِ فَقَالَ أَرَأَيْتَ لَوْ أَنَّ رَجُلًا لَهُ خَيْلٌ غُرٌّ مُحَجَّلَةٌ بَيْنَ ظَهْرَيْ خَيْلٍ دُهِمٌ بُوهُمُ أَلَا يَعْرِفُ خَيْلَهُ قَالُوا بَلَى يَا رَسُولَ اللَّهِ قَالَ فَإِنَّهُمْ يَأْتُونَ غُرًّا مُحَجَّلِينَ مِنَ الْوُضُوءِ وَأَنَا فَرَطُهُمْ عَلَى الْحَوْضِ أَلَا لَيْدَادَنَ رِجَالٌ عَنْ حَوْضِي كَمَا يُدَادُ الْبَعِيرُ الضَّالُّ أُنَادِيهِمْ أَلَا هَلُمَّ فَيَقَالُ إِنَّهُمْ قَدْ بَدَلُوا بَعْدَكَ فَأَقُولُ سَحَقًا سَحَقًا

حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ بْنُ سَعِيدٍ حَدَّثَنَا عَبْدُ الْعَزِيزِ يَعْنِي الدَّرَاوَرْدِيَّ ح وَحَدَّثَنِي إِسْحَاقُ بْنُ مُوسَى الْأَنْصَارِيُّ حَدَّثَنَا مَعْنُ حَدَّثَنَا مَالِكُ جَمِيعًا عَنْ الْعَلَاءِ بْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ عَنْ أَبِيهِ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى

اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ خَرَجَ إِلَى الْمَقْبَرَةِ فَقَالَ السَّلَامُ عَلَيْكُمْ دَارَ قَوْمٍ مُؤْمِنِينَ وَإِنَّا إِن شَاءَ اللَّهُ بِكُمْ لَاحِقُونَ بِمِثْلِ حَدِيثِ إِسْمَاعِيلَ بْنِ جَعْفَرٍ غَيْرَ أَنَّ حَدِيثَ مَالِكٍ فَلْيَذَادَنَّ رِجَالٌ عَنْ حَوْضِي

456/6. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мақбара олдига келиб: «Эй мўминлар диёри қавми! Сизларга салом бўлсин. Худо хоҳласа, бизлар ҳам сизларга йўлиқурмиз, қани биз биродарларимизни кўрсак эди», деганларида, саҳобалар: «Эй Аллоҳнинг расули! Биз сизнинг биродарларингиз эмасмизми?» дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сизлар саҳобийларимсиз, биродарларимиз ҳали келишмаган», дедилар. Саҳобалар: «Эй Аллоҳнинг расули! Умматингиздан ҳали келмаганларини қандай танийсиз?» дейишганида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Билмайсизларми, агар бир кишининг қора-қура отлари орасида оқ қашқали оти бўлса, ўша оқ қашқали отини танимасмиди?» дедилар. Саҳобалар: «Танийди, эй Аллоҳнинг расули!» дейишди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Улар таҳоратлари сабабли оқ қашқа бўлиб келишади. Мен эса уларни ҳавзга олиб келаман. Огоҳ бўлинг! Худди адашиб юрган бегона туяни (сув ҳавзасидан) ҳайдаган киши каби ҳавзимдан (бегона) кишиларни ҳайдаб, (умматиларимни) «Келинглари!» деб чақираман. Менга «Улар сендан кейин (динни) ўзгартириб юборишган», дейилса, мен: «Ундай бўлса, узоқ-узоқ туришсин», дейман», дедилар.

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган. Фақат «ҳавзимдан (бегона) кишиларни ҳайдайман» жумласи зикр этилмаган.

### 13-боб

#### Таҳорат суви етган жойгача зийнатнинг етиши ҳақида

457 – حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ بْنُ سَعِيدٍ حَدَّثَنَا خَلْفٌ يَعْنِي ابْنَ خَلِيفَةَ عَنْ أَبِي مَالِكٍ الْأَشْجَعِيِّ عَنْ أَبِي حَازِمٍ قَالَ كُنْتُ خَلْفَ أَبِي هُرَيْرَةَ وَهُوَ يَتَوَضَّأُ لِلصَّلَاةِ فَكَانَ يَمُدُّ يَدَهُ حَتَّى تَبْلُغَ إِبْطَهُ فَقُلْتُ لَهُ يَا أَبَا هُرَيْرَةَ مَا هَذَا الْوَضُوءُ فَقَالَ يَا بَنِي فَرُوحَ أَنْتُمْ هَاهُنَا لَوْ عَلِمْتُ أَنَّكُمْ هَاهُنَا مَا تَوَضَّأْتُ هَذَا الْوَضُوءَ سَمِعْتُ خَلِيلِي صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ تَبْلُغُ الْحَلِيَّةَ مِنَ الْمُؤْمِنِ حَيْثُ يَبْلُغُ الْوَضُوءَ

457/1. Абу Ҳозим розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. «Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу намоз ўқиш учун таҳорат олаётганларида мен орқаларида эдим. У зот қўлларини чўзгандилар, ҳатто қўлтиқларигача етиб борди. Мен: «Эй Абу Ҳурайра! Бу қанақа таҳорат?» деган эдим, Абу Ҳурайра



розийаллоҳу анҳу: «Эй Фарруҳ болалари! Сизлар бу ерда экансизлар-да, агар бу ерда эканлигингизни билганимда бу каби таҳорат қилмас эдим. Мен дўстим Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Таҳорат суви етган жойгача мўминнинг зийнати етади», деганларини эшитганман», дедилар».

### 14-боб

#### Қийинчиликда таҳоратни мукамал тарзда адо этишнинг фазилати ҳақида

458 – حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ أَيُّوبَ وَقُتَيْبَةُ وَابْنُ حُجْرٍ جَمِيعًا عَنْ إِسْمَاعِيلَ بْنِ جَعْفَرٍ قَالَ ابْنُ أَيُّوبَ حَدَّثَنَا إِسْمَاعِيلُ أَخْبَرَنِي الْعَلَاءُ عَنْ أَبِيهِ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ أَلَا أَدُلُّكُمْ عَلَى مَا يَمْحُو اللَّهُ بِهِ الْخَطَايَا وَيَرْفَعُ بِهِ الدَّرَجَاتِ قَالُوا بَلَى يَا رَسُولَ اللَّهِ قَالَ إِسْبَاغُ الْوُضُوءِ عَلَى الْمَكَارِهِ وَكَثْرَةُ الْخُطَا إِلَى الْمَسَاجِدِ وَانْتِظَارُ الصَّلَاةِ بَعْدَ الصَّلَاةِ فَذَلِكَ الرَّبَاطُ حَدَّثَنِي إِسْحَاقُ بْنُ مُوسَى الْأَنْصَارِيُّ حَدَّثَنَا مَعْنُ حَدَّثَنَا مَالِكٌ ح وَحَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ جَعْفَرٍ حَدَّثَنَا شُعْبَةُ جَمِيعًا عَنْ الْعَلَاءِ بْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بِهَذَا الْإِسْنَادِ وَلَيْسَ فِي حَدِيثِ شُعْبَةَ ذِكْرُ الرَّبَاطِ وَفِي حَدِيثِ مَالِكٍ ثَلَاثِينَ فَذَلِكَ الرَّبَاطُ فَذَلِكَ الرَّبَاطُ

458/1. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ хатоларни ўчириб, даражаларни кўтарадиган нарсага кўрсатма берайми?» деганларида, саҳобалар: «Ҳа, кўрсатма беринг», дейишди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қийинчилик пайтида таҳоратни мукамал тарзда адо этиш, масжидга қадамини кўпайтириш ва намоздан кейин намозни (вақти киришини) кутишдир. Мана шу марғуб бўлинган нарса», дедилар.

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган. Лекин «марғуб бўлинган нарса» сўзи зикр қилинмаган. Моликнинг ривоятларида ана шу сўз икки марта зикр қилинган.

### 15-боб

#### Мисвок ҳақида

459 – حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ بْنُ سَعِيدٍ وَعَمْرُو بْنُ النَّاقِدِ وَزُهَيْرُ بْنُ حَرْبٍ قَالُوا حَدَّثَنَا سُفْيَانُ عَنْ أَبِي الزُّنَادِ عَنِ الْأَعْرَجِ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ لَوْلَا أَنَّ أَشَقَّ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ وَفِي حَدِيثِ زُهَيْرٍ عَلَى أُمَّتِي لِأَمْرِهِمْ بِالسُّوَاكِ عِنْدَ كُلِّ صَلَاةٍ

459/1. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар мўминларга (Зухайрнинг ривоятларида «умматимга» бўлиб келган) машаққат бўлмаганида, уларга ҳар бир намоз олдидан мисвок ишлатишни буюрар эдим», дедилар.

460 – حَدَّثَنَا أَبُو كُرَيْبٍ مُحَمَّدُ بْنُ الْعَلَاءِ حَدَّثَنَا ابْنُ بَشْرٍ عَنْ مِسْعَرٍ عَنِ الْمِقْدَامِ بْنِ شُرَيْحٍ عَنْ أَبِيهِ قَالَ سَأَلْتُ عَائِشَةَ قُلْتُ بِأَيِّ شَيْءٍ كَانَ يَبْدَأُ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا دَخَلَ بَيْتَهُ قَالَتْ بِالسَّوَاكِ

460/2. Миқдом ибн Шурайҳ оталаридан ривоят қилинади. «Оиша розийаллоҳу анҳодан «Агар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уйларига кирганларида қайси нарсдан (ҳаракатни) бошлардилар?» деб сўрасам, Оиша розийаллоҳу анҳо: «Мисвокдан бошлар эдилар», дедилар».

461 – وَحَدَّثَنِي أَبُو بَكْرٍ بْنُ نَافِعِ الْعَبْدِيُّ حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّحْمَنِ عَنْ سُفْيَانَ عَنِ الْمِقْدَامِ بْنِ شُرَيْحٍ عَنْ أَبِيهِ عَنْ عَائِشَةَ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ إِذَا دَخَلَ بَيْتَهُ بَدَأَ بِالسَّوَاكِ

461/3. Оиша розийаллоҳу анҳодан ривоят қилинади. Агар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уйга кирсалар, (ишни) мисвокдан бошлардилар.

462 – حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ حَبِيبِ الْحَارِثِيُّ حَدَّثَنَا حَمَّادُ بْنُ زَيْدٍ عَنْ غِيْلَانَ وَهُوَ ابْنُ جَرِيرٍ الْمَعُولِيُّ عَنْ أَبِي بُرْدَةَ عَنْ أَبِي مُوسَى قَالَ دَخَلْتُ عَلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَطَرَفُ السَّوَاكِ عَلَى لِسَانِهِ

462/4. Абу Мусо розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига кирсам, мисвокнинг бир томони тилларида экан».

463 – حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرٍ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ حَدَّثَنَا هُشَيْمٌ عَنْ حُصَيْنٍ عَنْ أَبِي وَائِلٍ عَنْ حُذَيْفَةَ قَالَ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا قَامَ لِيَتَهَجَّدَ يَشْوِصُ فَاَهُ بِالسَّوَاكِ حَدَّثَنَا إِسْحَاقُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ أَخْبَرَنَا جَرِيرٌ عَنْ مَنْصُورٍ ح وَحَدَّثَنَا ابْنُ نُمَيْرٍ حَدَّثَنَا أَبِي وَأَبُو مُعَاوِيَةَ عَنِ الْأَعْمَشِ كِلَاهُمَا عَنْ أَبِي وَائِلٍ عَنْ حُذَيْفَةَ قَالَ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا قَامَ مِنَ اللَّيْلِ بِمِثْلِهِ وَلَمْ يَقُولُوا لِيَتَهَجَّدَ

حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى وَابْنُ بَشَّارٍ قَالَا حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّحْمَنِ حَدَّثَنَا سُفْيَانُ عَنْ مَنْصُورٍ وَحُصَيْنٍ  
وَالْأَعْمَشِ عَنْ أَبِي وَائِلٍ عَنْ حُذَيْفَةَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ إِذَا قَامَ مِنَ اللَّيْلِ يَشْتَوِصُ فَاهُ  
بِالسَّوَاكِ

463/5. Ҳузайфа розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Бу зот: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам агар тажаҳҳуд намозини ўқиш учун турсалар, мисвок билан тишларини ишқардилар», деб айтдилар.

Бу ерда юқоридаги ҳадис икки марта такрор келган. Фақат «тажаҳҳуд» калимаси ўрнига «кечаси» бўлиб келган.

464 – حَدَّثَنَا عَبْدُ بْنُ حُمَيْدٍ حَدَّثَنَا أَبُو نُعَيْمٍ حَدَّثَنَا إِسْمَاعِيلُ بْنُ مُسْلِمٍ حَدَّثَنَا أَبُو الْمُتَوَكِّلِ أَنَّ  
ابْنَ عَبَّاسٍ حَدَّثَهُ أَنَّهُ بَاتَ عِنْدَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ذَاتَ لَيْلَةٍ فَقَامَ نَبِيُّ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنْ  
آخِرِ اللَّيْلِ فَخَرَجَ فَنَظَرَ فِي السَّمَاءِ ثُمَّ تَلَا هَذِهِ الْآيَةَ فِي آلِ عِمْرَانَ ( إِنَّ فِي خَلْقِ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ  
وَإِخْتِلَافِ اللَّيْلِ وَالنَّهَارِ ) حَتَّى بَلَغَ ( فَقِنَا عَذَابَ النَّارِ ) ثُمَّ رَجَعَ إِلَى الْبَيْتِ فَتَسَوَّكَ وَتَوَضَّأَ ثُمَّ قَامَ فَصَلَّى  
ثُمَّ اضْطَجَعَ ثُمَّ قَامَ فَخَرَجَ فَنَظَرَ إِلَى السَّمَاءِ فَتَلَا هَذِهِ الْآيَةَ ثُمَّ رَجَعَ فَتَسَوَّكَ فَتَوَضَّأَ ثُمَّ قَامَ فَصَلَّى

464/6. Ибн Аббос розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Бу зот кечаларнинг бирида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларида тунаб қолдилар. Аллоҳнинг набийси кечанинг охирида туриб (ташқарига) чиқдилар-да, осмонга қараб Оли-Имрон сурасининг 190-191 оятларини ўқидилар: «Осмонлар ва ернинг яралишида ҳамда кеча ва кундузнинг алмашилиб туришида ақл эгалари учун (бир яратувчи ва бошқариб тургувчи Зот мавжуд эканлигига) оят-аломатлар борлиги шубҳасиздир. Улар турганда ҳам, ўтирганда ҳам, ётганда ҳам Аллоҳни эслайдилар ҳамда осмонлар ва ернинг яралиши ҳақида тафаккур қилиб (дейдилар): «Парвардигоро, бу (борлиқ)ни беҳуда яратганинг йўқ. Сен (беҳуда бирор иш қилиш айбидан поксан. Ўзинг бизни жаҳаннам азобидан асрагил». Сўнгра уйга қайтиб, мисвок ишлатдилар, таҳорат олиб, кейин намоз ўқидилар. Сўнгра ёнбошлаб, кейин турдилар-да, (ташқарига) чиқиб, осмонга қараб юқоридаги оятларни ўқидилар. Сўнгра қайтиб, мисвок ишлатиб таҳорат қилдилар-да, сўнгра туриб намоз ўқидилар.

## 16-боб

### Фитратга (яъни, соф табиатга) тааллуқли хислатлар

465 - حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ وَعَمْرُو النَّاقِدُ وَزُهَيْرُ بْنُ حَرْبٍ جَمِيعًا عَنْ سُفْيَانَ قَالَ أَبُو بَكْرٍ حَدَّثَنَا ابْنُ عُيَيْنَةَ عَنِ الرَّهْرِيِّ عَنْ سَعِيدِ بْنِ الْمُسَيْبِ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ الْفِطْرَةُ خَمْسٌ أَوْ خَمْسٌ مِنَ الْفِطْرَةِ الْخِثَانُ وَالِاسْتِحْدَادُ وَتَقْلِيمُ الْأَظْفَارِ وَتَنْفُ الْإِبْطِ وَقَصُّ الشَّارِبِ

465/1. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Фитрат беш хилдир ёки бешта нарса фитратдандир: 1. Хатна қилдириш. 2. Жинсий аъзодаги жунларни қириш. 3. Тирноқларни олиш. 4. Қўлтиқ ости жунларини юлиш. 5. Мўйловни қисқартириш», деб айтдилар.

466 - حَدَّثَنِي أَبُو الطَّاهِرِ وَحَرَمَلَةُ بْنُ يَحْيَى قَالَا أَخْبَرَنَا ابْنُ وَهْبٍ أَخْبَرَنِي يُوسُفُ عَنْ ابْنِ شَهَابٍ عَنْ سَعِيدِ بْنِ الْمُسَيْبِ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ قَالَ الْفِطْرَةُ خَمْسٌ الْإِخْتَانُ وَالِاسْتِحْدَادُ وَقَصُّ الشَّارِبِ وَتَقْلِيمُ الْأَظْفَارِ وَتَنْفُ الْإِبْطِ

466/2. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Фитрат бештадир: 1. Хатна қилдириш. 2. Жинсий аъзодаги жунларни қириш. 3. Мўйловни қисқартириш. 4. Тирноқларни олиш. 5. Қўлтиқ ости жунларини юлиш», дедилар.

467 - حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ يَحْيَى وَفُتَيْبَةُ بْنُ سَعِيدٍ كِلَاهُمَا عَنْ جَعْفَرٍ قَالَ يَحْيَى أَخْبَرَنَا جَعْفَرُ بْنُ سُلَيْمَانَ عَنْ أَبِي عِمْرَانَ الْحَوَنِيِّ عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ قَالَ قَالَ أَنَسُ وَقَّتْ لَنَا فِي قِصِّ الشَّارِبِ وَتَقْلِيمِ الْأَظْفَارِ وَتَنْفِ الْإِبْطِ وَحَلْقِ الْعَانَةِ أَنْ لَا نَتْرُكَ أَكْثَرَ مِنْ أَرْبَعِينَ لَيْلَةً

467/3. Анас ибн Моликдан ривоят қилинади. Бу зот: «Мўйловни қисқартириш, тирноқларни олиш, қўлтиқ ости жунларини юлиш ва жинсий аъзолардаги тукларни қириш учун бизга муддат тайин қилинди. Ўша муддат қирқ кечадир (яъни, бу ишларни қилишни қирқ кечадан ўтказиб юбормаслик лозимдир)», дедилар.

468 - حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى حَدَّثَنَا يَحْيَى يَعْنِي ابْنَ سَعِيدٍ ح وَحَدَّثَنَا ابْنُ نُمَيْرٍ حَدَّثَنَا أَبِي جَمِيعًا عَنْ عَبْدِ اللَّهِ عَنْ نَافِعٍ عَنِ ابْنِ عُمَرَ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ أَحْفُوا الشَّوَارِبَ وَأَعْفُوا اللَّحَى

468/4. Ибн Умар розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мўйловларни қиртишлаб олиб, соқолларни шундоғича қўйиб юборинглар», деб айтдилар.

469 – وَحَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ بْنُ سَعِيدٍ عَنْ مَالِكِ بْنِ أَنَسٍ عَنْ أَبِي بَكْرٍ بْنِ نَافِعٍ عَنْ أَبِيهِ عَنِ ابْنِ عُمَرَ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ أَمَرَ بِإِحْفَاءِ الشَّوَارِبِ وَإِعْفَاءِ اللَّحْيَةِ

469/5. Ибн Умар розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мўйловларни қиртишлаб олиб, соқолларни шундоғича қўйиб юборишга буюрдилар.

470 – حَدَّثَنَا سَهْلُ بْنُ عَثْمَانَ حَدَّثَنَا يَزِيدُ بْنُ زُرَيْعٍ عَنْ عُمَرَ بْنِ مُحَمَّدٍ حَدَّثَنَا نَافِعٌ عَنِ ابْنِ عُمَرَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ خَالِفُوا الْمُشْرِكِينَ أَحْفُوا الشَّوَارِبَ وَأَوْفُوا اللَّحْيَ

470/6. Ибн Умар розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мушрикларга хилоф қилган ҳолда мўйловларни қиртишлаб олиб, соқолларни қўйиб юборинглар», деб айтдилар.

471 – حَدَّثَنِي أَبُو بَكْرٍ بْنُ إِسْحَاقَ أَخْبَرَنَا ابْنُ أَبِي مَرْيَمَ أَخْبَرَنَا مُحَمَّدُ بْنُ جَعْفَرٍ أَخْبَرَنِي الْعَلَاءُ بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ يَعْقُوبَ مَوْلَى الْحُرَقَةَ عَنْ أَبِيهِ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ جُزُوا الشَّوَارِبَ وَأَرْخُوا اللَّحْيَ خَالِفُوا الْمَجُوسَ

471/7. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мажусийларга хилоф қилган ҳолда мўйловни қирқиб, соқолни қўйиб юборинглар», деб айтдилар.

472 – حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ بْنُ سَعِيدٍ وَأَبُو بَكْرٍ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ وَزُهَيْرُ بْنُ حَرْبٍ قَالُوا حَدَّثَنَا وَكِيعٌ عَنْ زَكَرِيَّاءَ بْنِ أَبِي زَائِدَةَ عَنْ مُصْعَبِ بْنِ شَيْبَةَ عَنْ طَلْقِ بْنِ حَبِيبٍ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ الزُّبَيْرِ عَنْ عَائِشَةَ قَالَتْ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَشْرٌ مِنَ الْفِطْرَةِ قَصُّ الشَّارِبِ وَإِعْفَاءُ اللَّحْيَةِ وَالسَّوَاكُ وَاسْتِنْشَاقُ الْمَاءِ وَقَصُّ الْأَظْفَارِ وَغَسْلُ الْبَرَاجِمِ وَنَتْفُ الْإِبْطِ وَحَلْقُ الْعَانَةِ وَانْتِقَاصُ الْمَاءِ قَالَ زَكَرِيَّاءُ قَالَ مُصْعَبُ وَنَسِيتُ الْعَاشِرَةَ إِلَّا أَنْ تَكُونَ الْمَضْمَضَةَ زَادَ قُتَيْبَةُ قَالَ وَكِيعٌ انْتِقَاصُ الْمَاءِ يَعْنِي الْإِسْتِنْجَاءَ وَحَدَّثَنَا أَبُو

كُرَيْبٌ أَخْبَرَنَا ابْنُ أَبِي زَائِدَةَ عَنْ أَبِيهِ عَنْ مُصْعَبِ بْنِ شَيْبَةَ فِي هَذَا الْإِسْنَادِ مِثْلَهُ غَيْرَ أَنَّهُ قَالَ قَالَ أَبُوهُ  
وَنَسِيْتُ الْعَاشِرَةَ

472/8. Оиша розийаллоҳу анҳодан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ўн нарса фитратдан, яъни соф табиатдандир: 1. Мўйловни қиртишлаш. 2. Соқолни қўйиб юбориш. 3. Мисвок ишлатиш. 4. Буруннинг ичига сув олиш. 5. Тирноқни олиш. 6. Бўғим жойларни ювиш. 7. Қўлтиқ ости тукларини юлиш. 8. Жинсий аъзодаги тукларни қириш. 9. Истинжо. 10. ... », деб айтдилар.

Ушбу ҳадис ровийларидан бири Мусъаб ибн Шайба розийаллоҳу анҳу: «Ўнинчисини унутдим, балки оғиз чайиш бўлса керак», дедилар.

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган.

### 17-боб

#### Истинжо ҳақида

473 – حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ حَدَّثَنَا أَبُو مُعَاوِيَةَ وَوَكَيْعٌ عَنِ الْأَعْمَشِ ح وَحَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ يَحْيَى وَاللَّفْظُ لَهُ أَخْبَرَنَا أَبُو مُعَاوِيَةَ عَنِ الْأَعْمَشِ عَنْ إِبْرَاهِيمَ عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ يَزِيدَ عَنْ سَلْمَانَ قَالَ قِيلَ لَهُ قَدْ عَلَّمَكُمُ نَبِيُّكُمْ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كُلَّ شَيْءٍ حَتَّى الْخِرَاءَةَ قَالَ فَقَالَ أَجَلٌ لَقَدْ نَهَانَا أَنْ نَسْتَقْبَلَ الْقِبْلَةَ لِعَائِطٍ أَوْ بَوْلٍ أَوْ أَنْ نَسْتَنْجِيَ بِالْيَمِينِ أَوْ أَنْ نَسْتَنْجِيَ بِأَقْلٍ مِنْ ثَلَاثَةِ أَحْجَارٍ أَوْ أَنْ نَسْتَنْجِيَ بِرَجِيعٍ أَوْ بِعَظْمٍ

حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّحْمَنِ حَدَّثَنَا سُفْيَانُ عَنِ الْأَعْمَشِ وَمَنْصُورٌ عَنْ إِبْرَاهِيمَ عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ ابْنِ يَزِيدَ عَنْ سَلْمَانَ قَالَ قَالَ لَنَا الْمُشْرِكُونَ إِنِّي أَرَى صَاحِبِكُمْ يُعَلِّمُكُمْ حَتَّى يُعَلِّمَكُمْ الْخِرَاءَةَ فَقَالَ أَجَلٌ إِنَّهُ نَهَانَا أَنْ يَسْتَنْجِيَ أَحَدُنَا بِيَمِينِهِ أَوْ يَسْتَقْبَلَ الْقِبْلَةَ وَنَهَى عَنِ الرَّوْثِ وَالْعِظَامِ وَقَالَ لَا يَسْتَنْجِيَ أَحَدُكُمْ بِدُونِ ثَلَاثَةِ أَحْجَارٍ

473/1. Салмон розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Бу зотга «Пайғамбарингиз барча нарсани ўргатади, ҳаттоки ҳожатхонага боришни ҳам-а?!» деб айтилганида, Салмон: «Ҳа, ўргатадилар. Ҳақиқатда бизга қиблага юзланиб катта ҳожат чиқаришдан ёки пешоб қилишдан, ўнг қўл билан учтадан оз тош ила ёки тезак ё суяк билан истинжо қилишдан ман этдилар», деб айтдилар.

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган. Ва мушриклар сўрагани зикр қилинган.

474 – حَدَّثَنَا زُهَيْرُ بْنُ حَرْبٍ حَدَّثَنَا رَوْحُ بْنُ عُبَادَةَ حَدَّثَنَا زَكَرِيَاءُ بْنُ إِسْحَقَ حَدَّثَنَا أَبُو الزُّبَيْرِ أَنَّهُ سَمِعَ جَابِرًا يَقُولُ نَهَى رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْ يُتَمَسَّحَ بِعَظْمٍ أَوْ بِيَعْرٍ

474/2. Жобир розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам (орқани) суяк ёки тезак билан артишдан ман қилдилар.

475 – وَحَدَّثَنَا زُهَيْرُ بْنُ حَرْبٍ وَابْنُ نُمَيْرٍ قَالَا حَدَّثَنَا سُفْيَانُ بْنُ عُيَيْنَةَ قَالَ ح وَحَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ يَحْيَى وَاللَّفْظُ لَهُ قَالَ قَالَ قُلْتُ لِسُفْيَانَ بْنِ عُيَيْنَةَ سَمِعْتَ الزُّهْرِيَّ يَذْكُرُ عَنْ عَطَاءِ بْنِ يَزِيدَ اللَّيْثِيِّ عَنْ أَبِي أَيُّوبَ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ إِذَا أَتَيْتُمُ الْعَائِطَ فَلَا تَسْتَقْبِلُوا الْقِبْلَةَ وَلَا تَسْتَدْبِرُوهَا بِيُولٍ وَلَا غَائِطٍ وَلَكِنْ شَرِّقُوا أَوْ غَرِّبُوا قَالَ أَبُو أَيُّوبَ فَقَدِمْنَا الشَّامَ فَوَجَدْنَا مَرَاحِضَ قَدْ بُنِيَتْ قِبَلَ الْقِبْلَةِ فَنَحَرَفُ عَنْهَا وَتَسْتَغْفِرُ اللَّهُ قَالَ نَعَمْ

475/3. Абу Айюб розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар ҳожатхонага борсангиз, пешоб ёки катта ҳожат қилсангиз, қибла томонга олдингизни ҳам, орқангизни ҳам қаратманг. Лекин шарқ ё ғарб томонга қаратинг», дедилар. (Чунки Мадина шаҳридагилар шарқ ёки ғарб томонга қараб ҳожат чиқаришса, ўшанда қибладан тескари томонга юзланган бўлишади... – тарж.)

Абу Айюб розийаллоҳу анҳу айтадилар: «Биз: «Шом шаҳрига бориб ҳожатхона топдик, у қибла томонга қараб қурилган эди. Биз (қодир бўлганимизча) ундан бурилиб ўтирсак-да, бу қилган ишимизга Аллоҳдан мағфират қилишини сўрасак бўладими?» десак, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳа», дедилар».

476 – وَحَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ الْحَسَنِ بْنِ خِرَاشٍ حَدَّثَنَا عُمَرُ بْنُ عَبْدِ الْوَهَّابِ حَدَّثَنَا يَزِيدُ يَعْنِي ابْنَ زُرَيْعٍ حَدَّثَنَا رَوْحُ عَنْ سُهَيْلٍ عَنِ الْقَعْقَاعِ عَنْ أَبِي صَالِحٍ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ إِذَا جَلَسَ أَحَدُكُمْ عَلَى حَاجَتِهِ فَلَا يَسْتَقْبِلِ الْقِبْلَةَ وَلَا يَسْتَدْبِرُهَا

476/4. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар сизлардан бирингиз ҳожат чиқариш учун ўтирса, қибла томонга олдини ҳам, орқасини ҳам қаратмасин», дедилар.

477 - حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ مَسْلَمَةَ بْنِ قَعْنَبٍ حَدَّثَنَا سُلَيْمَانُ يَعْنِي ابْنَ بِلَالٍ عَنْ يَحْيَى بْنِ سَعِيدٍ عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ يَحْيَى عَنْ عَمِّهِ وَاسِعِ بْنِ حَبَّانَ قَالَ كُنْتُ أُصَلِّي فِي الْمَسْجِدِ وَعَبْدُ اللَّهِ بْنُ عُمَرَ مُسْنِدٌ ظَهَرَهُ إِلَى الْقِبْلَةِ فَلَمَّا قَضَيْتُ صَلَاتِي انصرفتُ إِلَيْهِ مِنْ شِقِّي فَقَالَ عَبْدُ اللَّهِ يَقُولُ نَاسٌ إِذَا قَعَدْتَ لِلْحَاجَةِ تَكُونُ لَكَ فَلَا تَقْعُدُ مُسْتَقْبِلَ الْقِبْلَةِ وَلَا بَيْتَ الْمَقْدِسِ قَالَ عَبْدُ اللَّهِ وَلَقَدْ رَقِيتُ عَلَى ظَهْرِ بَيْتِ فَرَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَاعِدًا عَلَى لِبْنَتَيْنِ مُسْتَقْبِلًا بَيْتَ الْمَقْدِسِ لِحَاجَتِهِ

477/5. Муҳаммад ибн Яҳё амакилари Восеъ ибн Ҳаббон розийаллоҳу анҳудан қилган ривоятларида Восеъ ибн Ҳаббон розийаллоҳу анҳу айтдилар: «Мен масжидда намоз ўқиётган эдим, Абдуллоҳ ибн Умар қибла томонга орқалари ила суяниб турган эканлар. Қачонки, намозимни тугатиб бир томоним билан у кишига қарасам, у зот: «Одамлар «Агар ҳожатинг учун ўтирсанг, қибла томонга ҳам, Байт ул-мақдис томонга ҳам юзланма», деб айтишади. Мен уйнинг тепасига чиқиб қарасам, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам икки ғишт устига ўтириб, Байт ул-мақдис томонга юзланиб ҳожатларини чиқараётганларини кўрдим», дедилар».

478 - حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشِيرٍ الْعَبْدِيُّ حَدَّثَنَا عُبَيْدُ اللَّهِ بْنُ عُمَرَ عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ يَحْيَى بْنِ حَبَّانَ عَنْ عَمِّهِ وَاسِعِ بْنِ حَبَّانَ عَنْ ابْنِ عُمَرَ قَالَ رَقِيتُ عَلَى بَيْتِ أُخْتِي حَفْصَةَ فَرَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَاعِدًا لِحَاجَتِهِ مُسْتَقْبِلَ الشَّامِ مُسْتَدْبِرَ الْقِبْلَةِ

478/6. Ибн Умар розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Бу зот: «Синглим Ҳафсанинг уйи устига кўтарилиб қарасам, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Шом томонга олдиларини ва қибла томонга орқаларини қаратиб, ўтирган ҳолда ҳожат чиқараётган эканлар», деб айтдилар.

## 18-боб

### Ўнг қўл билан истинжо қилишдан ман этилгани ҳақида

479 - حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ يَحْيَى أَخْبَرَنَا عَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ مَهْدِيٍّ عَنْ هَمَّامٍ عَنْ يَحْيَى بْنِ أَبِي كَثِيرٍ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ أَبِي قَتَادَةَ عَنْ أَبِيهِ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَا يُمَسِّكَنَّ أَحَدُكُمْ ذَكَرَهُ بِيَمِينِهِ وَهُوَ يَبُولُ وَلَا يَتَمَسَّحُ مِنَ الْخَلَاءِ بِيَمِينِهِ وَلَا يَتَنَفَّسُ فِي الْإِنَاءِ

479/1. Абдуллоҳ ибн Абу Қатода розийаллоҳу анҳу оталаридан қилган ривоятда келтирилишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:



«Сизлардан бирортангиз пешоб қилаётганида закари (жинсий олати)ни ўнг қўли билан ушламасин, ҳожат чиқарганида ўнг қўли билан артмасин ва идиш ичида нафас олмасин», дедилар.

480 - حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ يَحْيَى أَخْبَرَنَا وَكَيْعٌ عَنْ هِشَامِ الدَّسْتَوَائِيِّ عَنْ يَحْيَى بْنِ أَبِي كَثِيرٍ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ أَبِي قَتَادَةَ عَنْ أَبِيهِ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا دَخَلَ أَحَدُكُمْ الْخَلَاءَ فَلَا يَمَسُّ ذَكَرَهُ بِيَمِينِهِ

480/2. Абдуллоҳ ибн Абу Қатода розийаллоҳу анҳу оталаридан қилган ривоятда келтиришича, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар сизлардан бирортангиз ҳожатхонага кирадиган бўлса, закарини ўнг қўли билан ушламасин», дедилар.

481 - حَدَّثَنَا ابْنُ أَبِي عُمَرَ حَدَّثَنَا الثَّقَفِيُّ عَنْ أَيُّوبَ عَنْ يَحْيَى بْنِ أَبِي كَثِيرٍ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ أَبِي قَتَادَةَ عَنْ أَبِي قَتَادَةَ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَهَى أَنْ يَتَنَفَّسَ فِي الْإِنَاءِ وَأَنْ يَمَسَّ ذَكَرَهُ بِيَمِينِهِ وَأَنْ يَسْتَطِيبَ بِيَمِينِهِ

481/3. Абу Қатода розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам идиш ичида нафас олишдан, закарини ўнг қўли билан ушлашдан ва ўнг қўли билан истинжо қилишдан ман этдилар.

## 19-боб

### Покланиш ва бошқа нарсаларда ўнг томондан бошлаш ҳақида

482 - وَحَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ يَحْيَى التَّمِيمِيُّ أَخْبَرَنَا أَبُو الْأَحْوَصِ عَنْ أَشْعَثَ عَنْ أَبِيهِ عَنْ مَسْرُوقٍ عَنْ عَائِشَةَ قَالَتْ إِنْ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لِيُحِبُّ التَّيْمَنَ فِي طَهْوَرِهِ إِذَا تَطَهَّرَ وَفِي تَرَجُّلِهِ إِذَا تَرَجَّلَ وَفِي انْتِعَالِهِ إِذَا انْتَعَلَ

482/1. Оиша розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Бу онамиз: «Агар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам таҳорат қиладиган бўлсалар ёки соч тарайдиган бўлсалар ёхуд пойабзал киядиган бўлсалар, ўнг томондан бошлашни яхши кўрардилар», деб айтдилар.

483 - وَحَدَّثَنَا عُبَيْدُ اللَّهِ بْنُ مُعَاذٍ حَدَّثَنَا أَبِي حَدَّثَنَا شُعْبَةُ عَنْ الْأَشْعَثِ عَنْ أَبِيهِ عَنْ مَسْرُوقٍ عَنْ عَائِشَةَ قَالَتْ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُحِبُّ التَّيْمَنَ فِي شَأْنِهِ كُلِّهِ فِي نَعْلَيْهِ وَتَرَجُّلِهِ وَطَهْوَرِهِ

483/2. Оиша розийаллоҳу анҳодан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам пойабзал кийиш бўлсин, соч тараш ёки покланиш бўлсин, барча ишларни ўнг томондан бошлашни яхши кўрардилар.

### 20-боб

#### Йўлларга ва сояланиладиган жойларга ҳожат чиқариб булғашдан қайтарилгани ҳақида

484 – حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ أَيُّوبَ وَقُتَيْبَةُ وَابْنُ حُجْرٍ جَمِيعًا عَنْ إِسْمَاعِيلَ بْنِ جَعْفَرٍ قَالَ ابْنُ أَيُّوبَ حَدَّثَنَا إِسْمَاعِيلُ أَخْبَرَنِي الْعَلَاءُ عَنْ أَبِيهِ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ اتَّقُوا اللَّعَائِنَ قَالُوا وَمَا اللَّعَائِنُ يَا رَسُولَ اللَّهِ قَالَ الَّذِي يَتَخَلَّى فِي طَرِيقِ النَّاسِ أَوْ فِي ظِلِّهِمْ

484/1. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Иккита лаънатланишга сабаб бўлувчи нарсдан қўрқинглар», деганларида, саҳобалар: «Эй Аллоҳнинг расули! У икки лаънатланишга сабаб бўлувчи нарса нима?» дейишди. Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Улар одамлар юрадиган йўл ва сояланиладиган жойга ҳожат чиқариб кетиш», дедилар.

### 21-боб

#### Нажас ва сийдик чиқарганда сув билан истинжо қилиш ҳақида

485 – حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ يَحْيَى أَخْبَرَنَا خَالِدُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ عَنْ خَالِدِ بْنِ عَطَاءٍ بْنِ أَبِي مَيْمُونَةَ عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ دَخَلَ حَائِطًا وَتَبِعَهُ غُلَامٌ مَعَهُ مِضَاءٌ هُوَ أَصْغَرُنَا فَوَضَعَهَا عِنْدَ سِدْرَةٍ فَقَضَى رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حَاجَتَهُ فَخَرَجَ عَلَيْنَا وَقَدْ اسْتَنْجَى بِالْمَاءِ

485/1. Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам девор ила тўсилган жойга кирдилар. Идишда сув олиб бир хизматкор бола у зотга эргашди. У энг кичигимиз эди. У идишдаги сувни лотос гули олдига қўйди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эса ҳожатларини чиқариб, бизнинг олдимизга чиқдилар. У зот чиққанларида сув билан истинжо қилдилар».

486 - وَحَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ حَدَّثَنَا وَكَيْعٌ وَعُنْدَرٌ عَنْ شُعْبَةَ ح وَحَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى وَاللَّفْظُ لَهُ حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ جَعْفَرٍ حَدَّثَنَا شُعْبَةُ عَنْ عَطَاءِ بْنِ أَبِي مَيْمُونَةَ أَنَّهُ سَمِعَ أَنَسَ بْنَ مَالِكٍ يَقُولُ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَدْخُلُ الْخَلَاءَ فَأَحْمِلُ أَنَا وَعِلاَمٌ نَحْوِي إِدَاوَةً مِنْ مَاءٍ وَعَنْزَةً فَيَسْتَنْجِي بِالْمَاءِ

**486/2. Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳу: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳожатхонага кирсалар, мен ва мен каби бир бола идишда сув ва таёқча кўтариб борар эдик. У зот эса сув билан истинжо қилардилар», деб айтдилар.**

487 - وَحَدَّثَنِي زُهَيْرُ بْنُ حَرْبٍ وَأَبُو كُرَيْبٍ وَاللَّفْظُ لِرُحَيْمِ بْنِ زُهَيْرٍ حَدَّثَنَا إِسْمَاعِيلُ يَعْنِي ابْنَ عُثَيْبٍ حَدَّثَنِي رَوْحُ بْنُ الْقَاسِمِ عَنْ عَطَاءِ بْنِ أَبِي مَيْمُونَةَ عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ قَالَ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَتَبَرَّزُ لِحَاجَتِهِ فَآتِيهِ بِالْمَاءِ فَيَتَغَسَّلُ بِهِ

487/3. Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳожатхонага бориб ичларини бўшатадиган бўлсалар, мен сув олиб борар эдим, у зот эса ўша сув билан ювар эдилар».

## 22-боб

### Икки маҳсига масҳ тортиш ҳақида

488 - حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ يَحْيَى التَّمِيمِيُّ وَإِسْحَقُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ وَأَبُو كُرَيْبٍ جَمِيعًا عَنْ أَبِي مُعَاوِيَةَ ح وَحَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ حَدَّثَنَا أَبُو مُعَاوِيَةَ وَوَكَيْعٌ وَاللَّفْظُ لِيَحْيَى قَالَ أَخْبَرَنَا أَبُو مُعَاوِيَةَ عَنْ الْأَعْمَشِ عَنْ إِبْرَاهِيمَ عَنْ هَمَّامٍ قَالَ قَالَ جَرِيرٌ ثُمَّ تَوَضَّأَ وَمَسَحَ عَلَى خُفَّيْهِ فَقِيلَ تَفَعَّلْ هَذَا فَقَالَ نَعَمْ رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ ثُمَّ تَوَضَّأَ وَمَسَحَ عَلَى خُفَّيْهِ قَالَ الْأَعْمَشُ قَالَ إِبْرَاهِيمُ كَانَ يُعْجِبُهُمْ هَذَا الْحَدِيثُ لِأَنَّ إِسْلَامَ جَرِيرٍ كَانَ بَعْدَ نُزُولِ الْمَائِدَةِ

وَحَدَّثَنَا إِسْحَقُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ وَعَلِيُّ بْنُ خَشْرَمٍ قَالَا أَخْبَرَنَا عِيسَى بْنُ يُونُسَ ح وَحَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ أَبِي عُمَرَ قَالَ حَدَّثَنَا سُفْيَانُ ح وَحَدَّثَنَا مُنْجَابُ بْنُ الْحَارِثِ التَّمِيمِيُّ أَخْبَرَنَا ابْنُ مُسَهَّرٍ كُلُّهُمْ عَنِ الْأَعْمَشِ فِي هَذَا الْإِسْنَادِ بِمَعْنَى حَدِيثِ أَبِي مُعَاوِيَةَ غَيْرَ أَنَّ فِي حَدِيثِ عِيسَى وَسُفْيَانَ قَالَ فَكَانَ أَصْحَابُ عَبْدِ اللَّهِ يُعْجِبُهُمْ هَذَا الْحَدِيثُ لِأَنَّ إِسْلَامَ جَرِيرٍ كَانَ بَعْدَ نُزُولِ الْمَائِدَةِ

488/1. Ҳаммом розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Жарир розийаллоҳу анҳу бавл қилиб, сўнгра таҳорат олиб ва маҳсилари устига масҳ тортдилар. У кишига: «Маҳсингизга масҳ тортяпсизми?» дейилганида, у зот: «Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бавл қилиб, сўнгра таҳорат олиб ва маҳсилари устига масҳ тортганларини кўрдим», дедилар.

Иброҳим: «Бу ҳадис Абдуллоҳнинг асҳобларини қизиқтирар эди. Чунки Жарир розийаллоҳу анҳунинг Исломга киришлари Моида сураси нозил бўлганидан кейин эди», дедилар.

(Аллоҳ таоло Моида сурасида «Юзларингизни ҳамда қўлларингизни чифаноқларигача ювингиз, бошларингизга масҳ тортингиз ва оёқларингизни ошиқларигача ювингиз», деган. Агар Жарир розийаллоҳу анҳу мана шу оят тушишидан олдин Исломга кирганларида юқорида айтган ҳадислари мана шу оят тушиши билан мансуҳ бўлиб амалдан қолар эди. Демак, бу оят тушганидан кейин Исломга кирганлари учун бу ҳадисга амал қилинишини ва оятдан мақсад маҳсиси йўқ киши оёқ ювиши лозимлигини билдик... – тарж.)

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган.

489 – حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ يَحْيَى التَّمِيمِيُّ أَخْبَرَنَا أَبُو خَيْثَمَةَ عَنِ الْأَعْمَشِ عَنْ شَقِيقٍ عَنْ حُذَيْفَةَ قَالَ كُنْتُ مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَانْتَهَى إِلَيَّ سَبَاطَةٌ قَوْمٍ فَبَالَ قَائِمًا فَتَنَحَّيْتُ فَقَالَ ادْنُهُ فَدَنَوْتُ حَتَّى قُمْتُ عِنْدَ عَقَبِيهِ فَتَوَضَّأَ فَمَسَحَ عَلَيَّ خُفِّيهِ

489/2. Ҳузайфа розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. «Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга (юриб) қавм ахлат тўкадиган жойда тўхтадик. У зот эса тик туриб бавл қилдилар, мен эса ўзимни четга олган эдим, у зот: «Яқинроқ кел», дедилар. Мен эса у зотга яқин келиб, ҳатто орқа томонларида тик турдим. У зот таҳорат қилиб икки маҳсилари устига масҳ тортдилар».

Фойда: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тик туриб бавл қилишларига сабаб у зотнинг беллари ё тиззалари оғригани ёки атроф ифлос ва ахлат бўлгани учун эди. «Яқинроққа кел», дейишларига сабаб атрофдагилардан тўсишлари учун эди.

490 – حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ يَحْيَى أَخْبَرَنَا جَرِيرٌ عَنْ مَنْصُورٍ عَنْ أَبِي وَائِلٍ قَالَ كَانَ أَبُو مُوسَى يُشَدُّ فِي الْبَوْلِ وَيَبُولُ فِي قَارُورَةٍ وَيَقُولُ إِنَّ بَنِي إِسْرَائِيلَ كَانَ إِذَا أَصَابَ جِلْدَ أَحَدِهِمْ بَوْلٌ قَرَضَهُ بِالْمَقَارِيضِ فَقَالَ حُذَيْفَةُ لَوَدِدْتُ أَنَّ صَاحِبَكُمْ لَا يُشَدُّ هَذَا التَّشْدِيدَ فَلَقَدْ رَأَيْتُنِي أَنَا وَرَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ

نَتَمَّاشِي فَأَتَى سُبَّاطَةَ خَلْفَ حَائِطٍ فَقَامَ كَمَا يَقُومُ أَحَدُكُمْ فَبَالَ فَأَنْتَبَذْتُ مِنْهُ فَأَشَارَ إِلَيَّ فَجِئْتُ فَقُمْتُ  
عِنْدَ عَقْبِهِ حَتَّى فَرَغَ

490/3. Абу Воил розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Абу Мусо розийаллоҳу анҳу бавл тўғрисида қаттиқ йўл тутиб, бутилкага бавл қилардилар ва «Бани Исроилдан бирор кишининг баданига сийдик тегадиган бўлса, қайчи билан кесишар эди», деб айтардилар. Ҳузайфа розийаллоҳу анҳу: «Мен соҳибингизни, яъни Абу Мусони бу хусусда қаттиқ йўл тутмасликларини яхши кўраман. Чунки менинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга юриб борганимни кўрганингизда, у зот девор орқасидаги ахлатхона олдига бориб, худди сизлардан бирингиз тик тургани каби тик туриб бавл қилдилар. Ўзимни четга олган эдим, у зот менга ишора қилдилар, мен эса у зотнинг орқаларида тик турганимда бавл қилиб бўлдилар», дедилар.

491 - حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ بْنُ سَعِيدٍ حَدَّثَنَا لَيْثٌ ح وَحَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ رُمْحٍ بْنُ الْمُهَاجِرِ أَخْبَرَنَا اللَّيْثُ  
عَنْ يَحْيَى بْنِ سَعِيدٍ عَنْ سَعْدِ بْنِ إِبْرَاهِيمَ عَنْ نَافِعِ بْنِ جُبَيْرٍ عَنْ عُرْوَةَ بْنِ الْمُغِيرَةِ عَنْ أَبِيهِ الْمُغِيرَةَ بْنِ شُعْبَةَ  
عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ خَرَجَ لِحَاجَتِهِ فَاتَّبَعَهُ الْمُغِيرَةُ بِإِدَاوَةٍ فِيهَا مَاءٌ فَصَبَّ عَلَيْهِ حِينَ فَرَغَ  
مِنْ حَاجَتِهِ فَتَوَضَّأَ وَمَسَحَ عَلَى الْخُفَّيْنِ وَفِي رِوَايَةِ ابْنِ رُمْحٍ مَكَانَ حِينَ حَتَّى  
وَحَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى حَدَّثَنَا عَبْدُ الْوَهَّابِ قَالَ سَمِعْتُ يَحْيَى بْنَ سَعِيدٍ بِهَذَا الْإِسْنَادِ وَقَالَ  
فَعَسَلَ وَجْهَهُ وَيَدَيْهِ وَمَسَحَ بِرَأْسِهِ ثُمَّ مَسَحَ عَلَى الْخُفَّيْنِ

Ибн Румҳни ривоятларида эса «агар эътикофда ўтиришган бўлишса», деб кўплик лафзи ила келган.

535 – وَحَدَّثَنِي هَارُونُ بْنُ سَعِيدٍ الْأَيْلِيُّ حَدَّثَنَا ابْنُ وَهْبٍ أَخْبَرَنِي عَمْرُو بْنُ الْحَارِثِ عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ نَوْفَلٍ عَنْ عُرْوَةَ بْنِ الزُّبَيْرِ عَنْ عَائِشَةَ زَوْجِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهَا قَالَتْ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُخْرِجُ إِلَيَّ رَأْسَهُ مِنَ الْمَسْجِدِ وَهُوَ مُجَاوِرٌ فَأَغْسِلُهُ وَأَنَا حَائِضٌ

535/3. Оиша розийаллоҳу анҳодан ривоят қилинади. «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қўшни бўлган масжиддан бошларини мен



томонга чиқарардилар, мен эса ҳайзли ҳолатда бўлсам ҳам, бошларини ювиб қўяр эдим».

536 – وَحَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ يَحْيَى أَخْبَرَنَا أَبُو خَيْثَمَةَ عَنْ هِشَامٍ أَخْبَرَنَا عُرْوَةَ عَنْ عَائِشَةَ أَنَّهَا قَالَتْ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُدْنِي إِلَيَّ رَأْسَهُ وَأَنَا فِي حُجْرَتِي فَأَرْجُلُ رَأْسَهُ وَأَنَا حَائِضٌ

536/4. Оиша розийаллоҳу анҳодан ривоят қилинади. Бу онамиз: «Мен хонамдалик пайтимда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бошларини мен томонга яқинлаштирардилар, мен ҳайз кўрган бўлсам ҳам, сочларини тараб қўяр эдим», дедилар.

537 – حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ حَدَّثَنَا حُسَيْنُ بْنُ عَلِيٍّ عَنْ زَائِدَةَ عَنْ مَنْصُورٍ عَنْ إِبْرَاهِيمَ عَنِ الْأَسْوَدِ عَنْ عَائِشَةَ قَالَتْ كُنْتُ أُغْسِلُ رَأْسَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَأَنَا حَائِضٌ

537/5. Оиша розийаллоҳу анҳодан ривоят қилинади. Бу онамиз: «Мен ҳайзлик пайтимда ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бошларини ювиб қўяр эдим», дедилар.

538 – وَحَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ يَحْيَى وَأَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ وَأَبُو كُرَيْبٍ قَالَ يَحْيَى أَخْبَرَنَا وَقَالَ الْآخِرَانِ حَدَّثَنَا أَبُو مُعَاوِيَةَ عَنِ الْأَعْمَشِ عَنْ ثَابِتِ بْنِ عُبَيْدٍ عَنِ الْقَاسِمِ بْنِ مُحَمَّدٍ عَنْ عَائِشَةَ قَالَتْ قَالَ لِي رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَاوليني الخُمرة من المسجدِ قالتِ فقُلْتُ إنِّي حائِضٌ فقال إنَّ حَيْضَتَكَ لَيْسَتْ فِي يَدِكَ

538/6. Оиша розийаллоҳу анҳодан ривоят қилинади. «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга: «Масжиддан жойнамозни олиб бер!» дегандилар, мен: «Ҳайзли бўлиб қолдим», дедим. Шунда у зот: «Ҳайзинг ўзингнинг қўлингда эмас», дедилар».

539 – حَدَّثَنَا أَبُو كُرَيْبٍ حَدَّثَنَا ابْنُ أَبِي زَائِدَةَ عَنْ حَجَّاجٍ وَابْنِ أَبِي غَنِيَّةٍ عَنْ ثَابِتِ بْنِ عُبَيْدٍ عَنِ الْقَاسِمِ بْنِ مُحَمَّدٍ عَنْ عَائِشَةَ قَالَتْ أَمَرَنِي رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْ أُنَاولَهُ الخُمرة من المسجدِ فقُلْتُ إنِّي حائِضٌ فقال تَنَاوليها فإنَّ الحَيْضَةَ لَيْسَتْ فِي يَدِكَ

539/7. Оиша розийаллоҳу анҳодан ривоят қилинади. «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга масжиддан жойнамоз олиб беришимни

айтганларида, мен: «Ҳайз ҳолатидаман», дедим. Шунда у зот: «Узатавергин, чунки ҳайз сенинг қўлингда эмас», дедилар».

540 – وَحَدَّثَنِي زُهَيْرُ بْنُ حَرْبٍ وَأَبُو كَامِلٍ وَمُحَمَّدُ بْنُ حَاتِمٍ كُلُّهُمْ عَنْ يَحْيَى بْنِ سَعِيدٍ قَالَ زُهَيْرٌ حَدَّثَنَا يَحْيَى عَنْ يَزِيدَ بْنِ كَيْسَانَ عَنْ أَبِي حَازِمٍ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ بَيْنَمَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي الْمَسْجِدِ فَقَالَ يَا عَائِشَةُ نَاوِلِيْنِي الثُّوبَ فَقَالَتْ إِنِّي حَائِضٌ فَقَالَ إِنَّ حَيْضَتَكَ لَيْسَتْ فِي يَدِكَ فَنَاوَلْتَهُ

540/8. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам масжиддалик пайтларида: «Эй Оиша, менга кийимни узатиб юбор», дедилар. Оиша розийаллоҳу анҳо: «Мен ҳайз кўрганман», дедилар. Шунда у зот: «Ҳайз кўриш сенинг қўлингда эмас», дегандилар, у онамиз узатиб юбордилар.

541 – حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ وَزُهَيْرُ بْنُ حَرْبٍ قَالَا حَدَّثَنَا وَكَيْعٌ عَنْ مِسْعَرٍ وَسُفْيَانَ عَنِ الْمِقْدَامِ بْنِ شَرِيحٍ عَنْ أَبِيهِ عَنْ عَائِشَةَ قَالَتْ كُنْتُ أَشْرَبُ وَأَنَا حَائِضٌ ثُمَّ أَنْوَلَهُ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَيَضَعُ فَاهُ عَلَى مَوْضِعٍ فِيَّ فَيَشْرَبُ وَأَتَعَرَّقُ الْعَرَقَ وَأَنَا حَائِضٌ ثُمَّ أَنْوَلَهُ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَيَضَعُ فَاهُ عَلَى مَوْضِعٍ فِيَّ وَلَمْ يَذْكُرْ زُهَيْرٌ فَيَشْرَبُ

541/9. Оиша розийаллоҳу анҳодан ривоят қилинади. Бу онамиз: «Ҳайзли ҳолатимда (бир ичимлик) ичдим, сўнгра уни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга узатдим. У зот оғзимни қўйган жойга оғизларини қўйиб ичдилар. Ва яна ҳайзли ҳолатимда суякни ғажиб, сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга узатсам, у зот мен оғзимни қўйган жойга оғизларини қўйдилар», деб айтдилар.

Зухайр «сўнг ичдилар» сўзини зикр қилдилар.

542 – حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ يَحْيَى أَخْبَرَنَا دَاوُدُ بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ الْمَكِّيُّ عَنْ مَنصُورٍ عَنْ أُمِّهِ عَنْ عَائِشَةَ أَنَّهَا قَالَتْ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَتَكَبَّرُ فِي حَجْرِي وَأَنَا حَائِضٌ فَيَقْرَأُ الْقُرْآنَ

542/10. Оиша розийаллоҳу анҳодан ривоят қилинади. «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менинг қўйнимга ҳайзли пайтимда суяниб олиб, Қуръон ўқирдилар», деб айтдилар бу онамиз.

543 - وَحَدَّثَنِي زُهَيْرُ بْنُ حَرْبٍ حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ مَهْدِيٍّ حَدَّثَنَا حَمَّادُ بْنُ سَلَمَةَ حَدَّثَنَا ثَابِتٌ عَنْ أَنَسٍ أَنَّ الْيَهُودَ كَانُوا إِذَا حَاضَتِ الْمَرْأَةُ فِيهِمْ لَمْ يُؤَاكِلُوهَا وَلَمْ يُجَامِعُوهُنَّ فِي الْبُيُوتِ فَسَأَلَ أَصْحَابُ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَأَنْزَلَ اللَّهُ تَعَالَى (وَيَسْأَلُونَكَ عَنِ الْمَحِيضِ قُلْ هُوَ أَذَى فَأَعْتَرِلُوا النِّسَاءَ فِي الْمَحِيضِ) إِلَى آخِرِ الْآيَةِ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ اصْنَعُوا كُلَّ شَيْءٍ إِلَّا النِّكَاحَ فَبَلَغَ ذَلِكَ الْيَهُودَ فَقَالُوا مَا يُرِيدُ هَذَا الرَّجُلُ أَنْ يَدْعَ مِنْ أَمْرِنَا شَيْئًا إِلَّا خَالَفْنَا فِيهِ فَجَاءَ أُسَيْدُ بْنُ حُضَيْرٍ وَعَبَّادُ بْنُ بَشْرٍ فَقَالَا يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنَّ الْيَهُودَ تَقُولُ كَذَا وَكَذَا فَلَا نُجَامِعُهُنَّ فَتَغَيَّرَ وَجْهُ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حَتَّى ظَنَنَّا أَنْ قَدْ وَجَدَ عَلَيْهِمَا فَخَرَجَا فَاسْتَقْبَلَهُمَا هَدِيَّةً مِنْ لَبَنٍ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَأَرْسَلَ فِي آثَارِهِمَا فَسَقَاهُمَا فَعَرَفَا أَنْ لَمْ يَجِدْ عَلَيْهِمَا

543/11. Анас розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. «Яҳудийлар агар хотинлари ҳайз бўлиб қолса, улар билан бирга овқатланмас ва уйда бирга аралашиб юрмас эди. Набий алайҳиссаломнинг саҳобалари у зотдан (бу ҳақда) сўрашганида, Аллоҳ таоло қуйидаги оятни нозил қилди: «Сиздан ҳайз ҳақида сўрайдилар. Айтинг, у кўнгилсиз – нопок нарсадир. Бас, ҳайз пайтида аёлларингиздан четланингиз ва то покланмагунларича уларга яқинлашмангиз! Пок бўлганларидан кейин уларга Аллоҳ буюрган тарафдан келингиз! Албатта, Аллоҳ тавба қилгувчиларни ва ўзларини мудом пок тутгувчиларни севади» (Бақара сураси, 222-оят). Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳайзли хотинга никоҳдан бошқа барча нарсани қилаверинглар», дедилар. Бу хабар яҳудийларга етганида, улар: «Бу кимса, яъни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизнинг ишларимизнинг бирортасини қолдирмасдан қарши чиқади-я», дейишди. Бас, Усайд ибн Ҳузайр ва Аббод ибн Бишрлар келиб: «Эй Аллоҳнинг расули! Яҳудийлар ундай ва бундай дейишмоқда, биз ҳам хотинларга аралашмайлик», дейишган эди, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг юзлари ўзгариб кетди. Ҳатто, у зотнинг ғазаблари келди, шекилли, деб гумон қилдик. У икковлари чиқиб туришган эди, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга сутдан бўлган ҳадыя келиб қолди. У зот уларнинг орқаларидан юбориб сут ила сийладилар. (Уни юборганларидан) билишдики, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам, демак, у икковларидан ғазабланмаган эканлар».

#### 4-боб

#### Мазий ҳақида

544 - حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ حَدَّثَنَا وَكَيْعٌ وَأَبُو مُعَاوِيَةَ وَهَشِيمٌ عَنِ الْأَعْمَشِ عَنْ مُنْذِرِ بْنِ يَعْلَى وَيُكْنَى أَبُو يَعْلَى عَنِ ابْنِ الْحَنْفِيَّةِ عَنْ عَلِيٍّ قَالَ كُنْتُ رَجُلًا مَذَّاءً وَكُنْتُ أَسْتَحْيِي أَنْ أَسْأَلَ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لِمَكَانِ ابْنَتِهِ فَأَمَرْتُ الْمُقَدَّادَ بْنَ الْأَسْوَدِ فَسَأَلَهُ فَقَالَ يَغْسِلُ ذَكَرَهُ وَيَتَوَضَّأُ

544/1. Али розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Бу зот: «Мен кўп мазий кўрувчи кишилардан эдим. Бу ҳақда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўрашга ҳаё қилар эдим. Чунки у зотнинг қизлари турмуш ўртоғим эди. Миқдод ибн Асвадга буюрган эдим, у бу ҳақда Расулуллоҳ алайҳиссаломдан сўради. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Олатини ювиб таҳорат қилади», дедилар», деб айтдилар.

545 - وَحَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ حَبِيبٍ الْحَارِثِيُّ حَدَّثَنَا خَالِدٌ يَعْنِي ابْنَ الْحَارِثِ حَدَّثَنَا شُعْبَةُ أَخْبَرَنِي سُلَيْمَانَ قَالَ سَمِعْتُ مُنْذِرًا عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ عَلِيٍّ عَنْ عَلِيٍّ أَنَّهُ قَالَ اسْتَحْيَيْتُ أَنْ أَسْأَلَ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنِ الْمَذْيِ مِنْ أَجْلِ فَاطِمَةَ فَأَمَرْتُ الْمُقَدَّادَ فَسَأَلَهُ فَقَالَ مِنْهُ الْوَضُوءُ

545/2. Али розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Бу зот: «Қизлари Фотима менинг қўл остимда, яъни никоҳимда бўлгани учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан мазий ҳақида сўрашга уялиб, Миқдод розийаллоҳу анҳуга буюрган эдим, у бу ҳақда у зотдан сўради. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «У сабабли таҳорат лозим», дедилар», деб айтдилар.

546 - وَحَدَّثَنِي هَارُونُ بْنُ سَعِيدٍ الْأَيْلِيُّ وَأَحْمَدُ بْنُ عِيسَى قَالَا حَدَّثَنَا ابْنُ وَهْبٍ أَخْبَرَنِي مَخْرَمَةُ بْنُ بُكَيْرٍ عَنْ أَبِيهِ عَنْ سُلَيْمَانَ بْنِ يَسَارٍ عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ قَالَ قَالَ عَلِيُّ بْنُ أَبِي طَالِبٍ أَرْسَلْنَا الْمُقَدَّادَ بْنَ الْأَسْوَدِ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَسَأَلَهُ عَنِ الْمَذْيِ يَخْرُجُ مِنَ الْإِنْسَانِ كَيْفَ يَفْعَلُ بِهِ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ تَوَضَّأُ وَأَنْضَحَ فَرَجَكَ

546/3. Ибн Аббос розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Али ибн Абу Толиб: «Биз Миқдод ибн Асвадни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига инсондан мазий чиққанда нима бўлиши ҳақида сўраш учун юбордик. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Таҳорат қил ва олатингни ювгин», дедилар», деб айтдилар.

## 5-боб

### Уйқудан уйғонганда юз ва икки қўлни ювиш ҳақида

547 - حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ وَأَبُو كُرَيْبٍ قَالَا حَدَّثَنَا وَكِيعٌ عَنْ سُفْيَانَ عَنْ سَلَمَةَ بْنِ كَهَيْلٍ عَنْ كُرَيْبٍ عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَامَ مِنَ اللَّيْلِ فَقَضَى حَاجَتَهُ ثُمَّ غَسَلَ وَجْهَهُ وَيَدَيْهِ ثُمَّ نَامَ

547/1. Ибн Аббос розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кечаси ўринларидан туриб, (катта ёки кичик) ҳожат чиқариб, сўнгра юзлари ва икки қўлларини ювиб, кейин ухлардилар.

### 6-боб

**Жунуб бўлган киши ухлаши жоизлиги, агар овқатланишни, ичимлик ичишни, ухлашни ёки жимоъ қилишни ирода этса, олатини ювиб таҳорат қилиш маҳбуб экани ҳақида**

548 - حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ يَحْيَى التَّمِيمِيُّ وَمُحَمَّدُ بْنُ رُمْحٍ قَالَا أَخْبَرَنَا اللَّيْثُ ح وَحَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ بْنُ سَعِيدٍ حَدَّثَنَا لَيْثٌ عَنْ ابْنِ شَهَابٍ عَنْ أَبِي سَلَمَةَ بْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ عَنْ عَائِشَةَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ إِذَا أَرَادَ أَنْ يَنَامَ وَهُوَ جُنُبٌ تَوَضَّأَ وَضُوءَهُ لِلصَّلَاةِ قَبْلَ أَنْ يَنَامَ

548/1. Оиша розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам агар жунублик ҳолатларида ухлашни хоҳласалар, уйқудан олдин намозга таҳорат қилингани каби таҳорат олардилар.

549 - حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ حَدَّثَنَا ابْنُ عُثَيْمٍ وَوَكَيْعٌ وَعُذْرَةُ عَنْ شُعْبَةَ عَنِ الْحَكَمِ عَنْ إِبْرَاهِيمَ عَنِ الْأَسْوَدِ عَنْ عَائِشَةَ قَالَتْ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا كَانَ جُنُبًا فَأَرَادَ أَنْ يَأْكُلَ أَوْ يَنَامَ تَوَضَّأَ وَضُوءَهُ لِلصَّلَاةِ

حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى وَابْنُ بَشَّارٍ قَالَا حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ جَعْفَرٍ ح وَحَدَّثَنَا عُبَيْدُ اللَّهِ بْنُ مُعَاذٍ قَالَ حَدَّثَنَا أَبِي قَالَا حَدَّثَنَا شُعْبَةُ بِهَذَا الْإِسْنَادِ قَالَ ابْنُ الْمُثَنَّى فِي حَدِيثِهِ حَدَّثَنَا الْحَكَمُ سَمِعْتُ إِبْرَاهِيمَ يُحَدِّثُ

549/2. Оиша розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Агар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жунуб бўлиб ейиш ёки ичишни хоҳласалар, худди намозга таҳорат қилингани каби таҳорат қилардилар.

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган.

550 - وَحَدَّثَنِي مُحَمَّدُ بْنُ أَبِي بَكْرٍ الْمُقَدَّمِيُّ وَزُهَيْرُ بْنُ حَرْبٍ قَالَا حَدَّثَنَا يَحْيَى وَهُوَ ابْنُ سَعِيدٍ عَنْ عُبَيْدِ اللَّهِ ح وَحَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ وَابْنُ نُمَيْرٍ وَاللَّفْظُ لَهُمَا قَالَ ابْنُ نُمَيْرٍ حَدَّثَنَا أَبِي وَقَالَ أَبُو بَكْرٍ حَدَّثَنَا أَبُو أُسَامَةَ قَالَا حَدَّثَنَا عُبَيْدُ اللَّهِ عَنْ نَافِعٍ عَنْ ابْنِ عُمَرَ أَنَّ عُمَرَ قَالَ يَا رَسُولَ اللَّهِ أَيْرُقَدُ أَحَدُنَا وَهُوَ جُنُبٌ قَالَ نَعَمْ إِذَا تَوَضَّأَ

550/3. Ибн Умар розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Умар розийаллоҳу анҳу: «Эй Аллоҳнинг расули! Бизлардан бирортамиз жунуб бўлганида ухлайверадими?» деганларида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳа, бўлаверди, агар таҳорат қилса», дедилар.

551 - وَحَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ رَافِعٍ حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّزَّاقِ عَنْ ابْنِ جُرَيْجٍ أَخْبَرَنِي نَافِعٌ عَنْ ابْنِ عُمَرَ أَنَّ عُمَرَ اسْتَفْتَى النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ هَلْ يَنَامُ أَحَدُنَا وَهُوَ جُنُبٌ قَالَ نَعَمْ لِيَتَوَضَّأَ ثُمَّ لِيَنِمَّ حَتَّى يَغْتَسِلَ إِذَا شَاءَ

551/4. Ибн Умар розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Умар розийаллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан фатво сўраб: «Бизлардан бирортамиз агар жунуб бўлса, ухлайверадими?» деганларида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳа, то ғусл қилгунича таҳорат олиб, сўнгра ухлайверсин», дедилар.

552 - وَحَدَّثَنِي يَحْيَى بْنُ يَحْيَى قَالَ قَرَأْتُ عَلَى مَالِكٍ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ دِينَارٍ عَنْ ابْنِ عُمَرَ قَالَ ذَكَرَ عُمَرُ بْنُ الْخَطَّابِ لِرَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ نُصِيهُ جَنَابَةً مِنَ اللَّيْلِ فَقَالَ لَهُ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ تَوَضَّأَ وَاغْتَسَلَ ذَكَرَكَ ثُمَّ نَمَ

552/5. Ибн Умар розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Умар ибн Хаттоб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга кечаси содир бўлиб қоладиган жанобатни зикр қилганларида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Таҳорат қилиб олатингни ювиб, сўнгра ухлайвергин», дедилар.

553 - حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ بْنُ سَعِيدٍ حَدَّثَنَا لَيْثٌ عَنْ مُعَاوِيَةَ بْنِ صَالِحٍ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ أَبِي قَيْسٍ قَالَ سَأَلْتُ عَائِشَةَ عَنْ وَثْرِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَذَكَرَ الْحَدِيثَ قُلْتُ كَيْفَ كَانَ يَصْنَعُ فِي الْجَنَابَةِ أَكَانَ يَغْتَسِلُ قَبْلَ أَنْ يَنَامَ أَمْ يَنَامُ قَبْلَ أَنْ يَغْتَسِلَ قَالَتْ كُلُّ ذَلِكَ قَدْ كَانَ يَفْعَلُ رَبَّمَا اغْتَسَلَ فَنَامَ وَرَبَّمَا تَوَضَّأَ فَنَامَ قُلْتُ الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي جَعَلَ فِي الْأَمْرِ سَعَةً

وَحَدَّثَنِيهِ زُهَيْرُ بْنُ حَرْبٍ حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ مَهْدِيٍّ ح وَحَدَّثَنِيهِ هَارُونُ بْنُ سَعِيدٍ الْأَيْلِيُّ حَدَّثَنَا  
ابْنُ وَهْبٍ جَمِيعًا عَنْ مُعَاوِيَةَ بْنِ صَالِحٍ بِهَذَا الْإِسْنَادِ مِثْلَهُ

553/6. Абдуллоҳ ибн Абу Қайс розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. «Оиша розийаллоҳу анҳодан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг витрлари ҳақида сўрасам, у онамиз бу ҳақда зикр қилдилар. Мен: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жанобат етса, нима қилардилар, ухлашдан олдин ювинардиларми ёки ювинишдан олдин ухлардиларми?» десам, Оиша розийаллоҳу анҳо: «Унинг барчасини қилардилар, кўпинча ювиниб ухлардилар ва кўпинча таҳорат қилиб ухлардилар», деганларида, мен: «Ишларда кенгчилик қилган Аллоҳга ҳамд бўлсин», дедим».

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган.

554 – وَحَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ حَدَّثَنَا حَنْصُلُ بْنُ غِيَاثٍ ح وَحَدَّثَنَا أَبُو كُرَيْبٍ أَخْبَرَنَا ابْنُ  
أَبِي زَائِدَةَ ح وَحَدَّثَنِي عَمْرُو النَّاقِدُ وَابْنُ نُمَيْرٍ قَالَا حَدَّثَنَا مَرْوَانُ بْنُ مُعَاوِيَةَ الْفَزَارِيُّ كُلُّهُمَا عَنْ عَاصِمٍ عَنْ  
أَبِي الْمُتَوَكَّلِ عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا أَتَى أَحَدُكُمْ أَهْلُهُ ثُمَّ  
أَرَادَ أَنْ يَعُودَ فَلْيَتَوَضَّأْ زَادَ أَبُو بَكْرٍ فِي حَدِيثِهِ بَيْنَهُمَا وَضُوءًا وَقَالَ ثُمَّ أَرَادَ أَنْ يَعُودَ

554/7. Абу Саид Худрий розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар сизлардан бирингиз аҳли ҳузурига (жинсий алоқа ниятида) келса, сўнгра яна иккинчи марта хоҳласа, таҳорат қилиб олсин», дедилар.

Абу Бакрнинг ривоятларида «икки (жинсий алоқа) ўртасида таҳорат лозим, агар қайта бажаришни хоҳласа» сўзи зиёда қилинган.

555 – وَحَدَّثَنَا الْحَسَنُ بْنُ أَحْمَدَ بْنِ أَبِي شُعَيْبٍ الْحَرَّانِيُّ حَدَّثَنَا مَسْكِينُ بْنُ يَعْنِي ابْنَ بُكَيْرٍ الْحَدَّاءَ  
عَنْ شُعْبَةَ عَنْ هِشَامِ ابْنِ زَيْدٍ عَنْ أَنَسٍ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَطُوفُ عَلَى نِسَائِهِ بِغُسْلٍ وَاحِدٍ

555/8. Анас розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам хотинларини битта гусл билан айланиб чиқардилар.

## 7-боб

**Аёллардан ҳам маний чиқса, гусл қилиш шарт экани ҳақида**

556 – وَحَدَّثَنِي زُهَيْرُ بْنُ حَرْبٍ حَدَّثَنَا عُمَرُ بْنُ يُوسُفَ الْحَنَفِيُّ حَدَّثَنَا عِكْرَمَةُ بْنُ عَمَّارٍ قَالَ قَالَ إِسْحَقُ بْنُ أَبِي طَلْحَةَ حَدَّثَنِي أَنَسُ بْنُ مَالِكٍ قَالَ جَاءَتْ أُمُّ سُلَيْمٍ وَهِيَ جَدَّةُ إِسْحَقَ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَتْ لَهُ وَعَائِشَةُ عِنْدَهُ يَا رَسُولَ اللَّهِ الْمَرْأَةُ تَرَى مَا يَرَى الرَّجُلُ فِي الْمَنَامِ فَتَرَى مِنْ نَفْسِهَا مَا يَرَى الرَّجُلُ مِنْ نَفْسِهِ فَقَالَتْ عَائِشَةُ يَا أُمَّ سُلَيْمٍ فَضَحَّتِ النِّسَاءُ تَرَبَّتْ يَمِينُكَ فَقَالَ لِعَائِشَةَ بَلْ أَنْتِ فَتَرَبَّتْ يَمِينُكَ نَعَمْ فَلْتَعْتَسِلْ يَا أُمَّ سُلَيْمٍ إِذَا رَأَتْ ذَلِكَ

556/1. Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Исҳоқнинг момолари Умму Сулайм Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келиб: «Эй Аллоҳнинг расули, хотин киши ҳам тушида эркак киши кўрадиган (тушни) кўриб, эркак кишига етадиган (маний) у хотинда ҳам содир бўлса, нима қилади?» деганларида, ўша пайт Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларида Оиша онамиз ҳам бор эдилар. У онамиз: «Эй Умму Сулайм, аёллар ҳақида ноқулай гапни айтдинг, эй қурмагур», дедилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Оиша розийаллоҳу анҳога: «Балки сен қурмагурсан, эй Оиша. Ҳа, эй Умму Сулайм, агар у нарсани аёл киши ҳам кўрса, ғусл қилсин», дедилар.

557 – حَدَّثَنَا عَبَّاسُ بْنُ الْوَلِيدِ حَدَّثَنَا يَزِيدُ بْنُ زُرَيْعٍ حَدَّثَنَا سَعِيدٌ عَنْ قَتَادَةَ أَنَّ أَنَسَ بْنَ مَالِكٍ حَدَّثَهُمْ أَنَّ أُمَّ سُلَيْمٍ حَدَّثَتْ أَنَّهَا سَأَلَتْ نَبِيَّ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنِ الْمَرْأَةِ تَرَى فِي مَنَامِهَا مَا يَرَى الرَّجُلُ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا رَأَتْ ذَلِكَ الْمَرْأَةُ فَلْتَعْتَسِلْ فَقَالَتْ أُمَّ سُلَيْمٍ وَاسْتَحْيَيْتُ مِنْ ذَلِكَ قَالَتْ وَهَلْ يَكُونُ هَذَا فَقَالَ نَبِيُّ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَعَمْ فَمِنْ أَيْنَ يَكُونُ الشَّبَهُ إِنَّ مَاءَ الرَّجُلِ غَلِيظٌ أَبْيَضٌ وَمَاءَ الْمَرْأَةِ رَقِيْقٌ أَصْفَرٌ فَمِنْ أَيِّهِمَا عَلَا أَوْ سَبَقَ يَكُونُ مِنْهُ الشَّبَهُ

557/2. Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Умму Сулайм розийаллоҳу анҳо Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан аёл киши ҳам тушида эркак киши кўрадиган нарсани сўраганларида, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар ўша нарсани аёл киши кўрса, ғусл қилсин», дедилар. Умму Сулайм розийаллоҳу анҳо: «Бу нарсдан уялиб «Бу нарса бўладими?» десам, Аллоҳнинг набийси: «Ҳа, бўлади, унда (бола онасига) ўхшашлиги қаердан бўлади?! Албатта эркак киши суви қуюқ, оқ, аёл кишининг суви суюқ, сариқдир. Бу икки сувдан қайси бири олий ёки ғолиб бўлса, ўшанга ўхшайди», дедилар», деб айтдилар.



558 - حَدَّثَنَا دَاوُدُ بْنُ رُشَيْدٍ حَدَّثَنَا صَالِحُ بْنُ عُمَرَ حَدَّثَنَا أَبُو مَالِكٍ الْأَشْجَعِيُّ عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ قَالَ سَأَلْتُ امْرَأَةً رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنِ الْمَرْأَةِ تَرَى فِي مَنَامِهَا مَا يَرَى الرَّجُلُ فِي مَنَامِهِ فَقَالَ إِذَا كَانَ مِنْهَا مَا يَكُونُ مِنَ الرَّجُلِ فَلْتَغْتَسِلْ

558/3. Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Бир хотин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан эркаклар тушида кўрадиган нарсани аёл киши ҳам тушида кўrsa, нима қилиши ҳақида сўради. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар у аёлда эркаклардагидек (маний) содир бўлса, ғусл қилсин», дедилар.

559 - وَحَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ يَحْيَى التَّمِيمِيُّ أَخْبَرَنَا أَبُو مُعَاوِيَةَ عَنْ هِشَامِ بْنِ عُرْوَةَ عَنْ أَبِيهِ عَنْ زَيْنَبَ بِنْتِ أَبِي سَلَمَةَ عَنْ أُمِّ سَلَمَةَ قَالَتْ جَاءَتْ أُمُّ سَلِيمٍ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَتْ يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ لَا يَسْتَحْيِي مِنَ الْحَقِّ فَهَلْ عَلَى الْمَرْأَةِ مِنْ غُسْلِ إِذَا احْتَلَمَتْ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَعَمْ إِذَا رَأَتْ الْمَاءَ فَقَالَتْ أُمُّ سَلَمَةَ يَا رَسُولَ اللَّهِ وَتَحْتَلِمُ الْمَرْأَةُ فَقَالَ تَرَبَّتْ يَدَاكِ فَبِمَ يُشَبِّهُهَا وَكَلَدَهَا

حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ وَزُهَيْرُ بْنُ حَرْبٍ قَالَا حَدَّثَنَا وَكَيْعٌ ح وَحَدَّثَنَا ابْنُ أَبِي عُمَرَ حَدَّثَنَا سُفْيَانُ جَمِيعًا عَنْ هِشَامِ بْنِ عُرْوَةَ بِهَذَا الْإِسْنَادِ مِثْلَ مَعْنَاهُ وَزَادَ قَالَتْ قُلْتُ فَضَحَّتِ النِّسَاءُ

559/4. Умму Салама розийаллоҳу анҳодан ривоят қилинади. Умму Сулайм Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келиб: «Эй Аллоҳнинг расули! Албатта Аллоҳ ҳақдан ҳаё қилмайди (яъни, ҳақни баён этишда пашшани зарбулмасал қилишдан ҳам тўхтатмайди). Агар аёл киши эҳтилом бўлиб қолса, ғусл қиладими?» деганида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳа, агар сувни кўrsa», дедилар. Умму Салама: «Эй Аллоҳнинг расули, аёл киши ҳам эҳтилом бўладими?» деганларида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қурмагур, унақада фарзанд қандай қилиб онасига ўхшайди?!» дедилар.

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган, фақат «аёллар ҳақида ноқулай гапни айтдинг» сўзи зиёда қилинган.

560 - وَحَدَّثَنَا عَبْدُ الْمَلِكِ بْنُ شُعَيْبٍ بْنُ اللَّيْثِ حَدَّثَنِي أَبِي عَنْ جَدِّي حَدَّثَنِي عُقَيْلُ بْنُ خَالِدٍ عَنْ ابْنِ شِهَابٍ أَنَّهُ قَالَ أَخْبَرَنِي عُرْوَةُ بْنُ الزُّبَيْرِ أَنَّ عَائِشَةَ زَوْجَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَخْبَرَتْهُ أَنَّ أُمَّ

سَلِيمٌ أُمُّ بَنِي أَبِي طَلْحَةَ دَخَلَتْ عَلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِمَعْنَى حَدِيثِ هِشَامٍ غَيْرَ أَنَّ فِيهِ قَالَ قَالَتْ عَائِشَةُ فَقُلْتُ لَهَا أَفَّ لَكَ أَتَرَى الْمَرْأَةَ ذَلِكَ

560/5. Оиша розийаллоҳу анҳодан ривоят қилинади. Баний Абу Талҳанинг оналари Умму Сулайм Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига кириб юқоридаги ҳадисда келганидек гапирдилар. Ҳадиснинг давомида Оиша розийаллоҳу анҳо: «Туф сенга! Аёл ана шуни кўрадими?» дедилар.

561 - حَدَّثَنَا إِبْرَاهِيمُ بْنُ مُوسَى الرَّازِيُّ وَسَهْلُ بْنُ عُثْمَانَ وَأَبُو كُرَيْبٍ وَاللَّفْظُ لِأَبِي كُرَيْبٍ قَالَ سَهْلٌ حَدَّثَنَا وَقَالَ الْآخِرَانِ أَخْبَرَنَا ابْنُ أَبِي زَائِدَةَ عَنْ أَبِيهِ عَنْ مُصْعَبِ بْنِ شَيْبَةَ عَنْ مُسَافِعِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ عَنْ عُرْوَةَ بْنِ الزُّبَيْرِ عَنْ عَائِشَةَ أَنَّ امْرَأَةً قَالَتْ لِرَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ هَلْ تَغْتَسِلُ الْمَرْأَةُ إِذَا احْتَلَمَتْ وَأَبْصَرَتِ الْمَاءَ فَقَالَ نَعَمْ فَقَالَتْ لَهَا عَائِشَةُ تَرَبَّتْ يَدَاكِ وَأَلْتِ قَالَتْ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ دَعِيهَا وَهَلْ يَكُونُ الشَّبَهُ إِلَّا مِنْ قَبْلِ ذَلِكَ إِذَا عَلَا مَاؤُهَا مَاءَ الرَّجُلِ أَشَبَّهُ الْوَلَدُ أَخْوَالَهُ وَإِذَا عَلَا مَاءَ الرَّجُلِ مَاءَهَا أَشَبَّهُ أَعْمَامَهُ

561/6. Оиша розийаллоҳу анҳодан ривоят қилинади. Бир хотин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга: «Аёл киши сув чиққанини кўриб эҳтилом қилганини ҳис этганда фусл қиладими?» деб айтганида, у зот: «Ҳа, фусл қилади», дедилар. Оиша розийаллоҳу анҳо у аёлга «Қурмагур», дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қўявергин, ўхшашлик мана шу томондан бўлади. Агар аёлнинг суви эрининг сувидан ғолиб келса, фарзанд тоғаларига ўхшайди. Агар эркакнинг суви хотинининг сувидан ғолиб келса, фарзанд амакиларига ўхшайди», дедилар.

## 8-боб

### Эркак киши ва аёл киши манийсининг сифати ҳамда фарзанд эр ва хотиннинг сувларидан халқ қилиниши ҳақида

562 - حَدَّثَنِي الْحَسَنُ بْنُ عَلِيٍّ الْحُلَوَانِيُّ حَدَّثَنَا أَبُو تَوْبَةَ وَهُوَ الرَّبِيعُ بْنُ نَافِعٍ حَدَّثَنَا مُعَاوِيَةُ يَعْنِي ابْنَ سَلَامٍ عَنْ زَيْدٍ يَعْنِي أَخَاهُ أَنَّهُ سَمِعَ أَبَا سَلَامٍ قَالَ حَدَّثَنِي أَبُو أَسْمَاءَ الرَّحْبِيُّ أَنَّ ثَوْبَانَ مَوْلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حَدَّثَهُ قَالَ كُنْتُ قَائِمًا عِنْدَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَجَاءَ حَبْرٌ مِنْ أَحْبَارِ الْيَهُودِ فَقَالَ السَّلَامُ عَلَيْكَ يَا مُحَمَّدٌ فَدَفَعْتُهُ دَفْعَةً كَادَ يُصْرَعُ مِنْهَا فَقَالَ لِمَ تَدْفَعُنِي فَقُلْتُ أَلَا تَقُولُ يَا رَسُولَ اللَّهِ فَقَالَ الْيَهُودِيُّ إِنَّمَا نَدْعُوهُ بِاسْمِهِ الَّذِي سَمَّاهُ بِهِ أَهْلُهُ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِنَّ

اسْمِي مُحَمَّدٌ الَّذِي سَمَّانِي بِهِ أَهْلِي فَقَالَ الْيَهُودِيُّ جِئْتُ أَسْأَلُكَ فَقَالَ لَهُ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَيْنَفَعَكَ شَيْءٌ إِنْ حَدَّثْتُكَ قَالَ أَسْمَعُ بِأُذُنِي فَكَتَبَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِعُودٍ مَعَهُ فَقَالَ سَلْ فَقَالَ الْيَهُودِيُّ أَيْنَ يَكُونُ النَّاسُ (يَوْمَ تُبَدَّلُ الْأَرْضُ غَيْرَ الْأَرْضِ وَالسَّمَوَاتُ) فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ هُمْ فِي الظُّلْمَةِ دُونَ الْجِسْرِ قَالَ فَمَنْ أَوَّلُ النَّاسِ إِجَارَةٌ قَالَ فَقَرَاءُ الْمُهَاجِرِينَ قَالَ الْيَهُودِيُّ فَمَا تُحَفَّتُهُمْ حِينَ يَدْخُلُونَ الْجَنَّةَ قَالَ زِيَادَةٌ كَبِدِ النَّوْنِ قَالَ فَمَا غَدَاؤُهُمْ عَلَى إِثْرِهَا قَالَ يُنْحَرُ لَهُمْ نَوْرُ الْجَنَّةِ الَّذِي كَانَ يَأْكُلُ مِنْ أَطْرَافِهَا قَالَ فَمَا شَرَابُهُمْ عَلَيْهِ قَالَ مِنْ عَيْنٍ فِيهَا تُسَمَّى سَلْسَبِيلًا قَالَ صَدَقْتَ قَالَ وَجِئْتُ أَسْأَلُكَ عَنْ شَيْءٍ لَا يَعْلَمُهُ أَحَدٌ مِنْ أَهْلِ الْأَرْضِ إِلَّا نَبِيٌّ أَوْ رَجُلٌ أَوْ رَجُلَانِ قَالَ يَنْفَعُكَ إِنْ حَدَّثْتُكَ قَالَ أَسْمَعُ بِأُذُنِي قَالَ جِئْتُ أَسْأَلُكَ عَنِ الْوَلَدِ قَالَ مَاءُ الرَّجُلِ أَيْبَضُ وَمَاءُ الْمَرْأَةِ أَصْفَرُ فَإِذَا اجْتَمَعَا فَعَلَا مَنِي الرَّجُلِ مَنِي الْمَرْأَةِ أَذْكَرًا بِإِذْنِ اللَّهِ وَإِذَا عَلَا مَنِي الْمَرْأَةِ مَنِي الرَّجُلِ آتْنَا بِإِذْنِ اللَّهِ قَالَ الْيَهُودِيُّ لَقَدْ صَدَقْتَ وَإِنَّكَ لَنَبِيٌّ ثُمَّ انصَرَفَ فَذَهَبَ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَقَدْ سَأَلَنِي هَذَا عَنِ الَّذِي سَأَلَنِي عَنْهُ وَمَا لِي عَلِمْتُ بِشَيْءٍ مِنْهُ حَتَّى أَتَانِي اللَّهُ بِهِ

وَحَدَّثَنِيهِ عَبْدُ اللَّهِ بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ الدَّارِمِيُّ أَخْبَرَنَا يَحْيَى بْنُ حَسَّانَ حَدَّثَنَا مُعَاوِيَةُ بْنُ سَلَامٍ فِي هَذَا الْإِسْنَادِ بِمِثْلِهِ غَيْرَ أَنَّهُ قَالَ كُنْتُ قَاعِدًا عِنْدَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَقَالَ زَائِدَةُ كَبِدِ النَّوْنِ وَقَالَ أَذْكَرَ وَأَنْثَ وَلَمْ يَقُلْ أَذْكَرًا وَأَنْثًا

562/1. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хизматкорлари Савбон розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Бу зот: «Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларида турсам, яҳудийларнинг олимларидан бири келиб: «Ассалому алайка, эй Муҳаммад», деди. Мен уни бир итарган эдим, у сабаб йиқилиб кетай деди. У: «Нима учун мени итариб юбординг?» деган эди, мен: «Эй Муҳаммад, дейиш ўрнига Аллоҳнинг расули, деб айтмайсанми?» дедим. Яҳудий: «Биз уни ўз аҳли ном қўйган исми ала чақирамиз», деди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аҳлим мени исмлаган ном Муҳаммадир», дедилар. Яҳудий: «Сендан (баъзи нарсаларни) сўраш учун келдим», деган эди, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар (сўраган нарсаларингни) айтсам, фойда берадими?» дедилар. Шунда у: «Икки қулоғим билан эшитаман», деди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларидаги дарахт шохи билан ерга чизиб, сўрайвергин, дедилар. Яҳудий: «Ер бошқа ерга, осмонлар бошқа осмонларга айланиб қоладиган кунда одамлар қаерда бўлишади?» деган эди, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сирот кўприги пастидаги зулумотда бўлишади», дедилар. Яҳудий: «Биринчи бўлиб ким ўтади?» деган эди, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Камбағал муҳожирлар», дедилар.

Яҳудий: «Жаннатга кирганларида уларга нима туҳфа бўлади?» деган эди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Китнинг жигари атрофи», дедилар. Яҳудий: «Бундан кейин унинг ортидан нима озуқа берилади?» деган эди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Жаннат хўкизларидан улар учун сўйиб берилади, уни атрофидан ейишади», дедилар. Яҳудий: «Уларнинг ичимликлари нима?» деган эди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Салсабил деб номланувчи булоқдаги (сув)», дедилар. Шунда у: «Рост гапирдинг, мен сендан бир нарса ҳақида сўрайман. У ҳақида ер юзидаги бирор киши билмайди, фақат бир набий ёки бир киши ё икки киши билади, холос», деган эди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар у ҳақда гапирсам, фойда берадими?» дедилар. Яҳудий: «Ҳа, уни икки қулоғим билан тинглайман, мен фарзанд ҳақида сўраш учун келдим», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эркак кишининг суви (манийси) оқ, хотинники эса сариқ бўлади. Агар иккови жамланганида эркак кишиники ғолиб келса, Аллоҳ изни билан фарзанд ўғил бўлади. Агар хотиннинг манийси эркакнинг манийсидан ғолиб келса, Аллоҳнинг изни билан фарзанд қиз бўлади», дегандилар, яҳудий: «Рост гапирдинг, сен набийдирсан», деб, сўнгра жўнаб қолди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Яҳудий бу ҳақда мендан сўради-ю, лекин сўраган нарсаси ҳақида менинг илмим йўқ эди. Аллоҳ у нарсани менга билдирди», деб айтдилар».

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган.

## 9-боб

### Жанобатдан қандай ғусл қилиш ҳақида

563 - حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ يَحْيَى التَّمِيمِيُّ حَدَّثَنَا أَبُو مُعَاوِيَةَ عَنْ هِشَامِ بْنِ عُرْوَةَ عَنْ أَبِيهِ عَنْ عَائِشَةَ قَالَتْ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا اغْتَسَلَ مِنَ الْجَنَابَةِ يَبْدَأُ فَيَغْسِلُ يَدَيْهِ ثُمَّ يَفْرَغُ بِيَمِينِهِ عَلَى شِمَالِهِ فَيَغْسِلُ فَرْجَهُ ثُمَّ يَتَوَضَّأُ وَضُوءَهُ لِلصَّلَاةِ ثُمَّ يَأْخُذُ الْمَاءَ فَيَدْخُلُ أَصَابِعَهُ فِي أُصُولِ الشَّعْرِ حَتَّى إِذَا رَأَى أَنْ قَدْ اسْتَبْرَأَ حَفَنَ عَلَى رَأْسِهِ ثَلَاثَ حَفَنَاتٍ ثُمَّ أَفَاضَ عَلَى سَائِرِ جَسَدِهِ ثُمَّ غَسَلَ رِجْلَيْهِ وَحَدَّثَنَا هُتَيْبَةُ بْنُ سَعِيدٍ وَزُهَيْرُ بْنُ حَرْبٍ قَالَا حَدَّثَنَا جَرِيرٌ ح وَحَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ مُسْهِرٍ ح وَحَدَّثَنَا أَبُو كُرَيْبٍ حَدَّثَنَا ابْنُ نُمَيْرٍ كُلُّهُمْ عَنْ هِشَامِ فِي هَذَا الْإِسْنَادِ وَلَيْسَ فِي حَدِيثِهِمْ غَسْلُ الرَّجُلَيْنِ

563/1. Оиша розийаллоҳу анҳодан ривоят қилинади. Агар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жанобат сабабли ғусл қиладиган бўлсалар, (аввал) икки қўлни ювишдан бошлардилар. Сўнгра ўнг қўллари билан чап қўлларига сув қуйиб олатларини ювиб, кейин намозга таҳорат қилганларидек

тахорат олиб, сўнгра сув олиб бармоқларини сочлари остига киргизардилар. Ҳатто бошларининг устидан уч ҳовуч сув қуйиб (бошнинг барча қисмига) намлик етказиб, кейин жасадларининг бошқа қисмига сув қуйиб, сўнгра икки оёқларини ювардилар.

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган, фақат «икки оёқларини ювардилар» сўзи айтилмаган.

564 - وَحَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ حَدَّثَنَا وَكَيْعٌ حَدَّثَنَا هِشَامٌ عَنْ أَبِيهِ عَنْ عَائِشَةَ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ اغْتَسَلَ مِنَ الْجَنَابَةِ فَبَدَأَ فَعَسَلَ كَفَّيْهِ ثَلَاثًا ثُمَّ ذَكَرَ نَحْوَ حَدِيثِ أَبِي مُعَاوِيَةَ وَلَمْ يَذْكُرْ غَسَلَ الرَّجْلَيْنِ

وَحَدَّثَنَا عَمْرُو النَّاقِدُ حَدَّثَنَا مُعَاوِيَةُ بْنُ عَمْرٍو حَدَّثَنَا زَائِدَةُ عَنْ هِشَامٍ قَالَ أَخْبَرَنِي عُرْوَةُ عَنْ عَائِشَةَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ إِذَا اغْتَسَلَ مِنَ الْجَنَابَةِ بَدَأَ فَعَسَلَ يَدَيْهِ قَبْلَ أَنْ يُدْخَلَ يَدَهُ فِي الْإِنَاءِ ثُمَّ تَوَضَّأَ مِثْلَ وَضُوئِهِ لِلصَّلَاةِ

564/2. Оиша розийаллоҳу анҳодан ривоят қилинади. Бу онамиз: «Агар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жанобат сабабли фусл қиладиган бўлсалар, икки кафтларини уч марта ювардилар», деб юқоридаги ҳадисдаги каби сўзни айтдилар. Лекин икки оёқ ювганларини зикр этмадилар.

Оиша розийаллоҳу анҳодан қилинган бошқа ривоят айтилишича эса, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам агар жанобат сабабли фусл қиладиган бўлсалар, қўлларини идишга тиқишдан аввал уни ювиш билан бошлаб, сўнгра намозга таҳорат қилганлари каби таҳорат олардилар.

565 - وَحَدَّثَنِي عَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ السَّعْدِيُّ حَدَّثَنِي عَيْسَى بْنُ يُونُسَ حَدَّثَنَا الْأَعْمَشُ عَنْ سَالِمِ بْنِ أَبِي الْجَعْدِ عَنْ كُرَيْبٍ عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ قَالَ حَدَّثَنِي خَالَتِي مَيْمُونَةُ قَالَتْ أَدْنَيْتُ لِرَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ غُسْلَهُ مِنَ الْجَنَابَةِ فَعَسَلَ كَفَّيْهِ مَرَّتَيْنِ أَوْ ثَلَاثًا ثُمَّ أَدْخَلَ يَدَهُ فِي الْإِنَاءِ ثُمَّ أَفْرَغَ بِهِ عَلَيَّ فَرَجَهُ وَغَسَلَهُ بِشِمَالِهِ ثُمَّ ضَرَبَ بِشِمَالِهِ الْأَرْضَ فَدَلَّكَهَا ذَلِكَ شَدِيدًا ثُمَّ تَوَضَّأَ وَضُوئَهُ لِلصَّلَاةِ ثُمَّ أَفْرَغَ عَلَيَّ رَأْسَهُ ثَلَاثَ حَفَنَاتٍ مِلءٍ كَفَّهُ ثُمَّ غَسَلَ سَائِرَ جَسَدِهِ ثُمَّ تَنَحَّى عَنْ مَقَامِهِ ذَلِكَ فَعَسَلَ رِجْلَيْهِ ثُمَّ أَتَيْتُهُ بِالْمِنْدِيلِ فَرَدَّهُ

وَحَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ الصَّبَّاحِ وَأَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ وَأَبُو كُرَيْبٍ وَالْأَشْجُ وَإِسْحَقُ كُلُّهُمْ عَنْ وَكَيْعِ ح وَحَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ يَحْيَى وَأَبُو كُرَيْبٍ قَالَا حَدَّثَنَا أَبُو مُعَاوِيَةَ كِلَاهُمَا عَنْ الْأَعْمَشِ بِهَذَا الْإِسْنَادِ وَلَيْسَ

فِي حَدِيثِهِمَا إِفْرَاحُ ثَلَاثِ حَفَنَاتٍ عَلَى الرَّأْسِ وَفِي حَدِيثِ وَكَيْعٍ وَصَفُ الْوُضُوءِ كُلُّهُ يَذْكُرُ الْمَضْمَضَةَ  
وَالِاسْتِنْشَاقَ فِيهِ وَلَيْسَ فِي حَدِيثِ أَبِي مُعَاوِيَةَ ذِكْرُ الْمَنْدِيلِ

565/3. Ибн Аббос розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. «Холам Маймуна менга: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жанобат сабабли фусл қилаётганларида ҳузурларида турсам, у зот кафтларини икки ёки уч марта ювиб, сув билан олатларини ювардилар. Ювишлари чап қўл билан бўларди. Сўнгра чап қўлларини ерга қаттиқ ишқардилар. Сўнгра намозга таҳорат қилгандек таҳорат олиб, кейин бошларидан уч ҳовуч кафтларини тўлдириб сув қуярдилар-да сўнгра жасадларини бошқа жойини ювдилар. Кейин ювинган маконларидан ўзларини четга олиб оёқларини ювардилар. Мен (артиниш учун) рўмолча олиб борсам, уни рад қилардилар», деб гапириб бердилар».

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган, лекин «бошлари устидан уч ҳовуч сув қуярдилар» ва «рўмолча» зикри келмаган. Аммо таҳоратларининг тўла зикри, яъни офизни чайиб, бурунга сув олишлари зикр қилинган.

566 - وَحَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ إِدْرِيسَ عَنِ الْأَعْمَشِ عَنْ سَالِمٍ عَنْ كُرَيْبٍ عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ عَنْ مَيْمُونَةَ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَتَى بِمَنْدِيلٍ فَلَمْ يَمْسَهُ وَجَعَلَ يَقُولُ بِالْمَاءِ هَكَذَا يَعْنِي يَنْفُضُهُ

566/4. Маймуна розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга (артиниш учун) рўмолча олиб келинса, у зот: «Сув мана бундай қилинади», деб уни силкитдилар.

567 - وَحَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى الْعَنْزِيُّ حَدَّثَنِي أَبُو عَاصِمٍ عَنْ حَنْظَلَةَ بْنِ أَبِي سُفْيَانَ عَنِ الْقَاسِمِ عَنْ عَائِشَةَ قَالَتْ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا اغْتَسَلَ مِنَ الْجَنَابَةِ دَعَا بِشَيْءٍ نَحْوِ الْحَلَابِ فَأَخَذَ بِكَفِّهِ بَدَأَ بِشِقِّ رَأْسِهِ الْأَيْمَنِ ثُمَّ الْأَيْسَرِ ثُمَّ أَخَذَ بِكَفِّهِ فَقَالَ بِهِمَا عَلَى رَأْسِهِ

567/5. Оиша розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам агар жанобат сабабли фусл қиладиган бўлсалар, сут идишига ўхшаш бирор идиш олиб келишни буюриб, кафтлари билан ушлардилар-да, бошларининг ўнг қисмидан бошлаб, сўнгра чап қисмига қуйиб ва икки кафтларини ушлаб бош устидан мана бундай қилинади, дедилар. Яъни, кафт бош устидан юргизилади.

## 10-боб

**Жанобат сабабли ғусл қилаётганда ишлатиш маҳбуб бўлган миқдордаги сув, эркак ва хотин бир ҳолат сабабли бир идишда ювиниши ҳамда бири иккинчисидан ортиб қолган сув ила ғусл қилиши ҳақида**

568 – وَحَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ يَحْيَى قَالَ قَرَأْتُ عَلَى مَالِكٍ عَنْ ابْنِ شَهَابٍ عَنْ عُرْوَةَ بْنِ الزُّبَيْرِ عَنْ عَائِشَةَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَغْتَسِلُ مِنْ إِنْاءٍ هُوَ الْفَرْقُ مِنَ الْجَنَابَةِ

568/1. Оиша розийаллоҳу анҳодан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга жанобат етиб қолса, фарақ номли идишда ғусл қилардилар.

569 – حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ بْنُ سَعِيدٍ حَدَّثَنَا لَيْثٌ ح وَحَدَّثَنَا ابْنُ رُمَيْحٍ أَخْبَرَنَا اللَّيْثُ ح وَحَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ بْنُ سَعِيدٍ وَأَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ وَعَمْرُو النَّاقِدُ وَزُهَيْرُ بْنُ حَرْبٍ قَالُوا حَدَّثَنَا سُفْيَانُ كِلَاهُمَا عَنِ الزُّهْرِيِّ عَنْ عُرْوَةَ عَنْ عَائِشَةَ قَالَتْ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَغْتَسِلُ فِي الْقَدَحِ وَهُوَ الْفَرْقُ وَكُنْتُ أَغْتَسِلُ أَنَا وَهُوَ فِي الْإِنَاءِ الْوَاحِدِ وَفِي حَدِيثِ سُفْيَانَ مِنْ إِنْاءٍ وَاحِدٍ قَالَ قُتَيْبَةُ قَالَ سُفْيَانُ وَالْفَرْقُ ثَلَاثَةٌ أَصْعُ

569/2. Оиша розийаллоҳу анҳодан ривоят қилинади. «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам фарақ номли идишда ғусл қилардилар. У зот ва мен бир идишда ғусл қилар эдик».

Суфённинг ривоятларида «бир идишдан ювинардик» бўлиб келган. Суфён розийаллоҳу анҳу: «Фарақ – у уч соъ сув сиғадиган идишдир», дедилар.

570 – وَحَدَّثَنِي عُبَيْدُ اللَّهِ بْنُ مُعَاذٍ الْعَنْبَرِيُّ قَالَ حَدَّثَنَا أَبِي قَالَ حَدَّثَنَا شُعْبَةُ عَنْ أَبِي بَكْرِ بْنِ حَفْصٍ عَنْ أَبِي سَلَمَةَ بْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ قَالَ دَخَلْتُ عَلَى عَائِشَةَ أَنَا وَأَخُوهَا مِنَ الرِّضَاعَةِ فَسَأَلَهَا عَنْ غُسْلِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنَ الْجَنَابَةِ فَدَعَتْ بِإِنَاءٍ قَدَرِ الصَّاعِ فَاغْتَسَلَتْ وَبَيْنَنَا وَبَيْنَهَا سِتْرٌ وَأَفْرَعَتْ عَلَى رَأْسِهَا ثَلَاثًا قَالَ وَكَانَ أَزْوَاجُ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَأْخُذْنَ مِنْ رُءُوسِهِنَّ حَتَّى تَكُونَ كَالْوُفْرَةِ

570/3. Абу Салама ибн Абдурахмон розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. «Мен ва Оиша розийаллоҳу анҳонинг эмикдош инилари Оиша онамиз ҳузурларига кирдик. Инилари у онамиздан Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жанобат сабабли қиладиган ғусллари ҳақида сўради. Шунда Оиша розийаллоҳу анҳо бир соъ миқдордаги сув сиғадиган идишни келтиришни буюртириб, у келганида ғусл қилдилар. Ўшанда у онамиз билан

бизнинг ўртамизда парда бор эди. У онамиз бошлари устидан уч марта сув қуйдилар». Ровий: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хотинлари бошларидаги сочларини бир тутам қилиб олардилар», дедилар.

571 - حَدَّثَنَا هَارُونُ بْنُ سَعِيدٍ الْأَيْلِيُّ حَدَّثَنَا ابْنُ وَهْبٍ أَخْبَرَنِي مَخْرَمَةُ بْنُ بُكَيْرٍ عَنْ أَبِيهِ عَنْ أَبِي سَلَمَةَ بْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ قَالَ قَالَتْ عَائِشَةُ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا اغْتَسَلَ بِدَأْ بِيَمِينِهِ فَصَبَّ عَلَيْهَا مِنَ الْمَاءِ فَعَسَلَهَا ثُمَّ صَبَّ الْمَاءَ عَلَى الْأَذَى الَّذِي بِهِ يَمِينُهُ وَغَسَلَ عَنْهُ بِشِمَالِهِ حَتَّى إِذَا فَرَغَ مِنْ ذَلِكَ صَبَّ عَلَى رَأْسِهِ قَالَتْ عَائِشَةُ كُنْتُ أُغْتَسِلُ أَنَا وَرَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنْ إِنَاءٍ وَاحِدٍ وَنَحْنُ جُنُبَانِ

571/4. Оиша розийаллоҳу анҳодан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам агар фусл қилсалар, ўнг томондан ювишни бошлаб, унга сув қуйиб ювардилар. Сўнгра ўнг қўллари билан чиқарган кирлари устига сув қуйиб, уни чап қўллари билан ювардилар. Агар бундан фориф бўлсалар, бошлари устидан сув қуярдилар. Оиша розийаллоҳу анҳо: «Мен ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жунублик пайтимизда бир идишда фусл қилар эдик», дедилар.

572 - وَحَدَّثَنِي مُحَمَّدُ بْنُ رَافِعٍ حَدَّثَنَا شَبَابَةُ حَدَّثَنَا لَيْثٌ عَنْ يَزِيدَ عَنْ عِرَاكٍ عَنْ حَفْصَةَ بِنْتِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ أَبِي بَكْرٍ وَكَانَتْ تَحْتَ الْمُنْذِرِ بْنِ الزُّبَيْرِ أَنَّ عَائِشَةَ أَخْبَرَتْهَا أَنَّهَا كَانَتْ تَغْتَسِلُ هِيَ وَالنَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي إِنَاءٍ وَاحِدٍ يَسَعُ ثَلَاثَةَ أَمْدَادٍ أَوْ قَرِيبًا مِنْ ذَلِكَ

572/5. Оиша розийаллоҳу анҳодан ривоят қилинади. Бу онамиз ва Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам уч муд сув сиғадиган ёки шунга яқин идишда биргаликда фусл қилишар эди.

573 - حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ مَسْلَمَةَ بْنِ قَعْنَبٍ قَالَ حَدَّثَنَا أَفْلَحُ بْنُ حُمَيْدٍ عَنِ الْقَاسِمِ بْنِ مُحَمَّدٍ عَنْ عَائِشَةَ قَالَتْ كُنْتُ أُغْتَسِلُ أَنَا وَرَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنْ إِنَاءٍ وَاحِدٍ تَخْتَلِفُ أَيْدِينَا فِيهِ مِنَ الْجَنَابَةِ

573/6. Оиша розийаллоҳу анҳодан ривоят қилинади. Бу онамиз: «Мен ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жанобат етганида бир идишда фусл қилар эдик. Унда қўлимиз (у идишга) фарқли равишда (кириб-чиқар) эди», дедилар.



574 - وَحَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ يَحْيَى أَخْبَرَنَا أَبُو خَيْثَمَةَ عَنْ عَاصِمِ الْأَحْوَلِ عَنْ مُعَاذَةَ عَنْ عَائِشَةَ قَالَتْ كُنْتُ أُغْتَسِلُ أَنَا وَرَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنْ إِنْاءٍ بَيْنِي وَبَيْنَهُ وَاحِدٍ فَيَأْتِرُنِي حَتَّى أَقُولَ دَعِ لِي دَعِ لِي قَالَتْ وَهُمَا جُنْبَانِ

574/7. Оиша розийаллоҳу анҳодан ривоят қилинади. «Мен ва Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жунублик пайтимизда бир идишда фусл қилар эдик. У идиш мен билан у зотнинг ўрталарида турар эди. У зот тезлашиб кетсалар, менга ҳам қолдиринг, менга ҳам қолдиринг, деб айтар эдим».

575 - وَحَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ بْنُ سَعِيدٍ وَأَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ جَمِيعًا عَنِ ابْنِ عُيَيْنَةَ قَالَ قُتَيْبَةُ حَدَّثَنَا سُفْيَانُ عَنْ عَمْرِو بْنِ أَبِي الشَّعَثَاءِ عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ قَالَ أَخْبَرْتَنِي مَيْمُونَةَ أَنَّهَا كَانَتْ تَغْتَسِلُ هِيَ وَالنَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي إِنْاءٍ وَاحِدٍ

575/8. Ибн Аббос розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Бу зот: «Маймуна розийаллоҳу анҳонинг менга хабар беришларича, у онамиз ва Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бир идишда фусл қилардилар», деб айтдилар.

576 - وَحَدَّثَنَا إِسْحَقُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ وَمُحَمَّدُ بْنُ حَاتِمٍ قَالَ إِسْحَقُ أَخْبَرَنَا وَقَالَ ابْنُ حَاتِمٍ حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَكْرٍ أَخْبَرَنَا ابْنُ جُرَيْجٍ أَخْبَرَنِي عَمْرُو بْنُ دِينَارٍ قَالَ أَكْبَرُ عِلْمِي وَالَّذِي يَخْطُرُ عَلَيَّ بِأَلِيٍّ أَنَّ أَبَا الشَّعَثَاءِ أَخْبَرَنِي أَنَّ ابْنَ عَبَّاسٍ أَخْبَرَهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَغْتَسِلُ بِفَضْلِ مَيْمُونَةَ

576/9. Ибн Аббос розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Маймуна розийаллоҳу анҳодан ортиб қолган сув ила фусл қилардилар.

577 - حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى حَدَّثَنَا مُعَاذُ بْنُ هِشَامٍ قَالَ حَدَّثَنِي أَبِي عَنْ يَحْيَى بْنِ أَبِي كَثِيرٍ حَدَّثَنَا أَبُو سَلَمَةَ بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ أَنَّ زَيْنَبَ بِنْتَ أُمِّ سَلَمَةَ حَدَّثَتْهُ أَنَّ أُمَّ سَلَمَةَ حَدَّثَتْهَا قَالَتْ كَانَتْ هِيَ وَرَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَغْتَسِلَانِ فِي الْإِنْاءِ الْوَاحِدِ مِنَ الْجَنَابَةِ

577/10. Умму Салама розийаллоҳу анҳодан ривоят қилинади. Бу онамиз ва Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жанобат бўлиб қолишганида бир идишда фусл қилишар эди.

578 - حَدَّثَنَا عُبَيْدُ اللَّهِ بْنُ مُعَاذٍ حَدَّثَنَا أَبِي ح وَحَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّحْمَنِ يَعْنِي ابْنَ مَهْدِيٍّ قَالَا حَدَّثَنَا شُعْبَةُ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ جَبْرِ قَالَ سَمِعْتُ أَنَسًا يَقُولُ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَغْتَسِلُ بِخَمْسِ مَكَائِكٍ وَيَتَوَضَّأُ بِمَكْوَكٍ وَقَالَ ابْنُ الْمُثَنَّى بِخَمْسِ مَكَائِكٍ وَقَالَ ابْنُ مُعَاذٍ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ وَلَمْ يَذْكُرِ ابْنَ جَبْرِ

578/11. Анас розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам беш муд ўлчовли идишда ғусл қилиб, бир муд ўлчовли идишда таҳорат қилардилар.

579 - حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ بْنُ سَعِيدٍ حَدَّثَنَا وَكِيعٌ عَنْ مِسْعَرٍ عَنِ ابْنِ جَبْرِ عَنْ أَنَسٍ قَالَ كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَتَوَضَّأُ بِالْمُدِّ وَيَغْتَسِلُ بِالصَّاعِ إِلَى خَمْسَةِ أَمْدَادٍ وَحَدَّثَنَا أَبُو كَامِلٍ الْجَحْدَرِيُّ وَعَمْرُو بْنُ عَلِيٍّ كِلَاهُمَا عَنْ بَشْرِ بْنِ الْمُفَضَّلِ قَالَ أَبُو كَامِلٍ حَدَّثَنَا بَشْرٌ حَدَّثَنَا أَبُو رِيحَانَةَ عَنْ سَفِينَةَ قَالَ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُغَسِّلُهُ الصَّاعَ مِنَ الْمَاءِ مِنَ الْجَنَابَةِ وَيُوضِّئُهُ الْمُدَّ

579/12. Анас розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир муд ўлчовидаги сувда таҳорат қилиб, бир соъ, яъни беш мудгача бўлган сувда ғусл қилардилар.

Сафийна розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жанобат бўлсалар бир соъ сув билан ғусл қилиб бир муд сув билан таҳорат олардилар.

580 - وَحَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ حَدَّثَنَا ابْنُ عُثَيْبَةَ ح وَحَدَّثَنِي عَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ حَدَّثَنَا إِسْمَاعِيلُ عَنْ أَبِي رِيحَانَةَ عَنْ سَفِينَةَ قَالَ أَبُو بَكْرٍ صَاحِبِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَغْتَسِلُ بِالصَّاعِ وَيَتَطَهَّرُ بِالْمُدِّ وَفِي حَدِيثِ ابْنِ حُجْرٍ أَوْ قَالَ وَيُطَهِّرُهُ الْمُدُّ وَقَالَ وَقَدْ كَانَ كَبِيرًا وَمَا كُنْتُ أَتَقُّ بِحَدِيثِهِ

580/13. Абу Бакр розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Бу зот: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир соъ сувда ғусл қилиб, бир муд сувда таҳорат қилардилар», деб айтдилар.

Ибн Хужрнинг ривоятларида «бир муд сув у зотни пок қилар эди» бўлиб келган.

Ровийлардан бири Абу Райҳона: «Ушбу ҳадисни эшитган шахс Сафийнанинг ёши улғайиб қолгани учун у айтган ҳадисларга ишонмайман», деб айтди.

### 11-боб

#### Бош ва ундан бошқа аъзоларга уч мартадан сув қуйишнинг маҳбублиги ҳақида

581 - حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ يَحْيَى وَقُتَيْبَةُ بْنُ سَعِيدٍ وَأَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ قَالَ يَحْيَى أَخْبَرَنَا وَقَالَ الْآخِرَانِ حَدَّثَنَا أَبُو الْأَحْوَصِ عَنْ أَبِي إِسْحَقَ عَنْ سُلَيْمَانَ بْنِ صُرَدٍ عَنْ جُبَيْرِ بْنِ مُطْعِمٍ قَالَ تَمَارَوْا فِي الْغُسْلِ عِنْدَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ بَعْضُ الْقَوْمِ أَمَّا أَنَا فَإِنِّي أَغْسِلُ رَأْسِي كَذَا وَكَذَا فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَمَّا أَنَا فَإِنِّي أُفِيضُ عَلَى رَأْسِي ثَلَاثَ أَكْفٍ

581/1. Жубайр ибн Мутъим розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Саҳобалар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларида гусл ҳақида тортишиб қолишди. Қавмдаги баъзи кишилар: «Мен бошимни ундай ва бундай қилиб юваман», дейишди. Буни эшитган Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мен эса бошим устидан уч ҳовуч сув қуяман», дедилар.

582 - وَحَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ جَعْفَرٍ حَدَّثَنَا شُعْبَةُ عَنْ أَبِي إِسْحَقَ عَنْ سُلَيْمَانَ بْنِ صُرَدٍ عَنْ جُبَيْرِ بْنِ مُطْعِمٍ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ ذَكَرَ عِنْدَهُ الْغُسْلُ مِنَ الْجَنَابَةِ فَقَالَ أَمَّا أَنَا فَأُفْرِغُ عَلَى رَأْسِي ثَلَاثًا

582/2. Жубайр ибн Мутъим розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларида жанобатдан гусл қилиш зикр этилди. Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аммо мен бошим устидан уч марта сув оқизаман», дедилар.

583 - وَحَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ يَحْيَى وَإِسْمَاعِيلُ بْنُ سَالِمٍ قَالَا أَخْبَرَنَا هُشَيْمٌ عَنْ أَبِي بَشْرِ عَنْ أَبِي سُفْيَانَ عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ أَنَّ وَفَدَ ثَقِيفٍ سَأَلُوا النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالُوا إِنَّ أَرْضَنَا أَرْضٌ بَارِدَةٌ فَكَيْفَ بِالْغُسْلِ فَقَالَ أَمَّا أَنَا فَأُفْرِغُ عَلَى رَأْسِي ثَلَاثًا  
قَالَ ابْنُ سَالِمٍ فِي رِوَايَتِهِ حَدَّثَنَا هُشَيْمٌ أَخْبَرَنَا أَبُو بَشْرِ وَقَالَ إِنَّ وَفَدَ ثَقِيفٍ قَالُوا يَا رَسُولَ اللَّهِ

583/3. Жобир ибн Абдуллоҳ розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Сақиф элчи гуруҳлари Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига

келиб: «Биз яшайдиган ерлар совуқ жойлардир. Биз у совуқ ерда қандай қилиб ғусл қилайлик?» дейишганида, у зот: «Мен бошим устидан уч марта сув оқизаман», дедилар.

584 – وَحَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى حَدَّثَنَا عَبْدُ الْوَهَّابِ يَعْنِي الثَّقَفِيَّ حَدَّثَنَا جَعْفَرٌ عَنْ أَبِيهِ عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ قَالَ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا اغْتَسَلَ مِنْ جَنَابَةِ صَبَّ عَلَى رَأْسِهِ ثَلَاثَ حَفَنَاتٍ مِنْ مَاءٍ فَقَالَ لَهُ الْحَسَنُ بْنُ مُحَمَّدٍ إِنَّ شَعْرِي كَثِيرٌ قَالَ جَابِرٌ فَقُلْتُ لَهُ يَا ابْنَ أَخِي كَانَ شَعْرُ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَكْثَرَ مِنْ شَعْرِكَ وَأَطْيَبَ

584/4. Жобир ибн Абдуллоҳ розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Бу зот: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам агар жанобат сабабли ғусл қиладиган бўлсалар, бошлари устидан уч ҳовуч сувни олиб қуярдилар», деб айтганларида, Ҳасан ибн Муҳаммад: «Менинг сочим кўп-ку», дедилар. Шунда Жобир розийаллоҳу анҳу: «Эй жияним, Расулуллоҳнинг сочлари сенинг сочингдан кўра кўпроқ ва хушбўйроқ эди», дедилар.

## 12-боб

### Ғусл қилувчи аёл ўрилган сочини нима қилиши кераклиги ҳақида

585 – حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ وَعَمْرُو النَّاقِدُ وَإِسْحَقُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ وَأَبْنُ أَبِي عُمَرَ كُلُّهُمْ عَنْ ابْنِ عُيَيْنَةَ قَالَ إِسْحَقُ أَخْبَرَنَا سُفْيَانُ عَنْ أَيُّوبَ بْنِ مُوسَى عَنْ سَعِيدِ بْنِ أَبِي سَعِيدٍ الْمَقْبَرِيِّ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ رَافِعٍ مَوْلَى أُمِّ سَلَمَةَ عَنْ أُمِّ سَلَمَةَ قَالَتْ قُلْتُ يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنِّي امْرَأَةٌ أَشَدُّ ضَفْرَ رَأْسِي فَأَنْقِضُهُ لِعَسَلِ الْجَنَابَةِ قَالَ لَا إِنَّمَا يَكْفِيكَ أَنْ تَحْتِي عَلَى رَأْسِكَ ثَلَاثَ حَثِيَّاتٍ ثُمَّ تُفِيضِينَ عَلَيْكَ الْمَاءَ فَتَطْهَرِينَ وَحَدَّثَنَا عَمْرُو النَّاقِدُ حَدَّثَنَا يَزِيدُ بْنُ هَارُونَ وَحَدَّثَنَا عَبْدُ بْنُ حُمَيْدٍ أَخْبَرَنَا عَبْدُ الرَّزَّاقِ قَالَ أَخْبَرَنَا الثَّوْرِيُّ عَنْ أَيُّوبَ بْنِ مُوسَى فِي هَذَا الْإِسْنَادِ وَفِي حَدِيثِ عَبْدِ الرَّزَّاقِ فَأَنْقِضُهُ لِلْحَيْضَةِ وَالْجَنَابَةِ فَقَالَ لَا ثُمَّ ذَكَرَ بِمَعْنَى حَدِيثِ ابْنِ عُيَيْنَةَ

وَحَدَّثَنِي أَحْمَدُ الدَّارِمِيُّ حَدَّثَنَا زَكَرِيَاءُ بْنُ عَدِيٍّ حَدَّثَنَا يَزِيدُ يَعْنِي ابْنَ زُرَيْعٍ عَنْ رَوْحِ بْنِ الْقَاسِمِ حَدَّثَنَا أَيُّوبُ بْنُ مُوسَى بِهَذَا الْإِسْنَادِ وَقَالَ أَفَاحِلُهُ فَأَغْسِلُهُ مِنَ الْجَنَابَةِ وَلَمْ يَذْكُرِ الْحَيْضَةَ

585/1. Умму Салама розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Бу онамиз: «Эй Аллоҳнинг расули, менинг сочим қаттиқ ўрилган, жанобатдан ғусл қилиш учун ўрилган сочимни ёзиб юбораманми?» десалар, у зот: «Йўқ, ёзишинг шарт эмас, балки бошинг устидан уч ҳовуч сув қуйиб, сўнгра устингдан қуясан-да, ўша билан покланасан», дедилар.

Бу ерда юқоридаги ҳадис икки марта келтирилган. Бирида «Ҳайз ёки жанобат сабабли қилинадиган ғуслда сочни ёзаманми?» сўзи зиёда қилинган. Иккинчисида «У сочни ечиб жанобатдан ғусл қиламанми?» сўзи зиёда қилинган, лекин «ҳайз» сўзи айтилмаган.

586 – وَحَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ يَحْيَى وَأَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ وَعَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ جَمِيعًا عَنْ ابْنِ عُلَيَّةَ قَالَ يَحْيَى أَخْبَرَنَا إِسْمَاعِيلُ ابْنُ عُلَيَّةَ عَنْ أَيُّوبَ عَنْ أَبِي الزُّبَيْرِ عَنْ عُبَيْدِ بْنِ عُمَيْرٍ قَالَ بَلَغَ عَائِشَةَ أَنَّ عَبْدَ اللَّهِ بْنَ عَمْرٍو يَأْمُرُ النِّسَاءَ إِذَا اغْتَسَلْنَ أَنْ يَنْقُضْنَ رُءُوسَهُنَّ فَقَالَتْ يَا عَجَبًا لِبْنِ عَمْرٍو هَذَا يَأْمُرُ النِّسَاءَ إِذَا اغْتَسَلْنَ أَنْ يَنْقُضْنَ رُءُوسَهُنَّ أَفَلَا يَأْمُرُهُنَّ أَنْ يَحْلِقْنَ رُءُوسَهُنَّ لَقَدْ كُنْتُ أَغْتَسِلُ أَنَا وَرَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنْ إِنْاءٍ وَاحِدٍ وَلَا أَزِيدُ عَلَى أَنْ أُفْرِغَ عَلَى رَأْسِي ثَلَاثَ إِفْرَاقَاتٍ

586/2. Убайд ибн Умайр розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Оиша розийаллоҳу анҳога хабар етиб қолдики, Абдуллоҳ ибн Амр хотинлари агар ғусл қилишса, сочларини ёзиб юборишга буюрардилар. Оиша розийаллоҳу анҳо: «Ибн Амр розийаллоҳу анҳу ажойиб экан-ку! Хотинлари агар ғусл қилишса, ўрилган сочларини ёзишга буюради-ю, нима учун унда сочларини олдиришга буюрмайди?! Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бир идиш(даги сув)дан ювинар эдим-да, лекин бошим устидан уч ҳовуч сув қуйишдан бошқа нарсани зиёда қилмас эдим. (Агар бундан бошқа амал бўлганда сочимни ёзган бўлар эдим)», дедилар.

### 13-боб

**Ҳайз сабабли ғусл қилувчи хотиннинг қонга хушбўй пахта ёки (жун ё латта) ишлатиши маҳбуб экани ҳақида**

587 – حَدَّثَنَا عَمْرُو بْنُ مُحَمَّدٍ النَّاقِدُ وَابْنُ أَبِي عُمَرَ جَمِيعًا عَنْ ابْنِ عُيَيْنَةَ قَالَ عَمْرُو حَدَّثَنَا سُفْيَانُ بْنُ عُيَيْنَةَ عَنْ مَنْصُورِ بْنِ صَفِيَّةَ عَنْ أُمِّهِ عَنْ عَائِشَةَ قَالَتْ سَأَلْتُ امْرَأَةَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَيْفَ تَغْتَسِلُ مِنْ حَيْضَتِهَا قَالَ فَذَكَرَتْ أَنَّهُ عَلَّمَهَا كَيْفَ تَغْتَسِلُ ثُمَّ تَأْخُذُ فِرْصَةً مِنْ مِسْكِ فَتَطَهَّرُ بِهَا قَالَتْ كَيْفَ أَتَطَهَّرُ بِهَا قَالَ تَطَهَّرِي بِهَا سُبْحَانَ اللَّهِ وَاسْتَرَّ وَأَشَارَ لَنَا سُفْيَانُ بْنُ عُيَيْنَةَ بِيَدِهِ عَلَى وَجْهِهِ قَالَتْ قَالَتْ عَائِشَةُ وَاجْتَذَبْتُهَا إِلَيَّ وَعَرَفْتُ مَا أَرَادَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقُلْتُ تَتَّبِعِي بِهَا أَثَرَ الدَّمِ وَقَالَ ابْنُ أَبِي عَمْرٍو فِي رِوَايَتِهِ فَقُلْتُ تَتَّبِعِي بِهَا أَثَرَ الدَّمِ

وَحَدَّثَنِي أَحْمَدُ بْنُ سَعِيدِ الدَّارِمِيِّ حَدَّثَنَا حَبَّانٌ حَدَّثَنَا وَهَيْبٌ حَدَّثَنَا مَنْصُورٌ عَنْ أُمِّهِ عَنْ عَائِشَةَ أَنَّ  
امْرَأَةً سَأَلَتِ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَيْفَ اغْتَسَلُ عِنْدَ الطُّهْرِ فَقَالَ خُذِي فِرْصَةً مُمْسَكَةً فَتَوَضَّئِي بِهَا  
ثُمَّ ذَكَرَ نَحْوَ حَدِيثِ سُفْيَانَ

587/1. Оиша розийаллоҳу анҳодан ривоят қилинади. Бир хотин Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан ҳайздан (покланаётганда) қандай ғусл қилиши ҳақида сўраганида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у хотинга қандай ғусл қилишни ўргатиб, сўнгра: «Хушбўй пахта ёки (латта ё жун) олиб, у билан тозалайсан», дедилар. У хотин: «Қандай қилиб у пахта билан тозалайман?» деган эди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Субҳаналлоҳ (ажабланилганда шундай дейилади), уни пахта билан тозалайсан-да», деб юзларини тўсиб олдилар. Суфён ибн Уяйна қўли билан у зотнинг юзларига ишора қилди. Оиша розийаллоҳу анҳу: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам нимани хоҳлаганларини билиб у хотинни ўзимга тортдим-да, қоннинг изидан юргизиб (артасан), деб айтдим», дедилар. Ибн Абу Умарнинг ривоятларида «Қон изи ўрнига қонлар изидан юргизиб (артасан)», деб айтилган.

Бу ерда юқорида ҳадис такрор келган. Лекин «Хушбўй пахтани олгинда, у билан тозалагин», дегандаги «тозалагин» сўзи арабча матнда «таваззай» бўлиб келган.

588 - حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى وَابْنُ بَشَّارٍ قَالَ ابْنُ الْمُثَنَّى حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ جَعْفَرٍ حَدَّثَنَا شُعْبَةُ عَنْ إِبْرَاهِيمَ بْنِ الْمُهَاجِرِ قَالَ سَمِعْتُ صَفِيَّةَ تُحَدِّثُ عَنْ عَائِشَةَ أَنَّ أَسْمَاءَ سَأَلَتِ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنْ غُسْلِ الْمَحِيضِ فَقَالَ تَأْخُذُ إِحْدَاكُنَّ مَاءَهَا وَسِدْرَتَهَا فَتَطَهَّرُ فَتُحَسِّنُ الطُّهُورَ ثُمَّ تَصُبُّ عَلَى رَأْسِهَا فَتَدْلُكُهُ دَلْكًا شَدِيدًا حَتَّى تَبْلُغَ شَوْوَانَ رَأْسِهَا ثُمَّ تَصُبُّ عَلَيْهَا الْمَاءَ ثُمَّ تَأْخُذُ فِرْصَةً مُمْسَكَةً فَتَطَهَّرُ بِهَا فَقَالَتْ أَسْمَاءُ وَكَيْفَ تَطَهَّرُ بِهَا فَقَالَ سُبْحَانَ اللَّهِ تَطَهَّرِينَ بِهَا فَقَالَتْ عَائِشَةُ كَأَنَّهَا تُخْفِي ذَلِكَ تَتَّبِعِينَ أَثَرَ الدَّمِ وَسَأَلْتُهُ عَنْ غُسْلِ الْجَنَابَةِ فَقَالَ تَأْخُذُ مَاءً فَتَطَهَّرُ فَتُحَسِّنُ الطُّهُورَ أَوْ تَبْلُغُ الطُّهُورَ ثُمَّ تَصُبُّ عَلَى رَأْسِهَا فَتَدْلُكُهُ حَتَّى تَبْلُغَ شَوْوَانَ رَأْسِهَا ثُمَّ تُفِيضُ عَلَيْهَا الْمَاءَ فَقَالَتْ عَائِشَةُ نَعَمْ النَّسَاءُ نِسَاءُ الْأَنْصَارِ لَمْ يَكُنْ يَمْنَعُهُنَّ الْحَيَاءُ أَنْ يَتَفَقَّهْنَ فِي الدِّينِ

وَحَدَّثَنَا عُبَيْدُ اللَّهِ بْنُ مُعَاذٍ حَدَّثَنَا أَبِي حَدَّثَنَا شُعْبَةُ فِي هَذَا الْإِسْنَادِ نَحْوَهُ وَقَالَ قَالَ سُبْحَانَ اللَّهِ

تَطَهَّرِي بِهَا وَاسْتَتَرَّ

وَحَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ يَحْيَى وَأَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ كِلَاهُمَا عَنْ أَبِي الْأَحْوَصِ عَنْ إِبْرَاهِيمَ بْنِ مُهَاجِرٍ عَنْ صَفِيَّةَ بِنْتِ شَيْبَةَ عَنْ عَائِشَةَ قَالَتْ دَخَلْتُ أَسْمَاءَ بِنْتُ شَكْلٍ عَلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَتْ يَا رَسُولَ اللَّهِ كَيْفَ تَغْتَسِلُ إِحْدَانَا إِذَا طَهَّرْتَ مِنَ الْحَيْضِ وَسَاقَ الْحَدِيثَ وَلَمْ يَذْكُرْ فِيهِ غُسْلَ الْجَنَابَةِ

588/2. Оиша розийаллоҳу анҳодан ривоят қилинади. Асмо розийаллоҳу анҳо Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан ҳайз бўлгандаги ғусл ҳақида сўраганларида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сизлардан бирингиз (ювинадиган) сувининг хушбўй ўсимлигини олиб (ифлос бўлган жойларини) тозалаб, таҳоратини чиройли тарзда адо қилиб, сўнгра бошидан сув қуяди. Ва шу аснода бошини суягигача етказиб қаттиқ ишқалаб, кейин устидан сув қуяди. Сўнгра хушбўй пахтани олиб, у билан тозалайди», дедилар. Асмо розийаллоҳу анҳо: «Қандай қилиб у билан тозалайди?» дегандиларо, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Субҳаналлоҳ! Ўша пахта билан тозалайди-да», дедилар. Оиша розийаллоҳу анҳо гўёки унга махфий қилиб: «Ана шу пахта билан қон асоратига юргизиб (артасан)», дедилар. Кейин Асмо розийаллоҳу анҳо жанобат бўлгандаги ғусл ҳақида сўраганларида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сув олиб (ифлос бўлган жойларни) тозалайди ва таҳоратни чиройли суратда ёки етук қилиб бажаради, сўнгра бошини устидан (сув) қуйиб, ишқаб боши суягигача етказди. Кейин яна устидан сув қуяди», дедилар. Оиша розийаллоҳу анҳо: «Ансория аёллар мунча ҳам яхши аёлларки, динда фақиҳ (билимдон) бўлишдан ҳаёлари ман этмайди, яъни диндаги зарурий нарсаларни сўрашдан уялишмайди», дедилар.

Бу ерда юқоридаги ҳадис икки марта келган. Иккинчисида жанобатдан ғусл қилиш зикр этилмаган.

## 14-боб

### Истиҳоза қони кўрган хотин, унинг ғусл қилиши ва намози ҳақида

589 – وَحَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ وَأَبُو كُرَيْبٍ قَالَا حَدَّثَنَا وَكَيْعٌ عَنْ هِشَامِ بْنِ عُرْوَةَ عَنْ أَبِيهِ عَنْ عَائِشَةَ قَالَتْ جَاءَتْ فَاطِمَةُ بِنْتُ أَبِي حُبَيْشٍ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَتْ يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنِّي امْرَأَةٌ أُسْتَحَاضُ فَلَا أَطْهَرُ أَفَادَعُ الصَّلَاةَ فَقَالَ لَا إِنَّمَا ذَلِكَ عِرْقٌ وَلَيْسَ بِالْحَيْضَةِ فَإِذَا أَقْبَلَتِ الْحَيْضَةَ فَدَعِيَ الصَّلَاةَ وَإِذَا أَدْبَرَتْ فَاغْسِلِي عَنكَ الدَّمَ وَصَلِّي

حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ يَحْيَى أَخْبَرَنَا عَبْدُ الْعَزِيزِ بْنُ مُحَمَّدٍ وَأَبُو مُعَاوِيَةَ ح وَحَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ بْنُ سَعِيدٍ حَدَّثَنَا جَرِيرٌ ح وَحَدَّثَنَا ابْنُ نُمَيْرٍ حَدَّثَنَا أَبِي ح وَحَدَّثَنَا خَلْفُ بْنُ هِشَامٍ حَدَّثَنَا حَمَّادُ بْنُ زَيْدٍ كُلُّهُمُ عَنْ هِشَامِ بْنِ عُرْوَةَ بِمِثْلِ حَدِيثِ وَكَيْعٍ وَإِسْنَادِهِ وَفِي حَدِيثِ قُتَيْبَةَ عَنْ جَرِيرٍ جَاءَتْ فَاطِمَةُ بِنْتُ أَبِي حُبَيْشٍ بْنِ عَبْدِ الْمُطَّلِبِ ابْنِ أَسَدٍ وَهِيَ امْرَأَةٌ مِمَّا قَالَ وَفِي حَدِيثِ حَمَّادِ بْنِ زَيْدٍ زِيَادَةٌ حَرْفٍ تَرَكْنَا ذِكْرَهُ

589/1. Оиша розийаллоҳу анҳодан ривоят қилинади. Фотима бинти Абу Ҳубайш Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келиб: «Эй Аллоҳнинг расули! Мен истиҳоза қони кўраман-да, пок бўлмайман, шунда намозни тарк қиламанми?» деганида, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Йўқ, бу нарса (озил, деб аталувчи) томирдан келадиган қондир, ҳайз қони эмасдир. Агар борди-ю, ҳайз қони келса, намозни тарк қилгин. Ҳайз қони тўхтаса, қонни ўзингдан кетказиб (ғусл қилгин-да), намозингни ўқигин», дедилар.

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган.

590 - حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ بْنُ سَعِيدٍ حَدَّثَنَا لَيْثٌ ح وَحَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ رُمْحٍ أَخْبَرَنَا اللَّيْثُ عَنْ ابْنِ شَهَابٍ عَنْ عُرْوَةَ عَنْ عَائِشَةَ أَنَّهَا قَالَتْ اسْتَفْتَيْتُ أُمَّ حَبِيبَةَ بِنْتَ جَحْشِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَتْ إِنِّي أُسْتَحَاضُ فَقَالَ إِنَّمَا ذَلِكَ عَرَقٌ فَاغْتَسِلِي ثُمَّ صَلِّي فَكَانَتْ تَغْتَسِلُ عِنْدَ كُلِّ صَلَاةٍ قَالَ اللَّيْثُ بْنُ سَعْدٍ لَمْ يَذْكُرْ ابْنُ شَهَابٍ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَمَرَ أُمَّ حَبِيبَةَ بِنْتَ جَحْشٍ أَنْ تَغْتَسِلَ عِنْدَ كُلِّ صَلَاةٍ وَلَكِنَّهُ شَيْءٌ فَعَلْتَهُ هِيَ وَقَالَ ابْنُ رُمْحٍ فِي رِوَايَتِهِ ابْنَةُ جَحْشٍ وَلَمْ يَذْكُرْ أُمَّ حَبِيبَةَ

590/2. Оиша розийаллоҳу анҳодан ривоят қилинади. Умму Ҳабиба бинти Жаҳш Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан фатво сўраб: «Мен истиҳоза қони кўриб тураман», деганида, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ғусл қилгин-да, сўнгра намоз ўқигин», дедилар. Умму Ҳабибага барча намоз олдидан ғусл қилиш одат эди.

Лайс ибн Саъд ровийлардан бири Ибн Шиҳобни зикр этмасдан: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Умму Ҳабиба бинти Жаҳшга ҳар намоз олдидан ғусл қилишни буюрдилар. Лекин бу нарсани фақат у ўзи бажарар эди», дедилар. (Демак, бу нарса фақат Умму Ҳабиба учун хос экан... – тарж.) Ибн Румҳнинг ривоятларида Умму Ҳабиба сўзини зикр қилмай, Ибнату Жаҳш деб айтиш билан кифояланганлар.

591 - وَحَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ سَلَمَةَ الْمُرَادِيُّ حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ وَهْبٍ عَنْ عَمْرِو بْنِ الْحَارِثِ عَنْ ابْنِ شَهَابٍ عَنْ عُرْوَةَ بْنِ الزُّبَيْرِ وَعَمْرَةَ بِنْتِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ عَنْ عَائِشَةَ زَوْجِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّ



أُمُّ حَبِيبَةَ بِنْتُ جَحْشٍ خَتَنَةُ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَتَحَتَ عَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنِ عَوْفٍ اسْتَحْيَضَتْ سَبْعَ سِنِينَ فَاسْتَفْتَتْ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي ذَلِكَ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِنَّ هَذِهِ لَيْسَتْ بِالْحَيْضَةِ وَلَكِنَّ هَذَا عَرَقٌ فَاغْتَسِلِي وَصَلِّي قَالَتْ عَائِشَةُ فَكَانَتْ تَغْتَسِلُ فِي مِرْكَنٍ فِي حُجْرَةِ أُخْتِهَا زَيْنَبَ بِنْتِ جَحْشٍ حَتَّى تَعْلُو حُمْرَةَ الدَّمِ الْمَاءِ قَالَ ابْنُ شَهَابٍ فَحَدَّثْتُ بِذَلِكَ أَبَا بَكْرٍ بْنَ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ الْحَارِثِ بْنِ هِشَامٍ فَقَالَ يَرْحَمُ اللَّهُ هَذَا لَوْ سَمِعَتْ بِهِذِهِ الْفُتْيَا وَاللَّهِ إِنْ كَانَتْ لَتَبْكِي لِأَنَّهَا كَانَتْ لَا تُصَلِّي

وَحَدَّثَنِي أَبُو عَمْرٍاءُ مُحَمَّدُ بْنُ جَعْفَرٍ بْنُ زِيَادٍ أَخْبَرَنَا إِبْرَاهِيمُ يَعْنِي ابْنَ سَعْدٍ عَنْ ابْنِ شَهَابٍ عَنْ عَمْرَةَ بِنْتِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ عَنْ عَائِشَةَ قَالَتْ جَاءَتْ أُمُّ حَبِيبَةَ بِنْتُ جَحْشٍ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَكَانَتْ اسْتَحْيَضَتْ سَبْعَ سِنِينَ بِمِثْلِ حَدِيثِ عَمْرَةَ بْنِ الْحَارِثِ إِلَى قَوْلِهِ تَعْلُو حُمْرَةَ الدَّمِ الْمَاءِ وَلَمْ يَذْكُرْ مَا بَعْدَهُ

وَحَدَّثَنِي مُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى حَدَّثَنَا سُفْيَانُ بْنُ عُيَيْنَةَ عَنِ الزُّهْرِيِّ عَنْ عَمْرَةَ عَنْ عَائِشَةَ أَنَّ ابْنَةَ جَحْشٍ كَانَتْ تُسْتَحَاضُ سَبْعَ سِنِينَ بِنَحْوِ حَدِيثِهِمْ

591/3. Оиша розийаллоҳу анҳодан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам хотинлари томонидан бўлган қариндошлари (хотинлари Зайнаб бинти Жаҳшнинг сингиллари), Абдураҳмон ибн Авфнинг хотинлари Умму Ҳабиба бинти Жаҳш етти йил ҳайз кўриб, бу ҳақда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан фатво сўради. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бу нарса ҳайз қони эмас, лекин бу (озил, деб аталувчи) томирдан келадиган қондир. Бас, сен фусл қилиб намоз ўқийвергин», дедилар.

Оиша розийаллоҳу анҳо: «У сингилси Зайнаб бинти Жаҳшнинг хонасида тоғорада фусл қилар, ҳатто сув устига қоннинг қизил ранги чиқиб қолар эди», дедилар.

Ибн Шиҳоб: «Мен бу ҳақда Абу Бакр ибн Абдураҳмонга гапирсам, у зот: «Аллоҳ Ҳиндни раҳм қилсин, агар бу фатвони тириклигида эшитганида, Аллоҳ номига қасам, йиғлар эди. Чунки у мана шундай ҳолатда намоз ўқимас эди», дедилар», деб айтдилар.

Бу ерда юқоридаги ҳадис икки марта Ибн Шиҳобнинг сўзларига такрор келган.

592 – وَحَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ رُمْحٍ أَخْبَرَنَا اللَّيْثُ ح وَحَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ بْنُ سَعِيدٍ حَدَّثَنَا لَيْثٌ عَنْ يَزِيدَ بْنِ أَبِي حَبِيبٍ عَنْ جَعْفَرٍ عَنْ عِرَاكِ عَنْ عُرْوَةَ عَنْ عَائِشَةَ أَنَّهَا قَالَتْ إِنَّ أُمَّ حَبِيبَةَ سَأَلَتْ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ

عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنِ الدَّمِ فَقَالَتْ عَائِشَةُ رَأَيْتُ مَرَكَنَهَا مَلَانَ دَمًا فَقَالَ لَهَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ امْكُثِي قَدْرَ مَا كَانَتْ تَحْبِسُكَ حَيْضَتُكَ ثُمَّ اغْتَسَلِي وَصَلِّي

592/4. Оиша розийаллоҳу анҳодан ривоят қилинади. Умму Ҳабиба Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан қон ҳақида сўради. Оиша: «Мен унинг тоғораси қонга тўлганини кўрдим», дедилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: «Ҳайз қонинг келадиган вақт миқдорича ўзингни (унда ман этилган нарсалардан) тўхтатиб тургин-да, сўнгра фусл қилиб намоз ўқийвергин», дедилар.

593 – حَدَّثَنِي مُوسَى بْنُ قُرَيْشٍ التَّمِيمِيُّ حَدَّثَنَا إِسْحَقُ بْنُ بَكْرٍ بْنُ مُضَرَ حَدَّثَنِي أَبِي حَدَّثَنِي جَعْفَرُ بْنُ رَبِيعَةَ عَنْ عِرَاكِ بْنِ مَالِكٍ عَنْ عُرْوَةَ بْنِ الزُّبَيْرِ عَنْ عَائِشَةَ زَوْجِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهَا قَالَتْ إِنَّ أُمَّ حَبِيبَةَ بِنْتَ جَحْشِ النَّبِيِّ كَانَتْ تَحْتَ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ عَوْفٍ شَكَتْ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الدَّمِ فَقَالَ لَهَا امْكُثِي قَدْرَ مَا كَانَتْ تَحْبِسُكَ حَيْضَتُكَ ثُمَّ اغْتَسَلِي فَكَانَتْ تَغْتَسِلُ عِنْدَ كُلِّ صَلَاةٍ

593/5. Оиша розийаллоҳу анҳодан ривоят қилинади. Абдурахмон ибн Авфнинг хотинлари Умму Ҳабиба бинти Жаҳш Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга (оқаётган) қонидан шикоят қилганида, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: «Ҳайз қонинг келадиган вақт миқдорича ўзингни (унда ман этилган нарсалардан) тўхтатиб тургин-да, сўнгра фусл қилгин», дедилар. У ҳар намоз олдидан фусл қиларди.

## 15-боб

### Ҳайз кўрган хотин намознинг қазосини ўқимасдан, балки рўзанинг қазосини тутиши шарт экани ҳақида

594 – حَدَّثَنَا أَبُو الرَّبِيعِ الزَّهْرَانِيُّ حَدَّثَنَا حَمَّادٌ عَنْ أَيُّوبَ عَنْ أَبِي قَلَابَةَ عَنْ مُعَاذَةَ ح وَحَدَّثَنَا حَمَّادٌ عَنْ يَزِيدَ الرَّشَكِيِّ عَنْ مُعَاذَةَ أَنَّ امْرَأَةً سَأَلَتْ عَائِشَةَ فَقَالَتْ أَتَقْضِي إِحْدَانَا الصَّلَاةَ أَيَّامَ مَحِيضِهَا فَقَالَتْ عَائِشَةُ أَحْرُورِيَّةٌ أَنْتِ قَدْ كَانَتْ إِحْدَانَا تَحِيضُ عَلَى عَهْدِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ثُمَّ لَا تُؤْمَرُ بِقَضَاءِ

594/1. Муоза розийаллоҳу анҳодан ривоят қилинади. Бир хотин Оиша розийаллоҳу анҳодан «Бизлардан бирортамиз ҳайз кунларида намозини қазо қиладими?» деб сўраганида, Оиша розийаллоҳу анҳо: «Сен ҳарурий

(хаворижлар тарқаган қишлоқ)ликмисан? Бизлардан бирортамиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам даврларида ҳайз кўрадиган бўлсак, унга намознинг қазосини ўқиш буюрилмас эди», дедилар.

595 – وَحَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ جَعْفَرٍ حَدَّثَنَا شُعْبَةُ عَنْ يَزِيدَ قَالَ سَمِعْتُ مُعَاذَةَ أَنَّهَا سَأَلَتْ عَائِشَةَ أَتَقْضِي الْحَائِضُ الصَّلَاةَ فَقَالَتْ عَائِشَةُ أَحْرُورِيَّةٌ أَنْتِ قَدْ كُنَّ نِسَاءَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَحِضْنَ أَفَأَمْرُهُنَّ أَنْ يَجْزِينَ قَالَ مُحَمَّدُ بْنُ جَعْفَرٍ تَعْنِي يَقْضِينَ

595/2. Муоза розийаллоҳу анҳодан ривоят қилинади. Бу саҳобия аёл Оиша розийаллоҳу анҳодан «Ҳайз кўрган аёл намозини қазо қиладими?» деб сўраганида, Оиша розийаллоҳу анҳо: «Сен ҳарурийликмисан? Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хотинлари агар ҳайз кўрадиган бўлса, уларни қазо қилишга буюрардилар».

596 – وَحَدَّثَنَا عَبْدُ بْنُ حُمَيْدٍ أَخْبَرَنَا عَبْدُ الرَّزَّاقِ أَخْبَرَنَا مَعْمَرٌ عَنْ عَاصِمٍ عَنْ مُعَاذَةَ قَالَتْ سَأَلْتُ عَائِشَةَ فَقُلْتُ مَا بَالُ الْحَائِضِ تَقْضِي الصَّوْمَ وَلَا تَقْضِي الصَّلَاةَ فَقَالَتْ أَحْرُورِيَّةٌ أَنْتِ قُلْتَ لَسْتُ بِحَرُورِيَّةٍ وَلَكِنِّي أَسْأَلُ قَالَتْ كَانَ يُصِيبُنَا ذَلِكَ فَنُؤْمَرُ بِقَضَاءِ الصَّوْمِ وَلَا نُؤْمَرُ بِقَضَاءِ الصَّلَاةِ

596/3. Муоза розийаллоҳу анҳодан ривоят қилинади. «Мен Оиша розийаллоҳу анҳога «Нима учун ҳайз кўрган аёл рўзасини қазо қиладими-ю, намозни қазо қилмайди?» десам, Оиша розийаллоҳу анҳо: «Сен ҳарурийликмисан?» дедилар. Мен: «Ҳарурийлик эмасман, лекин бу ҳақда сўрамоқдаман, холос», дедим. Шунда Оиша розийаллоҳу анҳо: «Бизда бу нарса содир бўлса, рўзанинг қазосини тутишга буюрилиб, намознинг қазосини ўқишга буюрилмас эдик», дедилар».

## 16-боб

### Ғусл қилувчи киши (авратини) кийим ва шунга ўхшаш нарсалар билан тўсиши ҳақида

597 – وَحَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ يَحْيَى قَالَ قَرَأْتُ عَلَى مَالِكٍ عَنْ أَبِي النَّضْرِ أَنَّ أَبَا مُرَّةَ مَوْلَى أُمِّ هَانِئٍ بِنْتِ أَبِي طَالِبٍ أَخْبَرَهُ أَنَّهُ سَمِعَ أُمَّ هَانِئٍ بِنْتَ أَبِي طَالِبٍ تَقُولُ ذَهَبْتُ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَامَ الْفَتْحِ فَوَجَدْتُهُ يَغْتَسِلُ وَفَاطِمَةُ ابْنَتُهُ تَسْتَرُهُ بِثَوْبٍ

597/1. Умму Хонеъ бинти Абу Толиб розийаллоҳу анҳодан ривоят қилинади. Бу саҳобия аёл: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам

ҳузурларига фатҳ йили борсам, у зот фусл қилаётган эканлар, қизлари Фотима эса кийим билан тўсиб турган эканлар», леб айтдилар.

598 – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ رُمْحٍ بْنُ الْمُهَاجِرِ أَخْبَرَنَا اللَّيْثُ عَنْ يَزِيدَ بْنِ أَبِي حَبِيبٍ عَنْ سَعِيدِ بْنِ أَبِي هِنْدٍ أَنَّ أَبَا مَرْثَةَ مَوْلَى عَقِيلٍ حَدَّثَهُ أَنَّ أُمَّ هَانِئِ بِنْتَ أَبِي طَالِبٍ حَدَّثَتْهُ أَنَّهُ لَمَّا كَانَ عَامُ الْفَتْحِ أَتَتْ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَهُوَ بِأَعْلَى مَكَّةَ قَامَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِلَى غُسْلِهِ فَسَتَرَتْ عَلَيْهِ فَاطِمَةُ ثُمَّ أَخَذَتْ ثَوْبَهُ فَالتَّحَفَ بِهِ ثُمَّ صَلَّى ثَمَانَ رَكَعَاتٍ سُبْحَةَ الضُّحَى وَحَدَّثَنَا أَبُو كُرَيْبٍ حَدَّثَنَا أَبُو أُسَامَةَ عَنِ الْوَلِيدِ بْنِ كَثِيرٍ عَنْ سَعِيدِ بْنِ أَبِي هِنْدٍ بِهَذَا الْإِسْنَادِ وَقَالَ فَسَتَرَتْهُ ابْنَتُهُ فَاطِمَةُ بِثَوْبِهِ فَلَمَّا اغْتَسَلَ أَخَذَهُ فَالتَّحَفَ بِهِ ثُمَّ قَامَ فَصَلَّى ثَمَانَ سَجَدَاتٍ وَذَلِكَ ضُحَى

598/2. Умму Хонеъ бинти Абу Толиб розийаллоҳу анҳодан ривоят қилинади. Бу саҳобия аёл фатҳ йили Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига борсалар, у зот Макканинг юқори қисмида эканлар. Фусл қилиш учун турганларида қизлари Фотима тўсиб турдилар. Кейин Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кийимларини олиб унга ўрандилар-да, сўнгра нафл намози бўлган зуҳони саккиз ракат ўқидилар.

Саид ибн Абу Ҳинд розийаллоҳу анҳудан мана шу юқоридаги санад билан ривоят қилиниб, ҳадиснинг давомида айтилишича, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам фусл қилганларида қизлари Фотима розийаллоҳу анҳо кийим билан тўсиб турардилар. Фусл қилиб бўлиб кийимга ўрандилар-да, сўнгра саккиз саждали зуҳо намози ўқидилар.

599 – حَدَّثَنَا إِسْحَاقُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ الْحَنْظَلِيُّ أَخْبَرَنَا مُوسَى الْقَارِيُّ حَدَّثَنَا زَائِدَةُ عَنِ الْأَعْمَشِ عَنْ سَالِمِ بْنِ أَبِي الْجَعْدِ عَنْ كُرَيْبٍ عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ عَنْ مَيْمُونَةَ قَالَتْ وَضَعْتُ لِلنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَاءً وَسَتَرْتُهُ فَاغْتَسَلَ

599/3. Маймуна розийаллоҳу анҳодан ривоят қилинади. Бу онамиз: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга сув қуйиб тўсиб турдим. У зот эса фусл қилдилар», деб айтдилар.

## 17-боб

### Авратга назар солишнинг ҳаромлиги ҳақида

600 - حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ حَدَّثَنَا زَيْدُ بْنُ الْحُبَابِ عَنِ الضَّحَّاكِ بْنِ عُثْمَانَ قَالَ أَخْبَرَنِي زَيْدُ بْنُ أَسْلَمَ عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ عَنْ أَبِيهِ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ لَا يَنْظُرُ الرَّجُلُ إِلَى عَوْرَةِ الرَّجُلِ وَلَا الْمَرْأَةُ إِلَى عَوْرَةِ الْمَرْأَةِ وَلَا يُفْضِي الرَّجُلُ إِلَى الرَّجُلِ فِي ثَوْبٍ وَاحِدٍ وَلَا تُفْضِي الْمَرْأَةُ إِلَى الْمَرْأَةِ فِي الثَّوْبِ الْوَاحِدِ  
وَحَدَّثَنِي هَارُونُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ وَمُحَمَّدُ بْنُ رَافِعٍ قَالَا حَدَّثَنَا ابْنُ أَبِي فُدَيْكٍ أَخْبَرَنَا الضَّحَّاكُ بْنُ عُثْمَانَ بِهَذَا الْإِسْنَادِ وَقَالَا مَكَانَ عَوْرَةِ عُرْيَةِ الرَّجُلِ وَعُرْيَةِ الْمَرْأَةِ

600/1. Абу Саид Худрий оталаридан қилган ривоятда келтирилишича, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эркак киши эркак кишининг авратига қарамайди. Аёл киши аёл кишининг авратига қарамайди. Бир кийим ичида эркак киши эркак кишига баданини теккизмайди. Бир кийим ичида аёл киши аёл кишига баданини теккизмайди», дедилар.

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган, фақат арабчадаги «аврат» сўзи ўрнига «уряту» сўзи келган.

## 18-боб

### Якка турилганда яланғоч ғусл қилиш жоиз экани ҳақида

601 - وَحَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ رَافِعٍ حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّزَّاقِ حَدَّثَنَا مَعْمَرٌ عَنْ هَمَّامِ بْنِ مُنَبِّهٍ قَالَ هَذَا مَا حَدَّثَنَا أَبُو هُرَيْرَةَ عَنْ مُحَمَّدِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَذَكَرَ أَحَادِيثَ مِنْهَا وَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَتْ بَنُو إِسْرَائِيلَ يَغْتَسِلُونَ عُرَاةً يَنْظُرُ بَعْضُهُمْ إِلَى سِوَاةِ بَعْضٍ وَكَانَ مُوسَى عَلَيْهِ السَّلَامُ يَغْتَسِلُ وَحْدَهُ فَقَالُوا وَاللَّهِ مَا يَمْنَعُ مُوسَى أَنْ يَغْتَسِلَ مَعَنَا إِلَّا أَنَّهُ آذَرُ قَالَ فَذَهَبَ مَرَّةً يَغْتَسِلُ فَوَضَعَ ثَوْبَهُ عَلَى حَجَرٍ فَفَرَّ الْحَجَرُ بِثَوْبِهِ قَالَ فَجَمَحَ مُوسَى بِإِثْرِهِ يَقُولُ ثَوْبِي حَجَرٌ ثَوْبِي حَجَرٌ حَتَّى نَظَرْتُ بَنُو إِسْرَائِيلَ إِلَى سِوَاةِ مُوسَى قَالُوا وَاللَّهِ مَا بِمُوسَى مِنْ بَأْسٍ فَقَامَ الْحَجَرُ حَتَّى نَظَرَ إِلَيْهِ قَالَ فَأَخَذَ ثَوْبَهُ فَطَفِقَ بِالْحَجَرِ ضَرْبًا قَالَ أَبُو هُرَيْرَةَ وَاللَّهِ إِنَّهُ بِالْحَجَرِ نَدَبٌ سِتَّةٌ أَوْ سَبْعَةٌ ضَرَبُ مُوسَى بِالْحَجَرِ

601/1. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бани Исроил (қавми) яланғоч ювиниб, бир-бирларининг авратларига қарайверишар эди. Мусо алайҳиссалом эса якка ўзлари ғусл қилардилар. Қавмдагилар: «Мусо алайҳиссаломнинг биз билан бирга ювинишдан фақатгина дабба экани ман қилади, холос», дейишди. Кунларнинг бирида ғусл қилаётиб, кийимларини тош устига қўйгандилар,

тош кийимларини олиб қочди. Мусо алайҳиссалом: «Кийимимни тош (олиб кетди), кийимимни тош (олиб кетди)», деб унинг ортидан тез югурдилар. Бани Исроил қавми Мусо алайҳиссалом авратларини кўриб қолиб: «Аллоҳ номига қасамки, Мусода касаллик йўқ экан», дейишди. Тош қўзғалган эди, у зотга назар солинди. Мусо алайҳиссалом кийимларини олиб тошни ура бошладилар», дедилар. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу: «Тошнинг олтига (урилган) ўрни ёки Мусо алайҳиссалом тошни етти марта урдилар», деб айтдилар.

### 19-боб

#### Авратни (кўз тушишидан) сақлаб, унга аҳамиятли бўлиш ҳақида

602 – وَحَدَّثَنَا إِسْحَقُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ الْحَنْظَلِيُّ وَمُحَمَّدُ بْنُ حَاتِمِ بْنِ مَيْمُونٍ جَمِيعًا عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ بَكْرِ قَالَ أَخْبَرَنَا ابْنُ جُرَيْجٍ ح وَحَدَّثَنَا إِسْحَقُ بْنُ مَنْصُورٍ وَمُحَمَّدُ بْنُ رَافِعٍ وَاللَّفْظُ لَهُمَا قَالَ إِسْحَقُ أَخْبَرَنَا وَقَالَ ابْنُ رَافِعٍ حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّزَّاقِ أَخْبَرَنَا ابْنُ جُرَيْجٍ أَخْبَرَنِي عَمْرُو بْنُ دِينَارٍ أَنَّهُ سَمِعَ جَابِرَ بْنَ عَبْدِ اللَّهِ يَقُولُ لَمَّا بُنِيَتِ الْكَعْبَةُ ذَهَبَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَعَبَّاسٌ يَنْقُلَانِ حِجَارَةً فَقَالَ الْعَبَّاسُ لِلنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ اجْعَلْ إِزَارَكَ عَلَيَّ عَاتِقَكَ مِنَ الْحِجَارَةِ فَفَعَلَ فَخَرَّ إِلَى الْأَرْضِ وَطَمَحَتْ عَيْنَاهُ إِلَى السَّمَاءِ ثُمَّ قَامَ فَقَالَ إِزَارِي إِزَارِي فَشَدَّ عَلَيْهِ إِزَارَهُ قَالَ ابْنُ رَافِعٍ فِي رِوَايَتِهِ عَلَى رَقَبَتِكَ وَلَمْ يَقُلْ عَلَى عَاتِقِكَ

602/1. Жобир ибн Абдуллоҳ розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Бу зот: «Каъба бино қилинаётганда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва Аббос розийаллоҳу анҳу тошни ташишар эди. Аббос розийаллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга тошдан сақланиш учун «Изорингизни елкангизга қўйиб олинг», дегандилар, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ерга йиқилиб, кўзларини осмонга қаратдилар-да, сўнгра ўринларидан туриб: «Изорим, изорим», деб изорларини маҳкамладилар.

Ибн Рофънинг ривоятларида «елка» сўзи ўнига «гардан» бўлиб келган.

603 – وَحَدَّثَنَا زُهَيْرُ بْنُ حَرْبٍ حَدَّثَنَا رَوْحُ بْنُ عُبَادَةَ حَدَّثَنَا زَكَرِيَاءُ بْنُ إِسْحَقَ حَدَّثَنَا عَمْرُو بْنُ دِينَارٍ قَالَ سَمِعْتُ جَابِرَ بْنَ عَبْدِ اللَّهِ يُحَدِّثُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَنْقُلُ مَعَهُمُ الْحِجَارَةَ لِلْكَعْبَةِ وَعَلَيْهِ إِزَارُهُ فَقَالَ لَهُ الْعَبَّاسُ عَمُّهُ يَا ابْنَ أَخِي لَوْ حَلَلْتَ إِزَارَكَ فَجَعَلْتَهُ عَلَى مَنْكِبِكَ دُونَ الْحِجَارَةِ قَالَ فَحَلَّهُ فَجَعَلَهُ عَلَى مَنْكِبِهِ فَسَقَطَ مَعْشِبًا عَلَيْهِ قَالَ فَمَا رَأَيْتُ بَعْدَ ذَلِكَ الْيَوْمَ عُرْيَانًا

603/2. Жобир ибн Абдуллоҳ розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Каъба аҳли билан бирга Каъба

қурилиши учун тош таширдилар. У зотнинг изорлари бор эди. Амакилари Аббос розийаллоҳу анҳу: «Эй жияним, изорингизни ечиб, тош билан елкангиз орасига қўйиб олинг», дегандилар, у зот уни ечиб елкаларига қўйгандилар, ҳушсиз бўлиб йиқилиб тушдилар. (Ана шу йиқилганларидан сўнг) бу кундан (ҳеч ким) у зотни бошқа яланғоч ҳолда кўрмади.

604 - حَدَّثَنَا سَعِيدُ بْنُ يَحْيَى الْأَمَوِيُّ حَدَّثَنِي أَبِي حَدَّثَنَا عُثْمَانُ بْنُ حَكِيمٍ بْنِ عَبَّادِ بْنِ حُنَيْفٍ الْأَنْصَارِيُّ أَخْبَرَنِي أَبُو أُمَامَةَ بْنُ سَهْلٍ بْنُ حُنَيْفٍ عَنِ الْمَسُورِ بْنِ مَخْرَمَةَ قَالَ أَقْبَلْتُ بِحَجَرٍ أَحْمَلُهُ ثَقِيلٍ وَعَلَيَّ إِزَارٌ خَفِيفٌ قَالَ فَانْحَلَّ إِزَارِي وَمَعِيَ الْحَجَرُ لَمْ أَسْتَطِعْ أَنْ أَضَعَهُ حَتَّى بَلَغْتُ بِهِ إِلَى مَوْضِعِهِ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ارْجِعْ إِلَى ثَوْبِكَ فَخُذْهُ وَلَا تَمْشُوا عُرَاءً

604/3. Мисвар ибн Маҳрама розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. «Мен оғир тошни кўтариб кетаётганимда (баданимда) енгилгина изорим бор эди. У ечилиб кетди, тошни ўз ўрнига етказиб бормагунимча уни ерга қўйишга қодир бўлмадим. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: «Кийимингнинг (яъни, изорингнинг) олдига бориб, уни кийгин, яланғоч ҳолда юрмагин», дедилар».

## 20-боб

### Бавл қилаётганда тўсиниб туриш ҳақида

605 - حَدَّثَنَا شَيْبَانُ بْنُ فَرُّوخَ وَعَبْدُ اللَّهِ بْنُ مُحَمَّدٍ بْنِ أَسْمَاءَ الضُّبَيْعِيُّ قَالَ حَدَّثَنَا مَهْدِيُّ وَهُوَ ابْنُ مَيْمُونٍ حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ أَبِي يَعْقُوبَ عَنِ الْحَسَنِ بْنِ سَعْدٍ مَوْلَى الْحَسَنِ بْنِ عَلِيٍّ عَنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ جَعْفَرٍ قَالَ أَرَدَفَنِي رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ذَاتَ يَوْمٍ خَلْفَهُ فَأَسْرَّ إِلَيَّ حَدِيثًا لَا أُحَدِّثُ بِهِ أَحَدًا مِنَ النَّاسِ وَكَانَ أَحَبَّ مَا اسْتَتَرَ بِهِ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لِحَاجَتِهِ هَدَفٌ أَوْ حَائِشٌ نَخْلٍ قَالَ ابْنُ أَسْمَاءَ فِي حَدِيثِهِ يَعْنِي حَائِطَ نَخْلٍ

605/1. Абдуллоҳ ибн Жаъфар розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Бу зот: «Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам кунларнинг бирида мени мингаштириб олиб, бир сирли гап айтдилар. Мен уни одамлардан бирортасига айтмайман. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам учун ҳожат чиқараётганларида тўсиш учун энг маҳбуб бўлган нарсалар дўнглик ёки хурмо чакалакзори эди», дедилар.

## 21-боб

**Исломнинг илк даврида жимоъ ғуслни шарт қилиб қўймаслиги, фақат маний тушсагина, шарт экани ҳамда (кейинчалик) бу ҳукм насх бўлиб (амалдан қолдирилиб), жимоъ (хоҳ маний тушсин, хоҳ тушмасин) ғуслни шарт қилиб қўйиши ҳақида**

606 – وَحَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ يَحْيَى وَيَحْيَى بْنُ أَبِي حَبْرَةَ وَابْنُ حُجْرٍ قَالَ يَحْيَى بْنُ يَحْيَى أَخْبَرَنَا وَقَالَ الْآخَرُونَ حَدَّثَنَا إِسْمَاعِيلُ وَهُوَ ابْنُ جَعْفَرٍ عَنْ شَرِيكَ يَعْنِي ابْنَ أَبِي نَمِرٍ عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ عَنْ أَبِيهِ قَالَ خَرَجْتُ مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَوْمَ الْاِثْنَيْنِ إِلَى قُبَاءَ حَتَّى إِذَا كُنَّا فِي بَنِي سَالِمٍ وَقَفَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَى بَابِ عَتَبَانَ فَصَرَخَ بِهِ فَخَرَجَ يَجْرُ إِزَارَهُ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَعْجَلْنَا الرَّجُلَ فَقَالَ عَتَبَانُ يَا رَسُولَ اللَّهِ أَرَأَيْتَ الرَّجُلَ يُعْجَلُ عَنْ امْرَأَتِهِ وَلَمْ يُمْنِ مَاذَا عَلَيْهِ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِنَّمَا الْمَاءُ مِنَ الْمَاءِ

606/1. Абдураҳмон ибн Абу Саид Худрий оталаридан қилган ривоятда келтирилишича, Абу Саид Худрий розийаллоҳу анҳу: «Душанба куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга Қубо номли жойга бориш учун (уйдан) чиқдик. Бани Салим қабиласи олдига етиб борганимизда у зот Итбон (Ибн Молик)ни эшиги олдида туриб чақиргандилар, у киши иштонларини судраб чиқиб қолдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бу кишини шошилтириб қўйибмиз-ку!» дегандилар, Итбон розийаллоҳу анҳу: «Эй Аллоҳнинг расули! Бир киши хотини билан қовушган-у, лекин манийсини тўкмаган бўлса, нима қилади?» дедилар. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта сув сувдандир (яъни, маний суви учун ғусл лозим)», дедилар», деб айтдилар.

607 – حَدَّثَنَا عُبَيْدُ اللَّهِ بْنُ مُعَاذٍ الْعَنْبَرِيُّ حَدَّثَنَا الْمُعْتَمِرُ حَدَّثَنَا أَبِي حَدَّثَنَا أَبُو الْعَلَاءِ بْنُ الشَّخِيرِ قَالَ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَنْسَخُ حَدِيثَهُ بَعْضُهُ بَعْضًا كَمَا يَنْسَخُ الْقُرْآنُ بَعْضُهُ بَعْضًا

607/2. Абулало ибн Шиххир розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Бу зот: «Қуръондаги баъзи оятлар баъзисини насх қилгани каби Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларининг баъзиси баъзисини насх қилади», дедилар.

608 – حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ حَدَّثَنَا غُنْدَرٌ عَنْ شُعْبَةَ ح وَحَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى وَابْنُ بَشَّارٍ قَالَا حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ جَعْفَرٍ حَدَّثَنَا شُعْبَةُ عَنِ الْحَكَمِ عَنْ ذَكَوَانَ عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَرَّ عَلَى رَجُلٍ مِنَ الْأَنْصَارِ فَأَرْسَلَ إِلَيْهِ فَخَرَجَ وَرَأْسُهُ يَقْطُرُ فَقَالَ لَعَلْنَا أَعْجَلْنَاكَ



قَالَ نَعَمْ يَا رَسُولَ اللَّهِ قَالَ إِذَا أُعْجِلْتَ أَوْ أَقْحَطْتَ فَلَا تُغْسِلْ عَلَيْكَ وَعَلَيْكَ الْوُضُوءُ وَقَالَ ابْنُ بَشَّارٍ إِذَا أُعْجِلْتَ أَوْ أَقْحَطْتَ

608/3. Абу Саид Худрий розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир ансорий кишининг (уйи) олдидан ўтаётиб, уни чақриб чиқиш учун одам юбордилар. У ансорий чиққан пайтда бошидан сув томчилаб турарди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Биз сени шошилтириб қўйдик, шекилли-а?» десалар, у ансорий: «Ҳа, эй Аллоҳнинг расули», деди. Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар шошилтирилсанг, манийни тўкмаган бўлсанг, гусл шарт эмас, балки таҳоратнинг ўзи кифоя қилади», дедилар.

Ибн Башшор ривоятларида мажҳул кўринишда келган.

609 – حَدَّثَنَا أَبُو الرَّبِيعِ الزَّهْرَانِيُّ حَدَّثَنَا حَمَّادٌ حَدَّثَنَا هِشَامُ بْنُ عُرْوَةَ ح وَحَدَّثَنَا أَبُو كُرَيْبٍ مُحَمَّدُ بْنُ الْعَلَاءِ وَاللَّفْظُ لَهُ حَدَّثَنَا أَبُو مُعَاوِيَةَ حَدَّثَنَا هِشَامٌ عَنْ أَبِي أَيُّوبَ عَنْ أَبِي بِنِ كَعْبٍ قَالَ سَأَلْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنْ الرَّجُلِ يُصِيبُ مِنَ الْمَرْأَةِ ثُمَّ يُكْسِلُ فَقَالَ يَغْسِلُ مَا أَصَابَهُ مِنَ الْمَرْأَةِ ثُمَّ يَتَوَضَّأُ وَيُصَلِّي

609/4. Убай ибн Каъб розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан: «Бир киши хотини билан жинсий қовушса-да, лекин манийсини тўкмаса, нима қилади?» деб сўрасам, у зот: «Хотинидан етган (сувни) ювиб, кейин таҳорат қилиб, намоз ўқийверди», дедилар».

610 – وَحَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ جَعْفَرٍ حَدَّثَنَا شُعْبَةُ عَنْ هِشَامِ بْنِ عُرْوَةَ حَدَّثَنِي أَبِي عَنْ الْمَلِيِّ عَنْ الْمَلِيِّ بِقَوْلِهِ الْمَلِيُّ أَبُو أَيُّوبَ عَنْ أَبِي بِنِ كَعْبٍ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ قَالَ فِي الرَّجُلِ يَأْتِي أَهْلَهُ ثُمَّ لَا يُنْزِلُ قَالَ يَغْسِلُ ذَكَرَهُ وَيَتَوَضَّأُ

610/5. Убай ибн Каъб розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам аҳлига жинсий қовушиб, лекин манийсини тўкмайдиган киши ҳақида гапириб: «У киши олатини ювиб, таҳорат олади, (холос)», дедилар.

611 - حَدَّثَنَا هَارُونُ بْنُ سَعِيدٍ الْأَيْلِيُّ حَدَّثَنَا ابْنُ وَهْبٍ أَخْبَرَنِي عَمْرُو بْنُ الْحَارِثِ عَنْ ابْنِ شَهَابٍ حَدَّثَهُ أَنَّ أَبَا سَلَمَةَ بْنَ عَبْدِ الرَّحْمَنِ حَدَّثَهُ عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ قَالَ إِنَّمَا الْمَاءُ مِنَ الْمَاءِ

611/6. Абу Саид Худрий розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта сув сувдандир, яъни маний суви чиқса, сув билан фусл қилиш лозим», дедилар.

612 - وَحَدَّثَنِي زُهَيْرُ بْنُ حَرْبٍ وَعَبْدُ بْنُ حُمَيْدٍ قَالَا حَدَّثَنَا عَبْدُ الصَّمَدِ بْنُ عَبْدِ الْوَارِثِ ح وَحَدَّثَنَا عَبْدُ الْوَارِثِ بْنُ عَبْدِ الصَّمَدِ وَاللَّفْظُ لَهُ حَدَّثَنِي أَبِي عَنْ جَدِّي عَنِ الْحُسَيْنِ بْنِ ذَكْوَانَ عَنْ يَحْيَى بْنِ أَبِي كَثِيرٍ أَخْبَرَنِي أَبُو سَلَمَةَ أَنَّ عَطَاءَ بْنَ يَسَارٍ أَخْبَرَهُ أَنَّ زَيْدَ بْنَ خَالِدِ الْجُهَنِيِّ أَخْبَرَهُ أَنَّهُ سَأَلَ عُمَانَ بْنَ عَفَّانَ قَالَ قُلْتُ أَرَأَيْتَ إِذَا جَامَعَ الرَّجُلُ امْرَأَتَهُ وَلَمْ يَمْنِ قَالَ عُمَانُ يَتَوَضَّأُ كَمَا يَتَوَضَّأُ لِلصَّلَاةِ وَيَغْسِلُ ذَكَرَهُ قَالَ عُمَانُ سَمِعْتُهُ مِنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ

وَحَدَّثَنَا عَبْدُ الْوَارِثِ بْنُ عَبْدِ الصَّمَدِ حَدَّثَنِي أَبِي عَنْ جَدِّي عَنِ الْحُسَيْنِ قَالَ يَحْيَى وَأَخْبَرَنِي أَبُو سَلَمَةَ أَنَّ عُرْوَةَ بْنَ الزُّبَيْرِ أَخْبَرَهُ أَنَّ أَبَا أَيُّوبَ أَخْبَرَهُ أَنَّهُ سَمِعَ ذَلِكَ مِنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ

612/7. Зайд ибн Холид ал-Жухайний розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Бу зот Усмон розийаллоҳу анҳудан: «Агар киши хотинини жимоъ қилса-да, лекин манийси тушмаса, нима қилади?» деб сўраганларида, Усмон розийаллоҳу анҳу: «Олатини ювиб, намозга таҳорат олгани каби таҳорат қилади, мен буни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитганман», дедилар.

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган.

Фойда: демак маний тушмаса, фусл шарт эмас, деб айтилган сўз насх, яъни амалдан қолдирилгандир. Бизнинг ҳанафий мазҳабимизда агар эр-хотин жимоъ қилишса-ю, маний тушмаса, барибир фусл қилишлари вожибдир.

## 22-боб

**«Сув сувдандир, яъни маний тушсагина, фусл шарт», дейилган сўз насх бўлиб, икки жинсий аъзо қовушса, хоҳ маний тушсин, хоҳ тушмасин, фусл вожиб экани ҳақида**

613 - وَحَدَّثَنِي زُهَيْرُ بْنُ حَرْبٍ وَأَبُو غَسَّانَ الْمِسْمَعِيُّ ح وَحَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى وَابْنُ بَشَّارٍ قَالُوا حَدَّثَنَا مُعَاذُ بْنُ هِشَامٍ قَالَ حَدَّثَنِي أَبِي عَنْ قَتَادَةَ وَمَطْرُوفٍ عَنِ الْحَسَنِ عَنِ أَبِي رَافِعٍ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّ

نَبِيِّ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ إِذَا جَلَسَ بَيْنَ شُعْبَيْهَا الْأَرْبَعِ ثُمَّ جَهَدَهَا فَقَدْ وَجَبَ عَلَيْهِ الْغُسْلُ وَفِي حَدِيثٍ مَطْرٍ وَإِنْ لَمْ يُنْزَلْ قَالَ زُهَيْرٌ مِنْ بَيْنِهِمْ بَيْنَ أَشْعُبَيْهَا الْأَرْبَعِ حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ عَمْرٍو بْنِ عَبَّادِ بْنِ جَبَلَةَ حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ أَبِي عَدِيٍّ ح وَحَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى حَدَّثَنِي وَهْبُ بْنُ جَرِيرٍ كِلَاهُمَا عَنْ شُعْبَةَ عَنْ قَتَادَةَ بِهَذَا الْإِسْنَادِ مِثْلَهُ غَيْرَ أَنَّ فِي حَدِيثِ شُعْبَةَ ثُمَّ اجْتَهَدَ وَلَمْ يَقُلْ وَإِنْ لَمْ يُنْزَلْ

613/1. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар эр (хотиннинг) тўрт мучаси, яъни икки қўли ва икки оёғи орасига ўтирса, сўнгра жинсий яқинлик қилса, у кишига фусл вожиб бўлади», дедилар.

Маторнинг ривоятларида «агар маний тушмаса ҳам» бўлиб келган.

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган. Фақат «маний тушмаса ҳам» сўзи зикр қилинмаган.

614 – وَحَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ الْأَنْصَارِيُّ حَدَّثَنَا هِشَامُ بْنُ حَسَّانَ حَدَّثَنَا حُمَيْدُ بْنُ هَلَالٍ عَنْ أَبِي بُرْدَةَ عَنْ أَبِي مُوسَى الْأَشْعَرِيِّ ح وَحَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى حَدَّثَنَا عَبْدُ الْأَعْلَى وَهَذَا حَدِيثُهُ حَدَّثَنَا هِشَامٌ عَنْ حُمَيْدِ بْنِ هَلَالٍ قَالَ وَلَا أَعْلَمُهُ إِلَّا عَنْ أَبِي بُرْدَةَ عَنْ أَبِي مُوسَى قَالَ اخْتَلَفَ فِي ذَلِكَ رَهْطٌ مِنَ الْمُهَاجِرِينَ وَالْأَنْصَارِ فَقَالَ الْأَنْصَارِيُّونَ لَا يَجِبُ الْغُسْلُ إِلَّا مِنَ الدَّفْقِ أَوْ مِنَ الْمَاءِ وَقَالَ الْمُهَاجِرُونَ بَلْ إِذَا خَالَطَ فَقَدْ وَجَبَ الْغُسْلُ قَالَ قَالَ أَبُو مُوسَى فَأَنَا أَشْفِيكُمْ مِنْ ذَلِكَ فَقُمْتُ فَاسْتَأْذَنْتُ عَلَى عَائِشَةَ فَأَذِنَ لِي فَقُلْتُ لَهَا يَا أُمَّهُ أَوْ يَا أُمَّ الْمُؤْمِنِينَ إِنِّي أُرِيدُ أَنْ أَسْأَلَكَ عَنْ شَيْءٍ وَإِنِّي أَسْتَحْيِيكَ فَقَالَتْ لَا تَسْتَحْيِي أَنْ تَسْأَلَنِي عَمَّا كُنْتُ سَأَلًا عَنْهُ أُمَّكَ الَّتِي وَكَلَدْتُكَ فَإِنَّمَا أَنَا أُمَّكَ قُلْتُ فَمَا يُوجِبُ الْغُسْلَ قَالَتْ عَلَى الْخَبِيرِ سَقَطَتْ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا جَلَسَ بَيْنَ شُعْبَيْهَا الْأَرْبَعِ وَمَسَّ الْخِتَانَ الْخِتَانَ فَقَدْ وَجَبَ الْغُسْلُ

614/2. Абу Мусо розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Бу зот: «Маний тушмаса ҳам, фусл қилиш ёки қилмаслик ҳақида муҳожир ва ансорлар жамоаси ихтилоф қилиб қолишди. Ансорлар: «Отилиб чиққан маний сабабли фусл вожиб бўлади», дейишди. Муҳожирлар: «Эр-хотин қовушса, бас, фусл вожиб бўлади», дейишди. Мен: «Мен сизларга бу ҳақда ечим топиб бераман», дедим-да, ўрнимдан туриб Оиша розийаллоҳу анҳо ҳузурларига кириш учун изн сўрадим, Оиша розийаллоҳу анҳо рухсат бердилар. Мен у онамизга: «Эй мўминлар онаси, сиздан бир нарса ҳақида сўрашни

хоҳлаяпман-у, лекин сиздан ҳаё қилмоқдаман», десам, Оиша онамиз: «Туққан онангдан нимани сўрасанг, мендан ўша нарсани сўрайвергин, чунки мен ҳам онангизман», дедилар. Мен: «Қайси нарса сабабли фусл шарт бўлади?» десам, у онамиз: «Билимдонига йўлиқдинг-ку, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ҳақда: «Агар (эр хотинининг) тўрт мучаси, яъни икки қўли ва икки оёғи ўртасига ўтириб, хатна қилинадиган аъзоси хотинининг хатна қилинадиган аъзосига қовушса, фусл вожиб бўлади», дедилар», деб айтдилар.

615 – حَدَّثَنَا هَارُونُ بْنُ مَعْرُوفٍ وَهَارُونُ بْنُ سَعِيدِ الْأَيْلِيِّ قَالَا حَدَّثَنَا ابْنُ وَهْبٍ أَخْبَرَنِي عِيَاضُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ عَنْ أَبِي الزُّبَيْرِ عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ عَنْ أُمِّ كَلْثُومٍ عَنْ عَائِشَةَ زَوْجِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَتْ إِنَّ رَجُلًا سَأَلَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنِ الرَّجُلِ يُجَامِعُ أَهْلَهُ ثُمَّ يُكْسِلُ هَلْ عَلَيْهِمَا الْغُسْلُ وَعَائِشَةُ جَالِسَةٌ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِنِّي لَأَفْعَلُ ذَلِكَ أَنَا وَهَذِهِ ثُمَّ تَعَسَلُ

615/3. Оиша розийаллоҳу анҳодан ривоят қилинади. Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан «Хотинни жимоъ қилса-да, маний тушмаса, икковларига фусл қилиш лозимми?» деб сўради. У сўраётганида Оиша розийаллоҳу анҳо ҳам ўша ерда ўтиргандилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Биз сен айтган нарсани мана бу хотин (яъни, Оиша) билан бажарамиз-да, сўнгра фусл қиламиз», дедилар.

### 23-боб

#### Олов теккан нарсани (истеъмол қилганда) таҳорат қилиш лозимлиги ҳақида

616 – وَحَدَّثَنَا عَبْدُ الْمَلِكِ بْنُ شُعَيْبٍ بْنُ اللَّيْثِ قَالَ حَدَّثَنِي أَبِي عَنْ جَدِّي حَدَّثَنِي عُقَيْلُ بْنُ خَالِدٍ قَالَ قَالَ ابْنُ شِهَابٍ أَخْبَرَنِي عَبْدُ الْمَلِكِ بْنُ أَبِي بَكْرٍ بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ الْحَارِثِ بْنِ هِشَامٍ أَنَّ حَارِجَةَ بِنْتُ زَيْدِ الْأَنْصَارِيِّ أَخْبَرَهُ أَنَّ أَبَاهُ زَيْدَ بْنَ ثَابِتٍ قَالَ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ الْوُضُوءُ مِمَّا مَسَّتِ النَّارُ

616/1. Абу Зайд ибн Собит розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Олов теккан нарса (истеъмол қилганда) таҳорат олиш лозимдир», дедилар.

617 – قَالَ ابْنُ شَهَابٍ أَخْبَرَنِي عُمَرُ بْنُ عَبْدِ الْعَزِيزِ أَنَّ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ إِبْرَاهِيمَ بْنَ قَارِظٍ أَخْبَرَهُ أَنَّهُ وَجَدَ أَبَا هُرَيْرَةَ يَتَوَضَّأُ عَلَى الْمَسْجِدِ فَقَالَ إِنَّمَا أَتَوَضَّأُ مِنْ أَنْوَارٍ أَقْطِ أَكَلْتُهَا لِأَنِّي سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ تَوَضَّأُوا مِمَّا مَسَّتِ النَّارُ

قَالَ ابْنُ شَهَابٍ أَخْبَرَنِي سَعِيدُ بْنُ خَالِدِ بْنِ عَمْرٍو بْنِ عَثْمَانَ وَأَنَا أُحَدِّثُهُ هَذَا الْحَدِيثَ أَنَّهُ سَأَلَ عُرْوَةَ بْنَ الزُّبَيْرِ عَنِ الْوَضُوءِ مِمَّا مَسَّتِ النَّارُ فَقَالَ عُرْوَةُ سَمِعْتُ عَائِشَةَ زَوْجَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ تَقُولُ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ تَوَضَّأُوا مِمَّا مَسَّتِ النَّارُ

617/2. Абдуллоҳ ибн Иброҳим ибн Қориз розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Бу зот Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳуга масжидда таҳорат қилаётганларида рўпара бўлиб қолдилар. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу: «Мен бир бўлак пишлоқ еган эдим, шунинг учун таҳорат қилмоқдаман. Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитганман, у зот «Олов теккан нарса (тановул қилганингизда) таҳорат қилинглари», деб айтганлар», дедилар.

Саид ибн Холид ибн Амр розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Бу зот Урва ибн Зубайрдан «Олов теккан нарса (ейилганда) таҳорат қилинадими?» деб сўраганларида, Урва розийаллоҳу анҳу: «Мен бу ҳақда Оиша розийаллоҳу анҳодан эшитганман, у онамиз эса Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитганлар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Олов теккан нарса (тановул этилганда) таҳорат қилинглари», деб айтдилар», дедилар.

## 24-боб

**«Олов теккан нарса (ейилгани) сабабли таҳорат лозим», деб айтилган ҳукм насх қилиниб амалдан қолдирилгани ҳақида**

618 – حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ مَسْلَمَةَ بْنِ قَعْنَبٍ حَدَّثَنَا مَالِكٌ عَنْ زَيْدِ بْنِ أَسْلَمَ عَنْ عَطَاءِ بْنِ يَسَارٍ عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَكَلَ كَتِفَ شَاةٍ ثُمَّ صَلَّى وَلَمْ يَتَوَضَّأْ

618/1. Ибн Аббос розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қўйнинг елка қисмини еб, сўнгра намоз ўқидилар, лекин таҳорат қилмадилар.

619 – وَحَدَّثَنَا زُهَيْرُ بْنُ حَرْبٍ حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ سَعِيدٍ عَنْ هِشَامِ بْنِ عُرْوَةَ أَخْبَرَنِي وَهْبُ بْنُ كَيْسَانَ عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ عَمْرٍو بْنِ عَطَاءِ عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ ح وَحَدَّثَنِي الزُّهْرِيُّ عَنْ عَلِيِّ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَبَّاسٍ

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ ح وَحَدَّثَنِي مُحَمَّدُ ابْنُ عَلِيٍّ عَنْ أَبِيهِ عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَكَلَ عَرَفًا أَوْ لَحْمًا ثُمَّ صَلَّى وَلَمْ يَتَوَضَّأْ وَلَمْ يَمَسَّ مَاءً

619/2. Ибн Аббос розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бироз гўшти бор суякни ёки гўшни еб, сўнгра намоз ўқидилар, лекин таҳорат ҳам қилмадилар ва сув ҳам ишлатмадилар.

620 – وَحَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ الصَّبَّاحِ حَدَّثَنَا إِبْرَاهِيمُ بْنُ سَعْدٍ حَدَّثَنَا الزُّهْرِيُّ عَنْ جَعْفَرِ بْنِ عَمْرٍو بْنِ أُمَيَّةَ الضَّمْرِيِّ عَنْ أَبِيهِ أَنَّهُ رَأَى رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَحْتِزُّ مِنْ كَتْفٍ يَأْكُلُ مِنْهَا ثُمَّ صَلَّى وَلَمْ يَتَوَضَّأْ

620/3. Жаъфар ибн Амр Умайя аз-Замрий оталаридан қилган ривоятда келтирилишича, оталари Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қўйнинг қўл қисмидан гўшт кесиб олиб, ундан тановул қилганларини, сўнгра намоз ўқиб таҳорат қилмаганларини кўрдилар.

621 – حَدَّثَنِي أَحْمَدُ بْنُ عَيْسَى حَدَّثَنَا ابْنُ وَهْبٍ أَخْبَرَنِي عَمْرُو بْنُ الْحَارِثِ عَنْ ابْنِ شِهَابٍ عَنْ جَعْفَرِ بْنِ عَمْرٍو بْنِ أُمَيَّةَ الضَّمْرِيِّ عَنْ أَبِيهِ قَالَ رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَحْتِزُّ مِنْ كَتْفِ شَاةٍ فَأَكَلَ مِنْهَا فَدُعِيَ إِلَى الصَّلَاةِ فَقَامَ وَطَرَحَ السَّكِّينَ وَصَلَّى وَلَمْ يَتَوَضَّأْ قَالَ ابْنُ شِهَابٍ وَحَدَّثَنِي عَلِيُّ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَبَّاسٍ عَنْ أَبِيهِ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِذَلِكَ

621/4. Жаъфар ибн Амр ибн Умайя Замрий оталаридан қилган ривоятда келтирилишича, оталари: «Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни кўрдим. У зот қўйнинг қўл қисмидан (гўшт) кесиб олиб, ундан тановул қилдилар. Намозга чақириб қолинган эди, ўринларидан туриб пичоқни улоқтирдилар-да, намоз ўқиб таҳорат қилмадилар».

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган.

622 – قَالَ عَمْرُو وَحَدَّثَنِي بُكَيْرُ بْنُ الْأَشَجِّ عَنْ كُرَيْبِ مَوْلَى ابْنِ عَبَّاسٍ عَنْ مَيْمُونَةَ زَوْجِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَكَلَ عِنْدَهَا كَتْفًا ثُمَّ صَلَّى وَلَمْ يَتَوَضَّأْ قَالَ عَمْرُو حَدَّثَنِي جَعْفَرُ بْنُ رَبِيعَةَ عَنْ رَبِيعَةَ عَنْ يَعْقُوبَ بْنِ الْأَشَجِّ عَنْ كُرَيْبِ مَوْلَى ابْنِ عَبَّاسٍ عَنْ مَيْمُونَةَ زَوْجِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِذَلِكَ

622/5. Маймуна розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу онамиз ҳузурларида эканликларида қўйнинг қўл қисмидан тановул қилиб, таҳорат олмадилар.

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган.

623 – قَالَ عَمْرُو وَحَدَّثَنِي سَعِيدُ بْنُ أَبِي هِلَالٍ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ أَبِي رَافِعٍ عَنْ أَبِي غَطَفَانَ عَنْ أَبِي رَافِعٍ قَالَ أَشْهَدُ لَكُنْتُ أَشْوِي لِرَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَطْنَ الشَّاةِ ثُمَّ صَلَّى وَلَمْ يَتَوَضَّأْ

623/6. Абу Рофеъ розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Бу зот: «Гувоҳлик бераманки, мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қўйнинг қорни (жигар ва шунга ўхшаш қисмларини) пишириб бердим. У зот (у нарсалардан тановул қилиб), сўнгра намоз ўқиб, таҳорат қилмадилар», деб айтдилар.

624 – حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ بْنُ سَعِيدٍ حَدَّثَنَا لَيْثٌ عَنْ عُقَيْلٍ عَنِ الزُّهْرِيِّ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ شَرِبَ لَبَنًا ثُمَّ دَعَا بِمَاءٍ فَتَمَضَّمْضَ وَقَالَ إِنَّ لَهُ دَسْمًا وَحَدَّثَنِي أَحْمَدُ بْنُ عَيْسَى حَدَّثَنَا ابْنُ وَهْبٍ وَأَخْبَرَنِي عَمْرُو ح وَحَدَّثَنِي زُهَيْرُ بْنُ حَرْبٍ حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ سَعِيدٍ عَنِ الْأَوْزَاعِيِّ ح وَحَدَّثَنِي حَرَمَلَةُ بْنُ يَحْيَى أَخْبَرَنَا ابْنُ وَهْبٍ حَدَّثَنِي يُونُسُ كُلُّهُمْ عَنِ ابْنِ شِهَابٍ بِإِسْنَادِ عُقَيْلٍ عَنِ الزُّهْرِيِّ مِثْلَهُ

624/7. Ибн Аббос розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сут ичиб, кейин сув олиб келишга буюрдилар. Сув олиб келинган эди, оғизларини чайқаб: «Бунинг ёғи бор-да», дедилар.

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган.

625 – وَحَدَّثَنِي عَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ حَدَّثَنَا إِسْمَاعِيلُ بْنُ جَعْفَرٍ حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ عَمْرٍو بْنِ حَلْحَلَةَ عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ عَمْرٍو بْنِ عَطَاءٍ عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ جَمَعَ عَلَيْهِ ثِيَابَهُ ثُمَّ خَرَجَ إِلَى الصَّلَاةِ فَأَتَى بِهَدِيَّةٍ خُبْرٍ وَلَحْمٍ فَأَكَلَ ثَلَاثَ لُقْمٍ ثُمَّ صَلَّى بِالنَّاسِ وَمَا مَسَّ مَاءً وَحَدَّثَنَا أَبُو كُرَيْبٍ حَدَّثَنَا أَبُو أُسَامَةَ عَنِ الْوَلِيدِ بْنِ كَثِيرٍ حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ عَمْرٍو بْنِ عَطَاءٍ قَالَ كُنْتُ مَعَ ابْنِ عَبَّاسٍ وَسَاقَ الْحَدِيثَ بِمَعْنَى حَدِيثِ ابْنِ حَلْحَلَةَ وَفِيهِ أَنَّ ابْنَ عَبَّاسٍ شَهِدَ ذَلِكَ مِنَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَقَالَ صَلَّى وَلَمْ يَقُلْ بِالنَّاسِ

625/8. Ибн Аббос розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кийимларини Ибн Аббос розийаллоҳу анҳуга бердилар-да, сўнгра намозга чиқдилар. У зотга нон ва гўшт ҳадя келтирилди. Ундан уч луқма еб, сўнгра одамларга намоз ўқиб бердилар, лекин сув ушламадилар.

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган.

### 25-боб

#### Туя гўшти ейилганида таҳорат қилиш ҳақида

626 – حَدَّثَنَا أَبُو كَامِلٍ فَضِيلُ بْنُ حُسَيْنٍ الْجَحْدَرِيُّ حَدَّثَنَا أَبُو عَوَانَةَ عَنْ عَثْمَانَ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَوْهَبٍ عَنْ جَعْفَرِ بْنِ أَبِي ثَوْرٍ عَنْ جَابِرِ بْنِ سَمُرَةَ أَنَّ رَجُلًا سَأَلَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَتَوْضَأُ مِنْ لُحُومِ الْغَنَمِ قَالَ إِنْ شِئْتَ فَتَوْضَأُ وَإِنْ شِئْتَ فَلَا تَوْضَأُ قَالَ أَتَوْضَأُ مِنْ لُحُومِ الْإِبِلِ قَالَ نَعَمْ فَتَوْضَأُ مِنْ لُحُومِ الْإِبِلِ قَالَ أَصَلِّي فِي مَرَابِضِ الْغَنَمِ قَالَ نَعَمْ قَالَ أَصَلِّي فِي مَبَارِكِ الْإِبِلِ قَالَ لَا حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ حَدَّثَنَا مُعَاوِيَةُ بْنُ عَمْرٍو حَدَّثَنَا زَائِدَةُ عَنْ سِمَاكِ ح وَحَدَّثَنِي الْقَاسِمُ بْنُ زَكَرِيَاءَ حَدَّثَنَا عُبَيْدُ اللَّهِ بْنُ مُوسَى عَنْ شَيْبَانَ عَنْ عَثْمَانَ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَوْهَبٍ وَأَشْعَثَ بْنِ أَبِي الشَّعْثَاءِ كُلَّهُمْ عَنْ جَعْفَرِ بْنِ أَبِي ثَوْرٍ عَنْ جَابِرِ بْنِ سَمُرَةَ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِمِثْلِ حَدِيثِ أَبِي كَامِلٍ عَنْ أَبِي عَوَانَةَ

626/1. Жобир ибн Самура розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан «Қўй гўшти (ейилганида) таҳорат қиламанми?» деб сўраганида, у зот: «Агар хоҳласанг, таҳорат қил, агар хоҳламасанг, таҳорат қилма», дедилар. У киши: «Туя гўшти (ейилганида) таҳорат қиламанми?» деб сўраганида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳа, туя гўшти еганингда таҳорат қиласан», дедилар. У киши: «Қўй қўрасида намоз ўқисам бўладими?» деб сўраганида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳа», дедилар. У киши: «Туя боқиладиган жойда-чи?» деб сўраганида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Йўқ», деб жавоб бердилар.

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган.

### 26-боб

#### Таҳорати борлигига ишониб, сўнгра таҳоратим бузилди, деб шак қилса, ўша таҳорати билан намоз ўқиса бўлавериши ҳақида



627 - وَحَدَّثَنِي عَمْرُو النَّاقِدُ وَزُهَيْرُ بْنُ حَرْبٍ ح وَحَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ جَمِيعًا عَنْ ابْنِ عُيَيْنَةَ قَالَ عَمْرُو حَدَّثَنَا سُفْيَانُ بْنُ عُيَيْنَةَ عَنِ الزُّهْرِيِّ عَنْ سَعِيدٍ وَعَبَادِ بْنِ تَمِيمٍ عَنْ عَمِّهِ شُكَيْبِ بْنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الرَّجُلُ يُخَيَّلُ إِلَيْهِ أَنَّهُ يَجِدُ الشَّيْءَ فِي الصَّلَاةِ قَالَ لَا يَنْصَرِفُ حَتَّى يَسْمَعَ صَوْتًا أَوْ يَجِدَ رِيحًا قَالَ أَبُو بَكْرٍ وَزُهَيْرُ بْنُ حَرْبٍ فِي رِوَايَتَيْهِمَا هُوَ عَبْدُ اللَّهِ بْنُ زَيْدٍ

627/1. Аббод ибн Тамим розийаллоҳу анҳу амакиларидан қилган ривоятда келтирилишича, бир киши Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга «Намозда турилганда хаёлда таҳорат бузилгандек бўлаверса, нима қилиш керак?» деб шикоят қилганида, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «У овоз эшитмагунича ёки ҳид ҳис этмагунича жилимасин», дедилар.

628 - وَحَدَّثَنِي زُهَيْرُ بْنُ حَرْبٍ حَدَّثَنَا جَرِيرٌ عَنْ سُهَيْلٍ عَنْ أَبِيهِ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا وَجَدَ أَحَدُكُمْ فِي بَطْنِهِ شَيْئًا فَأَشْكَلَ عَلَيْهِ أَخْرَجَ مِنْهُ شَيْءٌ أَمْ لَا فَلَا يَخْرُجَنَّ مِنَ الْمَسْجِدِ حَتَّى يَسْمَعَ صَوْتًا أَوْ يَجِدَ رِيحًا

628/2. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сизлардан бирингиз қорнида қандайдир нарсани ҳис қилиб, бирор нарса чиққани ёки чиқмагани мушкул бўлиб қолса, то овоз эшитмагунича ёки ҳидни ҳис этмагунича масжиддан чиқиб кетмасин», дедилар.

## 27-боб

### Ўлимтикнинг териси ошлаш билан пок бўлиши ҳақида

629 - وَحَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ يَحْيَى وَأَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ وَعَمْرُو النَّاقِدُ وَابْنُ أَبِي عُمَرَ جَمِيعًا عَنْ ابْنِ عُيَيْنَةَ قَالَ يَحْيَى أَخْبَرَنَا سُفْيَانُ بْنُ عُيَيْنَةَ عَنِ الزُّهْرِيِّ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ قَالَ تُصَدِّقُ عَلَى مَوْلَاةٍ لِمَيْمُونَةَ بِشَاةٍ فَمَاتَتْ فَمَرَّ بِهَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ هَلَا أَخَذْتُمْ إِيَّاهَا فَدَبَعْتُمُوهُ فَانْتَفَعْتُمْ بِهِ فَقَالُوا إِنَّهَا مَيْتَةٌ فَقَالَ إِنَّمَا حَرَمٌ أَكَلَهَا قَالَ أَبُو بَكْرٍ وَابْنُ أَبِي عُمَرَ فِي حَدِيثِهِمَا عَنْ مَيْمُونَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا

629/1. Ибн Аббос розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Маймунанинг хизматкорларига бир қўй садақа қилинганида ўша қўй ўлиб қолди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у ўлган қўйнинг олдидан ўтаётди: «Унинг терисини олиб, ошлаб фойдаланмайсизларми?» деганларида, (хонадондагилар): «У ўлган-ку?» дейишди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Уни ейиш ҳаром қилинган, холос», дедилар.

630 - وَحَدَّثَنِي أَبُو الطَّاهِرِ وَحَرَمَلَةُ قَالَا حَدَّثَنَا ابْنُ وَهْبٍ أَخْبَرَنِي يُونُسُ عَنْ ابْنِ شَهَابٍ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُتْبَةَ عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَجَدَ شَاةً مَيْتَةً أُعْطِيَتْهَا مَوْلَاةٌ لِمَيْمُونَةَ مِنَ الصَّدَقَةِ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ هَلَا انْتَفَعْتُمْ بِجِلْدِهَا قَالُوا إِنَّهَا مَيْتَةٌ فَقَالَ إِنَّمَا حَرْمٌ أَكَلَهَا

حَدَّثَنَا حَسَنُ الْحُلَوَانِيُّ وَعَبْدُ بْنُ حُمَيْدٍ جَمِيعًا عَنْ يَعْقُوبَ بْنِ إِبْرَاهِيمَ بْنِ سَعْدٍ حَدَّثَنِي أَبِي عَنْ صَالِحٍ عَنْ ابْنِ شَهَابٍ بِهَذَا الْإِسْنَادِ بِنَحْوِ رِوَايَةِ يُونُسَ

630/2. Ибн Аббос розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Маймунанинг хизматкорига садақа қилиб берилган ўлик қўйга дуч келиб қолдилар. Ва: «Унинг терисидан фойдаланмайсизларми?» десалар, (хонадондагилар): «У ўлган-ку?» дейишди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ейишлик ҳаром, холос (яъни, ўлган ҳайвоннинг терисини ошлаб фойдаланса бўлади)», дедилар.

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган.

631 - وَحَدَّثَنَا ابْنُ أَبِي عُمَرَ وَعَبْدُ اللَّهِ بْنُ مُحَمَّدٍ الزُّهْرِيُّ وَاللَّفْظُ لَابْنِ أَبِي عُمَرَ قَالَا حَدَّثَنَا سُفْيَانُ عَنْ عَمْرٍو عَنْ عَطَاءٍ عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَرَّ بِشَاةٍ مَطْرُوحَةٍ أُعْطِيَتْهَا مَوْلَاةٌ لِمَيْمُونَةَ مِنَ الصَّدَقَةِ فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَلَا أَخَذُوا إِهَابَهَا فَدَبَّعُوهُ فَانْتَفَعُوا بِهِ

631/3. Ибн Аббос розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Маймунанинг хизматкорларига садақа тариқасида берилган, (сўнгра ўлиб қолиб) ташландиқ бўлиб қолган қўй олдидан ўтаётди: «Унинг терисини олиб, ошлаб фойдаланишмайдими?» дедилар.

632 - حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ عُثْمَانَ النَّوْفَلِيُّ حَدَّثَنَا أَبُو عَاصِمٍ حَدَّثَنَا ابْنُ جُرَيْجٍ أَخْبَرَنِي عَمْرٍو بْنُ دِينَارٍ أَخْبَرَنِي عَطَاءٌ مِنْذُ حِينَ قَالَ أَخْبَرَنِي ابْنُ عَبَّاسٍ أَنَّ مَيْمُونَةَ أَخْبَرْتُهُ أَنَّ دَاجِنَةَ كَانَتْ لِبَعْضِ نِسَاءِ

رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَمَاتَتْ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَلَا أَخَذْتُمْ إِيَّاهَا فَاسْتَمْتَعْتُمْ

به

632/4. Маймуна розийаллоҳу анҳодан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам хотинларидан баъзисининг уй ҳайвони (қўйи) ўлиб қолганида, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Унинг терисини олиб фойдаланмайсизларми?» дедилар.

633 - حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّحِيمِ بْنُ سُلَيْمَانَ عَنْ عَبْدِ الْمَلِكِ بْنِ أَبِي سُلَيْمَانَ عَنْ عَطَاءٍ عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَرَّ بِشَاةٍ لِمَوْلَاةٍ لِمَيْمُونَةَ فَقَالَ أَلَا انْتَفَعْتُمْ بِإِيَّاهَا

633/5. Ибн Аббос розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Маймунанинг қулининг (ўлган) қўйи олдидан ўтаётиб: «Унинг терисидан фойдаланмайсизларми?» дедилар.

634 - حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ يَحْيَى أَخْبَرَنَا سُلَيْمَانُ بْنُ بِلَالٍ عَنْ زَيْدِ بْنِ أَسْلَمَ أَنَّ عَبْدَ الرَّحْمَنِ بْنَ وَعَلَةَ أَخْبَرَهُ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَبَّاسٍ قَالَ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ إِذَا دُبِغَ الْإِهَابُ فَقَدْ طَهَّرَ

وَحَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ وَعَمْرُو النَّاقِدُ قَالَا حَدَّثَنَا ابْنُ عُيَيْنَةَ ح وَحَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ بْنُ سَعِيدٍ حَدَّثَنَا عَبْدُ الْعَزِيزِ يَعْنِي ابْنَ مُحَمَّدٍ ح وَحَدَّثَنَا أَبُو كُرَيْبٍ وَإِسْحَقُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ جَمِيعًا عَنْ وَكَيْعٍ عَنْ سُفْيَانَ كُلُّهُمْ عَنْ زَيْدِ بْنِ أَسْلَمَ عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ وَعَلَةَ عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِمِثْلِهِ يَعْنِي حَدِيثَ يَحْيَى بْنِ يَحْيَى

634/6. Абдуллоҳ ибн Аббос розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар тери ошланса, у покдир», дедилар.

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган.

635 - حَدَّثَنِي إِسْحَقُ بْنُ مَنْصُورٍ وَأَبُو بَكْرِ بْنُ إِسْحَقَ قَالَ أَبُو بَكْرٍ حَدَّثَنَا وَقَالَ ابْنُ مَنْصُورٍ أَخْبَرَنَا عَمْرُو بْنُ الرَّبِيعِ أَخْبَرَنَا يَحْيَى بْنُ أَيُّوبَ عَنْ زَيْدِ بْنِ أَبِي حَبِيبٍ أَنَّ أَبَا الْخَيْرِ حَدَّثَهُ قَالَ رَأَيْتُ عَلِيَّ ابْنَ وَعَلَةَ السَّبَّائِيَّ فَرَوْا فَمَسِسْتُهُ فَقَالَ مَا لَكَ تَمَسُّهُ قَدْ سَأَلْتُ عَبْدَ اللَّهِ بْنَ عَبَّاسٍ قُلْتُ إِنَّا نَكُونُ بِالْمَعْرَبِ

وَمَعَنَا الْبُرْبُرُ وَالْمَجُوسُ نُؤْتِي بِالْكَبْشِ قَدْ ذَبَحُوهُ وَنَحْنُ لَا نَأْكُلُ ذَبَائِحَهُمْ وَيَأْتُونَا بِالسَّقَاءِ يَجْعَلُونَ فِيهِ الْوَدَكَ فَقَالَ ابْنُ عَبَّاسٍ قَدْ سَأَلْنَا رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنْ ذَلِكَ فَقَالَ دَبَاغُهُ طَهُورُهُ

635/7. Абулхайр розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. «Ибн Ваъла ас-Сабаийда мўйна кўриб қолиб, уни ушлаб кўрдим. Ибн Ваъла: «Нимага ушлаяпсан?» дедилар. Мен Ибн Аббосдан бу ҳақда сўраб: «Биз Мағриб (Марокаш)да эканимизда, биз билан бирга барбар ва мажусийлар бор эди. Улар қўчқор келтириб, уни сўйишар эди. Биз эса улар сўйган нарсани емас эдик. Ва яна ёғ солинган идишларни олиб келишар эди», десам, Ибн Аббос розийаллоҳу анҳу: «Биз ҳам Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан бу (теридан ишланган идиш) ҳақида сўрасак, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Уни ошлашлик ила пок бўлади», дедилар», деб айтдилар».

636 – وَحَدَّثَنِي إِسْحَقُ بْنُ مَنْصُورٍ وَأَبُو بَكْرِ بْنُ إِسْحَقَ عَنْ عَمْرِو بْنِ الرَّبِيعِ أَخْبَرَنَا يَحْيَى بْنُ أَيُّوبَ عَنْ جَعْفَرِ بْنِ رَبِيعَةَ عَنْ أَبِي الْخَيْرِ حَدَّثَهُ قَالَ حَدَّثَنِي ابْنُ وَعَلَةَ السَّبَّيْئِيُّ قَالَ سَأَلْتُ عَبْدَ اللَّهِ بْنَ عَبَّاسٍ قُلْتُ إِنَّا نَكُونُ بِالْمَغْرِبِ فَيَأْتِينَا الْمَجُوسُ بِالْأَسْقِيَةِ فِيهَا الْمَاءُ وَالْوَدَكُ فَقَالَ اشْرَبْ فَقُلْتُ أَرَأَيْتَ تَرَاهُ فَقَالَ ابْنُ عَبَّاسٍ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ دَبَاغُهُ طَهُورُهُ

636/8. Ибн Ваъла ас-Сабаий розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. «Мен Ибн Абдуллоҳ ибн Аббос розийаллоҳу анҳудан «Биз Мағрибдалик пайтимизда мажусийлар сув ва ёғ солинган (теридан ишланган) идиш олиб келишар эди», деб сўрасам, у зот: «Ичавергин», дедилар. Мен: «Бу ҳақда бирор фикр биласизми?» десам, Ибн Аббос розийаллоҳу анҳу: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Ошлашлик билан (тери) покдир», деганларини эшитганман», дедилар».

## 28-боб

### Таяммум ҳақида

637 – حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ يَحْيَى قَالَ قَرَأْتُ عَلَى مَالِكٍ عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ الْقَاسِمِ عَنْ أَبِيهِ عَنْ عَائِشَةَ أَنَّهَا قَالَتْ خَرَجْنَا مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي بَعْضِ أَسْفَارِهِ حَتَّى إِذَا كُنَّا بِالْبَيْدَاءِ أَوْ بَدَاتِ الْجَيْشِ انْقَطَعَ عَقْدُ لِي فَأَقَامَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَى التَّمَسُّهِ وَأَقَامَ النَّاسُ مَعَهُ وَلَيْسُوا عَلَى مَاءٍ وَلَيْسَ مَعَهُمْ مَاءٌ فَأَتَى النَّاسُ إِلَيَّ أَبِي بَكْرٍ فَقَالُوا أَلَا تَرَى إِلَى مَا صَنَعَتْ عَائِشَةُ أَقَامَتْ بِرَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَبِالنَّاسِ مَعَهُ وَلَيْسُوا عَلَى مَاءٍ وَلَيْسَ مَعَهُمْ مَاءٌ فَجَاءَ أَبُو بَكْرٍ وَرَسُولُ اللَّهِ صَلَّى

اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَاضِعُ رَأْسِهِ عَلَى فَخْدِي قَدْ نَامَ فَقَالَ حَبَسَتْ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَالتَّاسَ  
وَلَيْسُوا عَلَى مَاءٍ وَلَيْسَ مَعَهُمْ مَاءٌ قَالَتْ فَعَاتَبَنِي أَبُو بَكْرٍ وَقَالَ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ يَقُولَ وَجَعَلَ يَطْعَنُ بِيَدِهِ فِي  
خَاصِرَتِي فَلَا يَمْنَعُنِي مِنَ التَّحْرُكِ إِلَّا مَكَانُ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَى فَخْدِي فَنَامَ رَسُولُ اللَّهِ  
صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حَتَّى أَصْبَحَ عَلَى غَيْرِ مَاءٍ فَأَنْزَلَ اللَّهُ آيَةَ التِّيْمَمِ فَتِيَمَّمُوا فَقَالَ أُسَيْدُ بْنُ الْحَضِيرِ وَهُوَ  
أَحَدُ الثُّقَبَاءِ مَا هِيَ بِأَوَّلِ بَرَكَتِكُمْ يَا آلَ أَبِي بَكْرٍ فَقَالَتْ عَائِشَةُ فَبَعَثْنَا الْبَعِيرَ الَّذِي كُنْتُ عَلَيْهِ فَوَجَدْنَا  
الْعَقْدَ تَحْتَهُ

637/1. Оиша розийаллоҳу анҳодан ривоят қилинади. «Биз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга сафарларнинг баъзисига чиқиб, Байдо ёки Зотулжайшга (бу макон Мадина билан Ҳайбар оралиғидир) етиб борганимизда (бўйнимдаги) марварид узилиб кетди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва у зот билан бирга бошқа одамлар ҳам (ўша марваридни) қидиришди. Ўша пайт улар сувлик ерда ҳам эмасдилар. Ва ўзлари билан бирга сувлари ҳам йўқ эди. Одамлар Абу Бакр розийаллоҳу анҳу ҳузурларига келиб: «(Қизинг) Оиша нима қилганига қарамайсанми? У Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва у зот билан бирга бўлган кишиларни тўхтатиб қўйди. Улар сувлик ерда ҳам эмаслар, ўзларида сув ҳам йўқдир», дейишди. (Отам) Абу Бакр келганларида, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бошларини соним устига қўйиб ухлаб қолгандилар. Отам: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва одамларни сув бўлмаган ерда ҳамда ўзларида ҳам сув йўқлигида ушлаб қолдингми?» деб мени Аллоҳ хоҳлаганича нималарнидир айтиб айблаб, қўллари билан ниқтадилар. Ниқтаганларида менинг ҳаракатланишимдан Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сонимга (бошларин қўйиб) ухлаганлари ман этарди, холос. У зот мана шу ҳодиса сабабли сувсиз қолдилар. Шунда Аллоҳ таоло таяммум оятини нозил қилди. Барчалари (тупроққа) таяммум қилишди. Бошлиқлардан бири Усайд ибн Ҳузайр: «Эй Абу Бакр оилалари, бу сизларнинг аввалги баракаларингиз эмас (яъни, Оиша розийаллоҳу анҳо бундан бошқа ҳукмлар тушишига сабабчи бўлгандилар)», дедилар. Миниб олган туямни қўзғатган эдик, марваридни унинг остидан топдик».

638 - حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرٍ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ حَدَّثَنَا أَبُو أُسَامَةَ ح وَحَدَّثَنَا أَبُو كُرَيْبٍ حَدَّثَنَا أَبُو أُسَامَةَ

وَإِبْنُ بَشْرِ عَنْ هِشَامٍ عَنْ أَبِيهِ عَنْ عَائِشَةَ أَنَّهَا اسْتَعَارَتْ مِنْ أَسْمَاءَ قِلَادَةً فَهَلَكَتْ فَأَرْسَلَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَاسًا مِنْ أَصْحَابِهِ فِي طَلَبِهَا فَأَدْرَكَتْهُمْ الصَّلَاةُ فَصَلُّوا بِغَيْرِ وُضْوءٍ فَلَمَّا أَنْوَا النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ

عَلَيْهِ وَسَلَّمَ شَكَوْا ذَلِكَ إِلَيْهِ فَنَزَلَتْ آيَةُ التَّيْمُمِ فَقَالَ أُسَيْدُ بْنُ حُضَيْرٍ جَزَاكَ اللَّهُ خَيْرًا فَوَاللَّهِ مَا نَزَلَ بِكَ أَمْرٌ قَطُّ إِلَّا جَعَلَ اللَّهُ لَكَ مِنْهُ مَخْرَجًا وَجَعَلَ لِلْمُسْلِمِينَ فِيهِ بَرَكَةً

638/2. Оиша розийаллоҳу анҳодан ривоят қилинади. Бу онамиз Асмо розийаллоҳу анҳодан (тақиб туриш учун) марваридни олганларида йўқотиб қўйдилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларидан бўлган кишиларни у марваридни қидириш учун юборганларида намоз вақти бўлиб қолди. Улар (сув йўқлиги сабабли) таҳоратсиз намоз ўқишди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келишганида бу нарсани у зотга шикоят қилишди. Шунда таяммум ояти нозил бўлди. Усайд ибн Ҳузайр розийаллоҳу анҳу: «Аллоҳ сизни яхшилик билан мукофотласин. Аллоҳ номига қасамки, Аллоҳ сизга нимани туширган бўлса, ундан чиқувчи йўлни ҳам тайин этиб, ўша нарсани эса мусулмонлар учун барака қилган», деб айтдилар.

639 - حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ يَحْيَى وَأَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ وَابْنُ نُمَيْرٍ جَمِيعًا عَنْ أَبِي مُعَاوِيَةَ قَالَ أَبُو بَكْرٍ حَدَّثَنَا أَبُو مُعَاوِيَةَ عَنِ الْأَعْمَشِ عَنْ شَقِيقٍ قَالَ كُنْتُ جَالِسًا مَعَ عَبْدِ اللَّهِ وَأَبِي مُوسَى فَقَالَ أَبُو مُوسَى يَا أَبَا عَبْدِ الرَّحْمَنِ أَرَأَيْتَ لَوْ أَنَّ رَجُلًا أَجْنَبَ فَلَمْ يَجِدِ الْمَاءَ شَهْرًا كَيْفَ يَصْنَعُ بِالصَّلَاةِ فَقَالَ عَبْدُ اللَّهِ لَا يَتَيَّمُّ وَإِنْ لَمْ يَجِدِ الْمَاءَ شَهْرًا فَقَالَ أَبُو مُوسَى فَكَيْفَ بِهَذِهِ الْآيَةِ فِي سُورَةِ الْمَائِدَةِ ( فَلَمْ تَجِدُوا مَاءً فَتَيَّمُّوا صَعِيدًا طَيِّبًا ) فَقَالَ عَبْدُ اللَّهِ لَوْ رُحِصَ لَهُمْ فِي هَذِهِ الْآيَةِ لَأَوْشَكَ إِذَا بَرَدَ عَلَيْهِمُ الْمَاءُ أَنْ يَتَيَّمُّوا بِالصَّعِيدِ فَقَالَ أَبُو مُوسَى لِعَبْدِ اللَّهِ أَلَمْ تَسْمَعْ قَوْلَ عَمَّارٍ بَعَثَنِي رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي حَاجَةٍ فَأَجْنَبْتُ فَلَمْ أَجِدِ الْمَاءَ فَتَمَرَّغْتُ فِي الصَّعِيدِ كَمَا تَمَرَّغُ الدَّابَّةُ ثُمَّ أَتَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَذَكَرْتُ ذَلِكَ لَهُ فَقَالَ إِنَّمَا كَانَ يَكْفِيكَ أَنْ تَقُولَ بِيَدَيْكَ هَكَذَا ثُمَّ ضَرَبَ بِيَدَيْهِ الْأَرْضَ ضَرْبَةً وَاحِدَةً ثُمَّ مَسَحَ الشَّمَالَ عَلَى الْيَمِينِ وَظَاهَرَ كَفَيْهِ وَوَجَّهَهُ فَقَالَ عَبْدُ اللَّهِ أَوْلَمْ تَرَ عُمَرَ لَمْ يَقْنَعْ بِقَوْلِ عَمَّارٍ

639/3. Шақиқ розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. «Мен Абдуллоҳ ва Абу Мосолар билан бирга ўтирган эдим. Абу Мусо розийаллоҳу анҳу: «Эй Абу Абдурахмон, яъни Абдуллоҳ, агар бир киши жунуб бўлиб қолиб бир ой сув топа олмаса, намозни нима қилади?» деганларида, Абдуллоҳ розийаллоҳу анҳу: «Агар бир ой сув топмаса ҳам, таяммум қилмайди», дедилар. Абу Мусо розийаллоҳу анҳу: «Унда мана бу Моида сурасидаги «Агар сув топа олмасангиз, покиза тупроқ билан таяммум қилингиз (яъни, юзингиз ва қўлларингизни покиза тупроқ билан силангиз)» ояти ҳақида нима дейсиз?» дегандилар, Абдуллоҳ розийаллоҳу анҳу: «Агар уларга бу

оятдагидек рухсат берилса, сув совуқ бўлса ҳам, пок тупроқ билан таяммум қилаверишади», дедилар. Абу Мусо розийаллоҳу анҳу Абдуллоҳ розийаллоҳу анҳуга: «Аммор розийаллоҳу анҳу: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мени бир юмуш билан юборгандилар, мен жунуб бўлиб қолиб, сув топа олмадим. Ва ҳайвон тупроққа белангани каби беланиб (яъни, таяммум қилиб намоз ўқийвердим), сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига бориб зикр қилсам, у зот: «Қўлингни мана шундай қиласан, деб айтишинг кифоядир», деб, сўнгра қўлларини ерга бир зарба уриб, сўнгра чап қўлларини ўнг қўллари усти, кафтларини ичи ва юзларига суртдилар», дедилар», деб айтдилар. Абдуллоҳ розийаллоҳу анҳу: «Умар розийаллоҳу анҳу Амморнинг сўзларидан қаноатланмаганларини кўрмаганмисан?» дедилар».

640 – وَحَدَّثَنَا أَبُو كَامِلٍ الْجَحْدَرِيُّ حَدَّثَنَا عَبْدُ الْوَاحِدِ حَدَّثَنَا الْأَعْمَشُ عَنْ شَقِيقٍ قَالَ قَالَ أَبُو مُوسَى لِعَبْدِ اللَّهِ وَسَاقَ الْحَدِيثَ بِقِصَّتِهِ نَحْوَ حَدِيثِ أَبِي مُعَاوِيَةَ غَيْرَ أَنَّهُ قَالَ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِنَّمَا كَانَ يَكْفِيكَ أَنْ تَقُولَ هَكَذَا وَضَرَبَ بِيَدَيْهِ إِلَى الْأَرْضِ فَنَفَضَ يَدَيْهِ فَمَسَحَ وَجْهَهُ وَكَفَّيَهُ

640/4. Шақиқ розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Абу Мусо розийаллоҳу анҳу Абдуллоҳ розийаллоҳу анҳуга юқоридаги ҳадисда айтганлари каби сўз айтиб ҳадиснинг давомида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мана шундай бўлади, деб айтшинг кифоя қилади», дедилар-да, сўнгра қўлларини ерга уриб, қўлларига ғуборни қоқиб, қўлларини юзлари ва икки кафтларига суртдилар.

641 – حَدَّثَنِي عَبْدُ اللَّهِ بْنُ هَاشِمٍ الْعَبْدِيُّ حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ سَعِيدٍ الْقَطَّانَ عَنْ شُعْبَةَ قَالَ حَدَّثَنِي الْحَكَمُ عَنْ ذَرٍّ عَنْ سَعِيدِ بْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ أَنْبَرِيٍّ عَنْ أَبِيهِ أَنَّ رَجُلًا أَتَى عُمَرَ فَقَالَ إِنِّي أَجْنَبْتُ فَلَمْ أَجِدْ مَاءً فَقَالَ لَا تُصَلِّ فَقَالَ عَمَّارٌ أَمَا تَذْكُرُ يَا أَمِيرَ الْمُؤْمِنِينَ إِذْ أَنَا وَأَنْتَ فِي سَرِيَّةٍ فَأَجْنَبْنَا فَلَمْ نَجِدْ مَاءً فَأَمَّا أَنْتَ فَلَمْ تُصَلِّ وَأَمَّا أَنَا فَتَمَعَّكَتُ فِي التُّرَابِ وَصَلَّيْتُ فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِنَّمَا كَانَ يَكْفِيكَ أَنْ تَضْرِبَ بِيَدَيْكَ الْأَرْضَ ثُمَّ تَنْفُخَ ثُمَّ تَمْسَحَ بِهِمَا وَجْهَكَ وَكَفَّيَكَ فَقَالَ عُمَرُ اتَّقِ اللَّهَ يَا عَمَّارُ قَالَ إِنْ شِئْتَ لَمْ أُحَدِّثْ بِهِ قَالَ الْحَكَمُ وَحَدَّثَنِي ابْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ أَنْبَرِيٍّ عَنْ أَبِيهِ مِثْلَ حَدِيثِ ذَرٍّ قَالَ وَحَدَّثَنِي سَلْمَةُ عَنْ ذَرٍّ فِي هَذَا الْإِسْنَادِ الَّذِي ذَكَرَ الْحَكَمُ فَقَالَ عُمَرُ تَوَلَّيْتَ

641/5. Саид ибн Абдураҳмон ибн Абзо розийаллоҳу анҳу оталаридан қилган ривоятда келтирилишича, бир киши Умар розийаллоҳу анҳу ҳузурларига келиб: «Мен жунуб бўлиб қолиб сув топа олмадим», деганида,

Умар розийаллоҳу анҳу: «Намоз ўқимагин», дедилар. Аммор: «Эй мўминлар амири, эслай олмайсизми? Мен ва сиз бир неча отлиқ билан ғазотдалигимизда жунуб бўлиб қолиб, сув топа олмадик. Сиз эса намоз ўқимадингиз. Лекин мен тупроққа ағанаб (яъни, таяммум қилиб) намоз ўқидим. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Икки қўлингни ерга уриб, сўнгра пуфлаб, кейин икки қўлингни юзинг ва кафтингга суртишинг кифоя қилади», дедилар», деб айтдилар. Умар розийаллоҳу анҳу: «Эй Аммор, Аллоҳдан қўрққин», дегандилар, Аммор розийаллоҳу анҳу: «Агар хоҳласангиз, уни гапирмайман», дедилар.

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган. Фақат Умар розийаллоҳу анҳунинг «Сен эга бўлган нарсани амалга оширамиз», деб айтган сўзлари зиёда қилинган.

642 - وَحَدَّثَنِي إِسْحَقُ بْنُ مَنْصُورٍ حَدَّثَنَا النَّضْرُ بْنُ شُمَيْلٍ أَخْبَرَنَا شُعْبَةُ عَنِ الْحَكَمِ قَالَ سَمِعْتُ ذُرًّا عَنِ ابْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ أَبِي قَالَ قَالَ الْحَكَمُ وَقَدْ سَمِعْتُهُ مِنْ ابْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ أَبِي عَنْ أَبِيهِ أَنَّ رَجُلًا أَتَى عُمَرَ فَقَالَ إِنِّي أَجَنَّبْتُ فَلَمْ أَجِدْ مَاءً وَسَاقَ الْحَدِيثَ وَزَادَ فِيهِ قَالَ عَمَّارُ يَا أَمِيرَ الْمُؤْمِنِينَ إِنِ شِئْتَ لِمَا جَعَلَ اللَّهُ عَلَيَّ مِنْ حَقِّكَ لَا أُحَدِّثُ بِهِ أَحَدًا وَلَمْ يَذْكُرْ حَدَّثَنِي سَلَمَةُ عَنْ ذُرِّ

642/6. Ибн Абдурахмон ибн Абзо розийаллоҳу анҳу оталаридан қилган ривоятда келтирилишича, бир киши Умар розийаллоҳу анҳу ҳузурларига келиб: «Мен жунуб бўлиб қолдим-да, сув топа олмадим...», деб юқоридаги ҳадисда келганидек айтиб, унинг давомида Аммор розийаллоҳу анҳунинг «Эй мўминлар амири, агар хоҳласангиз, (илмни яшириш сирасига кириб қолмасам, Аллоҳ сизга бўйсунимни менга вожиб қилгани учун) менинг устимда Аллоҳ буюрган ўша ҳаққингизни (адо этиб) уни бирор кишига гапирмайман», деб айтган сўзлари зиёда қилинган.

643 - قَالَ مُسْلِمٌ وَرَوَى اللَّيْثُ بْنُ سَعْدٍ عَنْ جَعْفَرِ بْنِ رَبِيعَةَ عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ هُرْمُزٍ عَنْ عُمَيْرِ مَوْلَى ابْنِ عَبَّاسٍ أَنَّهُ سَمِعَهُ يَقُولُ أَقْبَلْتُ أَنَا وَعَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ يَسَارٍ مَوْلَى مَيْمُونَةَ زَوْجِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حَتَّى دَخَلْنَا عَلَى أَبِي الْجَهْمِ بْنِ الْحَارِثِ بْنِ الصَّمَّةِ الْأَنْصَارِيِّ فَقَالَ أَبُو الْجَهْمِ أَقْبَلْ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنْ نَحْوِ بئرِ جَمَلٍ فَلَقِيَهُ رَجُلٌ فَسَلَّمَ عَلَيْهِ فَلَمْ يَرُدَّ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَيْهِ حَتَّى أَقْبَلَ عَلَى الْجِدَارِ فَمَسَحَ وَجْهَهُ وَيَدَيْهِ ثُمَّ رَدَّ عَلَيْهِ السَّلَامَ

643/7. Ибн Аббос розийаллоҳу анҳунинг қуллари Умайр розийаллоҳу анҳу ривоят қилинади. «Мен Маймуна розийаллоҳу анҳунинг қуллари Абдурахмон ибн Ясар розийаллоҳу анҳу билан учрашиб қолиб, Абулжаҳм



ибн Ҳорис ибн Симма Ансорий ҳузурларига кирдик. Абулжаҳм розийаллоҳу анҳу: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни кўриб қолдим. У зот Жамал номли қудуқ олдидан келаётганларида бир киши йўлиқиб Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга салом берди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эса саломга алик олмадилар-да, девор томонга юзланиб, (ундаги ғубордан) юзлари ва икки қўлларига суртиб, сўнгра саломига алик олдилар», деб айтдилар».

644 – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ نُمَيْرٍ حَدَّثَنَا أَبِي حَدَّثَنَا سُفْيَانُ عَنِ الضَّحَّاكِ بْنِ عُثْمَانَ عَنْ نَافِعٍ عَنِ ابْنِ عُمَرَ أَنَّ رَجُلًا مَرَّ وَرَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَبُولُ فَسَلَّمَ فَلَمْ يَرُدَّ عَلَيْهِ

644/8. Ибн Умар розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бавл қилаётганларида бир киши у зотнинг олдиларидан ўтаётиб салом берди. Лекин у зот алик олмадилар.

## 29-боб

### Мўмин киши нажас бўлмаслигига далил ҳақида

645 – حَدَّثَنِي زُهَيْرُ بْنُ حَرْبٍ حَدَّثَنَا يَحْيَى يَعْنِي ابْنَ سَعِيدٍ قَالَ حُمَيْدٌ حَدَّثَنَا ح وَحَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ وَاللَّفْظُ لَهُ حَدَّثَنَا إِسْمَاعِيلُ ابْنُ عَلِيَّةَ عَنْ حُمَيْدِ الطَّوِيلِ قَالَ حَدَّثَنَا بَكْرُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ عَنْ أَبِي رَافِعٍ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّهُ لَقِيَهِ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي طَرِيقٍ مِنْ طُرُقِ الْمَدِينَةِ وَهُوَ جُنْبٌ فَانْسَلَ فَذَهَبَ فَاغْتَسَلَ فَتَفَقَّدهُ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَلَمَّا جَاءَهُ قَالَ أَيْنَ كُنْتَ يَا أَبَا هُرَيْرَةَ قَالَ يَا رَسُولَ اللَّهِ لَقَيْتَنِي وَأَنَا جُنْبٌ فَكَرِهْتُ أَنْ أُجَالِسَكَ حَتَّى أَغْتَسَلَ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ سُبْحَانَ اللَّهِ إِنَّ الْمُؤْمِنَ لَا يَنْجُسُ

645/1. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Бу зот жунублик пайтларида Мадина кўчаларидан бирида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан кўришиб қолдилар. Аста-секин тисарилиб кетдилар-да, ғусл қилдилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эса Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳуни йўқотиб қўйдилар. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу қайтиб келганларида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эй Абу Ҳурайра, қаерда эдинг?» дедилар. Абу Ҳурайра: «Эй Аллоҳнинг расули, сиз мен билан учрашганингизда мен жунуб эдим. То ювиниб келмагунча сиз билан бирга ўтиришни ўзимга эп кўрмадим», дедилар. Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Субҳаналлоҳ (ажабланилганда шундай дейлади)! Албатта мўмин киши нажас бўлмайди», дедилар.

646 – وَحَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ وَأَبُو كُرَيْبٍ قَالَا حَدَّثَنَا وَكَيْعٌ عَنْ مَسْعَرٍ عَنْ وَاصِلٍ عَنْ أَبِي وَائِلٍ عَنْ حُذَيْفَةَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَقِيَهُ وَهُوَ جُنْبٌ فَحَادَ عَنْهُ فَاعْتَسَلَ ثُمَّ جَاءَ فَقَالَ كُنْتُ جُنْبًا قَالَ إِنْ الْمُسْلِمَ لَا يَنْجُسُ

646/2. Ҳузайфа розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Бу зот жунублик пайтларида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга йўлиқиб қолдилар. Бу зот аста-секин тисарилиб (кетдилар-да), фусл қилдилар. Сўнгра қайтиб келиб: «Мен жунуб эдим», дегандилар, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта мўмин киши нажас бўлмайди», дедилар.

### 30-боб

**Жунублик ҳолатида ва бошқа пайтларда ҳам Аллоҳни зикр этиш ҳақида**

647 – حَدَّثَنَا أَبُو كُرَيْبٍ مُحَمَّدُ بْنُ الْعَلَاءِ وَإِبْرَاهِيمُ بْنُ مُوسَى قَالَا حَدَّثَنَا ابْنُ أَبِي زَائِدَةَ عَنْ أَبِيهِ عَنْ خَالِدِ بْنِ سَلَمَةَ عَنِ الْبُهَيْيِّ عَنْ عُرْوَةَ عَنْ عَائِشَةَ قَالَتْ كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَذْكُرُ اللَّهَ عَلَى كُلِّ أَحْيَانِهِ

647/1. Оиша розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Бу онамиз: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам барча пайтларда Аллоҳни зикр қилаверардилар», дедилар.

### 31-боб

**Бетаҳорат овқат ейишнинг жоизлиги, бунда кароҳият йўқлиги ҳамда ҳожатхонадан чиқилган заҳотиёқ таҳорат шарт эмаслиги ҳақида**

648 – حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ يَحْيَى التَّمِيمِيُّ وَأَبُو الرَّبِيعِ الزَّهْرَانِيُّ قَالَ يَحْيَى أَخْبَرَنَا حَمَّادُ بْنُ زَيْدٍ وَقَالَ أَبُو الرَّبِيعِ حَدَّثَنَا حَمَّادُ عَنْ عَمْرٍو بْنِ دِينَارٍ عَنْ سَعِيدِ بْنِ الْحُوَيْرِثِ عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ خَرَجَ مِنَ الْخَلَاءِ فَأُتِيَ بِطَعَامٍ فَذَكَرُوا لَهُ الْوُضُوءَ فَقَالَ أُرِيدُ أَنْ أُصَلِّيَ فَأَتَوْضَأُ

648/1. Ибн Аббос розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳожатхонадан чиққанларида таом олиб келинди. Шунда у зот учун таҳорат қилиб олишлари эслатилди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Намоз ўқишни хоҳласам, ўша пайтда таҳорат қиламан», дедилар.

649 - وَحَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ حَدَّثَنَا سُوَيْبَانُ بْنُ عُيَيْنَةَ عَنْ عَمْرٍو عَنْ سَعِيدِ بْنِ الْحُوَيْرِثِ سَمِعْتُ ابْنَ عَبَّاسٍ يَقُولُ كُنَّا عِنْدَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَجَاءَ مِنَ الْغَائِطِ وَأُتِيَ بِطَعَامٍ فَقِيلَ لَهُ أَلَا تَوْضَأُ فَقَالَ لَمْ أُصَلِّ فَأَتَوْضَأُ

649/2. Ибн Аббос розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. «Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларида эдик. У зот ҳожатхонага (бориб) келдилар. Олдиларига таом қўйилди ва у зотга «Таҳорат қилиб олмайсизми?» дейилган эди, «Нима учун, намоз ўқирмидим? Агар намоз ўқийдиган бўлсам, таҳорат қиламан», дедилар».

650 - وَحَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ يَحْيَى أَخْبَرَنَا مُحَمَّدُ بْنُ مُسْلِمٍ الطَّائِفِيُّ عَنْ عَمْرٍو بْنِ دِينَارٍ عَنْ سَعِيدِ بْنِ الْحُوَيْرِثِ مَوْلَى آلِ السَّائِبِ أَنَّهُ سَمِعَ عَبْدَ اللَّهِ بْنَ عَبَّاسٍ قَالَ ذَهَبَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِلَى الْغَائِطِ فَلَمَّا جَاءَ قُدِّمَ لَهُ طَعَامٌ فَقِيلَ يَا رَسُولَ اللَّهِ أَلَا تَوْضَأُ قَالَ لَمْ أَلْصَلَاةَ

650/3. Абдуллоҳ ибн Аббос розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳожатхонага кетиб, қайтиб келганларида у зот учун таом тортиқ қилинди. Ҳамда: «Эй Аллоҳнинг расули! Таҳорат қилиб олмайсизми?» дейишганида, у зот: «Нимага, намоз учунми?» дедилар.

651 - وَحَدَّثَنِي مُحَمَّدُ بْنُ عَمْرٍو بْنِ عَبَّادِ بْنِ جَبَلَةَ حَدَّثَنَا أَبُو عَاصِمٍ عَنِ ابْنِ جُرَيْجٍ قَالَ حَدَّثَنَا سَعِيدُ بْنُ حُوَيْرِثٍ أَنَّهُ سَمِعَ ابْنَ عَبَّاسٍ يَقُولُ إِنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَضَى حَاجَتَهُ مِنَ الْخَلَاءِ فَقُرَّبَ إِلَيْهِ طَعَامٌ فَأَكَلَ وَلَمْ يَمَسَّ مَاءً

قَالَ وَزَادَنِي عَمْرٍو بْنُ دِينَارٍ عَنْ سَعِيدِ بْنِ الْحُوَيْرِثِ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قِيلَ لَهُ إِنَّكَ لَمْ تَوْضَأُ قَالَ مَا أَرَدْتُ صَلَاةً فَأَتَوْضَأُ وَزَعَمَ عَمْرٍو أَنَّهُ سَمِعَ مِنْ سَعِيدِ بْنِ الْحُوَيْرِثِ

651/4. Ибн Аббос розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳожатхонадан бўшаниб чиққанларида у зотга таом тортиқ қилинди. Ундан тановул қилиб сув ушламадилар.

Амр ибн Динор розийаллоҳу анҳу Саид ибн Ҳувайрис розийаллоҳу анҳудан қилган ривоятларида қуйидагилар зиёда қилинди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга: «Сиз овқатдан олдин таҳорат қилмадингиз-а?» дейилганида, у зот: «Мен намоз ўқишни хоҳламадим-да, агар хоҳласам, таҳорат қиламан», дедилар».

Амр розийаллоҳу анҳу Саиддан бу ҳадисни эшитганларини гумон билан айтдилар.

### 32-боб

#### Ҳожатхонага киришни хоҳлаганда айтиладиган нарсалар

652 - حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ يَحْيَى أَخْبَرَنَا حَمَّادُ بْنُ زَيْدٍ وَقَالَ يَحْيَى أَيْضًا أَخْبَرَنَا هُشَيْمٌ كِلَاهُمَا عَنْ عَبْدِ الْعَزِيزِ بْنِ صُهَيْبٍ عَنْ أَنَسٍ فِي حَدِيثِ حَمَّادٍ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا دَخَلَ الْخَلَاءَ وَفِي حَدِيثِ هُشَيْمٍ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ إِذَا دَخَلَ الْكَنْيفَ قَالَ اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنَ الْخُبْثِ وَالْخَبَائِثِ وَحَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ وَزُهَيْرُ بْنُ حَرْبٍ قَالَا حَدَّثَنَا إِسْمَاعِيلُ وَهُوَ ابْنُ عَلِيَّةٍ عَنْ عَبْدِ الْعَزِيزِ بِهَذَا الْإِسْنَادِ وَقَالَ أَعُوذُ بِاللَّهِ مِنَ الْخُبْثِ وَالْخَبَائِثِ

652/1. Анас розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам агар ҳожатхонага кирсалар (Ҳушаймнинг ривоятларида «тўсиб қўйилган жойга кирсалар» бўлиб келган), «Аллоҳумма инний аъзузу бика минал хубси вал хабоиси», деб айтардилар.

(Маноси: «Эй Раббим, эркак ва аёл шайтоннинг ёмонлигидан Сенинг номинг билан паноҳ тилайман».)

Бу ерда юқоридаги ҳадис такрор келган. Фақат «Сенинг номинг билан билан» ўрнига «Аллоҳнинг номи билан» бўлиб келган.

### 33-боб

#### Ўтириб ухлаган кишининг таҳорати бузилмаслигига далил ҳақида

653 - حَدَّثَنِي زُهَيْرُ بْنُ حَرْبٍ حَدَّثَنَا إِسْمَاعِيلُ ابْنُ عَلِيَّةٍ ح وَحَدَّثَنَا شَيْبَانُ بْنُ فَرُّوخٍ حَدَّثَنَا عَبْدُ الْوَارِثِ كِلَاهُمَا عَنْ عَبْدِ الْعَزِيزِ عَنْ أَنَسٍ قَالَ أُقِيمَتِ الصَّلَاةُ وَرَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَجِيٌّ لِرَجُلٍ وَفِي حَدِيثِ عَبْدِ الْوَارِثِ وَنَبِيُّ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُنَاجِي الرَّجُلَ فَمَا قَامَ إِلَى الصَّلَاةِ حَتَّى نَامَ الْقَوْمُ

653/1. Анас розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Намозга иқомат айтилди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эса бир киши билан хуфёна (яъни, пичирлаб) гаплашиб тураверардилар (Абдулвориснинг ривоятларида «Аллоҳнинг набийси бир киши билан пичирлашиб гаплашаётгандилар» бўлиб келган). Намозни адо этиш учун ўринларидан туравермадилар, ҳатто қавмдаги кишилар ухлаб қолишди.

654 - حَدَّثَنَا عُبَيْدُ اللَّهِ بْنُ مُعَاذِ الْعَنْبَرِيِّ حَدَّثَنَا أَبِي حَدَّثَنَا شُعْبَةُ عَنْ عَبْدِ الْعَزِيزِ بْنِ صُهَيْبٍ سَمِعَ أَنَسَ بْنَ مَالِكٍ قَالَ أُقِيمَتِ الصَّلَاةُ وَالنَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُنَاجِي رَجُلًا فَلَمْ يَزَلْ يُنَاجِيهِ حَتَّى نَامَ أَصْحَابُهُ ثُمَّ جَاءَ فَصَلَّى بِهِمْ

654/2. Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Намозга иқомат айтилганида Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бир киши билан пичирлашиб гаплашиб туравердилар. Улар гаплашишда бардавом бўлаверишганидан саҳобалар ухлаб қолишди. Кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг ҳузурларига келиб намоз ўқиб бердилар.

655 - وَحَدَّثَنِي يَحْيَى بْنُ حَبِيبٍ الْحَارِثِيُّ حَدَّثَنَا خَالِدٌ وَهُوَ ابْنُ الْحَارِثِ حَدَّثَنَا شُعْبَةُ عَنْ قَتَادَةَ قَالَ سَمِعْتُ أَنَسًا يَقُولُ كَانَ أَصْحَابُ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَنَامُونَ ثُمَّ يُصَلُّونَ وَلَا يَتَوَضَّئُونَ قَالَ قُلْتُ سَمِعْتُهُ مِنْ أَنَسٍ قَالَ إِي وَاللَّهِ

655/3. Қатода розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Бу зот: «Анас розийаллоҳу анҳунинг «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари ухлаб, сўнгра намоз ўқиб, таҳорат қилишмас эди», деб айтганларини эшитдим», деганларида, Шуъба розийаллоҳу анҳу: «(Ҳақиқатда) Анас розийаллоҳу анҳудан эшитдингизми?» дедилар. Шунда Қатода: «Ҳа, Аллоҳ номига қасам, эшитдим», дедилар.

656 - حَدَّثَنِي أَحْمَدُ بْنُ سَعِيدٍ بْنُ صَخْرٍ الدَّارِمِيُّ حَدَّثَنَا حَبَّانُ حَدَّثَنَا حَمَّادٌ عَنْ ثَابِتٍ عَنْ أَنَسٍ أَنَّهُ قَالَ أُقِيمَتِ صَلَاةُ الْعِشَاءِ فَقَالَ رَجُلٌ لِي حَاجَةٌ فَقَامَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُنَاجِيهِ حَتَّى نَامَ الْقَوْمُ أَوْ بَعْضُ الْقَوْمِ ثُمَّ صَلَّوْا

656/4. Анас розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Хуфтон намозига иқомат айтилганида бир киши ишим чиқиб қолди, деди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам эса ўринларидан туриб (бир киши билан) пичирлашиб гаплашиб туравердилар. Ҳатто қавм ёки қавмдаги баъзи кишилар ухлаб қолдилар. Сўнгра (туриб) намоз ўқишди.

(Бизнинг ҳанафий мазҳабимизда агар киши бирор нарсага суяниб ухлаб қолса-да, ўша суянган нарсасини олиб қўйилганда йиқилиб тушса, таҳорати бузилади. Агар суянмай ухласа, таҳорати бузилмайди... – тарж.)

Аллоҳнинг ёрдами билан «Саҳиҳ Муслим»нинг биринчи қисми шу ерга келганда ниҳоясига етди. Иншааллоҳ, иккинчи қисмини «Намоз китоби»дан бошлаймиз.

